


Р. ШАМСУТДИНОВ

Ш. КАРИМОВ

Ў. УБАЙДУЛЛАЕВ



**ВАТАН ТАРИХИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

---

**Рустамбек Шамсутдинов,  
Шоди Каримов,  
Ўктамжон Убайдуллаев**

# **ВАТАН ТАРИХИ**

**(XVI—XX аср бошлари)**

**И к к и н ч и к и т о б**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси  
Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан нашрга  
тавсия этилган*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2003

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р: тарих фанлари доктори,  
профессор **Қ. Усмонов**

Т а қ р и з ч и л а р: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
тарих фанлари доктори, профессор **И. Алимов**,  
тарих фанлари доктори **Ҳ. Содиқов**, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тарих  
фанлари номзоди, доцент **П. Исроилов**,  
тарих фанлари номзодлари **М. Содиқов**,  
**М. Жўраев**, **А. Яхшиев**.


Мазкур китоб 1997 йилда нашр этилган «Ватан тарихи» (Биринчи китоб) ўқув қўлланмасининг давоми бўлиб, унда Ўзбекистон тарихшунослиги тараққиётининг ҳозирги босқичдаги ютуқларига ҳамда миллий истиқлол ғоясига асосланган ҳолда Ватанимиз тарихининг Шайбонийлар давлатининг ташкил топишидан то XX аср бошларигача бўлиб ўтган муҳим воқеалари ёритилган. Китобда Шайбонийлар, Аштархонийлар, ўзбек хонликлари, Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинishi, ўлкадаги мустамлака ҳукмронлиги, мустамлакачиликка қарши кураш, демократик ва миллий-озодлик, жадидчилик ҳаракатлари хилма-хил ҳужжатли манбалар асосида акс эттирилган.

Китобдан университетлар, педагогика институтлари тарих факультетлари талабалари, шунингдек, Ватанимиз тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

**Шамсутдинов Р.** ва бошқ.

Ватан тарихи (XVI—XX аср бошлари): К.2.: (Муаллифлар: Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов, У. Убайдуллаев; Масъул муҳаррир: Қ.Усмонов.—Т.: «Шарқ», 2003, 352 б.

Сарлавҳада: ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бобур номидаги Андижон Давлат Университети.



## МУҚАДДИМА

Азиз ва муҳтарам илм толиби !

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганлиги туфайли жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, маънавий турмушимизда ҳам чуқур сифат ўзгаришлари, тикланиш ва янгила-ниш жараёнлари жадал суръатларда содир бўлмоқда. Мазкур жараён таълим тизимини ҳам қамраб олди ва бу тизимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати мақомини касб этди.

Ушбу тарихий ютуғимизнинг маънавий негизини мустаҳкамлаш ўзбек халқи танлаб олган ўзига хос йўлни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли омилларидан бири эканлиги шак-шубҳасиз. Бу муҳим тарихий вазифани—мустақилликнинг маънавий асосларини қарор топтириш ва янада мустаҳкамлашда Сиз ёшларни маънавий камолотга етказиш, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, ҳозирги замон илмий билимлари билан қуроллантириш фавқулодда катта аҳамият касб этади. Шу боис давлатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бу ҳақда тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги бежиз эмас, албатта. «...**Ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак. Шунга кўра Ватан тарихи ва маданияти, жуғрофияси ва иқтисодиётини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб олий ўқув юрғларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи лозим**»<sup>1</sup>.

Бироқ, мустақиллигимизнинг дастлабки пайтлари-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 38-бет.

да бу муҳим таълим-тарбиявий вазифани кенг кўламда самарали ҳал қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитларимиз бирмунча чекланган эди. Нафақат Ўзбекистоннинг бой тарихини янгича идрок этиш, балки янги миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва уни фуқароларимиз, айниқса ёшларимиз онгида қарор топтириш ишига хизмат қилишга даъват этилган Ватан тарихимизнинг ўзи жиддий янгилиниши лозим эди. Мустақил Ўзбекистоннинг илмий-назарий жиҳатдан пухта асосланган янги тарихига талаб ортиб борди ва бу талаб пайсалга солинмай қондирилиши зарур эди. Яна бир етилган эҳтиёжнинг тез орада ҳал этилиши тақозо этилди—тарих фанимиз янгилиниши ва ривожининг мустақкам таянчи сифатида унинг ягона концепцияси яратилиши керак эди. Бу долзарб муаммонинг ечилиши зарурлиги Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йилнинг июнида бир гуруҳ тарихчи олимлар, ижодий ходимлар ва журналистлар билан бўлган суҳбатида уқтирилган эди. Суҳбатда юртбошимиз бу масалага эътиборни жалб этиб бундай деган: **«Назаримда ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндошув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда яхлит концепция йўқ. Ўзликини англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»<sup>1</sup>.**

Мазкур суҳбатда юртбошимиз бой, бетакрор тарихимизнинг узоқ ва яқин даврлари, босқичлари, долзарб муаммолари ҳақида муҳим методологик аҳамиятга молик ғояларни илгари сурди ва таърифлаб бердики, уларнинг барчаси Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган рисоласида ўз ифодасини топди. Бу асарда тарихшунослигимизнинг аҳволи таҳлил этилган, унинг ривожланиш истиқболлари белгилаб берилган, ёшларни Ватан тарихини чуқур билиш билан қуроллантиришнинг долзарб вазифалари, янгича ёндошув ва методологик тамойиллар муносиб ўрин олган. Ҳозирги кунда Президентимизнинг ушбу асари тадқиқотчилар учун ҳам, тарих таълими бераётганлар учун ҳам муҳим дастуриламал ва методологик асос сифатида самарали хизмат қилмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 134-бет.

Ислом Каримов саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази»нинг ташкил топиши, Фанлар академияси Тарих институтига янги мақом берилиши, 1996 йил 16 декабрда Президентимиз имзолаган «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида»ги фармони ва унга асосан 3 жилдлик Ўзбекистон янги тарихининг яратилиши ҳам Ўзбекистон тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш ишига таъсир кўрсатди.

Тарих таълими ҳақида, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишнинг сифатини ошириш тўғрисида сўз кетганда бу соҳага ижобий таъсир кўрсатаётган яна бир омилни ҳам қайд этиб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти ҳузурида Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини ўрганиш» Республика илмий семинари фаолият кўрсатиб турибди. Махсус комиссия тайёрлаган ва маъқуллаган «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси» ўзбек халқи давлатчилиги тарихини яратишга муносиб ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу муҳим ҳужжат ўзбек халқи ва унинг миллий давлатчилигининг ҳаққоний тарихини яратиш, халқимизда, айниқса ёш авлодда тарихий хотира ва тафаккурни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Жамиятимиз маънавиятини юксалтиришга устувор йўналиш берилаётганлигининг асл боиси ҳам шундаки, ҳар томонлама тарбия кўрган, маърифатли, маънавияти юксак, миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси ғояларини ўз онгида қарор топтирган комил инсонларни вояга етказиб бориш кўп жиҳатдан маънавият соҳасидаги саъй-ҳаракатлар тизимида ёшларга, талабаларга тарих таълими бериш, Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш, бу фандан таълим бериш сифатини давр талаблари даражасига кўтариш алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан мустақиллик йилларида бу борада қатор муҳим тадбирлар амалга оширилдики, улар ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бевосита ғамхўрлиги ва эътибори самараси ўлароқ Ўзбекистон тарихини фан сифатида ривожлантириш ва уни ўқитишни замон талаблари асосида ташкил этиш соҳасида эътиборга лойиқ бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда. 1996 йилда

«Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» яратилди ва тарих таълими жараёнида қўлланила бошланди. Мазкур концепция Ўзбекистон тарихини фан сифатида ўқитишни янада яхшилашда муҳим босқич бўлди.

Ана шу концепция асосида Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим ва бошқа турдаги мактаблар, лицейлар, коллежлар ва гимназиялар учун Ўзбекистоннинг янги тарихидан ўқув дастурлари тайёрланиб синовдан ўтказилди. Давлат Концепцияси ва ўқув дастурларининг яратилиши, айниқса миллий истиқлол мафкурасининг шакллантирилиши борасида эришилган ютуқлар ўз навбатида Ўзбекистон тарихи бўйича дарслик ва бир қатор ўқув қўлланмаларининг яратилиши учун зарур имкониятлар вужудга келтирди. Бу имкониятлар тарихшунос олимлар, етакчи педагоглар томонидан «Ўзбекистон тарихи» (мактаб дарсликлари) ва «Ватан тарихи» (Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган ўқув қўлланма) кабиларни яратишга олиб келди. Дарслик ва қўлланмаларнинг яратилиши Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишни янги савияга кўтаришга катта рағбат бўлди.

Кейинги йиллар мобайнида Ватанимиз тарихини ўрганишга нисбатан тобора ўсиб бораётган қизиқиш ва интилишни ҳисобга олиб кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжаллаб Ўзбекистон тарихидан энг зарур билим ва маълумотлар берувчи бир қатор оммабоп қўлланма ва китоблар яратилдики, булар жумласига «Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома» (Тошкент, 2000) ва «Ўзбекистон тарихи. Маърузалар тўплами» (Тошкент, 2000), «Ўзбекистон тарихи». 1-қисм (Тошкент, 2002), «Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртларининг номуахассис факультетлари талабалари учун дарслик» (Тошкент, «Янги аср авлоди», 2003) кабиларни кириштириш мумкин. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, тарихчи олимлар тарихимизнинг ҳали яхши тадқиқ этилмаган саҳифаларини янгича ёндошувлар асосида ёритган тадқиқотлар яратиш, янги тарихимизни яратишга, Ўзбекистон тарихи фанини олий ўқув юртларида, айниқса уларнинг тарих факультетларида ўқитишни такомиллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшишмоқдалар. Бу ўринда муаллифлар жамоалари томонидан яратилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг учта

китобини<sup>1</sup>, «Ўзбек давлатчилиги тарихи», «Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости», «Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи», «Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш» каби китобларни кўрсатиб ўтиш зарур.

Ватан тарихини чуқур билиш ва ўрганишга азму қарор этган Сиз талабаларнинг назаридан бу янги тарихий тадқиқотлар четда қолмас. Зеро, улар бой ўтмишимиз, жараёнларнинг жўшқин силсилалари тизимидан иборат тарихимизнинг ҳаққоний илмий манзарасини берувчи билим манбаларидир. )

Шу нарса аёнки, таълим тизимимиз, шу жумладан, тарих таълими бериш янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқдаки, бу ҳол Ўзбекистон тарихидан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, илмий-оммабоп асарларни вақти-вақти билан янгилаб, бойитиб ва такомиллаштириб туришни зарур қилиб қўяди. Дарҳақиқат, тарих таълими самарадорлигини ошириш манфатлари, талабаларни тарих илми билан тарбиялаш, улар онгида миллий истиқлол мафқураси ва унинг энг муҳим ғояларини шакллантириш зарурияти ана шу ишни амалга оширишни тақозо этади.

Чиндан ҳам Ўзбекистон тарихи фани янгиланиш, ўсиш, ривожланиш жараёнини бошдан кечириётган экан, бу фандан ўқиладиган маърузалар, яратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари вақти-соати билан янгиланиб туриши, янгиликлар ва тарихшунослигимиз эришадиган кейинги ютуқларни ўзларида акс эттириб боришлари лозим. Мазкур китоб муаллифлари уни яратишга жазм этар эканлар, ана шу ҳолни назарда тутганлар. Китоб Ватанимиз тарихининг фавқулодда катта, моҳиятан ғоят муҳим ва бой саҳифасини ёритишга бағишланадики, бу давр қиёфасини ифода этувчи мавжуд адабиётларнинг барчаси ҳам тарих фанимизнинг кейинги ютуқларини акс эттириб улгурганича йўқ. Модомики шундай экан, янги дарслик ва ўқув қўлланма-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамакчилиги даврида. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамакчилиги даврида. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент, 2000.



ларини, илмий-оммабоп асарларни яратиб, бу ютуқларни акс этдириб, талабаларга етказиш долзарб аҳамият касб этади.

Шу тахлитдаги қўлланмалар нашр этилишини зориқиб кутаётган, тарихий билимларга чанқоқ талабалар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу китоб яқин йилларга қадар коммунистик ғоя ва мафкура сингдириб яратилган тарихий адабиётларга хос сохталаштириш ва бузишлардан тамомила холис бўлишга, тарихшунослигимизнинг янги методологияси ва шу асосда эришилган янги ютуқлари асосида дунёга келди. Уни яратишда тарихий ҳужжатларни, воқеаларни умумий ва ортиқча шарҳловчи тафсилый изоҳловчи қуруқ сўзлар билан кўмиб юбормасликка ҳаракат қилинди.

Муаллифлар мумкин қадар манбалар маълумотномаларидан йироқлашмасликка ва имкон борича тарихий ҳақиқатни аниқ-равшан ва холисона ёритишга интилдилар. Шунини ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, бундан авваллари дунё кўрган тарихий адабиётларда бизнинг тадқиқот объектимиш бўлган мавзуларни ёритишда камроқ фойдаланилган ёки умуман фойдаланилмаган қўлёзмалар, архив ҳужжатлари ва айниқса миллий муаррихларимиз ҳамда рус матбуоти маълумотларидан фойдаланилди.

Китобда Ватанимиз тарихининг XVI асрдан, яъни шайбонийлар сулоласи давридан то 1917 йилгача бўлган даврнинг муҳим саҳифалари ёритилади. Шубҳасиз, бир китоб доирасида қўйилган қатор жиддий вазифаларни бирор нуқсон ва камчиликларсиз, талаб даражасида ёритиб бериш мушкул бир юмушдан иборат бўлишига қарамасдан уларни баҳолиқудрат амалга оширишга ҳаракат қилинади.

## XVI VA XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ

### 1. Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши

Буюк Амир Темур томонидан Олтин Ўрдага берилган кучли зарба бир вақтлар қудратли бўлган давлатнинг заифлашуви ва парчаланиб кетишига сабаб бўлган асосий омиллардан биридир. Унинг ўрнига Волганинг ўрта ва қуйи оқимида Қозон ва Аштархон ҳамда Туркия ҳукмронлиги остидаги Қрим ярим оролида Қрим хонликлари вужудга келди. Ўз навбатида Амир Темур вафотидан сўнг унинг авлодлари ўртасида ўзаро урушлар Амир Темур асос солган буюк салтанатнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлди ва шимолдан келган кўчманчи қабилаларнинг бу ерларни осонликча эгаллаб олишлари учун қулай имкониятлар яратди.

XV асрнинг 20-йилларида Дашти Қипчоқда кўчманчи қабилалар ўртасида олиб борилган ўзаро жангларда Абулхайрхон бошчилигидаги Шайбонийлар номи остида уруғ тарих майдонида чиқди. Абулхайрхон 1428 йилда хон этиб сайланди ва қирқ йил (1428—1468) ҳукмронлик қилди. У Сирдарёнинг қуйи оқимида Сигноқ, Оққўрғон, Арқўк, Ўзган каби шаҳарларни эгаллаб олди ва бу ҳудудлардан доимо Мовароуннаҳрга таҳдид солиб турди. Хусусан, Абулхайрхоннинг набираси Шайбонийхон Муҳаммад Шоҳбахт (1500—1510) даврида бу давлат анча мустаҳкамланди ва ҳудудлари кенгайди. Шайбонийхон 1451 йилда туғилган. Абулхайр вафот этгач, унинг ўғли Шайх Ҳайдарга қарши қўзғолон бўлиб, у ўлдирилган. Шайх Ҳайдарнинг ўғиллари Шайбонийхон ва Маҳмуд Султонни яқин кишилари Аштархон хони Қосимнинг саройига олиб бориб яширганлар. Бундан хабар топган султонлар ўз қуроллари Қосимга қарши қаратганлар. Аммо шаҳзода Муҳаммад Шайбоний ўз укаси билан қамал қилинган Аштархондан омон-эсон чиқиб Дашти Қипчоққа етиб келган. Бу ерда у бир неча юз кишидан иборат қўшин тузиб ўз оиласининг Дашти Қипчоқдаги ҳокимиятини тиклаш

учун кураш олиб боради. Бу курашнинг дастлабки босқичида темурийлар Шайбонийхонга катта ёрдам ва мадад берганлар. Тарихий манбаларда Шайбонийхон ўз укаси билан бир неча марта темурий шаҳзодалар—Туркистон ва Ўтрорни идора қилган ноиб Муҳаммад Мозид тархон, Самарқанд ҳокими Аҳмад Мирзолар хузурларига келганда яхши кутиб олганликлари ва ҳомийлик қилганликлари кўрсатилади. Шайбонийхон бир неча вақт Бухорода ҳам яшаган ва Дашти Қипчоққа бориб келиб турган. Бухорода бўлганида Шайбонийхон маърифатдан сабоқ олган, илм ва шеърятни севиб ўрганган.

Сигноқ шаҳри (Қизил Ўрдага борадиган йўлдаги Туман-Ариқ деган собиқ почта бекатига 10 км етмасдан, Сигноқ шаҳрининг харобалари ҳозир ҳам мавжуд) Шайбонийхонга жангсиз таслим бўлган. Манғит ҳокими Мусо-Мирзо (Нўғай)нинг ёрдами эвазига Шайбоний қозоқлар хони Бурундукхонни (1481—1511) тормор қилади. Аммо кейин ўзи қаттиқ зарбага учраб, Манғишлоқ яримролига қочади.

Самарқанд ҳокими Аҳмад Мирзо мўғулларнинг тинимсиз қилиб турган ҳужумидан тинкаси қуриб Шайбонийга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шу баҳона билан Шайбонийхон 1488—1504 йилларда Мовароуннаҳрга бир неча марта юришлар қилади ва бирин-кетин Ўтрор, Ясси (Туркистон), Бухоро, Самарқанд ҳамда Фарғона худудларини эгаллаб олади.

## **2. Шайбонийхон ва Бобур Мирзонинг ўзаро муносабатлари**

Темурийлар сулоласининг номини жаҳонга таратган вакилларида бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У 1483 йилда Андижонда туғилган. Бобур Мирзо Умаршайхнинг ўгли, Султон Абусаиднинг невараси, Султон Муҳаммаднинг чевараси, худлас. Амир Темурга бешинчи авлод эди. Унинг отаси Умаршайх Мироншоҳнинг набираси бўлган. Бобур Мирзонинг онаси Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди.

1469 йилда Султон Абусаид фожеасидан сўнг темурийлар салтанати яна икки қисмга бўлиниб кетганлиги тарихдан маълум. Мовароуннаҳрда Султон Абусаид авлодлари навбат билан ҳукм сурдилар. Даст-

лаб унинг ўгли Султон Аҳмад (1469—1494), сўнгра Султон Маҳмуд ва ниҳоят Маҳмуднинг ўгли Султон Али (1494—1501) мустақил ҳукмронлик қиладилар. Фарғонада Умаршайх ҳокимлик қилар эди. Бу ҳукмдорлар орасида айниқса Султон Аҳмад ўқувсиз, сусткаш бўлган. Унинг даврида сиёсий тарқоқлик ва тожу тахт учун кураш авжига чиққан. 1494 йилда Султон Аҳмад Мирзо Мўғулистон хони Султон Маҳмуд билан ўзаро иттифоқ бўлиб, лашкарларини Фарғонага юборган бир пайтда Умаршайх фожеали ҳалок бўлади. Бу даврда Бобур Мирзо эндигина 12



Заҳириддин Муҳаммад  
Бобур.

ёшга тўлган эди. У валиаҳд сифатида тахтга ўтиради (1494 йил июнь). Ёш ва тажрибасиз Бобур Мирзо юқори табақа вакиллари ўртасида авжига миндирилган сиёсий тарқоқлик курашига истар-истамас ва чорасиз аралашини мажбур бўлади. У улў соҳибқирон бобоси давлатини бирлаштиришни ўзининг эзгу нияти деб билар эди. Ана шу эзгу мақсад билан ҳаракат қилган Бобур Мирзо бошчилигидаги Андижон кўшинлари 1497 йилда Самарқандни эгаллайдилар. Заҳириддин Бобур бобоси Амир Темурнинг расмий пойтахти Самарқандда бор-йўги юз кунгина ҳукмронлик қилади, холос. У тез орада Андижонга қайтишга мажбур бўлади. Бунини муаррихлар ҳар хил сабаблар билан шарҳлайдилар. Биринчи сабаби, Самарқанд узок вақт қамал қилинганлиги оқибатида шаҳарда озиқ-овқат танқислиги кучайган. Иккинчи сабаби эса, Бобур Мирзонинг йўқлигидан фойдаланган маҳаллий ҳукмдорлар Андижонда кўзголон кўтардилар ва шаҳарни қўлга оладилар. Бобур Мирзо Андижондаги ўзбошимча тўралар танобини тортиб қўйиш мақсадида Самарқанддан чиқиб Андижон сари отланади. Самарқанд ёш шаҳзода хотирасида жуда чуқур из қолди-

ради. Бу Бобур Мирзонинг Мовароуннаҳр пойтахтига биринчи бор қадам қўйиши эди.

1498 йилда Бухорода турган темурийлардан бўлмиш Султон Али Самарқандга кириб келади. Унинг ихтиёрида қуролли куч деярли йўқ бўлиб, у амирлар қўлида шунчаки бир қўғирчоқ эди, холос. Мамлакатдаги бундай бош-бошдоқлик, бошқарув тизимининг тез-тез бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиб туриши, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи Мовароуннаҳр тупроғидан темурийларни суриб чиқаришни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйган бошқа бир туркий қабила—Дашти Қипчоқдаги чорвадор ўзбеклар номи билан аталувчи қавм ва қабиаларнинг Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида бу ҳудудларни эгаллаб олишларига ёрдам берди. Муҳаммад Шайбонийхон 1500 йилда Самарқандни жангсиз эгаллайди. У шаҳарни талайди, темурий шаҳзодаларни қиличдан ўтказди. Шу жумладан, Султон Али Мирзо ва Хўжа Яҳё (Хўжа Аҳрор Валининг ўғли) ҳам қатл этилади. Аҳолига катта ва оғир солиқлар солинади. Бу ҳол Самарқанд шаҳри аҳолисининг норозилик қўзғолонига сабаб бўлади. Қўзғолонга Абулмакарим бошчилик қилади. Шайбонийхон Самарқандни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Шаҳар аҳли 19 ёшли Бобур Мирзони Самарқандга чорлаб, шаҳар дарвозаларини унга очиб берадилар. Шайбонийнинг Самарқанд шаҳрида қолдириб кетган 600 кишидан иборат аскарлари кириб ташланади.

Бобур Мирзо шоҳ этиб кўтарилади. Самарқанд туманлари, Қарши, Ғуздор ҳудудлари ҳам Бобур Мирзо ҳукмронлигини тан олади. Самарқандда содир бўлган воқеалардан хабар топган Муҳаммад Шайбонийхон Туркистон атрофларидан катта қўшин тўплаб яна Самарқанд сари юради. Бу даврда Самарқандда оғир вазият вужудга келган эди. Қурғоқчилик туфайли шаҳар озиқ-овқат ва ем-хашак тансиқлигига учрайди. Натижада Бобур Мирзо ўз лашкарларининг бир қисмини тарқатиб юборишга мажбур бўлади. У оз сонли қўшин билан қолган эди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон ҳужум бошлайди. Бобур Мирзо Кеш, Тошкентдан келаётган ёрдамчи кучларни кутмасдан жангга киради. Зарафшон қирғоғида бўлган жангда Бобур Мирзо енгилади ва Самарқандда яширинади. Шайбонийхон Самарқандни узоқ вақт қамал қилади. Шаҳарда мисли кўрилмаган оғир аҳвол юзага келади. Бобур Мирзо оч-яланғоч қол-

ган Самарқандни ярим тунда ташлаб Тошкент томон отланади. У тоғаси Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон ҳузурига Самарқандни қайтариб олишда ёрдам сўраб боради. Бироқ Муҳаммад Шайбонийхон Бобур Мирзо, Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмаднинг бирлашган қўшинларини яксон қилади. Бобур Мирзо бундай вазиятда Мўғулистонга қочишдан бошқа чора топа олмайди. Бу даврда Андижон ҳам шайбонийлар томонидан эгалланган эди. Муҳаммад Шайбонийхон 1503 йилга келиб бутун Мовароуннаҳрни эгаллаб, Хуросонни қўлга киритиш мақсадида тайёргарлик кўраётган эди. Бобур Мирзо 1504 йилга қадар Мўғулистон ва Мовароуннаҳр ерларида қувғинда юради ва ниҳоят оз сонли лашкар билан Ҳисор тоғларидан ошиб, Қобул шаҳрини эгаллайди. У бошидан жуда оғир кунларни ўтказди. Бобур Мирзонинг қизи Гулбаданбегим (1523—1603) ўзининг «Хумоюннома» асарида бундай деб ёзган эди: «Тўлиқ 11 йил давомида Мовароуннаҳр ўлкасида, чигатой, темурий ва ўзбек султонлари билан шундай жанглар ва мудоффалар қилдиларки, уларнинг саноғини батафсил баён қилишга қалам ожиз ва нуқсонлидир. Охири ҳамроҳлари ва қариндошлари бўлиб, жаъми 250 га яқин киши, пиёда, елкаларида чопон, аёқларида чорик, қўлларида таёқ бўлгани ҳолда беяроғ, худога таваккал қилиб Бадахшон ва Қобулга қараб йўл олдилар»<sup>1</sup>.

Бобур Мирзо Афғонистондаги тарқоқ қабилаларни бирлаштирди. Қобулдан сўнг Фазна эгалланди. Қобул Бобур Мирзо давлатининг пойтахти эди. У 1508 йилда расмий суратда ўзини Афғонистон давлатининг подшоси деб эълон қилди. Ҳатто Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро Бобур Мирзо билан биргаликда Муҳаммад Шайбонийхонга қарши жангга отланишга ўзаро келишиб олган эди. Фақат Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг кутилмаган бевақт ўлими бу режанинг амалга ошувига имкон бермайди. Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳр, сўнг Хуросонни эгаллаб, бу ҳудудларни темурийлардан тортиб олади.

### 3. Шайбонийхон ва Шоҳ Исмоил

Шайбонийхоннинг жануб томон илгарилаб бораётганлигини Эрон шоҳи Исмоил I зийраклик билан ку-

<sup>1</sup> Гулбаданбегим. Хумоюннома. 1959, 24—25-бетлар.

затиб турар ва бу ҳаракат унинг гашини келтираётган эди. Шоҳ Исмоил билан Шайбонийхоннинг тўқнашув-ви аниқ бўлиб қолади. Эрон ҳукмдори Исмоил Ардабелъ шаҳридаги сўфийлар хонадонидан эди. У Озарбайжондаги турк қабилалари кўмагидан фойдаланиб унча катта бўлмаган, бироқ кучли ва тартиб-интизомли қўшин тузаолди.

1510 йилда Сирдарё бўйларида мўғуллар билан қозоқларнинг бирлашган кучлари билан жанг қилган Шайбонийхон 17 минг кишилик қўшини билан Марвга кириб Мовароуннаҳрдан келадиган ёрдамни кутади. Бундан хабар топган Шоҳ Исмоилнинг 70 минг кишилик қўшини Марв кўрғонини қуршовга олади. Бироқ Шайбонийхон томонидан қаттиқ мудофаа қилинган шаҳарни қўлга ололмаган Исмоил ҳийла ишлатади ва орқага чекинаётиб Шайбонийга: «Агар мард бўлсанг, ташқарига чиқиб, мен билан майдонда олишасан», дейди. Эркаклик ва мардлик ғурури тутган Шайбонийхон оз сонли қўшин билан Исмоилни орқасидан қувлашга тушади. Эронлик сафовийлар Марв яқинидаги Мурғоб дарёси қирғоғида, Таҳриробод деб аталган жойда дарё устидаги кўприкларни бузиб, шайбонийларни тузоққа туширадилар. Кўп ўзбек саркардалари қириб ташланади. Мағлубиятга учраб яраланган Шайбонийхон яқин бир қишлоққа чекинади. Эронликлар Шайбонийхонни қўлга олиб 1510 йил 12 декабрда унинг бошини танасидан жудо этиб, найза учига илиб қўядилар. Заки Валидий Тўғоннинг ёзишича, Шоҳ Исмоилнинг буйруғи билан Шайбонийхоннинг бош суягидан шароб қадаҳи ясалади ва у олтин билан безатилиб, Миср султони Кансу Гаврига совға сифатида юборилади. Чунки Кансу Гаври ҳам Шайбонийхон сингари сунний мазҳабида эди ва уни жуда севарди<sup>1</sup>. Араб тарихчиси Ибн Аёс «Бадойй ўз-зухур» номли асарига келтиришича, Шайбонийхоннинг бош суягидан ясалган қадаҳ устига Шоҳ Исмоил куйидаги сатрларни ёздирган экан:

Алсайф вал-ханжар райҳонано,  
Туф аъло алмаржис вал-ас.  
Мудоминоман дам аъдонно,  
Вахасно жумжуматуъал-рас!

<sup>1</sup> Аҳмад Закий Валидий. Бугунги турк эли (Туркистон ва яқин тарихи). Истамбул, 1981, 2-нашри, 55—56-бетлар.

Арабча бу сатрларнинг маъносини қуйидагича шарҳ-  
лаш мумкин:

Қилич ва ханжар бизнинг ҳидимиздир,  
«Туф» бўлсин наргиз ва сумбулимизга.  
Душманнинг қони ичкилигимиздир,  
Айлансин бош суяк қадахимизга!

Шайбонийхоннинг бош суягидан ясалган тилла қадахнинг Мисрга етиб келиши сунний мазҳабидаги аҳоли ўртасида катта норозилик уйғотди. Миср султони Кансу Гаври ўша бош суякни катта ҳурмат билан кўмдиради. Яна Ибн Аёснинг айтишича, 200 дан ортиқ мисрлик шоир Шоҳ Исмоилнинг юқорида келтирилган шеърий тўртлигига қарши жавоб шеърий тўртликлар ёзадилар. Масалан, Шайх Носуриддин Таҳҳан қаламига мансуб шеърий жавоб тўртликнинг ўзбекча таржимаси қуйидагичадир:

Ғар ҳидлаб юрсанг хушбўй нарсаларни  
Кўпайтирарсан мудҳиш қўрқувларни.  
Жангда душманни ўлдириш шарафдир,  
Фақат ит ялайди бош суякларни!

Шайбоний тақдиридан воқиф бўлган Бобур Мирзо қалбида Шоҳ Исмоил ёрдамида Мовароуннаҳрни қайтадан эгаллаш умиди пайдо бўлади. Ана шу эзгу ниятда у Шоҳ Исмоил элчисини Қобулда жуда очиқ чеҳра билан кутиб олади. Исмоил элчилари Бобур Мирзога совға тариқасида шиалар одатига кўра ўралган салла қалпоқни тортиқ қиладилар. Бу албатта, дипломатия ўйини эди. Атрофдагиларнинг нигоҳи Бобур Мирзога қадалган: наҳотки Бобур Мирзо ўзи сунний бўлатуриб шиалар қалпоғини кийса... Шу пайт элчилар Шоҳ Исмоил Бобур Мирзога биргаликда Самарқандга қўшин тортишни таклиф қилганлигини айтадилар. Бобур Мирзо Шоҳ Исмоил таклифини қабул қилади ва дипломатик маҳоратини ишга солиб: «Иншооллоҳ, Самарқандни эгалласак бу қалпоқни киямиз», деб огир вазиятдан чиқиб кетади. Чунки агар шу пайтда у қалпоқни кийганида барча суннийлар Бобур Мирзодан юз ўғирар эдилар. Шоҳ Исмоил ўзаро келишувга асосан Самарқанд тахти учун курашда Бобур Мирзога ҳар томонлама ёрдам беради. У Бобур Мирзони қуроллантиради, унга сипоҳлар бериб жангга отлантиради. Бобур Мирзо 1512 йилда Шоҳ Исмоил ёрдамида Самарқанд-



ни қўлга киритади. Аммо бу сафар Самарқанд аҳолиси Бобур Мирзони қўллаб-қувватламади. Халқ уни бу гал шиддатли ҳукмдор авлоди, кўрқмас саркарда, халқ-парвар шоир ва мутафаккир аввалги Бобур Мирзо деб эмас, балки Шоҳ Исмоилнинг қўғирчоқ гумаштаси, Самарқанд сунний аҳолисининг назарида мансаб, ҳокимият учун ҳар нарсага тайёр, ўз элидан, динидан қайтган шиалар хизматкори сифатида қабул қилади. Бунга Бобур Мирзонинг йўл қўйган хатолари ва нотўғри хатти-ҳаракатлари асосий сабаб бўлади. У Самарқандни эгаллагач, Шоҳ Исмоилни олий ҳоким деб эълон қилади. Шия имомлари номи билан тангалар зарб қила бошлайди, Мовароуннаҳрни Эрон манфаатларига буйсундиради.

Албатта, бу ҳол сунний мазҳабидаги Мовароуннаҳр аҳолисининг ғазабини кўзгайди. Бу орада Бобур Мирзо Эрондан келган қўшинларга жавоб бериб уларнинг бошлиқларига катта-катта совға-саломлар улашади. Шу тўғриси юзага келган қулай фурсатдан фойдаланган ва халқ оммасининг кайфиятини тўғри ҳисобга олган шайбонийлар уруғидан бўлган Абулфайзхоннинг Убайдулла Султон билан Шайбонийхоннинг ўғли Муҳаммад Темур Султон каби ўзбек султонлари, бошқа ўзбек султонларининг ёрдамларига таяниб, 1513 йилнинг бошларида катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирадилар. Бобур Мирзо 50 минг кишилик қўшини билан қарши чиқади, аммо енгилиб, Ҳисорга чекинади. Шайбоний авлодлари Самарқандни узил-кесил эгаллайдилар. Шоҳ Исмоил Бобур Мирзога ёрдам бериш мақсадида ўзининг энг тажрибали ва номдор саркардаларидан бўлган амир Аҳмад (лақаби «Нажми-соний» — «Иккинчи юлдуз») бошчилигида қўшин юборади. Эрон қўшини ўз йўлида Хуросон амирларининг мадад отрядларини ўзига қўшиб олиб, Термиз ёнида Жайхундан кечиб ўтади ва Бобур Мирзо билан қўшилади. Бирлашган Эрон ва Бобур Мирзо қўшинлари Қарши шаҳрини ўраб олади ва амир Аҳмад шаҳар аҳолисини бутунлай қириб ташлашга буйруқ беради. Бу пайтда Убайдулла, Муҳаммад Темур Султон ва бошқа ўзбек султонлари фурсат пойлаб Бухоро яқинида рақибларини кутиб турар эдилар. Амир Аҳмад бундан беҳабар ҳолда бемалол Бухоро томон юради ва Гиждувонни қамал қила бошлайди. Кутилмаганда у ўзбек султонларининг ҳужумига дуч келади ва тез орада яксон қилинади. Бу

жангда амир Аҳмаднинг ўзи ўлдирилади. Эрон қўшиндан озгина қисми қочиб улгуради. Шундан сўнг Бобур Мирзо билан Шоҳ Исмоил ўртасидаги иттифоқ барҳам топади. Бобур Мирзо энди Мовароуннаҳрдан бутунлай умидини узиб Қобулга қайтади. У 21 йил мобайнида, яъни 1526 йилга қадар Қобулни бошқаради. Сўнгра Бобур Мирзо Қобулни иккинчи ўғли Камрон Мирзога қолдириб ўзи Ҳиндистон сари юриш бошлайди ва буюк бобурийлар сулоласи салтанатига асос солади.


Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек ва ҳинд халқлари тарихида буюк лашкарбоши ва давлат арбоби, улуғ шоир, мутафаккир олим ва тарихчи сифатида муносиб ўрин олган. Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлал Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши», «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида Бобур Мирзо ва унинг набираси Акбарга юксак баҳо берган. У шундай деб ёзади: «Бобур—дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди»<sup>1</sup>.

Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлади, санъат ҳаётида, меъморчилик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янги серилҳом тараққиёт юз беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган салтанатни унинг авлодлари Ҳиндистонни инглизлар босиб олгунга қадар, яъни 1858 йилгача жами бўлиб 332 йил бошқарадилар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур —1526—1530 йиллар
2. Ҳумоюн Мирзо —1530—1556 йиллар
3. Акбаршоҳ —1556—1605 йиллар
4. Жаҳонгиршоҳ —1605—1627 йиллар
5. Шоҳ Жаҳон —1627—1658 йиллар
6. Аврангзеб —1658—1707 йиллар
7. Баҳодиршоҳ —1707—1712 йиллар
8. Жаҳондар шоҳ —1712—1713 йиллар
9. Фарруҳ шоҳ —1713—1719 йиллар
10. Муҳаммад шоҳ —1719—1748 йиллар
11. Аҳмад шоҳ —1748—1754 йиллар
12. Оламгир II —1754—1759 йиллар

<sup>1</sup> Неру Д. *Жавоҳарлал. Открытие Индии*. М., Политиздат, 1989, стр. 272—273.



- |                   |                   |
|-------------------|-------------------|
| 13. Шоҳ Олам II   | —1759—1806 йиллар |
| 14. Акбаршоҳ II   | —1806—1837 йиллар |
| 15. Баҳодиршоҳ II | —1837—1858 йиллар |

Ҳиндистон бобурийлардан бўлган Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳ Жаҳон даврларида айниқса гуллаб-яшнаган, ҳудудлари кенгайиб ривожланган. Хусусан, Акбаршоҳ ва унинг набираси Шоҳ Жаҳон ҳинд халқининг қалбидан жуда катта жой олган эди.

Жавоҳарлал Неру Акбаршоҳни юксак баҳолайди: «Унинг (Бобурнинг—*муалл.*) набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва хўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, истеъдодли лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли, идеалист ва хаёлпараст, шу билан бирга ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг садоқатига сазовор бўлиш учун интилган одам бўлган. Сарқарда сифатида бутун Ҳиндистоннинг кенг ҳудудини ўзига бўйсундирган. Лекин, у ютуқларидан ҳам мустаҳкамроқ ғалабани қўлга киритишни, яъни одамларнинг фикри ва қалбини забт этишни ўйлар эди. Акбар саройида бўлган португалиялик иезуитларнинг айтишларига қараганда унинг қарашлари жозибали бўлиб, «кўзлари қуёш нурига тўла денгиздай чақнаб турар эди»<sup>1</sup>. Ҳиндистонда Акбаршоҳга атаб 70 серияли фильм тайёрланган.

Шоҳ Жаҳонни ҳиндлар ҳурматлаб «Ҳазрати Шоҳжаҳон», «Баҳодир Шоҳжаҳон», «Шоҳжаҳонобод» номлари билан атаганлар. Ҳиндистонлик олимлар бобурий шаҳзодаларни Амир Темур сулоласидан бўлган «Барлос турклари», «Чигатой гургонилари» ёки «Мўғул ҳоқонлари» деб атайдилар.

Хуллас, темурийлар сулоласининг буюк вакиллари ҳисобланмиш бобурийлар тарихи ҳинд халқлари тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга. Фарбдаги бобуршунос олимлардан бири инглиз олими Валдемар Хансен ўзининг 1986 йилда Деҳлида инглиз тилида чоп этилган «Товус тож ёки мўғуллар салтанати қисмати» китобида бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги 332 йиллик фаолиятига юксак баҳо беради: «Ҳиндистон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўп минг йиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожидир»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Неру Джавахарлал. Открытие Индии, стр. 272—273.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р., Абдуллаев Ф., Абдуллаев М. Буюк бобурийлар салтанати. Андижон, «Мерос», 1995, 9-бет.

#### 4. Бухоро хонлигининг ташкил топиши

Шайбонийхон вафотидан сўнг унинг авлодлари ўрта-сида тожу тахт, ҳокимият, мол-дунё ва давлат талашиб ўзаро қонли урушлар авж олади. 1510—1530 йилларда Шайбонийхоннинг амакиси Кўчкинчихон ҳокимлик қилди. Унга ўғли Абдусаид (1530—1533) ва жияни Убайдуллахон (1533—1539) меросхўр бўлди. Абдуллахон I нинг қисқа ҳукмронлигидан (1539—1540) сўнг Мовароуннаҳрда қўш ҳокимиятчилик вужудга келади. Бунга сабаб, Бухорода Убайдуллахон ўғли Абдулазизхон (1540—1550), Самарқандда эса Кўчкинчихон ўғли Абдулатифхон (1540—1551) тахт бошқарарди. Ҳокимият учун кураш мисли кўрилмаган чўққига кўтарилади. Шайбонийхон авлодларининг ҳар бирида 10—12 тадан ўғил фарзанд бўлиб, уларнинг ҳар бири тахт учун ворилик қилишга даъвогар эди. Шу боис Мовароуннаҳр ҳудуди бир неча бўлақларга бўлиниб кетди. Кармана ва Миёнқолда Искандархон Баҳодир<sup>1</sup>, Балхда Пирмуҳаммад<sup>2</sup>, Қаршида Султон Қилич Қора, Ҳисорда Шайбонийхоннинг набираси султон Бурхон ҳокимлик қилади. 1556 йилда Абдулатифхон вафот этгач, Самарқанд тахтини Бароқхон<sup>3</sup> қўлга киритиб, Наврўз Аҳмадхон номи билан беш йил ҳукмронлик қилади.

1550 йилда Султон Абдулазизхон вафот этгач, ўнлаб султонлар, беклар ва амирлар Бухоро тахти учун курашни авжига миндирдилар. Дастлаб Бухоро Шайбонийхоннинг набираси Султон Муҳаммадёрга тегди, лекин у бир йил ўтмасдан Пирмуҳаммад томонидан қувилади. Пирмуҳаммадга қарши Бароқхон ва Абдулатифхонга султон Саид, султон Муҳаммадёр ва Бурхон султон қўшилади. Улар биргаликда Миёнқол, Кармана ва Қаршига юриш бошлайдилар. Бу шаҳарларнинг ваҳимага тушган ҳокимлари қочиб кетадилар. Фақат Миёнқол ҳокими Искандархоннинг 18 ёшли ўғли Абдулагина қалъада мустаҳкамланиб султонларнинг бирлашган кучларига қарши ёлғиз ўзи курашга отланади. 12 кун давом этган жангдан сўнг сулҳ битими имзоланади. Битимга кўра Абдулла Балхга жўнаб кетишга маж-

<sup>1</sup> Искандархон Баҳодир—Абдуллахоннинг отаси.

<sup>2</sup> Пирмуҳаммад — Жонибек султоннинг ўғли, Абдуллахон I нинг амакиси, ўша вақтда Балх ҳокими эди.

<sup>3</sup> Бароқхон — Абулхайрхоннинг невараси, Суюнчхожанинг ўртанчи ўғли, Тошкент ҳокими.

бур бўлади. 1556 йилда Бароқхон вафот этгач, унинг фарзандлари ўртасида бошланган тахт ворислиги учун курашга аралшиб ундан усталик билан фойдаланган Абдулла навбатдаги ғалабага эришади. У қувғинлик йилларини бекорга ўтказмади. Энг обрў-эътиборли ўнта ўзбек қабиласи—ширин, қўшчи, ўтарчи, кенагас, юз, жалойир, мажор, қипчоқ, минг, баҳрин қабилалари, шунингдек, жўйбор шайхлари ҳамда мусулмон руҳонийларининг бошқа эътиборли ва қудратли вакиллари-нинг ҳимояси ва қўллаб-қувватлашига сазовор бўлади. Абдулла 1557 йили Илонўтти яқинидаги жангда Бароқхоннинг ўғли Бойсултон ва унинг иттифоқчиси Тошкент ҳокими Дарвешхоннинг бирлашган кучларини тор-мор келтиради. Абдулла учун Бухорога йўл очиқ эди. У Қарши, Чоржўйни эгаллаб, султон Бурхонни мағлубиятга учратиб Бухорога тантанавор кириб боради. Бухорони забт этади. Бухоро Абдуллахон замонида сиёсий ҳокимият марказига айланади. 1560 йили Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанддан Бухорога кўчирилади. Маркази Бухоро бўлган давлат Бухоро хонлиги деб атала бошланади.

Абдулла шайбонийлар урф-одатларига катта ҳурмат билан қарайди ва ёши улуг бўлган ўз отасини хон деб эълон қилади. Амалда Абдулланинг ўзи ҳоким бўлсада, отаси Искандархон 1583 йилги вафотига қадар расмий хон бўлиб туради. Абдуллахон ҳукмрон бўлган даврда (1557—1598) Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлатга асос солишга ҳаракат қилади. Унинг бутун ҳукмронлик йиллари ушбу мақсадда уруш ва жангу жадаллар билан ўтади. 1557 йилда Шаҳрисабзни, 1569 йилда Самарқандни эгаллайди. 1558—1572 йилларда ўртада танаффуслар билан Бадахшон учун жанг қилади, Балх ва Ҳисорни қўлга киритади. 1582 йилда Тошкент, Сайрам, Туркистон, Фарғона, 1583 йилда Хуросон, 1595 йилда эса Хоразм таслим бўлади.

Абдуллахон II Амир Темурдан сўнг Дашти Қипчоқда нисбатан қатъий сиёсат юргиза олган ягона ва сўнги давлат арбоби эди. У Бухоро ҳокимиятини тиклаш мақсадида Қозоғистоннинг ҳозирги Қарағанда вилояти фарбидаги, Сариксув дарёсининг шимолида жойлашган Улуғтоққа етиб боргач, тоғ тепасидаги бир минорада битилган қуйидаги сўзларга кўзи тушади: «Тарих етти юз тўқсон учинда қўй йили, ёзнинг ора ойи, Туроннинг султони Темурбек икки юз минг черик била

Тўхтамишхон юртига интиқом учун юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсун деб бу минорани қурдирди. Тангри нусрат бергай иншооллоҳ. Тангри эл кишига раҳмат қилгай. Бизни дуо билан ёд қилгай».

Мазкур битиклар 1391 йили Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши лашкар тортган кези шу тоғ устига чиқиб, сўнг бу ерда бир минора қурдириб харсанг тошга ўйдириб ёздирган хотира сўзлари эди. Абдуллахон II буюк соҳибқирон ҳақиға дуолар ўқиттириб, ўзи ҳам қарши томонда бир минора қуришга буйруқ беради ва унга «Кимки бу манзилга қадам қўйса, хайрли дуо ила бизни ёд айласин» сўзларини ўйдиртиради<sup>1</sup>.

Амир Темур Туркистон шаҳрида Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ва масжидини қурдиргани маълум. Тугалланмай қолган бу ишни охирига етказиш Абдуллахон II га насиб этади.

Абдуллахон II XVI асрнинг 80-йилларида Хуросонда, унинг марказлари Ҳирот, Машҳадда, 90-йилларда Сейистон, Гармсир ва то Хилманд дарёсигача бўлган ҳудудларда ўз салтанатини ўрнатади, Қандаҳорни ҳам эгаллайди. Унинг даврида ҳозирги Қарағандадан (Улуғтоғдан) Хилманд дарёсигача, Сибирь хонлигидан Машҳадгача бўлган ҳудудлар яна бир бор марказий ҳокимият Бухоро қўл остида бирлашади. Бундай катта салтанатга Амир Темурдан сўнг Абдуллахон II асос солади. Россияликлар унинг давлатига нисбатан «Буюк Бухория» деган иборани қўллашган эдилар.

Ана шу даврдаги даҳшатли воқеалар, Абдуллахон II нинг марказлашган давлат тузиш борасидаги фаолияти Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида ўзининг мукаммал ифодасини топган.

Абдуллахон замонида Бухоро хонлигида деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланади, маданий ҳаёт анча юксалади. Жуда кўп суғориш иншоотлари: Абдуллахон банди, Туятортар канали, Оқчопсой тўғони ва сув омбори, Вахшдан чиқарилган кўплаб ариқларнинг қурилиши деҳқончиликни ривожлантиради. Бу вақтларда Бухоро хонлигида буғдойнинг 10 хил тури, сули, қўноқ, жўҳори, мош, нўхат, маккажўҳори, ловия, шоли, пахта, кунжут, беда, арпа, сабзавот ва полиз экинлари экилган, боғдорчилик, чорва-

<sup>1</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., «Шарқ», 2000, 240—241-бетлар.

чилик ва ипакчилик ривожланган. Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хўжанд, Андижон, Тошкент, Жиззах, Ҷратепа, Шаҳрисабз ва бошқа йирик шаҳарларда хунармандчилик тараққий қилган. Самарқанд қози калонининг ҳужжатларидан маълум бўлишича, XVI асрда Самарқандда хунарнинг 61 тури мавжуд бўлган. Мовароуннаҳрлик хунармандлар зўр санъат билан турли-туман метал буюмлар, ип ва ипак матолар, аъло навли қоғозлар ишлаб чиқарганлар. Бухоро шаҳри бу вақтда анча кенгайтирилган, девор ва ҳарбий истеҳкомлар қайтадан қурилган. Шаҳарда мадрасалар, хонақоҳ ва карвонсаройлар, янги расталар барпо қилинган. Шаҳар ўртасидаги савдо йўлларида тим (Абдуллахон қурдирган тим), кўчалар чорраҳаси устига гумбаз-тоқлар, ҳаммомлар, карвон йўлларида сардобалар, карвонсаройлар, кўприклар қурилган<sup>1</sup>.

Абдуллахон даврида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Россия билан савдо ва дипломатик муносабатлари ривожланган. 1572—1578 йиллари Ҳиндистонда Бухоро хонининг элчилари, Бухорода эса Ҳиндистон подшоҳи Акбарнинг элчилари бўлган.

Абдуллахон II элчилари 1583 йили Москвадан ўқ дори, ов қушлари, мато олиб келганлар. Бундай элчилик 1589, 1595 йилларда ҳам такрорланган.

Абдуллахон II нинг мамлакат ички сиёсатидаги, давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, айниқса пул ислоҳоти ўтказиш йўлидаги фаолияти натижалари кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган. Унинг даврида Бухоро яқинида Сумитан (Жўйбор) мавзесида Жўйбор хожаларидан Абу Бакр Саъд мозори атрофига мадраса, масжид, хонақоҳ ва чорбоғ, Бухорода мадраса, ҳаммом, Говкашон, Фатхулла қушбеги, Миракан, Хожа Муҳаммад Порсо, Янги Чорсу (1569—1570), тим (Абдуллахон тими), Кармана яқинида Зарафшон дарёси устига кўприк (1582) қурилган. Бу каби иншоотлар Тошкент, Самарқанд, Балх ва бошқа шаҳарларда ҳам қурилган. Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси, масжиди таъмирланган.

Абдуллахон II нинг нуфузли амири Кўкалдош шарафига Тошкентда Кўкалдош мадрасаси қурилган. Унинг даврида шаҳарсозлик, илм-фан тараққий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2001, 302—303-бетлар.

этади. Бухоро маданият, илм-фан марказига айланади. Бухорода машхур Абдуллахон кутубхонаси ташкил бўлади. Унда машхур ҳаттотлар Мир Али Хиравий, Аҳмад Ҳусайнийлар ва бошқалар китоб кўчириш билан машгул бўлишган. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакири аҳбоб» асари Абдуллахон II га бағишланган.

Бу даврда шоир, адиб ва илоҳиётчи олимлардан Мушфиқий, Низом Муаммой, Муҳаммад Дарвиш охунд, Қози Поёнда Зоминий, Мулла Амир, Муҳаммад Алти Зоҳид, табиблардан мавлоно Абдулҳаким ва бошқалар яшаб ижод этган. Абдуллахон II нинг ўзи ҳам истедодли шоир бўлиб «Хон» тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларида шеър ёзган.

Ҳарбий санъат тараққий этган. Қўшин таркибини найза, қилич, манжаниқ, нафтандоз, шотулар билан қуролланган отлиқ ва пиёда қисмлар ташкил қилганлар. XVI аср иккинчи ярмидан қўшин Туркия ва Россиядан келтирилган пилта милтиқ ва замбараклар билан қуроллана бошлаган<sup>1</sup>.

Абдуллахон II марказлашган давлатни тузишда исёнкор зодагонларни қаттиққўллик ва шафқатсизлик билан жазолайди, султонлар, беклар, амирлар ва ўзининг бир қатор қариндош-уруғларининг бошларини танларидан жудо қилдиради. Аммо у ҳар қанча қаттиққўл бўлмасин сиёсий тарқоқлик тартиботларига қарши курашда ожизлик қилади ва бу тартиботларнинг навбатдаги қурбони бўлади. Ривоятларга қараганда, Абдуллахон II ўғли Абдулмўмин томонидан 1598 йилда захарлаб ўлдирилган. Бу ишда ҳарбий зодагонлар бошлиқларидан бири Муҳаммад Боқибий ташкилотчилик қилган. Ҳокимиятни зўрлик йўли билан отаси қўлидан олган оқпадар Абдулмўмин ярим йил ўтмасданок ўзи ҳам бошқа бир душман зодагонлар гуруҳи қўлида (1599) ҳалок бўлади. Тахтни сўнгги шайбоний ҳукмдор Пирмуҳаммадхон эгаллайди. Аммо 1601 йили Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад билан курашда у енгилди ва тахтдан ағдарилди. Шу билан шайбонийлар ҳукмронлиги тугайди. Ана шу Боқи Муҳаммад бошқа бир сулола—аштархонийларга мансуб эди. 1601 йилдан ватанимиз сиёсий ҳаётида янги сулола—аштархонийлар ҳукмронлик қила бошлайди. Шу тариқа қарийб юз йил давом этган шайбонийлар сулоласи ўзаро қирғинбарот

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-жилд, 32—34-бетлар.



урушлар ва сўйилишлар оқибатида қирилиб тамом бўлади ва тахт ворислигига ўтиришга бу уруғдан ҳеч кимса қолмайди.

## 5. Аштархонийлар (жонийлар) сулоласи

Мовароуннаҳрда Жўжихон наслидан бўлган аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукмронлиги бошланган. Улар ўзи аштархонлик (Астрахон), Абдуллахон синглисига уйланган, шу туфайли шайбонийларга қариндошлиги бор ва Бухорода яшаб турган Жонибек султонни хон қилиб кўтаришга қарор қиладилар. Лекин Жонибек султон бу таклифдан бош тортади. Тахтга Жонибекнинг катта ўғли Дин Муҳаммадни кўтарадилар. Аммо у Бухорога келаётиб отдан йиқилиб ҳалок бўлади. Шунда унинг укаси Боқи Муҳаммадхон ворис деб эълон қилинади. Қабул қилинган анъанага кўра Вали Муҳаммад Балхга ноиб этиб юборилади. Ана шу тариқа 1601 йилдан бошлаб Бухоро хонлигида ҳокимият аштархонийлар сулоласи қўлига ўтади. Бу яна Жонибек сулоласи — Жонийлар сулоласи деб ҳам юритилади.

Аштархонийлар сулоласи 1753 йилгача ҳукмронлик даврини ўтади. Сулола саккизта хондан иборат бўлган: 1. Боқи Муҳаммад (1601—1605). 2. Унинг укаси Вали Муҳаммадхон (1605—1611). 3. Имомқулихон (1611—1642). 4. Унинг укаси Нодир Муҳаммадхон (1642—1645). 5. Унинг ўғли Абдулазизхон (1645—1680). 6. Унинг укаси Субхонқулихон (1680—1702). 7. Унинг ўғли Убайдуллахон (1702—1711). 8. Унинг укаси Абулфайзхон (1711—1747). Улардан фақат учтаси умрини тахтда тугатди, холос. Учтаси (Вали Муҳаммадхон, Убайдуллахон, Абулфайзхон) сарой тўнтаришлари оқибатида фожеали ўлдирилган. Иккитаси эса тахтдан ағдариб ташлангандан сўнг ўз ҳаётини қувғинликда ўтказган. Буларнинг ҳаммасига асосий сабаб шуки, ҳокимият, тожу тахт учун кураш, ҳатто ота-бола ва ака-укалар, қариндошуруғлар ўртасида мисли кўрилмаган даражада кучайган эди.

Бухоро хонлигида тинчлик, осойишталик бўлмайди. Амирлар ва беклар ўзбошимчалиги авжига минади, марказий ҳокимиятдаги мансабдорлар ўртасидаги ўзаро фитна, низолар, ур-йиқитлар мамлакат тинка-мадорини қуритади.

1605 йилда Боқи Муҳаммад вафотидан сўнг Бухоро

хонлиги тахтига унинг укаси, Балх ҳокими **Вали Муҳаммад** ўтиради (1605—1611). Орадан кўп вақт ўтмасдан Вали Муҳаммадга қарши Бухорода фитна уюштирилади. Бу фитнадан хабар топган Вали Муҳаммад ўзининг иккита ўғли билан Эронга—Шоҳ Аббос ҳузурига қочиб кетади. Фитначилар Бухоро тахтини **Имомқулихон** (1611—1642) га топширмақчи бўладилар. Эрон Шоҳи Аббосхон Бухоро устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун Вали Муҳаммадни қўллаб-қувватлайди ва унга катта қўшин билан ёрдам беради. Бу ҳол бухороликларни катта ташвишга солади. Лекин ўзаро жангда ўзбеклар Эрон қўшинларини тор-мор келтирадилар ва Вали Муҳаммадни асир олиб ўлдирадилар. Эрон қўшинларига қарши курашда Имомқулихонга қозоқлар ёрдам беради.

Аштархоний ўзбек сулоалари орасида нуфузли ва обрўлиси ўттиз йил тахт ворислиги гаштини сурган **Имомқулихон** бўлди. Унинг даврида Бухоро хонлиги кучли давлатга айланади. 1613 йилда Имомқулихон Тошкентни Қозоқ хонлигидан қайтариб олади ва бу ерга ўзининг ўғли Искандарни ноиб этиб тайинлайди. Лекин Искандар тошкентликларга жабр-зулм ўтказди, солиқларни кўпайтиради, зулмни кучайтиради. Ҳазиланган Тошкент аҳолиси қўзғолон кўтаради, шаҳзода Искандарни ўлдиради. Имомқулихон бу воқеадан хабар топиб Тошкент шаҳрини бир ой қамал қилади. Тошкентликлар шаҳарни қаҳрамонларча ҳимоя қилсаларда, Имомқулихон катта куч билан қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлади. У шахид кетган ўғли учун тошкентликлардан қаттиқ ўч олади. Бухоро хони отимнинг узангисигача қон чиқмагунча аҳолини қиришни давом эттираман, деб қасам ичади. Тошкент аҳолисини қирғин қилишдан хориб чарчаган Имомқулихон қўшин бошлиқлари ҳеч бир гуноҳсиз одамларни бундай қирғин қилишни тўхтатишни хондан илтимос қилдилар. Аммо хон ичган қасамимни бузаолмайман, деб жавоб беради. Шундан сўнг Тошкентдаги қонуншунослар ўлганларнинг қонлари оққан чуқурликдаги ҳовузчаларга сувларни тўлдириб бу ҳовуздан Имомқулихонга отда кечиб ўтишни таклиф қилдилар. Бу билан хон ичган қасамини адо этади ва аҳолини қирғин қилишни тўхтатиш тўғрисида буйруқ беради.

Имомқулихон ўз давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида кўчманчи қорақалпоқлар, қолмиқлар

ва ойротларга қарши муваффақиятли жанглар олиб борган. Қоратов ёнидаги жангда Имомқулихон қорақалпоқларга ҳал қилувчи зарбани берган. Албатта, бундай муваффақиятли урушлар Имомқулихоннинг обрў-эътиборини оширади. Бироқ мамлакатдаги сиёсий тарқоқликни ва хонликнинг ич-ичидан емирилиб боришини у тўхтатиб қолаолмайди. Унинг даврида йирик зодагонлар вилоятларда ўзларини хондан мустақил ҳисоблар ва қўшни вилоятларга уруш ҳам эълон қилар эдилар. Ана шундай баҳодир ҳукмдорлардан бири бўлган Ялангтўш бир неча йиллар давомида Самарқандни бошқаради. Унинг мингдан ортиқ қароли, хизматкори, жуда катта бойликлари бўлган. Ялангтўш баҳодир даврида икки маҳобатли бино—Шердор ва Тиллакори мадрасалари бунёд этилган. Регистон майдони ҳам ҳозирги қиёфасига унинг даврида келган эди. Бадахшон ҳукмдори Маҳмудбий Қатагон ҳам кучли таъсирга эга бўлган зодагонлардан ҳисобланган. Бу жараён, хусусан, Имомқулихон вафотидан сўнг кучли тус олади. Имомқулихон Ҳажга кетаётиб йўлда вафот қилган эди.

Имомқулихондан кейин унинг укаси **Нодир Муҳаммад (1642—1645)** Бухоро тахтига ўтиради. У ҳаддан ташқари димоғдор ва таъмагир хон бўлган. Нодир Муҳаммад Балх ҳудудларини ўзининг 12 ўгли ўртасида тақсимлаб беради. Бу билан у мамлакатдаги сиёсий тарқоқликнинг янада ҳалокатли тус олишига сабабчи бўлади. Нодир Муҳаммад даврида халққа нисбатан жабрзулм мислсиз даражада кучаяди. Бу ҳол халқ оммасининг норозилигига сабаб бўлади. Бундан фойдаланган қозоқлар Нодир Муҳаммад хонлигининг учинчи йилида Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб Хўжандгача етиб келадилар. Нодир Муҳаммад Хўжанддан қозоқларни ҳайдаб чиқариш мақсадида у ерга укаси Абдулазиз бошчилигида катта қўшин юборади. Хўжандга қўшин тортиб кетаётганда Абдулазиз ўз акасига қарши фитна уюштиради — **Абдулазиз Бухоро хони** деб эълон қилинади. Бу мудҳиш воқеадан хабар топган Нодир Муҳаммад шошилинич равишда Балхга жўнаб кетади. Абдулазиз ҳеч қандай тўсиқларсиз ва қаршиликларсиз Бухорога кириб келади. Зодагонлар Абдулазизнинг хонлигини батамом қонунлаштирганлар (**у 1645—1680 йилларда хонлик қилган**). Нодир ўз укасидан хонликни қайтариб олиш учун ҳинд шаҳзодаси бобурий Шоҳ Жаҳон (1623—1659)га ёрдам сўраб мурожаат қилади.

Шоҳ Жаҳон Бухоро ерларини ўз давлати таркибига қўшиб олиш нияти билан ўзининг ўғиллари — Муродбахш, Аврангзеб бошчилигида у ерга кучли қўшин юборади. Нодир Муҳаммад ҳинд қўшинлари Бухоро хонлиги ҳудудига босқинчилик мақсадлари билан кетаётганлигини тасодифан билиб қолгач, ғарб томонга қочади. Ҳинд қўшинлари унинг орқасидан қувиб бориб, уни тор-мор қилганлар. Нодир Муҳаммад Эронда—Шоҳ Аббос II ҳузурда ўзига паноҳ топган!

Ҳиндистон шаҳзодалари Балхни босиб олиб, ундаги хон хазиналарини талон-торож қиладилар. Улар ўзларини истилочилардек тутадилар, икки йил мобайнида халқни талаб Балхда хўжайинлик қиладилар. Балх аҳолиси бутун оилалари билан зулм-кулфат, таловлардан қочиб Мовароуннаҳрга кета бошлайди. Абдулазиз ҳиндларга қарши курашга чиқади. Шоҳ Жаҳон ўз қўшинларини чақириб олишга мажбур бўлади. Харобазорга айлантирилган Балхни Эрондан қайтиб келган Нодир Муҳаммад ўз қўлига олади.

Нодирхоннинг яна Балх тахтига ўтириши унинг ўғилларини таҳлика остига солиб қўяди ва улар бирлашишга мажбур бўладилар. Абдулазизхон отаси билан илгари душманлик муносабатида бўлган укаси Субхонқулини Балхга ноиб этиб тайинлайди. Балхнинг юқори мартабали кишилари Субхонқулига шаҳар дарвозаларини очиб берадилар (1651). Нодир Муҳаммад эса ноилж ҳаж қилиш баҳонасида акаси Имомқулихондек Маккага жўнайди ва йўлда вафот этади. Орадан узок вақт ўтмасдан ака-ука ўртасида яна душманлик бошланади. Абдулазизхон Балхни укасидан тортиб олиш мақсадида у ерга катта қўшин юборади. Шаҳар қамал қилинади. Қирқ кун қамал давомида шаҳар харобазорга айлантирилади. Оқибатда ака-ука яраш битими тузади. Абдулазизхон ўз укаси Субхонқулини ўзининг вориси ҳамда Балх ноиби деб тан олиб орқага қайтади.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларида Хива хони Абулғози Баҳодирхон ва ундан кейин унинг ўғли Анушахон Бухоро ва Самарқанд атрофига тез-тез ҳужум қилиб турган.

1655 йилда Мовароуннаҳрга хиваликлар ҳужум уюштирадилар ва мамлакатни хароб қиладилар. Улар Қоракўлни эгаллаб Карманагача борадилар. Жуда кўп асирлар ва қўлга тушган бойликларни олиб ўз юртларига қайтадилар. Бу ҳужумларни Хива хони Абулғози Баҳо-

дирхон Хива хонлигини доимий таҳликада тутиб турган ва муттасил унинг тинчлигини бузиб келган хонлардан ўч олиш мақсадида уюштирган эди. 1657 йилда ана шундай ҳужумларнинг бирида Абулғозихоннинг ўзи катта хавф остида қолади. Карманадан катта ўлжа билан келаётганда Бухоро хони Абдулазизхон Абулғозихонга кутилмаганда ҳужум қилади. Фақат Абулғозихоннинг ўғли Анушахоннинг ўз вақтида етиб келганлиги отасини асирликдан сақлаб қолади. Лекин бу мағлубиятга қармасдан хиваликлар тиним бермасдан Бухорога қарши ҳужумни давом эттираверадилар. 1658 йилда Варданзи хароб қилинади. 1662 йилда Абулғозихон қўшинлари Бухорогача етиб келадилар. Хиваликлар Бухоронинг Номозгоҳ дарвозаси олдига етганларида Абдулазизхон билан Абулғозихон ўртасида сулҳ битими имзоланади.

Абулғози Баҳодирхон вафоти (1563)дан сўнг унинг ўғли Анушахон ҳам Бухоро ҳудудларига қарши юришни давом эттиради. Ана шундай ҳужумлардан бирида Анушахон Бухородаги Жўйборгача (Жўйбор хожалари яшайдиган жой) етиб борган ва у ерни талаган, бу пайтда Абдулазиз Карманда бўлган ва тезда Бухорога ёрдам бериш учун бу ерга етиб келган. У Бухоро халқини шаҳар ҳимоясига сафарбар этаолади ва хиваликлар чекинишга мажбур бўладилар. Хиваликлар билан олиб борилган узоқ муддатли урушлар Мовароуннаҳрнинг умумий иқтисодий инқирозига сабаб бўлади ва Аштархонийлар давлати ичидаги зиддиятларни янада кучайтиради. Саломатлиги оғирлашган ва кексайиб қолган Абдулазиз мамлакат мудофаасини таъминлай олмайди. У ҳокимиятдан укаси Субҳонқулихон фойдасига воз кечиб Маккаи Мадинага кетишни ихтиёр қилади ва ўша ерда бу дунёни тарк этади.

Субҳонқулихон даври (1680—1702)да Бухоро билан Хива ўртасидаги уруш янги куч билан давом эттирилди. Ана шундай урушларнинг бирида Хива хони Анушахон Кармана ҳамда Варданзи атрофларини эгаллаб, Самарқандни ҳам қўлга олади. Самарқанд зодагонлари Анушахон номини хутбага қўшиб номоз ўқиш ва унинг номи билан пул зарб қилишга рози бўладилар. Бу ишлардан норози бўлиб ғазабланган Бухоро амирларининг кўпчилиги ўз қабилалари турган жойларга кетадилар. Субҳонқулихон қатағон қабиласидан бўлган Бадахшон ҳокими Маҳмудбий оталиқ ёрдамида хивалик-

ларни Самарқанддан қувиб чиқаради ва шаҳар аҳоли-сидан қаттиқ ўч олади. Анушахон Самарқандга бостириб киришга йўл қўйган ва уни ўзининг хони қилиб кўтарган самарқандликларни қириб ташлашга буйруқ беради. Сўнг бу буйруқ аҳоли бошига ғоятда оғир ва катта товон солиғи билан алмаштирилади ҳамда ниҳоятда шафқатсизлик билан бу товон ундирилади.

Субхонқулихон давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Балхда ҳокимият таллашиб тинимсиз кураш олиб бораётган ўз ўғилларига ҳам қарши кескин чоралар кўришга мажбур бўлади. Балх ноибни Субхонқулихоннинг ўғли Сиддиқ Муҳаммад ўз отасига қарши қўзғолон кўтармоқчи эмиш, деган гап тарқалади. Бунга жавобан 1681 йилда Субхонқулихон Балхга қўшин тортади. Нобакор ўғил Сиддиқ Муҳаммад отаси юборган қўшинни милтиқ ва камонлардан ўқ узиб қарши олади. Лекин гуноҳини кечириш тўғрисида отасидан хат олгач, шаҳардан чиқиб отасининг ҳузурига боради. Отабола кўришгач, биргалашиб Балхга борадилар. Шаҳар ичига кирганларидан сўнг Субхонқулихон ўғли Сиддиқ Муҳаммадни занжирбанд қилиб қамаб қўйишга буйруқ беради. Исён кўтаришда унга ёрдам берган шахслар сўроқ қилиниб қийнаб ўлдирилади. Сиддиқ Муҳаммад ҳам қамоқда ҳалок бўлади.

Хива хони Анушахон Субхонқулихоннинг Бухорода йўқлигидан фойдаланиб, яна Бухорога бостириб келади ва уни вайрон қилади. У жуда катта ўлжалар билан Хивага қайтади. Ана шу воқеадан сал ўтар-ўтмас Хивада Анушахонга қарши фитна уюштирилади. Унинг яқин одамлари 1686 йилда Анушахоннинг кўзини ўйиб кўр қиладилар. Бу даҳшатли воқеада Бухоронинг ҳам қўли бўлса ажаб эмас, деб тахмин қиладилар. Анушахон ўрнига Хива тахтига унинг ўғли Эренг хон бўлади. Бу даврда Субхонқулихон Хивадан бирор-бир хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилади ва Болои Мурғоб (ҳозирги Кушканинг шимоли-шарқида) қалъасини эгаллайди. Лекин бундан фойдаланган Эренг Субхонқулихоннинг ерларига бостириб киради ва Бухорони қамал қила бошлайди. Ўзининг барча қўшинларини Хуросонга сафарбар қилган Субхонқулихон Бадахшон ҳокими Маҳмудбийга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Оталиқ Маҳмудбий хиваликларни чекинишга мажбур этади. Хивага келгандан сўнг Эренг ўлдирилади. Субхонқулихонга унинг номи хутбага қўшиб ўқитилаётганлиги ва унинг номи билан

пул зарб қилинаётганлиги тўғрисида хабар юборилади. Хиваликларнинг илтимосларига биноан Хоразмни идора қилиш учун Субхонқулихон ўз ноибини юборади. Ана шу тариқа Хоразм яна Бухоро таркибига қўшиб олинади.

Бухоро хони Субхонқулихонга қилган хизматлари учун оталиқ Маҳмудбий Бадахшон ва Балхнинг ноиби этиб тайинланади. Субхонқулихон ҳукмронлик қилган сўнгги йиллар мамлакат учун умумий оғир вайроналиклар ва тартибсизликлар келтиради. Уруғлар, қабила-лар ўртасида тинимсиз урушлар, тартибсизликлар авж олади. Аштархонийлар ҳукмронлиги Бухородан нарига ўтмайди. Ана шундай ур-йиқит, бебошлик ва тартиб-сизликлар авжига чиққан бир даврда 1702 йилда Субхонқулихон вафот этади. Бухоро тахтига Субхонқулихоннинг ўғли **Убайдуллахон (1702—1711)** ўтиради. Бу даврда тожу тахт учун кураш ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилади. Бу даврда Балх, Термиз, Шаҳрисабз ҳокимлари мустақил бўлиб олишга ҳаракат қилади. Убайдуллахон уларга қарши ҳарбий юришлар қилишга мажбур бўлади. Самарқанд ва Ҳисорда бош кўтарган қабила-ларга қарши қўшин юборади. Ўзаро бетўхтов урушлар, ҳарбий юришлардан кейин хазина бўшаб иқтисодий аҳвол оғирлашади. 1708—1709 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти натижасида пул қиймати тўрт марта тушиб кетади. Ислоҳотдан зарар кўрган аҳоли ғалаён кўтаради, бироқ кўзғолон шафқатсизларча бостирилади. Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволнинг ёмонлашиши ички зиддиятларни кучайтириб юборади. 1711 йил 16 мартда уюштирилган сарой фитнаси оқибатида Убайдуллахон ҳам ўлдирилади. Бу фитнани 40 кишидан иборат сарой гуруҳи амалга оширади. Убайдуллахон бор-йўғи 30 йил яшаб, 9 йил ҳукмронлик қилади. У ўз ҳукмдорлигини туғишган оғаси Абдулланинг бошини танасидан жудо қилишдан бошлаган эди. Негаки Убайдуллахон оғасининг тахтга даъвогар бўлиб чиқишидан кўрқарди.

Тахтга Убайдуллахоннинг укаси **Абулфайзхон (1711—1747)** ўтиради. Аштархонийлар сулоласидан бўлган сўнгги хон Абулфайзхон тез орада амирлар ва зодагонлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолади.

Ҳокимиятдаги муҳим лавозимлар нуфузли амирлар қўлига ўтиб қолади. Марказий ҳокимият заифлашгач, 1711 йилда Балх, 1723 йилда Самарқанд вилояти Бухо-

ро хонлигидан ажралиб чиқади. 1720 йилда Тошкент вилоятини қалмоқлар босиб олади. Бу аҳволни кузатиб борган Хива хони Шерғозихон ҳам Бухоро хонлигига даъвогар бўлади, аммо унинг ҳаракатлари самарасиз яқунланади. 1723 йилда қалмоқлар қозоқ даштларига бостириб кириб қозоқларни Мовароуннаҳрга қочишга мажбур қилган. Қозоқлар чорва моллари билан Зарафшон водийсига кириб боғ ва экинзорларни пайхон қилганлар. Бухоро хонлигида иқтисодий ва сиёсий танглик кучайгандан кучаяди, охир-оқибатда хонлик таназзулга юз тутади. Мовароуннаҳр парчаланиб учта хонликка—Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларига бўлиниб кетади.

Хуллас, 1599—1747 йиллар давомида аштархонийлар сулоласи даврида ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий тарқоқлик, хонлар, султонлар, шаҳзодалар ўртасида авжига чиққан ўзаро тожу тахт учун курашлар, талончилик урушлари ўша давр аждодларимизнинг дунё тараққиёти цивилизациясидан бирмунча орқада қолиб кетишига бош сабаб бўлди.

## **6. Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатида сиёсий тузум, социал-иқтисодий муносабатлар**

Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида энг олий давлат идораси даргоҳ ҳисобланган. Унинг тепасида олий ҳукмдор—хон турган. Олий ҳукмронлик отадан болага эмас, балки сулоладаги энг улуғ намояндага ўтган. Кейинчалик бу анъана сулола ичидан оилавий тахт ворислигига ўтган. Абдуллахон II даврига келиб, масалан, ҳокимият Искандархондан ўғли Абдуллахонга, Абдуллахондан эса ўғли Абдулмўминга ўтган. Аммо шайбонийлар сулоласидаги давомийлик сўнгги пайтга қадар ана шу тартибда шакллана олмаган. Абдуллахон II даврида Балх вилояти ҳокимлигини валиаҳдга топшириш анъанаси шаклланиб борган. Бироқ шайбонийлар фаолиятига чек қўйилиши билан бу анъана ривожланмай қолган. Бу анъана аштархонийлар даврида яна тикланган.

Даргоҳда хондан кейинги давлат мансаби сардор, бошлиқ, етакчи деб ҳисобланган ва у хоннинг энг ишончли ва яқин кишиларидан бири бўлган. Қабул маросимларида у хоннинг чап томонидан жой олган ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳарбий масалала-



рида хоннинг биринчи маслаҳатчиси деб қаралган, хоннинг фармон ва ёрлиқларида унинг номи биринчи бўлиб қайд этилган. Масалан, 1570 йили Бухорода ҳокимиятни тиклаш жараёнида, бухороликлар билан музокарага хон ўз сардорини юборган. Бундан ташқари ҳарбий юришни уюштириш, душман ҳарбий мувозанатларини ўрганиш, элчилик вазифаларини бажариш вазифаларини ҳам сардор олиб борган.

Давлат тасарруфига тегишли мансаблардан яна бири оталиқдир. Бу сўз оталиққа олиш, мураббийлик, ҳомийлик қилиш маъноларини англатади. Ушбу хизмат ҳокимиятнинг жойлардаги вилоят—мулклардаги сиёсатини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлган. Зеро, олий ҳукмдор мамлакат қисмларини—вилоятларни сулола намояндалари—шаҳзодаларга тақсимлаб берган. Балоғат ёшига етмаган шаҳзодалар то улғайиб мустақил фаолият кўрсатгунларига қадар оталиқлар ҳокимиятни бошқарганлар. Улар бутун бир вилоят тақдирини ҳал этиб келганлар.

Хоннинг чиқарган ҳукмини, ёрлиқ ва бошқа расмий ҳужжатларини ўз эгаларига етказишга парвоначи жавобгар бўлган.

Даргоҳга тушган арзларни қабул қилиб, жавобни бериш, мамлакатдаги тартибларга амал қилинишини назорат қилиш додхоҳ зиммасига юклатилган. Шунингдек, у элчиларни қабул қилиш, элчилик юмушларини ташкил этиш ва ҳатто шахсан элчи сифатида бошқа мамлакатларга бориб келиш тадбирларини ҳам бажарган. Кўкалдош (яъни кўкракдош, битта онани эмганлар) мансаби даргоҳдаги муҳим лавозимлардан бири ҳисобланган. Бу лавозимга хон ва сулоланинг энг яқин кишиларидан қўйилган. Оддий қилиб айтганда, мамлакатда хон олиб бораётган сиёсат дахлсизлиги, унга кишиларнинг муносабатлари каби ишларни назорат қилиб бориш кўкалдошнинг вазифаси бўлган. Масалан, Абдуллахон II ва Абдулмўмин ўртасидаги қарама-қаршилиқни бартараф этишда Қулбобо кўкалдош асосий ўрин тутган. У хонга Абдулмўмин ҳаракатлари ва мақсадларини олдиндан билиб, тўғри маълумот берган. Шунинг учун Абдулмўмин тахтга чиққандан сўнг, Қулбобо кўкалдошдан қутилиш учун уни қатл эттирган.

Хон билан шаҳзодалар ўртасидаги алоқаларни, сулола ички муносабатларига оид тадбирларни йўлга қўйишни хон ясовули олиб борган. У шаҳзодаларни

хон томонидан қабул қилиш, арзлар, илтимосларини етказиш каби ишларни бажарган.

Даргоҳдаги тартиб-интизом, келди-кетди, хавфсизлик ишлари эшикбоши зиммасида бўлган: чап эшик оғоси, ўнг эшик оғоси. Улар уруш пайтларида хоннинг энг муҳим ҳарбий топшириқларини ҳам бажарганлар.

Умуман олганда, ўша замонларга хос равишда давлат хизматчилари уруш пайтларида ўзларининг вазифаларига қўшимча равишда ҳарбий фаолият билан ҳам шуғулланганлар.

Даргоҳ билан боғлиқ бошқа бир қанча хизматлар ҳам бўлган. Булардан асосийси шайхулислом лавозими бўлиб, унинг давлат жамият ва мафкуравий ҳаётидаги ўрни юксак даражада бўлган. Масалан, Абдуллахон II ни тахт учун курашда қўллаб-қувватлаган Хожа Исом бўлганлигини эслашнинг ўзи кифоядир.

Дин пешволари нафақат ижтимоий ҳаётда, балки иқтисодий муносабатларда ҳам ўз мавқеларини йўқотмаганлар. Шунинг учун ҳам вақф мулклари билан шуғуллануви махсус хизматлар жорий этилган бўлиб, уларни мамлакат миқёсида бош садр, жойларда эса садрлар бошқарганлар.

XVI аср охири — XVIII асрнинг биринчи ярмида шайбонийлар ва аштархонийлар хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари босқичида эдилар. Айрим қабилалар тепасида ворис зодагонлар— Чингизхон хонадонидан бўлган султонлар турган. Ўз навбатида қабилалар, уруғлар ва авлодларга бўлинган. Улар султонлар билан бирга қабилаларнинг етакчиси беклар ва бийлар томонидан бошқарилган. Улардан энг қудратлиси хон этиб сайланган. Хоннинг ўз лашкари бўлиб, қабилаларнинг йигитлари билан бирга унинг қуроли кучларини ташкил этган.

Шайбонийлар Ўрта Осиё ҳудудларини эгаллагач, ғолиб кўчманчиларнинг асосий оммаси Тошкент яқинида, Зарафшон водийси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё воҳаларида жойлашадилар. Кўчманчиларнинг анчагина қисми Амударёнинг чап қирғоғига, ҳозирги Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига кўчадилар. Ерсувлар қайтадан тақсим қилинади. Шайбонийлар давлати дастлаб мулкларга тақсимланган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Балх, Ҳисор ва бошқалар ана шундай мулклар ҳисобланган. Маҳаллий ва кўчманчи зодагонлар бу мулк эгаларига хизмат қилганлар. Енгилган зо-

дагонларнинг ер-мулклари ва бойликлари мусодара қилинган, қаршилик кўрсатганлар шафқатсиз суратда жазога маҳкум этилганлар. Жумладан, Хўжа Аҳрорнинг шайбонийлар босқинига қаршилик кўрсатишини уюштиришга уринган ўғли, ёлғиз меросхўри Муҳаммад Яҳё қатл этилади. Унинг бутун мол-мулки ва дунёси мусодара қилинади ва шайбонийларнинг кўпдан кўп қариндош-уруғларига, ер-сув соҳибларига, шайбонийларга яқин ва уларни қўллаб-қувватлайдиган руҳонийлар вакилларига тақсимлаб берилади.

Бундай тадбирлар натижасида ҳукмдор ва бой амалдорларнинг янги таркиби вужудга келади. Бу йирик заминдор хўжайинлар орасида руҳонийларнинг вакиллари бўлмиш Жўйбор шайхлари ўзларининг қудратли ва нуфузи билан ажралиб турар эдилар. Уларнинг бойликлари шу қадар кўп бўлганки, уни фақат Хўжа Аҳрор бойликлари билангина қиёслаш мумкин бўлган. Аммо мазкур шайхлар ўзларининг сиёсий таъсир доираси ва нуфузи жиҳатдан Хўжа Аҳрордан ҳам устун бўлганлар. Тарихчи Ҳофиз Танишнинг ёзишича, Жўйбор шайхларидан бири Хожа Саъд Бухоро хони Абдуллахоннинг мураббийси ва маслаҳатчиси сифатида сиёсий воқеаларда катта нуфузга эга бўлганки, у барча сиёсий воқеаларда шахсан иштирок этган. Хожа Саъд Абдуллахоннинг ҳокимият тепасига келишига ёрдам берган, шу боис хон унинг ижозатсиз бирорта ҳам муҳим ишни бошламаган.

Бу ҳол шуни кўрсатадики, мусулмон дини мафқураси ер эгалиги тизими ҳукмронлигига батамом сингиб кетади. Хуллас, ўзбек қабилалари ҳукмронлиги даврида ҳам ижтимоий тузумда ўзгариш бўлгани йўқ, теурийлар даврида қандай бўлса, шундайлигича қолади. Яъни, мулкка эгалик қилишнинг мазмуни ўзгармади, фақат у бир қўлдан иккинчи қўлга ўтади, холос, ер мулки аввалги асрлардагидек, давлат мулки, хусусий мулк ва вақф мулклигича қолаверади. Ер мулкларининг кўпчилиги давлатга қарашли ерлар эди. Деҳқонлар давлат ерларидан фойдаланганликлари учун олинган ҳосилнинг маълум бир қисмини хирож (ер ренти) тарзида тўлаганлар. Давлат ерларининг катта бир қисми ўзбек қабилаларига «юртлар», ҳарбий ва фуқаро шахсларга «суюрғол» ёки «танҳо» сифатида инъом қилиб тақсимлаб берилган. Ер инъом қилиш натижасида давлат томонидан бевосита эксплуатация қилинадиган

деҳқон аҳолисининг қўлидаги ер майдони шу қадар кимайиб кетадики, натижада ғазнага тушадиган хирож ва бошқа солиқлар тушуми тобора камайиб кетади.

Шимолий ҳудудлардан Ўрта Осиё ерларига келиб ўрнашган этник жиҳатдан турк-мўғул қабилаларининг амлоди бўлган Дашти Қипчоқ ўзбек қабилалари тараққиётда бу минтақадаги маҳаллий халқлардан нисбатан анча орқада бўлганлар. Улар азалдан бу ерда яшаб келадиган туркий тилда сўзлашувчи халқлар билан яқинлашиб, ўтроқ яшаш тарзига ўта бошлаганлар, деҳқончилик қилганлар, полизчилик, боғдорчилик билан шуғулланганлар, косибчилик ва ҳунармандчилик маданиятини эгаллаганлар. Дашти Қипчоқ ўзбеклари маҳаллий аҳолидан ўтроқ маданий ҳаёт кечириш сирларини ўрганганлар ва ана шу жараёнда бирлашиб, қўшилиб, қоришиб кетганлар. Бу шундан далолат берадики, Дашти Қипчоқ чўлларидан кўчиб келган этник жиҳатдан турлича бўлган ўзбеклар асрлар давомида Ўрта Осиёда қадим-қадимдан яшаб келган туркий тилда сўзлашувчи халқ таркибига киради.

Президентимиз И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг берган саволларига жавобларида истиқлолимизга ташқаридан, ичкаридан мафкуравий таҳдид солаётган воситалардан бири тарихимизни сохталаштириш, бузиш эканига алоҳида эътибор берди. Ҳозирги кундаги мафкуравий таҳдидлардан бири — **«бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи-бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш»<sup>1</sup>.**

Бундай қарашларга Ислоҳ Каримов илгари ҳам жавоб бериб, ҳар бир халқ каби, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрорлигини кўп марта таъкидлаган. Мухбирнинг саволига жавоб бераркан, йўлбошчимиз шундай дейди: **«Биз жаҳон майдонида кунги кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз**

<sup>1</sup> *Ислоҳ Каримов*. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Г., «Ўзбекистон», 1999, 301-бет.

кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқанган эмас, балки Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига ном қилиб олган бўлса, ажаб эмас»<sup>1</sup>.

Айни вақтда йўлбошчимиз ўзбекларнинг қадим тарихий илдизлари туркий халқлар билан бир экани, бу бирлик тил, дин, урф-одат, қадриятлари ва маданиятида намоён бўлганини эътироф этиб, туркий халқлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз, деб таъкидлайди. «Лекин, — деб айтди И.Каримов, — биз ўзимизни ҳамisha мустақил миллат-ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бутун дунё жамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади»<sup>2</sup>.

XVII аср охири—XVIII асрда кўчманчи ўзбек қабилаларининг оммавий равишда ўтроқлашиш жараёни содир бўлган, дейиш мумкин. Буни шу даврларга келиб ҳозирги Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ўзбек қабилаларининг номлари билан юритилган кўпдан-кўп қишлоқлар майдонга келганлиги (Кўнғирот<sup>3</sup>, Манғит, Месит, Катағон, Найман<sup>4</sup>, Қиёт ва бошқалар) дан билса ҳам бўлади.

Шайбонийлар ҳокимиятни мустаҳкамлаб олгач, мамлакатнинг ички ҳаётини тартибга солишга ҳаракат қиладилар. Солиқлар, зулм ва зўрликнинг оғирлигидан хўжаликлар ер-сувларини ташлаб кетадилар. Шайбонийлар давлатида солиқлар, ўлпонлар ва мажбуриятларнинг мураккаб бир тизими таркиб топган. Асосий солиқ «хирож» бўлиб, у суғориладиган ерлардан олинadиган даромаднинг 30—40 фоизини ташкил қилган. Давлат аппарати, қўшин ва хон хонадони сарфлари ва уларни сақлаш учун «ихрожат» номи билан солиқ олинган. Боғлар, полизлар, бедазорларга ҳам солиқ солинган.

Солиқ ва ўлпонлардан ташқари деҳқонлар мажбурий ишлаб бериш мажбуриятларини ҳам бажаришлари керак бўлган. Энг оғир юк «ясоқ» эди. У каналлар,

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Асака туманида шу номда қишлоқ бор.

<sup>4</sup> Андижон туманида шу номда қишлоқ бор.

қалға зовурлари қазишни, йўллар қуришни, ўтин, сомон, хашак йиғишни ва бошқаларни кўзда тутарди. Жумладан, Вахш дарёсидан канал қазиш учун Ҳисор, Қабодиён ва бошқа жойларнинг ҳокимлари 10 минг нафардан мардикор беришлари талаб этилган. Бу ишлар 6 йил давом этиб, вилоятлар ҳар йили маълум миқдорда мардикорликка одам бериб турганлар. Деҳқонлар булардан ташқари яна жуда кўплаб ишлаб бериш мажбуриятларини ҳам бажарар эдилар.

Мамлакатда тез-тез бўлиб турадиган урушлар халқ оммасининг аҳволини яна ҳам оғирлаштирарди. Уруш баҳонаси билан қонуний ва ноқонуний, доимий ва муваққат солиқлар сони кўпаяверарди. Бундай оғир қисматдан қутилишнинг бирдан бир йўли деб деҳқонлар ўз яшаш жойлари, маконларидан оммавий равишда қочишни тушунар эдилар.

Қишлоқ хўжалигида деҳқонлар меҳнати билан бирга қуллар меҳнатидан ҳам фойдаланилган. Бу ҳол ҳам шайбонийлар ва аштархонийлар даврига хос жараён-дир. Қуллар қисмати ғоятда оғир ва аянчли эди. Халқ зўрлик сиёсатига қарши оммавий чиқишлар, галаён ва кўзғолонлар билан жавоб берардилар. XVI аср бошларида Самарқанд, Бухоро, Қорақўл ва бошқа жойларда аҳолининг кўзғолонлар қилганлиги ёзма манбаларда кўрсатилган.

Салтанатнинг шу ҳудудларида XVI аср бошларига келганда шаҳарлар ҳаёти деярли издан чиққан эди, деса бўлади. Ипак йўлининг инқирозга учраганлиги Ўрта Осиёнинг нафақат савдо алоқалари ва муносабатларига, балки ўлканинг бутун ижтимоий, иқтисодий, маданий ва истиқболдаги сиёсий тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шаҳар аҳолиси батамом қашшоқларча турмуш кечиришга маҳкум этилган эди.

XVI асрнинг дастлабки ўн йилликларидан эътиборан шаҳарларнинг издан чиққан хўжалик ҳаёти секин-асталик билан тиклана бошлади. 1512 йилда ўлкага ташриф буюрган хуросонлик шоир ва адабиётшунос Восифийнинг берган маълумотларига қараганда, шайбонийлар замонида Бухоро, Самарқанд ва Тошкент серҳосил воҳалар ҳисобланиб, хунармандчилик, савдо ва маданият юксалган.

Абдуллахон даврида Бухорода «Чорсу» бозори қурилган. Бозор кўчаларининг бир-бири билан кесишиб ўтган жойида гумбазли бинолар бўлган. Бу биноларда тел-

пакфурушлар (тоқителфакфурушон), заргарлар (тоқизаргарон), сарроф-судхўрлар (тоқисаррофон) ва бошқалар жойлашган. 1587 йилда Абдуллахон мусофирхона барпо эттирган. Жуда кўп карвонсаройлар барпо этилган. Хожа Саъдга қарашли Гавкушон карвонсаройи (1570) ва Лисак масжидига яқин жойдаги сарой (1560) шулар жумласидандир. Бу меъморчилик обидалари ҳозиргача сақланиб қолган ва хорижлик сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

Шайбонийлар даврида ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик ва косибчилик маҳсулотларига, қоғоз, шойи, қурол-аслаҳаларга ҳатто чет мамлакатларда ҳам талаб ва эҳтиёж катта эди. «Мир Иброҳимий», «Султоний» каби аъло сифатли Самарқанд қоғозларининг довуғи узоқ-узоқларга кетган. Бухоро, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида темир билан бир қаторда рудадан чўян қуйиш ривожланди. Совун ишлаб чиқариш, мисгарлик, тош ва ёғоч ўймакорлиги, тўқимачилик ривож топди. Хуллас, бу даврда ҳунармандчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд эди. Бу ҳол мамлакатда нафақат ички савдонинг, балки хорижий мамлакатлар билан ҳам савдо-сотик алоқаларининг ривожланишига сабаб бўлди. Бухоро ва Хиванинг элчилари, Ўрта Осиё савдогарларини кўшни мамлакатлар: Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон, Қозоқлар, Сибирь даштлари, нўғайлар юртларига, ҳатто Москвагача бошлаб борганлар. Бунга жавобан Бухоро хонлигига ҳам турли хорижий мамлакатлардан элчилар келганлар. Бу даврда Хитой билан ўзаро борди-келди алоқалари кенг йўлга қўйилган. Хитойдан кўпроқ ипак газламалари, чинни идишлар, дори-дармонлар, чой келтирилган.

Шайбонийлар сулоласининг сўнгги йилларида хусусий ер эгалигининг ривожланиши ва жуда кўп ерларнинг ўзбек зодагонлари қўлида тўпланиши бу зодагонлар аҳамиятини шу қадар оширдики, хон ҳокимияти XVII аср бошларидан эътиборан ўзининг аввалги салмогини йўқота борди. Айниқса, Абдуллахон вафотидан сўнг мамлакатда шундай бир аянчли аҳвол юзга келдики, амирлар, султонлар, шаҳзода, бой ва оталиқлар амалда Бухоро хонлигини чок-чокидан парчалаб, ўнлаб, юзлаб бўлақларга бўлиб олдилар. Уларнинг ҳар бири марказий ҳокимиятдан деярли бутунлай мустақил эди.

1601 йилдан бошлаб ҳокимият тепасига аштархо-

нийлар келадилар. Янги сулолага шайбонийлардан оғир мерос насиб этади. Амир Темур вафотидан кейин 200 йил ўтиб, Мовароуннаҳр худуди сиёсий тарқоқлик, ўзаро қирғинбарот урушлар натижасида халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш бутунлай издан чиқиб инқироз сари йўл тутган эди. Аштархонийлар сиёсий тарқоқликни ва ўзаро қирғинбарот урушларни тўхтата олмайдилар. XVII аср бошларига келиб ўзбек уруғ ва қабилалари сони 92 та эди. Уларнинг ҳар бири ўзига хон, ўзига бек—давлат ичида давлат эди, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Манғитлар—Бухорода, қўнғиротлар—Хоразмда, минглар—Фарғонада, кенагаслар—Шаҳрисабзда, Афғонистоннинг шимоли, Амударёнинг иккала соҳилида ҳукмронлик мавқеини эгаллайдилар. Хонларга қайси қабила, уруғнинг таъсири кучли бўлса, юқори мансаб ва лавозимларини ўша қабилага улашар эди. Манғитлар вакиллари энг юқори амалдор лавозими бўлган оталиқ лавозимини, дўрмонлар парвоначи ва Қарши ҳокими лавозимини, қатағонлар Бухоро олий ясовули лавозимини эгаллаганлар. Ана шу тариқа халқ ва давлат бойлигини талон-торож қилувчи, мамлакатни хароб қилувчи улкан бошқарув аппарати ва амалдорларнинг катта бир гуруҳи таркиб топади. Буларни фақат бойлик ва шахсий манфаат қизиқтирарди. Мамлакат, миллат ва халқ тақдири, истиқболи улар учун бегона эди.

Аштархоний ҳукмдорлар давлатда ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун хизматкор ноибларига ерлар инъом қилишни давом эттирадилар. Бу даврга келиб ер инъом қилишнинг илгариги шакли—суюрғолдан ташқари танҳо шакли ҳам вужудга келади. Танҳо фақат ҳарбий саркардаларга бериларди. Танҳо соҳиби ернинг эгаси бўлмай, балки ерга ишлов берувчи деҳқонлардан ўлпон тўлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий зодагонлар эдилар.

Аштархонийлар даврида солиқларнинг қирқтага яқин тури жорий қилинган. Бу ҳол омманинг қашшоқланишига олиб келади. Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида пул тизими инқирозга учрайди ва халқни талаш авжига чиқади. Битта кумуш тангадан тўртта танга зарб эттирила бошланган, бундай тангаларнинг қудрати тўрт баробар пасайиб кетган. Солиқлар амалда тўрт баробар оширилган. Буларнинг оқибатида мамлакат халқ хўжалиги батамом инқирозга юз тутади, очлик-яланғочлик



оддий бир нарса бўлиб қолади. «Оддий халқ ва камбағаллар, — дейилади «Убайдуллонома»да, — мушкул аҳволда қолдилар, кундалик ейиш-ичишдан маҳрум бўлдилар, ҳатто кафан учун мато тополмай, жонларини худога топширдилар»<sup>1</sup>. Чорасиз қолган халқ оммаси Убайдуллохон зулмига қарши Бухорода, Кеш, Ургут ва Термизда қўзғолонлар кўтардилар. Бу қўзғолонлар шафқатсизлик билан бостирилган. Аштархонийлар халқ оммаси устидан ўз ҳукмронликларини ўтказишда руҳонийларнинг қўллаб-қувватлаши ва мададига таянганлар. Ҳукмдор зодагонлар билан диний маҳкамалар ўртасида тўла ҳамкорлик вужудга келган. Ҳар бир ҳукмдор тахтга ўтиришдан олдин муқаддас жойларга, авлиё-анбиёлар қабрларига бориб қурбонликлар, назр-ниёзлар қилиб, кечалари билан ухлამасдан Қуръон оятларидан ўқитиб чиққанлар ва уларнинг арвоҳларидан ҳукмронликка фатволар сўраганлар.

Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам шайбонийлар давридагидек Бухоро Ўрта Осиёда ислом динининг таянч марказларидан бири сифатида мавқеини сақлаб қолган. Бу ерга ислом динининг билимдонлари, муллалар, шайхлар, мударрислар ҳар тарафдан келар эдилар. «Убайдуллонома»да бу ҳақда қуйидагиларни ўқиймиз: «Гўзал Бухоро шаҳрида ва унинг атрофларида илоҳиётчилар, олимлар, тақводор ва авлиё кишилар шу қадар кўп эдики, уларнинг саноғига етиб бўлмасди»<sup>2</sup>. Улар сўфийлик таълимотини билишда ва кароматда гўё ўз илоҳий қудратларини намойиш қилар эдилар. Бу даврда Хўжа Аҳрор—нақшбандийлар ғоясининг тарафдори сўфи Дехқонга тенг келадиган ва у билан баҳслаша оладиган уламо йўқ эди. Манбаларда кўрсатилишича, унинг ер-мулклари ва бойликлари жуда кўп ва чексиз бўлган.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида Жўйбор шайхларининг ўрни ва нуфузи жуда катта бўлган<sup>3</sup>. Аслзодалиқ ва тариқатдаги юқори мавқеларига кўра, Жўйбор хожалари ўзларини ота томонидан Муҳаммад пайғамбар С.А.В. авлодлари, она томонидан эса Чингизхон ва Жўжи авлодлари деб

<sup>1</sup> Мирмуҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. Т., «Фан», 1957, 158-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Бўрибой Аҳмедов. Бухоро хонлигининг XV—XVIII асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган мавқеи ҳақида. — «Тарихдан сабоқлар». Т., 1994, 24—37-бетлар.

билганлар. Аслзодалик ва тариқатдаги юқори мавқеларига кўра, Жўйбор хожалари сомонийлар давридан бошлаб давлат ишларида муҳим лавозимларни эгаллаганлар. Хожа Муҳаммад Ислом ва Хожа Саъд XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода шайхулислом лавозимини эгаллаб турганлар. Аштархонийлардан Абдулазизхон, Субхонқулихон ва Убайдуллахон даврларида бу лавозимни Хожа Абдураҳимнинг набираси Муҳаммад Бокирхожа ва Ҳошимхожа жўйборийлар эгаллаганлар. Шу хонадоннинг бошқа бир намояндаси Ҳабибуллохожа муфтий мансабида фаолият кўрсатган.

Жўйбор шайхларидан Абубакр Аҳмад, унинг ўғли Абубакр Саъд Бухоро яқинидаги Чорбакр деган жойда дафн этилганлар. Уларнинг мазори мусулмонлар томонидан кўп ардоқланган ва кўплаб вақф ерларига ва бошқа ер-мулкка эга бўлган. Имом Абубакр Аҳмаднинг авлодлари — Жўйбор хожалари эса шу мазорнинг шайхлари бўлганлар.

Бухоро хонлари Жўйбор хожаларини ер-сув, нақд пул ва қимматбаҳо ҳадялар билан тақдирлаш билан чегараланмасдан, улар билан қавм-қариндошликка интиланганлар. Жўйбор хожалари бирон одамни юқори мансабга тайинлаш, мансабидан четлатиш ва бошқа вазифага тайин этишда ҳам маълум таъсир кўрсатганлар.

Аштархонийлар давлатининг энг ожиз ва кучсиз томони шунда эдики, уларда мунтазам армия бўлмаган. Хон армияси асосан қабилалар лашкарларидан ташкил топган. Улар оддий қурооллар: қилич, камон ҳамда найзалар билан қуроолланган эди. Ўт очувчи қурооллар камдан-кам бўлган. Қўшинда хизмат қилувчи сипоҳларга маош берилмасди, уларга босиб олинган юртлар аҳолисини талаш ҳуқуқи бериларди. Албатта, оддий ва қадимий қуроолларга таянувчи, тартиб интизоми бўлмаган қўшин билан узоққа бориб бўлмас эди.

## **7. Шайбонийлар ва аштархонийлар даврида маданият ва адабиёт**

Шайбонийлар ва аштархонийлар сулолалари ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда фан ва маданият ривож топди. Шайбонийхон ҳаётлиги чоғида ёзилган турли манбаларда, шу қаторда Муҳаммад Солиҳнинг чиғатой-туркий тилидаги «Шайбонийнома», Фазлуллоҳ бин Рўзбехоннинг форсча «Меҳмонномаи Бухоро», Бино-

ийнинг форсча «Шайбонийнома», Сайид Ҳасан Ҳожанинг форсча «Музақкири аҳбоб» асарларида Шайбонийхон даврида фан ва маданият ривожланганлиги, Шайбонийхон эса фан ва маданиятга ҳомийлик қилгани, ўзи ҳам ўқимишли, ўткир, бадий ва ижодий дид эгаси бўлганлиги кўрсатилади. Шайбонийларнинг деярли барчаси ўқимишли шахслар бўлганлар. Шайбонийхон, Убайдуллахон, Рустам Султон, Абдулазизхон, Жувонмард Султон қабилар туркий ва форсийда шеър битганлар. Шайбонийхон Бухоро ва Самарқандни теъмурийлардан сўнг фан, маданият ва санъат марказлари сифатида ривожланганди. Ҳирот ва бошқа жойлардаги олимлар, санъаткорлар, адиб-шоирлар Бухоро, Самарқандга олиб келтирилдилар. Шайбонийхон асосан урушлар билан ўтган 59 йиллик умри давомида юқори савияли бадий асарлар ёзиб, мерос қилиб қолдирган. Аммо унинг ижод дурдоналари ўз она замини Ўрта Осиёдан узоқ-узоқ юртларга сочилиб кетган. Шайбонийхон томонидан 1508 йилда чигатой-туркий тилида ёзилган «Бахр ул-худо» («Ҳақиқий йўлнинг денги-зи») диний қасидасининг ягона қўлёзма нусхаси Лондондаги «Британ Музеи» кутубхонасида сақланади.

Шайбонийхоннинг ягона шеърлар тўплами бўлган «Девон»и Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўпқопи Саройи кутубхонасида сақланади. Бу асар ҳақидаги биринчи маълумотни тарихчи олим Закий Валидий Тўғон 1927 йилда «Янги Туркистон» журналининг 1-сонида босилган «Шайбонийхоннинг шеърлари»<sup>1</sup> мақоласида берган. Муаллифнинг берган маълумотларига қараганда, Шайбонийхон Шоҳбахт, Шайбоқ, Шайбек, Шайбоний, Шоҳибек номлари (тахаллус)да ижод қилган девони 191 варақдан иборат.

Шайбонийхон Сақкокий, Атоий, Навоий анъанасидаги классик чигатой-туркий шеърятни давом эттиради. Унинг ижодиётига хос бўлган хусусият шундаки, Шайбонийхон ўз асарларида она диёри Туркистонга меҳр-муҳаббатни жўшиб куйлайди. Туркистоннинг Бухоро, Самарқанд, Урганч, Ясси (Туркистон) каби шаҳарлари номларини ўз шеърларида бирор кимса Шайбонийхончалик кўп ишлатган эмас. Буни биз шоирнинг қуйидаги сатрларида яққол кўраемиз:

---

<sup>1</sup> *Янги Туркистон*. Истанбул, 1927. 1-сон, 21—25-бетлар.

Жаннати маъво деган боғи Самарқанд эмиш,  
Кавсари аъло деган оби Самарқанд эмиш.  
Ҳар нечаким ўтсалар Хулд<sup>1</sup> тоғи тошини,  
Ўхшар анга дунёда тоғи Самарқанд эмиш.  
Жилваи ҳуру қусур ҳар нечаким қилсалар,  
Наргиси мастоналари бори Самарқанд эмиш.  
Билки ато қилди Ҳақ ҳар ёнда Жўйбор,  
Тўрт ориғи ҳар тараф ори Самарқанд эмиш.  
Ҳар тараф баргзор боғлари эрди беҳишт.  
Неча десам васфини кони Самарқанд эмиш,  
Суйидур оби ҳаёт, ели турур жонфизо.  
Нуш дори изласанг қори Самарқанд эмиш,  
Ўла ёзиб Балҳда бад йилдан истаб,  
Тегма Шайбонийга сен, шоҳи Самарқанд эмиш.

Шайбонийхон Самарқандни ўз асарларида жаннат макон деб куйласа, Бухорони Каъба савиясида улуглаб бундай дейди:

Бир хаёлим бор кўнгулким пир вафий айлайин,  
Ул Бухоро шаҳрида Каъба тавофин айлайин.

Шайбонийхон бошқа юртлар, шаҳарларда юрган кезларда ҳам Самарқанд, Бухоро, Туркистонни соғинади. Кармон, Шодмон, Қоқлик, Даргон каби қадимий ариқларнинг зилол сувларини кўмсайди. У Мовароуннаҳрдек гўзал юртни бизга Худонинг ўзи қимматбахо совға сифатида ҳадъя қилган деб айтади.

Шайбонийхоннинг фанга, маърифат ва маданиятга бўлган ижобий қарашлари албатта унинг ворисларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Шу боисдан ҳам шайбонийлардан бўлган Убайдуллахон, Абдулатиф, Абдулазиз ва Абдуллахонлар илм-маърифат ва маданиятга хайрихоҳ ҳукмдорлар сифатида ўтганлар. Убайдуллахон—Шайбонийхоннинг жияни, Бухоро ҳокими Маҳмуд Султоннинг ўғлидир. У 1533—1539 йилларда Бухоро ҳукмдори бўлган. Убайдуллахон жасур ва довюррак лашкарбоши, қаттиққўл ҳукмдор ва адабиётшунос эди. У Шайбонийхондан сўнг кучли ва тартибли давлатга асос солади, олти марта Хуросонга лашкар тортиб боради, Эрон кўшинларига бир неча бор қақшатқич зарбалар беради, Хоразмни ўзига бўйсундиради.

Убайдуллахон ибн Маҳмуд Султон «Убайдий», «Убайдулло», «Қул Убайдий» тахаллусларида шеърлар ижод қилган. У форс, араб тилларини яхши билган, бу

<sup>1</sup> Хулд — саккиз жаннатдан бирининг номи.

тилларда ҳам шеърлар ёзган. Убайдуллахон «Файратнома», «Шавқатнома», «Китоб ус-салот» каби маснавий йўлида панднома-рисолалар битган. У ўз асарларида Яссавий дунёқараши ғояларини асосий йўналиш қилиб олган. Убайдийнинг ўзбек, форс ва араб тилидаги шеърларидан иборат уч девони бир муқова ичига жойлаштирилган. Бу уч тилдаги девоннинг ягона қўлёзма нусхаси 1583 йилда Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан кўчирилган бўлиб, «Куллиёт» деб аталган. Бу қимматли қўлёзма асар Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади.

Шоирнинг бой адабий мероси ҳали махсус ўрганилмаган. Убайдий ўзининг ўзбек тилидаги газал ва рубоийлари, қитъа ва туюқлари билан шеърят тараққиётига катта ҳисса қўшган. У ўзининг газалиётида анъанавий мавзулар—ишқ-муҳаббат, вафодорлик ва дўстлик, аёл гўзаллиги ва ошиқ садоқати кабиларни тараннум этади. Шоир шеърларидаги ифоданинг ўзига хослиги юксак ахлоқий фазилат ва гўзал нафис дунёвийликнинг ўзаро уйғунлигидир. Ўзбек шеърлятида ишқий шеърлар кўп бўлса-да, Убайдий сатрлари уларнинг бирортасига ўхшамайди.

Шоир Убайдий ижоди ҳали очилмаган кўриқ. Бу бой хазинани чуқур ва атрофлича ўрганиб, уни халқимизнинг маънавий бойлигига олиб кириш мамлакатимиз адабиётчиларининг ватанпарварлик бурчидир.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари орасида Абдуллахон алоҳида ажралиб туради. У кучли ва марказлашган давлат барпо этди, фан ва маданиятнинг ривожланишига ҳомийлик қилди. Бухоро поэзияси антологиясининг муаллифи Ҳасан Ҳиросийнинг берган маълумотларига қараганда, XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида фан ва адабиёт билан 250 дан ортиқ намояндалар шуғулланган.

Аштархонийлардан бўлган Субхонқулихон саройида 1692 йилда Муҳаммад Боди ас-Самарқандий томонидан Бухоро поэзиясининг антологияси тузилган. Бу тазкирада ўша давр адабий арбобларидан 150 нафари тўғрисида таржимаи ҳол маълумотлари берилган. Субхонқулихоннинг ўзи ҳам илм-маърифатли ҳукмдор эди. У кўпроқ тиббиётга қизиқарди. Субхонқулихон Бухорода махсус шифохона (дори-ш-шифо) қурдиради. Унда беморлар даволанар ва тиббиёт фани ўрганилар эди.

Субхонқулихон яхшигина шоир ҳам бўлган. «Нишоний» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Субхонқулихон каттагина шахсий кутубхонага эга бўлган ва унда жуда кўплаб ноёб китоблар сақланган. Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Шарқшунослик институтида унинг кутубхонасида мавжуд бўлган ноёб китоблардан баъзи бирлари ва Субхонқулихоннинг шахсан ўз қаламига мансуб манбалар, ёки унинг ҳақида ёзилган асарлар сақланади.

Маърифатпарвар хонлар саройида тўпланган олимлар, шоир ва ёзувчилар илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича ижод қилдилар ва ёзган асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар.

XV аср охири — XVIII асрлар давомида тарих илми бобида жуда катта тадқиқот асарлар яратилди. Муҳаммад Ҳайдар ёки Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Маъсуд ибн Усмон Кўхистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», «Таворихи гузида Нусратнома» (асар муаллифи номаълум), Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарофномаи шоҳий» ёки «Абдулланнома», Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланнома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний» асари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Аниқ ва табиий фанлар тараққиёти руҳонийлар ва дин пешволари томонидан маълум даражада чеклаб қўйилган эди ва бу фанлар бўйича қилинган илмий кашфиётлар Оллоҳ иродасига шак келтиради деб ҳисобланган. Мана шундай бир шароитда Мутрибий дунё харитасини чизган. Бу харита Амин Аҳмад Розийнинг 1693 йилда тузган «Ҳафт иқлим» («Етти иқлим») деб номланган жугрофия, биологияга оид луғатига илова қилинган. 1541 йилда Муҳаммад Ҳусайн ибн ал-Мирони ас-Самарқандий тиббиёт ва формакологияга оид илмий асар ёзиб, унда доривор ўсимликлар, дори тайёрлаш ва уни сақлаш сирларини батафсил кўрсатиб берган. У кўз табиби шоҳ Али ибн Сулаймон Наврўз Аҳмадхон ҳузурида ишлаган, «Табиблик дастуруламали» рисоласини ёзган.

Бу даврда мусиқа илми, ҳаттотлик, миниатюра санъати соҳасида ҳам бир қатор янгиликлар яратилди. Жумладан, XVI асрда Бухорода яшаб ўтган Нажмиддин Кавкабий Бухорий (1531 йилда вафот этган) мусиқа

илмига оид «Рисолайи мусики» номли бир асар ёзади. Мусиқа ҳақидаги «Замзама-йи ваҳдат» номли асар Боқийайи Намний қаламига мансуб эди. У ҳар хил жанрдаги 12 мақом тизимининг машҳур билимдони бўлган.

Султон Али Машҳадий, Мир Али Хиравий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шиқобий ва бошқалар ҳуснихат бобида тенгсиз ва моҳир бўлганлар. 1586—1587 йилларда Дарвиш Муҳаммад ибн Дўстмуҳаммад Бухорий «Ҳатотлик санъати» назариясига оид асар ёзган.

Шу даврда «Фатҳнома», «Тарихи Абулхайрхоний», «Шайбонийнома» ва Алишер Навоийнинг асарларига юқори бадиий дид ва бўёқларда миниатюралар ва суратлар солинган. Рассомчилик соҳасида Жалолиддин Юсуф, сарой рассоми Келди Муҳаммад ва бошқалар баракали ижод қилганлар.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатлари туркий ва форс-тожик халқларининг уйғун иттифоқидан ташкил топган эди. Шу боисдан турмушда ҳам, адабиётда ҳам ўзбек ва тожик тиллари кенг қўлланиб келинган. Бу хонликларда яшовчи халқлар икки тилда бемалол ўзаро мулоқотда бўлганлар, куда-андачилик қилганлар. Анъанага кўра эса фанда, адабиётда ва мактабда тожик ва араб тилларининг нуфузи сақланар, идора ишларида тожик тилини қўллаш давом этган. Темурийлар давридан эътиборан тожик тили билан бир қаторда ўз асарларини турк-ўзбек тилида ёзадиган олимлар, шоир ва ёзувчилар кўпаяверди.

XV аср охири — XVIII асрларда Мовароуннаҳр ўзининг бадиий ижод бобидаги тарихий анъаналарини давом эттирди. Бу даврда бадиий ижоднинг турли жанр ва йўналишларида ижод қилган кўплаб шоир ва ёзувчилар етишиб чиқдилар. Улар ўз ижод дурдоналари билан жаҳон фани ва маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар.

**Биной** (асли исми **Камолиддин Али ибн Муҳаммад Сабз**) (1453—**Ҳирот**, 1512—**Қарши**) Ўрта Осиёлик машҳур шоир, мусиқашунос ва тарихчидир. Унинг ҳаёти темурийлар тожу тахт учун ҳаёт-мамот кураши олиб борган ғоятда огир ва мураккаб бир даврда кечади. Шу боис у ниҳоятда қарама-қарши ҳаёт йўлини босиб ўтади. 1458 йилнинг кузида Абу Саид Ҳирот ёнида Жаҳоншоҳни тор-мор келтириб икки ўртада битим тузилгач, Хуросон Абу Саид ихтиёрида қолади, Ғарбий Эронда эса Жаҳоншоҳ ҳукмдор бўлади. Жаҳоншоҳ

Ҳиротдан жуда кўп уламо, шуаро ва ҳунармандларни, шулар қаторида 6 яшар Камолиддинни ҳам отаси бинокор уста бўлганлигидан ўзи билан бирга олиб кетади. Камолиддин Эронда уч йил яшаб яна Ҳиротга қайтиб келган. Тахминан 1487 йилгача у Ҳиротда адабиёт, шеърят илми, мусиқа ва тарих фанларини чуқур ўрганиб, замонасининг етук шоири ва олими бўлиб етишади. 1487 йилда Камолиддин Табризга келиб, Ироқи Ажам ва Озарбайжон ҳокими Султон Яъқуб (1479—1490) саройида 1491 йилгача хизмат қилади. Шу йили у яна Ҳиротга қайтган, бироқ тезда Самарқандга кетади (1495). Алишер Навоий Биноийга, унинг ижоди ва қобилиятига катта баҳо берган. Лекин унинг бир жойда кўним тураолмаслиги, мижозидаги баъзи бир худбинлик ва мутакаббирлик хусусиятларини Навоий эътибордан четда қолдирмайди<sup>1</sup>.

Бу даврда Мовароуннаҳрда сиёсий вазият ғоят мураккаб бўлиб, ички ўзаро низо ва фитналар оқибатида мирзолар ўртасида тўқнашувлар тўхтовсиз бўлиб турарди. 1496 йилда Биноий Хожа Муҳаммад Яҳё топшириғига биноан шоир ва тарихчи олим Муҳаммад Солиҳ билан бирга Бобур Мирзо ҳузурига боради ва у билан Султон Али Мирзо ўртасида Бойсунқур Мирзога қарши иттифоқ тузишда алоҳида хизмат кўрсатади. Биноий Самарқанд Бобур Мирзо қўлида бўлган вақтда (1497, ноябрь—1498, март) Бобур Мирзо, кейинчалик эса Султон Али Мирзо ҳузуринида хизматда бўлади. Самарқанд ва Мовароуннаҳр узил-кесил Муҳаммад Шайбонийхон қўлига ўтгач, 1500—1510 йиллар давомида унинг хизматида бўлади. Ҳирот ва Хуросон Исмоил Сафовий кўшинлари томонидан эгаллангач, Биноий яна Мовароуннаҳрга қайтади. У 1512 йилда Эрон сафовийларининг Қарши шаҳрида ўтказган оммавий қирғини пайтида ўлдирилади.

Биноийнинг «Шайбонийнома» асари XVI аср бошларида ёзилган ва XV аср ўрталаридан то 1506 йилгача бўлган Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўз ичига олади. Бу асарда Эрон подшоси Исмоил Сафовийнинг (1502—1504) ҳарбий юришлари, XVI аср бошларида Бухоро хонлиги билан Эрон ўртасидаги сиёсий муносабатлар ёритилган.

Биноий ўзидан 4282 мисрадан иборат шеърый де-

<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Т., «Фан», 1966, 193-бег.



вон қолдиради. 1498 йилда Самарқандда битилган ва темурийлардан Султон Али Мирзога бағишланган 876 байтлик «Мажмуъ ал-ғаройиб» қасидаси ва Ироқда истиқомат қилган йиллари ёзилган «Беҳруз ва Баҳром» маснавийси ҳам Биноий ижодида алоҳида ўрин тутди. У «Беҳруз ва Баҳром»да замонасининг мудҳиш ва аянчли томонларини кескин танқид қилади, бир қатор ахлоқий-тарбиявий ғояларни илгари суради. Шоирнинг 4282 мисрадан иборат учта шеърлар девони катта илмий аҳамиятга эга. Биноийнинг «Футуҳоти хоний», «Ҳикояти сафари Биноий» китоблари мусиқа илмига доир. Рост мақомида басталанган «Нухранг» («Тўққиз ранг») асари илмий ва бадий қимматга эга.

**Муҳаммад Солиҳ (1455, Хоразм—1535, Бухоро)** ўзбек шоири, тарихчи, давлат арбобидир. Унинг отаси Нур Саидбек Хоразмда ҳоким бўлган. Бобоси Амир Шоҳ Малик Хоразмда Темур салтанатининг таянчларидан бўлиб, Мирзо Улуғбекка восий эди. Бошланғич маълумотни Хоразмда олган Муҳаммад Солиҳ Ҳиротда Жомий кўлида таҳсил кўради. У дастлаб 1490 йилгача Хуросонда Ҳусайн Бойқаро, кейинчалик Бухоро ва Самарқандда темурийлар, 1499 йилдан эътиборан эса Шайбонийхон саройида хизматда бўлган. Шайбонийхон унга «амир ул-умаро», «малик уш-шуаро» унвонларини беради, ўзининг ҳарбий юришларида бирга олиб юради. Шайбонийхон 1500 йилда Бухорони эгаллаганда ҳокимликка Муҳаммад Солиҳни кўяди. У айна замонда Чоржўй ва Нисо вилоятларининг ҳокими бўлган. Муҳаммад Солиҳ 1507—1510 йилларда Ҳиротда яшайди, олимлар, шоир-ёзувчилар ва санъаткорлар билан бевосита мулоқотда бўлади. Муҳаммад Солиҳнинг девони бизгача етиб келмаган, аммо унинг Солиҳ тахаллуси билан ёзган газаллари, шеърлари, баёз ва тазкиралари учраб туради. Унинг ижодига Навоий, Бобур, Нисорий каби шоир ва адабиётшунослар ижобий баҳо берганлар.

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари ўзбек тилида назм билан ёзилган дoston бўлиб, ўзининг бадий савиясининг юксаклиги ва тилининг содда, халқчиллиги билан аҳамиятлидир. Дostonнинг асл нусхаси топилган эмас. Аммо шоирнинг ҳаётлик чоғида 1510 йилда Қосим томонидан кўчирилган нусхаси Венада сақланади.

**Зайниддин Маҳмуд Восифий (1485, Ҳирот—1551,**

**1556, Тошкент)** 1512 йилгача Хиротда яшаган, сўнг Ўрта Осиёга қочиб келган ва 30-йилларга қадар Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа ерлардаги шайбоний ҳукмдорларнинг саройларида сарой шоири сифатида ижод қилган. У «Бадоеъул-вақое» («Нодир воқеалар») номли қизиқарли эсдаликлар муаллифидир. Восифийнинг эсдаликлари кичик-кичик қизиқ ҳикоя ва латифалар тўпламидан иборат. Китобда Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва Эрондаги 1532 йилгача бўлган даврдаги илмий, адабий, тарихий ва маданий ҳаёт акс эттирилган. Ибн Сино, Жомий, Навоий, шунингдек, Қосим Али Қонуний, Чақар, Чанчий, Устод Ҳасан Удий Ҳофис Басир, Устод Шайхи Нойи каби мусиқа-шунослар, айрим давлат арбоблари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Китоб Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданияти ҳақида муҳим манба ҳисобланади. Ундан В.В.Бартольд, Якубовский, Бертельс, Айний ва бошқа илмий тадқиқотчилар ўз даврида фойдаланганлар. Унинг асарлари орасида ўз даврининг тарихий шахслари қаторида Алишер Навоийнинг ҳаётидан баъзи лавҳалар ҳам келтирилган. Сарой шоири сифатида Восифий ҳукмдорлар, амалдор тўралар ва савдогарларга атаб мадҳиялар, қасидалар ёзган, уларнинг буюртмалари асосида шеърлар ижод қилган, фармонлар ва ёрлиқларнинг матнларини тузган, мактублар, қурилатган масжидлар ва мақбаралар учун лавҳалар, қабр тошлари устига ёзиладиган ёдгорлик битиклари, турли-туман асарларга сўзбошилар тузиш ва бошқа шунинг сингари ишлар билан шуғулланган.

**Мушфиқий (1525—1588)** Абдуллахон саройида хизмат қилган шоир. У Бухорода камбагал оилада таваллуд топган. 1564 йилга қадар Бухорода яшаган. 1568—1572 йилларда Самарқанд ҳокими Султон Саид саройида, 1572—1573 йилларда Ҳиндистонда Акбаршоҳ саройида китобдорлик қилган. 1578 йилдан Абдуллахон саройида ишлай бошлаган. Абдуллахон унга «Малик уш-шуаро» унвонини берган. Мушфиқий бой ижодий қалб эгаси бўлган. Шоирнинг сатира, ғазал ва қасидалари «Девони мутоибот», «Девони ғазалиёт», «Девони қасоид», «101 тугун» («Саду як бувад») кабиларда тўпланган.

Шоир Мушфиқий ўз асарларида гўзаллик ва муҳаббат ҳақида «Эрам боғи», шунингдек, «Соқийнома» ва «Жаҳоннома» каби назмий асарларини яратган. Бу са-

тирик шеърларида юқори табақа вакилларининг худбинлик, риёкорлик, хасисликларини аёвсиз фош қилади, ижтимоий тенгсизликни қоралайди («Зулмдан шикоят» ва бошқаларда). Мушфиқий асарлари халқ орасида катта эътибор топди ва кенг тарқалади, унинг ўзи ҳам Мулла Мушфиқий номи билан тожик халқ латифалари қаҳрамонига айланган.

**Сайидо Насафий (1637—1710)** «Убайдуллонома» муаллифининг ибораси билан айтганда, «Бухоро шоирлари тахтида султон» деб ном чиқарган шоир ва ёзувчидир. У тожик адабиёти ва тожик адабий тилининг ривожланишида ўзига хос ўрни бўлган мутафаккирдир.

Сайидо Қарши (Насаф) шаҳрида таваллуд топган ва шу ерда бошланғич таълим олиб, Бухоро мадрасаларида ўқишни давом эттирган. У хунарманд-тўқувчи бўлган, оғир иқтисодий қийинчиликлар шароитида, «Убайдуллонома»да таъкидланганидек, «амирлар уйини ва хон саройларини зиёрат қилишга интилмаган, ўзига насиб қилган бир бурда нонга қаноат қилиб» яшаган. Шунга қарамасдан у бадиий ижод учун вақт ва имконият топаолган. Ўзи яшаган оғир ва қийин бир шароитда меҳнаткаш халқ билан бирга бўлди, унинг дардига ҳамдардлик қилади, халқнинг жабр-жафоларига шерик бўлади. Ўз ижодида демократик, халқпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини илгари суради. Сайидо ўзаро сиёсий қиргинбарот урушларни қаттиқ қоралайди, мамлакатни харобага айлантирганларни аёвсиз танқид қилади.

Сайидо Насафий жуда кўплаб лирик шеърлар ва ғазаллар ҳам ёзган. Уларда шоир сўфизм, нашқбандийлик ғоялари ва дунёқарашини илгари суради. Сайидо бу хусусдаги қасида ва маснавийлари, аштархоний хонлар юришларининг шеърда ифодаланган тарихий асарлари, мухаммаслари, масалларида мамлакат ва халқ ҳаёти ҳақида ғоят қимматли фикр ва хулосалар беради.

**Турди—Фароғий** (XVII асрнинг биринчи ярми—тахминан 1701 йил) XVII аср ўзбек адабиётидаги илғор оқимнинг ёрқин вакили, халқ манфаатлари ифодачиси (адабий таҳаллуси Фароғий (эркин табиатли киши). У Бухоро, Хўжанд ва Жиззахда яшаб ижод қилади. Турдининг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида маълумотлар ниҳоятда кам. Асли ўзбекларнинг юз қабиласидан бўлиб, бошқа қабилла бошлиқлари қатори Турди ҳам ўз қабилла-

си номидан оталиқ лавозимида бирмунча вақт Субхонқулихон саройида хизмат қилади. У Субхонқулихон ҳукронлиги даври (1680—1702)даги адолатсизликлар, „халққа ўтказилган жабр-зулмларни ўз кўзи билан кўради. Хон саройидаги юқори мансаб эгаларининг лаганбардорликлари, порахўрлик, ахлоқий бузуқликларининг гувоҳи бўлади. Халқнинг эса зулм, эксплуатация ва солиқлар дастидан қадди букилади, ҳатто «барот» солиғининг етти йиллиги бир йилда ундириб олинар эди. Меҳнаткаш омма 1681—1686 йиллар мобайнида Субхонқулихон сиёсатига қарши бир неча бор қўзғолон кўтаради. Шоир Турди ҳам қўзғолончиларга қўшилади. Бухорода кўтарилган бу қўзғолонга юз қабиласидан Фозилбий, қатағон қабиласидан Темурбий, ёбу қабиласидан Тамғабийлар бошчилик қиладилар. Икки ўртада шиддатли жанг бўлади. Қўзғолончилар Фатҳобод, Хазора қалъаси, сўнг Карманага чекинадилар. Темурбий Субхонқулихонга сотилиб қўзғолонга хиёнат қилади. Фозилбий ва Тамғабийлар шоир Турди билан бирга Ўратепа ва Хўжанд ҳокими Раҳимбийга ёрдам сўраб борадилар. Турди Раҳимбийга бағишлаб шеър ёзади ва уни Субхонқулихонни ағдариб ташлашга чақиради. Лекин Раҳимбий хонга қарши курашга журъат этаолмайди.

Қўзғолончилар Самарқанд яқинидаги Конибил деган жойда хон кўшинларидан енгилдилар. Турди Раҳимбий ва унинг ўғли Оқбўтабийдан ёрдам олиш илинжида Хўжандда қолади. Раҳимбийга атаб малҳиялар ёзади. Аммо бу ҳаракатларидан натижа чиқмагач, Жиззахда ўрнашади ва тахминан 1701 йилда шу ерда вафот этади. Турди вафотининг сўнгги кунларида ёзган шеърларида ўз қайгу-аламларини зорланиб ифодалайди:

Куяр тил шаммайи гар ҳолатимдан айласам таҳрир<sup>1</sup>,  
Гирибон чок ўлур, этса қалам дарди дилим таҳрир.

Шоир бевафо замонасидан шикоят қилади:

Чархи дун<sup>2</sup> қилди манга жабру жафолар беҳисоб,  
Гардиши даврон берур ҳар лаҳза юз минг печу тоб<sup>3</sup>.

Ҳажвчи, танқидчи, демократик ғоялар куйчиси Турдидан бир девон—шеърлар тўплами бизгача етиб келган. Унда 432 мисрадан иборат 17 та шеър бор, улар-

<sup>1</sup> Таҳрир — баён қилиш.

<sup>2</sup> Чархи дун — тубан фалак.

<sup>3</sup> Печу тоб — тўлганиш.

дан 2 таси тожик тилидадир. Бу асарлар оддий, содда ва равон тилда ёзилган. Шоир Турдидан унинг юз, минг-уруғ қабила бошлиқлари бўлган аристократ қариндош-уруғ ақраболари юз ўгирадилар, аммо халқ уни ҳурмат қилар эди. Бу шоирнинг қалбини кўтаради.

Шоир халқ оммасининг давр ноҳақликларига, хоннинг адолатсиз сиёсатига қарши норозилигини, алам-ли фикр ва ҳаяжонли кечинмаларини санъаткорона дадиллик билан сатирага олади.

Турди хонни инсоф, диёнатга чақиради, унинг атрофини ўраб олган хушомадгўй, лаганбардор, номуносиб одамлардан огоҳ бўлишга даъват этади. У халқни талаган, мамлакатни хонавайрон қилган, адолатсиз ва золим хон ҳақида газабланиб ёзади ва уни агдариб ташлашга чақиради. Турди юрт ва мамлакатни хонавайрон қилган сиёсий тарқоқлик, қирғинбарот урушларни лаънатлайди, уруғ ва қабилаларни бирлашишга, ҳамкорликка, уруғ оқсоқолларини, бекларни «бир яқодин бош чиқариш» га чорлайди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Тор кўнгиллук беклар» шеъри ибратлидир:

Тор кўнгиллук беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бори ўзбек юридуру, тенглик қилинг.  
Бирни қипчоқу, хитою, бирни юз, найман деманг,  
Қирку юз, минг сон бўлиб, бир жон ойинлик қилинг.  
Бир яқодин бош чиқариб, барча бир тўнға кириб,  
Бир ўнғурлик, бир тиризлик, бир яқо, энглик қилинг.

Албатта, Турди ўз замондошларига нисбатан бир қадам олға кетди. Аммо жамият ва ҳаётдаги барча ярамас нуқсон ва иллатларни шоир «ёмон», «адолатсиз» подшонинг онгидан излайди. Бу унинг нуқсони эмас, балки шоир Турди яшаган ва ижод қилган даврнинг фожеаси эди.

**Бедил** (тахаллуси; асли исми **Мирзо Абдулқодир, 1644—1721**)<sup>1</sup>. Шарқ халқларининг ғениал шоири, файласуфи, мутафаккири ва ўз даврининг «Мирзо Малик уш-шуароси»дир. У ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. Ота-бобоси шахрисабзлик ўзбек барлос уруғларидан бўлган. Бир ёшда отадан етим қолган, онаси кўлида тарбияланади. Беш ярим ёшида мактабга боради. Ёшлиқдан қобилият эгаси бўлган Бедил араб, форс,

<sup>1</sup> Мўминов И. Мирзо Бедил. Т., 1974; Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2001, 1-жилд, 676—677-бетлар.

урду тили ва адабиётини ўрганади, турли фанларга қизиқади. Қўқонлик тарихчи Ҳакимхон Ҳожи Муҳаммаднинг «Мунтахаб ут-таворих» китобида ёзилишича, Бедилнинг мадрасадан кўнгли совийди, шу боис у уйда ўз билимини оширади. Бу ишда унга амакиси Мирзо Қаландар ва тоғаси Мирзо Зарифлар яқиндан ёрдам берадилар. Бедил сўфизм фалсафасини, ҳинд ва урду тилларини, юнон (айниқса Арасту) фалсафасини чуқур ва атрофлича ўрганади, кенг мушоҳада этади. Ун ёшдан бадий ижод билан шуғуллана бошлайди. Отасининг ўлимига бағишлаб марсия ва рубоийлар тўқийди. Бедил гоятда мураккаб социал-иқтисодий, тарихий жараёнда яшади ва ижод қилди. Ундан бой илмий-фалсафий ва бадий мерос қолган. 130 мингдан ортиқ шеърӣ сатр, 50 босма табоқ насрий асарлари мавжуд. У 1721 йилда Деҳлида 77 ёшида вафот этади.

Бедил асарларининг асосий қисми унинг куллиётига кирган. Бу тўплам 1882 йилда Бомбайда чоп этилиб 16 китобдан иборат. Бедил китобларининг литография босмасидан ташқари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хива, Хўжанд, Душанбе, Ўш шаҳарларида қўлёзма нусхалари ҳам учрайди. «Тилисми ҳайрат» (1669) 7500 мисрадан иборат. Маснавий тарзида ёзилган бу асарда инсоннинг жисмоний вужуди ва руҳияти ҳақида сўз боради. Бедил инсон руҳини илоҳий оламдан келган подшоҳга ўхшатиб, унинг жисмоний вужудини тупроқ, шамол, олов ва сувдан таркиб топган мамлакат қиёфасида тасвирлайди.

«Муҳити аъзам» (1681) 9 минг мисрадан иборат. Бу маснавий асарида Бедил тасаввуф аҳли ҳаётига оид ҳикояларини, шунингдек, май, жом, най, танбур ва бошқа мусиқа асбобларининг таърифи-тавсифига бағишланган фикр-мулоҳазаларини гўзал истиора ва ташбеҳлар воситасида ифодалайди.

Бедилнинг ғазаллари, рубоийлари, қасидалари, қитъа ва тарихий қитъалари ҳамда таркиббанд ва таржибандларини қўшиб ҳисоблаганда 75 минг лирик ва чуқур фалсафий мисраларни ташкил этади.

Бедил «Чор унсур» («Тўрт унсур») китобини 1703 йилда ёзган. Бу китоб насрда ёзилган. Унда шоир ўзининг болалик, ўсмирлик, йигитлик ва қарилик чоғлари ҳақида биографик маълумот беради. Асарнинг сўнгги икки бобида тўрт унсур—ҳаво, сув, ер ва олов тўғрисида сўз боради.

«Ирфон» («Билим», 1711) асари дoston ва ҳикоялардан таркиб топган. 10 минг сатрдан таркиб топган бу китобда адабиёт, табиат, фалсафа, социология масалалари ҳақида фикр юритилади. Ундаги машҳур дostonлардан бири «Комде ва Мудан» бўлиб, бу дostonида Бедил раққоса қиз Комде билан истеъдодли чолғучи Муданнинг севгисини тасвирлайди. Золим подшо Комде ва Муданнинг бошига кўп кулфат ва фожеалар солади. Узоқ жудолик ва алам- изтиробдан кейин Комде билан Мудан мурод-мақсадларига етадилар. Бедил бир ўринда:

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,  
Чумоли енгади шерни бегумон,

дегандек, Комде билан Мудан ўзини шер билган шиддатли шоҳни енгадилар. Соф севги, муҳаббат зулмдан устун чиқади. Дostonнинг бош қаҳрамони Мудан мағрур овоз билан:

Улуғ эрур гарчи шоҳлар даргоҳи  
Ундан юксак гадоларнинг кулоҳи,

деган эди.

Мирзо Бедилнинг машҳур асарларидан яна бири «Нукот»дир. Унда улуғ мутафаккир яхши фазилатли кишиларни эозлайди, бадфеъл, ёмон кишиларни сатира ўти билан танқид қилади. Одамларни эзгуликка, аҳилликка, бирликка, ҳамжиҳатлилиқка ва ҳамдардлиқка чорлайди. У инсоннинг камолоти учун курашади. Инсон қайси ирқ, қайси дин ва қайси халққа мансуб бўлишидан қатъи назар, инсондир. Бас, шундай экан, фарқ-тафовутларига қарамай одамлар инсоний бурч ва хислатлари билан бирлашмоқлари лозим. Меҳнат касбкор, инсоний бурч ва хислатнинг асосларидан биридир. Бедил ишёқмас. текинхўр кишиларни қаттиқ қоралайди, улардан нафратланади. У ўз асарларида инсон шахсини улуғлайди, инсон эркини ҳамма нарсадан устун қўяди, ақидапарастлик, жаҳолат ва зулматга қарши курашади. Бедилнинг асарлари бой фалсафий ғоя ва мазмунлар билан суғорилган. Шулар боис уни «Абулмаъоний» — «Маънолар отаси» деб атаганлар.

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг илғор ижтимоий-сиёсий ғоя ва қарашлар билан суғорилган фалсафий асарлари авлодлар қалбидан мустаҳкам ўрин олади ва бу асарлар бугунги кунда ҳам инсон учун, инсоннинг бахтли истиқболи учун курашда хизмат қилмоқда.

**Мулла Сайид.** XVIII аср бошларида Бухоро хонлигида фақатгина поэтик истеъдоди ва қобилияти билангина эмас, балки ўзининг юксак маънавий, ахлоқий ва инсоний фазилатлари билан ҳам ном қозонган жуда кўп улуғ зот шоирлар ва ёзувчилар яшаган. Ана шундай улуғ зотлар орасида «Бухоро шоирлари тахтидаги бек» деган улуғ ном эгаси Мулла Сайиддир. Унинг бадиий ижоддаги таҳаллуси Муҳаммадийдир. Мулла Сайид Бухоро халқининг чексиз ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига фақатгина шоир бўлганлиги, гўзал ва сермазмун шеърлар ёзганлиги учун эришгани йўқ. Балки энг аввало бундай меҳр-муҳаббатга ўзининг мустақил ва мағрур феъли, камсухан ва камтарона характери ва одоби туфайли эришди. У сарой шоири бўлмади, таъмагирлик қилмади, мансаб, мол-дунёга қизиқиб ўз инсоний қаддини букмади, оёқ ости бўлмади, хон кўлидан садақа кутмади ва умрининг охиригача ғоз туриб яшади. «Убайдуллонома» муаллифининг ёзишича, Мулла Сайид шоир Нодир девонбеги масжидининг болаҳонасидаги бир кичик ҳужрада яшаб «амирлар хонадони ва хон саройига ташрифни хаёлига келтирмади, ўз насибасига тушган бир бурда нонга қаноат қилди».

Ўзининг ўткир ақли ва сўзамонлиги, кенг қамровли билими ҳамда нозик дид табиати туфайли «туғма Афлотун» номини олган самарқандлик мулла Фитрат шеърлари ҳам бебаҳо инжуга нисбат берилган. **Мулла Фитрат** ҳам мулла Сайид сингари, ўзининг инсоний қадр-қимматини ҳар қандай бойлигу, аркону давлатдан устун қўйган, бойлар, амалдорлар ва хонлардан илтифот кутмаган.

**Халқ оғзаки ижоди.** Шайбонийлар ва аштархонийлар замонида халқ оғзаки ижоди ҳам кенг ривож топди. IX—X асрларда яратилган «Алпомиш» достонининг оғзаки эпик анъаналари бу даврда кенг тарқалади. «Алпомиш» — ватанпарварлик, қаҳрамонлик, севги ва дўстлик, ростгўйлик ва тўғрилиқ ҳақидаги достондир. Ундаги демократик ғоялар ва олийжаноб инсоний фазилат-идеаллар Алпомиш, Барчин, Қоражон ва бошқа ижобий қаҳрамонларнинг мураккаб саргузаштлари орқали очила боради.

Халққа, элга, юртга, қабила-уруғига нисбатан самимий ва чексиз муҳаббат, душманга нисбатан мислсиз ғазаб ва нафрат, мардлик ва фидокорлик, оила бахти, самимий севги, дўстлик ва садоқат, инсоф ва



адолат, осойишталик ва фаровонлик учун кураш «Алпомиш» достонининг етакчи ғоясидир. Бу ғоявий мотивлар достоннинг бош қаҳрамонлари Алпомиш, Барчин ва Қоражонларнинг ижобий саргузаштлари ва фаолиятлари орқали талқин этилади. Ҳақиқий инсонийликка қарама-қарши ўлароқ, мунофиқлик, адолатсизлик, инсофсизлик, қабиҳлик, шахсиятпарастлик, очкўзлик, ичи қоралик каби барча ёмон иллат ва хислатлар достондаги салбий образлар: Бойбўри, Кўкалдош, Сурхайил кампир, Тойчахон ва бошқалар тимсолида очиб берилди. Хуллас, «Алпомиш» достони халқимизнинг ўтмиш тарихи, унинг эзгу орзу-ниятларини ўрганишда ғоятда қимматли манбадир. Унда илгари сурилган ватанпарварлик, қаҳрамонлик, дўстлик ва биродарлик каби ғоялар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни тиклаш учун кураш кетаётган бугунги кунда янада қимматли ва аҳамиятлидир. Ўзбекистон Президентининг махсус фармони асосида «Алпомиш» достонининг минг йиллик тантаналарининг нафақат мамлакатимизда, ҳатто кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам кенг нишонланиши ҳар биримизнинг қалбларимизда оташин ғурур ва фахр туйғуларини камол топтиради. И.А.Каримов айтганидек, бу достон бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради, одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўргонини қўриқлашга, дўст-ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

**Меъморчилик.** Шайбонийлар ва аштархонийлар меъморчилик ишларида ҳам фаол бўлишиб ўзларидан қатор ёдгорликлар қолдирганлар. Бу ишда нафақат сулола намояндалари, балки ўша даврнинг кўзга кўринган йирик зодагонлари, ҳукмдорлари ҳам четда қолмаганлар. Масалан, Самарқанддаги Муҳаммад Шайбоний қурдирган Хонийа; Абу Сайид номи билан боғлиқ мадрасалар; Регистондаги Ялангтўш баҳодир қурдирган Тиллакори ва Шердор мадрасалари, Бухоро шаҳар деворининг таъмирланиши, Мир Араб, Абдуллахон, Модарихон (Абдуллахоннинг онасига аталган), Фатхулла қушбеги, Муҳаммадхожа, Порсо, Жўйбор, Мароқанд, Қулбобо, Кўкалдош мадрасалари, Мадраси Калон, Хожа Зайниддин, Баланд, Абдуллахон, Чор Бакр, Кўкалдош масжидлари, заргарлар, саррофлар, телпак-

фурушлар тимлари, Абдуллахон тими, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Қаффоли Шоший мақбараси, Бароқхон мадрасаси, Туркистондаги (Ясси) Муҳаммад Шайбонийхон масжиди, Балхда қалъа деворининг таъмири (узунлиги 14 км), бир қатор масжидлар, чорбоғлар, ҳаммомлар, бозорлар, турли шаҳарларда қурилган кўплаб карвонсаройлар ва бошқа қатор қурилиш, таъмирлаш ишлари шулар жумласидандир.

Зарафшон сув айирғичи ва бошқа кўприк ва сув омборлари қурилди, ариқ, каналлар қазилди, сардоба ва ҳаммомлар солинди. Бухоро шаҳри янги мудофаа девори билан ўралди. Қабр тоши (Шайбонийхон, Абусаидхон қабр тошлари ва бошқалар) ясаш бадий даражага етди.

## 8. Бобурийлар мероси

Маънавий маданиятимизнинг улуғ вакиллари орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар ўзига хос муносиб ўринга эга. Бобур Мирзо ва бобурийлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Кашмир ва Бангладеш тарихида алоҳида из қолдирганлар. Бу аввало бобурийлар қолдирган буюк меросдир. Бу мерос энг аввало моддий маданият бойликлари бўлса, иккинчидан, маънавий маданият дурдоналаридир.

Бобур Мирзо яратувчилик ҳомийси, фан ва маданиятнинг жонкуяр ҳимоячиси эди. Унинг шиори инсониятга яхшилик қилиш ва эзгуликдан иборат бўлган. Буни биз Бобурнинг қуйидаги сатрлари орқали ҳам яққол ҳис этамиз:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Маълумки, Бобур Мирзо Ҳиндистонда жуда қисқа муддат — 4 йилу 3 ой (1526—1530) бўлган. Ана шу қисқа муддатда у бегона юртнинг шарт-шароитини ўрганиш, ўзининг янги салтанатини мустақкамлаш каби ишларга катта куч-матонат ва вақт сарф қилган, бу ишлар билан ҳар қанча банд бўлмасин яратувчилик ва қурилиш ишларига ҳам вақт ва имконият топа олган. «Бобурнома»да унинг ўзи шундай ёзади: «...Нечунким «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шораф мундоқ муболаға била битибдурким, Озарбайжон ва Форс ва Ҳиндистон ва

яна ўзга мамолик сангтарошлардин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Аграда ушбу Агранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Аграда ва Секрийда ва Байанада ва Дўлпурда ва Гавалийарда ва Қўйилда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди...»<sup>1</sup>.

Бобур иморатлар қурдиришдан ташқари карвон йўлларини тиклаш, ҳовуз, қудуқ ва ариқлар қаздириш ишлари билан ҳам шуғулланган, ҳаммомлар қурдирган. Ҳиндистонда сув тегирмонини биринчи бўлиб қурдирган ҳам Бобурдир.

Бобур вафотидан сўнг авлодлари навбати билан 1858 йилга қадар Ҳиндистонни идора қилганлар. Ана шу йиллар даврида Ҳиндистоннинг турли шаҳарларида барпо этилган буюк қурилиш обидалари бобурийларнинг жаҳон маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳисобланади. Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси, Қизил қалъа ансамбли, Жоме масжид, Аградаги қалъа, Тожмаҳал, Фатхпур Секрий шаҳри, Секандарадаги Акбаршоҳ мақбараси, Лоҳурдаги қалъа ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Орадан шунча замонлар ўтган бўлса-да, бу обидалар ўз маҳобатию тароватини йўқотмаган ҳолда ҳали-ҳануз кишиларни мафтун этиб ўзига лол қолдириб келмоқда.

Бобурий шаҳзодаларнинг Ҳиндистонда турли даврларда қурдирган архитектура ёдгорликларининг нақадар гўзаллиги ва маҳобатига биргина Тож Маҳал мақбараси ёрқин мисол бўла олади. Бу мақбарани Шоҳ Жаҳон (1627—1658) ўзининг севикли хотини Аржуманд Бону Бегим (Мумтоз Маҳал) хотирасига бағишлаб қурдирган. Аржуманд Бону бобурийлар саройининг бош вазири Асаф Хоннинг қизи, Нур Жаҳон (Жаҳонгиршоҳнинг хотини)нинг жияни бўлган. Гўзаллик ва ҳусн-латофатда, оқиллик ва фаҳму-фаросатда, тadbиркорлик ва меҳри-муҳаббатда у шу қадар тенгсиз эканки, қайнотаси Жаҳонгиршоҳ эркалаб «Мумтоз маҳал», яъни «Саройнинг сараси» деяр экан. Ўша даврдаги сарой шоирларининг таъриф ва тавсифича, унинг «ой деса оғзи, кун деса кўзи бор экан», «ҳусни жамолидан ой уялиб кун қизарар экан», «жамолидан нур шунча-

---

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002, 209-бет.

лар таралар эканки, у билан тўқнашишдан қўрқиб юлдузлар кўздан ғойиб бўлар экан». Ана шундай гўзал париваш билан Шоҳ Жаҳон 18 йил бахтиёр ҳаёт кечирган. Ривоят қилишларича, Мумтоз Маҳал хоним вафоти олдидан Шоҳ Жаҳондан уч нарсани илтижо қилади: болаларга бирдай муносабатда бўлиш, уйланмаслик ва ниҳоят унга атаб дунёда тенги йўқ мақбара қурдириш. Шоҳ Жаҳон гўзал ва севикли маликасининг васиятига содиқ қолади, фарзандларига меҳрли ва яхши ота бўлади ва умрининг охиригача уйланмайди. Аржуманд Бону Бегимни дастлаб Бурхонпурда, ярим йилдан сўнг Агра яқинида Жамна дарёси соҳилидаги Акбарободда ва ниҳоят учинчи марта Тож Маҳал мақбарасида дафн қиладилар. Шоҳ Жаҳонга хотинининг ўлими шу қадар таъсир қиладики, у 8 кеча-кундуз ўз хонасига кириб ҳеч нарса емасдан-ичмасдан мотам тутади, кўнглига ҳеч нарса сиғмайди. Бутун салтанат бир неча кунгача аза тутади, кўнгилочар ўйин-кулгилар, айшу-ишратлар унутилади.

Ниҳоят Шоҳ Жаҳон севикли рафиқасининг сўнги илтижосини бажаришга киришади. Турли ўлкалардан қурилиш ва меъморчилик санъатининг номи чиққан юлдузлари — усталарини тўплайди, мақбаранинг бир неча лойиҳа нусхалари ишланади ва танланади. Орадан бир йил ўтгач, Мумтоз Маҳал вафотининг бир йиллиги муносабати билан мақбарага биринчи тош қўйилади. Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси унга андоза бўлади, улар услуб жиҳатдан ўхшашдир. Фарқи шундаки, Ҳумоюн мақбараси боғнинг ўртасида қурилган бўлса, Тож Маҳал мақбараси боғнинг тўрида жойлашган. Бу улкан ва гўзалликда тенги йўқ архитектура ансамблининг қурилиши 1632 йилда бошланиб 1653 йилда тугалланган. Инсон ақли-заковати ва моҳир қўли билан яратилган ушбу санъат мўъжизаси қурилишида ҳар куни 20 минг одам ишлаган экан. Олим Ансориддин Иброҳимов<sup>1</sup> берган маълумотларга қараганда, Тож Маҳал шу даражада катта ҳажмдаги беқиёс қурилиш бўлган эканки, 22 йил давомида унга сарф қилинган харажатларнинг ҳисобини чиқара олмаганлар ва шу боисдан бу ҳақда турли маълумотлар тилга олинади. Бу улкан қурилишга сарф қилинган харажатлар бир ерда 6 миллион рупия дейилса, бошқа жойда 60 миллион рупия деб

<sup>1</sup> Ансориддин Иброҳимов. Бобурийлар мероси, 60-бет.

қайд этилади. Яна бошқа манбаларда 5 миллион, баъзиларида эса ҳатто тийин-тийинигача кўрсатилиб, 31 миллион 748 минг 28 рупия, ёки 3 миллион 174 минг 802 фунт стерлинг, деб кўрсатилади.

Тарихий ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Тож Маҳал мақбараси қурилиш ашёлари турли мамлакатлардан келтирилган: сарғиш мрамор — Марказий Ҳиндистондан, оқ мрамор — Ражастханнинг Макрана деган жойидан, биллур—Хитойдан, ёқут-лаъл—Бадахшондан, ложувард—Шри-Ланкадан, яшил тошлар—Панжобдан, ақиқ—Эрондан, маржон ва дурлар—Ҳинд уммонидан ва ҳоказо.

Мўъжизалар мўъжизаси бўлган Тож Маҳалдек санъат дурдонасини яратган лойиҳачи меъморлардан 40 га яқин устанинг номлари ёзма манбаларда тилга олинади, ҳатто уларнинг ойлик маошлари ҳам келтирилади. Жумладан, лойиҳачи меъмор Муҳаммад Исо Афанди—туркиялик, маоши 1000 рупия, Сатторхон—хаттот, туркиялик, маоши 1000 рупия ва бошқалар. Бир кеча-кундузда турли рангда товланиб турувчи Тож Маҳални ҳиндлар ҳақли суратда етти мўъжизанинг бири, деб мағрурланадилар. Ўз вақтида ҳатто Шоҳ Жаҳоннинг ўзи ҳам Тож Маҳал гўзаллигига тан бериб: «Ер юзидаги одам боласи бунини бунёд этишга қодир эмас, бунинг шакли-шамойили осмондан туширилгандир»<sup>1</sup>, дейди. Инглиз арбоби Эдвард Лир эса аҳли дунё одамларини иккига бўлади: «биринчиси Тож Маҳални кўрганлар, иккинчиси кўрмаганлар»<sup>2</sup>.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бобурийлар сулоласи томонидан дастлаб Афғонистонда, сўнгра Ҳиндистон, Покистон ва Кашмирда барпо этилган муҳташам ва кўркем боғларнинг кўплари ҳозиргача ҳам ўзининг гўзаллиги билан инсонларни мафтун этиб келмоқда. Бобур Мирзо 1504 йилда Қобулни эгаллагач, то 1509 йилга қадар бу ерда ўнта боғ ташкил қилган: Шаҳраро боғ, Чорбоғ, Боғи Жиловхона, Ўра боғ, Суврат боғ, Боғи Моҳтоб, Боғи Оҳухона, Одинапур қалъаси ёнидаги Боғи Вафо ва яна учта боғ ана шулар жумласидандир. Бобур Мирзо Ҳиндистонда ҳам бир неча боғлар бунёд этади. Булар: Аградаги Ором боғи, Беҳишт, Секридаги Боғи Фатҳ, Дибалпурдаги Нилу-

<sup>1</sup> Ўша манба, 61-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 61-бет.

фар боғи, Боғи Назаргоҳлардир. Гўзаллик ва гуллар шайдоси бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзи барпо этган боғларни дунёдаги бор бўлган кўчат-мевалар ва гуллар билан безайди. «Бобурнома»да фақат Дашти Шайх қирлари этагида ўсадиган лоланинг 33 хили ном-ном тилга олинади. Ривоят қилишларича, Ҳиндистонга атиргулни ҳам биринчи бор Бобур Мирзо келтирган экан.

Гўзал боғлар барпо этишдек ажойиб анъанани Бобур Мирзонинг авлодлари ҳам давом эттирганлар. Бобурийлар сулоласининг етук вакили бўлмиш Акбаршоҳ даври (1556—1605)да яратилган боғлар ҳақида Акбаршоҳнинг давлат маслаҳатчиси аллома Абулфазлнинг «Отини Акбарий» асарида қимматли маълумотлар берилган. Жумладан, Аградан 23 мил масофада Акбаршоҳ Фатхпур Секрида янги пойтахт барпо этиб унинг чор-атрофини гўзал боғларга буркайди. Кашмирда Сринагардаги Дал кўли бўйида «Насим боғи»ни қурдиради. Акбар барпо этган боғлар орасида Аградаги Секандарада Акбар мақбараси атрофидаги энг гўзали ва маҳобатлисидир. Бобур Мирзонинг невараси Жаҳонгир Мирзо (1605—1627) Ҳиндистон тарихида тасвирий санъат ва боғ яратишнинг буюк ҳомийси сифатида тилга олинади. Фарбий Покистондаги, Ҳасан Абдул яқинидаги Ваҳ деган жойда, Аграда қайнотаси Этимодуд давлага атаб ва Лоҳурда эса Дилкушо деб аталувчи у яратган боғлар бири биридан гўзал ва лобардир. Ҳиндистонликлар Жаҳонгир Мирзони энг улуғ боғ яратувчи деб атаганлар. У яратган барча боғлар орасида Кашмирдаги Шалимар боғи гўзал масканларнинг тенгсизи бўлган. Ҳиндлар бу боғни ҳақли суратда «Севги маскани» деб атайдилар. Жаҳонгир барпо қилган боғлардан яна бири Нишот боғ, яъни Жаннат боғидир. Бу боғни Жаҳонгиршоҳнинг гўзал хотини Нур Жаҳоннинг акаси Асафхон бунёд эттирган.

Анантнаг тоғи яқинида жойлашган Ачҳабал, Ровалпиндидаги Ҳасан Абдал булоқлари яқинидаги Ваҳ боғи ва яна бошқа бир қанча боғлар ҳам Жаҳонгир номи билан боғланган. Жаҳонгиршоҳ вафот этганда (1627) Нур Жаҳон Лоҳурда эрининг васияти ва ҳурмати эвазига Шоҳдара боғини барпо эттириб у ерда мақбара қурдиради. Мақбара ниҳоятда гўзал ва бетакрордир. Оқ мрамрдан тўртта минораси узоқдан одамларнинг диққатини ўзига тортади. Боғдан тўртта йўл мақ-

бара сари боради. Бу йўлларнинг учтаси мрамрдан ишланган панжаралар билан тўсиб қўйилган. Мрамр қабр тошлар рангли бир тусда безатилган ва унинг бош томонида форс тилида қўйидаги сўзлар битилган: «Ушбу ер Аъло Ҳазратлари Нуриддин Жаҳонгиршоҳ Подшоҳнинг нур тўла қабрлари, сўнгги манзилгоҳидир».

Бундай гўзал боғлар Шоҳ Жаҳон (Тож Маҳал ҳақида юқорида ҳикоя қилинди) даврида ҳам барпо этилган. Айниқса 1634 йилда Хон Алимардон бошчилигида қурилган Лоҳурдаги Шалимар боғи Шоҳ Жаҳоннинг энг нодир ижодий маҳсули ҳисобланади. Бу боғни ўз вақтида жаннатнинг поғоналари мисолида таърифу-достон қилганлар. Боғдаги ариқ ва ҳовузни безаб турган 450 та фаввора боғнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Мулла Абдулҳамид Лоҳурий «Подшоҳнома» асарида гувохлик беришича, боғнинг очилиши муносабати билан бу ерда ҳозир бўлган маърифатли ва доно шахслар бундай гўзал ва ҳашаматли мўъжизани илгари Рум, Ироқ ва Мовароуннаҳрда ҳам ҳеч қачон кўрмаганликларини ҳайратланиб таъкидлаганлар. Бобурийлар фақат Лоҳурда 36 та боғ яратганлар. Бобурийлардан қолган улкан дарвозалар, ажойиб масжид ва мадрасалар шу кунга қадар ўз кўрки, жамоли билан ҳар қандай кимсани ҳам мафтун қилади.

Бобур Мирзо ва бобурийлар сулоласидан фахрлансак арзигулик маънавий мерос намуналари ҳам қолган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг барча ёзган асарлари бизгача етиб келмаган. Унча тўлиқ бўлмаган шеърий девони, Ислом дини асосларини баён этувчи «Мубаййин» номли шеърий рисоласи, «Вилодия» деб аталган тасаввуфга оид бир китобчанинг назм билан таржимаси, Бобур ихтиро этган ва «Хатти Бобурий» номи билан машҳур бўлган алфавит жадвали, ва албатта, унинг шоҳ асари «Бобурнома» улуғ шоир қолдирган маънавий мерос бўлиб авлодларимизнинг маънавий камолотига хизмат қилмоқда. Асарнинг асли номи «Бобурия» бўлган. Уни «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Воқеоти Бобурий» деб ҳам атайдилар. Асар кейинчалик «Бобурнома» номи билан шуҳрат қозонди.

«Бобурнома» Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таржимаи ҳолини акс эттирувчи асар, десак янглишмаган бўламиз. Унда салкам 36 йиллик воқеалар баёни берилган, лекин шундан ярми — 18 йиллик воқеалар

турли сабабларга кўра «Бобурнома»дан ўрин олмаган. Ана шу узилиб қолган Бобурга алоқадор воқеаларни инглиз таржимонлари қуйидаги ёзма манбалар асосида шартли равишда тиклаб чиққанлар: «Тарихи салотини Афғона», «Тарихи Рашидий», «Хумоюннома», «Акбарнома», «Табқоти Акбарий», «Тарихи Фаришта», «Лаббу Таворих», «Тарихи Оламароий», «Тарихи Бадаюнний», «Тарихи Синд» ва бошқалар<sup>1</sup>.

«Бобурнома» қомусий бир асар сифатида таърифланса ҳам ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Зеро, унда тарих илми, жуғрофияга оид воқеалар, табиат сарчашмалари, аҳолининг этник таркиби бадиий шоирона лавҳаларда ўз акс садосини топган. Туркий тилда Бобурнинг ўз қўли билан ёзилган бу китобнинг дастлабки сатрлари улуг шоирнинг насл-насаби темурийлардан эканлигига гувоҳлик беради.

«Бобурнома»ни ўқиган ҳар бир киши асар муаллифи ниҳоятда соғлом ва чиниққан бир йигит бўлганлигига ишонч ҳосил қилади, чунки 17 ёшли Бобур қиш кунда Бекобод яқинидаги Хачтияк деган қишлоқда тунайди (бу қишлоқ ҳозир ҳам бор). Сирларё юзи ўшанда совуқдан музлаган эди. Бобур Мирзо эрталаб уйғонганида зарурат сезиб, музни тешиб ғусул қилган экан.

Йигирма уч ёшга кирган Бобур Мирзо кеч кузда Ҳиротдан Қобулга қайтаётганда Афғонистоннинг энг баланд қорли доvonларидан бири бўлган Қўтали Зарринга қалин қор ёғиб йўл бекилиб қолади. Қор узангидан баланд бўлади, отлар юролмаб қолгандан кейин қор тепиб, йўл очишга киришадилар. Лекин баланд тоғ устида ҳаво сийрак, бунинг устига қор бўралаб ёғиб кўз очирмайди. Тик йўл юқори қараб кетган, бақувват йигитлар ҳам қор тепа-тепа ҳолдан тоядилар. «Энди шу доvonда қор тагида ўлигимиз қолади» деган ваҳима бошланади. Шунда Бобурнинг ўзи олдинга ўтиб, қор тепиб, йўл очишга киришади. Одамларни Қутай деган шамолпана жойга бошлаб чиқишга муваффақ бўлади. Бу воқеада биз Бобурнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий куч-қудратини яққол кўраимиз. Шундай огир вазиятда у ўз шоирлик истеъдодидан мадад олади. Ғўзал бир ғазалга матлаъ, яъни калит бўлган қуйидаги икки сатрни Қўтали Зарринда қор остида тунаганда топади. Мана ўша машҳур матлаъ:

---

<sup>1</sup> Ўша манба, 6-бет.



Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдим!  
Хаста кўнглим тортмаган дарду балоси қолдиму.

«Мен умрим бўйи йўлимда учраган барча дарёлардан сузиб ўтдим», — деб ёзади ўз китобида Бобур Мирзо. Демак, у Сирдарё, Амударё, Қобилу Синд, Жамна ва Ганга дарёларининг ҳаммасидан қулочкаш-лаб сузиб ўтган. Бу фактларга ҳеч қандай шубҳаланмаса ҳам бўлади. Чунки ҳинд олими В. Даттнинг ёзишича, Бобур Ҳиндистонда яшаган даврида, яъни 44—45 яшарлик пайтларида Агра қўрғонининг кенг девори устида икки соқчи йигитни икки қўлтиғига кўтариб чошиб ўтганини кўпчилик кўрар экан<sup>1</sup>. «Бобурнома»да нафақат Фарғона ва Мовароуннаҳр, шу билан бирга Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистон халқларининг ҳам тарихи, этнографик хусусиятлари, таркиби, мамлакатларнинг жуғрофий тузилиши, маъмурий бўлиниши, табиати, иқлими, тоғлари, сувлари, даштлари, ўсимликлар дунёси ва бошқалар ҳақида моҳирона бир тарзда баён этилган.

«Бобурнома»нинг аҳамияти тўғрисида турли даврда алломалар турлича фикр билдирганлар. Бироқ «Бобурнома»ни инглизчага ўгирган Ф.Телботнинг куйидаги сўзлари ғоят диққатга сазовордир: «Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган одам ишни, энг яхшиси Бобур хотираларини мутолаа қилишдан бошлагани маъқул»<sup>2</sup>.

Англиянинг ўзида «Бобурнома»нинг 9 марта чоп этилгани бу асарга инглиз жамоатчилиги нечоғлик катта эътибор бераётганлигини кўрсатади. 1990 йилда «Бобурнома»нинг 460 йиллиги дунё узра кенг нишонланди. Бу ҳол улуғ Ватандошимиз, теурийлар сулоласининг атоқли вакили Бобур Мирзонинг жаҳон миқёсида ўз ўрни ва баҳоси борлигига яна бир далилдир.

Бобур гўзал лирик ғазаллар, фалсафий рубоийлар муаллифидир. У ўз шеърлари, ғазаллари ва рубоийларида ҳаётни, ватанни улуғлайди, соф севги, вафони куйлайди, илмни қадрлайди, одамларни ахлоқ-одобга чорлайди. Шоир:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангани илм толиби, илм керак,

<sup>1</sup> Пиримқул Қодиров. Руҳнинг жасорати. «Халқ сўзи», 1991 йил, 1 февраль.

<sup>2</sup> Ансориддин Иброҳимов. Бобурийлар мероси. 5-бет.

Мен толиби илм толиби илм йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак,

рубойида илм-маърифатни қадрлаган киши уни ҳавас,  
иштиёқ билан албатта эгаллай олишини ифодалайди,  
ёшларни илм аҳлидин ўрганишга даъват этади.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топғусидир,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидир.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топғусидир.

Бу рубойда шоир одамларни ҳаётда яхшилик қилишга даъват этади, яхшилик қилган киши яхшилик, ёмонлик қилган киши ёмонлик кўришини айтиб огоҳлантиради. «Қилмиш-қидирмиш» деганларидек, ҳар бир яхшилик ва ёмонликнинг ибтидоси инсоннинг хулқи, одоби эканлигига ишора этиб, Бобур Мирзо одамларга яхшилик қилишни насиҳат қилади. У ўзининг:

«Хулқингни рост этгил ҳар соригаки борсанг,  
Ахсанта<sup>1</sup> дер бори эл гар яхши от чиқарсанг,  
Бори элга яхшилик қилгилки мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ,

деган рубойида кишиларни яхши хулқли, ахлоқ-одобли бўлишга чақиради.

Хуллас, Бобур ва бобурийлар — халқимизнинг улуғ ва буюк фарзандлари миллий ифтихоримиз ва ғуруримиздир. Улар ўзларининг серқирра фаолиятлари ва ижод дурдоналари билан жаҳон маданияти тарихига муносиб ҳисса қўшдилар.

---

<sup>1</sup> *Ахсанта* — жуда соз.

## ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ

### 1. Хонликларнинг ташкил топишидаги тарихий шароит

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидан иборат учта янги давлат этник негиз асосида вужудга келади. Ўзбек уруғ ва қабилалари ўртасида катта мавқега ва кучга эга бўлган қўнғиротлар Хивада, манғитлар Бухорода ва минг уруғи Қўқон хонлигида ўз ҳокимиятини ўрнатади. Бу мустақил ўзбек хонликлари бир-бирларига қарши мол-дунё, ер ва давлат таллашиб тинимсиз ва муттасил кураш олиб борадилар, бир-бирларининг тинка-мадорини қуритадилар ва минг-минглаб аҳоли бу урушларда қирилиб кетади. Шу боисдан бу давлатлар фаолият кўрсатган бутун Ўрта Осиё ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши ва фан техника тараққиёти жаҳондаги бошқа ривож топган давлатлардан нисбатан орқада қолиб кетганди.

Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари ўртасида на ички, на иқтисодий, на савдо бирлиги шаклланди. Натижада бу давлатлар ҳудудларида яшаган халқлар ўртасида ягона халқ, ягона миллат, ягона Ватан ҳис-туйғуси тараққий этмади, бундай олижаноб ҳис-туйғуларнинг ривожланиши ва камол топишига аксинча тўсқинлик қилинди. Бу XVI—XIX асрларда Мовароуннаҳр ҳудудида иқтисодий ва сиёсий ҳаёт турғунлигининг энг асосий сабабларидан биридир.

Иккинчи яна бир асосий сабаб—бу қишлоқ хўжалигида ерга хусусий мулкчилик қилишдан иборат ишлаб чиқариш муносабатларининг сақлаб қолинганлигидир. Ер барча бойликларнинг манбаидир. Унга бўлган мулкчилик шакллари ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантирувчи энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Европа ва дунёдаги бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган ерга эгалик қилишнинг хусусий мулк шакли қишлоқ хўжалиги тараққиёти ва дастлабки капитал жамғариш жараёнининг қудратли воситаси бўлди. Осиёда, жумладан, Ўрта Осиё ҳудудидаги давлат бирлашмаларида

эса мулк шакллари ва деҳқончилик шакллари асрлар мобайнида ўзгармади, ерга хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгаришсиз қолаверди. Ернинг асосий эгаси илгаригидек олий ҳукмдорлигича қолди. У ерни фойдаланиш учун маҳаллий ер эгалари ва масжидларга улашарди.

Ер ўзининг асосий хўжайини, эгасига—қишлоқ меҳнатчиларига берилмади. Ерга хусусий эгаликнинг йўқлиги, деҳқончиликдаги кўшимча қиймат ва жамғарма шакллари ҳисобланган абсолют ва дифференциал рента бўлмаслиги учун шароит яратган эди. Бу ҳол зодагонларни эса ўз навбатида ердан фойдаланиш, деҳқончиликни яхшилаш, ер ҳосилдорлигини ошириш мақсадида маблағ сарфлашдан манфаатдор бўлмаслигига асосий сабаб бўлди. Натижада ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланмади ёки кам ривожланди.

Барча ерлар шароитга кўра давлатга—хон, амирга қарашли бўлиб, фойдаланиш учун турли шартлар асосида аҳолининг ҳар хил қатламларига берилар эди. Тарихан қарор топган тартибга кўра ер учта қатлам ўртасида тақсимланган: 1) давлат ерлари (амлок); 2) эгалик ерлари (мулк); 3) вақф ерлари, яъни масжид, мадрасаларга, руҳониятга қарашли ерлар. Давлат ерлари ҳеч қачон сотилмасди, айирбош ҳам қилинмасди. Улардан умумий тарзда ўлпон тўланган. Хусусий ер мулклари ҳар хил бўлган: мулки хур, мулки ушрий ва мулки хирож. Бу ерлардан олинадиган солиқлар ҳар хил бўлиб, солиқларнинг миқдори баъзи ҳолларда олинадиган даромаднинг ярмисигача борарди.

Ўрта Осиё ҳудудида лалми ва суғорма ерлар 2 миллион гектарни ташкил қилган ва жон бошига ярим гектардан тўғри келган. Албатта, иморатлар эгаллаган жойлар, техника экинлари (пахта, тут дарахтлари ва бошқа) эгаллаган майдонлар ҳам шу ҳисобга кирарди. Бундан ташқари ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг пастлиги, деҳқончилик маданиятининг ривожланмаганлиги ва аҳолининг юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги ҳисобга олинса, мавжуд бўлган суғориладиган ер миқдори аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун етарли бўлмаганлиги аниқ-равшан маълум бўлади.

Биз бу ўринда тўралар, бойлар ва амалдорларнинг оддий халққа нисбатан зўравонликлари, адолатсизликлари ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Шу боис ўлкада яшов-

чи халқ албатта оғир ва ночор ҳаёт кечиришга маҳкум эди.

Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келганлар ва бу борада ибрат олса арзигулик тажрибага ҳам эга бўлганлар. Буни европалик ва рус олимлари юқори баҳолаганлар. Жумладан, А. Миддендорф: «Ўрта Осиёнинг меҳнатсевар аҳли, биз учун ишга мислсиз талабчанлик, муҳаббат, толиқмай унаш ва ҳаракат қилиш матонати, катта жонли заковат намунаси хизматини ўтайди», деб бежиз ёзмаган эди.

Ота-она, авлод-аждодларимиз ўзларининг меҳнатсеварлиги, матонати ва фидойилиги туфайли гоётада оғир шароитларда, минг йиллар давомида ҳам деярли ўзгармаган оддий меҳнат қуролилари (омоч, кетмон, белкурак, ўроқ ва ҳ.к.) билан астойдил меҳнат қилдилар. Ҳамма иш деярли қўлда бажарилиб, меҳнаткаш халқнинг гарданига оғир юк бўлиб тушарди. Хусусан, суғориш ишларида халқимизнинг бой ўтмиш тарихий тажрибалари асқотди. Сув олғич тўғонлар ва катта каналлар қуришда қулай жойларни танлашда бу айниқса катта аҳамият касб этди. Суғориш деҳқончилигида чиғириқлар ҳам кенг қўлланилган бўлиб, улар дарёлар, каналлар ва қудуқларда ўрнатилган. Чиғириқларни тортишда ишчи ҳайвонлар: туя, от, ҳўкиз, эшаклардан кенг фойдаланганлар. Баъзан бу ишни одамлар ҳам бажарганлар.

XVI—XIX асрларда жуда катта улкан каналлар ва ариқлар қуриш, уларни тозалаш, сувни ундан фойдаланувчиларга тақсимлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу улкан канал ва ариқлар ўнлаб, юзлаб километр узунликларга чўзилган. Жумладан, Чирчиқ дарёсининг суви 45 та канални сув билан таъминлар эди. Шундан энг узун Заҳариқ 70 км, Бўзсув 60 кмга чўзилганди. Фарғона водийсидаги катта ариқлар 200 километр, Самарқанд вилоятидаги барча ариқлар 400 километрдан узун масофага борган. Айниқса Фарғона водийсида кенг қўламда суғориш ишлари олиб борилади. XVIII ва XIX аср бошларида бу ерда улкан каналлар барпо этилади. Булар: Шаҳрихонсой, Андижонсой ва Янгиариқ (ҳар қайсисининг узунлиги 100 км. дан) каналларидир. Бундай улкан сув иншоотлари Тошкент вилоятида (1822—1842 йилларда Хонариқ), Бухоро амирлигида (Зарафшон суғориш тармоғи XVIII аср охи-

рида), Хива хонлигида (XIX асрда Порсу, Хўжайли ва Кўҳна Урганчи суғориш учун Лавзон кўлидан чиқарилган ариқ) ҳам қурилади. Албатта, бундай улкан ва улуғвор қурилиш иншоотлари ўз даврида ҳар қандай кишини ҳайратга солиши турган гап. Рус географи князь В. Масальский бундай каналлардан ҳайратланиб: «Оби ҳаётни кўпгина ўнлаб чақиримларга элтаётган бу қудратли оқимларни кўрганда, техник билимлари жуда ночор бўлатуриб, Туркистон куёшининг жазирама нурлари остида бениҳоя меҳнат эвазига бутун мамлакатни суғориш шаҳобчалари билан тўлдирган халққа беихтиёр меҳринг уйғонади, киши»<sup>1</sup>, дейди.

Каналлар ва суғориш шаҳобчаларини тозалашда бутун халқ қатнашган. Бу ишларда ҳар бир деҳқон хонадони йилига 90—100 кундан ишлаб берар эди. Бундан ташқари фуқаролар от-араваларда дамбалар қурилиши ишига шох-шабба, қамиш ва тошлар ҳам етказиб бериши керак бўлган. Бу ишларнинг ҳаммаси фуқаро томонидан текинга, ҳақ олмасдан ҳашар йўли билан бажарилган. Улар ҳатто кундалик овқатларини ҳам ўзлари билан бирга олиб келганлар. Масалан, 1828 йилда Полвонёб катта каналининг бош қисмини қуриш учун Хива хони Оллоқулихон «емиши ва кетмони» билан бирга 40 минг кишини ишлатган. Чўпонота яқинидаги Зарафшон сув тақсимлагич қурилишида йилига 5 мингга яқин фуқаро меҳнат қилган.

Ўрта Осиё халқларининг тараққиётдан орқада қолишига асосан ўзаро урушлар натижасида унинг жаҳон бозоридан ажралиб қолиши ҳам сабабдир. Бу ўлканинг географик жойлашган ўрни билан боғлиқ бўлиб, Усмонли туркларнинг Ўрта денгиз портларини ёпиб қўйганлиги (XV асрдан) ва «Буюк ипак йўли»нинг барҳам топганлиги туфайли содир бўлади. Ўрта Осиё ҳудуди аҳолиси ўз ишлаб чиқариш қобиғига ўзи ўралиб қолади, жаҳон фани, техника ва технологияси ютуқларидан баҳраманд бўлаолмайди. Маҳаллий аҳоли тор ва оддий кустарчиликдан иборат хунармандчилик ва косибчилик билан ўзининг талаб-эҳтиёжларини қондиришдан нарига ўтаолмайди: бўёқчилик, тўқимачилик, қўнчилик, шам, совун, ёғ тайёрлаш, тегирмончилик каби соҳаларгина бирмунча ривож топади. Хунар-

---

<sup>1</sup> *Масальский В.* Россия. Полное географическое описание нашего отечества. СПб., 1913, 423-бет.

мандлар озгина, арзимаган даромаддан ҳам қаноат ҳосил қилар эдилар. Уларда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш учун зарур бўлган ёлланма ишчилар ҳам, қўшимча қиймат ҳам йўқ эди.

XVIII—XIX асрларда Ўрта Осиё ҳудудида жун, пахта ва ипакдан тўқилган матолар кенг ишлаб чиқарилади. Аини замонда мис ўймакорлиги билан боғлиқ ҳунармандчилик, кулол ва сопол буюмлар, мусиқа асбоблари, болалар ўйинчоқлари, безаклар ва шунинг сингари буюмлар ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилди.

Хуллас, XIX аср бошларига келиб Ўрта Осиё халқлари ўз бошларидан жуда катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан оғир дамларни кечираётган эдилар. Бу даврда ҳар қандай жамият борлиғи ва тараққиётини белгилаб берувчи давлатчилик асослари ниҳоятда заиф ҳолатни кечираётганди. Натижада миллат ва давлат қарамлик аҳволига тушиб қолаётган эди. XVIII асрга келиб ўзбек давлатчилигида бўлиниш, тарқоқлик ҳолати юзага келаётганди. Миллат ва жамият бошқарувида даъвогар ҳокимият уч ерда — Бухоро, Хива, Қўқонда алоҳида-алоҳида мужассамлашганди. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатда уч ҳокимиятчилик ғолиб келган эди. Давлатчиликдаги бундай бўлиниш, уч ҳокимиятчиликнинг юзага келиши охир-оқибатда давлатнинг кучсизланиши ва емирилишига, бошқа омиллар билан қўшилиб чор Россияси босқинига дош бераолмай қарамликка юз тубан бўлишига олиб келади<sup>1</sup>. Бундай оғир вазиятдан фақат юксак даражадаги онглилик ва ўлка халқларининг ягона ва мустаҳкам бирлиги орқали чиқиш мумкин эди. Афсуски, бундай бирлик ва аҳиллик ўлкада йўқ эди. Бундай бебошлик, хонлар, амирлар ва беклар ўртасидаги ўзаро душманлик ва урушдан шимолда Пётр I бошчилигидаги ёвуз ниятли қўшнilar фойдаланиб қолиш учун қулай фурсатни пойлаб турган эдилар.

## 2. Бухоро амирлиги — манғитлар сулоласи

Бухоро хонлиги тахтига ўтирган аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон бўлди. Манба-

<sup>1</sup> Қаранг: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи, Тошкент, «Шарқ», 2001, 278—279-бетлар.

ларнинг берган маълумотларига қараганда, у иродасиз ва уқувсиз хон бўлган. Бундан фойдаланган манғит қабиласидан чиққан Муҳаммад Ҳакимбий Бухорода оталиқ мансабини қўлга киритади, барча оталиқларнинг бошлиғи ва ҳукмрон ҳоким бўлиб олади. Муҳаммад Ҳакимбий юргизган сиёсатдан ўзбек аёнлари норози бўладилар, натижада хоннинг обрў-эътибори тушиб кетади. Пировардида Абулфайзхондан норози бўлган ўзбек амирлари уни ўлдириш пайига тушадилар ва Хива хони Шерғозихонни Бухоро тахтига қўймоқчи бўладилар. Бироқ фитна фош бўлиб унинг ташкилотчилари қатл қилинадилар. Шерғозихон бу билан ҳам тинчимайди. Унинг қутқуси билан Шаҳрисабз ҳокими Иброҳимбий Муҳаммад Ҳакимбайдан ҳокимиятни тортиб олиш мақсадида 1722 йилда ўз куёви (баъзи ривоятларга қараганда, Шерғозининг амакиваччаси) хивалик Шаҳзода Ражабни Самарқандда хон қилиб кўтарган. Иброҳимбий эса унинг ҳузурда «амирлар амири» (амирулума-ро) бўлиб олган.

Ражабхонни жуда кўп амирлар қўллаб-қувватлаган ва унга келиб қўшилганлар. Уларнинг ҳимояси ва фатвоси билан Ражабхон ҳатто қўшин тўплаб Бухорога юриш бошлаган. Йўл-йўлакай унга янги кучлар келиб қўшилган. Икки ўртада қаттиқ жанг бўлган (Карманлага яқин жойда). Муҳаммад Ҳакимбий қўшинлари енгилган, чунки уни ўзбеклардан ҳеч ким ҳимоя қилмаган. Аммо шунга қарамасдан Ражабхон Бухорони ололмаган. У ёрдам сўраб кўчманчи қозоқларга мурожаат қилади ва уларга истило қилинган жойлардан катта ўлжалар олиб боришга ваъда беради. Иқтисодий аҳволдан ночор бўлиб чўлда қай ерга боришни билмай дайдиб юрган қозоқлар бу таклифни жон-жон деб қабул қилдилар ва бутун ўтовлари ва чорва моллари билан Самарқанд вилоятига кўчиб келадилар. Улар бу ердан бутун Миёнқол бўйлаб Бухоро туманларигача бўлган жойларни эгаллайдилар. Аҳвол шу даражага бориб етадики, ҳатто Ражабхоннинг ўзи ҳам нима қиларини билмай қолади. Муҳаммад Ҳакимбий билан Абулфайз эса яшириниб оладилар. Қозоқлар ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан етти йил мобайнида Зарафшон воҳасини талаб харобазорга айлантирадилар. Маҳаллий аҳоли бу ердан тинчроқ ҳудудларга кўчиб кета бошлайди, уларнинг анча қисми қозоқларга асир бўлиб тушади. Хондан халқнинг норозилиги кучайиб кетади. Абулфайз ўз



яқинларининг маслаҳати билан Муҳаммад Ҳакимбийни Бухородан четлатади. Оталиқ Қаршига кетади. Аммо ҳокимиятдан четлатилган бир ҳоким ўрнига бир нечаси пайдо бўлади. Еб тўймас, очкўз ва таъмагир мансабдорлар бозор ва расталар, савдо шаҳобчаларининг ҳаммасини ўз қўлларига марказлаштириб оладилар. Абулфайзхонни эса халқ ҳаёти қизиқтирмасди. У кайфи сафо, ахлоқий жиҳатдан бузуқ ишларга ғарқ бўлганди. Бундай аҳволда вилоят ва туманлар ҳокимлари ўзларини мутлақо назоратсиз ва мустақил сезардилар. Россия элчиси Беневенининг таъкидлашича, Абулфайзхон қўллардан, яъни қалмиқлар билан руслардан тузилган гвардиясининг содиқлигига орқа қиларди, холос. Бухорода ана шу огир аҳволни яхши билган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ (1736—1747) Абулфайзхон қўшинларига қақшатқич зарба беради.

Туркманларнинг афшар қабиласидан бўлган Нодиршоҳ асли Машҳаддан, пўстинчининг ўғли бўлган. У ёшлик чоғида Абивард (ҳозирги Туркменистоннинг жанубида) афшарларининг бошлиғига тутинган ўғил бўлган ва унинг қизига уйланган. Нодиршоҳ аштархонийлар, хиваликлар ва туркманларга қарши курашганда асосан афшарлар ва курдларга таянади. Нодир Эрон Шоҳи Тахмасп II (1722—1731) Хуросонга келганда батамом ўзини унинг ихтиёрига топширади. Кейинги беш йил давомида Тахмасп II қўшинлари Нодир бошчилигида Эроннинг шарқи ва жанубидаги ерларни батамом эгаллайди. Шоҳ Тахмасп II вафотидан сўнг тахтга ўтирган (1731—1736) Аббос III ни ағдариб, Нодиршоҳ 1736 йилда Эрон тахтини эгаллайди. Шундан кейин у Туркия султони устидан ғалаба қозониб ғарбий чегараларини мустаҳкамлаб олади. 1736—1739 йилларда Афғонистон, Ҳиндистонга муваффақиятли юришлар қилади. 12 мингдан ортиқ кишилиқ қўшини билан Нодиршоҳнинг ўғли Ризақулига қарши ҳужум бошлайди. Муҳаммад Ҳакимбий шаҳар мудофаасини ташкил қилади. Атроф туманларни эгаллаб олган Ризоқулига Ҳисор ноибни Бобоҳон ўзининг уч минг кишилиқ қўшини билан ўтиб кетади. Бу ҳол Эрон қўшинларини янада кучайтиради. Оғир қамал ҳолатида қолган Муҳаммад Ҳакимбий Абулфайзхонга ёрдам сўраб одам юборади. Абулфайз каттагина қўшинга бош бўлиб, Қарши қамалидан чиққан Муҳаммад Ҳакимбий қўшинларига келиб қўшилиб, Ризақулига қарши жанг қилади. Бу уруш-

да эронлик аскарлар рақибларига қараганда тўрт марта кам бўлсалар-да, ғалабага эришадилар. Бунга Эрон армиясининг ўтсочар қуроли ва артеллериясининг сифат жиҳатдан устунлиги асосий сабаб бўлади. Бухоро кўшинлари тартибсиз қоча бошлайдилар. Абулфайз билан Муҳаммад Ҳакимбий Қарши шаҳри ичига яшириниб кириб бошпана топадилар. Ризақули Қаршини узоқ қамал қилишни бошлайди. Аммо шу пайтда бухороликларга ёрдам бериш учун унинг иттифоқчиси Хива хони Элбарсхон катта кўшин тортиб келаётганлиги маълум бўлади. Ризақули отасига ёрдам бериш учун шошилинич суратда Абулфайзхон билан сулҳ тузиб Амударёнинг нариги соҳили томон йўл олади. Элбарсхон эса ўз иттифоқчисининг эронликлар билан сулҳ битими тузганлигини эшитиб Хивага қайтиб кетади. Абулфайз Муҳаммад Ҳакимбийни Қарши шаҳрида қолдириб ўзи Бухоро сари йўлга тушади.

1740 йилда Нодиршоҳ яна Мовароуннаҳрга кўшин тортади. Балхга юриб, Амударёнинг понтон кўпригидан ўтиб, Бухоро қирғоқларига яқин келади. Бу хабарни эшитган Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий, эҳтимол отасининг розилиги ва маслаҳати билан, Балхда турган Нодиршоҳ ҳузурига жўнайди.

Нодиршоҳ Муҳаммад Раҳимбийни очиқ чеҳра билан кутиб олади ва ўз қароргоҳида қолдиради. Абулфайз эса Эрон аскарларининг Бухорога яқинлашиб қолганликларидан ваҳимага тушиб шошилинич суратда Қаршидан Муҳаммад Ҳакимбийни чақириб олади ва Нодиршоҳ ҳузурига жўнатади. У ўз номидан элчи қилиб жўнатган Муҳаммад Ҳакимбийга нима қилиб бўлсада шоҳни қаҳридан қайтариш ва давлатни хароб қилишга йўл қўймаслик чорасини кўришни топширади. Оталик қимматбаҳо совға-саломлар билан Эрон шоҳи ҳузурига етиб боради ва Бухородаги танг ва оғир ички вазиятни очиқ-ойдин Нодиршоҳга айтиб беради. Муҳаммад Ҳакимбий шоҳдан катта ишонч ва ёрликлар олиб Бухорога жўнайди. У энди Абулфайзхоннинг элчиси сифатида эмас, балки Нодиршоҳнинг вакили сифатида келади. Муҳаммад Ҳакимбий хон ҳузурига боришдан кўрқиб саройга эмас, балки Мирараб мадрасасига бориб жойлашади ва мадраса атрофини қуролланган соқчилар билан мустаҳкамлайди. У махсус фармонлар чиқариб жарчилар орқали ўқиб эшиттиради. Бу фармонларда шоҳ армиясининг етиб келаётганлиги муносаба-

ти билан кимда-ким шахсий ва мулкӣй хавфсизликка тааллуқли бирор-бир масалани ҳал қилмоқчи бўлса, тўғридан тўғри оталиққа мурожаат қилсин ва у орқали ҳар қандай муаммога жавоб олсин, дейилган эди. Бу Муҳаммад Ҳакимбийнинг халқ ўртасидаги обрўсини оширади ва халойиқ Мирараб мадрасаси томон ёпирилиб кела бошлади. Аммо сарой аъёнлари ва зодагонлар оталиқнинг бу қилган ишларини сотқинлик деб баҳолайдилар ва ғазабланидилар. Оталиқни Абулфайзхон ҳузурига чақириб кейин умумий куч билан халқни кўзғатиб, эронийларга қарши курашга отлантиришга ҳаракат қилиб кўрадилар. Аммо оталиқ бу ишга кўнмайди ва хоннинг ҳузурига бормайди. Шундан сўнг Абулфайзхон Мирараб мадрасаси томон боришга мажбур бўлади. Унинг яқинлари Муҳаммад Ҳакимбий хон ҳузурига салом бергани чиққанда уни отиб ўлдиришни ўйлашган. Бироқ оталиқ бу махфий фитнадан хабар топгандай ўз навкарларига мулозим ва навкарлари билан Мирараб мадрасасига яқинлашиб келаётган хонга қарши ўт очишга буйруқ беради. Абулфайз саросимага тушиб қолади ва Нодиршоҳга таслим бўлишдан бошқа чора топа олмайди. У ўз сарой аҳллари билан Нодиршоҳ ҳузурига бориш учун Толли Пoch дарвозасидан йўлга чиқади. Абулфайз орқасидан Номозгоҳ дарвозасидан оталиқ ҳам йўлга равона бўлади. Аҳолининг турли табақаларига мансуб вакиллар оталиқни кузатиб борадилар. Оталиқ йўлнинг ярмида хонга етиб олади ва унга кўшилади. Улар биргалашиб Нодиршоҳ ҳузурига борадилар. Икки ўртадаги учрашув Бухорога яқин Зарафшон дарёси бўйидаги Чор Бакр деган жойда бўлади. Нодиршоҳ Бухоро хони Абулфайзхонга катта ҳурмат ва илтифот билан муомала қилади, унинг хонлик ҳуқуқини тан олади. Хон бу ерда ўн икки кун бўлгач Бухорога қайтиб кетади. Асли туркманлардан чиққан Нодиршоҳ аштархонийлар билан куда-андачилик ришталарини ўрнатади. Абулфайзнинг бир қизини шоҳнинг ўзи, иккинчи қизини эса Нодиршоҳнинг жияни хотинликка олади. Аммо Эрон шоҳи Бухорода ўзининг бирдан-бир ишончли вакили деб Муҳаммад Ҳакимбийни танлайди ва фақат у орқали Бухоро билан алоқа боғлайди. Нодиршоҳ Эрон армиясини тўлдириш учун Бухоро кўшинларидан ўн минг отлиқ аскар ажратиб олишга фармон беради ва бу отрядга бошчилик қилишни оталиқнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбийга топширади.

Нодиршоҳнинг тўла ишончини қозонган Муҳаммад Ҳакимбий Бухоронинг ҳақиқий ҳукмдори эди, Абулфайзхон эса унга батамом қарам бўлиб қолганди. Бухорони эгаллаб олган Нодиршоҳ энди Хоразмга қўшин тортиб боради ва уни ҳам ўзига батамом тобе этади.

Аштархонийлардан бўлган сўнги хон Абулфайзнинг ўзбеклар давлатининг азалий душмани Эрон шоҳлари ҳомийлиги ва ҳукмронлигини тан олиши амалда аштархонийлар сулоласи ҳукмронлигининг тугаганлигини билдирар эди. XVIII аср бошларида ташкил топган аштархонийлар сулоласи иккинчи ўринга тушиб ўз ўрнини янги ҳокимлар, биринчи ўринга кўтарилган ўзбеклар уруғи—манғитларга бўшатиб беради. Бутун ҳокимият Эрон шоҳи томонидан тайинланадиган ва кейинги йилларда форсча улуг амир (амири кабир) деган унвонни олган Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ қўлига ўтиб кетади. Оталиқ 1743 йилда вафот этгач, ўзбек амирлари давлатнинг турли ерларида исёнлар кўтарадилар. Ана шундай исёнлардан бирига Ибодулла хитой (хитой қипчоқларидан чиққан) бошчилик қилади ва Бухоро деворлари атрофларигача бостириб келади. Ҳар йилдаги одатга кўра, Бухоро халқи 1745 йилнинг апрель ойи охирларида Баҳовуддин Нақшбанд мазори атрофида анъанавий «Қизил гул» байрамига чиққан эди. Ана шу фурсатдан фойдаланган Ибодулла хитой Бухорога бостириб киради ва жуда кўп ўлжалар билан бирга қўшинларнинг ҳам каттагина қисмини асир қилиб олиб кетади. Бу воқеадан хабар топган Нодиршоҳ сигналган аскарлардан отряд тузиб, уни Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбийга топширади. У ана шу қўшин билан Бухорога жўнайди. Марвда унга Нодиршоҳнинг ўғли Ризақули ҳам ўз аскарлари ва артиллерияси билан бирга қўшилади. Чоржўйга етганда туркманлар отряди ҳам қўшилади. Катта куч билан Муҳаммад Раҳимбий Бухорога кириб келади, унга «амирлар амири» унвони (амирулумаро) берилади. У отасига қарашли Бухорога яқин Ғозиобод қишлоғини ўзига макон қилади. Давлатнинг барча юқори мансабларига ўз қариндошлари ва тарафдорларини тайинлайди. Хонлик марказида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Муҳаммад Раҳимбий Эрон қўшинлари ёрдамида кўтарилган халқ кўзғолонини бостиришга муваффақ бўлади. Қаттиқ жанглардан сўнг Ибодулла хитой Миёнқолдан қочиб Тошкентга боради ва шу ерда қўлга олиб ўлдирилади.

Сўнг Шаҳрисабзда кўтарилган кўзғолон ҳам бостирилади.

Муҳаммад Раҳимбийнинг таъсир доираси кенгайиб ва кучайиб боради. У кучли кўшин тузади ва бу кўшин тепасига ўзига содиқ кишиларни кўяди. 1747 йил 14 июнда Нодиршоҳ суиқасд оқибатида ўлдирилади. У тузган давлат бўлиниб тарқаб кетади. Ўзаро тахт учун кураш бошланади. Бу курашда Муҳаммад Раҳимбий ҳам четда турмайди. У 1747 йилда Абулфайзхонни Мирараб мадрасаси хужраларидан бирида ўлдиртиради. Шундан кейин Муҳаммад Раҳимбий хоннинг бирин-кетин икки ўғли—Абдулмўмин ва Абдуллани қатл этиб, 1753 йилда амир унвони билан Бухоро тахтига ўтиради. Муҳаммад Раҳим Бухоро тахтига хон сифатида ўз даъвогарлигини қонунлаштириш мақсадида Абулфайзхоннинг қизига уйланади ҳамда хон деб эълон қилинган ҳуқуқни олади. Лекин **Муҳаммад Раҳим (1753—1758)** ҳам, ундан кейинги ворислар ҳам хон унвонини олмай, оталиқ унвони билан давлатни бошқарадилар. Ана шу тариқа Муҳаммад Раҳимхон Бухоро давлатида янги амирлар сулоласи—манғитлар уруғи сулоласи даврини бошлаб беради.

Чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган Муҳаммад Раҳимбий марказлашган давлат барпо этиш сиёсатини олиб борган. Унинг бу сиёсатини ислом дини арбоблари, зодагон ва савдогарлар кўллаб-қувватлаганлар. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун Муҳаммад Раҳимбий итоат этмаган беклар устига бир неча бор кўшинлар тортиб боради ва уларни қаттиқ жазолайди. Тошкент, Хўжанд, Туркистон, Ургут, Шаҳрисабз, Кўлоб, Ҳисор ва бошқа ерларни Бухорога кўшиб олиб, ўз ҳудудларини кенгайтиради. Ҳисорга эса юз, кенагас ва сарой қабилаларини кўчиради.

Муҳаммад Раҳимбий вафотидан сўнг унинг тахт ворислигига ўғли бўлмаганлигидан қизининг ўғли, набираси Фозил тўра тахтга ўтиради. У ёш бўлганлиги тўфайли ҳокимиятни амалда Муҳаммад Раҳимбийнинг амакиси **Дониёлбий оталиқ (1758—1785)** бошқариб боради. Муҳаммад Раҳимнинг вафот этганлиги амир ва бекларнинг бебошлиги ва тарқоқлигига сабаб бўлади. Айрим ўзбек қабилалари ҳокимиятдаги ташкилий қийинчиликлардан фойдаланиб давлат тўнтариши яшага ва манғитларни ҳокимиятдан четлаштиришга ҳаракат қиладилар. Аммо Дониёлбий вазиятнинг мураккаб-

лигини дарҳол тушунади ва кескин чоралар кўриб исёнчиларга ўз вақтида қақшатқич зарбалар беради. Бу ишда унга марказлашган давлатнинг фойдаси ва афзалликларини кўрган ва тушунган зодагонлар, савдогарлар, ҳунармандлар ва аслзодалар зулмидан кўпроқ азоб чекиб қийналган камбағаллар яқиндан ёрдам берадилар. Жуда кўплаб йирик зодагонлар қатағон қилинадилар, уларнинг мулклари таланади. Юзлар кўзғолони бостирилади, Ғузур ва Шаҳрисабзда зодагонларнинг, Қаршида Норбўтабий исёнлари тор-мор келтирилади. Кейин вилоят ҳокимлари билан Фозил Тўрани тахтдан четлатиш ҳақида келишилади. Фозил Тўра ота-онаси билан Қаршига жўнатилади, тахтга номигагина жоний шоҳзодалардан **Абулғози (1758—1785)** ўтказилади. Лекин оталиқ ва ҳақиқий ҳоким Дониёлбийнинг ўзи бўлиб қолади.

Дониёлбайдан сўнг унинг ўғли **Шоҳмурод (1785—1800)** даврида зодагонлар ўзбошимчалиги ва тарқоқлигига қарши кураш давом эттирилади. Ақлли ва фаросатли ҳукмдор бўлган Шоҳмурод даврида давлат ҳокимияти анча мустаҳкамланади. У Муҳаммад Раҳимбийнинг бева хотинига уйланиб ўзини хон деб эълон ҳам қилдиради. Айни замонда Самарқанд ҳокимлигини ҳам ўзида сақлаб қолади. Шоҳмурод ўз ҳукмронлигини 1785 йилда Бухоро шаҳрида кўтарилган катта кўзғолонни бостиришдан бошлайди. Бу кўзғолон ҳаракат доирасининг кенглиги ҳақида шундан ҳам билиш мумкинки, уни бостириш чоғида мингдан ортиқ кўзғолончилар нобуд бўлган эди. Шоҳмурод отаси даврида давлат идораси тепасида турган юқори лавозимлардаги Бухоро амалдорларини халққа зулм ўтказганликлари ва солиқларни ҳаддан ташқари оширганликлари учун ўз қўллари билан қатл эттиради, вилоят ҳокимлари, амалдорларни ва қозиларни мансабларидан тушириб ўрнига ўз маслакдошларини тайинлайди. «Фатҳномаи султони» асарининг муаллифи Муҳаммад Али Бухорийнинг берган маълумотига кўра, Шоҳмурод Бухоро аҳолисини солиқлардан озод қилиб тархон ёрликлари берган. У 1786 йилда Кармана, Шаҳрисабз, Хўжанд, Мари зодагонлари устига юриш қилиб уларни ўзига тобе этади, қаттиққўл давлат сиёсати юргизади. У Афғонистон ҳукмдори Темур Шоҳга қарши муваффақиятли урушлар олиб боради, ўзбеклар ва тожиклар яшайдиган Жанубий Туркистонни ўз қўлида сақлаб туради.

Шоҳмурод ҳукмронлиги даврида молиявий, маъмурий, қози ҳакамлар ва ҳарбий ишлар соҳасида ислохотларни амалга оширади. Молиявий ишларда маълум даражада тартиб ўрнатади ва давлат ҳокимиятини мустақамлайди. У том маънодаги қимматга эга бўлган кумуш тангалар зарб этади. Давлат фуқароларнинг тангаларини зарб қилишига ёрдам беради. Фуқаролар эса ўз навбатида фоиз ҳисобида бу иш учун давлат хазинаси фойдасига ҳақ тўлашлари керак эди. Соф кумуш танганинг жорий қилиниши ва унинг эркин зарб этилиши савдо ва ривожланаётган иқтисодий эҳтиёжларга тўла жавоб берар ва пул муомаласининг барқарорлашувиغا имконият яратарди.

Шоҳмурод шариатга тўғри келмайдиган ёргу, бож, тушмал, ясоқ, олиқ-солиқ каби солиқларни, бепул ишлаб бериш тартиб-қоидаларини бекор қилади.

Маъмурий соҳадаги ислохотни Шоҳмурод отаси Дониёлбий ва ҳатто Муҳаммад Раҳимбий даврида Бухорода энг олий мартабали лавозимда ишлаган Давлат Қушбеги ва Низомиддин қози калонни ўз қўли билан қатл этишдан бошлайди.

У қозилик ишларини анча демократиялаштиради. Манбаларда кўрсатилишича, Шоҳмурод даврида агар қонунга хилоф иш қилинган бўлса, ҳатто қарол, хизматкор ҳам хўжайин устидан қозига мурожаат қилиши мумкин бўлган. Кўп ҳолларда қозилик жараёнида аминнинг ўзи ҳам иштирок этган. Албатта, бу ишларнинг ўз даврида Шоҳмурод томонидан амалга оширилганлиги ўзига хос катта жасорат эди.

Шоҳмуроднинг ўзи учун кундалик харажати бир тангадан ошмаган, еб ичиши ва кийиниши оддий бўлган, бирон-бир амалдорнинг уйига зиёфатга бормаган, ҳеч кимдан совға олмаган, ўз шарафига турли дабдабали тадбирлар уюштирилишига йўл қўймаган. Оддий халқнинг Шоҳмуродга мунъсабати қанчалик бўлганини шундан ҳам билса бўладики, уни «беғуноҳ амир», деб атаганлар. У, бир томондан, халққа, иккинчи томондан, лашкарга суяниб мамлакат сиёсий яхлитлигини таъминлашга катта эътибор берган. Айни вақтда Бухоро тасарруфидан чиққан Хуросонни қайтариш учун ҳарбий ҳаракатлар олиб борган. Аммо бунга эриша олмаган.

Бухоро амирлиги XX асрга қадам қўйган даврда амирлик ҳудудида жами бўлиб 2 миллион аҳоли яша-

ган. Амирлик тепасида турган манғитлар сулоласига тегишли бўлган қабила 100 минг кишидан иборат эди. Шундан Бухоро ва унинг атрофларида 44 минг, Қарши ва унинг атрофларида 31 минг, Хивада 10 минг мангит яшаган, қолганлари турли жойларга тарқалиб кетган.

Манғитлар ўзбек қабилалари орасида энг нуфузли ва обрўли қабилалардан бири бўлган. Умуман, ўзбек қабилаларининг умумий сони тўғрисида фикрлар бир хил эмас. Ўзбек халқ оғзаки ижодида («Гўрўғли» достони) ва айрим манбаларда бу рақам 92 та деб берилган. Рус олими Н.Хаников эса «Бухоро хонлигининг тавсифи» («Описание Бухарского Ханства», 1843) асарида ўзбек қабилалари сонини 97 та деб кўрсатади ва манғитларни биринчи ўринга қўйиб, уч гуруҳга бўлади: тўқ манғит, оқ манғит ва қора манғит.

Манғитлар қабиласи ўз вақтида Чингизхоннинг ҳам нигоҳида катта эътиборда бўлган. Қабила вакиллари у бошқарган давлат тизимларида қатнашганлар, Чингизхон қўшинларида катта таъсир кучига эга бўлганлар. Ҳатто Чингизийлар даврида Олтин Ўрда хони бўлган Эдигей ўзбек ҳам манғитлар уруғининг фарзанди эди.

Шоҳмуроддан сўнг сулола тақдири унинг ўғли **Амир Ҳайдар (1800—1825)**га ўтади. Унинг ҳукмронлик йиллари мамлакатда нотинчлик ҳукм суради. Ҳар доим бўлгани сингари Шоҳмурод вафот этгач, яна маҳаллий бек ва амирлар ўзбошимчалик билан марказий ҳокимиятга қарши бош кўтариб чиқадилар. Биринчи бўлиб, 1800 йилда Мари туркманлари ўлпон йиғиш сиёсатидан норози бўлиб қўзғолон кўтарадилар. Ҳайдар қаттиққўллик билан бу қўзғолонни бостиради.

Мариликлар 1804 йилда яна бош кўтарадилар. Бу сафар қўзғолонга амирнинг укаси Дин Носирбек бошчилик қилади. Амир Ҳайдар Мари воҳасини сув билан таъминловчи Султонобод тўғонини буздирди. Натижада бир неча вақт сувсиз қолдирилган Мари аҳолиси жангни тўхтатишга мажбур бўлади. Қўзғолончиларнинг бир қисми шаҳарни тарк этади, яна бир қисми эса амир қўлига тушиб, Зарафшон воҳасига кўчирилади. Дин Носирбек Амир Ҳайдарнинг оиласи ва минг кишини олиб Эрон Машҳадига қочиб кетади. 1825 йилда Мари хиваликлар томонидан эгалланади. Султонобод сув омборини тиклаш борасидаги ҳаракат ва уринишлар зое кетади.



Айниқса 1821—1825 йилларда Амир Ҳайдарнинг Миёнқол водийсида яшайдиган хитой-қипчоқларга ва уларга қўшилган қорақалпоқларга қарши олиб борган урушлари ғоятда даҳшатли ва шиддатли бўлади. Қўзғолоннинг асосий сабаби солиқ сиёсатининг оғир оқибатлари эди. Тез орада қўзғолончилар Каттакўрғон, Янгиқўрғон ва Челак шаҳарларини эгаллайдилар. Шаҳарларнинг камбағал фуқаролари қўзғолончилар тарафдори бўладилар ва адолат талаб қиладилар. Бой ва амалдорлар эса Амир Ҳайдарни қўллаб-қувватлайдилар. Эрк ва озодликни талаб қилган қўзғолончиларни Шаҳрисабз кенагаслари ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Қўзғолон тўрт йил давом этади ва 1825 йилда бостирилади. Қўзғолончилардан қаттиқ ва қонли ўч олинади. Амирлик ҳудудидаги ички қўзғолон ва тўполонларга қўшни хорижий мамлакатларнинг қилган ҳужумлари қўшилиб янада даҳшатли тус олади. 1800 йилда Ўратепа масаласида Қўқон хони Олимхон билан жанжал келиб чиқади. Қўқон аскарлари Жиззах, Зомин ва бошқа амирлик ҳудудларига бостириб кириб аҳолини талайдилар. 1804 йилда эса ғарбда Хива хони **Элтузархон (1804—1806)** Бухоро амирлиги чегараларига бостириб киради. Катта қийинчиликлар билан бу ҳужум қайтарилади.

1815 йил баҳорида Қўқон хони Умархон Бухоро амирлигига қарашли бўлган Туркистонга қўшин жўнатади ва кечаси қўққисдан қилинган ҳужум натижасида шаҳар эгалланади. Қўқон хонлиги томонидан Туркистон шаҳрининг эгалланиши икки қўшни хонлик ўртасидаги душманликнинг кучайишига сабаб бўлади. Хуллас, Амир Ҳайдар ўз ҳукмронлик даврини тўхтовсиз ҳарбий юришлар ва жангу жадалларда ўтказади.

Амир Ҳайдар вафот этгач, тахтга унинг ўғли Ҳусайн ўтиради. Лекин у икки ой ўтар-ўтмас, вафот этади. Кейин маълум бўлишича, Ҳусайн заҳарлаб ўлдирилган экан. Ҳусайндан сўнг Бухоронинг зодагон ва аёнлари унинг бошқа бир оғаси Умарни амирликка кўтарадилар. Янги амирни найманлар қўллаб-қувватлайдилар. Аммо Ҳайдарнинг яна бир ўғли Насрулло бу ишга рози бўлмади ва хитой-қипчоқларни ўз томонига тортиб Бухорони қамал қилади ва ҳокимиятни қўлга киритади. У найманлар уруғ аслзодаларининг ҳаммасини қатл эттиради, бир қисмини шаҳардаги баланд миноралардан ташлагтиради, уларнинг уй-жойларини ва оилаларини талаш ва ҳақоратлашни қўшинларига топ-

ширади. Насрулло дастлаб Умарга раҳм қилиб уни омон қолдиради. Уларга Қўқон хони бошпана беради. Лекин ўз ваъдасига вафо қилмаган Насрулло жигарининг орқасидан одам юбортириб ўлдиртиради. Ўша пайтда Умар эндигина 21 ёшга тўлган эди. Ўтакетган шуҳратпараст ва ичи қора Насрулло ҳамма нарсадан шубҳаланар ва ҳеч кимга ишонмасди. У энди ҳали ҳаёт бўлган учта укасидан хавотирланар ва шубҳаланарди. Шу боис Насрулло улардан қутилиш учун ҳар уччаласини ҳам қопга солиб, Амударёга чўктириб юборади. Насрулло қонхўрлиги билан ном чиқарган эди. Шу сабабдан унга «қас-собнинг ботири» деб лақаб қўйишган.

**Амир Насрулло** ўз ҳукмронлиги даври (1825—1860)да қонхўр жаллод сифатида халқнинг қонини зулукдек сўради. У амирликка қарашли барча вилоят ва туманларни Бухоро атрофида мустақкам бирлаштириш учун шафқатсиз қонли уруш олиб боради. Амирликнинг барча мулклари орасида ярим мустақилликка эга бўлган энг кучли беклик—Шаҳрисабз беклиги эди. Шаҳрисабз кенагаслари манғит амирларининг ўзаро курашиб бир-бирларини ўлдириш билан банд бўлганликларидан фойдаланиб, ўзларини Бухородан мустақил деб эълон қиладилар. Дарғазаб бўлган Насрулло «ўзбошимча» кенагасларнинг адабини бериб қўйиш мақсадида Шаҳрисабз устига 30 йил мобайнида 32 марта юриш қилади. Фақат 1856 йилга келгандагина кенагаслар қаршилигини енгиб, Шаҳрисабз ва Китобни ўзига бўйсундира олади.

Насрулло аскарлари Шаҳрисабз ва Китоб аҳолисини талаб кўп номаъкулчилик ишларини амалга оширади. Амирнинг ўзи эса Шаҳрисабз бегининг хотини—Кенагасойимни зўрлик билан Бухорога олиб келиб ўзига хотинликка олади. Хонликларни бирлаштириш учун келган инглиз эмиссарлари Конолли ва Стодартларни амир Насрулло сўйдиртиради.

Насрулло билан Қўқон хонлиги ўртасидаги муносабатлар, юқорида таъкидланганидек, тобора ўткирлашиб боради. Насрулло Қўқон хонлигини босиб олиш нияти билан нафас оларди. Унинг 1840 йилда Қўқонга қилган биринчи юриши натижа бермайди. Қўқон хонлигидаги ички ўзаро низо-жанжаллардан фойдаланган амир 1842 йилда иккинчи марта бу ерга лашкар тортиб келади. У ишни дастлаб Нодирабегимнинг Шаҳрисабзда турган кичик ўғли Султон Маҳмудхонни ўзи билан бирга олиб келиб Ўратепага ҳоким қилиб тайинлаш-

дан бошлайди. Ўша даврда Ўратепа Бухоро амирлиги ихтиёридаги шаҳар эди. Мамлакат ҳаётига яқинлашиб келаётган хавфни сезган Нодирабегим дарҳол ўғиллари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш учун амалий чора-тадбирлар кўради. У Хўжанд шаҳрига бориб икки ўғлини муросаи-мадорага келтиради. 1841 йил ноябрь ойида Муҳаммад Алихон тахтдан воз кечиб Султон Маҳмудни ўз ўрнига ўтқзади. Аммо бу кўрилган чора-тадбирлар амир Насруллонинг 1842 йилда Кўқонга иккинчи марта лашкар тортиб боришига тўсқинлик қила олмайди. Амир Насруллонинг қонхўр жаллод сифатида ном қозонишининг энг юксак чўққиси шу бўлдики, у ўлими олдида ўз хотинини—Кенагас-ойимни ўлдиради, оғаси ва унинг барча болаларини ҳам қатл этади. Хуллас, амир Насрулло ўзидан сўнг халқнинг қонхўр жаллоди сифатида тарихда даҳшатли из қолдиради.

Бухоро амирлиги тахти Насруллодан сўнг унинг ўғли **Музаффархон (1860—1885)**га ўтади. Бу ҳам ўз аждодлари изидан бориб амирлик ҳудудларини кенгайтириш мақсадида қонли урушлар олиб боради. Бутун Фарғона водийсини забт этиб Қашқар ҳудудларигача этади. 1865 йилда Музаффархон иккинчи марта Кўқонни ўзига тобеъ этиб, Худоёрхонни Кўқон тахтига тиклайди. Музаффархоннинг амирлик даври Бухоро тарихининг энг оғир ва даҳшатли қора даврларига тўғри келади.

Амир Музаффархон отаси даврида мансабда бўлган амалдорларни бўшатади, мол-мулкларини мусодара қилади, Карманага сургун қилинган кишилар яна пойтахтга келтирилиб, уларга мансаблар беради. У шу йўл билан ўз мавқеини мустаҳкамламоқчи бўлган. Бу эса аслида киши билмас давлат ва сулола қудратига берилган зарба эди. Аҳмад Донишнинг фикрича, Карманадан қайтариб юқори давлат вазифаларига тайинланган мансабдорлар ўз фаолиятларида «халқнинг қонини сўрганлар». Амир Музаффар Ҳисор ва Кўқонга ҳарбий юришлар (1863—1865) олиб боради. Унинг даврида лашкар ҳам заифлашади, отаси даврида ҳарбий юришларда чиниққан саркардалар қатл қилинади. Улар ўрнига «таги паст кишилар ва ғуломлар» тайинланади. «Русия ўлкага бостириб кирганда эса, — деб ёзади Аҳмад Дониш, — таги паст, нодон ва ғайратсиз саркардалар жуфтакни ростлаб қоладилар, то шу вақтгача улардан озор чекиб келган аскарлар ғуломларга хизмат қилиш-



Бухоро амири Олимхон (биринчи қатор, ўртада) ўз сарой амалдорлари билан.

ни ор билиб кетдилар. Натижада барча вилоятлар Россия қўлига тушди»<sup>1</sup>.

Ўзига қараганда бир неча баробар кучли босқинчи чор Россияси мустамлакачиларига қарши тенг бўлмаган жанглар олиб борган ва енгилган Амир Музаффархон 1868 йилда шармандали сулҳ битимини имзолашга мажбур бўлади. Бу битимга асосан Бухоро амирлиги ўз мустақиллигини йўқотади ва Россиянинг вассалига айланади.

Амир Музаффархондан ўғли **Абдулаҳад (1885—1910)**га Бухоро тахти мерос бўлиб ўтади. У бирор ишни мустақил ҳал қилаолмас эди. Амир Абдулаҳадга қарши бир қатор ҳудудларда норозилик ҳаракатлари бўлади. Жумладан, 1909 йил ҳижрий янги йил сайли вақтида Шаҳрисабз ва Қаршида халқ амирликка қарши бош кўтаради. Халқнинг бу чиқишлари шафқатсизлик билан бостирилади. Бироқ шуни айтиш керакки, 1886—1887 йилларга оид ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Абдулаҳадхон қул ва чўриларга расман озодлик бериш тўғрисида фармон чиқарган. У 1910 йилда вафот этгач, тахт ворис ўғли **Олимхон (1910—1920)**га насиб этади. Олимхон 1881 йилда таваллуд топган. У 1893—1896 йилларда Санкт-Петербургда ўқиган. 1898 йилда Қарши вилоятига ҳокимликка юборилади. Ўн икки йил ҳокимлиги даврида Олимхон бир қатор қурилишлар қилади. Жумладан, Қарши шаҳрида Қашқадарё устида узунлиги 122 м, эни 8,2 м, дарё тубидан баландлиги 5,35 м бўлган устунлари гишт ва тош оҳакдан кўприк қурдиради. Кўприк устида тўртта равоқ (қоровулхона) бунёд

<sup>1</sup> *Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи...* 283—284-бетлар.

этади. Олимхоннинг ўзи «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» китобида бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: «Мазкур вилоятга яқин жойда Қашқа деган шўх дарё оқарди. Ундан камбағал бева-бечораларнинг кечиби ўтишида роҳати бузилиб, доимо ғам-ташвишда эдилар. Аҳолининг осойишталигини кўзлаб мазкур дарёга тошу темирдан бир кўприк қурдирдим, кўприкни эса ўз номим билан атадим. Шояд фақир у фуқаролар сув кечиш ташвишидан қутилиб, тинчу осуда яшасалар, деб ўйладим. Шу билан яна бошқа бир қанча мадраса ва ибодатхоналар қуриб, бу борада анчагина юмушларни юзага келтирдим»<sup>1</sup>. Қарши кўрғонининг ёнидаги боғда катта кўл, мадраса ва ибодатхоналар шу даврда қурилган эди.

Амир Олимхон ўз ҳукмронлиги даврида халқ манфаати нуқтаи назаридан бир қатор фойдали ишларни ҳам амалга оширган. Унинг ўзи бу ҳақда қуйидагича ёзади: «Тахтга ўтирганимдан сўнг бу банд даргоҳи олийда мамлакатимнинг бир йиллик хирож тўлашдан озод қилиш фармойишини бердим... Бухоройи шариф аркининг яқинида, Балой ҳовуз дейилган жойда ўз номимга бир ибодатга масжид бино қилдирдим. Бухоро минорасининг паст томонида бозорнинг ички томонида ўз номимдан Дор-ул-улум—Билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим: ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин этдирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар назир тайин этдим: уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказдирардим. Бозор ва йўл ободлигига кўп ҳаракат қилдим, уч йил ичида Бухоро мамлакати анча обод бўлди...»<sup>2</sup>.

Албатта, амир Олимхоннинг ўз ўтмиш тарихи тўғрисида билдирган бу фикр-мулоҳазалари унинг ҳукмронлиги йилларида халққа ўтказган зулмкорлик сиёсатини, давлатни бошқариш ва идора этишида йўл қўйган жуда кўплаб қўпол хато ва камчиликларини асло оқлай олмайди. Олимхон амирлиги даврида мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий турмуш янада оғирлашади. Халқ оммасининг яшаш, турмуш тарзи ёмонлашади, зулмкорлик кучаяди. Халқ гарданига тушадиган солиқлар миқдори ошади. 1913 йилдаги маълумотларга

<sup>1</sup> Амир Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т., «Фан», 1991, 7-бет.

<sup>2</sup> Амир Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи, 8-бет.

қараганда, амирнинг йиллик даромади олтин ҳисобида 30 миллионга тенг бўлган. Ана шу бойликнинг каттагина қисми шахсан амирнинг айшу-ишрати ва бёмани ноахлоқий тадбирларига сарфланган. Амир Олимхон ўз давлати ҳудудида халқнинг умумий манфаатларига жавоб бераоладиган сиёсат юргизмайди. Илғор фикрли жадидлар ҳаракатининг фаоллари билан умумий тил топиб амирликда тинчлик, осойишталик, ҳамфикрлилик ва бирликни шакллантира олмайди, аксинча, уларни қувғин қилади, қаттиқ жазолайди ва бу билан халқ оммаси кўпчилигининг нафрат ва надоматига учрайди. Оқибатда бундай сиёсатдан биринчи навбатда амир Олимхоннинг ўзи панд ейди ва зарар кўради. Қизил салтанат босқини даврида халқ амирни қўллаб-қувватламайди. Амирдан ғоят зада бўлган жадидларнинг катта бир қисми эса большевойларнинг ёлғон-ваъдалари, ташвиқот-тарғиботларига кўр-кўрона ишониб, улар томонига ўтиб кетади. Оқибат натижада Бухоро амирлиги ҳудудида яшаган халқлар узоқ йиллар мобайнида қизил салтанат бўйинтуруғини ўз бўйида кўтариб юришга мажбур бўлади.

### 3. Хива хонлиги

1505 йилда Хоразмни Шайбонийхон босиб олади. Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Шайбонийхонни мағлуб этгач, Хоразм Эрон давлатига қарам бўлиб қолади. Бироқ қизилбош эронийлар ҳукмронлиги узоқ давом этмайди. Бир йил ўтар-ўтмас, 1511 йилда Хоразм ўзбек хонлари ҳукмронлигида ўз мустақиллигини тиклаб олади. Хоразм аҳолиси орасида эронийларга қарши фитна уюштирилади. Улар даштиқипчоқлик Берка Султоннинг ўғли Элбарсни чақирадилар. Даштиқипчоқлик Элбарсхон 1511 йили тахтга кўтарилади. Шундан сўнг Эрон аскарлари Хива, Хазорасп ва Қиётни ташлаб чиқиб кетадилар. Ана шу тариқа 1512 йилда Элбарсхон бошчилигида Хива хонлигига асос солинади. Элбарсхон туфайли Дашти Қипчоқдан жуда кўплаб кўчманчи ўзбек қабилаларининг кела бошлаши ва 1524 йилда Шоҳ Исмоилнинг вафот этиши ўзбек султонларининг Урганчда мустаҳкамланиб олишларига имконият яратиб беради. Улар ҳатто Шимолий Хуросоннинг анчагина қисмини (ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисми), Сарахс тумани ва уни шимолий қисми билан бирга,

Манғишлоқдаги туркманларни ҳам бўйсундириб оладилар.

Элбарсхон 1518 йилда вафот этгандан сўнг хонлар тез-тез алмашиб турадиган бўлиб қолади. Хива хонлари ўз қўл остиларидаги халқларни итоатда сақлаш учун қабилалар ўртасида низоларни кучайтирадилар, улар ўртасида урушлар келтириб чиқарадилар. Бу халқни хонавайрон қилади.

Элбарсхоннинг бешинчи вориси бўлган Аванешхон даврида шайбонийлардан бўлган Убайдуллахон Хивани босиб олишга уриниб кўради (1538). Ҳатто Аванешхонни ўлдириб Хоразм тахтига ўз ўғли Абдулазизни тайинлайди ҳам. Ўзбек оилалари Хоразмдан Бухоро хонлиги ҳудудига кўчирилади. Бироқ ўлдирилган Аванешхоннинг шайбонийлардан қутилиб қолган уруғдошлари Дин Муҳаммад авлодига мансуб Дурун ҳузурига қочиб борадилар.

Дурун туркманларнинг адак (адакли) қабиласи ёрдамида Хоразмга бостириб киради ва Хивани эгаллаб шайбонийлар ҳокимини ўлдиради. Абдулазиз зўрға қочиб қолишга улгуради. Дин Муҳаммад Хоразмга Убайдуллахон юборган қўшинларни тор-мор келтиради.

1575 йилда шайбонийлардан бўлган Абдуллахон Хоразмга яна қўшин тортиб боради. Бу даврда Хоразм хони **Ҳожи Муҳаммад (1560—1602)** Хуросонга қарши қўшин тортиб кетган эди. Ҳожи Муҳаммадхоннинг йўлда келаётганидан хабар топган Абдуллахон унинг укалари билан сулҳ битими тузади ва Бухорога қайтиб кетади. 1593 йилда Абдуллахон II ниҳоят Хоразмни босиб олади. Хоразм хони ўз ўғиллари билан Эрон шоҳи Аббос наноҳига қочиб боришга мажбур бўлади. 1595 йилда Хива султонлари туркманлар ёрдамида Хивани қайтариб оладилар. Лекин шу йили Абдуллахон II Хоразм устига яна қўшин тортиб келади. Ҳазораспни эгаллаб, қўзғолончиларни қатл эттиради. Ҳожи Муҳаммадхон яна Эронга йўл олди. Мамлакатда тожу тахт учун бошланиб кетган уруш, жанжал ва низолар оқибатида шайбонийлар уруғи батамом қирилиб битади ва инқирозга юз тутади. Бу қулай вазиятдан фойдаланган Хоразм яна ўз мустақиллигини қайтадан тиклайди ва Ҳожи Муҳаммадхон ўз тахтини эгаллайди. Ана шу тариқа ўзбек сулоласининг Элбарсхон асос солган Хоразм давлати тахти ҳукмронлигига мустаҳкам замин яратилади.

**Араб Муҳаммадхон даври (1602—1621)**да хонлик-

нинг маркази Урганчдан Хивага кўчирилади. Бунинг асосий сабаби Амударёнинг қуриб бориши натижаси эди. Ана шу даврдан бошлаб хонлик Хива хонлиги номи билан юритиладиган бўлади. Бу даврда хонликдаги умумий аҳоли сони 800 минг кишига борган. Шундан 65 %и ўтроқ ўзбеклар, 26%и туркманлар ва қолганлари қозоқлар ва қорақалпоқлар бўлган. Аҳолисининг асосий кўпчилигини ташкил этган ўзбеклар қабила-қабила, уруғ-уруғ бўлиб воҳанинг шимолий қисмида, асосан Амударё тармоқ ёйган ерларда жойлашган эдилар. Бу ўзбек аҳолиси жами 20 та қабиладан иборат бўлиб, улар орасида манғитлар, найманлар, қипчоқлар, қиётлар, қўнғиротлар кучли ва устун мавқега эга бўлганлар.

Ҳозирги хоразмликларнинг ривожланиши ва шаклланишида тарихан илдизи ва томири бир бўлган ҳамда воҳа ҳудудида ва унинг чеккаларида илгаридан яшаб келган қардош туркманларнинг таъсири ва ўрни катта бўлган. Қадимги ўғузларнинг авлодлари бўлган туркманлар маҳаллий халқлар ва Дашти Қипчоқдан кўчиб келган туркий халқлар билан қоришиб, қўшилиб кетганлар. Хоразм шеvasининг туркман тилига яқинлиги ҳам албатта ана шундадир.

Бир вақтлар хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида салтанат даражасига кўтарилган ва «...Утуз дарвозаси бор...» бўлган<sup>1</sup> Хоразм XVII асрга келиб ўзаро қиргинбарот урушлар оқибатида тараққиётда орқада қолади. XVII аср бошларида Амударё ўзанининг ўзгарганлиги ҳам воҳа тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Урганч шаҳрини хонликнинг жанубийроқ ҳудудига кўчиришга тўғри келади. Бироқ янги Урганч ҳам Кўҳна Урганчнинг нафақат номини, балки айни замонда тарихий анъаналарини ва савдо маркази сифатидаги ўрнини ҳам ўзида сақлаб қолади. Амударё ўзанининг силжиши Хоразмдаги бошқа қадимий ва тарихий: Хазорасп, Кот, Хонқа, Шоҳобод каби шаҳарларнинг ҳам силжишига сабаб бўлади, аммо уларнинг барчасининг эски номлари сақланиб қолади.

Ҳожи Муҳаммадхон вафотидан сўнг 19 йил тахтда ўтирган Араб Муҳаммадхон даврида хонликдаги тожутахт учун ўзаро урушлар айниқса кескин тус олади. 1616 йилда Араб Муҳаммадхоннинг ўгиллари Ҳабаш

<sup>1</sup> *Мулла Ошм Маҳмуд ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши, «Насаф», 1992, 125-бет.*



Султон билан Элбарс Султон, найман ва уйғур қабилаларининг бошлиқларига таяниб (оналари Найман уругига мансуб эди), ўз отасига қарши исён кўтаради. Араб Муҳаммадхоннинг етти ўғли бўлган: улар Асфандиёрхон Султон, Ҳабаш Султон, Элбарс Султон, Абулғозихон, Шариф Муҳаммад Султон, Хоразмшоҳ Султон, Авғон Султонлардир. Араб Муҳаммадхон андиша юзасидан ён босиб, исёнкор ўғилларига Вазир шаҳрини (Устюртда, Кўхна Урганчдан 60 чақирим йироқда, XV аср ўрталарида ўзбек хонларидан Мустафоҳон қурдирган) ҳам қўшиб беради. Ўртада беш йил ўтар-ўтмас, оралари бузилиб, ота-болалар ўртасида уруш бошланиб кетади. 1621 йилда Тошли ёрмиш қудуғи ёнида икки орада—бир томонда Араб Муҳаммадхон, тўнғич ўғли Асфандиёр Султон ва Абулғозий Султон, иккинчи томонда эса Ҳабаш Султон билан Элбарс Султон орасида қаттиқ жанг бўлади. Оқибатда ота томон енгиледи. Нобакор фарзандлар буйруғи билан асир олинган хоннинг кўзларига мил тортилади ва Хивага олиб келтирилиб қамаб қўйилади. Кўп ўтмай Араб Муҳаммадхон шу ерда қатл этилади. Оқпадар фарзандлар отага қўшиб амакиси ва акаси Асфандиёрхоннинг икки ўғлини ҳам ўлдирадилар.

Абулғозихон қочиб аввал Катга, Кўнғиротга, сўнгра Бухорога, Имомқулихон (1611—1642) ҳузурига боради. Хоннинг бошқа ўғиллари: Асфандиёрхон Султон ва Шариф Муҳаммадхон Султон Хазораспга борадилар ва у ерда яширинадилар. Шаҳарни қирқ кун қамал қилган Ҳабаш ва Элбарс оғаси Асфандиёрхон Султон ва иниси Шариф Муҳаммад Султон билан ярашадилар ҳамда Асфандиёрхон Султоннинг Макка зиёратига кетишига ижозат берадилар, Шариф Муҳаммад Султонга Катни инъом қиладилар.

Бироқ Асфандиёрхон Султон Маккага бормайди. У тўғри шоҳ Аббос I (1587—1629) ҳузурига йўл олади ва унинг ёрдами билан 1623 йилда Хива тахтини эгаллайди. Бу воқеадан хабар топган Абулғозихон Хоразмга қайтади. Оғаси Асфандиёрхон Султон унга Урганчни беради. Лекин орадан тўрт йил ўтиб, акаси билан оралари бузилиб 1627 йилда Абулғозихон Туркистонга Эшимхон (1629 йилда вафот этган) қароргоҳига қочиб боради. Кўп ўтмай Тошкент ҳокими Турсунхон уни ўз ҳузурига олиб кетади. Турсунхон вафотидан сўнг 1690 йилда Абулғозихон Бухорога Имомқулихон ҳузурига

боришдан бошқа чора топаолмайди. Бухорода узоқ қолишнинг иложи бўлмайди. Чунки хондан норози бўлган туркманларнинг чақириғи билан яна Хоразмга қайтиб боради. Асфандиёрхон (у ўша пайтда Хазораспда турарди) унга Хивани топширишга мажбур бўлади. Аммо олти ойдан сўнг пайт пойлаб Асфандиёрхон Абулғозини Эрон тасарруфига тушиб қолган Нисо билан Дорунга (Ашхобод билан Қизил Арвот ўртасида жойлашган манзилгоҳ) ҳужум қилганликда айблаб ҳибсга олади ва Эронга шоҳ Сафиъ I (1629—1642) ҳузурига омонат тарзида жўнатиб юборади.

Абулғози бу ерда қарийб 10 йил (1630—1639) махсус назоратчилар қўли остида Исфохон яқинидаги Таборак қалъасида тутқунликда тирикчилик ўтказди. 1639 йилда бу ердан қочиб, икки йил деганда — 1642 йилда Орол ўзбеклари ҳузурига келади. Ороллик ўзбеклар 1643 йилда уни хонликка кўтардилар. Орадан бир йил ўтгач, у кўпчилик рақибларини енгиб Хива тахтини эгаллайди. У жами бўлиб йигирма йил хонликни бошқарди (1643—1664). Аммо у хон сифатида бошқалар сингари ҳузур-ҳаловат кўрмайди. Кўпроқ умри жангу жадаллар ва урушларда ўтади. У 1646—1653 йилларда Тажан, Бомбаурма (Қизил Арвотнинг шарқи-жанубий тарафидаги манзилгоҳлар), Атрок ва Журжон туркманлари билан урушлар олиб боради. 1655—1662 йиллари ўлкага вақти-вақти билан ҳужум қилиб турган ёйиқлик (Урал) рус казаклари, қалмоқлар ва қозоқ кўчманчилари билан курашади. 1663—1664 йилларда бир неча марта Бухоро устига юришлар уюштиради.

1664 йилда Абулғози Баҳодирхон оғир дардга чалиниб касал бўлиб қолгач, тожу тахтни ўғли **Анушахон (1664—1687)**га топширади. Орадан кўп вақт ўтмай, Хоразмнинг бу маърифатпарвар ҳукмдори 1664 йил апрель ойида вафот этади. Хива билан Бухоро ўртасида уруш можаролари Анушахон даврида ҳам давом этади. Хива қўшинлари Бухорогача етиб борадилар, ҳатто Жўйборни талон-торож қиладилар. Хиваликларнинг Бухорога энг катта ҳужумлари 1685 йилда бўлади. Улар Самарқандни эгаллайдилар. Самарқандликлар Анушахонни ўз хонлари деб эълон қиладилар. Аммо Бухоро қўшинлари Фиждувон ёнида хиваликларни тор-мор келтиришга муваффақ бўладилар. Бу ғалабадан сўнг Анушахонда Самарқандни ташлаб чиқишдан бошқа илож қолмайди.

Хиваликларнинг Бухорога тўхтовсиз қилиб турган юришлари Бухоро хони ва унинг ҳукуматини Хива хонлигига нисбатан макр ва ҳийлалар йўлини ишлатиб курашишга мажбур этади. Бухоро хони Субҳонқулихон Хивада махсус гуруҳ ташкил қилади ва бу гуруҳ орқали Анушахоннинг ўғли Ирноқни қўлга олади. Ирноқ ўз отасининг (1687) кўзини кўр қилади, лекин ўзи ҳам узоқ яшамайди. Чунки хиваликларнинг Бухорога уюштирган навбатдаги ҳужумларидан кейин заҳарлаб ўлдирилади. Бу далил Бухоро манбаларида берилади. Лекин тарихчи Муниснинг маълумотларига кўра бу сохта Ирноқ бўлган, ҳақиқий Ирноқ эса анча илгари Оролда тўпланган кўчманчи ўзбеклар билан бўлган жангда ўлдирилган. Хивада ташкил этилган Субҳонқулихон гуруҳи шу даражада пухта иш олиб борадики, 1688 йилда Хивадан Бухорога махсус вакил юборилиб Субҳонқулихондан Хивани Бухоро фуқаролигига олиш илтимос қилинади. Субҳонқулихон Хива тахтини бошқаришни Шохниёзга топширади ва уни «эшик оға» унвони билан тақдирлайди. У кейинчалик Хива хони унвонига эга бўлади.

Хонликни бошқариш ва идора қилишнинг уддасидан чиқишга кўзи етмаган ва ўз ожизлигини сезган Шохниёз Субҳонқулихонга хиёнат қилади ва шимолдаги рус подшосининг соясида ўз ҳокимиятини сақлаб қолмоқчи бўлади. У 1700 йилда Субҳонқулихондан яширинча Пётр I га элчи юбориб Хивани Россия тасарруфига қабул қилишни сўрайди. Бу ҳол аслида туркий миллатларнинг миллий манфаатларига дастлабки ва ҳеч кечириб бўлмайдиган хиёнат бўлиб, рус мустамлакачиларининг ўлкамиз ҳудудларини босиб олиши ва асоратга солиши учун йўл очиб беришдан иборат эди. Иккинчидан эса, Хива хонлиги билан Бухоро хонлиги ўртасидаги кураш юқоридаги воқеалар туфайли янада кучаяди.

Хуллас, бу даврда Хива хонлиги зиддият, қарамақаршилиқлар ва ғулғулаларнинг марказий тугунига айланган эди. Шимолда Россия, жанубда Эрон ва жануби-шарқда Хивага ён кўшни бўлган Бухоро чигал тугунни ўз фойдасига ҳал қилишга интилар эди. Бу ҳол айниқса **Шерғозихон даврида (1715—1728)** ғоятда кучаяди. Биринчи бўлиб Хивага ўзининг босқинчилик ҳамласини Рус подшоси Пётр I бошлаб беради. У 1714—1717 йилларда князь Бекович-Черкасский бошчилиги-

да Хива хонлигига 6574 кишилик қўшин жўнатади. Шерғозихон Шоҳниёзхонга қараганда миллатпарварлик, ватанпарварлик ҳис-туйғуси ўлмаган хон бўлиб чиқади ва у айёрлик ишлатиб босқинчи аскарларни бўлиб-бўлиб, батамом қириб ташлайди. Шерғозихон туфайли Хива билан Бухоро ўртасидаги кескинлашган вазиятни юмшатиш мақсадида рус зобити князь Бекович-Черкасскийнинг бошини шамшир билан олиб Бухоро хонлигига юборади. Аммо бундан ҳеч қандай фойда чиқмайди. Бу воқеадан сўнг чор Россиясининг Хива хонлигига қарши уруш бошлаш хавфи кучаяди. Ана шундай оғир ва мураккаб бир шароитда Хива ва Бухоро хонликлари ўзаро тил топиб хорижий мамлакатларнинг хавфли ҳужумига қарши биргаликда курашиш ўрнига бир-бирларига қарши рақобатни авжига миндирадилар. Жумладан, Бухоро хони Абулфайзхон Шерғозихонга қарши оролликларни қайрайди. Оролликлар Бухорода яшовчи шаҳзода Темур Султонни ўзларига хон қилиб кўтардилар. Хивада ўзаро уруш-жанжаллар ва низолар авжига минади. Бу ҳол Шерғозихон вафотига қадар ҳам тинмайди. Темур Султон эса бутун хонликни ўзига бўйсундира олмайди. Шерғозихондан сўнг хонликка қозоқ-чингизийлар авлодидан **Элбарсхонни (1728—1739)** таклиф қиладилар. Ана шу даврдан бошлаб қозоқ-чингизий хонларни даштдан муайян муддатга олиб келиб қўйиш, кейин зарурат қолмагач, уни бўшатиб, бошқасини олиб келиш одат тусига кириб қолади. Бу тарихга «хонлар ўйини» номи билан киради. Лекин аҳвол ижобийликка томон ўзгармайди. Элбарсхон вазиятни янада чигаллаштиради. Нодиршоҳнинг Эронда йўқлигидан фойдаланиб (Нодиршоҳ Афғонистон ва Ҳиндистонга қўшин тортиб кетган эди) Элбарсхоннинг Бухоро томонида туриб Нодиршоҳ қўшинларига қарши урушга кириши, Эронга қарамликдан бош тортиши Хивани оғир аҳволга солиб қўяди. Нодиршоҳ Бухорони тобе этгач, 1740 йилда Хива хонлигини ҳам ўзига батамом бўйсундиради. У Хивада «хонлар ўйини»ни бартараф қилишга ҳар қанча уринмасин, бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди. Хонликда вазият шундай бебош бир тус олган эдики, гўё амалда Хива йўқ қилингандек бир манзара касб этганди. Бу манзара 1770 йилгача ҳокимият тепасига қўнғиротлар уруғининг йўлбошчиси Амин келгунга қадар давом этади. У хонликда туркманларнинг қаршилигини енгиб, қаттиққўл

сиёсат орқали мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатади.

Қўнғиротлар сулоласи расмий равишда 1804 йилдан эътиборан бошланган. Шу йили Муҳаммад Аминнинг набираси иноқ Элтузар хон унвонини қабул қилади. Янги хон 1806 йилда Бухорога қарши олиб борилган урушда ҳалок бўлади. Унинг ўрнига укаси ва вори-си **Муҳаммад Раҳим (1806—1825)** хонлик унвонига эгалик қилади. Муҳаммад Раҳимхон 1811 йилда оролликларни ўзига таслим қилади. 1822 йилда эса Марв ва ундаги туркманлар устидан ҳукмронлик ўрнатади. Хива хонлиги айниқса Муҳаммад Раҳимнинг ўғли **Оллоқулихон (1825—1846)** даврида ўз ҳудудларини анча кенгайтиради. Хонлик ҳудудлари Сирдарёнинг Орол денгизига қўйиладиган жойидан Туркменистон ҳудудидаги Кушкагача чўзилиб кетади. **1846—1855 йилларда хонлик қилган Муҳаммад Амин (Мадамин)** ва **Абдуллахон (1855—1864)** ўз хонлик фаолиятларини туркманларга қарши тўхтовсиз курашларда ўтказадилар ва шу урушларда ҳалокатга учрайдилар. **Сайид Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) даври (1864—1910)**да Хива хонлиги чор Россияси босқинига қарши кураш олиб боролмайди ва ғоятда кучли душман билан Гандимиён-шармандали сулҳ битимига имзо чекишга мажбур бўлади. Хива ўз мустақиллигини йўқотади ва Россияга қарам бир мамлакатга айланади. Айниқса Хиванинг сўнгги икки хони **Исфандиёрхон (1910—1918)** ва **Сайид Абдуллахон (1918—1920)** даврида халқ оммаси ғоятда огир қисматли ва бир-бирига қарама-қарши онларни ўз бошидан кечиради. Ана шу зиддиятли давр фожеасини тушуниб етаоладиган ва унга монанд йўл топаоладиган сиёсий ва ғоявий етук халқ ҳали шаклланмаган эди. Бу эса ўлканинг тарихий фожеаси эди. Бундан суронли ва бўронли миллий-озодлик кураши йилларида қизил салтанат илҳомчилари—большевойлар фойдаланиб қоладилар.

#### 4. Қўқон хонлиги

Минглар уруғидан бўлган йирик зодагон Шоҳрухбий Чодак хўжалари ёрдамида Фарғона водийсида Бухоро амирлигидан мустақил бўлган мавқени эгаллаб, 1709 йилда Қўқон хонлигига асос солади. Айрим адабиётларда Қўқон хонлигининг ҳукмдорлари маҳаллий

юқори табақа вакиллари, руҳонийлар ва машҳур Хўжа Аҳрор Валий авлодларидан бўлган деб ҳисоблайдилар.

Тарихчи Ҳайдарбек Бобобековнинг таъкидлашича, барча мусулмон тарихчилари ва айрим рус муаллифлари Қўқон хонлари сулоласини **Олтин Бешик** билан, у орқали Бобур билан боғлайдилар<sup>1</sup>. Қўқон хонлари насабномаларининг Олтин Бешик ривояти билан боғлиқлиги Ниёзмухаммаднинг «Тарихи Шохруҳия», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансабу салотин ва таворихул хавоқин», Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Фозилбек Отабек ўғлининг «Мукаммали тарихи Фарғона», В.Наливкиннинг XIX аср 80-йиллари ўрталарида Қозонда чоп этилган «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» («Краткая история Кокандского ханства»), Ибратнинг «Фарғона тарихи», Мулла Шамсиддин Шавқийнинг «Шохнома» достонида, Муҳаммад Аминбек Худоёрхон ўғлининг «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1894 йил сонларида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинган «Фарғона вилояти хонлари хусусидаги воқеотлар» номли асарларида, адабиётшунос, профессор Шариф Юсуповнинг мақолаларида<sup>2</sup> ва бошқа кўплаб манбаларда ўз ифодасини топган. Шариф Юсупов Қўқон хонлари насабномаси тузиладиган бўлса, уларнинг беистисно ҳаммаси, жумладан, сўнгги хон Сайид Муҳаммад Худоёрхон ва унинг аждодлари ҳам Бобур Султонга, у орқали эса соҳибқирон Амир Темурга бориб боғланади, деган хулосага келади.

Амир Темур ва унинг ўғли Мироншоҳдан бошланган сулола Қўқон хони Худоёрхонгача давом этиб келган. Ш.Юсупов шундай хулоса қилади: «Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Сайид Муҳаммад Худоёрхон соҳибқирон Амир Темурнинг йигирма учинчи авлоди, хоннинг иккинчи ўғли Сайид Муҳаммад Аминбек йигирма тўртинчи ҳамда Муҳаммад Аминбекнинг ўғли Сайид Ислombек соҳибқироннинг йигирма бешинчи авлоди бўлиб чиқади»<sup>3</sup>.

Темуршунос, бобуршунос француз олими, Ўзбекистоннинг «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирлан-

<sup>1</sup> Бобобеков Ҳайдарбек. Қўқон тарихи. Тошкент, «Фан», 1996, 20—21-бетлар.

<sup>2</sup> Шариф Юсупов. Буни умр дерлар... «Жамият ва бошқарув», 2002 йил, 1-сон, 18—25-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша манба, 20-бет.

ган профессор Люсьен Керен ўзининг «Шаҳзода Ислонбек» мақоласида Қўқон хонлари темурий Мироншоҳга бориб тақалади, деган ғояни илгари сурган. Бу ишни ўзбек олими Ш.Юсупов давом эттириб Ислонбекнинг ҳаёти, тақдири ҳақида тадқиқот иш олиб бормоқда.

Хонликда тожиклар ва қирғизлар ҳам катта мавқега эга эдилар. Хон қўшинларида улар катта куч бўлганлар. Ўзларини 92 ўзбек қабиласидан бири деб ҳисобловчи қипчоқларнинг ўрни ҳам Қўқон<sup>1</sup> хонлигида анча катта бўлган. Улар хонликнинг Шаҳрихон, Балиқчи худудлари, Қорадарё билан Норин дарёси оралигидаги ерларида яшаганлар. Қирғизлар эса асосан Фарғона атрофидаги тоғларда ва Кетмонтепа, Олой сингари тоғ ҳавзаларида кўчиб юриб чорвачилик билан шуғулланганлар.

Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидаги сингари Қўқон хонлигида ҳам давлатни бошқаришда руҳонийларнинг ўрни ва таъсири катта бўлган. Жумладан, руҳоний Ҳазрати Соҳиб, нақшбандийлар жамоасининг халифаси сифатида 1844—1869 йиллар мобайнида амалда давлат аҳамиятига эга бўлган айрим масалаларни ҳал қилишда асосий роль ўйнаган. Ҳатто Худоёрхоннинг ўзи ҳам у вафот этгач, дафн маросимида олдинги сафда борган. Хўжа Калон 1852—1863 йилларда Андижонда ҳоким лавозимини адо этади.

Қўқон хонлигида юқори ҳукмрон табақанинг ижтимоий ва этник жиҳатдан хилма-хил бўлиши турли гуруҳлар ўртасида муттасил давом этадиган ҳокимият талаш курашининг асосий сабабидир. Хонликда ҳукмронлик қилган хонлардан кўпи сарой тўнтарилиши оқибатида ўлдирилган, ўнлаб шаҳзодалар, амалдор ва саркардалар сарой тўнтаришининг қурбони бўлиб қатл этилган. Бундай қарама-қарши туришлар ва ўзаро курашлар Қўқон хонлигининг охир-оқибатда инқирозга учраб, чор Россияси мустамлакасига айланишига сабаб бўлган бош омиллардандир.

Қўқон хонлиги Шоҳруҳбийнинг ўғли **Муҳаммад Абдурахимбий** ҳукмронлиги (1721—1733) даврида ўз худуд-

---

<sup>1</sup> «Хўқонд» шахрининг келиб чиқиши «Хўп-қанд» сўзларидан тузилган бўлиб, унинг биносини 1709 йилги воқеага боғлашади. Ваҳоланки, «Хўқанд» шаҳри Х асрда ҳам шу ном билан машҳур бўлган. Маъноси эса «яхши», «латиф» сўзларига тўғри келади. *Ҳайдарбек Бобобеков*. «Қўқон тарихи». Т., 1996, «Фан», 268-бет.

ларини кенгайтира борди. У Хўжанд, Андижон, Самарқанд, Жиззах ва бошқа ерларни эгаллаб олади. Шоҳруҳбийнинг иккинчи ўғли **Абдулкаримбий (1733—1747|48)** даврида тарихчи Абдулкарим Бухорийнинг ёзганига кўра хонлик ҳудудидаги Кўқон, Андижон, Наманган ва Марғилон шаҳарларида савдо ва ҳунармандчилик тараққий этади. У марказий давлатни мустаҳкамлаш ва кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳукмдорлар ўзбошимчалигига чек қўйишга қаратилган сиёсат олиб боради. Шундан кейин то 1770 йилга қадар навбат билан Абдурахмон, Эрдонахон, Бобобек, Эрдонахон ва Сулаймонбек Кўқон хонлиги тахтини бошқардилар. Фақат **Норбўтабий (1770—1800)** юргизган қаттиққўл сиёсат туфайли маълум даражада бек ва бийларнинг ўзбошимчалигига чек қўйилади. Чуст, Наманган ва Хўжанд беклари қаршилиги қаттиққўллик билан бостирилади. Норбўтабек даврида кўпгина тарихчилар ўзларининг қўлёзма асарларида халқ фаровон яшаганлиги, нарх-наво арзон бўлганлигини таъкидлайдилар. Бироқ Норбўтабий вафот этгач, зодагонларнинг ҳокимият ва давлат талаш курашлари янги куч билан авж олади. Кўқон тахтини эгаллаган унинг ўғли **Олимхон (1800—1810)** ўзбошимча бекларга нисбатан қаттиққўл сиёсат юргизиш ва уларнинг қаршилигини куч билан бостиришга мажбур бўлади. Олимхон Кўқон хонлари орасида биринчи бўлиб хонлик унвонини қабул қилади. Ундан бошлаб тахт эгаларига одатдагидек «бий» эмас, балки «хон» унвони бериладиган бўлади. У ҳарбий ислоҳотлар ўтказди ва ўз давлатининг қудратини оширади.

**Кўқон ва Тошкент муносабатлари.** Тошкент Кўқон хонлиги таркибида бўлган. Аммо XVIII асрнинг учинчи чорагида Тошкентда мустақил давлат, яъни янги бир Тошкент ҳокимлиги юзага келади. Тошкент ҳокимлиги билан Кўқон хонлиги ўртасида тўқнашувлар келиб чиқади. Шу муносабат билан Тошкентнинг аҳволига тўхталиш зарурияти туғилади. XVIII асрнинг 80-йилларида бу шаҳарда ҳокимият учун курашларнинг фожеали оқибатлари кўзга яққол ташланади. Қонли урушлардан ва нотинчликдан ниҳоятда толиққан халқ кучли ҳокимиятга жуда муҳтож бўлиб қолган эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент тўрт даҳага: Шайхонтахур, Бешёғоч, Кўкча ва Себзорга бўлинган бўлиб, ҳар бир даҳа ўзича мустақил давлат эди.



1784 йилда шаҳар аҳолисининг ёрдамига таяниб Юнусхўжа ҳокимиятни қўлга олади ва Тошкентни мустақил давлат деб эълон қилади. Юнусхўжа ҳокимиятни қўлга олгач шаҳар мудофаа истеҳкомларини мустаҳкамлаш масаласига асосий диққат-этиборини қаратади. 1800 йилги маълумотларга қараганда, Тошкент йирик шаҳар бўлган, девор қўйи қисмининг қалинлиги 1,8 метр, устки қисми 0,9 метр атрофида бўлиб, айланма узунлиги 18 чақиримдан ортиқ, шаҳар деворининг баландлиги эса 7,9 метрга тенг бўлган. Шаҳарнинг 12 та дарвозасида 12 та олтин калит бўлган. Шаҳарда ўша пайтда 10 мингта хонадон, 80 минг аҳоли яшаган.

Юнусхўжа, тарихий ёзма манбаларга қараганда, 6 минг кишилиқ қўшин тузган. Унинг аскарлари асосан пилта милтиқ, қилич, найза, қалқон ва тўплар билан қуролланган. Қўшин таркиби турли шаҳарлардан келган мусофирлар ва асирлардан иборат бўлиб, «қорақазон» деб аталган.

Юнусхўжа давлатни бошқаришни ҳам тартибга солади. У яккаҳоким тарзида иш юритади. Рус тоғ кони муҳандислари (аслида Россиянинг Марказий Осиёдаги айғоқчилари) А.С.Безносиков ва Т.С.Бурнашевларнинг қайдномаларида қўйидагиларни ўқиймиз: «Тошкент ҳукмдори (Юнусхўжа) ўз фуқаролари устидан чексиз ҳокимиятга эга. Аммо у ўз атрофидаги энг яхши амалдор билан маслаҳатлашган ҳолда ҳокимиятни бошқаради. Бу кенгашда Юнусхўжага энг содиқ ва ишончли хўжалари қатнашади. Шаҳарни Бош хўжа мансабидаги амалдорлар бошқариб, у тартиб-интизом ва ободончиликка доир масалалар билан шуғулланади. Бош хўжа айбдорларни жазолаш ҳуқуқига эга бўлган. У Юнусхўжадан кейинги иккинчи шахс ҳисобланган. Ундан сўнг маъмурий поғоналарни мингбоши, юзбоши, ўнбоши ва оқсоқоллар сингари мартабали шахслар эгаллаганлар. Уларнинг фаолияти Юнусхўжа назорати остида бўлган. Кимки унинг ҳукмидан норози бўлса, бевосита Юнусхўжагача мурожаат қила олган. Бош хўжа аҳолига Юнусхўжанинг кўрсатмаси асосида солиқлар солган. У ҳукмдор йўқлигида вилоятни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳукумат амалдорларига маош берилмаган. Қорақазонлар ҳар қандай солиқлардан озод қилинганлар.

Юнусхўжа ҳукмронлиги даврида Тошкентда ҳаёт илгаригига қараганда нисбатан яхшиланган, деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ва савдо-сотиқ изга

тушган. Бу даврга келиб Тошкент Қўқон, Бухоро, Хўжанд, Чимкент, Туркистон, Самарқанд ва бошқа Туронзамин шаҳарлари, Ҳиндистон, Хитой, Қашқар, Тибет, Россия ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар билан тижорат-савдо алоқалари ўрнатган.

Юнусхўжа Тошкент давлати ҳудудларини анча кенгайтиради. У 1794 йилда Чимкент ва Сайрамни, 1799 йилда эса Туркистонни босиб олади. 1800 йилда Юнусхўжа Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғини ва Курама мавзеини эгаллайди. Аини пайтда Паркент, Намданог, Аданак, Тўйтепа, Қорауча, Оҳангарон дарёси қирғоғидаги Матин ва Қаҳронқалъа, Чордара, Ниёзбек, Дурманча ва Турбат каби ҳудудлар ҳам Тошкент давлати таркибида бўлган.

90-йилларнинг ўрталарига келиб тошкентликларнинг савдо-ҳунармандчилик фаолияти юксалиб, улар Петропавловск, Уст-Каменогорск ва Сибирнинг бошқа ерларида ҳам етакчи мавқега эришадилар. Иш шу даражага бориб етадики, Сибирь ва Россиянинг бошқа чекка ўлкаларида рус савдогарларининг ўрни билинмай қолади. Улар савдо карвонларининг қароқчилар томонидан йўлларда таланишини ҳисобга олиб, Туркистон ва Қашқарга жуда кам келганлар. Шу боисдан рус ҳукумати бу юртларда савдони олиб боришда асосан тошкентлик тижоратчилардан воситачи сифатида фойдаланган, уларга имтиёзлар бериб, Сибирда доимий яшашлари учун шароитлар яратиб берган. Натижада Сибирда тошкентликларнинг қатор маҳаллалари вужудга келган.

Юнусхўжа Россияда тоғ саноати яхши ривожланганлигини яхши биларди. Шу боис у Россия ёрдамида Тошкентда табиий бойликлардан фойдаланишга қаттиқ киришади. Юнусхўжанинг бундан кўзлаган бош мақсади қўшинни замонавий қурол билан қуроллантириш ва давлат хазинасини мустаҳкамлашдан иборат эди. Тошкент ҳокими 1794 йилда савдо карвони орқали Омск маҳаллий ҳокимиятига махсус хат билан мурожаат қилиб, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва тоғ конлари бўйича мутахассисларини Тошкентга юборишни сўраган.

Омскка етиб келган тошкентлик вакиллар рус маъмуриятига Юнусхўжанинг оғзаки сўровини ҳам етказдилар. Унда Тошкент атрофида олтин кони топилгани ва тоғ кони бўйича яхши мутахассис юбориш баён этилганди. Рус ҳукумати Юнусхўжанинг хатига жавоб

ёзишни Омскдаги генерал-майор Штардмандга топширади. У эса ўз навбатида Тошкентга А.С.Безносиков ва тоғ кони бўйича муҳандис Т.С.Бурнашев бошчилигида элчиларни юборишга қарор қилади. Элчилар Омскдан Троицк қалъасига келадилар. Бу ерда уларга 80 туядан иборат татар савдогарларининг карвони қўшилади. Карвон 1795 йилнинг 25 январида Бухорога етиб келади. Чунки карвонга Тошкентга Бухоро орқали бориш буюрилган эди. Рус элчилари билан дастлабки суҳбатни Бухоро амирининг кўрсатмасига асосан тўпчибоши ва ясовуллар олиб борадилар. Рус элчилари генерал-губернатор Штардманд томонидан Бухоро амири Шоҳмуродга, Тошкент ҳокими Юнусхўжага, Хўжанд беги Худоёрбекка ва Туркистон шаҳри атрофидаги қозоқ султони Бўкайга хат билан мурожаат қилинганини айтидилар. Бу хабардан сўнг рус элчиларига нисбатан амир саройида муносабат оғир кечади. Чунки амирликнинг ҳукмрон доиралари Сибирь йўналиши бошлиғи Штардманд номидан Бухоро амирлигига юборилган хатни менсимаслик маъносида қабул қилишади. Одатда, рус элчилари рус императори номидан махсус ёрлиқ билан келар эдилар. Рус элчиларини Бухоро амири қабул қилмайди, уларни қушбеги қабул қилади. Рус элчиларига Тошкентга боришга рухсат этилмайди, сабаб тариқасида олис йўлда рус элчиларининг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлиги қайд этилади. Рус элчиларининг келганлиги ҳақидаги хабарни савдогарлар орқали эшитган Юнусхўжа махсус одамдан хат жўнатиб рус савдо карвонини ўтказиб юборишни сўрайди. Аммо элчиларга рухсат берилмайди, улар Оренбург орқали қайтиб кетадилар.

Сибирь генерал-губернатори Штардманд 1796 йилда иккинчи марта Тошкентга рус элчилари Д.Телятников ва А.С.Безносиковни жўнатади. Улар Ўрта жуз қозоқ ерлари бўйлаб 27 августда Тошкентга етиб келадилар. Элчилар Тошкентда яхши кутиб олинадилар. Бироқ улар 1797 йилнинг 1 июнида Юнусхўжанинг Муллажон Охун ва мингбоши Аширмат Ботир сингари элчилари билан бирга ўз ватанларига қайтадилар. Рус элчилари Тошкент атрофидаги тоғларда олтин топа олмаганларини, лекин темир жинслари борлигини, техника йўқлиги туфайли уларнинг ишга солинмаганлигини қайд этадилар.

Тошкентлик элчилар Омскка келгач, Штармандга

Петроградга бориш, шахсан рус императори билан уч-рашажакларини маълум қиладилар. Штарманд рус ҳукуматидан бунга рухсат олгач, Юнусхўжа элчилари Омск, Екатеринбург, Пермь, Қозон, Москва орқали Петербургга боришади ва Тошкент ҳокимининг номасини императорга тақдим этадилар. Мактубда Юнусхўжа рус элчилари Тошкентда ўз вазифаларини бажаргани ва ўзининг жавоб элчиларини юборганлигини маълум қилади. Юнусхўжа рус императоридан тоғ конлари бўйича билимдон мутахассислар юборишни илтимос қилади. Тошкентлик элчилар Юнусхўжа топшириғига биноан рус ҳукумати вакиллари билан савдо-сотик масалалари ва сиёсий соҳага оид баъзи бир муаммолар тўғрисида ҳам музокаралар олиб борганлар.

Тарихий ёзма манбаларнинг хабар беришича, Юнусхўжанинг илтимосига мувофиқ Россия ҳукумати М.Поспелов ва Т.Бурнашев сингари тоғ конлари муҳандисларини Тошкентга юборган ва улар бу ерда бир қатор қидирув ишларини олиб борганлар, аммо олтин ёки бошқа қимматбаҳо жинслар топа олмаганлар.

Тошкент ҳокими Юнусхўжа нима сабабдан ушбу масалада Россия ҳукуматига ёрдам сўраб мурожаат қилди?, деган қонуний савол туғилади. Тоғ конларини ишга солиш ҳаракати Юнусхўжа бошлиқ мустақил Тошкент давлатининг Қўқон хонлиги билан Бухоро амирлиги, яъни икки ўт орасига тушиб қолганлиги билан изоҳланади. Тошкент масаласида Қўқон ва Бухоро ўзаро рақобатлашаётган эди. Буни яхши тушунган Юнусхўжа ўз қўшинини қурол-яроғ билан таъминлаш ва мустаҳкамлашни асосий вазифа деб билади. Бунинг учун металлга бўлган эҳтиёжни сезган Тошкент ҳокими ўз тоғ-кон саноатини йўлга қўйишни режалаган эди. Аммо бу режа амалга ошмайди. Масаланинг салбий томони шундаки, Тошкент ҳокими Жанубдаги ўзига ён қўшни ва қардош давлатлар Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги хавфидан шубҳаланадию, шимолдаги янада даҳшатлироқ аждар комига ем бўлиш хавфига етарли даражада баҳо бераолмайди. Натижада элчи-муҳандис қиёфасида Тошкентга ташриф буюрган айёқчилар Тошкент ва унинг атроф жойлари тўғрисида гоятда зарур маълумотларни қўлга киритадилар. Бу маълумотлар ўлкамиз тақдири учун гоятда ачинарли оқибатлар келтиргани маълум.

Юнусхўжанинг ташқи сиёсатида Қўқон хонлиги ало-

ҳида ўрин эгаллайди. XVIII асрнинг 80-йилларида Қўқон хони Норбўтабий ўз давлати ҳудудларини кенгайтира бориб, Хўжанд, Ўратепа ва Жиззахни ўзига қаратиш учун уруш ҳаракатларини олиб боради. Албатта, Тошкент Қўқонга қарши кучлар томонида бўлади. Натижада 1794 йилда Қўқон хони Норбўтабий Тошкентни босиб олиш ниятида уруш ҳаракатларини бошлаб юборади. Бироқ Чирчиқ дарёси бўйидаги жангда Юнусхўжа қўшинлари унга қақшатқич зарба берадилар. Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар Тошкентга қўшиб олинади. 1799 йилда Қўқон қўшинлари Тошкентга яна ҳужум уюштиради ва Чирчиқ дарёсидан ўтади. Қорасув ариғи бўйида ҳар иккала томон ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Бу жангда Юнусхўжа яна ўз рақибини мағлубиятга учратади ва Қўқон лашкарбошиси Хонхўжани, 70 нафар нуфузли ҳарбийлар ва аскарларни асир қилиб олади.

Юнусхўжа Қўқон хонлиги устидан икки марта галаба қозонганлигига маҳлиё бўлиб, энди унинг ўзи ҳарбий ташаббус кўрсатиб Қўқонга қарши юриш қилишга зўр тайёргарликни бошлаб юборади.

Бу пайтда Қўқон тахтига Норбўтабийнинг ўгли Олимхон келган эди. У Ўратепа, Жиззах ва Хўжандни Бухоро амирлигидан тортиб олиб хонлик ҳудудларини анча кенгайтирган эди. Шу боисдан маҳаллий уламо-лар Юнусхўжага Қўқонга қарши ҳаракат қилмасликни маслаҳат берадилар. Аммо Юнусхўжага бу маслаҳат кор қилмайди. У 1800 йилда 7—8 минг кишилик қўшин билан йўлга чиқади ва Қўқонга яқин бўлган «Пунгон» деган жойга келади. Бундан хабар топган Қўқон хони Олимхон Юнусхўжага нописандлик билдириб, «ўзидан паст киши билан тенг келиш»ни ор билиб унга қарши «Ҳарамсарой» («Фурум») мавзеининг ҳокими Сўфи Алихўжа Мирасад бошчилигида қўшин жўнатади. Бу жангда Юнусхўжа аскарлари талофотга учраб енгилади. Қўқонликлар Юнусхўжа кучларини қувлаб Тошкент давлати ҳудудига қарашли «Кряучи» қалъасини эгаллайдилар. Шундан сўнг Қурама мавзеи Қўқон хонлиги қўли остига ўтади.

Юнусхўжа биров вақт ўтгач, дардга чалиниб вафот этади. Унинг ўрнига **Султонхўжа** тахтга ўтиради. Юнусхўжа вафотидан хабар топган Олимхон укаси Умархон бошчилигида Тошкентга қўшин жўнатади. Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар 1805 йилда Қўқон хонлиги томонидан босиб олинади. 1809 йилга қадар Чимкент,

Сайрам, Туркистон ҳудудлари ҳам ҳарбий куч воситаси билан Қўқон хонлигига қўшиб олинади. Олимхоннинг марказлашган давлатни барпо этиш йўлидаги қаттиққўл сиёсати баъзи бир бек ва бийларнинг норозилиklarига сабаб бўлади. Улар хонга қарши фитна уюштирадilar. Олимхон ўлди деб миш-миш тарқатишади ва укаси Умархонни Қўқон хони деб эълон қилишади. Олимхон бундан хабар топиб Қўқонга шошилади. Аммо йўлда отиб ўлдирилади.

Тошкентнинг қўлга киритилиши Қўқон хонлигининг куч-қудратини ва салоҳиятини ошириш учун катта имкониятлар яратади. Чунки у минтақанинг энг йирик шаҳари эди. Шундан бошлаб тахт эгаларига одатдагидек «бий» эмас, балки «хон» унвони бериладиган бўлади. Айрим маҳаллий манбаларга кўра, Олимхон ниҳоятда қаттиққўл ва шафқатсиз киши ҳисобланган. «Бу Олимхоннинг лақаби, — дейилади манбада, — Золимхон эди. У ўз амакиси Ҳожибекни қатл қилиб кўп зулмлар чиқарган эдики, буни ғазабиндан ва зулминдан золимхон исми машҳур эди...»<sup>1</sup>.

**Умархон хонлик қилган давр (1810—1822)** да Қўқон хонлиги ҳудудлари янада кенгайтирилди. Туркистон шаҳри ва қозоқ даштларининг каттагина қисми эгаллаб олинди. Тошкент, Бухоро ва Хивадан Оренбургга борадиган карвон йўллари туташган жойда Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда), Чўлоқ ва Сўзоқ қалъалари қурилади. Умархон 1817 йилда Уратепани эгаллайди. 1818 йили у «амир ал-муслимийн» унвонини олади.

Умархон ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигида бир қатор ижобий ва фойдали ишлар амалга оширилади. Давлат ишлари тартибга солинади. Қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо бир қадар ривожланади. Умархон фан, маориф ва маданиятга катта эътибор беради. Унинг ўзи шоирлик қобилиятига эга эди. Шу боис хонлик саройида ижод аҳлининг етук намояндалари макон топган эдилар. Халқ маорифи ҳам анча тараққий этади. Бир қанча мадраса ва мактаблар, шу жумладан, қиз болалар учун алоҳида мактаблар очилади.

Бундай олижаноб ишларни амалга оширишда Умархоннинг умр йўлдоши, ўз даврининг оқила ва доно мутафаккири, ижодкор шоира Комила—Моҳларойим-

<sup>1</sup> *Ибрат*. «Фаргона тарихи». Мерос. Тошкент, «Камалак», 1991 йил, 287-бет.

нинг таъсири ва хизмати беқийс каттадир. У ўзбек адабиётида Нодира таҳаллуси билан ном чиқарган.

Умуман, Умархон ҳукмдорлиги вақти қўқонликларнинг энг кучайган даври бўлди. Бундай ҳол унинг ўғли Мадалихон даврида ҳам кўзга ташланади.

**Қўқон-Бухоро муносабатлари.** Умархон вафот этгач, тахтга унинг 12 яшар ўғли **Муҳаммад Алихон (Мадали)** ўтиради (1822—1841).

Муҳаммад Алихон даврида даҳшатли босқинчилик урушлари давом этади. 1834 йилда Қўқон аскарлари Қоратегин, Қўлоб ва Дарвозни эгаллайдилар. 1826—1829 йилларда Қашғарга қарши бир неча бор юришлар уюштирилади. Қўқон-Бухоро муносабатлари кескинлашиб, душманлик кучаяди. Хонлик душманлари, яъни айрим маҳаллий бек ва руҳонийлар ошкора бош кўтариб чиқишга ботинаолмай, ёрдам сўраб Бухоро амири Насруллохонга мурожаат этадилар. Улар Муҳаммад Алихонни ўз ўтай онасига уйланган, кофир деб эълон қилдилар. 1840 йилда Қўқон билан Бухоро ўртасидаги уруш Муҳаммад Алихоннинг мағлубияти билан якунланади. Қўқон хони ўзини Бухоро амирига тобе деб тан олишга, Хўжанд шаҳрини Бухорога топширишга мажбур бўлади. У укаси Султон Маҳмуд фойдасига 1841 йили тахтдан воз кечади. 1842 йили амир Насруллохон яна Қўқон устига лашкар тортиб келади. У шаҳарни эгаллаб ёндиради, халқни талайди. Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ўзининг «Меҳробдан чаён» романида Насруллохоннинг ислом шариатини ҳимоя қилиш баҳонасида Қўқон хонлигига ваҳшийларча юриш қилиб, шаҳар ва қишлоқларни ёндириб, хонавайрон қилгани ва минг-минглаб бегуноҳ оддий одамларнинг қонларини тўкканлигини жуда кўплаб далиллар асосида ва бадий бўёқларда ёритади. Насрулло хон ўрдасига кириб, ака-ука Муҳаммад Али ва Султон Маҳмудхонни сўйдиради. Ҳар иккала томондан кўплаб одам қирилади. Шулар қаторида Муҳаммад Алининг онаси, машҳур ўзбек шоираси Моҳларойим (Нодирабегим), унинг энг яқинлари Хушхолбиби, Норбиби ва бошқалар ҳам ўлдирилади. Насруллохон Қўқон хонлигининг Бухоро амирлигига қўшиб олинганлигини эълон қилади. Ўзи Қўқонга Иброҳим додҳўҳни ноибликка ва бошқа шаҳарларга ўзига содиқ бекларни тайинлаб, Бухорога қайтиб кетади. Аммо орадан уч ой ўтгач, 1842 йилнинг ёзида Қўқонда Иброҳим додҳўҳга қарши кўзғолон кўтарилади ва

Насруллохон ҳокимияти ағдариб ташланади. Қўзғолонда асосий роль ўйнаган қипчоқлар Қўқон хонлигида етакчи мавқеига чиқиб оладилар. Норбўтабийнинг укаси **Шерали (1842—1845)** хон қилиб кўтарилади, Иброҳим Додхоҳ Хўжандга қочиб кетади. Хонлик тахтига Шерали ўтирган бўлса-да, лекин амалда барча давлат ишларини Мингбоши этиб тайинланган қипчоқ қабилаларининг бошлиғи Мусулмонқул олиб борарди. Қўшин ҳам унинг ихтиёрида эди. Чунки қўшин гарнизони асосан қипчоқлардан тузилганди. Энг масъулиятли лавозимларга қипчоқ беклари тайинланган эдилар. Амир Насруллохон ўз мавқеини тиклаш мақсадида 1842 йилда Қўқонга яна қўшин тортиб келади ва шаҳарни 40 кун қамал қилади. Бироқ Хива хони Оллоқулихон Бухорога ҳужум қилганлиги тўғрисида хабар етиб келгач, Насруллохон қайтиб кетишга мажбур бўлади. Хўжанд ва Тошкент яна Қўқон хонлигига ўтади. Қўқон хонлиги ўзининг Умархон давридаги чегараларини тиклашга муваффақ бўлади.

Шералихон даврида халқни эзиш кучаяди, бунинг устига қипчоқлар муҳим лавозимларни эгаллаб олиб, ўзбек, қирғиз, тожиклар устидан ўз ҳукмронлигини ўтказмоқчи бўладилар. Шу сабаб хонликда қипчоқларга нисбатан норозилик кучая боради. Буни Шералихон ҳам тушунади ва Мусулмонқулдан қутилиш йўлини излай бошлайди. Бундан хабардор бўлган Мусулмонқул найранг ишлатишни режалаштиради. У қипчоқ бошлиқларини махфий йиғинга чақириб, Шералихон ўрнига янги хон қўйишни таклиф этади. Шу билан бир қаторда қипчоқларга ва шахсан Мусулмонқулга қарши бўлганларни ҳам йўқ қилишни режалаштиради. Буни амалга ошириш учун жуда қулай вазият мавжуд эди.

Солиқлар ҳаддан ташқари ошиб кетишидан норози бўлган ўшликлар қўзғолон кўтарадилар. Бу вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган Мусулмонқул Қўқондаги мавжуд қўшин билан Ўшга бориб қўзғолонни бостирмоқчи бўлади. Унинг йўқлик вақтида Исфара ҳокими Самарқандга бориб марҳум Қўқон хони Олимхоннинг ўғли Муродхонни Қўқонга олиб келиб тахтга ўтқозишлари лозим эди. Янги хон тахтга ўтиргандан сўнг қипчоқларга қарши бўлганлар шубҳасиз Муродхонни қўллаб-қувватларди. Мусулмонқул эса қўшинлар билан келиб, Қўқонни «озод» қилиб, «фитначи»ларни жазолаши шарт эди.



Режага мувофиқ Мусулмонқул Қўқон қўшинлари билан қўзғолонни бостиргани Ўшга кетади. Исфара ҳокими Сотиболдибек эса Самарқандга жўнайди. Аммо Мусулмонқулнинг режасини билмаган Шаҳрихон ҳокими ўзининг қўшинлари билан Ўшга бориб қўзғолонни бостиради. Мусулмонқул бу хабарни олгач, орқага қайтмайди ва Ўшга келиб яна кўплаб одамларни қиради. Шу пайт Муродхон Қўқонга келади. Шералихон вазиятни тушуниб Муродхонни ўзи тахтга ўтқаздиради ва уни кўпчилик олдида табриклайди. Кўплаб зодагонлар янги хонни табриклаш учун саломга келадилар. Муродхоннинг буйруғи билан кечаси Шералихон ўлдирилади. Сўнгра Мусулмонқул ўз лавозимида қолганлиги ҳақида фармон чиқарилиб Ўшга юборилади. Мусулмонқул «мамнунлик» билан фармонни қабул қилади ва Қўқон томонга қараб салом беради. Қўшинлари билан Наманганга келиб ўзининг 12 яшар қизини Шералихоннинг ўғли Худоёрга никоҳ қилиб беради. Сўнгра Қўқонга келиб Муродхонни ва унга салом бергани келганларни фитначилар сифатида қатл этади. Шундай қилиб Мусулмонқул Шералихондан ва ўзининг рақибларининг кўпчилигидан қутилади, ёш Худоёрни Қўқон хони деб эълон қилади. Хон ёш бўлганлиги туфайли хонликни бошқаришни Мусулмонқул ўз қўлига олади. Хонликда қипчоқларнинг ҳукмронлик даври бошланади.

Қипчоқларга, айниқса Мусулмонқулга нисбатан норозилик кучая боради. Вазиятни юмшатиш учун қипчоқларнинг бошлиқлари Мусулмонқулни мингбошилик лавозимидан бўшатадилар.

Шу даврда чор Россияси қўшинлари Қўқон хонлигининг шимолида жойлашган Оқмачит қалъасини босиб олган эдилар. Мусулмонқул рус кўмондонининг расмий вакили В.В.Вельяминов-Зернов билан махфий равишда учрашади. Мусулмонқулнинг рақиблари бундан хабардор бўлиб, у фитна уюштиришга тайёргарлик кўришда гумонсиралиб, улғайиб қолган Худоёрхон билан келишилган ҳолда 1853 йили қипчоқлар қирғинини уюштиришади. Натижада 20 минг қипчоқ қириб юборилади, Мусулмонқул дорга осилади.

Ана шу даврдан эътиборан Худоёрхон давлатни ўзи мустақил бошқара бошлайди. Унинг даврида зулм-зўравонлик кучаяди. Худоёрхон Қўқон тахтига оралиқ танаффус билан уч марта ўтиради. Биринчи марта 1845

йилдан 1858 йилгача бўлиб, 1853 йилгача тахтни асосан Мусулмонқул бошқаради, Худоёрхон эса унинг кўлида кўгирчоқ эди. Бироқ Худоёрхон ҳам Кўқон тахтида узоқ қолаолмади. Халқ оммасининг норозилигидан фойдаланган Худоёрхоннинг акаси Маллахон укасига қарши исён кўтаради ва 1858 йилда Кўқон тахтини эгаллайди. Худоёрхон Бухорога қочиб кетади. Маллахонни қипчоқлар, қирғизлар кўллаб-қувватлайдилар ва яна ҳокимият тепасига келадилар. **Маллахон** ўз ҳукмронлиги даврида (1858—1862) Қоратегинни ўзига тобе қилиб олади. Бу даврда Бухоро амири Кўқон хонлигининг Хўжандгача бўлган ҳудудларини эгаллаб олган эди. Энди у Кўқондаги ўзаро ички низолардан фойдаланиб Қоратегинни кўлга киритиш мақсадида бу ерга Худоёрхон бошчилигида кўшин юборади. Маллахон вазиятнинг оғир эканлигини тушуниб Марғилон ҳокими Қаноатшоҳ раҳбарлигида Қоратегинга кўшин жўнатади. Қоратегин ҳокими Музаффархон ва Худоёрхон тормор қилинади.

1860 йилда Маллахон чор аскарларига қарши ҳимояланиш мақсадида Тошкентга келади. Бу ердан у Рус-тамбек ва Нурмуҳаммад бошчилигида кўшин тузиб русларга қарши юборади. Улар русларнинг кичик бир отряди билан жанг қилиб, бир неча асирларни олиб орқага қайтадилар. Шундан сўнг рус кўшинлари Тўқмоқ ва Пишпекка ҳужум қиладилар, бу жойларни вайрон қилиб халқни талайдилар. Маллахон яна кўшин тўплаб ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўлади. Бўлган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган Мулла Ниёз Муҳаммаднинг берган маълумотларига қараганда, Андижон ҳокими Олимбек додхоҳ ва йўлда унга кўшилган Тошкент ҳокими Қаноатшоҳ раҳбарлигида 19 минг кишилик Кўқон кўшинлари йўлга чиқадиладар. Улар Олмаота, Тўқмоқ ва Аштакни эгаллаб илгари интилаётган рус кўшинларининг ҳаракатини тўхтатишлари керак эди. Кўқон кўшинлари рус аскарларини ўраб оладилар. Шу пайтда кўшинга қўмондонлик масаласида Қаноатшоҳ билан Олимбек ўртасида келишмовчилик чиқади. Олимбек сотқинларча орқага чекинади. Қозоқлар ҳам жанг майдонини ташлаб чиқадиладар. Жанг давом этади. Қаноатшоҳ Пишпек қалъасини эгаллайди. У Олмаота, Аштак ҳудудларида яшовчи аҳолининг бир қисмини Пишпек, Марка, Авлиёота туманларига кўчиради ва қолган кучларни орқага қайтаради. Ўзи эса Пишпекни

ҳимоя қилиш мақсадида бу ерда қолади<sup>1</sup>. Мулла Ниёз Муҳаммаднинг ҳикоя қилишича, Қаноатшоҳ русларга қарши кураш чораларини кучайтириш ўрнига қозоқларни талаш билан овора бўлади. Қозоқларнинг қабила бошлиқларидан бири Турсунбой совга-саломлар билан Қаноатшоҳ олдига келиб: биз, мусулмонлар сизнинг зулмингиз ва сиқувингиз туфайли кофир-русларга қўшилдик, деган.

Маллахон ҳам Қўқон тахтида узоқ қолаолмайди. У 1862 йилда уюштирилган сарой тўнтариши оқибатида ҳокимиятдан маҳрум бўлади ва боши танасидан жудо қилинади. Тахтга Саримсоқбекнинг ўғли, Шералихоннинг набираси **Шоҳмурод ўтиради**. Бу ҳодиса Қўқон хонлигида ва унинг ташқарисида зиддиятли вазиятнинг кучайишига сабаб бўлади. Тошкент ҳокими Қаноатшоҳ Маллахоннинг қотили ҳисоблаб Шоҳмуродга қарши чиқади ва Худоёрхонни тахтга таклиф қилади. Қўқон хонлигининг душманларидан бири, Сангзор қалъасини эгаллаб турган собиқ Ўратепа ҳокими Абдулгаффорбек Бухоро амирлиги номидан Ём, Зомин, Ўратепани эгаллайди. Бу воқелардан усталик билан фойдаланган Худоёрхон тез орада амир Музаффар ёрдамида деярли жангсиз дастлаб Хўжандни, сўнгра Қўқонни эгаллайди ва 1862—1863 йилларда хонлик қилади. Аммо Фаргона водийсининг шарқий ҳудудларида ўзининг тўла ҳукмронлигини ўрната олмайди. Мулла Алимқул бошчилигида қипчоқлар 1863 йилда Худоёрхон ва амир Музаффар қўшинларини Қўқонни қолдириб, Бухорога кетишга мажбур қилдилар. 1863 йил июлидан 1865 йил июлигача тахт ворислигини Маллахоннинг ўғли Султон Саидхон суради. Бу даврда ҳокимиятни амалда Мулла Алимқул бошқаради. Бунинг натижасида Қўқон хонлигида қипчоқларнинг таъсир кучи тагин ҳам ортди. Юқори мартабали лавозимлардан ўзбеклар четлаштирилиб, уларнинг ўрнига қипчоқ ва қирғизлар қўйилади.

1865 йилда Тошкент учун чор Россияси қўшинлари билан бўлган жангда Мулла Алимқул қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Саркардасиз қолган Қўқон қўшини чекинишга мажбур бўлади, бир қисми эса Тошкент шаҳрига кириб бекинади. Рус қўшинлари қаттиқ жанглардан сўнг Тошкентни босиб олишга эришади. Амир Му-

<sup>1</sup> Р.Н.Набиев. Из истории Кокандского ханства. Т., «Фан», 1973, 58-бет.

заффар ёрдамида Худоёрхон учинчи марта ҳокимият тепасига келади ва у 1865—1875 йилларда, то руслар Қўқон хонлигини батамом босиб олгунга қадар ҳукмронлик қилади.

Шундай қилиб «Тарихи жаҳонномаи» муаллифининг ёзганларига кўра, Қўқон хонлигида сўнгги 27 йил мобайнида бўлган воқеалар амирлар, хонлар, султонлар, беклар ва ҳокимлар ўртасидаги ўзаро мантқиқсиз урушлар ва курашлар халқни хонавайрон қилди, хонлиқнинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлади. Бундан душманлар, чор Россияси босқинчилари фойдаланадилар ва Қўқон хонлигини ўз мустамлакаларига айлантириб, халқ оммаси боши узра истибдод ва зулмни кучайтирадилар.

Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида Қўқон хонлигининг сўнгги йилларида рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеаларини бадиий равишда қуйидагича тасвирлайди: «Мақсадлари жуда очиқ!» — деди Юсуфбек ҳожи. Биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормухаммаднинг ўрнига минмоқчи, учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи... Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияти йўлида, бир-бирини еб, ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупрогидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг тагимизга сув қуядиган бўлсак, яқиндирки, чор истибдоди Туркистонимизни эгаллар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгусимизни рус қўлига қолдирган бўлармиз»<sup>1</sup>.

## 5. XVI — XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқлар<sup>2</sup>

«Қорақалпоғистон АССР тарихи очерклари» («Очерки истории Каракалпакской АССР», Изд-во «Наука», Узбекской ССР, Тошкент, 1964) китобида берилган маълумотларга қараганда, қорақалпоқларнинг алоҳида бир халқ бўлганлиги ҳақидаги ёзма манба XVI аср охирларига тўғри келади. 1598 йилда Бухоро хони Аб-

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Т., 1974, 301-бет.

<sup>2</sup> Мазкур масала бўйича қўлдан-қўп маълумотлар «История Узбекистана» (Том III, XVI — первая половина XIX века. Т., «Фан», 1993, стр. 291—316) номи китобда келтирилган.

дуллахон томонидан Сигноқ шаҳридаги Зиёвуддин мақбарасига берилган дархон ёрлигида қорақалпоқлар тўғрисида дастлабки маълумотлар битилган. Унда ёзилишича, қорақалпоқлар Сирдарё яқинида Сигноқ шаҳри ва унинг атрофидаги худудларда яшаганлар, ярим ўтроқ ҳолда ҳаёт кечириб келганлар. Бу манбада қорақалпоқлар қозоқлар билан бирга «аймоқлар»га кирилади.

Қорақалпоқлар тарихи бўйича илмий иш олиб борган кўпгина олимларнинг фикрларига кўра, қорақалпоқларнинг авлод-аждодлари Орол денгизи атрофларида яшаганлар ва улар шу ерда халқ сифатида шаклланганлар. Улар Марказий Осиёнинг туркий тилда сўзлашувчи халқларининг таркибий қисмига кирадилар. Юнон муаллифларининг маълумотларига кўра, қорақалпоқларнинг энг қадимги авлод-аждодлари массагетлар ҳамда печенеглардан олдин ўтган аппасиоқлар бўлган деб тахмин қилинади ва улар ботқоқлик ерларда ва оролларда яшаганлар. Кейинчалик улар оғузлар ва печенеглар билан яқин алоқада бўлганлар.

П.П.Ивановнинг тарихчи Абулғози Байҳақий берган маълумотларни таҳлил қилиб чиқарган хулосаларига кўра, «қалпоқ» деган этник тушунча XI асрдаёқ Хоразмга чегарадош туманларда бўлган.

Печенеглар қабилалари X—XI асрларда бўлиниб кетади: бир қисми (туркий гуруҳ) Орол бўйида қолади, бир қисми эса ғарбга—Жанубий Рус ерлари томон сурилиб боради. Улар Днепр дарёсининг ирмоғи—Рось дарёси бўйларида жойлашадилар.

Рус йилномаларида «Чёрнуй клобуки» («қора кулоқ», «қора қалпоқ») номи билан аталувчи бу халқнинг русча этник маъноси «қора қалпоқ» сўзига тўғри келади. Улар жанубий рус чегара худудларини ҳимоя қилиш вазифаси билан машғул бўлган. Бу этник гуруҳ Киев Русиясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган.

Оролбўйи атрофларида қолган печенегларни XII асрда Иртиш дарёси атрофларидан келган қипчоқ қабилалари забт этганлар. Ана шу тариқа улар қипчоқлар таркибига кириб аралаш-қуралаш бўлиб кетганлар, уларнинг тилларини қабул қилганлар. Қорақалпоқларнинг халқ сифатида шаклланиш этногенизи XV асрда нўғайлар иттифоқи таркибида тугалланган. Уларнинг бир қисми нўғайлар билан бирга Ёйиқ (Ўрол) ва Вол-

га дарёлари ҳавзасида яшаб кун кечирганлар. Буни тарихий манбалар, халқ оғзаки ижоди дурдоналари ва қорақалпоқлар маданиятидаги баъзи бир элементлар исботлайди. Ҳатто қорақалпоқ тилининг нўғайлар ва қозоқлар тилига яқинлиги ҳам фикримизга ёрқин далил бўлаолади.

Биз юқорида қорақалпоқларнинг ярим кўчманчи ҳаёт кечирганликларини таъкидлаган эдик. Улар ана шу турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда чорвачилик, деҳқончилик ва балиқ овлаш билан ҳам машғул бўлганлар. XVI асрда ва XVII аср бошларида қорақалпоқлар Бухоро хонлиги таркибига кирган Сирдарёнинг қуйи оқимларини, тахминан, Туркистон билан ҳозирги Марка қишлоғи ва Қоратов ўрталаридаги ерларни эгаллаб олганлар. Шу боис улар хонликнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлаганлар. Жумладан, ёзма манбаларда қайд этилишича, 1611 йилда Бухоро хони Имомқулихон ўз аскарлари билан Сирдарё, Туркистон шаҳри ва Қоратов тоғлари этакларигача кириб борган ва Бухорога қарши бош кўтарган қозоқлар, қорақалпоқлар ва қалмиқларни бостирган, кўп мол ва ўлжалар ҳамда асирлар олиб қайтган.

Қорақалпоқлар XVI—XVII асрларда Хоразм хонлиги билан ҳам ўзаро алоқада бўлганлар, савдо-сотиқ қилганлар. Тарихчи Абулғози Баҳодирхоннинг маълумотларига кўра, Хоразм тахти учун курашда акаси Асфандиёр (1627—1643)дан енгилган Ҳабаш Султон Сирдарё бўйларидаги қорақалпоқлар ҳузурига борган. Қорақалпоқлар билан манғит ўзбеклари яқин кўшни ва алоқада бўлганлар. Манғитлар Ҳабаш Султонни Хива хонига ушлаб берганлар ва у қатл этилган.

XVII аср охири ва XVIII аср бошларида Сирдарё бўйларида яшаган қорақалпоқлар қозоқ хонларига бўйсунганлар. Бу даврда қорақалпоқлар бошқа ҳудудларда ҳам яшаганлиги манбалардан маълум. Жумладан, XVII асрнинг 70-йилларида қорақалпоқлар бошқирдлар кўзғолонида қатнашганлар ва улар билан яқин дўстлик алоқасида бўлганлар. Айни замонда бошқирдлар ҳам қорақалпоқлар ерларига кўчиб келиб бирга яшаганлар. Қорақалпоқлар кўп ҳолларда қозоқлар, бошқирдлар билан биргаликда Сибирь ерларига ҳужумлар уюштириб борганлар.

Қорақалпоқлар XVIII асрда Россия билан маълум даражада алоқада бўлганлар. 1720 йилларда жунгарлар

босқини хавфи билан қозоқларнинг Кичик жуз хони Абулхайр Россияга фуқаролик сўраб мурожаат қилади. 1731 йилда қозоқларнинг Кичик жуз ҳудудлари Россия томонидан эгаллангандан сўнг Кичик жузга қарам бўлган қорақалпоқларнинг бир қисми ҳам чор маъмурлари ҳукмронлигига ўтиб кетади. Бу воқеа 1743 йилда рус подшоси Елизавета Петровна ҳукмронлиги даврида содир бўлади.

Россия ҳукмронлигини қабул қилган қорақалпоқлар солиқларни энди Абулхайрхонга тўламайдиган бўладилар. Натижада ўртада душманлик кучаяди. Абулхайр кутилмаганда қорақалпоқлар яшайдиган қишлоқ ва овулларга ҳужум қилиб уларнинг чорва моллари ва бойликларини олиб кета бошлайди. Натижада қорақалпоқлар Хива хонлиги чегаралари томон юришга мажбур бўладилар. 1750 йилларда Сирдарё ҳавзалари атрофида ҳаммаси бўлиб 6 мингга яқин оила қолган эди. Қорақалпоқларнинг янги ўрнашган макони Янгидарё ҳавзаси деб аталиб, XVIII ва XIX аср бошларида бу ҳудуд қорақалпоқлар мулки ҳисобланган.

Қорақалпоқлар янги ўзлаштирилган жойда тез кўникиб ўтроқлашиб оладилар. Деҳқончилик маданиятини йўлга қўядилар, ирригация ва мелиорация ишларини олиб борадилар, қўрғон ва қалъалар қурадилар.

Қорақалпоқлар билан Хива хонлиги ўртасида ҳам доимий сураатда зиддият кучайиб боради, бир неча марта қўшинлар тўқнашуви юз беради. Фақат 1811 йилда Хива хонлиги Муҳаммад Раҳимхон даврида қорақалпоқлар устидан узил-кесил ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

Хива хонлиги ҳукмронлиги даврида ҳам меҳнатсевар қорақалпоқ халқи хўжалик ва ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланади, доимий сураатда бойлар, зодагонларнинг қаттиқ зулми ва ҳукмронлиги остида яшайди. Зулм ва адолатсизликка қарши курашади.

Аҳолининг асосий ишлаб чиқариш тармоғи деҳқончилик бўлса-да, чорвачилик соҳаси ҳам аҳоли эҳтиёжи учун ғоятда зарур соҳа бўлган.

Қорақалпоқларнинг хўжалик ҳаётида балиқ овлаш катта ўрин тутган. Ҳунармандчилик кам тараққий этган. Ҳатто XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам бу ерда фақат оила эҳтиёжи учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқарилган, холос. Арзимаган баъзи бир товарларгина бозорга олиб чиқилган. Ҳунармандчилик буюмларидан

олача, гилам, арава, қайиқ, пахта ипидан ашёлар ва бошқалар ишлаб чиқарилган.

Қорақалпоқлар диёрининг маркази Чимбой XIX аср ўрталарида катта савдо ва маданият марказига айланган эди. Шаҳар географик жиҳатдан жуда қулай жойда жойлашган бўлиб, у қуруқлик йўллари ва Амударё орқали Хива хонлиги, Россия мулклари билан алоқа боғлашга имкон берар эди.

Қорақалпоқларда патриархал-уруғчилик қолдиқлари кучли эди. Бу ижтимоий-хўжалик, давлат ишларида ўз таъсир кучини кўрсатади. Ижтимоий ҳаётда тенгсизлик кучаяди, ўзаро зиддиятлар ва курашлар авж олади. Масалан, 1871/1872 йилги маълумотларга қараганда, 15 минг танобга қадар ерга эгалик қилган мулкдорлар билан бир қаторда, 1—2 танобдан ошмаган ерли оддий оилалар ҳам бор эди. Бундай ноадолатли ҳолни чорва хўжаликларида ҳам кўриш мумкин эди. Умуман, чорва молига эга бўлмаган оилалар билан бир қаторда баъзи бойлар 1000 бошгача шохли қорамоллар ва 1500 га қадар қўйларга эгалик қилганлар. Бой хўжайинлар ва ҳокимлар Хива хонларининг катта ишончига эга бўлиб, оддий халқ олдида уларнинг айтгани айтган, дегани деган эди.

Қорақалпоқлар жамоасида руҳонийлар катта ҳурмат ва алоҳида ўринга эга бўлган. Улар қози-судьялар сифатида катта мансабларни эгаллаб олган эдилар. Руҳонийлар асосан катта ер ва мулк эгаларидан иборат бўлганлар. Уларнинг асосий вазифаси ислом дини ғоялари асосида хонлик ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилишдан иборат эди.

Қорақалпоқ халқи Хива хонлиги хазинасига тўланадиган закот солиғидан ташқари яна жуда кўплаб тўловлар беришга мажбур эди. Ундан ташқари аҳоли ариқларни, каналларни тозалаш ва бошқа ирригация қурилишига текин ишлаб беришга сафарбар қилинарди.

Мажбурий ҳарбий хизмат ҳам қорақалпоқ халқининг Хива хонлиги олдидаги асосий бурчларидан бири бўлган. Мабода уруш бўлиб қолгудек бўлса, қорақалпоқлар 1000 тадан 2000 кишига қадар навкар беришлари лозим эди. Бу аскарларни боқиш ва таъминлаш халқнинг гарданига тушган оғир юк эди. XIX аср ўрталарида бу харажат ҳар доим 100—40 минг тилло тангага тенг бўлган.




Оғир, даҳшатли зулм ва эксплуатация қорақалпоқ халқининг Хива хонларига қарши бир неча бор қўзғолон кўтаришларига сабаб бўлади. Ана шундай қўзғолонлардан бири 1827 йилда Оқ Ёқиш тумани атрофида кўтарилади. Қўзғолонга Ойдўстбий бошчилик қилади. Хива хони Оллоқулихон қўзғолонни бостириш учун жазо отрядини юборади. Ойдўстбий қўзғолон кўтарган халқни мол-мулки, бола-чақаси билан Кўқон хонлигига олиб кетмоқчи ва у ерда обрў топмоқчи бўлади. Аммо халқ унга эргашмайди. Оллоқулихон юборган қўшин Ойдўстбийга Чирчиқ ровот деган жойда кувиб етади ва унга эргашган кучларни шафқатсизларча бостиради. Ойдўстбийнинг ўзи эса Хивага келтирилиб қатл этилади.

Қорақалпоқ халқининг бунга қараганда ҳам кучли қўзғолони XIX аср ўрталарида Хива хони Муҳаммад Амин даври (1845—1855)да бўлади. Хонликнинг қўшни давлатлар билан тўхтовсиз давом этган урушлари халқ оммасини хонавайрон қилади ва тинка-мадорини қуритади. Бунга жавобан дастлаб туркманлар, сўнгра қорақалпоқлар, ўзбеклар ва қозоқлар бош кўтарадилар. Қўзғолон бутун Хива хонлигига тарқалади. Бу оммавий қўзғолоннинг бошида қорақалпоқ бийларидан Алагўз лақабли Ёрназар деган шахс турарди. У табиатан кам фикрловчи ва ҳаддан ташқари зиқна шахс бўлиб Хива хонлигига қарши бўлган бийларни ўз томонига оғдириб уюштира олади. Қўзғолончилар Хива хонлигидан ажралиб қозоқлар билан қўшилишга қарор қиладилар. Аммо хонга содиқ бўлган қорақалпоқларнинг оқсоқоллари бошчилигидаги кучлар Ёрназарга қарши курашга отланадилар. Уларга ясовулбоши Муҳаммад Ниёз бошчилигидаги ўзбек қўшинлари ҳам келиб қўшиладилар. Ёрназар Қозоқдарё ёнида ўзи қурган қалъада қаршилик кўрсатишни давом эттиради. Муҳаммад Ниёз қалъани қамал қилади. Қўзғолончиларнинг ўзлари Муҳаммад Ниёз билан тил бириктириб Ёрназарни отиб ўлдирадилар. Қўзғолон қаттиққўллик билан бостирилади. Қўзғолончиларнинг бир қисми Бухоро ерлари томон, яна бир қисми эса Сирдарё йўналиши бўйлаб руслар ҳимоясига ўзларини урадилар.

1858—1859 йилларда Қўнғиротда катта қўзғолон кўтарилади. Бу қўзғолон ҳам Хива хонлиги томонидан шафқатсизлик билан бостирилади.

Хуллас, хонлар, амиру султонлар ва бийларнинг



XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё хонликлари.

нодонларча ва сиёсий кўрларча давлат ва халқни бошқаришлари эл ва юрт бошига битмас-туганмас вайроналик ва кулфатлар келтиради. Халқ ҳукмдорларга қарши, зулм ва зўравонликка қарши отланади. Ҳокимлар ва тўраларнинг ўз халқига нисбатан тутган сиёсати ва қарама-қарши туриши мамлакатни инқирозга олиб келади. Бундан Ватан душманлари ҳам фойдаланадилар.

## **6. Хонликлар даврида таълим, фан ва маданият**

XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Хива ва Қўқон хонликлари ва Бухоро амирлигида таълим, фан ва маданият ҳақида гап борганда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ва биринчи навбатда маданият ва мафкурада ислом дини ғояси марказий ўринни эгаллар эди. Ўз бошланғич нуқтасини X—XII асрлардан эътиборан олган сўфийлик тариқати нақшбандийлик ғояси билан уйғунлиги негизида XV асрга келиб юксак чўққига кўтарилади, у то XX асрдаги сиёсий тўлқин ва ларзалар даврига қадар жамият тараққиётининг боришида жиддий роль ўйнайди. XVI асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Жўйбор шайхлари номи билан тарихга кирган дин пешволари юқори мавқеига эга бўладилар. Бу даврнинг номдор шайхларидан Хожа Муҳаммад Ислоом (1493 йил атрофлари—1563), Хожа Жалолиддин Косоний (1549 йилда вафот этган), у тарихда Маҳдуми Аъзам номи билан машҳур эди; Хожа Саъад (1531/32—1589); Хожа Тожиддин Ҳасан (1547—1646); Хожа Абдураҳим (1575—1628/29) ва бошқалар бўлиб нақшбандийлик тариқатининг атоқли намояндалари бўлганлар. Давлатни бошқариш ишларида руҳонийлар фаол қатнашганлар, ҳукмдорлар дин арбобларига катта мансаблар ва ҳуқуқлар берганлар. Бухоро ҳукмдорлари ҳатто ўзларини «Мусулмон амирлари» деб эълон қилганлар. Мамлакат ва давлат аҳамиятига молик барча ишлар, ўзга мамлакатларга қарши олиб борилган урушлар руҳонийларнинг маслаҳати ва фатвоси билан эълон қилинган. Айни замонда дин ҳам хонларни қўллаб-қувватлаган, Оллоҳ ва Куръон номидан уларга катта ва чекланмаган ҳуқуқлар берган. Масалан, Амир Насрулло (1825—1860) нинг Қўқон хонлигини 1842 йили босиб олиши бунга далил бўла олади. Ёки амир Шоҳмурод Оллоҳ иродасини бажо келтиришни қизгин намоёиш

қилғани ва давлатда ислоннинг равнақ топишига ғам-хўрлик кўрсатгани учун «беғуноҳ амир» номини олган. Дарвоқе, Шоҳмурод нақшбандийлар дарвеш жамоасининг аъзоси ва ўша даврда шу жамоанинг бошлиғи бўлган шайх Сафарнинг муриди бўлган.

Руҳонийларнинг таъсири ва раҳнамолигида ўз даврининг мулкдорлари ва художўй кишилари маблағлари ҳисобига қабристонлар обод қилинар, у ерларга борадиган йўллар, кўприклар таъмирланар ва қабристонларга яқин жойларда масжидлар ва мадрасалар қуриларди. Нақшбандийлар таълимотининг асосчиси Баҳовиддин Нақшбанднинг Бухородан 12 километрлар чамаси нарида жойлашган қабри то октябрь тўнтаришига қадар ҳам мусулмон дунёси халқлари ўртасида машҳур қадамжой бўлган. Бу ерда ҳар чоршанба куни Бухоро шаҳридан ва бошқа узоқ-узоқ юртлардан мусулмонлар бозорга ва анъанага айланиб қолган «гул байрами»га тўпланганлар. Қуръони Каримдан тиловатлар қилиб номозлар ўқиганлар. Амирлар бу қадамжойни ҳафтада бир марта албатта зиёрат қилишни одат тусига киритганлар, ҳожилар, жамоа арбобларига совға-саломлар ва тангалар ҳадя қилганлар.

Ўрта Осиёдаги ҳар учала хонликда ҳам руҳонийлар қозикалон сифатида барча суд ишларини ўз қўллари остида марказлаштириб олганлар. Қозикалонларни амир ва хонлар тайинлар эдилар. Маърифат, фан ва маорифда ҳам ислон мафқураси асосий ва етакчи йўналиш бўлиб хизмат қилган.

XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёдаги ҳар учала амирлик ва хонликларнинг маданий тараққиётига хос бўлган умумий ўхшашликлар диққатга лойиқдир. Бу ўхшашликларнинг сабаблари ҳам бирибирига жуда ўхшашдир. **Биринчидан**, Ўрта Осиё худудидаги давлатлар XV асрларда маданий тараққиётда дунёда энг етакчи ўринларда турган бўлса, XVI—XVII асрлардан эътиборан бу худудда тушкунлик бошланди. **Иккинчидан**, ҳар учала давлат бирликлари ўзлари алоҳида мустақил фаолият кўрсатсалар-да, давлат идора ишлари ўзбек ва форс тилида олиб борилган. Бухорода форс, Қўқонда форс-ўзбек, Хивада ўзбек тили расмий тил бўлиб ҳисобланган. Турмушда, адабий ижодда ўзбек ва форс тиллари кенг қўлланилар эди. Учала давлатда ҳам аҳолининг асосий қисми туркий тилда сўзлашган. **Учинчидан**, анъанага кўра фанда, адабиёт

ва мактабда араб ва форс тилининг обрўси сақланиб қолганди.

Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида халқ таълимининг тузилиши ва фаолияти деярли бир хил бўлган. Уларда мадрасалар, мактаблар ва қорихоналар мавжуд эди. Мадрасалар мусулмон олий ўқув юртлари ҳисобланган. Мактаблар масжидлар қошида ва хусусий уйларда ташкил этилган. Хонлар ўртасида хонзода ва зодагонларнинг болаларини ўқитиш учун махсус мактаб бор эди. Масалан, «Ансоб ас-салотин ва таворихи ал-ҳавоқин» номли асарда ёзилишича, «Мусулмонқул мингбошининг буйруғи билан ёш Худоёрхон ва қипчоқлар болаларини ўқитиш учун ўрдада мактаб қурилиб, унга мактабдор этиб Мулло Содиқ тайинланган»<sup>1</sup>. Лекин бу мактаб ҳозир Қўқонда мавжуд бўлган Худоёрхон ўрдасида эмас, балки 1845 йилда бўлган хон ўрдасида жойлашган эди. Кейинчалик бу ўрда бузилиб кетган.

Одатда, мактабларда асосан ўқиш ва ёзиш, арифметика ва адабиёт ўқитилган. Қорихоналарда эса асосан кўзи ожизлар ўқиб, Қуръони Каримни ёдлар эдилар. Мактаблар қизлар учун алоҳида, ўғил болалар учун алоҳида бўлган. Масалан, машҳур шоира Дилшод Қўқонда мактаб очган. У ўзининг педагогик фаолияти ҳақида бундай деб ёзган эди: «Менинг суҳбатдошларим ва дугоналарим ақлли қизлар ва истеъдодли шоиралар эди. Эллик бир йил давомида мен мактабдорлик қилдим ва йилига ўртача 20 тадан 30 тагача ўқувчиларим бўлиб, саккиз юз тўқсонга қизларнинг саводини чиқардим, булардан деярли чорак қисми шеърятга қобилиятли бўлиб, шоира ва ўз даврининг ақлли ва доно одамлари эди»<sup>2</sup>.

Қўқон шаҳрида бошқа шаҳарларга нисбатан мактаблар сони кўпроқ бўлган. Бу эса қўқонликларнинг аксарият кўпчилиги саводли бўлиб, ўқиш ва ёзишга уста бўлганлигидан далолат беради.

Ўқитувчилар ўз уйларида очган хусусий мактабларидан ташқари барча ўқув юртлари, турли шахс ва ташкилотлар томонидан хайрия қилинган вақфлардан тушадиган даромад ҳисобига ишлар эди. Уларнинг ода-

<sup>1</sup> «Ансоб ас-салотин ва таворихи ал-ҳавоқин», 78-варақ.

<sup>2</sup> *Мухторов А.* Дилшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX — начале XX вв., 301-бет.

тида масжидлар биринчи ўринда турарди, чунки деярли барча масжидларда мактаблар очилган.

1841 йилги маълумотларга қараганда, Қўқон шаҳридаги хоннинг асосий мадрасасида 1000 та мулла ўқиган. Бу мадрасани иккита бош мударрис бошқарган: Эшон Мавлоний ва Маҳзуми Бухорий. Булар хурматли инсонлар бўлиб, катта илмга эга эдилар.

Мадрасалар Қўқон хонлигининг бошқа шаҳарларида ҳам бор эди, аммо улар Қўқондагидек салобатли ва катта эмасди. Ўқишни битирганларнинг айримлари билимини такомиллаштириш ва ошириш учун Бухоро ва Самарқанд мадрасаларига ҳам бориб ўқишар эдилар.

Ҳар бир мактабдор домланинг ҳам ўзича ўқитиш усуллари бўлган. Уларнинг баъзилари болаларнинг ёш хусусиятларига алоҳида эътибор берган ҳолда кичик ёшдаги ўқувчиларга ҳуснихат ва оғзаки ҳисобни ўргатса, катта ёшдаги ўқувчиларга эса Қуръоннинг оят ва сураларидан ташқари форс, араб, туркий тилларда ёзилган ўнлаб ҳаётий китобларни ҳам ўқишни ўргатар эди.

Демак, дастлабки бошланғич таълимдан сўнг Қуръон хатм қилиниб, «Чор китоб», кейин эса «Сўфи Оллоёр» ибтидо қилинган. Сўнгра «Калила ва Димна», «Қобуснома» сингари донишмандлик руҳидаги китоблар ўқитилган. Ўқувчиларга «Одобнома» дастурлари асосида дарс берилган. Халқ оғзида юрган ахлоқий, фалсафий руҳдаги мақоллар, масаллар, мажмуалар, ривоятлар, ҳикоятлардан эса тарбия воситаси сифатида фойдаланилган.

Мадрасаларда ўқув дастури асосан уч босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) босқичларда олиб борилиб, унда учта тил (араб, форс ва туркий) мукаммал ўргатилган. Мадрасаларда Қуръон илми (ўқиш усуллари, қироат, тавсиф), фикҳ (шариат қонунлари), ҳандаса, илми нужум, ахлоқ, фалсафа, мантиқ, адабиёт, жўғрофия, тарих, табобат фанлари ўқитилган. Талабалар араб ва форс тиллари орқали Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», Ҳофиз Шерозий девони, Мирзо Абдуқодир Бедил девони, Мир Алишер Навоийнинг «Чор девон»и, Фузулий ғазалиёти ҳамда Шарқда миллий таълим соҳасида дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланиб келинаётган «Маслак ул-муттақин», «Аввали илм», «Муъзи Вазанжоний», «Авомил», «Ҳаракат», «Қофия», «Шарқи мулоий Жомий», «Рисолаи Шамсия» каби рисоалар билан тани-

шиш имконига ҳам эга бўлганлар. Бу эса мадрасаларда таълим жараёнида бадиий адабиётнинг мумтоз намуналари кенг ўрин олганлиги, дунёни англаш, тафаккурни шакллантириш борасида бадиий асарларга алоҳида аҳамият берилганлигини кўрсатади.

Мадрасаларда билим олиш мумкинлиги, бу ерда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар бўйича дунёга танилган мударрислар, олимлар бор бўлганлиги учун ҳам Туркистонда турли мамлакатлардан кўплаб талабалар келиб ўқиганлар<sup>1</sup>.

Қўқон хонлари даврида турли мансабларда хизмат қилган Муҳиддинхўжа 1861 йили Қўқондаги мадрасалардан бирида ўқиган. Кейинчалик у Н. Ликошинга сўзлаб берганлигига қараганда, мударрислар талабаларнинг мадрасадан ташқарига чиқиб маишат қилганларини ёқтирмаган. Талабалар вақтларини эрталабдан кечгача домлаларининг тушунтиришларини эшитиб, китоб ўқиш ва ҳаттотлик машқлари билан ўтказганлар.

Пайшанба кунлари домлалар уйларига кетганлар, талабалар эса бўш вақтларини ўйинлар билан банд этганлар. Жума кунлари ўқиш бўлмаган. Талабалар баъзан бозорга бориб ровийларнинг ҳикоя ва диний ривоятларини эшитар эдилар. Талабаларнинг кўпчилиги эса Қўқон хони борадиган ва олимлар йиғиладиган Жомеъ масжидига боришни орзу қилганлар. Жума намозидан кейин олимлар Қуръон ва шариат ҳақида мунозаралар ўтказишган. Бунда кўплаб машхур дин арбоблари, олимлар, ёш мутахассислар биргаликда табиий фанлар, жўгрофия, тарих, фалсафа, бадиий ижод ва адабиётнинг бошқа соҳалари бўйича маърузалар билан чиқишлар қилган, ўзаро фикр алмашувлар бўлиб турган.

Ухива хонлигида XVII асрда рўй берган маданий ҳаётдаги тушкунлик Бухоро хонлигидагига қараганда кучлироқ бўлган. Бу шунда яққол кўринадикки, Хоразмда Абулғози Баҳодирхон хон бўлган давр (1643—1663)да Хоразм тарихини ёзиб қолдириш масаласи кўтарилганда, бу ишни эплай оладиган бир кимса топилмаган. Бу ҳақда Абулғози Баҳодирхоннинг ўзи қуйидагича ҳикоя қилади: «Аmmo бизнинг ота ва ақоларимизнинг бепарвойилиқи ва Хоразм халқининг беуқувлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизни Абдуллахон-

<sup>1</sup> Ж. Йўлдошев, С. Ҳасанов. Жадид тарбияшунослиги асослари. Тошкент, 1994, 5—6-бетлар.

нинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридин то бизга келгунча тарихларни битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадук. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдук. Туркнинг масали турур: «Ўқсўз ўз киндигини ўзи кесар, деган»<sup>1</sup>.

XVII асрда яшаб ижод қилган Абулғози Баҳодирхон олий насаб, тож-тахт соҳиби, ўз сулоласининг шону шуҳрати учун кураш олиб борган, айти чоғда парчалашиб кетаётган Хива хонлигини қучли марказлашган давлатга айлантириш учун ҳам қурол билан, ҳам қалам билан кураш олиб бориб, нисбий осойишталик ўрнатишга эришаолган ҳукмдор ҳам эди. У қолоқлашиб қолган Хоразмни ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан юқори кўтаришга интилди. Ҳукмдор сифатида бекликлар ўртасидаги зиддиятлар, ўзаро қиргин урушларга барҳам беришга қаратилган тадбирлар кўрган бўлса, ижодкор сифатида «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима» ва «Манофе-ул-инсон» («Инсон учун фойдали тадбирлар») каби тарихий-бадий ҳамда табиблика оид нодир китоблар ёзади.

Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи тарокима» номли асари ярим афсонавий хусусиятга эга бўлса-да, у маҳаллий халқларнинг келиб чиқиши ва уларнинг қадимий тарихига оид маълумотлар беради.

Абулғози Баҳодирхоннинг иккинчи қимматли асари «Шажарайи турк» бўлиб, уни охирига қадар ёзиб тугата олмайди. Бу асарни Абулғози вафотидан сўнг ўғли Анушахоннинг топшириғига кўра урганчлик мулла ва Абулғозининг қариндоши Маҳмуд Ибн Муҳаммад Урганжий ёзиб поёнига етказди. Бу тахминан 21 саҳифани ташкил этган қўшимча эди, холос.

«Шажарайи турк» асари қисқа муқаддима ва тўққиз бобдан иборат бўлиб, Одам Атодан то туркларнинг қадимги хонларидан Мўғулхонгача кечган ҳодисалар ва шунингдек, Шайбон авлодидан Хоразм мамлакатида подшолик қилганлар зикрини ўз ичига олади.

Абулғозининг «Шажарайи турк» асари ўша даврнинг энг ноёб асарлар жумласидандир. Шу боис моҳар шарқшуноси Г.Вамбери: «Жаҳон унинг «Шажарайи турк» номли тарихий асари учун ундан миннатдордир<sup>2</sup> деган бўлса, таниқли адабиётшунос Олим Ша-

<sup>1</sup> Абулғози. Шажарайи турк. Тошкент, «Чўлпон», 1992. 2-бет.

<sup>2</sup> Вамбери Г. «История Бухары или Моварауннахра». М., 1964, стр.115.



рофиддинов: «Абулғози Баҳодирхон бинни Арабмуҳаммад ўзбек хонлари ичида Бобурдан кейинги муҳим шахсдир. Унинг маданият тарихида қилган ишлари улуг»<sup>1</sup> деб юксак баҳо берган. Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» ва бошқа асарлари нафақат Шарқ тарихчилари, балки бутун дунё илмий жамоатчилигининг ҳам диққат эътиборини ўзига тортган, жуда кўплаб жаҳон халқларининг тилларига таржима қилинган. Жумладан, «Шажарайи турк» асари рус тилида 1825, 1854 ва 1871 йилда Қозон шаҳрида, «Шажарайи тарокима» асари эса 1898 ва 1906 йилда бир неча маротаба нашр этилган. 1871—1874 йиллар орасида П.Н. Демезон «Шажарайи турк»ни француз тилига ағдаради. Бу асар Англия ва Америка халқлари орасида ҳам кенг тарқалган.

Абулғози Баҳодирхон ўзининг «Шажарайи турк» асари билан Хоразм тарихчилик мактабига асос солди. Хоразм халқининг буюк фарзанди Абулғози бошлаган ғоятда улуг ва мўътабар ишни ундан кейинги авлодлар, Мунис Хоразмий ва Муҳаммад Ризо Огаҳийлар давом эттиради.

**Мунис Хоразмий Шермуҳаммад Авазбой ўғли (1778—1829)** ўзбек шоири, тарихчи, таржимон, ҳаттот, маърифатпарвар инсон. Бошланғич таълимни Катда олган, Хива мадрасаларида ўқиган. 1800 йилда отаси вафот этгач, Хива хони Аваз Иноқ саройида фармоннавис котиб лавозимида ишлаган. 1804 йилда Мунис ўзининг «Девони Мунис»ини яратди. 1806 йилда Хива хони Элтузархон унга Хива хонлари тарихини ёзишни топширади. Ўша йили хон фожеали ҳалок бўлади. Аммо Мунис китоб ёзишни давом эттиради. 1819 йилда у Мирхонднинг «Равсат ус-сафо» («Софлик боғи») китобини таржима қилишни бошлайди. Бу китобнинг фақат биринчи жилдини таржима қилишга улгуради, холос. Хива тарихини ёзиб тугата олмай вафот этади. Унинг «Фирдавс ул-иқбол» асарини ва «Равсат ус-сафо» таржимасини шогирди ва жияни Огаҳий охирига етказди. Мунис Хоразмийнинг «Орналар» («Орна»—анҳор, канал демакдир) асарида суғориш иншоатлари ва ер-сув муносабатларига доир масалалар акс этган. Бу рисола XVII аср охири ва XIX аср бошларидаги деҳқончилик ижтимоий муносабатларни ўрганишда ғоят аҳамиятли-

<sup>1</sup> *Олим Шарофиддинов. Ўзбек алабиёти тарихи хрестоматияси. Тошкент, II жилд, 1945, 531-бет.*

дир. Мунис Хоразмийнинг асосий адабий мероси 1815—1820 йилларда тузилган «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») девони ғазал, рубоий, қитъа ва бошқа жанрлардан иборат бўлиб, 80. 000 дан зиёд мисрани ўз ичига олади. У бир неча марта нашр қилинган. Мунис Хоразмий шеърлярида халқчиллик, тараққийпарварлик ғоялари кенг ўрин олган. У «Сўз» ва «Шуаро» каби шеърларида илм-фан, санъат, адабиётни тарғиб қилади, олимлар ва санъаткорларни юксак қадрлайди, уларни хўрлаган реакцион гуруҳ ва тўраларни қоралайди.

Мунис Хоразмийнинг 1804 йилда босилган «Саводи таълим» шеърый рисоласида савод чиқаришни енгиллатиш ва ҳуснихат санъатини ривожлантириш муаммолари кўтарилди.

**Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809—1874)** етук шоир, билимдон тарихчи ва моҳир таржимон сифатида тарихда ном қолдирган. Унинг шеърый асарлари «Таъвиз ул-ошиқ» («Ошиқлар тумори») девонида тўпланган. Девон Хивада бир неча марта (1905, 1909) тошбосма (литография) усулида нашр қилинади. Ҳажми 18 минг мисрадан ортиқ бўлган бу девонда шеърый (назм) жанрнинг деярли ҳамма тури ўз ифодасини топган. Огаҳийнинг шеърлярида халқпарварлик, маърифатпарварлик, буюк ва олийжаноб инсоний фазилатлар улуғланади, хон ва тўраларнинг адолатсизлиги ва халққа ўтказган жабр-зулмлари, чала мулла руҳонийларнинг макр ҳийлалари аёвсиз танқид қилинади. Шу маънода шоирнинг «Қиш» радифли ғазали диққатга моликдир. Бунда қиш фасли тасвири орқали камбағал, бечора, кулбасиз ва юпун оддий меҳнаткаш халқнинг аҳволига ачинади, бева-бечораларга нисбатан ҳимматсиз, эътиборсиз ва шафқатсиз бўлган бойлар ва давлатмандлардан нафратланади:

Не билурсан кечалар фақр аҳлидин, не ўтканин,  
Бистари заррин<sup>1</sup> уза, эй ким қилурсан хоб<sup>2</sup> қиш.  
Эй ғани<sup>3</sup> боқғил яланглар холига, шукр учун,  
Ким киярсан таҳ-батаҳ қоқим<sup>4</sup> ила синжоб қиш.

Огаҳий тарихчи олим сифатида ҳам ўзидан кейин катта мерос қолдирган. «Таъвиз ул-ошиқин» девони

<sup>1</sup> *Бистари заррин* — зар билан тўқилган тўшак.

<sup>2</sup> *Хоб* — уйқу, ухламоқ.

<sup>3</sup> *Ғани* — бой, давлатманд.

<sup>4</sup> *Қоқим* — олмахонга ўхшаган ҳайвон терисидан тикилган пўстин.

дебочасининг охирида у қуйидаги тарихий китобларни ёзганлигини айтади: «Риёз ул давла» (1844), «Зубдат ут таворих» (1846), «Жомеъ ул-вақеоти Султоний» (1857), «Гулшан давлат» (1865), «Иқболи Ферузий» (1872). Бу асарларида Оллоқулихон (1825—1842) дан то Муҳаммад Раҳим II (1865—1872) гача бўлган тарихий жараён ўз аксини топган.

Огаҳий машҳур таржимон ҳам бўлган. У 19 та асарни форс-тожик ва 1 асарни Усмонли турк тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, маданиятимиз бойлигига улкан ҳисса қўшади. Низомийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») достони, шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» китоблари, Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони, Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо» достони ана шулар жумласидандир.

Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзбек адабиёти ва маданияти тараққиётига баракали улуш қўшган ватанпарвар улуг бир зот сифатида ўз ўрнига эга бўлган сиймодир.

**Комил Хоразмий (1825—1899)** Хоразм фарзанди, маърифатпарвар шоир, ажойиб санъаткор, мусиқашунос, моҳир ҳаттот, таржимон ва давлат арбобидир. Асли хивалик бўлган Комил кучли қобилиятга эга эди, у араб, форс-тожик тилларини пухта билган. Ҳаттотлик ва мусиқа санъатини яхши эгаллаган Комил Хоразмийни Хива хонлиги саройига ишга таклиф этганлар. Дастлаб у Сайид Муҳаммадхон, сўнгра унинг ўғли Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) саройида аввалига ҳаттот, сўнгра мирзабошилиқ вазифаларини бажаради. Ҳаттотлик санъатини ёшларга ўргатган Комил Хоразмий 50 дан ортиқ шогирдларга устозлик қилган. Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Муҳркон девон, Муҳаммад Шариф Тарро девон (атоқли бастакор ва мусиқачи Матюсуф Ҳарротовнинг отаси), Муҳаммад Расул ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Чор Россияси Хоразмни забт этгач, Комил Хоразмий Ферузшоҳ саройида девонбеги лавозимига тайинланади.

Комил Хоразмий босмаҳона ташкил этишнинг асосчиларидан бирidir. Унинг саъй-ҳаракати ва ташкилотчилигида 1870 йилда Муҳаммад Раҳимхоннинг ғамхўрлигида Хивада босмаҳона ташкил этилган. Бу босмаҳонада Навоийнинг «Ҳамса»си биринчи марта нашр қилинган эди.

Комил Хоразмий бадиий ижод бобида ҳам катта қобилият эгаси бўлган. Унинг ғазаллари, мухаммас,

мусаддас, маснавий, рубоий, қасида ва бошқа жанрларда битган асарлари 3680 байтдан иборат бўлиб, махсус девон шаклида тузилган. Лекин бу девондан шоирнинг «Баҳри тавил» асари ўрин олмай қолган.

Комил Хоразмий мусиқа илмининг катта билимдони ва бастакор сифатида Хоразм мақомларига ноталар битиб қоғозга туширган, созанда ва ижрочи ҳам эди. У куй басталаган Хоразмнинг «Рост» мақоми, «Мурабаи Комил», «Пешрави Феруз» ва бошқа куйлар ҳамон мусиқа шинавандаларининг қалбларини тўлқинлантиради.

Комил Хоразмий моҳир таржимон сифатида ҳам ном қозонган. У Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Латоиф уз-зароиф» асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Комил Хоразмий инсонлар ҳаётида ўзга халқларнинг тили ва маданиятини ўрганиш катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этган. Унинг ташкилотчилигида 1884 йилда Хоразмда биринчи рус-тузем мактаби ташкил этилган.

Комил Хоразмий ижодиётини кўздан кечирар эканмиз, унинг асарларида инсонпарварлик, маърифатпарварлик, таълим ва тарбиянинг бошқа бир қатор ғоя ва масалалари бош мавзу бўлганлигини кўрамиз. Жумладан, шоир ўзининг «Камол» ғазалида илм-маърифатни улуғлаб, илмли, маърифатли ва ҳунарли киши ҳамиша эл ҳурмати ва ардогида бўлишлигини ёзади:

Эмас кишига бу дунёда мулк-мол камол,  
Ҳусулу илму ҳунар келди безавол, камол.  
Камол бергусидир сўзга шуҳрату, таъсир,  
Бу қушга қилгали парвоз паррубол камол.

Комил Хоразмий одамлар орасига яхшилик уруғларини сочади, мансабга, бойликка берилиб кеккаймасликка чақиради, уларни инсоф-имонли ва диёнатли бўлишга даъват этади. У ўзининг «Эй кўнгил» ғазалида дунё адолатсизлиги, ноҳақлиги ва тескари ишларидан фарёд чекади. Агар дунё пасткаш бўлмаса, нега нокасу нодонни улуғлаб, шод этиб, донони хор-зору хафа қилади, деб хулоса чиқаради шоир:

Бўлмаса гардуну суфла дўсти гардун эй кўнгил,  
Нега дунни шод этар, донони махзун, эй кўнгул.

Илм-маърифат куйчиси бўлган Комил ўз замона-

сида илм қадрига етмаган фалакни лаънатлайди, у илм оламида Афлотун бўлса-да, қадрланмаган илм-маърифат кишисига алам билан ачинади:

Чун фалак нодон навозу, хасм донодур, не суд,  
Дониш иқлимида бўлсанг гар Фалотун, эй кўнгул.

Хуллас, Комил Хоразмий ижодида бош мавзу инсон ва инсонийлик, унинг қадр-қимматидир. Шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли ёш авлод камолотида ўрناق ва намунадир.

**Маҳтумқули Фирӯғий (1733—1793)** Хива хонлиги ҳудудида яшаб ижод қилган қардош туркман халқининг улуғ шоири ва мутафаккиридир. У Туркманистоннинг Ҳожигавшон деган жойида туғилган. Отаси Давлатмамед Озодий ўз даврининг машҳур шоирларидан бўлган. Отаси таъсирида ижодий онг шуури эрта япроқ ёзган Маҳтумқули дастлаб овул мактабида, кейинчалик Хива, Бухоро, Андижон мадрасаларида таълим олади. Турли фанлар билан бир қаторда заргарлик ҳунарини ҳам пухта эгаллайди. Маҳтумқули Озорбайжон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларни кезиб чиқади. Марказий Осиё, Эрон, Озор ўлкалари фольклорини, адабиётини зўр иштиёқ билан ўрганadi. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Фирдавсийлар яратган бадиий сўз дурдоналаридан баҳраманд бўлган Маҳтумқули келажак авлодларга катта адабий-бадиий мерос қолдиради. Маҳтумқулининг ижодий мероси 20 минг мисрани ташкил этади. У соф муҳаббатни, мардлигу матонатни, эзгуликни, адолат, инсофу диёнатни, имону эътиқодни қуйлаган халқпарвар шоирдир.

Шоир ўша давр ўзаро қирғинбарот урушларидан фарёд қилади. У халқларни бирлик, биродарлик, тинчлик, осойишталикка, инсофу диёнатга чорлайди. Буни Маҳтумқулининг «Турса керакдир» шеъринан қуйида келтирилган бир неча сатрларда очйқ-ойдин кўрамыз:

Қардошлар, кун-кундан баттар бўлмоқда,  
Йил-йилдан балолар келса керакдир.  
Шароб ичган, зино қилган жаҳонда,  
Шундай машҳур бўлиб турса керакдир.  
Мусулмон қардошлар, дўнманг бу йўлдан,  
Кечарсиз сиротдан-ул нозик қилдан,  
Дажжол келар дерлар бир неча йилдан,  
Оламга бир ғавғо солса керакдир.

Маҳтумқули халқ руҳияти йўғрилган шундай гўзал оҳанглар яратдики, бу шеърӣ оҳанглар умумтуркий адабиётнинг бетакрор намунаси сифатида эъзозланмоқда. «У нимадир», «Бошлади», «Гўзалсан», «Туркманнинг», «Кўзим тушди», «Элингни», «Айрилма» каби юзлаб шеърлар шулар жумласидандир. Хуллас, Маҳтумқули ўзининг ўткир сатирик нафаси, халқчил асарлари, қимматли насихатномалари билан йиллар оша авлодлар, халқнинг севимли шоири бўлиб келмоқда.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам фан, адабиёт ва маданиятга муносиб ҳисса қўшган алломалар ўтган.

**Абдураҳмон Толеъ** XVIII асрда яшаган бухоролик мунажжим ва тарихчи олимдир. У Абулфайзхон даври (1711—1747)да яшаб кўпгина тарихий воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва «Тарихи Абулфайзхон» асарини ёзган. Бу асар XVIII асрнинг биринчи ярмидаги Марказий Осиёнинг сиёсий аҳволига оид қимматли манба бўлиб, Аштархонийлар давлатининг ўзаро урушлар кучайиб кетган ва Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг босқинчилик юриши натижасида инқирозга юз тутган даври ҳақида ҳикоя қилади. Асарда бундан ташқари Ражабхон бошчилигида мустақил Самарқанд беклигининг ташкил топиши, Зарафшон воҳаси ва Шаҳрисабз водийсида бўлиб ўтган ғалаён ҳамда кўзғолонлар ва уларнинг сабаблари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор.

**Муҳаммад Яъқуб Кенжа ибн Али Мирзо Бухорий** (тахминан 1771—1831) ўз даврининг йирик тарихчи олимларидан бўлган. У манғитлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори Дониёлбий оталиқ (1758—1785)нинг ўғлидир. Муҳаммад Яъқуб «Гулшан ул-мулук» («Подшолар гулшани») асарини ёзган. Асарнинг биринчи қисмида Бухоронинг қадимий тарихи, унинг ҳукмдорлари шажараси баён қилинган. Иккинчи қисмида эса, Марказий Осиёнинг XVIII ва XIX аср бошларидаги тарихи ўз аксини топган. Шу асрнинг охирларида Муҳаммад Шариф томонидан тузилган ва тарихий воқеалар солномаларини ўзида акс эттирувчи «Таджат-таворих» асари қимматли далилларга бой китобдир. Китобда воқеалар ривожӣ шайбонийлардан бошланиб, XVIII асрнинг сўнгги даврлари билан яқунланади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Яъқуб Кенжа ибн Али Мирзо Бухорий томонидан ёзилган «Фатҳномаи султонӣ» тарихий асарида солиқлар ислоҳот-

лари, хитой-қипчоқларнинг қўзғолонлари ва 1826 йилдаги сиёсий воқеалар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

«Мунтахаб ут-таворих» («Йилномалар тўплами») 1843 йилда тарихчи олим **Муҳаммад Ҳакимхон тўра (Маъсумхон Тўра ўғли)** томонидан ёзилган тарихий асардир. Унда пайғамбарлар ҳақидаги ривоятлар, қадимий Эрон, Араб халифалиги, сомонийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, мўғуллар, темурийлар ва бобурийлар даври тарихидан қисқача маълумотлар берилган. Айни замонда ушбу китобда Бухоро ва Қўқон хонлиқларининг ташкил топишидан бошлаб XIX асрнинг 42-йилларигача бўлган давр тарихи ўз ифодасини топган. Маъсумхон Тўра ўғли асарда ўзининг Россияга, араб мамлакатлари ва Эронга қилган саёҳатларидан олган таассуротларини ҳам ҳикоя қилади. «Мунтахаб ут-таворих» асари XIX асрда Ўрта Осиёдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум ва маданиятни ўрганишда ғоятда муҳим манбадир. Асарнинг ўзбек тилига таржима қилинган нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв.594).

Бу даврда бадиий ижод бобида ҳам илғор ва йирик мутафаккирлар қалам тебратганлар. Жумладан, ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган Мутрибий «Тазкирот аш-шуаро» китобида бадиий ижод билан шуғулланган 320 дан ортиқ шоир ва ёзувчиларнинг номларини тилга олади. Афсуски, уларнинг босиб ўтган ижодий йўллари тўғрисида етарли маълумотларга эга эмасмиз.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрда яшаб ижод этган қалам соҳибларидан бири **Воладир**. У тахминан 1786—1793 йилларда Бухоро амирлигига қарашли Янгиқўрғон ҳудудида таваллуд топган. Вола кўзи туғма ожиз бўлса-да, фавқулодда кучли ақл, хотира, қобилият ва ёқимли овоз эгаси бўлган.

Шоир амирликни ларзага солган қипчоқлар қўзғолони (1821—1826) га хайрихоҳлик билан қараган, халқ бошига тушган кулфат ва машаққатларни у билан бирга кечириб, жабрдийдалар ҳуқуқларини ҳимоя қилган ва илғор қарашлари учун ҳокимлар томонидан исканжага олинган.

Вола ўзбек ва форс-тожик тилида икки девон тузган бўлса-да, у ҳозиргача топилган эмас. У шеър ва ғазалларида улуг инсоний фазилатлар, ҳақиқий ва соф

муҳаббатни куйлайди. Буни биз Навоий, Маҳзун ва Ҳофиз ғазалларига ёзган мухаммасларида янада ёрқинроқ кўрамиз.

XIX асрдаги ўзбек ва тожик адабиёти тарихида салмоқли ўринга эга бўлган, аммо ижоди етарли даражада ўрганилмаган шоир ва табиб **Ҳозиқдир**. Шарқшунослик институтида Муҳаммад Ҳусайн Булғорий томонидан тузилган «Марсад ут-тасониф» номли («Тўпламларни ўрганиш жойи») анталогияда Марказий Осиё ва Эрон шоирларидан катта бир гуруҳининг, шу жумладан, шоир Ҳозиқнинг ҳам ўзбек ва тожик тилларида ёзилган 354 мисра шеъри бор. Бундан ташқари Ҳозиқнинг бир неча ғазал ва қасидалари 1820—1821 йилларда наманганлик шоир Фазлий томонидан Қўқонда тузилган «Мажмуат уш-шуаро» («Шоирлар анжумани») кўлөзма асарда ҳам учрайди. Унинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган шеърларидан тузилган тўплам Россия ФАнинг С.Петербургдаги Шарқшунослик институтида 470 С-сонли ҳужжатда сақланади.

Ҳозиқнинг асли исми Жунайдулло бўлиб, Ҳиротда туғилган, туғилган ва вафот қилган йиллари номаълум, вафоти 1843 йил деб тахмин қилинади. Шоир 1799—1800 йилларда Ҳиротдан Бухорога келган. Бухорода узоқ яшаш имконияти бўлмаганлигидан 1820 йилда Қўқонга, у ердан Хивага, сўнг яна Қўқонга, Бухорога борган, умрининг сўнги йилларини Шаҳрисабзда ўтказган. Албатта, бундай сарсон ва саргардон бўлиб юришлар орзу-ҳавас туфайлидан эмас, балки ҳаёт эҳтиёжлари ва ночорликдан эди. Ҳозиқ амир Насрулло одамлари томонидан Шаҳрисабзда қатл этилган.

Шоирнинг чуқур инсонпарварлик гоёлари билан суғорилган оташин шеърлари, юрак торларига ларза солувчи нозик ва оҳангдор ғазаллари узоқ йиллардан бери севиб ўқилади ва ёқимли оҳангларда куйланади. Уларда меҳнаткаш халқ қисматига ачиниш, айрим золим бойлар ва қонхўр тўраларга нафрат жўшиб куйланади. Зодагонлар ва сарой аҳли олтин ва зарлар ичида кўмилиб ётган бир пайтда асосий бойликни яратувчи меҳнаткаш халқ: деҳқонлар, ҳунарманд ва косиблар, олим ва шоирлар очлик ва қашшоқликда яшаётган даврнинг жирканч томонларини фош қилган шоир олтиннинг ҳаётда нақадар катта кучга эга эканлигини зўр бадиий маҳорат ва ўткир киноялар билан тасвирлайди:



Метавон бо зар худоро ҳам зи худ хушнуд сохт,  
Зар Худоро чун хуш ояд бас чи ҳарфи дигар аст.  
Гар надоранд аҳли дунё чашм бар зар аз чи рӯ  
Эътибори Ҳозик аз эшик оғоси камтараст.

### М а з м у н и:

Олтин орқали худони ўзингдан ҳам хурсанд қилишинг  
мумкин,  
Олтин худога ҳам ёққандан кейин бошқа гапнинг нима ҳожати  
бор.

Агар дунё аҳли олтин орқали қарамаганида не сабабли,  
Ҳозикнинг эътибори эшик оғасиникидан ҳам паст бўлур эди.

Ҳозикнинг тожик тилида ёзган йирик эпик асари «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг еттита қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Бу дoston 1905 йилда Тошкент шаҳрида литография усулида босилиб чиққан. Ҳозикнинг тиббиётга оид ёзган қўлёзма асарлари ҳам мавжуд.

Бу даврда тарихий-бадиий асарларни ўзбек тилига таржима қилиш масаласида ҳам баъзи бир амалий ишлар қилинган. XIX асрнинг 30-йилларида Шаҳрисабз беклигида шоир Хиромий ҳинд, форс адабиётида машҳур бўлган «Чор дарвиш» ва «Тўтинома» ҳикояларини ўзбек тилига ўтиради.

Ўзбек миллий маданияти марказларидан яна бири—бу Қўқон шаҳри эди. Бу ерда XVIII—XIX асрнинг биринчи ярмида илм-маърифат оламида номи дунёга машҳур бўлган улуғ мутафаккир ва шоирлар етишиб чиқадди. Хусусан, XIX асрда Қўқон хони Умархон (1810—1822) ва унинг умр йўлдоши шоира Нодиранинг саъй-ҳаракати туфайли Қўқон шаҳри илм-маърифат марказига айланади, бу ерда Қўқон адабий муҳити пайдо бўлади.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган истеъдодли ва исёнкор шоир **Бобораҳим Машраб** (1640—1711) дир. У Наманганда туғилган. Етти ёшидан машҳур шайх Мулло Бозор Охунд қўлида таълим олиб хат-саводини чиқарган. 15 ёшларидан Қашқарда машҳур шайх Офоқхожа қўлида етти йил тасаввуф илмини эгаллайди. Сўнг канизақлардан бирини севиб қолгани учун Офоқхожа даргоҳидан қувилди. Ёркентга, у ердан Хўтанга, сўнг Фулжага боради. Машраб Фулжадан Қашқарга қайтади. Сўнг Офоқхожа

топшириғи билан Тошкентга ва яна Офокхожа ҳузурига, ундан кейин ўз она юрти Наманганга келади. Хуллас, 18 йил давомида юқорида номлари тилга олинган юртларни кезган Бобораҳим Машраб Яман, Ҳиндистон, Дакан (шаҳар), Исфаҳон, Ҳирот, Машҳад, Макка, Мадина, Ҳалаб, Шероз, Шом, Рум, сўнг Бухоро, Тошкент, Шоҳимардон, Афғонистондаги Шибирғон, Андхуй каби жойларда ҳам бўлади. Буни Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 9968-рақамли қўлёзма асослаб беради. Унда Машрабнинг «Кимё» асаридан 16 кимё (боб) ва «Мабдаи нур» китобидан иккинчи дафтари, сўнг шоирнинг 71 газали, 7 мухаммаси ва битта мусаддаси берилган.

Шоир Машраб ижодини ўрганишда юқорида қайд этилган 9968-рақамли қўлёзмадан ташқари Шарқшунослик институтида сақланаётган бошқа бир қатор манбалар, жумладан, «Тазкираи фаҳмий», «Мунтахаб аттаворих» (Муҳаммад Ҳакимхон тўра асари) ва Машраб замондоши, у билан бирга бўлган Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландорон»<sup>1</sup> асари ғоятда қимматлидир.

Машраб шеърларида ўзи яшаган давр ҳукмронларининг меҳнаткаш халққа қарши қаратилган сиёсатини, бойлар, амалдор тўралар ва чаласавод муллаларнинг риёкорликлари, мунофиқликлари, ўзбошимчаликлари, хуллас, ўрта асрчилик зулмининг барча иллатлари фош этилади. Халқнинг оғир қисматли аҳволига ачинади. Шоир «Девон»ига кирган қуйидаги сатрлар бунга ёрқин мисолдир:

Дили тиғи ситамдин, пора бўлғон халқни кўрдим,  
Тани дарду аламдан ёра бўлғон халқни кўрдим,  
Кўзи вақти саҳал сайёра бўлғон халқни кўрдим,  
Муҳаббат даштида овора бўлғон халқни кўрдим,  
Жунун тугён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо.

Ёки:

Қадди меҳнат тоғидин ҳам бўлган эй бечоралар,  
Бағри ваҳшат тиғидин юз пора ҳам юз ёралар.  
Кўрмаган умри ичинда бир дами бир яхши кун,  
Тийра ғамдин дилда доғ, ҳам кўзлари гирёналар.

Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландорон» аса-

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1990 йил, 8-сон, 152-бет.

рида Машрабнинг замондоши Сўфи Оллоёр билан бўлиб ўтган қисқа суҳбати берилган бўлиб, у ғоятда диққатга лойиқдир. Салом-алик адосидин сўнг Сўфи Оллоёр Шоҳ Машрабга юзланиб демишларки: «Ё Машраби девона, шоирлик шухратингиз оламни тутибдур. Сизни бирла мулоқот орзусида эрдим, эрса Тангри таоло бу орзумни еткарди. Хуш келибсиз, сафо келибсиз!» Андин сўнг шоҳ ва эшони Сўфи ораларинда ажиб суҳбат бўлиб ўтмиш. Гап орасида Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё Сўфим, Сиз бутун умрингиз мобанийда пулисиротга хушомад қилмишсиз. Ҳузурий дегони эса дўзахга хушомад этмиш. Дўзах ва пулисирот даҳшатларидин, дўзах азобларидин авом халқ руҳини ларзага солмишсизлар. Ё Сўфим, инсоф бирла тафаккур қилинса, дўзах ва пулисирот шу ёруғ дунёнинг ўзида мавжуд эрмасму? Фарзанди одам умрининг ибтидосидин то интиҳосига қадар босиб ўтмиш йўлнинг ўзи қил устида турмоқлик; гардун ва золимлар анинг бошига ёғдирмиш азобу уқубатлар, сонсиз фалокатлар дўзах азобидан камму? Ё Сўфим, оёқларингиз остига бир назар ташланг, пулисирот ва дўзах анда мавжуддир».

Эшони Сўфи ва аҳли дўзах уламо Шоҳ Машраб жавобларидин тағйир тортиб, истиғфор келтурмишлар. Эшони Сўфи Шоҳ Машрабга юзланиб дедиларки: «Ё Машраби мажзуб, гуноҳга ботманг. Олло Таоло Беҳишт ва дўзахни солиҳ ва кофир бандалари учун яратмиш. Ғофил бандаларни бу ҳақиқатидан огоҳ қилмоқ сиз ва биз учун ҳам фарз, ҳам қарздур». Анда Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё Сўфим, агар ҳақиқат қилингу си бўлса, дўзах аро барча гуноҳкорлар тўлуб-тошуб, анда оёқ босарга жой қолмас, азоб малоикалари эрса ўз юмушларининг уддасидин чиқаолмағайлар. Беҳишт эрса бўш қолур. Келинг, то танда жон мавжуд эркан, шу ёруғ дунё ташвишлари борасинда жисмижў қилмоғимиз маъқулроқдур...»

Бобораҳим Машраб 1711 йилда динга шак келтирганликда айбланиб, Балх ҳокими Маҳмудхон томонидан осиб ўлдирилган.

**Шоир Маҳмур (XVIII аср охири—1844).** У ўз даврининг йирик сатирик шоири эди. Зиёли оиласидан бўлган Маҳмурнинг отаси Мулла Шермуҳаммад мадрасасида мударрислик қилган, Акмал тахаллуси билан шеърлар ёзиб, ижодий иш билан ҳам шуғулланган. Маҳмурнинг асли исми Маҳмуддир. Маҳмур шоирлик тахаллусидир.

У отаси дарс берадиган Мир мадрасасида таҳсил кўради. Ўз замонасининг етук намояндаси бўлиб етишади. Маҳмуд отаси Акмални ўраб олган муҳит таъсирида жуда ёшлиқдан бадиий ижодга берилади. Ундаги қобилиятни сезган сарой аҳллари Маҳмурни сарой шоирига айлантиришга ҳаракат қиладилар. Маҳмур саройда аскар бўлиб хизмат қилиш билан бирга ижодий фаолиятни ҳам давом эттиради. Сарой шоирлари уни масхаралаб, устидан кулар эдилар.

Шоир амалдорлар ва сарой шоирлари билан келишолмасдан саройни тарк этади. У умрининг охирига қадар қашшоқлик ва муҳтожликда Ҳапалак қишлоғида яшади, ижод этди ва шу ерда 1844 йилда хор-зорликда вафот этади.

Маҳмур юқорида таъкидлаганимиз сингари сатирик ҳажвий шеърлар ижод этган. Айниқса «Ҳапалак» шеъри шоир ижодининг юксак погонаси бўлиб, унга катта обрў ва эътибор келтиради. Бу шеърда шоир Кўқон хони Умархонга мурожаат қилиб халқнинг оғир иқтисодий турмуш шароитини енгиллатиш, уларни эзиб қўйган солиқ ва ҳар хил тўловлардан озод қилишни илтимос қилади. «Ҳапалак» ўзида бир қишлоқ манзарасини акс эттирса-да, ҳақиқатда бутун Кўқон хонлигидаги аксарият халқнинг оғир иқтисодий турмуш шароитини, камбағал деҳқонлар хонадонининг вайрона бўлиш манзарасини бадиий бўёқларда ифодалаган.

Маҳмур «Ҳапалак»дан ташқари яна жуда кўплаб ҳажвий шеърлар ижод қилган. «Итбоқар Қози», «Ҳожи Ниёз», «Каримкул Меҳтар», «Амаким» («Абдулкарим Фазлий Намангоний тўғрисида ҳажв»), «Ҳаким Туробий» ва бошқалар шулар жумласидандир. «Амаким» шеърида шоир хушомадгўй сарой шоири Мадлоҳ Фазлийни фош этса, «Қози Муҳаммад Ражаб тўғрисида ҳажв»да «адолат посбонлари» бўлган қозиларнинг товламачилиги, юлғичлиги, икки юзламачилиги ва айёрлигини очиб ташлайди, танқид қилади. Шоир қози Муҳаммад Ражабнинг бошига ўралган катта беўхшов салласини масхаралаб, шундай дейди:

Бузиб жумла дарвозани салласи,  
Эшикларни вайрон қилур калласи.

Маҳмур амалдор тўралар ва зодагонларнинг ноинсоний, жирканч қиёфаларини ва уларнинг ярамас кирдикорларини очишда бадиий усуллардан, халқ ҳажви-

яси ва бадиий тил воситаларидан фойдаланади. Жумладан, «Ҳаким Туробий»да нодон, билимсиз ва таъмагир табибларни фош этар экан, бадиий бўёқлар воситаси билан Ҳаким Туробийнинг разил афт-ангорини қиш фасли чилласига ўхшатиб:

«Эрур ранги қиш чилласидан совуқ»

дейди.

Хуллас, шоир Маҳмур сатира жанридан усталик билан фойдаланиш асосида ўзи яшаган даврдаги ҳаёт нуқсонларини, камчилик ва адолатсизликларни кескин танқид қилди ва кейинги авлод ёзувчи-шоирлари ижодига баракали таъсир кўрсатди.

**Гулханий.** Асли исми Муҳаммад Шариф бўлган Гулханий XVIII аср охири — XIX аср бошларида яшаб ижод этган атоқли ва халқчил ёзувчидир. У тахминан 1770 йилларда Дарвозда (Тожикистоннинг ҳозирги Тавилдара ва Қалъаи хум туманлари) камбағал оилада таваллуд топган.

Гулханий бошланғич таълимини қишлоқда олади. Унда шеърӣ ижодга ҳавас жуда эрта уйғонади. У кўплаб ёзма бадиий асарларни мутолаа қилади, халқ оғзаки ижодини ўрганadi. Гулханий оғир иқтисодий қийинчилик шароитида яшайди. Муҳтожлик уни Фарғона водийсига олиб келади. Наманганда мардикорчилик қилади ва шу йўл билан ўқишни давом эттиради. Бу ердан хонлик маркази Кўқонга ўтади ва шу жойда кўним топади. Моддий қийинчилик шоирни Кўқонда ҳам тарк этмайди. У ҳатто ҳаммомда ўт ёқувчи—гўлаҳ бўлиб ишлайди. «Гулханий» тахаллусини шоир ушбу касби тўфайли танлаган бўлса ҳам ажаб эрмас. Бироқ «Мажмуаи шуаро» тазкирасида ёзилишича, шоир оташқалб, юрагида ўти бор бўлгани учун «Гулханий» тахаллусини қўллаган. Гулханий Кўқон хони Олимхон саройида бўлса-да, оғир иқтисодий шароитда эди. Умархон ҳукмронлиги даврида ҳам шоирнинг ҳаётида ўзгариш бўлмайди. Шу тариқа у XIX асрнинг биринчи ярмида қашшоқлик ва муҳтожликда бу бевафо дунёни тарк этади.

Катта қалб ва қобилият эгаси бўлган Гулханийдан ажойиб мерос қолди. У ўзбек ва тожик тилида ижод этган. Тожикча ёзган шеърларида «Журъат» тахаллусини қўллаган. Катта қалб ва қобилият эгаси бўлган Гулханийдан ажойиб мерос қолди.

Гулханий ўз асарларида замона иллатларини, ҳукмрон доираларнинг халққа ўтказган зулми ва оғир турмуш шароитини бадиий маҳорат билан очиб беради. Буни шоир ўзининг турмуш қийинчиликлари ва азоблари тимсолида кўрсатади. У «Бидеҳ» («Бергил») деб номланган тожик тилидаги шеърида ўзининг навкар сифатида хизмат қилган вақтда камситилган ва хўрланганини қуйидагича ифодалайди: «Ҳазратим, очликдан ўлдим, егани нон бер менга», деб бошлайди ва «Навкаринг очликдан ўлса, нега ҳайфинг келмагай?!» деб хонга мурожаат қилади.

Гулханий сарой муҳитидан норозилик кайфиятини ва бу муҳит шоирга бегона эканлигини моҳирона тараннум этади:

Хунар ҳар чанд метаровоад аз ҳар ангуштам,  
Эй бахти норасо коре еадорад бар зор ангуштам.

### М а ъ н о с и:

Ҳар бир бармоғим учидан хунар жилоланиб турса ҳам,  
Лекин мен шундай бахтсизманки, бармоқларим зар (олтин)дан жуда узоқ туради.

Гулханийга катта ҳурмат ва обрў келтирган асар сўзсиз «Зарбулмасал»дир. Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини чуқур ўрганиш ва мутолаа қилиш асосида юксак маҳорат ва бадиий услубда ёзилган ушбу асардаги ҳар бир масал ўзи мустақил бир асардир, десак муболаға бўлмайди. «Зарбулмасал»даги «Маймун билан Нажжор», «Туя билан Бўталоқ», «Тошбақа билан Чаён» масалларида «қиссадан ҳисса» деганларидек, ахлоқий-таълимий фикр ва маънолар ибратомуз тарзда ёритилган. Ёзувчи асардаги Япалоққуш, Бойўғли, Кўрқуш, Ҳудҳуд, Кулонкир султон, Шўранул, Малик Шоҳин ва Кордонларнинг бир-бирлари билан куда-анда бўлиш жараёнида айтган гап-сўзлари, масал-мақоллари ва ҳикоялари орқали ҳаётини муаммо ва жумбоқларни ечиб беради ҳамда ўзи яшаган даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузум манзарасини ёрқин бадиий ифода этади.

Хуллас, Гулханий халқчил, демократик масалчи ёзувчи сифатида меҳнаткаш халқнинг қалбидан чуқур жой олган сиймодир.

**Жаҳон отин Увайсий (1778—1845).** XVIII асрнинг иккинчи ярми—XIX асрнинг биринчи ярмидаги Қўқон

маданий ва адабий муҳитини Жаҳон отин Увайсий ва Моҳлар ойим—Нодиралар ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жаҳон отин Марғилон шаҳрининг Чилдуҳтарон маҳалласида таваллуд топган. Унинг оиласи ўз даврининг илғор ва маърифатли оилаларидан бўлган. Отаси ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ижод қилган. Онаси Чиннибиби мактабдор эди. Акаси Охунжон Ҳофиз ҳам ўз даврининг таниқли маданият ва санъат ходимларидан ҳисобланган. Жаҳон отин Увайсий оилада таҳсил олиб савод чиқарган. Унинг умр йўлдоши марғилонлик қосиб Ҳожихон оламдан жуда эрта ўтади. Бева қолган Увайсий қизи Куёш ва ўғли Муҳаммадхонларни ўзи тарбиялаб вояга етказди.

Оиладаги муҳит тарбияси таъсирида шеърятга ҳавас Увайсийда жуда ёшлиқдан шаклланади. У кейинчалик Алишер Навоий, Лутфий, Бобур, Фузулий, Ҳофиз, Жомий ижодлари билан яқиндан танишади ва уларни кунт билан ўрганади.

Умархон Марғилонга ҳоким бўлган (1806—1807) кезларда Увайсий эл ўртасида номдор шоира сифатида танилган эди. Ундаги нодир қобилияти Нодирани ўзига ром этади. Увайсийни Марғилонда яхши таниган ва билган Нодира, Умархон Кўқонда хон бўлгач махсус ёрлиқ билан уни хонлик пойтахтига олиб келтиради. Увайсий Умархон саройида жуда кўплаб ёш ижодкорларга устозлик ва мураббийлик қилади. Увайсий билан Нодира ўртасида мустаҳкам ижодий ҳамкорлик қарор топади. Мирза Карим ўзининг «Моҳларойим» романида бу дўстона ҳамкорликни қуйидагича ифодалайди: «Жаҳон отин беклик даргоҳига келди-ю, Моҳларойим билан бири кўз билан қош бўлиб қолди»<sup>1</sup>.

Увайсий баракали ижод соҳибасидир. Маълумотларга қараганда, ундан тўртта лирик девон мерос бўлиб қолган. Шунингдек, шоира учта дoston ҳам битган. Бироқ бу ижод дурдоналари бизгача тўлиқ етиб келмаган ёки ҳалигача топилган эмас. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №1837 рақами билан Увайсийнинг мукамал қўлёзма девони сақланади. Шоиранинг «Карболонома» ёки «Шаҳзода Ҳасан», «Шаҳзода Ҳусайн ҳақида дoston» ва тўла бўлмаган «Воқеоти Муҳаммад Алихон» каби дostonлари ҳам ана шу девонга қўшиб кўчирилган. Девон таркибида 269 газал,

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 11-сон, 29-бет.

29 мухаммас, 55 мусаддас ва бир мурабба жамланган. Шоиранинг ҳамма асарлари ўзбек тилида ёзилган бўлиб, унда Навоийнинг 9 ғазалига, Ғолинийнинг 3 ғазалига, Амирийнинг 5 ғазалига мухаммаслар мавжуд.

Увайсий ижоди халқпарварлиги билан ажралиб туради. У халққа яқин турган ижодкор сифатида умрининг охиригача яшайди. Шу боис Увайсий асарларида эл-юрт дарди, қисмати ва ҳасратлари бош мавзу бўлди. Буни қуйидаги сатрларда ҳам яққол кўрамиз:

Дунёни букун даврила даврони ғанимат,  
Келтурди халойиқники меҳмони ғанимат.  
То булбули мастона суханрезини бул дам,  
Анвойи жаҳон боғу гулистони ғанимат.  
Умрингни баҳорида муҳаббатни суғоргил,  
Кўз мардумининг гиряи борони ғанимат.  
Очғил кўзинг, э дил, кўрақол вақти тамошо,  
Айёми жаҳоннинг моҳи тобони ғанимат.

**Зиннат** шоир(а), давлат арбоби, додхоҳ. В.П.Наливкин ва М.С.Наливкиналар «Очерки быта женщин оседлого туземного населения Ферганы» номли китобида «Кўқонда иккита шоира яшаган, бирининг тахаллуси Зиннат, иккинчи эса Маҳзуна тахаллусли. Ишонтиришиб айтишмоқдаларки, улардан бири очиқ юз билан эркакларча кийиниб хон саройига келар экан ва унинг додхоҳ унвони ҳам бўлган. Иккаласининг ҳам ғазаллари Умархонники сингари «Мажмуат уш-шуаро» номли шеърлар тўпламига киритилган»<sup>1</sup> деб ёзганлар.

Кўқон хонлиги тарихида ҳозирча маълум бўлган аёл додхоҳлардан фақат **Қурбонжон додхоҳни (1811—1907)** биламиз. Ҳ.Бобобековнинг фикрича, ана шу Қурбонжон додхоҳ Зиннатдир. Ушбу сатрлар муаллифларидан бирининг шахсий кутубхонасида бир қўлёзма баёз китоб бор. Унга Зиннатнинг «Баҳру одобки...» сўзлари билан бошланган шеъри киритилган. Бунда у инсонни улуғлайди, одоб ҳақида фалсафий фикр юритади, ҳаётда мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар ҳақида гапириб, уларнинг бирор кун бартараф бўлишига умид қилади, халқни эса қуёшга ўхшатади.

<sup>1</sup> *Наливкинлар. Ўша асар. А.Мадаминповнинг гадқиоти бўйича мазкур таъкирада «Зиннат» тахаллусли эркак шоирнинг ҳаёти ҳақида 16 мисралдан иборат маснавий, шоирнинг битта тожикча, битта ўзбекча қасидаси ва битта ўзбекча ғазали берилган.*



Албатта, битта шеър билан бир шоирага тўла баҳо бериш қийин. Биз адабиётшуносларимиз келажакда Зиннатнинг янги асарларини топиб, унга муносиб баҳо берадилар деб умид қиламиз.

**Моҳзода Бегим (XIX аср)**—ўзбек шоираси. Унинг яшаган даври ва таржимаи ҳолига оид маълумотлар кам сақланган. Моҳзода Бегимнинг «Жаҳона хитоб» деб аталувчи шеъри қўқонлик маърифатпарвар шоир Иброҳим Даврон (1874—1922) бостириб чиқарган «Ашъори нисвон» («Аёлларнинг шеърлари», ЎзР ФА Шарқшунослик институти, инв №16704) китобига киритилган. Шоира бу шеърида ўз давридаги хотин-қизларнинг аянчли қисмати, уларнинг ҳуқуқсизлиги ва мудҳиш ҳаётини тасвирлаб, ўзи яшаётган тузумнинг адолатсизлигидан шикоят қилади.

**Маҳзуна.** Меҳрибон мулла Бошмон қизи (XIX аср)—ўзбек шоираси. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўла маълумот йўқ. Фазлийнинг «Мажмуат уш-шуаро» асарида Маҳзуна ҳақида бундай дейилган: «У ақлу идрокда Зебунисодек ягона бўлиб, Қўқоннинг машҳур шоираларидандур. Бир ой юзlining тахаллуси Маҳзуна бўлиб...Мен нотавон турли ўй-фикрлар билан унга қандай ғазаллар юбормайин, ул пари чеҳра менга ҳар байтимга гавҳардек пок жавоблар қайтарар эди». Маҳзунанинг девони ҳақида айрим маълумотлар мавжуд бўлса-да, ҳали бу девон топилмаган. Унинг Фазлий билан мушоираси шоира қобилиятини намойиш этиб туради, мазмунан дунёвий ғазалларга ҳамоҳанг... Эрлар билан аёллар ўртасидаги ҳар қандай муносабатлар таъқиқланган бир даврда шоиранинг Фазлий билан мушоира қилганлиги унинг ижодий жасоратидир.

Маҳзунанинг айрим ғазаллари қўлёзма баёзларда учрайди.

**Муштарий (Саодат) (1810, вафоти номаълум)**—ўзбек шоираси, Худоёрхон саройида котиблик, муншийлик қилган. Шеърларида кишиларни яхшилик, камтарлик, поклик ва адолатга чақиради. Жоҳил ва тубан кишилардан нафратланади. Унинг ижодида дostonчилик ва қиссанавислик етакчи ўрин эгаллаган.

**Нодира (Моҳларойим 1792, Андижон—1842, Қўқон)**—ўзбек шоираси, маърифатпарвари, «Комила» ва «Маҳзуна» тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон ҳокими Раҳмонқулбий минг қабиласидан, Қўқон хони Олимхоннинг тоғаси.

Олимхон укаси Умархонга Маргилон ҳокимлигини беради ва 1808 йилда Нодирага уйлантиради. Нодира шу хонадонда шеър ёзишни машқ қилади. Шоира Увайсий билан танишиб, уни ёш болалар ва канизакларни ўқитиш учун муаллима сифатида саройга таклиф қилади.

1892 йилда Умархон вафот этиб, унинг 14 ёшли ўғли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга ўтиради. Нодира бор имкониятдан фойдаланган ҳолда маданият ва санъатни ривожлантиришга интилади. Унинг замондоши, сарой шоири Ҳожар шундай дейди: «Умархон вафотидан сўнг бу иффат садафининг инжуси Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарларда фозиллар, олимлар, ҳаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келди».

Нодира бир неча китобларни кўчиртиради ва шоирларни янги-янги девонлар, асарлар, дostonлар ёзишга ташвиқ қилади. Девонларнинг чиройли ёзилиши, муқовасининг безатилишини шоиранинг шахсан ўзи кўздан кечириб туради. У яхши котибларга тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни «Заррин қалам»лик мансабига кўтаради.

Нодира бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига эътибор беради. Катта ғуристондаги «Мадрасаи Чалпак», Тақачилик растасидаги «Моҳларойим мадрасаси», «Даҳмаи шоҳон»ни ҳам Нодира қурдирган.

Амир Насрулло 1842 йилда Қўқонга бостириб кириб, уни талон-торож қилади. Султон Маҳмудхонни, унинг акаси собиқ хон Муҳаммад Алини, Нодирани ва бир неча зодагонларни шафқатсизларча ўлдиради.

Нодиранинг адабий мероси ғоявий-бадий аҳамияти нуқтаи назаридан мумтоз шеърятнинг ғўзал намуналаридандир.

Нодира шеърятининг асосини лирика ташкил этади. У муҳаббат, садоқат ва вафо куйчисидир. Шоира ғўзаллик ва садоқатни, Шарқ хотин-қизларининг дard-аламлари, оҳу-фиғонларини куйлайди.

Нодира мумтоз поэзиянинг мавжуд барча жанрларида қалам тебратади. Унинг ўзбекча ва тожикча ғазаллари 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажм ва арузнинг турли вазнларида яратилган. Шоира ғазалларининг асосий қисми 7—9 байтlidir. У мумтоз адабиёт анъаналарини самимият ва ихлос билан давом эттиради. Наво-

ий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлайди. Ўз ғазалларида кўпроқ «муқаррар» (сўзнинг такрорланиб келиши) ва «кўш муқаррар» усулларини қўллайди.

Шоиранинг асарларида талмеҳ, мажоз, ташбеҳ, истиора, тазод, ташхис, интиқ каби бадий воситалар маҳорат билан қўлланилган. Унинг лирик ғазаллари чуқур мазмундорлиги, инсонийлик мавзулари билан ўша замондаги илғор гоёларни тараннум этади.

Нодира тожик тилида ҳам гўзал, таъсирчан шеърлар ёзади. Улар ҳам мазмун, ҳам бадий маҳорат жиҳатдан ўзбек тилидаги ғазалларидек юксак даражада ёзилган бўлиб, шоира ижодини яна ҳам кенг ва тўла-роқ ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

## 7. Меъморчилик ва санъат

Ўрта Осиёдаги хонликларда XVIII—XIX асрларда хўжалик тушкунликка юз тутиб бораётган ва аҳоли турмуши тобора тубанлашаётган бўлса-да, меъморчилик ва санъат тараққиётида бир қатор ибратли ишларнинг амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Бу даврда қурилган улкан ва гўзал меъморчилик ёдгорликлари ҳозирги кунда ҳам ҳар қандай кишининг диққат эътиборини ўзига тортади. Бухорода яхлит ёдгорлик тариқасида режаланиб амалга оширилган ажойиб меъморчилик ансамбли—Регистоннинг кун ботиши томонида 1712 йилда қурилган Болоҳовуз масжиди ўша даврнинг энг йирик иншооти бўлган. Ҳукмдорнинг саройлари, масжидлари ва танга чиқариш муассасалари макони бўлган Арқ қурилиш мажмуи ҳам XVIII—XIX асрларда барпо этилади.

XVIII асрнинг иккинчи ярми—XIX асрнинг биринчи ярмида меъморчилик соҳасида хоразмлик усталар етакчилик қиладилар. Ўша давр ёдгорликлари орасида ажойиб сарой мажмуалари Хазораспдаги Раҳмонқул иноқ саройи, Кўринишхона айниқса диққатга сазовордир. Бу бинолар сирти нақшли сопол плита (кошин)лар билан безатилган. Бу сополларда тўқ кўк ранг устига яшил ва оқ гулларнинг бир-бирига чирмаштирилган расмлари чиройли қилиб берилган. Хонлик пойтахти Хива айниқса XVIII—XIX асрларда гуллаб-яшнайди. Шаҳар икки қисмдан—Ичан (ичкари) қалъа ва Дишан (ташқари) қалъадан иборат. Шаҳар марказида

жойлашган Жума масжиди (XVIII аср) Марказий Осиёнинг энг гўзал иншоотларидан ҳисобланади.

Шерғозихон (1718—1720), Қутлуғ Мурод иноқ мадрасалари, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Оллоқулихон, Муҳаммад Аминхоннинг қатта мадрасалари (XIX аср) ва Тош ҳовли саройи (1830—1838 йиллар) ўзига хос нафис ва гўзалдир. Бу қурилиш обидалари Марказий Осиё меъморчилигининг ажойиб ёдгорликларидир.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида ҳам бинокорлик меъморчилиги ривожланади. Хонликнинг маркази Қўқон шаҳрида, Марғилон, Андижон, Наманган, Тошкент шаҳарларида масжид, мадрасалар, кутубхоналар қурилади. Биноларни безатиш учун гул намуналари кенг қўлланилиб, шифтларга бўёқли нақшлар чизиш, нақшларни ганчга ўйиб солиш одат бўлади.

Ўша даврда ҳар учала хонликда ҳам юқоридегидек, иншоат қурилиши ва ҳунармандчилик санъатининг турли йўналишлари ривож топади. Булардан ташқари ёғоч ва мисга ўйиб нозик нақшлар солиш, сопол ва чинни, яроғ-аслаҳалар ясаш ва ҳар хил уй-рўзғор буюмлари, матолар тўқиш кенг тарқалади.

Қўқон шаҳри ўзига хос ёдгорликлари билан ҳам машҳурдир. Бу борада Қўқон шу кунга қадар сақланиб қолган тарихий меъморчилик ёдгорликлари билан Самарқанд, Хива, Бухородан кейин тўртинчи ўринда туради. Бу борада, хусусан, Худоёрхон ўрдаси, Норбўтабий мадрасаси, Мадрасаи Камол қози каби бошқа ўнлаб тарихий обидалар диққатга лойиқдир.

Кўплаб тарихий ёдгорликлар уруш, об-ҳаво ва ер қимирлашлари туфайли бузилиб вайронага айланади, ёки йўқ бўлиб кетади. Жумладан, 1815 йилда Қўқон шаҳрида юз берган zilзила оқибатида жуда кўплаб одамлар уйлар тагида қолиб, ҳалок бўладилар. Айрим жойларда ерлар ёрилиб кетади. Бир неча киши у ерда йиқилиб ҳалок бўлади. Ердан тутун чиқиб сув фаввора бўлиб отилган. Ер олти ой давомида силкиниб турган<sup>1</sup>.

Театр санъатида масхарабозлик, қизиқчилик, дорбозлик, қўғирчоқбозлик каби томоша кўринишлари кенг тарқалган. Масалан, Бухоро амирлигининг турли шаҳарларида XVIII—XIX асрларда Сайфулла Масхара, Зокир Масхара, Эргаш Масхара каби артистлар «Раис»,

<sup>1</sup> ЎзР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв. № 954, 314-варақ.

«Судхўрнинг ўлими», «Кўҳистонлик домла», «Мураб-боши» сингари асарларни<sup>1</sup> саҳналарда моҳирлик билан ижро этганлар.

XIX асрда кўғирчоқ театрининг Шосолиҳ, Гофур, Халфаранг (Кўқон), Орифжон Кўғирчоқбоз, Азим бу-рун, Дониёр (Тошкент), Шомуҳитдин Шоазимов, Тур-сунбой Абдулжаббаров (Марғилон), Сиддиқ Калон, Жўра Қайроқ, Ҳамро Кўғирчоқбоз (Самарқанд), За-риф Мисгар, Шариф Сайёҳ, Қори Хожи (Бухоро), Қилич (Шаҳрисабз) ва бошқа шулар сингари усталари бўлган.

Хонликлар ҳудудида рақс санъатининг Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Тоғли усуллари мавжуд бўлиб, ўз навбатида уларнинг ҳар бири ўзига хос жанр хусуси-яти ва турларига эга эди. Масалан, Фарғона ўйин санъати: «Катта ўйин», «Кема ўйин», Хонаки ўйин», «Ялла», Хоразм ўйин санъати: «Мақом ўйин», «Хо-наки ўйин», «Лазги», «Ялла», «Зангбози»ларни ўз ичи-га олган ва ҳоказо. «Тоғ ўйин» кўпроқ Ўзбекистон ҳудудидаги жануб халқлари маданиятига хос бўлиб, «Беш қарсақ», «Уч қарсақ», «Дастбози» каби усуллар-дан иборат эди.

Хулоса шуки, XVI—XIX асрларда Ватанимиз ҳуду-дидаги халқлар ҳудудий тарқоқлик, хўжалик ва иқти-содий тушкунлик ҳолатида бўлсаларда фан, маданият, санъат тараққиётида бир қатор ижобий ютуқлар ва сал-моқли муваффақиятларга эришдилар. Бу билан улар жаҳон маданияти ва цивилизацияси тараққиётига му-носиб улушларини қўшдилар. Аммо XVII—XIX асрлар-да Ўрта Осиё ва ундаги давлатлар жаҳон цивилизация-си жараёнидан тобора четда қолаверди, илғор давлат-лардан орқада қолди.

Юртбошимиз Ислом Каримов хонликлар даври та-рихига янгича назар ташлар экан, тарихчи мутахас-сисларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади: **«Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сий-моларни берган бу миллат XVII—XIX асрларга келиб то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолоқ-ликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қар-**

<sup>1</sup> История Узбекистана. Т. III. Т., «Фан», 1993, 412-бет.

шилигига қарамай чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида мана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикин»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, XVII—XIX асрлар жаҳон тарихига моддий ва маданий юксалиш даври бўлиб кирганлиги маълум. Хусусан, Европадаги бир қатор мамлакатларда ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди, завод-фабрикалар қурилиб, янги техник ускуналар билан жиҳозланди, темир йўллар қурилди, денгиз йўллари очилди, меҳнат унумдорлиги ошди, одамларнинг моддий ва маданий турмуш даражаси кўтарилди. Ўрта Осиё хонликлари ана шундай ижобий жараёнлардан четда қолди, қолоқликка юз тутди<sup>2</sup>.

Бу қолоқликнинг илдизи, сабаблари бор эди.

**Биринчидан**, асрлар давомида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг, ягона иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқнинг учга бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, ҳар бир хонлик ичидаги бошбошдоқлик ва ҳокимият учун ўзаро тинимсиз давом этган ички низо ва урушлар бутун мамлакатни вайрон қилади. Бу жараён гуруҳбозликни келтириб чиқаради, қабилаларнинг этник аралашуви-га, бир халқ бўлиб қовушишига, жипслашишига ҳалақит беради. Давлат даражасида ҳам, вилоятлар даражасида ҳам ягона халқ, ягона ватан тушунчасининг қадри англаб олинмайди.

**Иккинчидан**, Ўрта Осиё давлатларининг асрлар давомида ўзгармай келаётган давлат бошқарув усули, тизими, тор доирадаги ҳукмдорлар зулми тараққиётга ғов бўлиб келади.

**Учинчидан**, Ўзбек хонликлари ўртасида ички иқтисодий ва савдо бирлиги шаклланмади. Натижада бу давлатлар ҳудудларида яшаган халқлар ўртасида ягона халқ, ягона миллат, ягона ватан ҳис-туйғуси шаклланмади. Аксинча, бундай олижаноб ҳис-туйғуларнинг ривожланиши ва камол топишига тўсқинлик қилинди. Бу XVII—XX асрларда Ўрта Осиёда иқтисодий ва сиёсий ҳаёт турғунлигининг энг асосий сабабларидан бири эди.

**Тўртинчидан**, қишлоқ хўжалигида ерга хусусий мулк-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998 йил, 9-бет.

<sup>2</sup> Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. 1-қисм. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т., 2002 йил, 221-бет.

чилик қилишдан иборат ишлаб чиқариш муносабатлари сақланиб қолинганлигидир. Ер барча бойликларнинг манбаидир. Унга бўлган мулкчилик шакллари ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Европа ва дунёдаги бошқа мамлакатларда мавжуд ерга эгалик қилишнинг хусусий мулк шакли қишлоқ хўжалиги тараққиёти ва дастлабки капитал жамғариш жараёнининг қудратли воситаси бўлди. Осиёда, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида эса мулк шакллари ва деҳқончилик шакллари асрлар мобайнида ўзгармади, ерга хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгаришсиз қолаверди. Ернинг асосий эгаси илгаргидек олий ҳукмдорлигича қолди. Хонликларда олий ҳукмдор ернинг бирдан бир эгаси бўлиб, ер ишловчиларга—деҳқонларга ижара тарзида хатлаб бириктирилган эди. Деҳқон ер эгаси эмас, ердан олинadиган ҳосилнинг эгаси эди холос. Шу боис, деҳқон ерни асраб-авайлашга, унинг унумдорлигини оширишга интилмади. Ҳукмдор ерни фойдаланиш учун маҳаллий ер эгалари ва масжидларга улашарди.

**Бешинчидан**, хонликларда саноат ривожига эътибор кучаймади. Олтингугурт, рангли металллар, мәрмар, тошқўмир, нефть каби бойликларга сероб конлар бўлса-да, уларни қазиб олиш, тоғ-кон ишларини ривожлантириш, кemasозликни йўлга қўйиш масалалари ҳал қилинмади.

**Олтинчидан**, товар-пул муносабатлари ривожлантирилмади. Даромад истеъмол ва қўшин харажатларини зўрға қоплаб, капиталга айланмади. Пул, олтин кумуш хон ва амалдорларнинг хазина тўплаш манбаи бўлиб қолган эди.

**Еттинчидан**, хонликларнинг савдо муносабатларида ҳамон айирбошлаш усули давом этарди. Ўрта Осиё жаҳон бозоридан ажралиб қолгани устига бу ерда ягона ички бозор ҳам ташкил топмади.

**Саккизинчидан**, XIX аср иккинчи ярмида Ватан истиқболи учун қайғурадиган, одамларни бир гоё ва бир эзгу мақсад йўлида бирлаштира оладиган ҳамда ортидан эргаштира оладиган йўлбошчи—сардор бўлмади. Бухоро амирлигида ҳам, Қўқон ва Хива хонликларида ҳам шундай арбоб тарих саҳнасига чиқмади. Босқинчиларга кўксини қалқон қилиб кўҳна Турон жанговар шавкатини намойиш қила оладиган ва Туркис-

тонни бир умуммиллий макон, уй деб билган юртбоши топилмади<sup>1</sup>.

Хуллас, Ўрта Осиёдаги юқорида тавсифланган омиллар, бу ердаги иқтисодий ва ҳарбий танг ҳолат ўзига қўшни бўлган мамлакатларни ўз мустамлакасига айлантириш сиёсатини авж олдираётган чор Россияси салтанатига жуда ҳам қўл келди. Минтақадаги ижтимоий-сиёсий, маданий қолоқлик, парокандалик, ўзаро низо ва урушлар пировард натижада Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва мустамлакага айлантирилишига олиб келди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: *Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равишанов, Қ.Усмонов*. Т., «Шарқ», 2000, 52—53-бетлар.



## ТУРКИСТОННИНГ ЧОР РОССИЯСИ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

### 1. Туркистонни забт этишнинг бошланиши

Москва подшоларининг Туркистон ерларига гаразли мақсадларда кўз олайтиришлари ҳали ўлкада шайбонийлар ҳукмронлик қилган даврлардан бошланган. Кавказ, Волгабўйи, Сибирь ва Ўрта Осиё устидан ҳукмронлик қилиш рус подшоларининг азалий ва асрий орзуси бўлган. «Грознўй» лақаби билан машҳур бўлган Иван IV нинг Москва учинчи Рим, тўртинчи Римнинг эса бўлиши мумкин эмас, деган сўзларида ана шу мақсад рўй-рост акс этганди. Шу орзуни амалга оширишни Иван «Грознўй»нинг ўзи бошлаб беради, 1553 йили Қозон ва 1556 йилда Аштархон хонликларини босиб олади. Москва давлати 1581 йилда Сибирь хонлигига ҳужум қилиб, уни забт этади. Рус давлати Ўрта Осиё минтақасига кўз олайтириб, бу ердаги мавжуд хонликлар ҳақида кенг кўламда жосуслик маълумотларини тўплай бошлайди. Бу ҳолат «Москва савдо компанияси» деб аталган ташкилотнинг вакили Антони Женкинсон бошчилигидаги элчиларнинг фаолиятида яққол намоён бўлади. Инглиз савдогарлари Антони Женкинсон, Ричард ва Роберт Жонсонлар 1558—1559 йилларда, Москва савдо элчиси Иван Данилович Хохлов 1621 йилда Хива, Бухоро ва Самарқандга асосан ўлкани ўрганиш ва жосуслик маълумотларини тўплаш мақсадида келган эдилар.

Лекин Туркистонни Россияга қарам қилиш учун тўғридан-тўғри амалий очиқ ҳаракат Пётр I давридан бошланади. У ўзининг Шарққа нисбатан тажовузкорлик сиёсатини, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ерларига суқланиб қараётганлигини яшириб ҳам ўтирмайди. «Шарқ билан алоқада Қозоғистон тасарруфи калит ва дарвоза ҳисобланади. Шунинг учун миллионлаб маблағ сарфланса ҳам Қозогистонни бўйсундириш ёки ҳеч бўлмаса у ерда Россия таъсирини ўрнатиш зарурдир»<sup>1</sup>, дейди Пётр I.

<sup>1</sup> В. П. Везевский, Л. И. Неплюев. «Оренбургский край». Қозон, 1897, 1-жилд, 136-бет.

Ҳарбий тарихчи К. Абаза «Завоевание Туркестана» (СПб, 1902) асарида ёзишча, Пётр I Ҳиндистон бойликларига кўз олайтираётган эди. У фақат қулай вазиятни кутарди. Бундай вазиятни 1714 йилда туркман зодагонларининг вакили Хўжа Нафас Петербургга бориб Амударёда олтинли қумларнинг кўплиги тўғрисида берган маълумоти тезлаштиради. Олтин ва бойлик вазвасаси билан Пётр I тажовузкорлик сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўрта Осиёга 1717 йилда биз юқорида тилга олган князь Бекович-Черкасскийни<sup>1</sup> катта қўшин билан юборади. Аммо Хива хони Шерғозихон томонидан бу экспедиция батамом қириб ташланади. Россия билан Хива хонлиги ўртасида душманлик вазияти кучаяди. Пётр I Ўрта Осиё ерларига бўлган ўз тажовузкорлигидан воз кечмайди. У Бухорога жосуслик мақсадларида элчи қилиб италиялик Флорио Беневенини жўнатади. Бу сафар ҳам муваффақиятсиз чиқади ва Беневенининг ўзи зўрға жон сақлаб қолади ва фақат Пётр I ўлиmidан сўнг 1725 йилда Россияга қайтади. Флорио Беневени ҳали Бухорода бўлган чоғидаёқ жосуслик ишлари билан шуғулланади ва рус подшосига ёзган хатларининг четларида шифровка билан махфий хабарларни юборади. Ана шу хилдаги хатлардан бирида бундай хабар берилди: «Амударё Самарқанд тоғларидан бошланади ва айнақса олтинга бой қумлари Бадахшондан Гиоқча дарёсига оқиб келади. Ерли халқ тоғлардаги йирик олтинларни қазиб олади. Шунингдек, улар лойқа сой сувларига қўй терисини ёйиб қўйиб, сўнгра офтобда қуритадиларда, соф олтин зарраларини териб оладилар. Бу тоғларда олтин ва кумуш излаш ман этилган, уларни махсус сарбозлар қўриқлайди.

Бухоро ерларида мис, аччиқтош, рух ва темир ҳам топилади. Хиванинг Шайхжайли тоғларида кумуш маъданлар мавжуд. Мазкур кондан хабар топган Хива хони Ароқхон кўрқиб кетиб бир кончини тириклайин кўмдириб юборган. Чунки хазина дараги қўшни хонликларга етиб борса яна ганимлик бошланиши мумкин, эди».

---

<sup>1</sup> Асли ватани Қабарда бўлган Искандарбек князь Голициннинг қизи Марияга уйлангач, насроний динига ўтган. Чўқинтириш маросимида Александр Бекович-Черкасский номини олган. Хорижга ўқишга юборилган. Сўнг поручик унвонида Преображенск Лейб-гвардия полкига хизматга тайинланган. Подшонинг яқин ва ишончли мулозимига айланган. Хивага яқинлашганда рафиқаси Мария ва қизларининг Волгада чўкиб ўлгани ҳақида хабар олгач, дунёқараши ўзгарган. У Оллоҳнинг қаҳрига учраганини сезиб, яна мусулмонликка қайтган.

Хусусан, рус элчиси ўз шоҳига шундай маслаҳат беради: «Агар Сиз ўз хазинангизни яна бойитиш ниятини ҳосил қилсангиз бу жойларга тайёргарлик кўринг. Чор атрофдан кўп хавф туғилмаслиги аён. Чунки Хива, Бухоро ўзбеклари, шунингдек, Пайтхон (атхой)лар ҳам бир-бирлари билан уришиб турадилар. Фақат ҳиндлар тинч, аммо уларнинг ҳам князлари ўзаро уришишади. Тошкентликлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар ҳеч қачон Сизга халақит бермайдилар»<sup>1</sup>.

«Айтишларича, — деб ёзади А.С.Пушкин, — Пётр I ўлими олдидан икки нарсани амалга ошира олмагани учун армон билан кетаётганини айтган: Прут ёнидаги жангда Туркиядан енгилганини ва Бековичнинг ўлими учун Хивадан ўч ололмагани учун қаттиқ афсус чеккан»<sup>2</sup>.

Ўрта Осиёни босиб олиш мақсадида Пётр I замонидаёқ Қозоғистоннинг забт этилган ҳудудларида ҳарбий қалъалар ва истехкомлар қурила бошланган эди. 1717 йилда Омск, 1718 йилда Семипалатинск, 1720 йилда Уст-Каменогорск, 1742 йилда Оренбург қалъалари қурилади. Фақат XVIII аср ўзида чор маъмурлари ёвуз ният билан ҳозирги Қозоғистон ҳудудларида 46 та катта ва 96 та кичик ҳарбий қалъа ва истехкомлар қурганлар. XVIII асрнинг бошларида ҳар учала Жузнинг қозоқлари қалмиқ (жунгар)ларнинг доимий босқини остида оғир аҳволга тушиб қолади. 1723 йилда рўй берган оғир очарчилик қозоқларнинг ўз мустақилликларини сақлаб қолишларини хавф остига солиб кўяди. Оқибатда Катта Жуз жунгарларга сиёсий қарам бўлиб қолади. Ўрта Жуз Бухорога кўчиб бориб Бухоро хонлигига, Кичик Жузнинг бир қисми эса Хива хонлигига тобе бўлади. Бундай оғир вазият Катта ва Кичик Жузнинг хони Абулхайрхонни ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ва қалмиқлар хатаридан сақланиш илинжида чор ҳокимияти билан яқинлашувга мажбур этади. Ана шу тариқа 1731 йилда Кичик Жуз, 1731—1740 йилларда эса Катта Жуз қозоқларининг аксарияти рус давлатининг тобелигига ўтади<sup>3</sup>.

Бу Пётр I орзу-армонлари рўёбга чиқишининг бошланиши эди. Қозоқларнинг рус фуқаролигини қабул

<sup>1</sup> «Фан ва турмуш», 1992 йил, 3—4-сонлари, 27-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> «Шарқ юлдузи», 1990 йил, 8-сон, 184-бет.

қилишлари чор мустамлакачи маъмурларининг Туркистон ерларини эгаллаш борасидаги босқинчилик ҳаракатларига қулай шарт-шароитлар яратади. Бироқ Европадаги давлатлар ўртасидаги вазиятнинг тобора таранглашиб ва чигаллашиб бориши, рус-турк уруши (1806—1812), рус-швед уруши (1808—1809), рус-форс уруши (1805—1813) ва ниҳоят Наполеонга қарши 1805—1812 йиллардаги тўқнашув ва уруш, қолаверса, чор самодержавиясига қарши декабристлар номини олган дворянлар қўзғолони ва уни бостириш чор ҳукуматининг Туркистонга нисбатан босқинчилик сиёсатини маълум муддатга ортга чўзилишига сабаб бўлади. Бироқ 1830 йиллардан маълум даражада Европадаги жанжалли воқеалардан қўли бўшаган чор ҳукумати яна ўзининг айқоқчилик ва ёвузлик ниятларини Ўрта Осиё ҳудудларига қаратади. 1839—1840 йилларда подшо Николай I нинг ҳомийлиги ва фатвоси билан Оренбург ҳарбий губернатори В.А.Перовский катта қўшин билан Хивани босиб олиш ниятида йўлга чиқади. Мақтанчоқ ва босар-тўсарини билмайдиган Перовский қўшини таркибида 2 та замбарак, 40 арава, 5325 аскар, 10 минг туя бор эди. Аммо оғир об-ҳаво шароити, ёқилгининг йўқлиги, озиқ-овқат танқислиги, кийим-кечакларнинг яроқсизлиги натижасида Перовский қўшинлари йўл-йўлакай катта талофатлар бериб Хивага юришни тўхта-тиб орқага қайтишга мажбур бўлади.

Чор ҳукумати XIX аср ўрталаридан бошлаб ўзбек хонлиқларининг ерларини босиб олишга астойдил киришади. Бунинг сабаблари аввало қуйидагилар эди.

**Биринчидан**, ўзбек хонлиқлари ўзаро мол-дунё, давлат ва ер таллашиб бир-бирларининг тинка-мадорларини шу даражада қуритган эдиларки, улар ташқи душманга қарши бирлашиб курашиш у ёқда турсин, ҳатто ўзларини бирор-бир даражада ҳимоя қилишга ҳам қодир эмас эдилар. Бу ҳол чор маъмурларига жуда қўл келарди.

**Иккинчидан**, чор Россиясининг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи шуни талаб қилар эдики, ривожланмаётган рус капиталистлари учун янги-янги бозорлар, фойда манбалари керак эди. Россия саноат корхоналарига эса табиий ер ости бойликлари, хом ашё базалари, пахта, ипак, қорақўл, тери ва бошқалар зарур эди. 1861—1862 йиллардаги фуқаролар уруши туфайли Америкадан келадиган пахтанинг камайиб кетиши ўзбек

пахтасига бўлган талабни ҳаддан ташқари ошириб юборди.

**Учинчидан,** Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус муносабатларининг кескинлашиб бориши Россия босқинининг тезлашишига сабаб бўлди. Россия ҳукмрон доиралари XIX аср бошиданоқ инглиз жосусларининг ўзбек хонликларидаги хатти-ҳаракатларини зийраклик ва шубҳа билан кузатиб борадилар. Дарҳақиқат, Ҳиндистонни Англиянинг мустамлакасига айлантирган Ост-Ҳиндистон компанияси олтинга бой ҳамда иқтисодий ва стратегик аҳамияти катта бўлган Туркистон ўлкасидаги воқеаларни анчадан бери диққат билан кузатиб борар, бу ўлкани ўз тасарруфига олиш учун қулай пайтни пойларди. Буни Ост-Ҳиндистон компаниясининг Ўрта Осиёга бир неча марта ўз жосусларини юборганликларидан билса бўлади. Жумладан, 1824 йилда мазкур компания айғоқчиси Муркфорт Бухорода бўлади, бироқ у қайтиш чогида йўлда ҳалок бўлади. 1831 йилда Бухорога А. Бёрнс ташриф буюрди. 1843 йилда 33 яшар капитан Эббот Хивага юборилди. Ўша йили Вольф Бухорога келган эди. У 1838 йилдан буён Бухоро амири Насруллохон зиндонида сақланаётган полковник Стодарт билан майор Коноллини (булар 1842 йили қатл этилган) қутқариш ниятида эди.

Ост-Ҳиндистон компанияси Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига Россияга қарши иттифоқ тузишни таклиф қилади ва биргалашиб Россия тажовузига қарши курашишни тавсия этади, лекин бу таклифлар амалга ошмайди. Инглизларнинг Ўрта Осиёни босиб олишдан иборат режасининг амалга ошувига Ҳиндистон билан ўзбек хонликлари ўртасида жойлашган Афғонистон тўсиқ бўлади. Ҳатто 1838—1842 йилларда ва 1878—1880 йилларда инглизлар билан Афғонистон ўртасида икки марта уруш ҳам келиб чиқади. Аммо инглизлар афғон халқининг қаршичилигини бостира олмайдилар. Ўз миллий мустақиллиги учун курашга отланган халқни енгиб бўлмаслигини ўша давр инглиз-афғон урушлари очик-ойдин кўрсатади. Албатта, инглизларнинг иштаҳаси қарнай бўлиб Россия ҳукумати уларнинг Ўрта Осиёга интилаётганлигига бефарқ қарай олмасди ва бу ҳудудларни тезроқ эгаллаш иштиёқида ёнарди. Чор Россиясининг Туркистон ерларини босиб олишга интилишининг янги тўлқини 1847 йилда бошланади. Шу йили Сирдарёнинг Орол денгизига қўйиладиган жойи—Раим

эгалланиб, Орол ҳарбий қалъаси барпо қилинади. Оренбургда «Николай» ва «Константин» деган кемалар қурилиб, улар бўлак-бўлак ҳолда келтирилиб Орол денгизига туширилади. Оқмачит (Қизил Ўрда), Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Пишпек, Тўқмоқ ва бошқа шаҳарларда Қўқон хонлигининг ҳарбий истеҳкомлари мавжуд эди. 1852 йилда чор қўшинлари Оқмачитга ҳужум қилдилар, лекин уни қўлга кирита олмайдилар. 1853 йилда генерал Перовский бошчилигида икки минг аскардан ортиқ қўшин Оқмачитга иккинчи марта ҳужум уюштиради. 22 кунлик қуршов ва жангдан сўнг чор аскарлари истеҳкомни эгаллаганлар. Қалъа ҳимоячиларидан 74 киши тирик қолган холос. Чор қўшинларидан бор-йўғи 25 киши ҳалок бўлган ва 46 киши ярадор қилинган. Истеҳкомга «Перовский форти» номи берилган. Оқмачитдаги мағлубият Қўқон хонлигини қаттиқ ташвишлантиради. Тезлик билан Тошкентда куч тўпланиб ҳоким Сабдалхўжа бошчилигида 8 минг аскарлик қўшин ва кўнгиллилар Оқмачитни қайтариб олиш учун йўлга чиқади. Лекин икки ўртадаги жангда улар енгилдилар. Ватан ҳимоячиларидан 192 киши ҳалок бўлади. Қўқон хонлиги қўшинлари ярадорларни 92 туяга ортиб, орқага чекинишга мажбур бўладилар.

1853 йилнинг декабрь ойида Ёқуббек бошчилигидаги 13 минг кишилик қўшин Оқмачитга келиб яна душман билан тўқнашади. Юрт ҳимоячиларидан бу жангда мингга яқин киши ўлдирилади ва ярадор қилинади. Босқинчилар фақат 55 аскарини йўқотадилар. Бундай кетма-кет мағбулиятлар Ватан ҳимоячилари руҳини туширмайди. Улар 1855 йилда яна 1500 кишилик қўшин билан Оқмачитга отланадилар. Аммо чор қўшинларига янги кучлар келиб қўшилганини эшитиб, орқага қайтадилар.

1854 йилда Олмаота ўрнида Верний ҳарбий қалъасининг қурилиши Туркистонни эгаллашда ҳал қилувчи ўрин тутган истеҳкомлардан бўлади.

1855—1857 йиллардаги Қрим уруши муносабати билан чор маъмурлари Ўрта Осиёни забт этиш бўйича катта миқёсдаги ҳарбий ҳаракатларни олиб боролмайдилар. Қрим урушидаги мағлубият Ўрта Осиёнинг Россия учун сиёсий ва стратегик жиҳатдан қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Россия Ўрта Осиё учун олиб бориладиган рақобатли курашда Буюк Британия қироллигини нафақат сиёсий-иқтисодий ва стра-

тегик жиҳатдан, балки ҳарбий жиҳатдан ҳам мағлубиятга учратиш ва Қрим урушидаги мағлубият туфайли халқаро майдонда бўшашиб қолган обрўсини тиклаши ҳам мумкин эди. Чунки ҳинд халқининг бутун мамлакатни қоплаб олган ва инглизлар томонидан зўрлик билан бостирилган 1857 йилги кўзголони Буюк Британиянинг Ҳиндистондаги мавқеи унча мустаҳкам эмаслигини кўрсатади. Шу боисдан рус ҳукмрон доиралари ўртасида Ўрта Осиё муаммосини тезроқ ҳал қилишга чорловчи хат, даъват ва таклифлар 1860 йилларда тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолади. Жумладан, Оренбург генерал-губернатори Катенин ташқи ишлар вазирга ёзган хатида «Ўрта Осиё мулкига ҳукмронлигимизни ўрнатишимиз учун албатта Туркистон ва Тошкентни эгаллашимиз шарт» деб кўрсатади. Унинг фикрича, Тошкентни қўлга киритиш Бухоро мулкларига қуролли кучлар билан бориш учун албатта зарур эди.

1862 йилда «Русский вестник» журнали саҳифаларида ҳам Туркистон ерларини босиб олишга даъват этувчи бир қатор шовинистик ғоядаги мақолалар босилиб чиқарилади. «Голос» деб аталувчи либерал журнал эса Ҳиндистонни мустамлакага айлантирган инглизлардан намуна олишга даъват қилади, Каспийни рус денгизига айлантириш, Ўрта Осиёнинг кўчманчи элатларини ўтроқ яшашга ўргатиш, бу саҳройилар билан пачакилашиб ўтирмай, уларни ҳаттоки террор қилишга чақиради. Ҳарбий вазир Д.А.Милютин ҳарбий юришларнинг доимий тарафдори эди. Шу боис у 1864 йил октябрида ташқи ишлар вазирлиги томонидан подшоҳ учун тайёрланган агрессив характердаги маъруза матнини батамом маъқуллайди. Бу матнда Россиянинг Шарққа интилиши оқланади, «ярим ёввойилар» қабилалари билан тўқнашиб қолган дамларда ўта тинчликсевар сиёсатни сақлаб қолишнинг имкони йўқлиги хусусида, Қўқон хонлигининг табиий бойликлари бўлмиш пахта, ипак, қимматбаҳо маъданлар тўғрисида гап боради. Хуллас, 60- йиллар бошларида Туркистонни босиб олиш бўйича ғоявий тайёргарлик кўрилади. Эндиги асосий вазифа бу ғояни амалга оширишдан иборат эди.

1860 йилда полковник Циммерман қўшини Қўқон хонлигининг 5 минг кишилик қўшинини тор-мор келтириб, Тўқмоқ ва Пишпек қалъаларини эгаллайди. Илорти водийси Алатов округи деб ўзгартирилади. Худди

шу йили 21 октябрда полковник Колпаковский отряди Қора Костек дарёси ён бағридаги Узун ёғоч сойидаги жангда Қўқон хонлигининг 20 минг қўшинини батамом қириб ташлайди.

1861—1863 йилларда чор қўшинлари Қўқон хонлигига бир неча зарбалар берадилар. Бу даврда Қўқон хонлигига қарашли Янги Қўрғон, Дин Қўрғон, Мерка ва иккинчи марта Пишпек эгалланади.

1863 йил ёзида полковник Черняев Оренбург генерал-губернатори Безакнинг розилиги билан Сирдарё ёқасидаги Сўзоқ қалъасини қўлга киритади ва уни теварак-атрофдаги аҳолиси билан бирга «Россиянинг мулки» деб эълон қилади.

1864 йил бошида Верний (Алмати) истеҳкомидан чиққан 2500 кишилик Черняев бошчилигидаги чор қўшинлари 4 июнда Авлиётани эгаллайди. Шаҳар остонасидаги жангда ватанпарвар кучларнинг 1500 кишилик қўшинлари ва халқ қасоскорлари мағлубиятга учрайдилар. Ҳимоячилардан 307 киши ўлдирилади ва 390 ватанпарвар ярадор бўлади. Черняев билан изма-из Перовский отрядидан чиққан полковник Верёвкин гуруҳи эса Туркистон қалъасига юриш қилади ва уни 12 кунда босиб олади.

1864 йил 16 июлга қадар чор армияси қўшинлари икки йўналиш бўйича мустақил ҳаракатларни давом эттиради. Сибирь-Ёркенд томонидан 8-Фарбий Сибирь, 21-Сибирь казак армияси батареяси, Оренбург-Хива йўналиши бўйича эса 4-Оренбург линия батальони, 1864 йилдан бошлаб 2-Оренбург линия батальонининг 1-взводи; 1865 йилдан 6- ва 9-Оренбург линиялари батальони, 4-Фарбий Сибирь батальони жануб томондан ўз ҳаракатини давом эттириб, шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин эгаллаб боради.

Авлиёта ва Туркистоннинг душман томонидан забт этилиши бутун Қўқон хонлигини оёққа турғазади. Тошкент шаҳри чоризм босқинчиларига қарши курашнинг



Полковник М.Г.Черняев.



марказига айланади. Бу ерга Марғилондан Юсуфбек, Хўжанддан Мирза Аҳмад Кушбеги қўмондонлигида қўшинлар, Андижон, Наманган, Ўш ва бошқа жойлардан ҳарбий қисмлар келтирилади. Тўпланган қўшин ва халқ қасоскорларига Қўқон хонлигининг лашкарбошиси мулла Алимқул бошчилик қилади<sup>1</sup>. Ватанпарвар кучлар тўплангач, дуо фотиҳа олиб Чимкент томон равона бўладилар.

Чимкентда бир кеча-кундуз қаттиқ жанг бўлади. Муҳаммад Солиҳ ўзининг «Тарихи жадиди Тошканд» асарида ёзишича, «Сўнгра тўрт томондан аскарлар отдан тушди ва карнай садолари остида рус аскарларига қарши ҳужумга ўтилади. Ҳимоячилар 2—3 минг қалам югургач, душманнинг тўп ва милтиқларидан ёмғирдек ёғилган ўқлар остида қоладилар». Оқибатда 12 минг киши ҳалок бўлади ва яраланади. Аммо генерал Черняев бошчилигида чор қўшинлари урушни давом эттира олмай Туркистонга қайтишга мажбур бўлади. Жинай деган жойда бўлган жангда ҳам ватанпарварларнинг қўли баланд келади. Ватан ҳимоячилари Иқон қалъаси учун бўлган жангда ҳам галабага эришадилар. Алимқул бошчилигида юрт ҳимоячилари урушни давом эттириш мақсадида тайёргарлик кўраётган бир пайтда Бухоро амири Музаффархоннинг Қўқонга ҳужум қилганлиги тўғрисида хабар олади. Натижада лашкарбоши Алимқул қўшиннинг катта бир қисмини Чимкентда қолдириб ўзи Қўқонга қайтишга мажбур бўлади. Албатта, бу ҳол душманга қўл келади ва Черняев 1864 йил 21 сентябрда Чимкентни жанг билан эгаллайди. Шаҳар мудофаачиларидан кўп киши қириб ташланади.

Шу пайтга қадар икки йўналишда мустақил ҳаркат қилиб келган чор армиясининг икки қўшини Чимкент шаҳрида туташади. Истило қилинган ерлар ҳисобига 1865 йилда Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Туркистон вилояти ташкил этилади; унинг тепасига генерал Черняев қўйилади.

---

<sup>1</sup> Алимқулнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қаранг: Амир лашкар Алимқул тарихи. Алимқул жангномаси. Наширга тайёрлаганлар: *Р.Т.Шамсутдинов, П.Павшанов*. Т., 1998: *Ҳабибулло, Рустамбек Шамсутдинов*. «Ёлқин», тарихий роман. Т., «Шарқ», 2001.

## 2. Тошкентнинг мудофаа қилиниши

Генерал Черняев ўзининг бутун вужуди ва нигоҳини Тошкент шаҳрини эгаллашга қаратади<sup>1</sup>. Ҳолбуки, подшо Александр II бу шаҳарни олишни ман қилувчи қатъий буйруқ берган эди. Черняев 1864 йил 27 сентябрда йўлга чиқади. Бу даврда Тошкент мудофааси умумхалқ ҳаракатига айланганди. Шаҳар мудофааси учун Тошкент гарнизонида 30 минг ҳимоячи, 48 мис ва 15 та чўян тўп бор эди. Тошкент шаҳар аҳолиси она юртни ҳимоя қилиш учун бир тану бир жон бўлиб баттол душман билан тенгсиз жангда олишади.

Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошканд» аса-рида ёзишича, Тошкент шаҳар аҳолиси душманга қарши қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатган. У шундай ҳикоя қилади: «Шаҳар ғариблари, фуқаролари ва қариялари ибодату номоздан кўра қўлларидан келгунча ёрдам бериш афзалроқ, савоб деб, аскарларга сув, озиқ-овқат ташиб турдилар. Ўша замонда Тошкент қалин ва баланд девор билан ўралган бўлиб, 12 та дарвозаси бор эди. Девор устидан икки отлиқ киши бемалол юриши мумкин эди. Чор қўшинлари шаҳар яқинидан туриб тўплардан ўққа тутадилар. Ўз навбатида жавоб ўқлари ҳам отилади. Босқинчиларнинг бир гуруҳи шаҳар девори атрофида қазилган зовурга тушиб олади. Ҳимоячиларнинг уюшган ҳужумига чор аскарлари дош бера олмайди. Душман 72 кишини йўқотади ва бу ҳолни кўрган генерал Черняев Чимкентга қайтишга мажбур бўлади».

1865 йилнинг 28 апрелида Черняев Чирчиқ ёнидаги Ниёзбек қалъасини жанг билан ишғол этади. Тошкентлик бир хоиннинг маслаҳатига кўра Черняев Кайковус ариғи тўғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб юборади. Натижада тошкентликлар сувсиз қолиб, оғир аҳволга тушадилар. Шунга қарамай, аҳоли мудофаани мустаҳкамлашга куч-ғайратини аямайди. Кўп ўтмай Кўқондан лашкарбоши Алимкул қўшини билан мадад бергани келади. Бу тошкентликлар руҳини кўтариб юборади. Улар кўқонликларни зўр хурсандчилик билан қарши оладилар. Муҳаммад Солиҳ маълумотига кўра, «Тош-

<sup>1</sup> *Мазкур мавзунини янада тўлароқ билиш учун қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамакачилиги даврида...69—91-бетлар; Ҳамид Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш... 141—179-бетлар.*

кент амалдорлари, сардорлари, уламо, шайхлар, ғариблар, гадолар, эркак-аёллар аралаш уларнинг истиқболига чиқиб, шод-хуррам кутиб оладилар». Душман билан жанг Солор ариғи (ҳозирги «Туркистон» саройи ёнидаги ариқ) атрофида давом эттирилади. Хуллас, шаҳар ҳимоячилари душманни чекинишга мажбур қиладилар. Бу ғалаба шаҳар аҳли томонидан шоду хуррамлик билан карнай-сурнай садолари остида қарши олинади. Шаҳар халқи, Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, «Етти ёшдан етмиш ёшгача эркак-хотин, ёшу қари хизмат камарини белларига боғлаб пишган таомларни бошларига кўтариб, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар, ширин меваларни саватларга солиб, аскарлар турган жойларга олиб келиб илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кўзларидан ҳасрат ёшлари оқиб, кўз ёшлари суви билан аскарларнинг юзларидан чанг-губорни ювиб, артиб, кўзгудай тозалаб, овқатларни ейиб битиришларини илтижо қиладилар». Ғалабадан руҳланган Алимқул бошчилигидаги ватан ҳимоячилари Шўртепада жойлашган душман кучларига қарши ҳужум уюштирадилар. Жангда лашкарбоши Алимқул қаттиқ жароҳатланади ва кўп ўтмай ҳалок бўлади. Бу ҳол албатта жангчиларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир қилади. Бунинг устига қирқ икки кун давомида сувсизлик ва ташналикда тиш-тирноғигача қуроолланган душманга қарши олиб борилган мудофаа жанги Тошкент шаҳри аҳолисининг тинка-мадорини қуритади. Устига устак Черняев шаҳарга ҳужумни жанубдан—Темур дарвозаси томондан бошлаб Бухоро ва Хоразмдан келадиган ёрдам йўлини кесиб ташлайди. Шаҳарга четдан ёрдам умуман бўлмайди. Алимқул вафотидан сўнг Черняев Тошкент шаҳрининг жангсиз таслим бўлишини кутади. Аммо шаҳар аҳолиси курашни давом эттиради. Тошкент шаҳрига Бухоро амирлигидан ёрдам кучлари келаятганлигини эшитган Черняев 9 майда ҳал қилувчи ҳужумга ўтади ва фақат 14 июндагина қаттиқ жанглардан сўнг шаҳарга ёриб киради. Ниҳоят, 1865 йил 17 июнда қаршилик кўрсатишнинг фойдасизлигини ҳисобга олгач, шаҳар ҳимоячилари шаҳарни топшириш учун музокараларни бошлайди. Чунки Черняев Шайхонтахур, Бешёғоч ва аҳоли гавжум яшайдиган бошқа жойларга тўпларни ўрнатиб, агар дарҳол сулҳ тузилмаса шаҳарни тўплардан ўқ узиб култепага айлантираман, деб дағдаға қилади. Черняев шаҳарнинг Ҳаким Хўжа

қозикалон, Абулқосим эшон, домулло Солиҳбек охун сингари нуфузли кишилари билан сулҳ музокараларини бошлайди. Сулҳ аҳдномасига кўра, шаҳар халқининг ўз динида қолиши, барча ишлар «шариат» асосида олиб борилиши, ҳовли, боғ ва майдонлар аввалгидек ўз эгалари қўлида қолиши кўрсатилади. Аҳдномага шаҳарнинг ҳар тўрт: Шайхонтахур, Бешёғоч, Себзор ва Кўкча мавзеларининг муҳрлари босилади.

Тошкент шаҳрининг Черняев томонидан босиб олиниши Петербургда зўр мамнуният билан кутиб олинган бўлса-да, ҳукуматнинг айрим одамлари бундан норози бўлиб, таҳликага тушган эдилар. Чунки Тошкентнинг босиб олиниши муносабати билан халқаро матбуотда катта шов-шувлар кўтарилмоқда эди. Черняев бу ҳолнинг олдини олиш ва ўзининг босқинчиликдан иборат ваҳшиёна ҳаракатларини оқлаш мақсадида айёрлик йўлига ўтиб махсус хат тайёрлагтиради. Тошкент шаҳри аҳолиси номидан тайёрлатилган бу хатда гуё шаҳар генерал Черняевга «ўз ихтиёри» билан таслим бўлганлигига асосий урғу берилган эди: «Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистонда Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб фуқароларга кўп жабр-зулм ўтказган. Улар закот, хирожларни шариат асосида олмасдан ортиқча олганлар ва ҳеч қачон марҳамат қилмаганлар, қадимги урф-одат таомилдан воз кечиб, кўп йиллар мансаб учун катта кишиларни ўлдириб, фитна ва ифвогарлар сўзига амал қилганлар. Ўртада ноҳақ қонлар тўкилиб, улар шариатга ва уламолар сўзларига амал қилишдан бош тортдилар. Фарғона ва Туркистон заминида кўп вақтлар ва кўпинча қипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ва бебошлари ҳукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун ихтиёримиз ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб келиб уларга шаҳарни топширдик».

Бу хат мазмуни ўқиб эшиттирилгач, ҳамма ҳайрон бўлиб турган бир пайтда Солиҳбек охун сўз олиб бундай деган: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмачитгача ва бу ердан Ғулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлларига киргиздилар. Уруш тўсатдан муҳлатсиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб, сафар ойининг ўн иккинчисигача, яъни қирқ икки кун давомида сувсиз, ов-

қатсиз қолдирилди. Мулла Алимкул лашкарбоши шаҳид бўлгандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва Фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дин учун қаттиқ туриб, уруш-талашни давом эттириб, сешанба куни ярим кеча ўтгандан кейин саҳарга яқин рус аскарлари хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан кирди. Шундан кейин яна киришиб пайшанба кунигача икки кеча-кундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч-ташна, сувсиз, яккама-якка уруш бўлиб, охирида яраш сулҳи тузилди».

Солиҳбек охун домланинг бу ҳақ ва адолатли сўзларидан генерал Черняев ғазабга келади. У кимда-ким ушбу сўзларга қўшилса, бир томон ўтсин деб буйруқ беради. Шаҳарнинг нуфузли катталаридан етти киши: Ҳалимбой, Бердибой, Азимбой, Фозилбойвачча, мулла Музаффархўжа ва мулла Файзуллалар Солиҳбек охун домла қаторидан жой оладилар. Улар шу заҳотиёқ ҳибсга олиниб қамоққа солинадилар ва кейинчалик Сибирга сургун қилинадилар. Бундан кўрқиб қолган шаҳарнинг бошқа нуфузли аёнлари Черняев аҳдномасига сотқинларча имзо чекишдан бошқа иложни топа олмайдилар. Черняев қалбаки аҳдномани Абусаид ва Ходихўжа исмли савдогарлар қўлига тутқазиб Петербургга элтиб оқ подшо ҳазратларига топширишни буюради. Россия ҳукумати ўзининг Туркистондаги босқинчилик урушларини оқлаш ва хаспўшлаш учун қалбаки ҳужжатни кўпайтириб ўз элчилари орқали дунё мамлакатларига тарқатади ва шу йўл билан халқаро матбуотда кўтарилган шов-шувларнинг олдини олмоқчи бўлади. Жумладан, Туркиядаги рус элчихонаси қалбаки аҳдномани Истамбулдаги кўчаларга, бозорларга, дўконларга, умуман, аҳоли гавжум тўпланадиган жойларга ёпиштириб чиққан.

### **3. Бухоро амирлигига қарши олиб борилган жанглар<sup>1</sup>**

1866 йил январь ойининг охирида Черняев Жиззахга юриш бошлайди. Аммо 8—9 минг кишилик шаҳар ҳимоячиларининг кўрсатган қаршилиги туфайли у ор-

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, 92—138-бетлар.

қага чекинишга мажбур бўлади. 1866 йил март ойида Черняев Петербургга чақириб олинади, унинг ўрнига генерал Романовский юборилади. Тошкентга ёрдам учун юборилган Бухоро амирининг 100 минг кишилиқ қўшини билан генерал Романовский қўмондонлигидаги чор Россияси қўшинлари ўртасида 8 майда Эржарда бўлган жангда рус қўшинлари галаба қозонади. 24 майда рус аскарлари Хўжандда ҳам галабага эришадилар. Август ойида Романовский Тошкент, Хўжанд ва Чирчиқорти ўлкасини Россияга қўшиб олиш тўғрисида кўрсатма беради. Бухоро амири билан музокараларда келиша олмагач, Романовский 2 октябрда Бухоро амирлигига қарашли Ўратепа қалъасини, 18 октябрда эса Жиззахни босиб олади. Жиззах учун жанг гоьтда даҳшатли бўлган. Тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг ёзишича, бу жанг давомида «...тўкилган одам қони бамисоли ариқ сувига ўхшаб оққан». Романовский 1866 йил 19 октябрда Ҳарбий вазирга юборган телеграммасида қуйидагиларни ёзади: «Бухоро амирининг Сирдарё водийсидаги сўнгги таянчи, беш кунлик қамалдан сўнг 18 октябрь соат 12 да зарб билан эгалланди. Ҳимоячилардан оз қисми қутилиб қолди, холос. Кўплари ҳалок бўлди ёки асир олинди. 26 байроқ, 53 қурол ва жуда кўп бойликлар қўлга туширилди. Бизнинг йўқотишимиз, худонинг иродаси билан 100 кишидан камроқ бўлди, шу жумладан, тўрт офицер яраланди». Генерал Романовский Жиззах учун бўлган жангда камида 6 минг киши ўлдирилганлиги ва 2 минг кишининг асир олинганлигини ҳам ёзган эди. Қизиғи шундаки, Бухоро амири рус қўшинларига қарши биргаликда жанг қилишни Кўқон хони Худоёрхонга таклиф қилганда у турли важ-қарсонларни баҳона қилиб бу ишга бош қўшмайди. Амирлик қўшинлари Хўжанд ва Жиззахда енгилгач, Худоёрхон рус генерали Романовскийга табрик телеграммаси юборади. Бу телеграммада биз қуйидаги шармандали жумлаларни ўқиймиз: «Оқ подшо билан дўстликни сақлаб, турли баҳоналар билан Кўқондан чиқмадим ва ўз чегараларимни сақлаш учун 35 минг кишилиқ қўшинни тўплаб Шайтонмузгарда турдим. Шундан сўнг Хўжандда турган амир ўз қўшини ва бошлигини олиб шаҳарни мутлақо бўш қолдирганлигини эшитдим; бу ҳақдаги хабарни билиб ўз қўшиним ва артеллериям билан орқага қайтдим ва агар мен Оқ подшо билан дўстликни истамаганимда мен қўшиним билан Шай-

тонмузгардан қайтмасданоқ, Хўжандга кирар эдим ва бунинг оқибатида Бухоро амири билан кучли рақиб бўлур эдим. Аллоҳ ёрдамида Сиз Хўжандни забт этдингиз, буни эшитиб, илгариги дўстликни мустаҳкамлаш учун Сизни ғалаба билан табриклайман».

1867 йилда чор ҳукумати босиб олган жойларда фавқулодда Туркистон генерал-губернаторлиги тузилади. Инженер-генерал К.П.Кауфман бош қилиб тайинланган бу губернаторликнинг маркази Тошкент бўлиб, унинг таркибига Сирдарё ва Еттисув вилоятлари ҳам кирган эди. К.П.Кауфман подшо Александр II дан катта ваколатлар битилган «Олтин ёрлик» олади. У мустақил равишда уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва бошқа ҳуқуқларга эга эди. Шу боис Туркистон халқи К.П.Кауфманни «Ярим подшо» деб атаган.



К. П. Кауфман.

Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман ўзи ҳукмронлик қилаётган ҳудудларда чор Россияси мавқеини мустаҳкамлаш ва Туркистон ўлкасидаги қонли фожеаларни ниқоблаш мақсадида бир гуруҳ маҳаллий сотқин табақа вакиллари Марказий ҳукумат билан келишган ҳолда Петербургга юборишга қарор қилади. Бу вакиллар асосан Россия давлатига содиқ, рус қўшинларига ҳар томонлама ёрдам берган кишилардан ташкил топган эди. Вакиллар рўйхатиغا шайхулиелом Носир мулла

Исоқ (Туркистон шаҳридан), Қози Мирза Талашпан (Чимкентдан), оқсоқол Амин Суни Шайхов (Иқон қишлоғидан), Дуглат қабиласининг бийи майор Худойберган (Авлиёотадан), қора қирғиз қабиласининг бийи Байтиқ Канап (Авлиёотадан), Саидазимбой Мухаммадбоев (Тошкентдан), Эшонхон Имомхонов (Тошкентдан), қозикалон Юсуфхўжа Абдуллахўжаев (Хўжанддан), оқсоқол Абдугаффор Саримсоқов (Жиззахдан) ва бошқалар киритилган эдилар. 1867 йил март

ойида Петербургга етиб келган Туркистон вакиллари энг олий даражада иззат-икром билан кутиб олинади. Улар тузилган режага асосан ҳукумат нозирликларида, салтанат саройида, Эрмитажда, халқ кутубхонасида, музейларда, Фанлар академиясида, зоология боғида, Петропавловск қалъасида, фабрика ва заводларда, савдо биржаси, магазинларда, театр ва циркда, касалхоналарда, салтанат боғида (Царское село) ва бошқа диққатга сазовор жойларда бўладилар. Бундай «меҳмондўстлик»нинг бош мақсади Россия давлатининг қудратини намоиш қилишдан иборат эди. Туркистон вакиллари ни ҳатто подшо Александр II нинг ўзи қабул қилади. Улар «олий ҳазрат»га гўё Туркистон аҳолисининг рус давлати тобелигига олинганлигидан бахтиёрлигини, мангу содиқлигини изҳор этувчи мактубни топширганлар. Бу мактубга Тошкент, Туркистон, Хужанд, Чимкент ва бошқа жойларнинг катталаридан 59 киши имзо чекишга мажбур бўлган эдилар.

Ана шу тариқа чор маъмурлари Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги аҳоли гўё ўз ихтиёри ва истаги билан рус давлати фуқаролигига «ўтган»лигини жаҳонга намоиш қилишга уринган эди. Туркистонда эса қонли ва қирғинбарот урушни давом эттиради. Жумладан, 1867 йил 7 июнда рус аскарлари Жиззах ва Самарқанд ўртасида жойлашган Янгиқўрғонда 25 минг кишилиқ Бухоро қўшини ва халқ кўнгиллиларини тормор келтиради.

1868 йил 1 майда Самарқанд остонасидаги Чўпонота тепалигида шиддатли ва беаёв жанг бўлади. 2 майда Самарқанд шаҳри таслим бўлишдан ўзга чорани топмайди. Бухоро амири Музаффархон бу хабарни эшитгач, шу даражада даҳшатга тушадики, жаҳл устида бу «шум хабар»ни келтирган хабарчини осиб ўлдиришга фармон беради. Амирнинг чорасиз ва иложсиз васвасаси аста-секин йиғига айланади. У «худо



Саид Музаффархон.



мени Самарқанддан маҳрум қилгандан кўра жонимни олгани яхши эди», деб оҳ-фигон чекади. Чунки Соҳибқирон Амир Темурнинг пойтахтини ғайридинлар босиб олиши жуда катта йўқотиш эдики, бу воқеа бутун ислом дунёсида кучли акс садо беради. Амир Музаффарнинг халқи ўртасида обрўси тушиб кетади. Халқ ғазабга келади. Айниқса амирнинг чор ҳукумати билан сулҳ тузишга мойиллиги вазиятни жуда кескинлаштиради. Халқ амирдан урушни давом эттиришни талаб қилиб кўзғолон кўтаради. Кўзғолон маркази Чўли Малик эди. Кўзғолончилар сўйил, найза ва шунинг сингари оддий нарсалар билан қуролланган эдилар. Амир Музаффар кўзғолоннинг бутун Зарафшон водийсига тарқалиб кетишидан кўрқиб уни тезда бостиради-да, дарҳол беклар билан кенгаш ўтказади. Унда сулҳ тузиш ёки урушни давом эттириш масаласи муҳокама қилинади. Кенгашда биринчи бўлиб сўз олган лашкарбоши Усмонбек бундай дейди: «Хонлик халқи урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда кофирларга контрибуция (товон) тўлагандан кўра бир томчи қон қолгунча курашиш афзалроқдир». Бу фикрни кенгаш қатнашчилари яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар. Музаффар барча кучларини жамлаб, Самарқандни қайтариб олишга киришади<sup>1</sup>. 15 минг отлик, 6 минг пиёда ва 14 та тўпли Бухоро кўшини Зирабулоқ тепалигига келиб ўрнашади. Кўшинни руҳлантириш ва ғалабага чорлаш ниятида амир Музаффар уларга қуйидагича мурожаат қилади: «Содиқ мусулмон фуқаролари! Сизларнинг заҳматларингиз учун раҳмат, сизларни ишонтирамизки, ғалаба биз томонда бўлғай. Самарқанд ва Каттакўрғоннинг қўлдан кетиши биз учун унчалик катта йўқотиш эмас. Биз темурийлар авлодимиз, биз ўз еримизни қандай қилиб қайтариб олишни кўрсатиб қўямиз. Мусулмонлар! Мен динимиз ва Ватанимиз учун мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишини кофирлар кўз ўнгида намоён этишингизга умид қиламан. Халқ биздан ғалаба кутаяпти, у жангдан сўнг сизларни қарши олганида дин ва Ватан ҳимояси учун курашган ва еримизни кофирлардан тозалаганлар, деб айтсин. Зирабулоқ жанг майдонида ҳалок бўлганлар шарафига шонли ёдгорлик ўрнатилади. Мусулмонлар! Туркистон

<sup>1</sup> Самарқанд учун бўлган жанглар, Самарқанд фожеаси ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 103—24- бетлар.

генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тилла (500 минг сўм) совға сифатида сизларга берилади. Ишончим комилки, сизлар менинг умидларимни рўёбга чиқариб, самарқандликлар тўнидаги қора доғни ювасизлар. Мусулмонлар, Сизларга зафар ёр бўлсин!».

Ушбу мурожаат тўплар овози остида ўқиб эшиттирилади. 1868 йил 2 июнда генерал К.П.Кауфман қўмондонлигидаги қўшин ва ҳимоячилар ўртасида жанг бошланади. Бухоролик мудофаачилар «Олинглар, олинглар, ахир!...» дейишганча душманга қарши ҳужум қилдилар. Аммо кўп талофат кўриб мағлубиятга учрайдилар. Бу хабар халқ газабини баттар кучайтиради. Амир кўрқиб Қизилқум тарафга қочиб кетади. Самарқандда чоризмга қарши халқ қўзғолони бошланади. Юрт ҳимоясига шаҳар атрофидаги қишлоқ ва овуллардан минглаб кишилар келиб қўшилади. Найманлар, қорақалпоқлар, хитой-қипчоқлар, қирқ жузлар ва бошқа қабилалар Жўрабек ва Бобобек бошчилигида Шаҳрисабздан келаётган 20 минг кишилиқ қўшин қасоскорларига қўшилиб, Самарқанддаги қўзғолончилар сафини тўлдиради. Натижада Самарқанд чоризмга қарши умумхалқ курашининг ўчоғига айланади. Бир неча минг кишилиқ қўзғолончилар шаҳар қалъасида ўрнашган чор қўшинини қуршаб олиб жангга киришади. Аммо Шаҳрисабз беклари чор қўшинларига ёрдамчи кучлар келаётганидан хабар топиб, Самарқандни ташлаб чиқади.

К.П.Кауфман Зирабулоқ яқинида Бухоро амирлиги қўшинларини тор-мор келтириб, тезлик билан Самарқандга қайтади. 8 июнда у Самарқандни тўплардан ёппасига ўққа тутишга ва шаҳарни батамом ёқиб юборишга буйруқ беради. 9 июнда Самарқандда фожеали қирғин бошланади. Қирғин уч кун давом этади. Юзлаб одамлар ҳеч қандай сўроқсиз, терговсиз отиб ташланади.

Самарқанддаги қўзғолон яқунларига кўра унинг бошлиқларидан 19 киши ўлимга ва яна шунча киши Сибирга умрбод сургунга ҳукм қилинади. Бунинг устига, қўзғолончиларнинг аксарияти эса жангу-жадалнинг ўзидаёқ қирилиб кетади. Чор қўшинларидан 275 киши ўлдирилади ва ярадор бўлади. Бошқа жойларда босқинчилар бунчалиқ кўп талофат кўрмаган эди. Шунинг учун генерал К.П.Кауфман «Самарқанд қалъасидаги талофатни жуда катта йўқотиш», деб баҳолайди. Бу вақтда амир Музаффарнинг обрў ва мавқеи тобора ту-

шиб, тахтда зўрга илиниб турарди. Амир Карманга келиб, ўз амалдорлари иштирокидаги кенгашда чор ҳукумати билан сулҳ тузишдан бўлак чора қолмаганини маълум қилиб: «Эндиликда барча қўшин ва қурол-аслаҳаларни, тўпларни оқ подшоҳга топшириб, менга Маккага ҳажга боришга рухсат берилишини ундан сўрайман. Сезиб турибманки, менинг ўлимим яқин, тақдирим ва ҳаётим халқнинг қўлида» деб айтишни ўзига эп кўрганди.

1868 йилнинг 23 июнида амир Музаффарнинг элчилари Самарқандга К.П.Кауфман ҳузурига келиб, сулҳ тузишга розилик билдиради. Сулҳга кўра Самарқанд, Каттакўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми хонликдан ажратиб олиниб, Россия таркибига киритилади. Амир товон сифатида 500 минг сўм тилла пул тўлашга ва хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатмасликка розилик беради. Шунингдек, Россия савдогарларига хонлик тасарруфида бемалол савдо-сотик ишлари билан шуғулланишга ҳамда қарвонсаройлар қуришга ижозат этилади. Улар тўлайдиган бож миқдори бухороликлар тўлайдигандан ошмаслиги керак эди. Хуллас, шартнома тузилганидан сўнг Бухоро амири урушни расман тўхтатиб, рус давлатига тобелигини тан олади. Бу эса ватанпарвар, ҳур фикрли одамларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлади. Ҳатто амирнинг ўғли Абдулмалик Катта тўра ва бир неча нуфузли беклар бирлашиб, Музаффархон ва чоризм истилочиларига қарши курашни давом эттиради. Улар амирнинг тахтдан маҳрум этилганини эълон қилиб, Шаҳрисабз ва Китобда катта куч тўплайди. Китоб ва Шаҳрисабз беклари Жўрабек ва Бобобек Катта тўрани хон деб эълон қиладилар. Натижада амир Музаффархоннинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади. Ота-бола қўшинлари ўртасида Самарқанд яқинидаги Жом қишлоғида содир бўлган жангда амир сарбозлари енгилади.

1868 йилнинг кузида Бухоро амири Музаффар ўзига қарши кўтарилган кўзғолонни бостириш учун генерал-губернатор номига мактуб йўллайди. Кауфман бу мактубдан шуни англайдики, амирнинг ўғли Абдулмалик отасига қарши кўзғолон кўтариб, Қарши атрофида катта куч тўплаган. Китоб беги Жўрабек, Шаҳрисабз ҳокими Бобобек ва Султон Содиқ Кенисаров отрядлари шаҳзода армияси таянчлари экан. Ўшанда Самарқанд округи бошлиғи, генерал-майор Абрамов бу



**Китоб ҳокими Жўрабек.**



**Шаҳрисабз ҳокими Бобобек.**

уч отряд бошлиқларидан энг хавфлиси Содиқ Кенисаров эканини айтган.

Чор қўшинларига қарши илгарилари ҳам бир неча бор қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатиб жанг қилган Султон Содиқ Кенисаров 1868 йилда Бухоро амири қўшини сафида Кауфманга қарши курашади. Зирабулоқдаги жангда амир қўшинлари билан қочганида, Содиқ ўз йигитлари билан жанг майдонида қолади. Кейин у Кауфман билан сулҳ тузган амирга қарши кўтарилган кўзғолонга қўшилиб, Китоб беги Жўрабек ва Шаҳрисабз беги Бобобек сарбозлари сафидан жой олади.

Кауфман бундай хавфли душманларга қарши тажрибали генерал Абрамовни юборади. Кўзғолончилар Қарши остонасида рус қўшинидан енгилиб, турли томонларга тарқаб кетади. Жўрабек ва Бобобек Шаҳрисабз ва Китобга қочади.

1870 йил 14 августда Китоб шаҳри шиддат билан қўлга олингач, Жўрабек ва Бобобек Қашқар томон йўл олади. Улар Маҳрам остоналарида Кўқон сарбозлари томонидан ҳибсга олинади ва Худоёрхон амри билан Кауфманга топширилади. Генерал Кауфман эса уларни ўз хизматига олиб рус қўшини зобитлари унвонини беради. Султон Содиқ эса Қизилқум орқали Хива хонлиги ҳудудига ўтиб кетади. Бухоро амири Кауфман билан тузилган сулҳ шартномасига кўра Самарқанд

ҳамда Каттақўрғондан ажрабгина қолмай, ўзининг сиёсий мустақиллигидан ҳам маҳрум бўлади. Бухоро амири рус салтанатининг вассалига айланиб, мамлакат Россия салтанати қарамлигидаги юртга—ярим мустамлака аҳволига тушиб қолади.

#### 4. Хива хонлигининг забт этилиши

Россиянинг ҳукмрон доиралари Туркистон генерал-губернаторлигини ўзининг Урта Осиёдаги ҳарбий режаларини амалга ошириш учун таянч марказига айлантириб, бу сафар истило тифини Хива хонлигини тўла бўйсундиришга қаратадилар. Улар Пётр I васиятини сира унутмаган эдилар. 1717 йилги Бекович-Черкасский қўшинининг ҳалокати ва 1839 йилда Перовский юришининг барбод бўлганлиги рус генералларининг хотирасидан чиқмаган эди. Пётр I нинг босқинчилик режасини тўла амалга ошириш учун тайёргарлик ишларини поёнига етказишгач, истилочилар Хива хонлигига кўз тика бошлайдилар.

Фон Кауфман юриш олдидан Хивани сиёсий тарафдан ҳам яккалаб қўйиш чораларини кўради. У Бухоро амири ва Қўқон хонига таҳдидли мактублар йўллаб, уларни Хивага ёрдам бермасликка чақиради. Масалан, унинг 1873 йил 4 мартда Қўқон хони Худоёрхонга йўллаган хатида шундай дейилган эди: «Ўзимга ишониб топширилган қўшинлар билан Жиззах устидан, Бухоронинг шимолий ҳудудлари орқали ўтаман. Сизнинг доно ҳаракатларингиздан ўрнак олмай, Россия билан дўстона муносабатлар ўрнатилишига қарши турган Хива хонини жазолаш учун йўлга тушмоқдаман».

Бухоро амири Музаффарнинг Кауфманга ёзган жавоб хатида русларга содиқлик руҳи сезилиб туради: «Элчингиз, стат-маслаҳатчи Струве Россиянинг Хива билан алоқасини батафсил гапирди. Мен бундай дўстликни ифодаловчи хабарнинг маълум қилинишидан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Албатта, ўртамиздаги дўстона муносабатлар сизнинг дўстингиз—бизнинг дўстимиз ва сизнинг душманингиз—бизнинг душманимиз бўлишини тақозо қилади. Мен яхши тушунаманки, агар Хива Россия билан тўғри муносабатда бўлмаса, у вақтда унга қарши қурол ишлатишга тўғри келади. Бундай ҳол юз берса, мен имконим борича ўз ёрдамимни амалда кўрсатишга тайёрман.

Сизнинг элчингиз бизга шуни тушунтирдик, Оқ подшонинг ерларидан Хивага уч тарафдан йўл боради: улардан бири Каспий денгизидан, иккинчиси—Козолидан, учинчиси—Оқ подшонинг ихтиёридаги бизнинг еримиз Амударёдан ўтади. Сизга батафсил жавобни статмаслаҳатчи Струве орқали юбораётирман. Содиқ дўст ва қўшни сифатида сиздан илтимос қиламанки, менга ўз фикрингиз ва ҳарбий юриш вақтини олдинроқ маълум қилингки, фуқароларимизни хотиржам қилиш ва сизга ишончли кишиларимни юбориш имкони туғилсин».

Шунга қарамай, ҳарбий таълим олган, бош штаб академиясини битириб, бой назарий ва жанговор ма-лака ҳосил қилган рус генераллари ва зобитлари ихтиёрида энг замонавий тўп, ракета отувчи мосламалар, пулемётлар бўлса ҳам, улар эркесвар ва икки бор рус қўшинларини мағлуб қилган Хивадан барибир ҳайиқишган.

Чор ҳукумати Хивага қарши юриш мақсадида турли хилдаги ифвогарлик ва баҳоналарни излайди. 1870 йил 18 январда генерал Кауфман Хива хонига бундай хат ёзади: «Мен сизга уч марта хат ёзиб бирортасига ҳам жавоб олмадим. Бунинг устига менинг сўнгги элчиларимни ҳам ушлаб қолгансиз. Бундай ҳаракатларга ортиқча чидаб бўлмайди. Иккитадан биттасига—ёки айтганларимга кўнасиш—дўст бўлиб қоламиз ёки айтганларимизга кўнамасангиз — душман бўлиб қоламиз».

1872 йил охирларида ҳарбий вазир бошчилигида Петербургда Туркистон, Оренбург генерал-губернаторлари ва Кавказдаги подшо ноиблари иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга қарор қилинади. Генераллар режасига кўра Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли кучлар шарқдан, Оренбург губернатори ва Кавказ ноиблиги ихтиёридаги ҳарбий кучлар эса ғарбдан ва шимоли-ғарбдан Хива устига юришлари керак эди. Россиянинг тажовузқорона нияти Хива хони ва унинг олий мансабдорларига сир эмас эди. **Сайид Муҳаммад Раҳимхон II (1865—1910)** 1872 йилда Ҳиндистон вице қироли ҳузурига элчи жўнатиб руслар таҳдидига қарши Англиядан мадад сўраган эди. Хоннинг элчиси Аминбой Муҳаммад ўғли Калкутта шаҳрида Лорд Норсбрук билан музокаралар олиб боради. Аммо Англия Хивага ёрдам кўрсата олмайди, у Россия билан алоқани бузишни хоҳламасди.

Хива энди ўз кучи ва имкониятига қараб иш кўриши лозим эди. Хонлик қўшинида ҳаммаси бўлиб 27 эски замбарак, 2 минг отлик аскар, 4 минг навкардан иборат қўшин бўлиб, улар ҳам асосан пойтахтда жамланган.

Хива хони масалани тинч йўл билан ҳал қилишга уриниши беҳуда кетгач, ҳарбий кенгаш чақириб, мудофаа режаларини тузади ва душман истилочиларга қарши ўзининг лашкарбошилари сафарбар қилади. Матмурод девонбеги, Маҳмуд Ясовул боши, Ёқуббек қалмоқ, Элтузар иноқ ва Бобомехтар раҳбарлигидаги ўзбек ва туркман (ёвмут) йигитлари рус қўшинлари хужумини қайтариш учун икки гуруҳга бўлиниб йўлга тушадилар.

Хивага юриш 1873 йил май ойида бошланади. Муҳаммад Юсуфбек Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида бундай ёзади: «...Русия давлати мундин бурун беш мартаба Хоразм йўлида ташналикдан қирилиб, баъзилари Хоразмга бориб урушиб қирилиб, ҳанузгача асло зафар топа олғонлари йўқ эрди. Бас, император аъзам бу бобда тамом аркони давлати билан маслаҳат этиб, ул тарафга бормоққа қайси йўл яхшироқ эканини ҳам билмай, ложарам (чорасиз—*муалл.*) Хоразм устига тўрт тарафдан аскар юбормоқни илтимос этдилар (лозим кўрмоқ—*муалл.*)».

Генерал Кауфман Туркистон лашкари билан, иккинчиси Кавказ қўшинлари, учинчиси генерал Верёвкин бошлиқ Оренбург лашкари ва тўртинчиси Ломакин раҳбарлигидаги жами 12 минг кишидан иборат яхши қуролланган қўшин Хоразм устига юради. Кауфманга умумий қўмондонлик топширилади. Рус қўшинининг Туркистон отрядига (22 рота, 1800 казак, 18 тўп) генерал Кауфман, Оренбург отрядига полковник Ломакин (12 рота, 800 казак, 8 тўп) қўмондон бўлиб, Орол флотилияси ҳам улар ихтиёрига берилган эди. Император Александр II Хива юришига катта эътибор беради. Ҳатто, айтиш жоизки, император оиласининг аъзолари—буюк князлар Хива сари юришда бевосита қатнашадилар. Николай, Константин, Евгений Романовлар ва Герцог Лейтенбергский каби олий зотларнинг ҳарбий қисмларга қўмондон қилиб тайинлангани ҳам Россиянинг Хива истилосига катта эътибор берганини кўрсатади.

Россия қўшинлари Амударёдан ўтиб, Муҳаммад Ра-

ҳимхон II (Феруз) бошлиқ хонлик шаҳар ва қишлоқларини бирин-кетин эгаллай бошлайдилар. Полковник М.Д.Скобелев 1864 йилда бош кўтарган поляк ватанпарварларининг исёнини бостиришда кўрсатган хизматлари учун I-даражали нишон билан тақдирланган бўлиб, Хива юриши бошланишидан олдин: «Бу гал албатта Георгий Крестти оламан!» деб ўртоқларига мақтанган экан. Россия қўшинларига қаршилиқ кўрсатган Хўжайли шаҳри, Манғит қишлоғи култепага айлантирилади. Жангларда руслардан бир капитан, саккиз аскар ўлгани, ўн киши турли даражада жароҳатлангани қайд этилган. «Душман ниҳоятда катта талофат кўрди», деб ёзилган рус қароргоҳи ҳужжатларида.




М.Д.Скобелев.

«Хотунлар ҳам чап қўлида боласи ва ўнг қўлида тиф билан Русия отликларига ҳамла қилур эдилар. Бир миқдор уруш бўлгандан сўнг, Русия аскарари голиб келиб, оларнинг ҳам ҳаммаларини тифу тўфонг била қириб тамом этдилар. Баъзи заҳмдорлар ўлукларнинг ораларида ўзларини улукдек этиб ётмиш эрдилар. Русия аскарари оларни кўриб, милтиқ ўқи билан оларни уруб қатл этдилар. Ул ҳолда тўрт казак отли бир явмутнинг изидан етиб, ўртаға олиб ҳар тарафдин тиф урмоқ бошладилар. У явмутнинг қўлида ҳеч яроғ йўқ эрди. Онга кўп заҳм урдилар. Қўлларидан ва тамоми баданидан қон оқиб борур эрди. Явмут кўрди, булар они ўлтурмоқчидурлар, ғайратга кириб бир ҳамла қилиб, ул казакларнинг биридан қиличини қонтириб, қўлидан олиб, ул қилич била ҳамул тўрт казак отлиқни қатл этди. Чун заҳмларидан қон кўп оқиб эрди, беҳол бўлуб йиқилиб қолди. Ул ҳолда икки казак отли бу аҳволда кўруб келиб, отиб ва тиф билан шаҳид этдилар»<sup>1</sup>.

1873 йил 29 майда чор қўшинлари Хива остоналарига етиб келади. Россия қўшини ҳужумини қайтариш-

<sup>1</sup> Мухаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асаридан.





Чор Россияси кўшинлари Хивада.

га уринган Муҳаммад Раҳимхон II кўшинлари енгилди. Муҳаммад Раҳимхон II босқинчиларга асир тушишни шармандали бир ҳол деб билиб, ўзига содиқ бир тўп йигитлари билан ёвмут туркманлари яшайдиган томон Бадиркентга Исмомут ота қабристонига чекинади. Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг маълумотига кўра, бу даврда хоннинг инилари Амир ва Отахон тўра Муҳаммад Раҳимхон II ёнида туриб умумий душманга қарши халқни бирлаштириб жанг қилиш ўрнига тахт талашмоқ билан овора эдилар. Хоннинг қочганлигидан фойдаланиб инилари Амир ва Отахон тўра сотқин маҳрамлар билан тил бириктириб Кауфман ҳузурига нонтуз кўтариб борадилар. Ўрис генерали мағлубларни жуда илиқ қабул қиладию, бироқ уларни Хива хони қиёфасида кўрмайди. Генерал Кауфман хоннинг ўзи келишини талаб қилади. Хонга ёзган мактубида у: «Агар уч кун муддатда ўзинг келиб, биз билан сулҳ олиб бормасанг, ўрнингга иниларингдан бирини хон қилиб кўтариб қайтиб кетаман», дейди.

Муҳаммад Раҳимхон генерал Кауфманга чопар йўллаб, таслим бўлганини билдиргач, ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилади. Аммо олчоқ ва жоҳил полковник Скобелев ва граф Шувалов бошлигида мингга яқин рус кўшини Шоҳобод дарвозасини портлатиб, йўлда дуч келган одамни қириб, хон ўрдасига бостириб боради.

Уларнинг асли мақсад-муддаоси кўпроқ ўлжа-бойликларни қўлга олиш, олий мартаба ва нишонга эга бўлиш эди. Лекин генерал Кауфман бу «зафарли ҳужум»ни ўзбошимчалик сифатида қоралайди ва айниқса ўзини кўярга жой тополмай юрган Скобелевни жиддий огоҳлантиради. Айёр генерал вазиятдан силлиқ чиқиш мақсадида ҳали рус қўшини қадами етмаган номаълум сахро йўлларини харитага чизиб келади. Генерал Кауфманга бу ҳаракат ёққан бўлса-да, туллакилик қилиб ёш зобитни талтайтириб юбормаслик учун куриққина қилиб: «Сиз кўз ўнгимда аввалги хатоингизни тўғриладингиз, лекин ҳали ҳурматимни қозонганингиз йўқ», — дейди.

**Гандимиён сулҳи.** Генерал-губернатор фон Кауфман русларга қарши курашга қодир ва барчани ўз атрофига бирлаштиришга лаёқатли бўлган Хива хонини зарарсизлантириш чорасини кўриб, унга мактуб йўллайди. Муҳаммад Раҳимхон II тахтни сақлаб қолиш илинжида ўзи таклиф этилган Гандимиён боғига етиб келади. 1873 йил 12 августда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон билан генерал Кауфман ўртасида Гандимиёнда шармандали ўзаро сулҳ битими имзоланади. 18 моддадан иборат бу битим имзоланиши туфайли Хива хонлиги ўзининг сиёсий мустақиллигини йўқотади: «Мен ким, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний Баҳодирхон ўзимни улуг рус салтанатининг қули деб тан оламан», — дейилган эди ўша битимда.

Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан Хива хони ўртасида музокаралар бошланади. Генерал Хивани идора қилишга оид янги низомни хон диққатига ҳавола этади. Рус давлатчилиги русумларини жорий этишга қаратилган бу ҳужжатга биноан хонликда бошқарув тизими бўлган девон тузиш лозим эди. Девон аъзолигига Хива хони томонидан русларга хайрихоҳ амалдорлардан Матниёз девонбеги, Элтузар иноқ ва меҳтар Абдуллабий, руслар тарафидан эса бош штаб подполковниги Пожаров, артиллерия полковниги Иванов, подполковник Хорошикин ва савдогар Олтинбоев тайинланиши лозим эди. Русларга қарши жангларда шижоати ва ватанпарварлиги билан танилган Муҳаммад Муродбеги ва Раҳматулла Ясовул бошилар эса Хивадан сургун қилиниши лозимлиги кўзда тутилган. Генерал фон Кауфман музокаралар билан бир вақтда, эркесвар туркманларни жазолаш учун генерал Головачёв қўмондонлигидаги катта кучни сафарбар қилади.

Пиёдалар, отличлар, тўп ва замбараклар билан қуролланган Головачёв жазо корпусининг «Бекович хуни учун» дея қилган ваҳшийликлари рус ҳарбий идоралари ҳужжатлари ва маҳаллий муаррихлар битикларида сақланиб қолган»<sup>1</sup>.

Сулҳ битимида Амударё ва Орол денгизи сувликларида рус кемалари бож тўламасдан бемалол ва эмин-эркин юриши, Бухоро ва Хива кемаларига эса бундай ҳуқуқлар рус ҳукмдорлари рухсати билан берилиши қонунлаштирилади. Яна хонлик ҳудудида улар бир неча ўринда бандаргоҳ (порт) қуриш ҳуқуқини оладилар. Рус савдогарлари хонлик ҳудудида ҳеч қандай бож тўламасдан эркин ҳаракат қилиш, савдо-сотиқ ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўладилар, улар бож тўловларисиз Хива хонлиги ҳудуди орқали бошқа давлатларга ҳам ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар. Битимга кўра ўрис фуқароларининг арзномаларини пайсалга солмасдан хонликнинг ўзи ҳал қилади деб кўрсатилади, хиваликларнинг арзларини эса маҳаллий ўрис бошлиқлари текширади, дейилади. Айни вақтда хонлик Россияга 2.200 минг сўм тилло ҳажмида уруш товонини тўлаши шарт қилиб қўйилади. Амударёнинг ўнг қирғоғида, хонлик тахтига яқин жойда Петро-Александровский кўрғони (ҳозирги Тўрткўл) қурилади.

Шундай қилиб Урта Осиёдаги Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўз мустақилликларини қўлдан бой бериб, ўзи мустақил ҳаракат қила олмайдиган, чор Россияси таркибидаги қарам бир давлатга айланади.

## **5. Кўқон хонлигига қарши юришлар ва унинг тугатилиши<sup>2</sup>**

Бу даврда хонлик ўз бошидан оғир вазиятни кечи-раётган эди. Бу давлатга шимолдан Россия, жанубдан Хитойнинг ҳужуми хавф туғдираётган эди. 1865 йили Шарқий Туркистонда хитойликларга қарши янги миллий исён бошланган эди. Кўқон хонлигида бу исёнга хайрихоҳлик билдирилади. Ёқуббек бошчилигида ҳарбий қўшин Шарқий Туркистонликларга ёрдамга кела-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 143-бет.

<sup>2</sup> Мазкур мавзу батафсилроқ куйидаги асарларда акс эттирилган: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб...146—178-бетлар; *Ҳ.Зиёев*. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998, 332—340-бетлар; *Ҳ. Бобобеков*. Пўлатхон кўзғолони. Т., 1996.

ди ва хитойликлар бу минтақадан қувиб чиқарилади. Мустақил Шарқий Туркистон давлати вужудга келади. Бу давлат Қўқон хонлиги ва Туркия давлатлари билан яқин алоқа ўрнатишга ҳаракат қилади. Аммо Ёқуббек ташкил этган мустақил Шарқий Туркистон давлати Хитой томонидан 1877 йили босиб олинади<sup>1</sup>.



Худоёрхон.

Айни шу вақтда чор истилочилари Қўқон хонлигини тугатишга киришадилар. Улар Туркистон, Чимкент, Тошкент ва бошқа жойларни босиб олиб Қўқон хонлигига қаттиқ зарба берган эдилар. Қўқон хони Худоёрхон қўрқоқ ва тадбирсиз бўлганлиги учун ватан ҳимояси йўлида бирон арзигулик иш қилмайди. Аксинча, чор ҳукумати паноҳида ўз тахтида ўтиришни ўйларди, холос. У 1868 йили чоризм билан сулҳ тузади ва амалда Россияга қарам бўлиб қолади. Унинг итоаткорлигини тақдирлаган чор ҳукумати Худоёрхонни Россия давлати ордени билан мукофотлайди ва унга «Аслзода» деган фахрий унвон берилади. Худоёрхоннинг бу сиёсати аҳолининг ғазабини тошириб юборади. Бунинг устига хоннинг зулми тобора кучайиб боради. Натижада 1872 йили халқ кўзғолони кўтарилади.

1876 йилгача давом этган бу кўзғолонга марғилонлик Исҳоқ Мулла Ҳасан ўғли бошчилик қилади. 1872 йилда бир гуруҳ норози зодагонлар Худоёрхоннинг қариндошларидан бўлган Пўлатбекни тахтга кўтармоқчи бўладилар. У тахтдан воз кечгач, фитначилар розилиги билан Пўлатбек исмини олган Исҳоқ Мулла ғазватнинг бошида туради. 1873 йилда унга Абдурахмон офтобачи (Қўқоннинг собиқ ҳукмдори Мусулмонқулнинг ўғли), бундан ташқари Худоёрхоннинг тўнғич ўғли Насриддин (Андижон ҳокими) ва акаси Муродбек

<sup>1</sup> Юсуф Аллтекин. Шарқий Туркистон даввоси. Истамбул, 1973, 126-127 бетлар.

(Марғилон ҳокими) келиб кўшиладилар. Кўзғолонни бостиришга ожизлигини пайқаган Худоёрхон «пушти паноҳ императур ҳазрати олийлари»нинг қудратига суянади ва фон Кауфманга «дўстона» мурожаат қилиб, иложи борича тезлик билан Кўқонга рус кўшини ва замбаракларини юборишни сўрайди. Юртни сотганлиги учун Худоёрхон ва унинг яқинларига қарши ғазоват эълон қилинади. Худоёрхон 1875 йил 2 июль куни ўз оиласи билан Тошкентга, ўрис элчихонаси паноҳига қочиб боради. Тарихчи олим Ҳ.Бобобековнинг ёзишича, 1875 йил ёзида Кўқон хони Худоёрхон 70 кишилик аҳли аёли, 500 га яқин ҳамроҳлари, 40 арава хазина билан Тошкентга—Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ҳузурига паноҳ тортиб келган. Кауфман 40 арава халқ бойлигини олиб Худоёрхоннинг ўзини Оренбургга сургун қилган. Кейинчалик хон Оренбург тутқинлигидан қочган<sup>1</sup>.

Тошкентдан чиққан рус кўшинлари билан кўқонликлар ўртасидаги биринчи жанг (кичик жанглари ҳисобга олмаганда) Маҳрам қалъасида бўлади. Бу қалъада 60 минг атрофида сарбоз бор эди (баъзи манбаларда 30 минг ва 50 минг рақами қайд этилади).

Қалъа замбарак ўқлари остида 10 дақиқада вайрон бўлади. Жанг қандай ўтгани ва қанча одам нобуд бўлгани ҳақида яхшиси ҳужжатлар тили билан гапирган маъқул. «Маҳрам атрофида душман (ўзбеклар—*муалл.*) қанча талофот кўрганини аниқ рақамларда ифодалаш қийин. Тўсиқлар орқасида ва Маҳрам қалъаси ичида 100 дан ортиқ мурда топилиб, дафн этилди. Маҳрам орқасидаги майдонда казакларнинг қиличи билан чопилган 1000 дан ортиқ мурдани отряддаги йигитлар йиғиштириб олишиб, кўмишди; генерал фон Кауфманнинг кўриқчи бўлинмаси дарё ёқалаб қочаётганларни қувиб, 100 кишини қиличдан ўтказди. Тогдан тушиб келиб отрядларимизга ҳужум қилган чавандозлар ҳам кўп қурбон беришди. Улардан қанчаси ўлиб, қанчаси ярадор бўлгани номаълум. Жуда кўп кўқонликлар Сирдарёга чўкиб кетди. Очигини айтганда, шафқатсиз қирғин рўй берди, чегарамизни бузишга журъат этиб, ерларимизга бостириб киришгани ва бизга тобе одамларнинг осойишталигини буггани учун муносиб интиқом олинди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ҳ. Бобобеков. Кўқон хазинаси касрда? «Халқ сўзи», 1991 йил, 20 февраль.

<sup>2</sup> А.Серебренников. Военные действия против а. Кокандцев (на основе официальных данных). «Военный сборник», 1876, 2-сон, 194—195-бетлар.

«Райимхўжанинг ҳикоя қилишича, Маҳрамни олиш чоғида генерал Кауфман ўзини жуда хотиржам тутган. Рус қароргоҳи яқинига ўқлар учиб келиб, тўп ўқлари ёрилиб, бир аскар ва бир йигит ярадор бўлган. Шундан кейингина Кауфман генерал Головачёвга қалъани тўпга тутишни буюрган. Икки замбарак қулай маррани эгаллаб, яқин масофадан қалъани яксон қилишга киришади. Ун минутдан кейин қалъа вайрон бўлган ва рус аскарлари ҳужумга ўтади. Ерлиларнинг жуда кўпи ўлдирилди, кўрқувдан ўзини дарёга ташлаб фарқ бўлганларнинг сон-саногии йўқ эди. Ҳужум тамом бўлиб ҳаммаёқ тинчигандан кейин ниҳоятда димоғи чоғ Кауфман Райимхўжанинг олдига келиб: «Рус аскарлари қандай урушар экан», — деб сўради. «Яхши урушдилар, аъло ҳазратлари», — деб жавоб берди Райимхўжа. Генерал Кауфман бунга жавобан: «Худо хоҳласа, бутун Фарғонани мана шундай жанговар ҳаракатлар билан бўйсундирамиз ва қўшиб оламиз», деб айтди<sup>1</sup>.

Скобелевнинг маълумотномасига кўра, жанг майдонидан 2000 салла йиғиб олинган. Верешчагин буни иккига бўлади, аммо «жанг чакки бўлмади», деб қўшиб қўйди<sup>2</sup>.

«Биз 39 замбарак (дарёга тушиб кетган тўп бу ҳисобга кирмайди), 1500 милтиқ, беҳисоб найза, қилич, чўқмор, 50 дан ортиқ туғ, байроқ, нишонларни ўлжа қилиб олдик. Қалъада ўқ-дори, снарядлар ва кўрғошин ҳамда 1910 пуд ун, 837 пуд гуруч, 320 пуд жўхори сақланаётган катта омборхоналар топилди, 224 та от қўлга олинди.

Кўрган талофатларимиз: 6 киши ўлдирилди (1 қароргоҳ зобити, 4 оддий аскар ва бир йигит), 8 киши ярадор (бир қароргоҳ зобити ва 7 қўйи амалдагилар) бўлди. Душман талофатини 1200 киши дейиш мумкин. 149 замбарак ўқи, 29 ракета ва 9.387 патрон ишлатилди.

Жангдан кейин Кауфман Тошкент орқали Олий ҳазрат жаноби олийлари номига галаба, қўлга тушган ўлжалар ва қурбонлар сони маълум қилинган телеграмма юборди: «... Душман тўла мағлуб этилди: унинг хонлик аҳолисига таъсири ниҳоятда катта бўлди, аммо Маҳрам жангининг оқибатлари ҳақида олдиндан бир

<sup>1</sup> «Константин Петрович фон Кауфман—устроитель Туркестанского края». Личные воспоминания Н. П. Остроумова (1877—1881гг) . Т., 1899, стр. 211.

<sup>2</sup> М.Д. Скобелев. СПб., 1894, стр.17.

наrsa дейиш қийин. Хўжандан кутилаётган қўшимча улов келиши билан Қўқон сари ҳаракатни давом эттираман. Сизга тобе улуғ император қўшинлари ўз шуҳратига муносиб мардона жанг қилди. Вазифа аъло даражада бажарилди»<sup>1</sup>.

А.И.Терентьев яна қуйидаги маълумотни беради: «Адеркас (чор зобити) Қашқар қишлоғида душманинг от-аравалари билан келаётган тўдаларига дуч келиб қолади. Кўча бутунлай чанг-тўзон билан қопланган. Казаклар чанг тўдасига қарата милтиқлардан ўқ узиб, сўнг хужумга ўтишади. Оқибатда тўрт байроқ, 25 милтиқ, беҳисоб қилич ва найза, бир қанча от ва юк ортилган 10 арава ўлжа олинади. Биз талофат кўрмадик. 40 га яқин душман ўлдирилди». «Душман (Намангандаги жанг тафсилоти), Скобелевнинг ҳисобига кўра.. (бу мусулмонлар учун қоғоз ҳам хайф), 3800 кишини йўқотди. Уч кун ичида бизнинг талофатимиз: қўйи амалдорлардан олти киши ўлди, 29 киши ярадор бўлди, 3 зобит яраланди»<sup>2</sup>.

Хуллас, 29 августда генерал К.П.Кауфман бошлиқ рус қўшини Қўқон шаҳрига ғолиб сифатида кириб келади. Қўқон аъёнлари Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек бошчилигида ундан кечирим сўрайдилар. 1875 йил 22 сентябрда Насриддинбек билан Кауфман ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг тенгсиз ва шармандали битим имзоланади. Битимга кўра, Қўқон хони ўзини Россия салтанатининг қули деб тан олади, қўшни хонликлар билан ҳеч қандай алоқалар ва муносабатлар қилмасликка ваъда беради. Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги барча ерлар Россия ихтиёрига ўтадиган бўлади. Қўқон хонлигига қарши олиб борилган урушда рус армияси кўрган олти юз минг сўм ҳажмдаги зарарни тўлаш Қўқон хонлиги елкасига юклатилади. Айни чоғда шартномада 1876 йил 1 ноябрдан бошлаб Қўқон хонлиги Россия хазинасига ҳар йили 500 минг сўмдан тўлаб бориши шарт қилиб қўйилади. Бу сумма беш йил давомида фоиз ҳақини тўлаш ҳисобидан кучга кирадиган бўлади.

Қўзғолоннинг асосий айбдори Абдурахмон Офтобачини қўллаб-қувватлаганликлари учун марғилонликларга 125 минг тилло ҳажмида товон тўлаш мажбурия-

<sup>1</sup> И.А.Терентьев. «История завоевания Средней Азии». Т., 2, СПб, 1906.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

ти белгиланади. Халқнинг оғир аҳволда яшаётганлигини эътиборга олиб 60 минг тиллони 1875 йил 21 октябрча, қолган 65 минггини эса 1876 йил 21 октябрча тўлашга рухсат берилади. Агар Марғилон губернияси аҳолиси ушбу товонни белгиланган муддатда тўла-маса бу олтинлар Қўқон хонлиги хазинасидан тўлатириб олинади, деб қайд қилинади ушбу битимда.

Шундай қилиб, Қўқон зодагонлари мамлакатнинг эркини бериб, фақат ўз жонларини сақлаб қоладилар, холос.

Қўқон хони Худоёрхоннинг қочиши, Насриддинбек билан Кауфман ўртасидаги тенгсиз ва шармандали битим халқ оммасининг янгидан катта куч билан қўзғолон кўтаришига сабаб бўлади. Бу галги қўзғолон маркази Андижон эди. Қўзғолончилар Пўлатхон номи билан юрган Исҳоқ муллани Бўтақара қишлоғида хон деб эълон қиладилар. Пўлатхонга қарши жўнатилган Кауфман отряди Андижон остонасида мағлубиятга учрайди. 1875 йил 7 октябрда қўзғолончилар хон қўшинини тор-мор келтириб Қўқонни эгаллайдилар. Насриддинхон Хўжандга, ўрислар паноҳига қочади. 11 ноябрда Скобелев қўмондонлигидаги рус аскарлари қўзғолончиларни Балиқчи яқинида зарбага учратадилар. Терентьев бу ҳақда шундай хабар беради: «...Балиқчи шаҳрига ёриб кириб, душман лагери ва кучини эгалладилар. Тонг отгандан кейин артиллерия кечувдан ўтиб, шаҳарга ўқ ота бошлади, шу заҳоти Скобелев 2-ёндош батальонга қарашли 2-рота ва эликта казак отлиқ ўқчилари билан хужумга ўтди, душманнинг чекинишига йўл қўймаслик учун бутун отлиқ аскарларни замбараклар билан шаҳарнинг орқа томонига юборди. Жангга кирган бўлинмалар учта истехкомни мажақлагандан кейин бозорни ишғол қилдилар ва шу ерда тор кўчадан келаётган қипчоқларнинг катта отлиқ оломонига дуч келиб қолдилар... Даҳшатли ур-йиқит ичида мерганларимиз дўлдек ёғдираётган ўққа учган қипчоқлар бор-йўғи 20 қадам нарида тўда-тўда бўлиб йиқилар, кўча юзи уларнинг ўлигига тўлиб кетган эди. Бу даҳшатли жаҳаннамдан бир амаллаб қутулиб чиққанлар нариги ёнбошда пойлаб турган казакларнинг чангалига тушар эди. Уларни икки чақирим жойгача қувиб бориб, ҳеч қандай раҳм-шафқат қилмай қиличдан ўтказишди. Биз томондан, бир қуйи амалдаги киши ўлиб, 8 та ярадор (шундан учтаси оғир), уч киши кантузия



олган эди. Скобелев душманнинг талофатини 2000 киши деб ҳисоблайди».

Скобелев йўл-йўлакай барча қишлоқларга шафқатсизларча ўт қўйиб, яксон қилиб, олға силжиб боради. Айниқса у Андижон шахрининг кулини кўкка совуради. Уни ёвузларча тўпга тутиб, бомбардимон қилдиради. Терентьев бундай ёзади: «Скобелев йўлда келар экан, санасини кўрсатмай, Колпаковскийга телеграмма жўнатди, у 7 февралда эгасига келиб тегди. Унда Андижонда ҳамма нарса жойида эканлиги, аниқ маълумотларга қараганда, шаҳар тўпга тутилган пайтда харобалар орасида 20000 киши ҳалок бўлганлиги айтилган эди».

1907 йилда Тошкентда чоп этилган «М.Д.Скобелев хотираси»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Андижонликлар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар: улар ҳар бир тўсиқдан фойдаланар эдилар, томлар устидан туриб ўқ отишар, кўчалар, ҳовлилар, уйлар, масжидлар ичида юзма-юз олишардилар. Уларнинг қаршилик кўрсатишлари олдинда ҳужум қилиб бораётганларни газаблантирар, тобора жунбушга келтирарди. Бозор майдонида Скобелев колоннаси йирик харилардан қилинган тўсиққа дуч келиб қолди. Замбаракларимиз олдинга ўтказилди ва бир неча ўқ узилгандан кейин душман тумтарақай бўлиб кетди. Туркистонликлар бешта истехкомдан ташқари, мустаҳкам кўрғончага айланган уйларни ҳам жанг билан қўлга киритдилар. Ниҳоят, ҳар учала колонна ўрдага етиб келди ва саройни исёнчилардан тозалади. Қисқа муддатли ҳордиқдан сўнг манзилгоҳга қайтилди, дарвоқе, йўл ёқасидаги иморатларнинг ҳаммасига ўт қўйиб борилди. Олд қисмлар қаерда кетаётганини ёнғинга қараб билиб олиш мумкин эди. Отишмалар ҳали тинмаган, андижонликларнинг ҳарбий урони «Ур!», «Ур!» садолари эшитилиб турарди. Андижонни бутунлай вайрон қилиш учун генерал Троицкий Скобелевга олтита замбарак бериб, шаҳарни тўпга тутишга, бозор ва ёнғин бўлаётган томонларни нишонга олишга буйруқ берди»<sup>1</sup>.

1876 йил 9 январда Скобелев вайрона ва култепага айланган Андижонга кириб боради. Пулатхон қолган-қутган кучлари билан Учқўрғонга чекинишга улгурганди. 1876 йил 28 январга ўтар кечаси Скобелев томони-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 170-бет.



### Кўзғолончиларни жазолаш.

дан юборилган жазо отряди Учқўрғонни эгаллайди, барча ҳимоячилар ўлдирилади. Пўлатхон бу ердан қочиб улгуради, бироқ тез орада Марғилонда қўлга олинади. Пўлатхон кўзғолонини тор-мор келтиришда қирғиз Шабдон Жонтоев рус зобитларига ўз йигитлари билан ёрдам беради.

Рус қўшинларининг Қўқон хонлигига қарши олиб борган уруш ҳаракатларида Худоёрхон томонидан генерал фон Кауфманга асир сифатида ушлаб берилган Китоб ва Шахрисабз беклари Жўрабек ва Бобобек фаол қатнашадилар ва Худоёрхондан «ўч» оладилар.

К.П.Кауфман Қўқонда кўтарилган халқ ҳаракатини бостириш баҳонасида Қўқон хонлигини мустақил давлат сифатида тугатади. 1876 йилнинг 19 феврилида Қўқон хонлиги бекор қилинади ва унинг ўрнига Фарғона вилояти ташкил қилинади. Туркистон халқларининг жаллоди, Фарғона водийсида ваҳшийларча фаолият кўрсатган жазо экспедициясининг бошлиғи генерал Скобелев Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланади. Хулоса шуки, ўзбек халқи мустақиллик учун курашининг Пўлатхон раҳбарлигидаги кўзғолони мағлубияти билан Қўқон хонлиги рус подшолигига тўла қарам бўлиб қолади. Аммо бу Фарғона водийсида чор Россияси босқинчиларига қарши кураш барҳам топади, деган маънони англатмайди. Эрк, озод-



**Курбонжон додхоҳ.**

ларига қарши курашда афсонавий қаҳрамонликлар кўрсатади. Курбонжон додхоҳ аёллигига қарамасдан Туркистон халқларининг жаллоди мақтанчоқ ва алчоқ чор генерали Скобелевни у билан сулҳ музокаралари бошлашга мажбур қилади. Чунки Скобелев нописандлик билан тинчлик битимини тузиш учун Курбонжон додхоҳ ҳузурига майор Ионовни юборган эди. Мағрур қирғиз ватанпарвар аёли Ионовни қабул қилмайди ва мавқеи ўзи билан тенг бўлган кўмондон билан музокара бошлашга рози эканлигини маълум қилади. Натижада, генерал Скобелевнинг ўзи Курбонжон додхоҳ билан сулҳ музокаралари олиб боришга мажбур бўлади ва унинг талабларини инобатга олишдан бошқа чора топаолмайди. Бу қонхўр устидан Курбонжон додхоҳнинг қўлга киритган катта маънавий галабаси эди. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман фақат 1877 йил январисида Санкт-Петербургга ахборот юбориб, Фаргона воийсида тинчлик ўрнатилганлигидан оқ подшони воқиф этиб, кўнглини тинчлантирган эди.

Аммо бу тинчлик нисбий характерда эди, холос. Амалда эса ватанпарварлар душманга қарши курашни давом эттириб, чекиниб борадилар. Бу ҳолни биз қирғиз ва ўзбек уруғларига мансуб турли қабилаларнинг 1877 йил давомида Худойкул, Абдуллабек, Умарбек, Сулаймон удайчи, Таникул, Валихон тўра, Абдука-

римбек ва бошқалар бош бўлган гуруҳларнинг чор Россияси қўшинларига қарши курашни давом эттирганликларида яққол кўрамиз.

## **6. Туркистонни босиб олишнинг тугалланиши**

Туркистон генерал-губернаторлиги тузиб бўлингач, Россия ҳукумати ўзининг асосий диққат-эътиборини Туркменистон ҳудудларини истило қилишга қаратади. Ана шу мақсадни кўзда тутиб 1869 йилда Красноводск қалъаси қурилган эди. Шу даврдан бошлаб туркман ерларини босиб олиш учун фаол ҳаракатлар бошланиб кетади. 1877 йилда Ахалтака воҳасидаги биринчи йирик манзилгоҳ—Қизил Арват эгалланади. Шундан сўнг генерал Лазарев қўмондонлигидаги рус қўшинлари Кўктепа (ҳозирги Ашхобод)га ҳужум қиладилар ва 200 аскарни қурбон бериб чекинишга мажбур бўладилар. Кўктепа фақат 1881 йилга келиб туркистонликларни қиришда «шуҳрат» топган Скобелев томонидан бўйсундирилади. Таниқли рус олими академик В.В.Бартольд «Кўктепа» («Геок-тепе») мақоласида тарихий воқеани қандай содир бўлган бўлса худди шундай бўямасдан тўғри ёзганди: «Рус қўшини 8000 кишидан иборат бўлиб, 70 дан ортиқ замбаракка эга эди. Йигирма кунлик қамалдан сўнг 1881 йилнинг 12(24) январида Кўктепа қалъаси штурм билан ишғол қилинди, сўнг талон-торож қилиш учун аскарлар ихтиёрига тўрт кунгача ташлаб қўйилди. Қалъани қамал қилиш ва забт этиш чоғида 6000—8000 киши ҳалок бўлди. Ўрта Осиёдаги бошқа жангларга қиёсласак, руслар катта қурбонлар эвазига ғалаба қозонганини кўрамиз, улар ўлган ва ярадорларни бирга ҳисоблаганда, 1000 дан ортиқ одамни йўқотди. Бундан ташқари Кўктепа жангида Туркистонда биринчи марта русларнинг байроғи ва замбараги ўлжа олинганди»<sup>1</sup>.

Ахалтакада бўлган урушнинг бевосита қатнашчиси рус зобити К. Геанс Кўктепадаги даҳшатли манзараларни кўз ўнгимизда янада ойдинроқ гавдалантиради: «Қирғин бошланди...Чарчаш нималигини билмайдиган драгунлар биринчи узун ҳовлини туркманлар қонига фарқ қилдилар. Олишув узоқ чўзилмади, душман жасурина курашса-да, охири бардош бераолмади; қарама-

<sup>1</sup> В. В. Бартольд. «Геок-тепе». Соч. Т.3. М., 1965, стр. 399.

қарши томонга, баланд девор ёқалаб ички қалъага қараб чекинди, аммо фурсат бой берилганди. Отрядимизда мардлиги билан ном чиқарган князь Голициннинг казаклари ва поручик Нахичеванскийнинг 1-эскадрони драгунлари жарликдан чиқиб, уларнинг йўлини тўсдилар. Чорасиз аҳволда қолганларини сезган така-туркманлар қўлларидаги ятогонларини ўйнатиб...рақибга ташландилар. Аммо девор орқасидан деярли ёнма-ён туриб отилаётган милтиқ ўқига учиб, кетма-кет қулай бошладилар. Қалъа билан пахса девор ораси мурдага тўлиб кетди»<sup>1</sup>. Рад этиб бўлмайдиган далил ва ҳужжатлар генерал Скобелевнинг туркманлар жаллоди эканлигини яна бир марта исботлайди. Ваҳший зобитнинг яқин хешларидан бўлган Адам Жульетта Ламбер қуйидагича ҳикоя қилади: «Жаноб Марвин билан суҳбат чоғида генерал Скобелев Ўрта Осиёни буйсундириш ҳақида ўз қарашларини очикдан-очик қуйидагича ифодалади:

— Гап шундай, жаноб Марвин, фақат буларни газетангизда босиб чиқара кўрманг. Жаҳон лигаси назарида ғирт ёввойига айланиб қолишни истамайман. Менинг ақидам шундай: Осиёда осойишталик ўрнатиш масаласи тўғридан-тўғри одамларнинг қанча кўп қирилишига боғлиқ. Зарба қанчалик кучли бўлса, душман шунчалик тез буйсунади. Биз Кўктепада 20000 туркманни ўлдирдик. Тирик қолганлар бу сабоқни бир умр унутмайдиган бўлди. — Умид қиламанки, бу ақидаларингизни босиб чиқаришимга рухсат берасиз. Расмий ахборотингизда сиз ҳужум ва таъқиб пайтида ҳар икки жинсга мансуб 8000 душман ўлдирилди, деб ёзгансиз. Шу тўғрими? — Тўппа-тўғри. Уларни санашганда роппа-роса 8000 одам чиқди.

— Бу маълумотлар Англияда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлди, сабаби, сизнинг аскарларингиз эркалар билан бир қаторда аёлларни ҳам ўлдиришган экан.

Бу хусусда шуни айтиш лозимки, Скобелев мен билан суҳбат чоғида «Кўплаб аёллар ўлдирилди, аскарлар дуч келган одамни қилич билан чоғиб ташлай-веришди», деб тан олган эди. Скобелев ўз дивизиясига аёллар ва болаларга тегилмасин деб буюрган эди, унинг олдида уларни ўлдиришмади. Аммо бошқа дивизиядагилар ҳеч кимга шафқат қилишмади; аскарлар худди

<sup>1</sup> «Военный сборник» журнали, 1882 йил, 6-сон, 27-бет.

машинадек ишлаб халойиқни роса қилич билан бурдалашди. Капитан Маслов бунн очикчасига эътироф этади. У «Ахалтаканинг бўйсундирилиши» номли асарида хужум бўладиган куни эрта тонгда ҳеч кимни асир олмаслик ҳақида буйруқ бўлган эди, деб гувоҳлик беради. Бу ҳам мутлақо тўғри, — деди Скобелев, — ўлганлар орасида кўплаб аёллар бор эди. Ёлғон гапириш табиатимга тўғри келмайди. Шунинг учун ахборотимда ҳар икки жинсга мансуб деб очик ёзганман»<sup>1</sup>.

Капитан А. Маслов рус аскарларининг ёвузликларини «деталлаштириб» кўрсатади. Улар қаршилиқ кўрсатётган ёки жонини асраш учун қочиб кетаётганларнинг қовурғасига, қорнига найза санчишар, тиккасига отишар, ё бошига қўндоқ билан туширишар экан. Ҳатто кўпчилигининг қўндоғи ёрилиб кетган экан...

Скобелев даҳшатли қирғин бўлишини олдиндан яхши билган ва бунга пухта тайёргарлик кўрганди. Юришга отланар экан, у бош қўмондонлик олдига: «Биронта журналист сафарда қатнашмаслиги шарт», деган талабни қатъий қўяди ва бунга тўла эришади.

Ортиқбой Абдуллаев Кўктепа қирғини даҳшатларини янада ёрқинроқ чизиш мақсадида рус зобитлари асарларидаги баъзи бир манзараларни беради. А.Н.Куропаткин ёзади: «Қалъа ичига қараш даҳшатли эди. Беҳисоб ўликлар бир неча кундан бери уюлиб ётарди. Баъзи кулбалар мурдага тўлиб кетганди».

Туркман халқини «ер юзидаги қора доғ» деб ҳисоблаган калондимоғ зобит Н.И.Гродеков қўшимча қилади: «Душман қамал пайтида милтиқ ва замбарак ўқларидан қай даражада даҳшатли талофат кўрганини қалъани эгаллаганимиздан кейин билдик. Қалъа ичидаги баъзи уйларда ҳатто ўн бештагача ўлик бор эди...»

Жанг арафасида Скобелев: «Тўкилган ҳар томчи рус қони учун душман қонини дарёдек оқизаман», — деб мақтанган экан. У Кўктепада ўз вақтида жон бераётган мулланинг «8000 бегуноҳ одамни ўлдирганинг учун виждон азобида қолмайсанми?! — деб берган саволига юзсизлик билан: «Йўқ! 80000 бўлмаганига ачинаман!» — деб жавоб берган эди.

1884 йилда рус қўшинлари Марв воҳаси устидан ҳукмронликни ўрнатадилар ва шу билан амалда Туркистон ҳудудининг чор Россияси томонидан босиб оли-

<sup>1</sup> *Адам Жумъетта Ламбер.* Генерал Скобелев. СПб, 1886, 16—17-бетлар.

ниши асосан яқунланади. Бироқ то 1895 йилга қадар ҳам Туркистоннинг жанубий ҳудудларида босқинчилик урушлари олиб борилади, бир неча бор Афғонистон қўшинлари билан чегара можаролари келиб чиқади. Фақат 1895 йили тузилган битимдан сўнг бу муаммоларга чек қўйилади. Тожиклар яшайдиган ҳудудларнинг Панж дарёсининг ўнг қирғоғигача бўлган қисми, Туркменистоннинг Кушка дарёсигача, Пенде воҳасидаги Кушка, Мурғоб ва Тажаннинг қуйи оқимидаги ерлар Россия ихтиёрига ўтади.

Шундай қилиб, чор Россияси давлатининг Туркистон ҳудудида олиб борган 1864—1895 йиллардаги босқинчилик, қонли ва даҳшатли қиргинбарот урушлари натижасида Ватанимиз халқлари ўз гарданларига оғир мустамлакачилик бўйинтуруғини илишга мажбур бўладилар. Бу босқинчиликдан иборат урушлар оқибатида чор Россияси 1533255 квадрат километрдан иборат ёки Франция, Германия, Австрия-Венгрия ҳудудларини бирга қўшиб ҳисоблаганда тенг келадиган ерларни эгаллаб олади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонни босиб олишда, ўлкани вайрон қилишда алоҳида хизмат кўрсатганликлари учун оқ подшо Александр II томонидан 150 дан ортиқ рус генераллари, зобитлари юксак даражадаги нишонлар, олтин қуроллар, Георгий орденлари, Қизил Хоч крестлари ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар. Бу босқинчи «қаҳрамонлар»дан 50 киши «Георгий Крести кавалери» нишони билан тақдирланган<sup>1</sup>. «Тошкентни олгани учун», «Самарқандни олгани учун», «Қўқонни олгани учун», «Андижонни олгани учун» каби нишонли медаллар ҳам зарб қилиниб, босқинчилар тақдирланганликлари халқ хотирасида ҳамон сақланмоқда. }

Туб ерли аҳоли вакиллари ҳам баъзилари «алоҳида хизматлари» учун подшо томонидан тақдирланган. Россия қўшинларига Қозоғистон, Туркистонга келиш йўлларини кўрсатиб, бу босқиннинг амалга оширилишига хизмат қилганлардан Бойтурсун Ўразалиев «ўз меҳнати» эвазига Георгий Хочининг барча даражаларига эга бўлади ва у кексайганда подшо ҳукумати томонидан шахсий нафақа билан таъминланган. Шаҳар оқсоқоли Орзуқулбек ҳам чор маъмурлари томонидан сийланган.

<sup>1</sup> «Туркистон», 1996 йил, 20 апрель.

Ана шу тариқа Туркистон ўлкасида чоризмнинг мустамлакачилик зулми даври бошланди. Бироқ, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши муқаррар бўлган бир шароитда ҳам, қатор йўқотишлар билан бўлса-да, ўзбек миллати ўзлигини сақлаб қолаолди. Мустамлакачиларнинг офир зулми шароитида халқимиз ўзлигини, миллий қадриятларини, маънавиятини, маданиятини, урф-одатлари ва турмуш тарзини асради. Мустабид тузум шароитида ҳам ўлка халқларининг эркинликка, тараққиётга ва истиқболга бўлган азалий интиқлиги ва интилиши сўнмади. Халқимизнинг қалбига теран ўрнашган истиқлол ва озодлик туйғуси тобора қудратли кучга айлана борди.



## ТУРКИСТОНДА ЧОРИЗМНИНГ МУСТАМЛАКА ХУКМРОНЛИГИ

### 1. Ўлкада мустамлакачилик сиёсати

Чор маъмурлари Туркистон ўлкасида даҳшатли мустамлакачилик сиёсатини олиб борадилар. Туркистон XIX аср охирларида, В.И.Ленин ибораси билан айтганда, «халқлар қамоқхонаси»га айланган Россиянинг «типик мустамлакаси» эди.

Россия салтанати жаҳоннинг қудратли давлатлари бўлмиш Англия, Франция, Германия империялари қатори улкан мустамлакачи давлат эди. Россия ўз мустамлакалари ҳудуди жиҳатидан Буюк Британия, Франция ва Германияни орқада қолдириб кетганди. Англия мустамлакалари 13 миллион квадрат километр, Францияники 11 миллион квадрат километрни ташкил қилса, Россиянинг биргина Сибирь ҳудуди 13 миллион квадрат километрни ташкил қиларди. Россиянинг Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудуди эса кенглиги жиҳатидан Франция, Германия ва Австро-Венгрия империялари майдонига тенг бўлган.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсати ва амалиёти унинг бу ўлкада ўз давлатчилигини жорий этиш орқали олиб борилди. Бутун бир бошли мустақил Қўқон хонлиги давлати йўқ қилиниб бир вилоятга айлантирилди, Туркистонда миллий давлатчиликка барҳам берилди. Чор Россияси ўзининг бошқарув тизимини жорий этди. Аммо империянинг бу ўлкада ўрнатган маъмурияти унинг тасарруфидаги бошқа ўлкалар бошқарувидан ўзининг кескин ҳарбий-миршаблик руҳи билан ажралиб турган. Мустамлакачи ҳукумат Туркистон бошқарувига оид кўплаб қонунлар лойиҳаларини (1865, 1867, 1873, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916) ишлаб чиқди ва уларни тасдиқлайди, ҳаётга тадбиқ этади. Бу қонуннинг моддаларига адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар киритган ўзгартиришларда Туркистон бошқарувидаги ҳарбий-миршаблик руҳи аниқ ўз ифодасини топган.

Рус зодагонларидан А.Б.Вревский «Туркистон халқлари ўзларини бошқарувчи ва суд қилувчи ягона ҳокимиятга ўрганган» деб, ўлкада қаттиққўл мустабид идора зарурлигига ишора қилган эди<sup>1</sup>.

Туркистонда империячилик бошқарувининг муштамлакачилик характери биринчи генерал-губернатор, Россия императорининг генерал-адъютанти Константин фон Кауфман томонидан ифодаланган. У 1868 йил 22 январда Тошкент шаҳар аҳолиси билан бўлган учрашувдаги нутқида русларни Ўрта Осиё халқларининг катта оғаси деб атаган, Туркистонда Россия ҳокимиятининг муштамкам ва доимий ўрнашганлигини алоҳида уқтириб ўтган эди. Фон Кауфман асли руслашган немис дворянларига мансуб бўлиб, подшоҳлик ишончини қозонган, синалган, барча лавозимларда подшо сийсатини кўнгилдагидек амалга оширганлардан бири эди. Унга кучли ва қудратли ҳокимият подшо Александр II томонидан инъом этилган.

Кауфман 1868—1876 йилларда ўлкадаги ҳарбий юришларга бош-қош бўлади ва бу юришлар унинг номини Туркистон ўлкасининг омадли зобити ва истилочиси сифатида машҳур қилади. Кауфман ҳукмронлиги даврида Туркистон генерал-губернаторлик бошқаруви унинг шахсий истибдоди асосида амалга оширилган. Махфий маслаҳатчи Ф.Гирс қайд этганидек, «генерал-губернаторнинг ҳокимияти, қонун бўйича иш кўрилишини тақозо этган бўлса-да, амалда ўзи хоҳлаганча амалга оширилди. Генерал-губернатор ўлкадаги ҳокимиятнинг ягона бошқарувчисига айланган эди. Ҳокимиятни бундай тартибда марказлаштириш оқибатида ишлар қонун асосида эмас, аксинча, генерал-губернаторнинг кўрсатмаси асосида амалга оширила бошлади»<sup>2</sup>.

1865 йилда Тошкент шаҳри қўлга олинганидан кейин, муштамлака шароитидан келиб чиққан ҳолда, Сирдарё ҳудуди ҳамда 1864 ва 1865 йилларда янгидан қўлга олинган ерлар ҳисобига Оренбург генерал-губернаторига буйсундирилган Туркистон вилояти ташкил этилади. 1867 йил 14 июлда император Александр II Туркистон ҳарбий округини таъсис этади ва Ўрта Осиёда босиб олинган ва салтанат таркибига киритилган ҳудуд-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 190-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 190-бет.

лар ҳисобидан Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида фармон эълон қилади.

Вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқлари ҳам ўз ихтиёрларидаги ҳарбий қисмларнинг қўмондонлари бўлишган. Шу тариқа «ҳарбий-халқ бошқаруви» деган расмий ном олган ҳарбий ҳокимият чор зобитлари ва генераллари қўлида жамланган эди. «Халқ бошқаруви»—волость бошқарувлари, юзбоши—оқсоқоллар, «халқ судьялари»—қозилар аҳоли томонидан «сайланган».

Марказий ўлка бошқарувида Туркистонда генерал-губернаторлиги мутлақ ҳоким бўлган. Марказий ўлка бошқаруви генерал-губернатор ҳамда унинг Кенгаши ва маҳкамасидан иборат эди.

Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштирган. Бир вақтнинг ўзида у подшо ноиби, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари қўмондони, бош миршаб, бош прокурор вазифаларини ҳам ўтаган. Унга Бухоро амири ва Хива хони ҳам бўйсунган.

Бош бошқарманинг ижроия органи бўлган генерал-губернатор маҳкамаси дастлаб тўрт бўлимдан иборат эди. Биринчи бўлим маъмурий ва назорат ишларини бошқарган. Иккинчиси бош бошқарманинг молиявий-хўжалик ишларига қараган. Учинчи бўлим солиқлар, шаҳарлар маблағлари ҳамда бошқарувга доир низомлар лойиҳаларини тайёрлаш билан шуғулланган.

Тўртинчи бўлим эса махсус бўлим ҳисобланиб, унинг фаолият доираси ғоят кенг ва серқирра бўлган. 1886 йилгача мустақил иш қўрган бу бўлим ҳарбий ва адлия вазирлари кўрсатмаларидан мустасно равишда суд қарорларини ҳам қайта кўриш ҳуқуқига эга бўлган<sup>1</sup>.

Туркистон ўлкаси марказий бош бошқармаси таркибида генерал-губернаторга бўйсунмайдиган марказ вакиллари—адлия, молия ва давлат мулклари вазирликлари ҳам бўлган.


Туркистон генерал-губернаторлиги 90-йилларга келиб беш вилоятга (Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти) бўлинади.

Туркистонда амалга оширилган ҳукмронлик бошқарув тизими қўида илова қилинаётган махсус жадвалда ўз ифодасини топган<sup>2</sup>:

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб...191-бет.

<sup>2</sup> Мазкур жадвал «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» китобидан олинди.


## I. Марказий бошқарув



## II. Вилоят бошқаруви



### III. Туман бошқаруви



### IV. Шаҳар бошқаруви


#### *а) туман шаҳарлари идораси*




## б) Тошкент шахри идораси



## V. Қишлоқ бошқаруви




## VI. Шариат қозиси («халқ суди»)




## VII. Миршаблик бошқаруви

### а) Мустабид идора усулининг миршаблик амалиёти




### б) Рус империяси Ички ишлар вазирлиги департаменти органи — Туркистон район муҳофаза бўлими (махфий сиёсий полиция — охранка) — ТРМБ

#### 1. Шахсий таркиб



## 2. Туркистон ўлкаси ТРМБ га буйсунувчи полиция — жандарм бошқармаси бўлими



## VIII. Александр II томонидан 1864 йилда суд низомла-рининг жорий этилишидан сўнгги умумсалтанат суди (XX аср бошлари)





Чор Россиясининг Туркистондаги асосий таянч маъмурий ва мажбур қилувчи ташкилоти—бу полиция идораси эди. У жуда катта ваколатларга эга бўлган. Полиция маъмурияти мустамлакачилик қонун-қоидаларига амал қилишни назорат этар, маҳаллий халқдан бўлган исталган шубҳали шахсни исталган пайтда ҳибсга олар эди. Амалий ҳаётда эса полициянинг ўзи инсон ҳуқуқларини кўпол равишда бузарди.

Рус халқпарварлари, чоризмни, «миршаблик подшолиги» деб атагани бежиз эмас. Ана шу полиция тузумига суянган подшо ҳукумати Туркистон ўлкаси идорасини энг қуйи бўғинидан олий бўғинигача ўз қўлида тутган. Генерал-губернаторнинг ўзи бош миршаб вазифасини ўтаган. Ҳокими мутлақ генерал-губернатор ўлкадаги истаган одамини, хоҳ ўзбек, хоҳ рус бўлишидан қатъи назар, империянинг чеккаларига 5 йил муддатга сургун қилиши ҳуқуқи қонунан мустаҳкамланган эди. У ҳарбий бўлмаган фуқаролар устидан ҳарбий судлар ҳукмини тасдиқлашдек ички ишлар вазири ваколатларини ҳам ўз қўлида жамлаган. Вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари, туманбошилар, касаба приставлари ҳам полиция генераллари ва зобитлари ваколатларига эга бўлганлар. Бундан ташқари, ўлкада ички ишлар вазирлигининг идоралари, унинг вакиллари ҳам шунга мувофиқ тарзда иш кўришган.

Туркистон шаҳарларида полицмейстер лавозими жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқлари туманбошилар ҳуқуқлари билан тенглаштирилади.

Тошкентда янги ва эски шаҳар полицмейстерлари иш олиб борган. Уларга полиция приставлари бўйсунган. Маҳаллий маъмурият—волост бошқарувчилари ва оқсоқоллар ҳам қуйи миршаблик зобитлари ваколатларига эга бўлиб, уларга ёлланган миршаблар хизмат қилган<sup>1</sup>.

Мустамлакачилик маъмуриятининг муҳим ҳуқуқий бўғини суд органлари ҳисобланган. Судлар икки хил кўринишга эга бўлиб, судлар ва халқ судларидан ташкил топган. Уларнинг биринчиси соф мустамлакачилик шаклида бўлса, халқ судлари шариат асосида иш юритувчи қозилик идораси эди. Судлар ҳудудий бўлинишига кўра, туман судлари, халқ палатаси ҳуқуқида-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида .... 207-бет.

ги вилоятлар бошқармалари, дунёвий масалалар бўйича иш юритувчи судлар қурултойлари, ҳарбий суд комиссияларидан иборат бўлган.

1886 йилдаги «Низом»га кўра мавжуд суд тартиблари сақланган ҳолда унга айрим ўзгаришлар киритилади. Туман судлари бекор қилинади. Улкада вилоят судлари ташкил этилади. Вилоят прокурори ва унинг ўриндоши, суд терговчиси лавозимлари жорий этилади.

Империя судида мустамлакачилик тузумига қарши мақсадларда содир этилган «жиноят»лар кўрилган. Унинг асосий вазифаси маҳаллий халқ орасидан чиққан ватанпарварларнинг давлат ҳокимиятини ағдариш мақсадида ҳаракат қилган сиёсий «жиноят»чилик ишлари устидан ҳукм чиқариш эди.

Рус империяси Давлат Кенгаши томонидан суд ислоҳоти тизимлари 1893 йил 2 июнда тасдиқланади. Унга асосан Тошкент шаҳрида суд палатаси, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув, Каспийорти вилоятларида биттадан округ судлари таъсис қилинади.

1899 йил 14 майда Тошкент суд палатасининг тантанали очилиш маросими бўлади. У ўлканинг барча суд органлари фаолиятини бошқарар ва назорат қилар эди.

Чор ҳукуматининг сиёсий тусга эга бўлмаган барча фуқаролик ишлари шариат ва бий судларига топширилган эди. Мустамлакачилар истибдод негизига қурилган ўз тузумларини ўлкада барқарор қилишда шариат қонун-қоидаларидан унумли фойдаланганлар. Шу мақсадда уни уч хил қилиб тузишган. Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Еттисув вилоятларининг ўтроқ аҳолиси учун қозилар суди, шу вилоятларнинг кўчманчи аҳолиси учун бий судлари ҳамда Каспийорти вилояти учун махсус халқ судлари фаолият кўрсатган<sup>1</sup>.

Аввал Тошкентда, сўнгра бошқа шаҳарларда шаҳар думалари ташкил этилади. 1877 йилда махсус Муваққат комиссия тузилиб, сайловчилар рўйхати тузилиб улар мулкдорлик даражасига қараб уч тоифага ажратилади. Бунда шаҳар зиёлилари, ишчилар ва ҳунармандлар етарли миқдорда мулки бўлмаганлиги учун сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилади.

2400 сайловчи иштирокида ўтган йигинда шаҳар

---

<sup>1</sup> Бобобеков Ҳ., Каримов Ш., Содиқов М., Усмонов Қ., Холбоев С., Шамсутдинов Р. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. Т., «Шарқ», 2000, 182—184-бетлар.

думаси ва бошқармаси сайланади. Руслар учун ноибларнинг учдан икки қисми миқдорида ўрин ажратилади.

Шаҳар бошқаруви фаолиятини назорат қилувчи вилоят идораси тузилади. Унинг раиси Сирдарё ҳарбий губернатори эди. 1888 йилда рус императори Тошкентни бошқариш ишини маъқуллагани ҳолда уни назорат қилишни генерал-губернаторга топширади.

Ички ишлар вазири ҳуқуқи ҳарбий округ қўмондонни зиммасига юкланади. Дума оқсоқоли ҳарбий вазир томонидан тайинланади.

Тошкент шаҳар Думасининг оқсоқоли вазифасини 1877 йилдан 1907 йилгача шаҳар бошлиғи—ҳоким тўранинг ўзи бошқаргани ҳам мустамлака маъмуриятининг қиёфасини кўрсатиб турибди. Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори 1885 йил 15 сентябрда подшога йўллаган мактубида яна ҳам кенгроқ ҳуқуқ берилишини сўраб қўйидагича ёзади: «Шаҳарнинг маъмурий-полиция ҳокимиятига... тўла итоткорлигини ҳисобга олиб, ана шу итоткорлик қонунлаштириб қўйилса, яъни шаҳар оқсоқоли лавозими шаҳар бошлиғи лавозими билан қўшиб юборилса..» Амалда шундай бўлгани замондошлар томонидан мана бундай таърифланган: «Сайланадиган шаҳар оқсоқоли маҳаллий аҳоли кўз ўнгида доимо бой, савдогар қиёфасида гавдаланса, шаҳар бошлиғи эса ҳоким тўрадир»<sup>1</sup>.

Россия империясида амалда бўлган шаҳарга оид иккита низом (1870, 1892 йилги) Туркистонда фақат Тошкент ва Еттисувдаги Верний (ҳозирги Алмати) шаҳарларида қўлланилиб, бошқа шаҳарларда жорий этилмади. Рус маъмурияти Тошкент тажрибаси «бу чорани Туркистон ўлкасидаги бошқа шаҳарларга қўллашнинг фойдаси ҳақида фикр юритишга эрта» деган таҳқирумиз хулосага келган эди. Шаҳар маъмурий-полиция тартиб қоидалари асосида бошқарилади.

Маълумотларга қараганда, 1870 йилда Тошкентда 80 мингга яқин аҳоли яшаган. Улардан 7 мингга яқин киши деҳқон, 6 минг киши ҳунарманд, 4 минг киши савдогар, 4 минг киши мардикор бўлган.

XIX аср охирида Тошкентда 20 та маҳалла, 310 та масжид, 17 та мадраса, 11 та ҳаммом, 15 та қарвонсарой, 11 мингта лой сувоқли пахса уйлар бўлиб, шаҳар аҳолисининг сони тобора ошиб борган.

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 207-бет.

Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий-мамурий маркази бўлган Тошкент шаҳри ўлка маданий ҳаётининг асосий ўчоғи ҳисобланган.

Чор мустамлакачилари қишлоқларни бошқаришда Туркистон генерал-губернаторлигининг 1867 йилги вилоятларни бошқариш ҳақидаги «Вақтли Низом лойиҳаси» деб аталган ҳужжатлар мажмуасига амал қиладилар. Унга кўра кўчманчи аҳолига икки босқичли (волость ва овуллар), ўтроқ аҳолига эса бир босқичли (оқсоқоллар) бошқарув тизими жорий этилади.

Волость асосини минг хонадондан икки минг хонадонгача, овул жамоаларини эса юз ўтовдан икки юз ўтовга қадар аҳоли ташкил этган. Чоризм бу ўзгаришлар билан кўчманчи аҳолининг уруғчилик асосидаги тарихий бўлинишини бекор қилади.

1886 йилда кучга кирган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» бўйича ўтроқ аҳолининг бир босқичли бошқаруви икки босқичга айлантирилиб, оқсоқоллар волостларга бирлаштирилади. Овул жамоалари ва оқсоқоллар вакиллари йиғини барча сайловчилар йиғилиши билан алмаштирилади.

Шаҳарлар ўзларининг тутган мавқеига кўра сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва маданий марказлар вазифасини бажарар эди. Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Маргилон, Наманган, Ашхобод ўлканинг йирик шаҳарлари эди. Бундан ташқари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган Чимкент, Жиззах, Қарши, Термиз ва Каттақўрғон каби шаҳарларда иқтисодий ҳаёт ривожлана боради.

Босқинчиларнинг Ўрта Осиёни мустамлакага айлантиришлари натижасида рус шаҳарлари ҳам пайдо бўлади. Жумладан, Петро-Александровск (Тўрткўл), Скобелев (Фарғона), Черняевка (Авлиёта) каби шаҳарлар шу тариқа вужудга келади. Босиб олинган шаҳарларда руслар учун махсус ажратилган манзилгоҳлар пайдо бўлади. Шаҳарлар икки қисмга бўлиниб, бири эски шаҳар (маҳаллий аҳоли яшайдиган қисм) ва иккинчиси янги шаҳар (руслар яшайдиган қисм) деб аталади. Тошкентнинг рус қисмини ташкил қилиш учун махсус қўмита тузилади. Режага кирган жойлардан маҳаллий аҳолига мансуб юзлаб оилалар зўравонлик билан кўчирилади. Уларга янги ҳовли, ер олиш учун ёрдам берилмайди. Ҳовлилар бузиб ташланиб, Европа ва рус муҳотидаги тоифалар бўйича зобит ва амалдорлар

учун уйлар, оромгоҳлар, кенг кўчалар қурилади. Эски шаҳарнинг, яъни ўзбеклар яшайдиган қисм аҳолисининг мустамлакачилар яшайдиган шаҳар қисмига ўтиши қатъиян тақиқланади. Тошкентнинг янги шаҳарини бунёд этиш учун катта маблағ талаб қилинади. Бу маблағлар кўпроқ эски шаҳар аҳолиси даромади ҳисобидан қопланади.

Тошкент, Хўжанд, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Петровск, Казалинск каби шаҳарларда савдо-сотиқ, саноат ва хунармандчилик билан шуғулланувчи рус фуқароларига жуда кўп имтиёзлар берилади. Айни чоқда мусулмонларнинг улардан ҳар томонлама кучайиб кетмаслиги чоралари кўриб борилади.

Чор мустамлакачилари ер эгалиги ва сувдан фойдаланиш масалаларини ҳал этишга дастлабки даврда тўғридан-тўғри киришмади. Чунки бундай ишларга аралашушувига чор маъмурлари унчалик ботина олмагандилар. Улар ўзларининг сиёсий, ҳарбий ҳукмронликларини тўласинча ўрнатиб олишлари билан ер ва сув муносабатлари жоловини ўз қўлларига олганлар. Чоризм истило қилган вақтда ўлкадаги ер-сув давлат мулки, вақф ва хусусий мулкдан иборат бўлган. Деҳқончилик ва чорвачилик хўжалик юритишнинг асосий тармоқлари ҳисобланган. Сунъий суғориладиган ерлар деҳқончилик ривожланишида асосий негиз эди. Шунинг учун деҳқончиликни ривожлантиришда сув иншоотлари аҳамияти жуда катта бўлган. Сунъий суғориш тизимида мироблар алоҳида ўрин тутганлар.

1873 йилда генерал фон Кауфман рус подшоҳига Туркистонда ерга эгалик қилиш тизимини ўзгартириш лойиҳасини тақдим этади. Лойиҳага кўра амлок ерлар уни ишлатиб турган одамлар тасарруфига ўтиши лозим эди. Бу қондани вақф ерларига ҳам жорий қилиш тўғрисидаги лойиҳа таклифи эса рад этилади.


Аммо фон Кауфман ўз сўзида қатъий туриб олади. У маъсулиятни ўз зиммасига олиб, ер масаласига доир бир қанча тадбирларни амалга оширади. Жумладан, ер ҳақиқатда кимнинг қўлида эканлигини эътиборга олиш тўғрисида фармойиш беради. Шунга мувофиқ жуда кўп ерлар давлат ҳисобига ўтказилади. Айни чоғда мулкый ерларга ва ҳатто вақф ерларига ҳам солиқ жорий этилади. 1886 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги янги Низомга мувофиқ ер муносабатларига доир бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Бундан куза-

тилган асосий мақсад маҳаллий бой-зодагонларни заифлаштириш ва мустамлакачилар ҳокимиятини кучайтириш эди.

Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсатидан кўзланган бош мақсад ва асосий йўналишларини Давлат мулклари ва зироатчилик вазири А.В.Кривошеин шундай ифодалаган: «Бу Марказий Осиё масаласида уч лавҳа мавжуд. Агар биринчисида ярқираб турган ёзув «пахта» бўлса, иккинчисида «суғориш» ва ниҳоят, учинчисида сояланиб турган бўлса ҳам аслида ҳаммасидан муҳими «русларни кўчириб келтириб ўрнаштириш» ёзуви турибди».

Чор маъмурлари Туркистон ўлкасида олиб борган мустамлакачилик сиёсатида ўз олдиларига бош мақсад қилиб руслаштириш масаласини қўядилар. Бу борадаги энг муҳим ва бошланғич қадам Россия ҳудудларидаги халқларни Туркистон ерларига кўчиришдан иборат бўлади. Чоризмнинг кўчириш сиёсатининг моҳияти шундан иборат эдики, кўчирма хўжаликлар учун ер фонди маҳаллий халқнинг ерга бўлган ҳуқуқларини ўтакетган даражада бузиш йўли билан тузилган Россиядан деҳқонларни у ерга кўчириш эса, чекка ўлкаларни руслаштириш мақсадини кўзлаб миллатчилик тамойили асосида амалга оширилган.

1869 йилдаёқ Еттисувдаги деҳқонлар манзилгоҳлари тўғрисидаги қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, бу қоидалар русларнинг туркистонликлар юртига кўплаб кўчиб келишлари учун қулай шароитлар яратиб берарди. 1868—1882 йилларда Еттисувда ҳар бирида 250 аҳоли бўлган 29 та рус қишлоғи тузилади. Шу даврда Сирдарё вилоятида бундай қишлоқлар 19 та бўлиб, 1300 аҳолини ўз қамровига олади. Хусусан, 1891 йилда Россияда рўй берган очарчиликдан сўнг Ўрта Осиёга бамисоли вабодек ёпирилиб келаётган рус оилалари оқими кучаяди. 1906 йилда ўлканинг беш вилоятида 451 минг таноб ерга эга бўлган 136 та рус посёлкалари пайдо бўлади. Ҳар бир хўжаликнинг томорқаси 34,5 танобдан иборат эди. Туркистондаги энг яхши ерларга эгалик қилган бундай рус хонадонлари 1916 йилга келганда 2.659 минг десятина ерни ўзиники қилиб олган 336 минг оиладан иборат эди. Бу ўлка умумий аҳолисининг 4,5 фоизини ташкил этарди. Бундан ташқари 14 миллион десятина ер бевосита давлат ихтиёрига олинади. 190 минг десятина ерни эса рус плантаторлари



Рус мужиклари қишлоғи.

ва помещиклари ўзлариники қилиб оладилар. Энг катта ер эгаси бўлган подшо Николай II нинг биргина Мурғоб воҳасидаги ерлари 104 минг десятинага тенг эди.

1886 йилда чор ҳукумати ер ислоҳоти ўтказди. Мустамлакачилик характеридаги бу ер ислоҳоти натижасида барча серунум ва суғориладиган ерлар бойлар ва заминдорлар қўлига ўтиб кетади, камбағал деҳқон хўжаликлари янада қашшоқлашади ва хонавайрон бўлади. 1889—1893 йилларда бундай хонавайрон бўлган деҳқонлар ўз бисотларидаги 15.588 десятина ерни сотиб юборадилар.

АҚШдан пахта олишдан деярли маҳрум бўлган Россия ҳукумати бу қимматли хом ашёга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини асоратга солинган Туркистон ҳисобидан қондиришга ҳаракат қилади. 1869 йили «Рус саноати ва савдоси ўсишига ёрдам бериш жамияти» кенгашида И.Н.Раевский «Россия ва унга қўшни Шарқ мамлакатларида пахтачиликни ривожлантириш» мавзuida маъруза қилади. Маърузачи Россияга Ўрта Осиё ва бошқа пахтакор жойлардан хом ашё келтирилиши ҳар жиҳатдан фойдали ва қулайлигини исботлаб беради. Унинг сўзига кўра ўша вақтда, Россияга ҳар йили жами 3 088 285 пуд (42 710 136 сўмлик) пахта келтирилган бўлиб, шундан 639192 пуд (5972491 сўмлик) пахта Шарқ ўлкаларидан олиб келинган экан. Бу Рос-

сияга келтирилган пахтанинг 21 фоизини ташкил этган<sup>1</sup>. Албатта, кўп миқдордаги пахтани харид қилиш учун миллионлаб сўм маблағ сарфланган. Россияда савдо флоти бўлмаганидан пахта Европа мамлакатлари флоти ва темир йўлларида олиб келинган, натижада уловидан тушови қимматга тушган.

Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлантириш Россия учун катта фойда эканини И.Н.Раевский алоҳида уқтириб ўтади. У маҳаллий ғўза навларининг нуқсонларини гапириб, уни Америка навлари билан алмаштиришни тавсия қилади.

1871 йили И.Н.Раевскийнинг шахсан ўзи Тошкентга келиб Америка пахтасини иқлимлаштириш борасида катта ишларни амалга оширади. Самарқандда Америка пахтаси навини экади.

Тошкентда Америка пахтасини 1875 йили биринчи бўлиб эккан киши Мулла Йўлчи Тўйчибоевдир. Хорижий пахта нави уруғи Бухоро хонлигида, шунингдек, 1878 йилда Андижон, Наманган, Қўқон ва Марғилонда ҳам қадалган.

XIX асрнинг 80-йилларига келиб, Америка пахтаси уруғлари орасида «Упланд» нави маҳаллий шароитда сифатли ва кўп ҳосилли бўлиб чиқди. Тўқимачилик саноати талабларига ҳар жиҳатдан мос тушди. Вақт ўтиши билан деҳқонлар Америка пахтаси нави экилган майдонларни ошира борганлар. 1884 йили хорижий навлар 300 десятина ерга экилган бўлса, 1890 йилга келиб 58859 десятинали ташкил этган.

Америка ва «малла ғўза» навидан олинган тола 1890 йилда 2 миллион пудга, 1896 йилда эса 2 665 337 пудга етади. Толанинг асосий қисми Америка пахтасидан олинган. Пахта асосан Фарғона водийсида етиштирилган. Сирдарё, Самарқанд вилоятларида ҳам бу қимматбаҳо хом ашё навлари экилган. 1900 йилга келиб пахта экилган майдон 257 501 гектарни ташкил қилган.

Туркистон ўлкасида Америка пахтасининг муваффақиятли иқлимлаштириб борилиши ва саноат талабларига мос тушиши рус саноати корхоналари эгаларини, савдо аҳлини, ҳарбий хизматчиларни, қўйингки, пули бор барча корчалонларни ҳаяжонлантириб ва шошириб юборади. Улар ўлкага келиб, бевосита пахтачилик билан шуғулланишга ва пахта заводлари очишга

<sup>1</sup> Зийёев Ҳ. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси. Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 2000, 140—141-бетлар.



киришадилар. Улар шу тариқа мўмай даромад кетидан қувиб, бойлигига бойлик қўшишга муккасидан тушадилар. Пулдор одамлардан Туркистон маъмурияти номига пахта майдонларини кенгайтириш, пахта заводларини очишга рухсат сўраб ёзилган аризалар биринкетин туша бошлайди. Россияда «пахта васвасаси» авжга чиқади. Натижада, ўлкада пахта майдонлари ва пахтачиликка боғлиқ заводлар миқдори ортиб боради.

XIX аср охирида Тошкент шаҳри атрофида русларга қарашли пахтазорлар 4000 десятина ерни эгаллаб, бу умумий пахта экиладиган ер майдонининг 20 фоизини ташкил этарди. Масалан, савдогар Беляков 620, Ярославлдаги катта тўқимачилик корхонаси 400, тижоратчи Тарсин 200 десятина ерда деҳқончилик қилган. Фарғона водийсида пахта майдонлари 500 десятиана ерни ташкил этган. 1890 йилда Самарқанд вилоятининг Хўжанд уезида Кудрин фирмаси ва бошқа кишига тегишли 300 десятина ерда Америка пахтаси етиштирилган. Ҳатто ўлкани босиб олишда жонбозлик кўрсатган генерал-майор Абрамовнинг Самарқандда шахсий пахта майдони бор эди.

Пахта майдонларида мардикор ва чорикорлар ишлатилган. Қарабсизки, ўлкани босиб олган руслар энди ерли халқни хўжайин сифатида ўз ерида эксплуатация қила бошлаганлар.

Пахтачилик ривожини чор ҳокимияти хазинасини бойита боради. Ҳатто адолатсизлик ҳақида ўлкада рус тилида чиқадиган «Окраина» газетасининг 1896 йилги сонларидан бирида шундай ёзилган эди: «Рус саноати эҳтиёжини қондириш мақсадида пахтачилик ривожланишидан саноат эгаларидан ўзга ҳеч ким фойда кўрмади. Пахта арзон баҳода олиниб, Россияга юборилди. Шу пахтадан ишланган тайёр маҳсулотларни у ёқдан ўлкага келтириб сотишади ва катта фойда кўришади. Мавжуд пахта майдонларини қисқартириб меъёрида экиш ҳақида жўшиб гапирилади-ю, лекин уни хоҳлаганча экишаверади».

XIX аср охирида бошланган пахта яккаҳокимлиги кейинги йилларда тобора мустаҳкамлана боради. «Туркестанский хлопок» китобининг муаллифи И.Слуцкий пахтачиликнинг умумроссия ҳаётидаги аҳамиятини қуйидагича изоҳлаган эди: «Пахта бутун Туркистон ўлкаси ҳаётининг асосий тармоғидир. Фарғона, Сирдарё, Самарқанд ва Каспийорти вилоятлари, Бухоро

ва Хива хонликларида яшовчи туб аҳоли ва руслар турмуши кўп жиҳатдан хийла фойдали экин—пахтага боғлиқдир. Марказий Россияда истиқомат қиладиган юз минглаб кишилар, фабрика- завод эгалари, темир йўл ишчиларининг ҳаёти Туркистон пахтасига чамбарчас алоқадордир. Туркистон ўлкаси ва Россиянинг марказий қисмида савдо-сотик ривожланиб, бундан чор ҳукумати анча манфаат кўрмоқда. Агар чор ҳарбийлари Туркистон ўлкасини босиб олиб, чинакам жавоҳиротни қўлга киритган бўлса, ҳақли равишда айтиш мумкинки, бу жавоҳирнинг бири пахта эди ва у Туркистон ўлкасини Россияга буткул боғлаб қўйди. Шунингдек, Ўрта Осиё темир йўлининг Андижонга етказилиши, Тошкент-Оренбург темир йўли қурилишига ҳам шу бебаҳо бойлик сабаб бўлган».

Чор ҳукумати ернинг издан чиқишига қарамай, пахтачиликни кучайтиришни ўз вакилларидан талаб қилаверди. Бу хусусда Россия деҳқончилик ноziри Кривошеин шундай деган эди: «Туркистоннинг ҳар бир пуд ғалласи Россияга, рус ва Сибирь ғалласига рақобатдир, ортиқча ҳар бир пуд Туркистон пахтаси эса Америка пахтасига рақобатдир. Шунинг учун ўлкага, қимматга тушса ҳам ғалла келтириб бериш лозимдир». Пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш ҳақидаги бундай ғояни Туркистон генерал-губернатори қўллаб-қувватлаб, бу тadbир ҳукуматга йилига 70 миллион олтин рублни тежашга имконият яратишини уқтиради. Унинг фикрига кўра, «кўп миллионли ватан пахта толасини қайта ишлаш саноатини хонавайрон бўлишдан сақловчи кафолат ролини ўйнаши мана шу Туркистоннинг Россияга кўрсатадиган буюк иқтисодий хизмати дир».

Бундан чиққан маъно шуки, агар Туркистон диёрига ғалла кўп экилса, Россиядан келтирилаётган ғаллага нисбатан талаб камайиб, зиён кўрилади. Демак, қанча кўп пахта экилса, Россия ғалласига эҳтиёж шунча ошиб бораверади. Ўз навбатида бу Россиянинг уловидан тушови қимматга тушаётган Америка пахтасига боғлиқ муаммоларини ҳам бартараф этарди. Нозирнинг фикрича, пахтачилик ривожланаверса, икки тарафлама фойдадир. Туркистон аҳолисининг аҳволи нима кечса-кечсину, лекин Россия манфаатлари тўла сақлансин—бу чор маъмурлари юритган яккаю ягона сиёсатдир.

Мабода Россия ҳукумати Туркистон ўлкасида сано-

ат корхоналари қурган бўлса, у ҳеч қачон оғир индустрия тармоқларини яратишга интиланган эмас. У асосан ўз манфаати нуқтаи-назарини уйлаб хом ашё маҳсулотларига биринчи ишлов берадиган енгил саноат корхоналарини қуришга эътиборни қаратган. Пахта тозалаш, ёғ ишлаб чиқариш, вино, пиво заводлари, пила қуриш корхонаси, тегирмон, босмахона ва ҳоказолар ана шундай корхоналардир. Агар 1880 йилгача бундай корхоналар 21 та бўлса, 1900 йилда уларнинг сони 195 тага етади. Ўлкада қурилган биринчи темир йўл ҳам чор Россиясининг босқинчилик манфаатларини кўзлаган. 1880 йилда бошланган чор маъмурлари учун гоятда оғир бўлган Ахалтака уруши Россияни Каспий-орти темир йўлини қуришга мажбур этади. Михайловский бўғозидан то Қизил Арвотгача бўлган темир йўл қурилишининг биринчи навбати 1881 йил 1 сентябр-гача қуриб битказилади ва 20 сентябрдан доимий равишда поездлар қатнови бошланади. Кейинчалик темир йўл қурилиши давом эттирилиб, Ашхободга, сўнг Самарқандга келтирилади. 1888 йил 15 майда биринчи поезд Самарқандга келади. 1889 йилда темир йўл алоқалари Мари-Кушка орқали Тошкент ва Андижон билан боғланади. 1890 йилда Россия ҳукуматининг юқори мансабдорлари ўртасидаги узоқ фикр алмашувлардан сўнг янги Оренбург-Тошкент темир йўл қурилиши бошлаб юборилади ва 1905 йил 1 июлда бу йўлдан биринчи поезд ўтади. Чунки Каспий-орти темир йўли орқали Туркистон билан алоқа ўрнатиш масофанинг узоқлиги туфайли Россияга иқтисодий жиҳатдан қимматга тушаётган эди. Энди янги темир йўл қурилиши муносабати билан Тошкентдан Оренбурггача бўлган масофа илгаригига қараганда анча қисқа муддатда—икки кечакундузда, Москвагача эса тўрт кечакундузда босиб ўтиладиган бўлади. Ҳар иккала темир йўл ҳам Туркистон халқларининг манфаатларини кўзлаб, ёки Туркистонни жаҳон мамлакатлари билан боғлаш мақсадида қурилган эмас. Агар чор Россияси босқинчилари қалбида бундай олижаноб ният бўлганда бундай темир йўлларни улар аввало туркий халқлар этник, маданий, диний, ҳудудий томондан яқин бўлган ва Туркистон билан чегарадош Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия каби давлатлар томон ҳам қурган бўлур эди. Йўқ, Россия маъмурияти бу темир йўлларни биринчи навбатда ва асосан Туркистон ўлкасидаги халқ бойликла-

рини тезроқ, кўпроқ ва мўлроқ ташиб кетиш мақсади билан куради. Бу борада рақамлар тилига қулоқ соладиган бўлсак масала янада ойдинлашади. 1888 йилда Туркистондан Россияга темир йўли орқали 873093 пуд пахта жўнатилган бўлса, 1890 йилда 2673267 пуд, 1893 йилда эса 3 588 025 пуд пахта юборилган. Ёки 1888—1893 йилларда, яъни олти йилда Туркистон ўлкасидан 14 257 515 пуд қимматбаҳо пахта хом ашёси Россияга ташиб кетилган. Бу жараён йил сайин ошиб бораверган. Фақат 1900 йилнинг ўзида Ўрта Осиё темир йўли орқали Россияга ташиб олиб кетилган бойликлар ҳажми 5 миллион пудни ташкил этади. Шундан 60 фоизи пахта бўлиб, қолганлари қуруқ мева, ипак толаси, пахта ёғи, жун, тери ва бошқа маҳсулотлар эди. 1895 йилнинг ўзида биргина Фарғонадан Россияга 3399371 пуд пахта, 452 минг 740 сўмлик тери, 192 минг сўмлик пилла ташиб кетилади. Темир йўл қурилиши билан бу соҳанинг ишчилари ҳам ўсиб боради. 1890 йилда темир йўлларда 2778 ишчи ишлаган бўлса, 1894 йилда—3222 ва 1898 йилда 5044 ишчи ишлаган. Шундан маҳаллий миллат вакиллари 1890 йилда 728 кишини, 1894 йилда—863 ва 1898 йилда эса 948 кишини ташкил этган.

Улуғ шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг:

Қулган бошқалардир,  
Йиғлаган мендир.  
Ўйнаган бошқалардир,  
Инграган мендир.  
Эрк эртақларини эшитган бошқа,  
Куллик қўшиғини тинглаган мендир.  
Эркин бошқалардир, қамалган мендир  
Ҳайвон қаторида саналган мендир,

деган мисраларида XIX асрда рус истилоси ва унинг натижасида бутун ғариб Туркистон мустамлака кишанлари халқасида инграгани ўз акс садосини топган. Шу боис Туркистон халқлари эрк ва озодлик учун чор Россияси босқинчиларига қарши мустамлакачиликнинг дастлабки кунидан бошлаб муқаддас курашга отландилар.

## **2. Мустамлакачилик зулмига қарши кураш**

Чор Россиясининг Туркистон халқларига нисбатан юргизган мустамлакачилик, улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсати албатта қонуний суратда маҳаллий

аҳолининг ўз миллий озодлиги, эрки ва инсоний ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш учун муқаддас жангга отлантиради. Чоризм томонидан асоратга солинган, мустамлака қилинган халқлар дастлабки кунлардан бошлаб ўз миллий мустақилликлари, озодликлари ва эрклари учун курашиб келдилар. Мана, эътибор беринг:

...1. 1856 йилларда Сирдарёда Жонхўжа Нурмуҳаммад кўзғолони.

2. 1868 йилда Самарқанд мудофааси ва Бухоро амирлиги Бухоро шаҳри, Шаҳрисабз беклигидаги ҳаракатлар.

3. 1870 йилда Манғишлоқ қирғизларининг исёнлари.

4. 1871 йилда Эшон Эшмуҳаммад бошчилигида Сирдарё вилоятидаги чиқишлар.

5. 1871 йилдаги Фарғонада Етимхон кўзғолони.

6. 1872 йилдаги Чирчиқдаги исёнлар.

7. 1872—1876 йиллардаги Пўлатхон бошчилигида Кўқондаги кўзғолон.

8. 1885 йилдаги Дарвишхон бошчилигидаги кўзғолон.

9. 1892 йилдаги Тошкент кўзғолони.

10. 1898 йилда Андижондаги Дукчи Эшон кўзғолони.

11. 1899 йилда Сирдарё вилоятидаги ҳаракатлар.

12. 1916 йилда Жиззах кўзғолони ва бошқалар.

Чор Россияси ҳукуматининг ўтказган сиёсатига қарши миллий-озодлик курашлари жуда кўп бўлган. Биз юқорида уларнинг баъзиларинигина санаб ўтдик. 1887—1897 йиллар мобайнида Фарғона, Самарқанд ва Сирдарёда мустамлакачилар идораларига қарши 668 марта ҳужум бўлган. 1897—1917 йиллар орасида Туркистонда босқинчиларга қарши 4922 марта исён бўлган<sup>1</sup>. Ана шу кўзғолонлар ва миллий-озодлик курашларидан баъзиларини эслаш жоиздир.

### **3. Дарвишхон бошчилигидаги кўзғолон**

1885 йилда Фарғона водийсида мустамлакачи ҳукуматга қарши умумхалқ кўзғолонига тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида гаплар аҳоли ўртасида кенг тарқалади. Водийнинг бир қатор жойларида кўзғолонга тайёргар-

<sup>1</sup> *Миср ўғли Қодир*. Москва зулми. II жилд, Истанбул, 1972, 537-бет.

лик кўриш масалалари яширин йиғилишларда кўрилаётганидан мустамлакачи маъмурлар хабар топган эдилар. Шундай йиғилишлардан бири 1885 йил 16 августда Асака қишлоғида Муллахўжа Назирмирза уйида бўлиб ўтади. Водийнинг турли жойларидан келган 20 дан ортиқ нуфузли кишилар қатнашган бу йиғилишда юртни чет эл босқинчиларидан озод қилиш, ўлкада миллий давлатни тиклаш учун мустамлакачиларга қарши бирлашиб кураш олиб бориш вазифаси илгари сурилади. Йиғилишда кўзғолон режаси, уни ўтказиш вақти, кўзғолонга раҳбарлик қиладиган шахс каби масалалар ҳал этилади. Кўзғолонга раҳбарлик қилишга Дарвишхон Эшон Тўра кўрсатилади. Бунга сабаб у бу вақтда аҳолининг норозилик ҳаракатида фаол иштирок этиб эл-юртга анча танилиб қолган эди. Дарвишхон Андижон уезди Кўрғонтепа волостига қарашли Чектўра қишлоғи фуқароси, кўзғолонга раҳбарлик қилган пайтда 45 ёшда бўлиб, Андижон ва Кўқон уездларида катта ер мулкка эга бўлган. Аммо шунга қарамасдан Дарвишхон ўз манфаатидан халқ, ватан манфаатларини устун қўйиб миллий-озодлик ҳаракатига бошчилик қилади. У қисқа вақт ичида Ўш, Андижон уездлари волост ва қишлоқларида кўплаб аҳолини кўзғолонга жалб эта олади.

Дарвишхон бошлиқ кўзғолончилар Янги Марғилон шаҳрини Андижон ва Кўқон билан боғловчи алоқа симларини узиб ташлайди. Бу ҳодиса тўғрисида кейинчалик мустамлакачи ҳукумат вакилларида бири «бу ҳодиса кўзғолон бўлиши муқаррар эканлигини кўрсатган эди» деб хотирлаган<sup>1</sup>. Дарвишхон бошчилигидаги кўзғолончилар қўлами тобора кенгайиб боради. Асака, Кўрғонтепа, Шаҳрихон, Олтинкўл, Жалолқудуқ, Ўш уездининг Новқат, Тутлик қишлоқлари, Оқбўйра волости, Марғилон каби жойлар ҳам кўзғолон гирдобига тортилади.

Кўзғолон шунчалик кескин тус оладики, уни бостириш учун мустамлакачи ҳукумат ҳарбий кучларини вилоятнинг турли жойларига, жумладан, Андижон, Ўш ва Марғилон уездларига юборишга мажбур бўлади. Водий бўйлаб борган сайин авж олаётган Дарвишхон раҳбарлигидаги кўзғолонни бостириш ва унинг раҳбарларини қўлга олиш вазифаси Андижон уезди бошлиғи капитан Брянговга топширилган. Унинг ихтиёрига

<sup>1</sup> *Тиллабоев С.* Мустамлакачиларга қарши Дарвишхон бошчилигидаги кўзғолон. «Ўзбекистон тарихи», 2002, 1-сон, 12—13-бетлар.

Ўш уездининг бошлиғи подполковник Дейбнер, унинг ёрдамчиси капитан Глишановскийлар бошчилигидаги ҳарбий кучлар юборилади.

Қўзғолончилар билан Бряннов бошчилигидаги ҳарбий кучлар биринчи 17 август куни кечкурун тўқнашади. Кутилмаганда қилинган ҳужумдан Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончилар ҳар томонга чекинишга мажбур бўладилар. Шундан сўнг Дарвишхон Наманган тоғлари томонда ўз атрофига 800 га яқин одам тўплашга эришади.

Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон тўғрисида Туркистон генерал-губернатори О.Розенбах Россия ҳарбий вазири П.С. Ванновскийга ёзган хатида «қўзғолон вилоятнинг турли жойларида бир вақтда бошланиши ва қўзғолончиларнинг ўғрилиқ ва талончилик қилмасдан, барча аҳолининг бу ҳаракатга чақирилиши, бу ҳаракатнинг тўлиқ маънода амалдаги ҳукуматга қарши қаратилганлигини кўрсатади... улар ёмон қуролланган, оз сонли бўлишларига қарамасдан жиддий тартибсизликларни келтириб чиқаришлари... айниқса солиқлар тўлашига салбий таъсир кўрсатади»<sup>1</sup>, деб айтган.

Чоризм маъмурлари қўзғолонни куч билан шафқатсизларча бостирадилар. Қўзғолончилардан шунчалик даражада кўплари қамоққа олинадики, ҳатто уларни қамаш учун жой масаласи муаммо бўлиб қолади. Қўзғолон раҳбари Дарвишхон 1886 йил 22 февралда Самарқанд вилоятининг Сутхона қишлоғи яқинида қўлга олинади, лекин у Жиззах яқинида қочиб қутилиб кетади. Дарвишхон, акаси Искандарнинг берган маълумотига кўра, 1889 йили Афғонистонда вафот этган. Унинг бошчилигидаги қўзғолон, гарчанд бостирилса-да, бироқ у бундан кейинги миллий-озодлик ҳаракатларига замин ҳозирлайди.

#### 4. Тошкент қўзғолони

1892 йилнинг ёзида Туркистон маркази Тошкентда ҳам рус мустамлакачиларини талвасага солган ва тарихга «Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» сифатида кирган қўзғолон бошланади<sup>2</sup>. Расмий доиралар бу қўзғо-

<sup>1</sup> Тиллабоев С. Кўрсатилган адабиёт, 22-бет.

<sup>2</sup> Бу воқеа тафсилоти Ҳамид Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» номли китоби ҳамда «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» номли китобда келтирилган.

лон вабога қарши рус амалдорлари қўллаган тадбирлардан норозилик туфайли келиб чиққан, деб номлашган. Шунинг учун ҳам уни «Вабо исёни» деб аташган. Умуман олганда воқеа чиндан ҳам шундай бўлган.

1892 йилда Туркистонда вабо тарқалгани хусусида хабар пайдо бўлади. Май ойида Жиззахда вабо билан оғриган кишилар топилади. Вабонинг Сирдарё вилоятига тарқалишига йўл қўймаслик учун Чиноз қишлоғида Сирдарёдан ўтадиган кечув олдида чор ҳукумати томонидан кузатиш манзилгоҳи очилади. Уша вақтда Тошкент ўрис дўхтирлари вабо билан оғриган ўзбекни топса, дори бериб ўлдиаркан, деган гап тарқалади. Бу гапнинг асосли ё асоссиз эмаслигини аниқлаш учун далилларга мурожаат қиламиз.

1892 йили Тошкентнинг янги шаҳар, яъни ўрислар яшайдиган қисмида 417 киши, эски шаҳар қисмида эса 1462 киши, жами 1879 киши вабо билан оғриган. Шулардан, яъни 417 оврупаликдан 200 нафари соғайган (50 фоизи) бўлса, 1462 маҳаллий аҳолидан фақат 22 киши (яъни 1—1,5 фоизи) соғайган.

1892 йил 7 июнда Тошкент ҳокими узоқ ўйлаб ўтирмай қатор фармойишлар чиқаради. Шаҳардаги 12 та мазор ёпилади. Унинг ўрнига тўртта махсус вабо қабристонлари очилиши маълум қилинади. Мустамлакачи маъмурлар марҳумларни эски қабристонларга дафн этишни таъқиқлаб қўяди. Вабодан ўлаётганлар кўпайиб борса ҳам янги қабристонлардан атиги биттаси очилади. Марҳумларни яширинча эски мазорларга кўмиш бошланади. Бундан хабар топган полиция пристави «гуноҳкор» марҳумлар қариндошларини ҳибсга олиб, уларни тўғри бозор орқали ҳайдаб кетишади. Пристав йўл-йўлакай уларга дағдаға қилиб кўмилган жасадларнинг гўрдан қазиб олинишини айтади. Рус маъмурларининг муслмончилиқ одатларини оёқ ости қилиши ва шариатни поймол этишидан халқ ғазабга келади. Оломоннинг ғазаби анчадан бери халққа зулм ўтказиб русларнинг ноғорасига ўйнаётган бош оқсоқол Муҳаммад Ёқуб Каримберди ўғлига қарши қаратилади. Қўзғолончилар шаҳар идораси томон йўл оладилар. Йўл-йўлакай қўзғолончилар сони кўпая боради. Катта оқсоқол Матёқуб шаънига таҳдид қилувчи гаплар тобора кучайиб боради. Оқсоқолнинг уйига яқин қолганда Абулқосим эшон ва бозор оқсоқоли Зиё Муҳаммад бошчилигида Шайхонтаҳур даҳасидан келаётган 500 киши-



лик тўда асосий оломонга қўшилади. Одамлар оқсоқол шаҳар бошлиғининг идорасида эканлигини эшитиб, шу идора томон юриш бошлайдилар. Халқнинг бостириб келаётганлигидан хабар топган шаҳар бошлиғи Путинцев Матёкуб билан халқ олдига пешвоз чиқади. Улар Ўрда бозори яқинидаги Воронцов хиёбонида учрашадилар. Матёкуб қамчисини ўйнатиб, халқни сўкаверади, оломон эса уни тошбўрон қила бошлайди. Бундай хатти-ҳаракатдан капалаги учган оқсоқол Сайфилла миршаб билан шаҳар бошлиғининг идорасига отда қочиб яширинади.

Путинцев одамларни тарқатмоқчи бўлади. Лекин оломон оқсоқолни топиб беришни талаб қилади. Бу талаб рад этилади. Халойиқ Путинцевни ҳам тошбўрон қилади ва уриб йиқитади, калтаклашади. Қўзғолончилар бинонинг ичига бостириб кирадилар. Қўзғолончиларнинг Путинцевдан Матёкубни ушлаб бериш, халқни қийнаб келаётган чора-тадбирларни бекор қилиш ҳақидаги талаблари қондирилмагач, улар шаҳар бошлиғининг идорасини остин-устун қилиб ташлайдилар.

Қуролсиз халқ аскарлар яқинлашиб келаётганлигини эшитиб, тарқала бошлайди. Ҳарбий губернатор Гродеков унчалик катта бўлмаган отряд билан воқеа рўй берган жойга етиб келганида «тартибсизлик» иштирокчиларидан ҳеч ким қолмаган эди. Қўзғолончилар Матёкубнинг уйига бостириб бориб, бу уйни ҳам остин-устун қилиб ташлайдилар. Расмий маълумотларга қараганда, шу жойнинг ўзида ўнга яқин киши ўлдирилган. Аммо қанча кишининг ўлганлиги ҳақида маълумот йўқ. Чунки халойиқ ўлдирилган ва ярадор қилинганларни ўзлари билан бирга олиб кетиб яширган.

Қўзғолончиларнинг юзга яқини оқ подшо сарбозлари томонидан Анҳор томонга қисиб борилади ва сувга чўктирилади. Қочганлар аёвсиз қирилади. Бу ерда шаҳид кетганларнинг сони ҳақида маълумот йўқ. Тарихга «Тошотар воқеаси» деб кирган бу қўзғолон оқибатида галаён қатнашчилари бўлмиш 60 кишидан 8 киши ўлим жазосига, 3 киши қамоққа ҳукм қилинади. Қўзғолон содир бўлган бу жой Тошкентда «Жангоб» номи билан машҳур.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.И.Гродеков 1892 йил 1 июлда генерал-губернаторга йўллаган рапортида қўзғолоннинг тасодифий бўлганини таъкидлаб, унинг асосий ташкилотчиларини топгани ва ҳибсга



Тошкент кўзғолони. Пристав Мочалов ўзбек аёли Рузвонбиби Аҳмаджоновага ўқ ўзмокда.

олганини баён этган: «...шаҳарнинг осиеликлар яшайдиган қисми оқсоқоли Инъомхўжа Умархўжаевни 24 июнь воқеаларига олиб келган ҳаракатнинг асосий раҳбари ва ҳақиқий сабабчиси деб ҳисоблаш керак. У шахсан ўзи ва энг яқин ходимлари орқали нодон халқ оммаси орасида ташвиқот олиб борган, маъмуриятимизнинг вабога қарши фармонлари ва хатти-ҳаракатлари хусусида ташвиш туғдирадиган хабарлар ҳамда миш-мишлар тарқатган. Мазкур ерлик кишининг энг яқин шериклари унга қариндош бўлган юзбоши Аҳмадхўжа ва қудаси Усмонхўжадан ташқари Шайхонтахур даҳасининг қозиси Шарифхўжа сўнгра Бешёғоч даҳасининг ерлик фуқаролари Бадалмуҳаммад Холмуҳаммедов ва Боқижон Дадажонбоев бўлган. Менга маълум бўлишича, бу кишилар авваллари ҳам шахсан ўзлари ва кўп сонли тарафдорлари орқали оломонга бошчилик қилганлар, оломонни ҳукуматнинг тадбирларига қарши кўзғатганлар. Бу барча шахсларнинг халқ орасидаги зарарли ташвиқий таъсирини ҳисобга олиб, 24 июнь воқеалари содир бўлган куннинг ўзидаёқ барчасини қамокқа олишга фармойиш бердим».

Туркистон ҳарбий округи суди юзбоши лавозимида ҳалол хизмат қилиб юрт аҳлининг мустамлака истибдодига қарши кўтарган кўзғолонига бош бўлган Аҳмадхўжа Абдурашидхўжаевни 1892 йил 10 декабрдаги маж-

лисида осиб ўлдиришга ҳукм қилади. Аммо жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб бу ҳукм 15 йил сургун билан алмаштирилади. Собиқ юзбоши бу муддатни ўташ давомида саломатлигини буткул йўқотиб 1907 йили Тошкентга қайтгач, кўп ўтмай вафот этади.

Н.П.Остроумов бу кўзғолоннинг асосий сабаби тўғрисида 1892 йил 29 июнда бир дўстига ёзган хатида бундай деган: «Кўп жиҳатдан айб ўзимизда, албатта, уларнинг феъл-атворларини ва қонун-қоидаларини ўрганганимиз йўқ ва ҳали ҳам ўрганмаяпмиз. Бунда айб фақат вабонинг ўзида эмас, бу сабр косасини тўлдириб-тошириб юборган сўнгги томчидир. Норозилик аллақачондан бери кучайиб, йиғилиб келмоқда эди, кейин эса бошқа норозиликлар қўшилиши билан бирданига кўзғолон бошланиб кетди».

## 5. 1898 йилги Андижон кўзғолони

Мустамлакачи чор маъмурларини даҳшат ва ваҳимага солган халқ кўзғолонларидан бири 1898 йилда Андижонда бўлади. Бу кўзғолонга Андижондаги пойтуғлик эшон Султонхон тўранинг муриди, «Дукчи эшон» номи билан машҳур бўлган 42 яшарлик Муҳаммад Али Халфа Собир ўғли—Мадали Эшон бошчилик қилади. Дукчи Эшон 1856 йилда Фарғона шаҳридан 25 чақирим жануби-гарбдаги Чимён қишлоғида туғилган<sup>1</sup>. Унинг аждодлари асли қашқарлик бўлишган. Муҳаммадали жуда ақлли ва одобли бола бўлган. Оиласининг ночор ҳаёти туфайли мактабда ўқий олмаган. Лекин мустақил ўқиб саводхон бўлган. Отаси ёнида юриб бешик, йик тайёрлаш, кейинчалик эса пахса уриш касбларини эгаллаган. Шу боис уни «уста» ҳам дейишган. Оиласи билан 10 ёшида Мингтепадаги Тожик қишлоққа кўчиб кетган. Муҳаммадали шу атроф яқинда

---

<sup>1</sup> 1898 йилги Андижон кўзғолонининг кенгрок тафсилоти Фозилбек Отабек ўғли қаламига мансуб «Дукчи Эшон воқеаси» (Самарқанд, 1927 йил) асарига анча ҳолисона, тўғри баён қилинган. Фозилбек Отабек ўғли 1886 йили Андижоннинг «Девонабой» даҳасида туғилган, русча, мусулмонча маълумотга эга бўлган, араб ва форс тилларини билган, журналист сифатида яхши танилган, жадидчилик, истиқлолчилик курашида фаол қатнашган, 1938 йили қатагон қилинган. «Ўзбекистоннинг янги тарихи Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида»; Ҳамид Зиёевнинг кўрсатилган асарига, шунингдек Б.Бобожоновнинг «Андижанское восстание 1898 года: «Дервишеский газават» или антиколониальное выступление?» — («Ўзбекистон тарихи», Т., 2001, 2,4-сонлари) мақолаларида ҳам бу масала ёритилган.

ном чиқарган ва ҳатто Қўқон хонлигида ҳам ҳурмати бўлган машҳур Султонхон тўра хизматига киради ва ўзининг меҳнатсеварлиги, ақли, одоби ва тақводорлиги билан эшоннинг ўғиллари қаторидан жой олади. Султонхон тўранинг Қорадарёнинг ўнг соҳилида—Пойтуғда ҳам ерлари бўлган. У шу ерга кўчиб бориб 3—4 йил яшаганда Муҳаммадалини ҳам ўзи билан бу ерга олиб келади. 1882 йилда Султонхон тўра вафот этади. Вафоти олдида у ўз шогирди Муҳаммадалига «эшонлик» тўғрисида хати иршодни (йўлланма хатни) ёзиб имзо қўйиб муҳраб берган. 1886 йилда 30 ёшида Муҳаммадали Маккаи Мукаррамага бориб келгач, ўзини эшон деб эълон қилади. Унинг ўзи иқроф бўлиб айтган сўзларига қараганда Мадинаи Мунавварада Муҳаммад пайғамбар қабрини зиёрат қилиб қайтгач, пирини тушида кўради. У Муҳаммадалига юртингга боргач, ўн йил эшонлик қилгин, оч-яланғочларга овқат, бошпана бергин, кейин эса кофирларга қарши ғазоват эълон қилгин, дейди.

Ўзини эшон деб эълон қилган Муҳаммадали халфа ҳар куни катта қозонда овқат пишириб оч-яланғоч, етим-есирларни боқа бошлайди. У дастлаб бу ишни қарз олиб амалга оширади. Сўнг эшоннинг обрў-эътибори шу даражада кўтарилиб кетадики, у қарзларини ҳам узади ва ҳар куни дошқозонда овқат тайёрлаб 150—200, баъзан эса 400—500 кишини овқатлантира бошлайди. Муҳаммадали халфа эшон бўлиш билан бирга табибликдан ҳам хабари бор эди. Эшоннинг халқ орасида обрў-эътибори жуда тез ўсиб боради. Унинг муридлари фақат Фарғона водийсидагина эмас, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа олис-олис жойларда ҳам бўлган.

Чор Россиясининг халққа қарши мустамлакачилик, зўрлик ва адолатсиз сиёсати Муҳаммадали халфанинг халқ курашига раҳбарлик қилишининг бош сабабидир. Кўзғолон бошланишидан бир йил олдин эшон турк султониغا мактуб ёзади. Мактубда у руслар Қўқон хонлигини босиб олганларидан кейин мусулмонлар ўртасида ахлоқан бузилиш кучайганлигини, шариат қоидаларидан чекиниш рўй бериб, бузуқлик, ичкиликбозлик, нашахўрлик авжига чиқа бошлаганлигини ёзган. Бундан ташқари эшон руслар камбағаллар учун закот йиғишни, ҳажга боришни таъқиқлаганликларини, эски вақфларни ман қилиб, янгиларини жорий этмаётган-

ликларини таъкидлар экан, турк султонидан халқнинг шариат қонун-қоидалари бўйича турмуш кечириши учун шароит яратишни оқ подшодан талаб қилишни сўрайди. «Рус ҳукуматининг шариатни назар-писанд қилмаганлиги Аллоҳнинг қаҳрини келтирмасмикин, деб қўрқаман», дейди эшон ушбу мактуби сўнггида.

Кўзғолон бошланишидан бир неча кун аввал эшон ҳузурига баъзи бир маҳаллий мансабдор шахслар келиб, эшон тайёрлаган мурожаатнома ёки қасамёдга ўз муҳрларини босишади. Бу мурожаатномада шундай дейилган эди: «Аллоҳ йўқ жойдан ўн саккиз минг оламни яратиб, инсонга мукамал бир қиёфа бахш этиб, уни барча жонзотларнинг соҳиби, Одам атони эса халиф қилиб кўтарди. Бутун оламни Аллоҳ пайғамбаримиз учун яратиб, уни энг яқин кишисига айлантирди ва ул ҳазратни тахтга ўтқазди-да, шундай мурожаат қилди: «Эй пайғамбар! Ғайридинлар ва имон-эътиқодидан қайтганлар билан жанг бўлғусидир». Бунда ўзига содиқ қолган ва энг яқин бўлганларга жаннат ваъда қилди. Чорёрлар халққа панду насиҳат қилиб дедиларки, «Кимки ғазоват йўлида ўз мулки ва ҳаётини Аллоҳ ва пайғамбар учун қурбон қилса, бундайлар биз сингари бўлғусидир». Улар номуносиб бандаларни тийиш учун китоб битдилар ва бизга эсдалик сифатида қолдирдилар. Шундай экан, ўзимизни Аллоҳнинг қуллари ва пайғамбарнинг умматлари ҳисоблайдиган бизлар албатта ғазоват эълон қилишимиз жоиздир. Биринчидан, Аллоҳ ва пайғамбар йўлида бу муқаддас урушда биз голиб чиқишимиз, иккинчидан, ҳаётимизни қурбон қилишимиз лозим.

Биз қуйидаги ўз муҳримизни босганлар, олдимизга каломуллоҳни қўйиб, Аллоҳ ва пайғамбарга қасамёд қилиб, халифамиз билан шартнома туздик. Шундан кейин, агар ўзимизга бино қўйганимиздан шайтоннинг васвасасига учиб ёки ширин жоғимизни сақлашни ўйлаб, қўрқиб, ваъдамиздан қайтиб, уни бажармасак, дўзахга тушайлик, икки дунёда юзимиз қора бўлсин, қиёмат куни шармандаю шармисор бўлайлик. Бу сўзларнинг тасдиғи учун муҳримизни қўйдик».

Мазкур қасамёдга маҳаллий амалдорлар ва обрў-эътиборли кишилардан ўн икки киши муҳрини босган.

14 май кечқурун Муҳаммадали халфа уйида кенгаш бўлиб, унда Фарғона вилоятининг турли бўлимлари-

дан келган кишилар қатнашади. Кенгашда эшон маълум қилган режага биноан водийдаги уч шаҳар—Андижон, Марғилон ва Ўшдаги ҳарбий лагерга бир кунда ҳужум қилиниши керак эди. Бу ҳужум муваффақиятли тугаса, Қўқонни ҳам олиб, водийда хонлик тузуми тикланарди. Сўнгра мустамлакачилар Самарқанд, Тошкент ва Чимкентдан ҳам ҳайдаб чиқариларди.

16 май куни кечқурун яна эшон хонадониди кенгаш бўлиб, унда мингга яқин одам қатнашади. Шу кенгашда эшоннинг ўн тўрт ёшли жияни Абдулазиз (Мусулмонқул) хон қилиб кўтарилажаги, қўзғолон қачон бошланиши айтилади.

17 май куни шом намозида Тожик қишлоғидаги масжидга жуда кўп одам тўпланди. Намоз пайтида эшон халққа мурожаат қилади: «Эй муҳтарам мусулмонлар! Эй биродарлар! Ҳаммангизга маълумдирки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, хон мусулмон, шариатнинг ҳукми жорий, амри нофиз эди. Ҳукуматни Аллоҳ таоло ўзи биладур, кофирларни мусаллат қилди, юртимизга ўрис келди. Худоёрхон ўрнига Кауфман, Умархон тахтига Чернайуф ўлтирди. Фарғона хонлиги ерида Москва хонлиги—оқ подшо ҳукрон бўлди.

Ўрис ватанимизга истило этди. Сўнгра тилимизга истило қилди. Секин-аста динимизга истило қилмоққа бошлади, биласизларки, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди. Ўриснинг келғонига ўтгиз йил тўлмай, мусулмонлар рибога одатланди, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз бўйнига бут тақадигон бўлди. Хулоса (шулки), шариатимиз хор, мусулмончилик ғариб бўлди. Ҳурриятимиз ғойиб бўлди, истиқлолимиз маҳв бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлдик. Эй воҳ...

Эй мусулмонлар, бунга сабаб ўзимиз бўлдик. Бу асорат ва маҳкумиятга кимса рози эмас, инс ҳам, жинс ҳам рози эмас. Эй биродарлар, тек тураверсак, бу кофир яна баттар қиладур. Вой бизнинг ҳолимизга.

Тарихда ўтган муаззам бир салтанат кўрғон қаҳрамон паҳлавонлар авлодимиз—бу зиллатга ҳеч қандай зируҳ чидамас. Қани биздаги шижоат, қани аждодларимиздаги бисолат, сизларга нима бўлди?

...400 олимимиз бордир, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси турк, ҳаммасининг исми Муҳаммад. Ҳаммаси ханафий мазҳабдир. Бу исмда, бир мазҳабда, бир қабристонда бу қадар олимлари тўпланган Туркистонни дини

тақдимда, дин одамларини етиштиришда на даражада хизматлари сабақат этганлиги ўқувчилар диққатига арз ўриндур. Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмоғондир. Туркистонликлар ҳар қанча ифтихор этса арзийдур, бажодур, эй биродарлар, бизлар шундоқ ажоднинг набираларимиз. Улук уйқусида ухлайсизми?!» деб ҳазрат эшоннинг сўзи бу жойга келғонда зори бошланди. Ҳозир турғонлар хўнг-хўнг йиғлаш билан эшоннинг амрига ошоода эканликларини билдирдилар. Аларнинг ҳаяжонларини босиш учун ҳазрат эшон сўзида давом этди:

— Эй мусулмонлар, эй худонинг бандалари, эй пайгамбар уммати! Чин мўмин бўлсангизлар, сизларга жиҳод лозимдур, жиҳод. Эътиқод, Аллоҳ йўлида жиҳод қиламиз, ўлсак—шаҳид, ўлдирсак—ғози бўламиз. Жиҳод қилмагунча елкамизга минган бу рўдапо ўрусдан қутилиш йўқ.

Эй мўминлар, кўзингизни очинг! Фафлатдан бедор бўлинг! Кофирлардан ҳуқуқимизни олайлик.

Эй биродарлар, ҳурриятимизни олайлик, ўз ватанимиз, ўз юртимизда ўзимиз ҳукумат қурайлик. Бунинг учун биздан ғайрат истайдур, ҳиммат истайдур, жиҳод истайдур, фийсабилиллоҳ жиҳод вақти келди!».

Кейин яқин қишлоқларга чопар йўллайди, ҳазрат эшон амрлари билан жиҳод фийсабилиллоҳ эълон қилинади. Чопарлар кимки мусулмон бўлса, бу оқшомдан қолмай жиҳодга ҳозир бўлсин, деб нидо қилишади.

Ҳуфтон намозига одамлар қуролланиб келишади. Аммо уларнинг камдан-ками қилич ва милтиқ билан қуроланган, асосий қисми сўйил, чўқмор, кетмонсоп, паншаха кўтариб олишган эди. Намоз пайтида улар қуролларини масжид деворига суяб қўйишади.

Намоз ўқиб бўлингач, ҳамма баравар «Жиҳод! Жиҳод! Жиҳод!» — дея ҳайқира бошлайди. Қисқа вақтда бу овоз бутун қишлоқни тутиб кетади.

Бир маҳал эшон ҳовлисининг дарвозаси очилиб, ундан оқ отни етаклаб чиқишади. Муҳаммадали халфа: «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, банияти жиҳод!» деб отга минади. Шундан кейин кўзғолончилар йўлга тушадилар.

Тўпланган одам олти юз нафарча эди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам отлиқ эмасди. Шу боисдан отлиқлар пиёдаларни мингаштириб олишади. Қолганлар пиёда ёки аравада йўлга тушишади. Йўлма-йўл кўзғолончи-

лар сафи ортиб боради. Оломон икки байроқ остига уюшганди, биринчи байроққа Мулла Зиёвуддин Махсум бошчилик қилаётган эди. Кўк тўн кийиб, оқ салла ўраган отлиқ эшон олдинда девона болалар даврасида боради. Дукчи эшон бошчилигидаги қўзғолончилар Андижон шаҳрида жойлашган ҳарбий гарнизонга хужум қилиб, 23 рус аскарини ўлдирадилар, 24 тасини ярадор қиладилар, 30 тача милтиқни ўлжа оладилар. «Эшон тўполони» тез орада деярли бутун Фарғона водийсига ёйилади. Қува, Асака, Шаҳрихон, Аравон, Ўш, Марғилон, Наманган, Сирдарё ва бошқа жойларда халқ ҳаракатга келади. Публицист, журналист Алиназар Эгамназаровнинг «Сиз билган Дукчи Эшон»<sup>1</sup> мақоласида бундай ҳикоя қилинади: «Қўзғолонни фақат Андижон, Марғилон ва Ўш уездлари халқи эмас, Наманган уезди, Еттисув вилояти халқи ҳам қўллаб-қувватлади. Авлиёотадаги ҳаракатга Шодибек халфа исмли эшон бошчилик қилди. У тўпланган юздан ортиқ одам довлар қордан бир оз тозалангач, Андижонга томон ҳаракат қилди. Наманган ва Андижондан уларга томон юрган ҳарбийлар орадан беш кун ўтгач, Шодибек халфани 23 нафар шериги билан ушлади.

Наманганда уезд бошлиғининг ўринбосари Бушен бошлиқ ҳарбийлар яширин равишда тоғ сўқмоқларини кезиб, бир неча овулни тинтув қилишди ва 29 нафар қўзғолончини, шулар қатори тўрт бошлиғни ҳам ушлашди. Уларнинг ёнидан ғазоват бошлаш тўғрисидаги мурожаатнома ва Муҳаммадали халфанинг хати, шунингдек, мусулмон давлати тузилажаги, унинг пойтахти этиб Наманган шаҳри танланганлиги ҳақидаги мурожаатнома ҳам чиқди.

Шу кунларда Преживальск ва Пишпек уездларида, Сирдарё вилоятининг Ховос темир йўл бекатида ҳам миршаблар билан маҳаллий аҳоли ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлди».

Қўзғолон шафқатсизларча бостирилади ва қўзғолон баҳонасида ерли халқ ёппасига қирғин қилинади.

Барон Вревский Санкт-Петербургга жўнаб кетганлиги муносабати билан Туркистон ўлкаси Бош ҳарбий губернатори вазифасини вақтинча бажариб турувчи генерал-лейтенант Корольковнинг Россия ҳарбий вазирлигининг Бош штабига юборган телеграммасида

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1993 йил, 10—12-сонлари.



бундай дейилади: «Фарғона ҳарбий губернатори шуни маълум қиладики, кеча кечқурун Марғилон уездида эшон Муҳаммадали халфа ғазоват эълон қилди ва минг кишидан иборат шериклари билан Андижонга йўл олди. Қўзғолончилар телеграф симини узиб, бугун саҳарда 20-батальон лагерига ҳужум қилишди. Бу ҳужум чоғида аскарлардан 21 нафари ўлдирилди ва 10 нафари ярадор қилинди. Қўзғолончилар гуруҳи тўқнашув жойида ўлган 11 нафар ва ярадор бўлган 8 нафар одамларини қолдириб чекинишди. Фарғона ҳарбий губернатори Марғилондан Андижонга темир йўл орқали 20-батальон ротасини ва овчилар командасини юборди, ўзи эса 13 казак билан тупроқ йўлдан жўнаб кетди. Айрим хабарларга қараганда, биз томонимиздан қурбонлар янада кўпроқ ва Андижондаги рус аҳолиси бу ерда илгари ҳеч бўлмаган ҳодиса сабабли саросимага тушиб қолган. Мен қўшинларда, шаҳарларда эҳтиёт чоралари кўриш ва тартибсизликлар пайтида Фарғона вилоятининг барча қўшинларини ҳарбий губернаторга бўйсундириш, шунингдек, Оренбург полкини ўтлоқдан қайтариш ҳақида кўрсатма бердим. Генерал-лейтенант Корольков».

Ҳарбий вазир генерал-лейтенант Куропаткин бу телеграммани дарҳол подшога олиб кирган ва қўзғолонни бостириш юзасидан белгиланган тадбирларни баён қилган. Подшо бу тадбирларни маъқуллаган унга мувофиқ дарҳол Корольковга ва Туркистоннинг янги тайинланган ҳарбий қўшинлари қўмондони Духовскийга телеграмма жўнатилади. Унда қуйидагиларни ўқиймиз:

*«Ҳарбий вазирлик Бош штаби Осие қисми  
1898 йил 21 май, 25724-сон*

Туркистон Бош губернатори ва Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонига генерал-лейтенант Корольков 18 майда юборган, «Сиз жаноби олийларига маълум бўлган ошиғич телеграмма асосида подшо ҳазратларига берилган ахборотдан сўнг олий ҳазратлари 21 майда генерал-лейтенант Корольков кўрсатмаларини маъқуллаб, Сиз жаноби олийларига қуйидагиларни буюришимни амр қилдилар:

1) Сиз жаноби олийлари ҳозироқ хизмат жойига жўнаб кетинг.

2) Генерал-лейтенант Корольков Фарғонага жўнаб кетсин ва рус қўшинларига ҳужум қилишга йўл қўйган

шахсларни тергов қилсин, маҳаллий аҳоли ва амалдорлар қай даражада айбдорлигини, қўшинлар ўзларини қандай тутганликларини аниқласин.

3) Фарғона ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Повало Швейковский ва Андижон уезди бошлиғи эгаллаб турган вазифаларидан четлатилсин.

4) 1-Туркистон мунтазам бригадаси бошлиғи, генерал-майор Ионов Фарғонага юборилсин ва унинг зиммасига вилоятда жойлашган қўшинларга вақтинчалик қўмондонлик қилиш вазифаси юклатилсин; шунингдек, бизнинг лагеримизга хужум қилишга айбдор бўлганларни ушлашга ва мабодо янги гуруҳлар пайдо бўлгудек бўлса, уларга қарши курашга жалб этиладиган ҳарбий қисмларни ҳам бошқарсин.

5) Генерал Ионов ихтиёрига Самарқанддан Фарғонага 2-Урал казак полкининг икки сотняси шу полк командири полковник Жигалик раҳбарлигида жўнатилсин.

6) Помир пости таркиби мустаҳкамлансин.

7) Тоғларда ва вилоятларда ғалаёнлар бўлгудек бўлса, тадбирлар белгилансин.

8) Тегишли раҳбар шахсларга кўрсатиб ўтилсинки, қўшинларимизга хужум қилишда айбдор бўлганлар намунали тарзда шафқатсизлик билан жазолансинлар, бунда Туркистон округи қўшинларининг вақтинчалик қўмондонлигига дала суди ҳукмларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

9) Фарғона ҳарбий губернатори лавозимини вақтинчалик бажариш учун 2-Каспийорти ўқчи бригадаси бошлиғи генерал-майор Чайковский Янги Марғилонга юборилсин. Самарқанд шаҳри уезди бошлиғи полковник Черняевский ва Тошкент шаҳар уезди бошлиғи подполковник Крилов унга ёрдамчи этиб тайинлансин.

10) Генераллар Ионов ва Чайковскийга 600 сўмдан, полковник Черняевский ва подполковник Криловга 300 сўмдан, Фарғонага жўнатилаётган икки сотня офицерлари ва полк командирларига ярим йиллик маоши ҳажмида йўл пули берилсин.

Олий ҳазратларининг юқорида баён қилинган амрларини Сиз жаноби олийларига ижро учун маълум қиларканман, Сизга яна шуни етказиш шарафига мурассарманки, юқорида тайинланган шахсларга ва Урал полкининг икки сотнясига дарҳол жўнаб кетиш ҳақида

кўрсатма берилди. Ҳарбий вазирлик бошқарувчиси генерал-лейтенант Куропаткин».


Подшо Николай II кўзғолончиларни «намуна» бўладиган даражада қаттиқ жазолаш учун кўрсатма беради. Ана шу кўрсатма асосида кўзғолончилар устидан олиб борилган суд жараёни 3 ой давом этади. Дастлаб 447 киши суд қилинади ва 800 га яқин киши гувоҳликка чақирилади. Генерал-майор Терентьев раислигида ўтган ҳарбий суд материаллари «Андижанское дело» 20 жилд-ни ташкил қилган. Ушбу суд иши бўйича 380 киши устидан суд ҳукми чиқарилган. Суд ҳукмида қуйидагиларни ўқиймиз: «...кучли муҳофаза тўғрисидаги қонуннинг 17, 18 ва 31-моддалари асосида ҳарбий вақт қонунларини жорий этган ҳолда, жинойтчиларни жазолаш ва ахлоқини тузатиш тўғрисидаги қонунлар тўпламининг 249-моддасига биноан ҳарбий судга берилган мингтепалик эшон Муҳаммадали халфа Муҳаммад Собир ўғли, 45 ёшда, Кулла бўлисининг собиқ бошлиғи Фойибназар Ортиқхўжа ўғли (Ортиқ сўфи ўғли дейиш ҳам мумкин), 45 ёшда, турклар: Субхонқул Араббоев, 52 ёшда ва Бўтабой Файнабоев, 36 ёшда, сартлар: Рустамбек Сотиболдибек ўғли, 33 ёшда ва Мирзахамдам Усмонбоев, 44 ёшда, ишини кўрди. Суд ишни қараб чиқиб, судланганларни қуйидаги ишларда айбдор деб топди: 1) Муҳаммадали эшон шунда айбланадики, у ўлкада рус ҳокимиятини ағдариб ташлашни ўйлаб ўлкадаги кўпгина шаҳарлар ва бўлислар аҳолисини қуролли кўзғолон кўтаришга кўндирган, ғазоват (муқаддас уруш) эълон қилган ва ўзининг бир гуруҳ жинойтчи шериклари билан уларга бошчилик қилиб шу йил 18 майга ўтар кечаси қўлда қурол билан Андижон шаҳридаги лагерда турган 20-Туркистон асосий мунтазам батальоннинг 4 ва 5-роталарига ҳужум қилган; 2) Фойибназар шунда айбланадики, у Муҳаммадали эшон билан ўлкадаги рус ҳокимиятига қарши кўзғолон кўтариш ва ғазовот эълон қилиш ҳақида тил бириктириб, Кулла бўлими бошлиғи лавозимида ишлаётганлигидан фойдаланиб, дўқ-пўписа билан бошқа маҳаллий кишиларни бу ишда иштирок этишга кўндириб, режанинг муваффақият қозонишига кўмаклашган, Андижон гарнизони лагерига ҳужум чоғида жинойтчилар гуруҳининг бир қисмига бошчилик қилган, гуруҳ Кулла қишлоғидан жўнашидан аввал ўз уйида тунаган мешчан Сафрон Бичковни ўлдириб, калласини кесган; 3)

# ТУРКЕСТАНСКИЯ ВЪДОИ

ВЫХОДИТЪ ВО ВСЯКУЮ СЪБЪДУ И ЧЕТВЕРГЪ

№ 1668

Вторникъ 28 апрѣля 1910 года



## СЪВЕЩАНІЯ И ДѢЛЪ

### ПРЕСЛАВЪ


ВЪДОИ  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.

СЛУШАЮЩИЙ ПРАВО  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.

СЛУШАЮЩИЙ ПРАВО  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.

СЛУШАЮЩИЙ ПРАВО  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.

СЛУШАЮЩИЙ ПРАВО  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.



## НА КАРТАХЪ ТУРКЕСТАНСКОГО ПОЛИЦА

ВЪДОИ  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.

СЛУШАЮЩИЙ ПРАВО  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.

СЛУШАЮЩИЙ ПРАВО  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.

СЛУШАЮЩИЙ ПРАВО  
 25-го апрѣля  
 состоялось  
 заседание  
 редакціи  
 въ 10 часовъ  
 утра.

## Андижон кўзғолони ва унинг қатнашчилари ҳақида расмий ахборот.

Субхонкул Араббоев шунда айбланидики, у ўлкада рус ҳокимиятига қарши кўзғолон кўтариш ва газоват эълон қилиш тўғрисида Муҳаммадали эшон билан тил бириктириб, Андижон гарнизони лагерига ҳужумда иштирок этган, бунда гуруҳнинг бир қисмига бошчилик

қилган; 4) Рустамбек Сотиболдибек ўғли шунда айбланадики, у Муҳаммадали эшоннинг фитнасида иштирок этиб, кўмак беришни олдиндан ваъда қилган ва ўз дўконининг Андижон гарнизони лагери яқинида эканидан фойдаланиб, лагерда тўсатдан ҳужум қилинган пайтда муваффақиятни таъминлайдиган маълумотларни етказиб берган, бу ҳужумда шахсан иштирок этган ва бошқаларга бошчилик қилган; 5) Мирзаҳамдам Усмонбоев шунда айбланадики, у Муҳаммадали эшон билан тил бириктириб, Андижон лагерига ҳужумда шахсан иштирок этган; 6) Бўтабой Файнабоев шундай айбланадики, у ўша эшон билан тил бириктириб, Андижон гарнизони лагерига ҳужум қилишда шахсан иштирок этган.

Суд айбдор деб тан олинган судланувчилар жиноий хатти-ҳаракатининг хусусиятини аниқлашга ва қонун бўйича жазо белгилашга киришади, Судланган олти жиноятчининг барчасининг жиноий хатти-ҳаракати жиноятчиларни жазолаш ва ахлоқини тузатиш Қонунлар тўпламининг 244-моддасида кўзда тутилган—олий ҳокимиятга қарши тил бириктириб, кўзғолон қилишдан иборат деб топади. Шу боис, судланувчилар барча мол-мулкидан маҳрум этилиб, ўлим жазоси берилади. Судланганлар кучли муҳофаза тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддаси асосида, ҳарбий вақт қонунларини жорий этган ҳолда (жиноятнинг олдини олиш ва тугатиш тўғрисидаги Уставнинг I-модда, I-кодексига илова) судга берилганликлари учун Ҳарбий қонунлар тўпламининг 1869 йилдаги 2-нашрининг XXII китоб 10-моддасига биноан суд жами судланганларга ўлим жазоси бериб, уларнинг барчасига бу жазонинг осиб ўлдириладиган турини белгилади. Барча баён қилинганлар асосида суд қарор қилади: судланган эшон Муҳаммадали, Фойибназар Ортиққўжа ўғли (Ортиқ сўфи ўғли дейиш ҳам мумкин), Субхонқул Араббоев, Рустамбек Сотиболдибек ўғли, Бўтабой Файнабоев ва Мирзаҳамдам Усмонбоев Олий ҳокимиятга қарши кўзғолон кўтарганликлари учун барча мол-мулкларидан маҳрум этилиб, олтови ҳам осиб ўлдирилсин.

Иш бўйича ашёвий далиллар: 1) ғазоватнинг қон сачраган яшил байроғи; 2) таёқдаги қизил нишон; 3) судланган ва уларнинг барча шерикларидан тортиб олинган қуроллар мусодара қилинсин; қолган ашёвий далиллар қуйидагилар: муқаддас уруш ҳақидаги шарт-

нома, қуроллар ва бошқалар тергов тугагунга қадар ишда қолдирилсин.

Ҳарбий суд Уставининг 1128—1155-моддаларига биноан, суд харажатлари барча судланганлардан тенг миқдорда ундирилсин, мабодо уларнинг бунга қурби келмаган шароитда хазина ҳисобидан тўлансин. 20-Туркистон асосий мунтазам батальонининг 22 нафар ўлдирилган ҳарбийлари оилалари зарари, боқувчисидан айрилган ҳар бир оиллага йилига 200 сўм ҳажмида, йиллик даромаддан 4 фоизини капиталга айлантириб, бир пайтда ҳар бир оиллага 5000 сўмдан Ҳарбий қонунлар тўпламининг 1868 йилдаги 2-нашрининг XXII китоб, 62-модда, 1-бандига асосан суд қилинганлар ва уларнинг меросхўридан ундирилсин»<sup>1</sup>.

Туркистон Бош ҳарбий губернатори Духовский қўзғолоннинг асосий айбдорлари осиб ўлдирилгач, шаҳар қалъаси ичига кўмилсин ва устига ҳожатхона қурилсин, деб буйруқ берган. Охириги пайтда бу қарор ўзгарган. Дорлар қурилган майдон анча нотекис эди. Қўзғолончилар шу ерга кўмилиб, устидан сўндирилмаган оҳақ, кейин тупроқ тортилган. Сўнг қатл этилганлар қаерга кўмилганлиги билинмаслиги учун бутун майдон текислаб юборилган.

Генерал Духовский Андижонга келганида уни вокзал майдонида 10 минг кишига яқин аҳоли ер узра бош эгиб кутиб олишга мажбур бўлганди. Шунда генерал уезд бошлиғидан, нега бу одамлар юзини ерга қаратиб, эгилиб турибди, деганида уезд бошлиғи унга: «Олий ҳазратлари, бу авом халқ Россия ҳукумати олдида юзи қора, гуноҳларига иқрор бўлиб, қўл қовуштириб, бош эгиб турибди», деб жавоб қилган. Нон-туз билан турган бир гуруҳ яҳудий ва арманилар билан саломлашиб, генерал Духовский извошга ўтириб қароргоҳга қараб йўл олади. Бундай хўрланиш аҳолининг қалби ва онгида кучли жароҳат бўлиб сақланиб қолган эди. Ҳатто, 1925 йили Ўзбекистон ССР Советларининг 1-қурултойида И.Хидиралиев ўз нутқида 1898 йилги ўша мудҳиш хўрланишни эсга олган эди: «...Фарғона яқин кунларда ҳам ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирди. 1898 йилда жафокаш Фарғона халқи уч кун мобайнида бошини ер қадар эгиб тиз чўкиб туришга

---

<sup>1</sup> Эгамназаров Алиназар. Сиз билган Дукчи Эшон. Хужжатли қисса. Т., «Шарқ», 1994, 75—76-бетлар.

маҳкум этилди, сабаби, бу ерга оқ подшонинг амалдорларидан бири бўлмиш генерал келган эди. Боз устига улар «Сиз фарғоналиклар бизнинг тупроғимиздан қўним топгансиз, бизнинг нонимизни еяпсиз, тагин бизларга қарши чиқишга журъат қилдингиз, шунинг учун ҳам сизларнинг жойингиз Фарғонада эмас, балки бутун ер юзига тариқдай сочилиб кетмоғингиз керак деган таънаю дашномларини ҳам эшитдилар»<sup>1</sup>.

Суд ҳукми билан 362 киши отиб ўлдирилган, 341 киши турли муддат билан қамалган. 16 киши оиласи билан узоқ ва даҳшатли Сибирга сургун қилинган. Қўзғолон маркази Мингтепа, Тожик, Қашқар қишлоқлари уч кун давомида тинимсиз тўпга тугилиб култепага айлантирилган. Судсиз, сўроқсиз ўзбошимчалик билан қишлоқлар ёндирилган, аҳолиси қириб юборилган, бу гуноҳсиз фуқаролар ҳисобга кирмайди.

«Ҳозир Марҳаматда яшаётган кексаларнинг ҳикоя қилишларича, — деб ёзади Алиназар Эгамназаров, — эртаси Андижонга қўшимча ҳарбий кучлар келгач, ишга киришиб, Ўқчи қишлоғигача бориб, йўлда учраган эркакни отишган. Ўқчида бир аёлнинг вояга етган тўрт ўғли бўларкан. Чор аскарлари шу тўрт ака-уканинг ҳаммасини отиб ташлашган. Она шўрлик бу фожеани кўтараолмай жинни бўлиб қолган»<sup>2</sup>.

Чор маъмурлари қўзғолонни бостиришда ва исёнчиларни ушлашда хизмат қилган ҳарбийлар ва маҳаллий миллат вакиллари тақдирлашни ҳам унутмайдилар. Қўзғолон бўлиши ҳақида Ўш уезди бошлиғини ўз вақтида огоҳлантирган Қорабек Ҳасанов Олтин медаль ва йилига 300 сўмдан бир умрлик нафақа билан тақдирланади. Муҳаммадали халфани ушлашда жонбозлик кўрсатган Избоскан ноиби, штаб-капитан Оғабеков 4-даража Муқаддас Владимир ордени билан, унинг йигитлари Ёқуб Иброҳим ўғли, Муса Масодиқ ўғли «Жасурлиги учун» ёзуви бўлган, кўкракда Георгий лентаси қадаб тақиб юриладиган кумуш медал ва юз сўмдан пул билан, подпоручик Карчеладзе 4-даража Муқаддас Владимир ордени ва қилич билан мукофотланади-

---

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустам. «Дукчи Эшон воқеасидан сўнг». «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 6-сон, 200-бет.

<sup>2</sup> Эгамназаров Алиназар. Сиз билган Дукчи Эшон. Ҳужжатли қисса. Т., «Шарқ», 1994, 11-бет.

лар. Андижон ҳарбий гарнизони бошлиғи Михайлов подполковник эди, полковник бўлади. Оддий аскарлардан ҳам ўн киши тақдирланади.

Айниқса, Дукчи Эшонни ушлаб берганларга катта мурувват кўрсатилади. Муҳаммадали халфа ҳозирги Жалолобод вилояти Бозорқўрғон тумани ҳудудида жойлашган Чорбоғ қишлоғида Қодирқўл мингбоши ва кўрбоши Матёқуб томонидан ҳийла-найранг билан ушлаб берилади.

Ўшанда Дукчи Эшон бу миллат хоинларига қарата «Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгин. Бизни русга тутиб берган кўлларинг билан ўзингни тишлаб ўлгин» деб қарғаган эди. Миллий қаҳрамоннинг қарғишига қолган Матёқуб беш ой ўтмасданоқ вафот этган.

1889 йил 12 июнда ҳарбий губернатор, генерал-майор Цикловскийнинг рапортида шундай дейилган: «Андижон уездининг Қўқон қишлоғида яшовчи, ўтган йили мингтепалик Эшонни кўлга туширганлиги учун мазкур уезднинг Майғир бўлими бошқарувчиси лавозимига тайинланган Матёқуб Мадраҳимов беш ой хизмат қилгандан кейин, 1898 йил 14 ноябрда қазо қилди. Унинг хотини ва икки боласининг яшаш учун ҳеч нарса қолмади. Шунинг учун унинг хизматларини, оиласининг ўта қашшоқланиб қолганлигини инобатга олиб, сиз жаноби олийларига илтимос қиламанки, ўз тасарруфингиздаги маблағ ҳисобидан бу бевага пул нафақаси тайинлаш мумкин, деб ҳисоблай оласизми? Яна шуни қўшимча қилиб айтаманки, мен Мадраҳимовага фавқулодда ҳоллар учун маблағидан 25 сўм бердим».

Андижон уезди бошлиғи маълумотига қараганда, Матёқуб Мадраҳимовнинг беваси моддий жиҳатдан тўла таъминланган бўлиб, унга эридан 10 десятина ер, уй жиҳозлари, 500 пудга яқин гуруч мерос қолгани, марҳумнинг икки боласи бўлиб, улардан бири Қўқон қишлоқ бўлими бошқармасида хизмат қилаётгани, Мадраҳимовнинг моддий муҳтожлигидан эмас, балки марҳум эрининг хизматлари учун унга 10 сўм миқдоридан нафақа тўлаш зарурлиги айтилган. Андижон уезди, Фарғона вилояти, Туркистон ўлкаси мустамлакачи маъмурлари, амалдорлари, ҳатто Россия салтанати ҳарбий вазири шахсан императорнинг ўзи Матёқуб Мадраҳимов оиласига 5 йил муддат билан ҳар йилда 50 сўмдан нафақа тайинлайди. Бу билан мустамлакачилар «Фарғона аҳолисининг кўз олдида рус маъмурияти ўзига



содиқ одамларнинг хизматини муносиб тақдирлаб боришларини» исботламоқчи бўлади<sup>1</sup>.

Қўзғолон шафқатсизларча бостирилгач, ўлкага Россиядан кўплаб рус оилаларини кўчириш сиёсати янада кучаяди. Туркистон генерал-губернатори Духовский подшо Николай II га йўллаган хатида: «Қўзғолончилар бизнинг уйқуда ётган 22 солдатимизни ўлдирганликлари учун бунинг хунига исёнчилардан 22000 кишига ўлим жазоси берилиб, 300 киши қаторгага ҳукм этилди. Қўзғолончилар раҳбари яшаган жой теп-текис қилиниб, у ерга 200 оилали рус қишлоғи қурилди», деган эди. Худди шунингдек, Андижон шаҳри атрофидаги Хаканд, Харгум қишлоқларидан ҳам ерли аҳоли кўчирилиб, уларнинг ерлари рус оилаларига берилади. Бу ерлар фақат 1925—1926 йиллардагина ўз эгаларига қайтариб берилади.

Хуллас, ота-бобо аждодларимиз чор Россияси мустамлакачилик зулми шароитида ҳам эркесвар халқимизнинг тарихий анъаналарини муқаддас билиб сақлаб қолдилар ва келгинди босқинчиларга қарши қонуний ва адолатли кураш олиб бордилар.

---

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустам. Дукчи Эшон воқеасидан сўнг. «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 1-сон.

## МУСТАМЛАКА ТУРКИСТОНДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

## 1. Маориф

Чор Россияси босқинига қадар Туркистонда кенг тармоқли халқ маорифи ўчоқлари: мактаблар ва мадрасалар мавжуд эди. Истилочилар уларнинг фаолияти билан танишиб, мустамлакачиликнинг бундан кейинги тақдири учун ўша мактаб ва мадрасаларнинг ғоятда хавфли эканлигини тушуниб етгандилар. Шу боис чоризм ўлкада руслаштириш сиёсатини айна шу соҳадан бошлаб, бу соҳа бўйича ўз дастурини ишлаб чиқади. Ўша устамон, пихини ёрган сиёсатчи К.П.Кауфман бу соҳада айниқса жон куйдириб фаолият кўрсатади.

1880 йилда Империя Давлат Кенгашида Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини руслар билан биргаликда ўқитиш масаласи кўрилганда Туркистон аҳолисининг «савдо-сотик, деҳқончиликда суяги қотганлиги ва ювош табиати» таъкидланиб, уларнинг «империядаги бошқа мусулмонлардан кескин ажралиб туришлари» қайд қилинади.

Давлат Кенгашининг бу қарори Кауфман томонидан қўллаб-қувватланади. Кауфман «руслар ва туземецларнинг болаларини биргаликда тарбиялаш» масаласини кўтаради. У мусулмон ва рус мактабларининг ажралиб туриши» иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан зарарли деб ҳисоблайди. Унинг бу ғоясини кейинги генерал-губернаторлар давом эттирадилар. 1884 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилади, уларнинг сони XIX аср охирида юздан ошиб кетади<sup>1</sup>.

Чор Россияси маъмурларининг Туркистон ўлкасида ерли халқ вакиллари қоронғулик, зулмат ва забунликда сақлашга қаратилган мустамлакачилик ва зўрлик сиёсатига қарамасдан XIX аср охири—XX аср бошларида ўлкада миллий маориф, фан ва маданият тараққиёти тўхтаб қолган эмас. Аммо ушбу масалада ҳам совет ҳокимияти йилларида коммунистик мафку-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, 253-бет.

ра таъсири остида манқуртлик ва қулларча тобелик дунёқарашида шаклланган баъзи маҳаллий олимлар ўз асарларида чоризм даврида юритилган маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсатни кўпиртириб мақтадилар. Чор Россияси босқинига қадар ўлкадаги бу соҳадаги аҳволни камситиб ерга урдилар. 1897 йили ўлкада саводли ўзбеклар 1,6 фоизни, қozoқлар 1 фоизни, туркманлар 0,7, қирғизлар 0,6 фоизни ташкил этган, аҳолининг саводхонлиги шундан кейинги йилларда ҳам ошмаган, Ўзбекистонда ҳар 100 кишининг 98 таси саводсиз эди, деб келдилар. «Ўрта Осиё халқлари инқилобгача деярли ёппасига саводсиз эди. 1897 йили ўзбекларнинг атиги 1,9 фоизи ўқиш ва имзо чекишни биларди. 1897 йилги Бутунроссия аҳоли рўйхатига кўра саводлилар ўлкада 1,8 фоизни ташкил этган, яъни инқилобгача Туркистон деярли ёппа саводсиз ўлка эди». «Ўзбек халқи деярли ялпи саводсиз эди. Саводлилар 1,5—2 процентдан ошмасди» каби фикрларни ёздилар, таргиб қилдилар.

Ҳатто айрим олимлар ватанга, ўз халқига хиёнат қилган ва босқинчи ҳукмдорлар томонига ўтган Саид-азимбой сингари савдогарларни Тошкентда ўз уйида рус-тузем мактаби очди деб осмонга кўтариб мақтайдилар. Аслида эса рус-тузем мактаблари асосан тилмочлар—таржимонлар тайёрлашга мўлжаллаб ташкил этилган эди.

Аммо совет даврида бу каби даъволарни инкор этувчи холисона тадқиқотлар ҳам эълон қилинади. Тарихчи олим Пётр Геронович Ким ўзининг «Уйдирма ва ҳақиқат» мақоласида ўзимиздан чиққан «олимлар»га қонуний савол билан мурожаат қилади:

Хўш, саводсиз халқ бутун дунё халқларининг фахру ифтихорига айланган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Хивадаги Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Биби-хоним каби кошоналарни ва бошқа кўплаб осори-атиқаларни қандай қилиб бунёд этган экан? Саводсиз халқ қай йўл билан жаҳонга Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний каби оламга машҳур алломаларни етказиб берди экан? Саводсиз халқ Навоий, Улуғбек, Форобий, Жомий ва бошқа кўплаб шоиру фозиллари билан оламга донг таратганининг сири нимада? Фурқат, Муқимий, А.Авлоний, М.Беҳбудий каби минглаб маърифатпарварлари бўлган халқнинг саводсизлигига ишониш мумкинми?

П.Г.Ким бу каби мантиқсиз ва куракда турмайди-  
ган даъволарни инкор этиб бўлмайдиган далиллар би-  
лан ўз мақоласида фош этди. У бундай ёзади: «Энди  
манбаларда келтирилган фактларга асосланиб, 1897  
йили Россия, Белоруссия ва Туркистонда аҳолининг,  
мактабларнинг, улардаги ўқувчиларнинг сонларини ку-  
затсак, бу ўлкалардаги саводхонликнинг даражаси ой-  
динлашади.

Россияда аҳолининг умумий сони 126.388.800, мак-  
таблар сони 33.401, ўқувчи сони 2.318.100, аҳолининг  
умумий сонига нисбатан ўқувчилар 1,8 фоизни таш-  
кил этган ҳолда, аҳолининг саводхонлиги 21 фоиз;  
Белоруссияда аҳолининг умумий сони 6.492.857, мак-  
таблар сони 2.263, ўқувчилар сони 125.418, аҳолининг  
умумий сонига нисбатан ўқувчилар 1,9 фоизни таш-  
кил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги 24,7 фоиз;  
Туркистонда аҳолининг умумий сони 3.792.774, мак-  
таблар сони 6.027, ўқувчилар сони 64015, аҳолининг  
умумий сонига нисбатан ўқувчилар 1,7 фоизни таш-  
кил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги 19,55 фоиз  
бўлган»<sup>1</sup>.

Ахир мустамлака Туркистондаги жуда кўп эски мак-  
табларда олий таълим берадиган ўқув юртларида аж-  
додларимиз фарзандлари таълим олганликлари, мад-  
расаларда мударрислар, маҳаллаларда саводхон аёллар  
отинойилик қилиб, шариат (фиқҳ) қонунчилигидан  
таълим-тарбия берганлари, ўша ўқув муассасаларида  
кўплаб юртдошларимиз ўқиб, замонасининг саводли  
кишилари бўлиб етишганини унутмаслик керак. XX аср  
бошларида бутун ўлка бўйича жаҳид мактабларининг  
кенг тармоғи юзага келганини ҳам эътибордан чиқар-  
маслик лозим.

Эҳтимол, шу боисдан машҳур рус олимларидан ака-  
демик В. В. Бартольд, А.Д.Миддендорф, сайёҳ олим  
А. Л. Федченко, шарқшунослардан В. П. Наливкин,  
А. Л. Кун ва бошқалар ўлкадаги маориф тараққиётига  
юқори баҳо берганлар, халқимизнинг маданиятига ҳай-  
рон қолганлар ва уни олқишлаганлар. Тарихчи олим  
Ҳайдарбек Бобобеков «Ўтмишда ўзбеклар саводсизмиш-  
лар» мақоласида бу ҳақда қуйидаги далилларни келти-  
ради: «А.Миддендорфнинг 1882 йилда чоп этилган

---

<sup>1</sup> Ким П.Г. Уйдирма ва ҳақиқат. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989  
йил 20 октябрь.

«Очерки Ферганской долины» китобида шундай сатрларни ўқиймиз: «Фарғона вилоятида қадимдан ўтроқ ҳолда яшашни севган меҳнаткаш қабилалар истиқомат қилишади... Албатта, ўзига хос бетакрор шароити бўлган Фарғона юксак маданиятли мамлакатлар чўққисига кўтарилди». А.Миддендорфнинг сўзига қараганда XIX асрда европаликлар ер хўжалиги равнақига ҳаракат қилиб мақсадларига эришолмаётган бир пайтда Фарғона водийсида бу муаммо анча бурун ҳал бўлган, у жойларда далалар сугорилар, яйловлар эса ўғитлантириларкан».

Олим ўз фикрини давом эттириб ёзади: «Фарғонада қилинган ишларга ҳавас қилдик, бу ердаги заминга нисбатан юксак маданият бошқа ерларга қараганда кўпроқ сақланиб қолганлигини кўрдик. Бир қанча ерларни кўздан кечириб шу хулосага келдикки, Фарғонада ер хўжалигини эҳтиёткорона ва моҳирона олиб боришар экан. Бу эса ҳайратда қолдирадиган ҳақиқий маданий меҳнат энг катта занжирининг бир қисми эканига ишонч ҳосил қилдик».

«Голос» газетаси 1874 йил 29 август сонидан сув хўжалиги масаласи ҳақида бундай ёзади: «...амалда кўпинча туземелардан (яъни маҳаллий аҳолидан—*муалл.*) кўп нарсани ўрганишга тўғри келмоқда. Шундай қилиб, ирригация ҳақида бизда (яъни Россия—*муалл.*) охириги вақтгача ўйланмаган эди. Осиёда эса бу соҳа юксак даражада ривожланган ва, албатта, далаларни сунъий сугориш бўйича биз Ўрта Осиёликларга ҳеч нарса ўргата олмаймиз. Бизда Жанубий Россияда ирригация борасида тортишувлар давом этаётган бир даврда осийликлар тоғларда коризлар орқали каналлар қуришмоқда. Унинг тубидан ўнлаб сажен юқори сувларни чиқаришмоқда, бир қоядан иккинчи қояга арғамчи тортиб тарнов ёрдамида сув олишмоқда, булар эса биздаги донишмандларнинг тушига ҳам кирмаган».

Рус олимлари, сайёҳлари, савдогарлари Кўқон хонлигидагина эмас, балки ўлканинг бошқа жойларида ҳам сунъий сугориш усулини ўз кўзлари билан кўриб юксак баҳо берадилар. Масалан, Н.Ульянов ёзган эди: «Бу маҳаллий Леонардо да Винчилар ижодида бир бош эмас, балки бир неча авлодларнинг тажрибали ақлини кўрдим».

Туркистон халқлари маданияти ҳақида Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг подшога са-

доқатини изҳор этиб ёзган докладида (1899 йил) қизиқарли фикрлар бор. Жумладан, у шундай ёзади: «Узоқ вақтлар мобайнида Бухоро бутун мусулмонлар (суннийлар) оламида мусулмон ҳуқуқшунослиги ва илмининг мўътабар маркази сифатида тан олиб келинган, боз устига бу обрў-эътиборни ҳануз йўқотмай келаётир. Бир вақтлар ўртаосиёлик руҳонийлар, қонуншуносу араб тили билимдонлари фаолиятининг аҳамияти нақадар улуғ бўлганини бугунги кунда бутун дунёдаги мусулмон-суннийлар қўллаётган машҳур ва мўътабар шариат мажмуаларининг айримлари Ўрта Осиёда битилганини эслашнинг ўзигина кифоя. «Ҳидоя-и-Шариф» Марғилонда, «Ақоид» Бухорода, «Ҳикмат ул-Айн» Самарқандда яратилди. Мусулмон оламига шариатнинг сўнгги талқинини Ўрта Осиё тақдим этди. Булардан ташқари, бу ўлка оламга Навоий, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий, Машраб каби шоир-сўфийларни берди».

Хуллас, Туркистонда чор Россияси босқинига қадар аҳолининг саводхонлик ва маданияти даражаси баъзи кимсалар таъкидлагани сингари қолоқ бўлмаган. Тўғри, ҳозирги даврга нисбатан оладиган бўлсак, саводсизлар Туркистон ўлкасида XIX асрда кўп бўлган. Аммо ўтган ўша XIX асрда қайси мамлакатда аҳвол бундан кўра яхшироқ эди? Шунинг учун халқимизнинг ўтмиш тарихини нодонларча қора бўёқларда ёритишга истиқлол туфайли барҳам берилмоқда<sup>1</sup>.

## **2. Адабий-маърифий жараён. Тарих ва бадиий ижод**

Чор Россияси Туркистон ўлкасини ўз мустамлакасига айлантирган XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлканинг ижтимоий-маданий ҳаётида албатта баъзи бир ижобий ўзгариш ва янгиликлар ҳам бўлди. Бу ўзгаришлар ва янгиликлар мустамлакачилар томонидан ерли халқларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида рўёбга чиқарилгани йўқ. Балки, биринчи навбатда ва асосан, босқинчиларнинг талаблари ва манфаатлари нуқтаи назаридан амалга оширилди. Ана шундай

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов. «Шарк». Т., 2000, 253—277-бетлар; Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов. Туркистон Русия босқини даврида. Андижон, «Мерос», 1995, 90—159-бетлар.

янгилик ва ўзгаришлардан бири ўлкада аҳолига хизмат қилувчи маданий-маърифий муассасаларнинг пайдо бўлишидир. 1870 йилда Тошкентда кутубхона ташкил қилинади. Кутубхона учун Петербург ва Москвадан 1867 йилда юборилган дастлабки китоблар зўр қийинчиликлар билан 1868 йилда Тошкентга етиб келган эди. Бу китоблар асосан Марказий Осиёни ва унга қўшни бўлган мамлакатларни ўрганишга ва бошқа масалаларга алоқадор адабиётлар эди. Кутубхона фонди мутлақо рус тилида бўлиб, унинг ўқувчилари ҳам асосан рус офицерлари, амалдорлари ва уларнинг оилаларидан иборат эди. Дастлабки китобхонлар тўғрисидаги маълумот 1870 йил май ойидан 1871 йил сентябригача бўлган даврга алоқадордир. Ҳаммаси бўлиб 75 китобхон бўлган, шундан 45 нафари офицер, 19 нафари амалдор, 4 нафари савдогар, 2 киши руҳоний, бир киши маҳаллий мактаб талабаси эди<sup>1</sup>.

Шундай бўлса-да, кутубхона ҳар ҳолда маърифий иш билан шуғулланиди ва ўлкада XIX аср рус адабиётининг демократик ғояларини тарқатишда маълум роль ўйнади. Бироқ 70—80-йилларда Россияда маданият ва халқ маорифи 60-йилларда қўлга киритган демократик ҳуқуқларни йўқ қилишга интилган реакциянинг ҳужуми бошланиб кетади. Бу ҳужумдан кутубхона ҳам четда қолмайди. 1882 йил декабрда Туркистон генерал-губернатори М.Г.Черняевнинг буйруғи билан алоҳида ишлар бўйича амалдор, «Петербург харобалари» асарининг муаллифи, реакциян ёзувчи В.В.Крестовский кутубхонани тафтиш қилади. У ўзининг Черняевга ёзган рапортида: «Рус муаллифларидан Салтиков, Добролюбов, Писарев, Некрасов ва Шиллер (А.Михайлов) асарларига талаб энг кўп эканлиги маълум бўлди», деб ёзади. Ушбу рапортга асосан генерал Черняев 1883 йил 1 январдан эътиборан кутубхона фаолиятини тўхтатиш тўғрисида буйруқ беради. Жамоатчиликнинг талаби билан 1889 йилда кутубхона яна ўз иш фаолиятини бошлайди.

Ўрта Осиёни ўрганиш билан шуғулланган таниқли рус олимлари—археолог В.Л.Вяткин, академик В.В.Бартольд ва бошқалар кутубхонага фаол ёрдам бериб туришган. Натижада кутубхона қимматли асарлар ва материаллар билан тўлиб борган.

<sup>1</sup> Н.А.Дмитровский. Двадцати пятилетие Туркестанской публичной библиотеки—«Туркестанские ведомости», 1895, № 15,18,28,33,37.

«Умуман, Ўрта Осиёга, айниқса Туркистон ўлкаси-га оид асарлар ва мақолаларнинг Туркистон тўплами кутубхона фондларида тўпланган манбаларнинг ажойиб мажмуаси бўлди. Бу тўпلام 594 томдан иборат бўлиб, инқилобгача бўлган Туркистон ҳақидаги китоблардан, газета ва журналлардан олинган мақолалардан ташкил топган. Тўпلامнинг 416 томи машҳур рус библиографи В.И.Межов томонидан тайёрланган. Бу томларга 1867—1887 йилларга оид материаллар киритилган. Сўнгра тўплам устида олиб борилаётган иш тўхтаб қолган ва 1907 йилдан 1917 йилгача бўлган даврда ҳар хил библиографлар тўпلامнинг 175 томини тузганлар»<sup>1</sup>.

XIX асрнинг 80—90-йилларида Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда турли илмий жамиятлар (археология, география, этнография кабилар) ташкил этилган. 1896 йилда Самарқандда «Тарихий музей» илмий жамият иш бошлади. Бир қатор илмий экспедициялар уюштирилади. Бу борада рус олимлари И.В.Мушкетов, Н.А. Северцов, А.П.Федченко, П.П.Семенов-Тянь-Шанский, Н.М.Пржевальский ва бошқалар самарали ишлар олиб борадилар. Туркистон халқлари тарихини ўрганиш ва ёритишда, халқимизнинг ўтмиш маданиятини илмий тадқиқ қилишда шарқшунос олимлар В.В.Радлов, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс ва бошқаларнинг хизматлари оз эмас. Шу давр мобайнида бир қатор ижодкор рус адиблари асарларининг маҳаллий халқлар тилларига ўгирилиши ҳам ижобий фаолиятлардан ҳисобланади.

1868 йилда Тошкентда биринчи босмаҳонанинг ташкил этилиши билан Туркистонда китоб босиш, матбаачилик йўлга қўйилади. 1870 йилда бир қатор катгароқ бошқа босмаҳона ташкил этилгандан кейин «Туркестанские ведомости» газетаси чиқарила бошланади. Шу йилдан эътиборан бу газетанинг ўзбек ва қозоқ тилларида (араб алфавитида) иловалари чиқа бошлайди. Ана шу тариқа Туркистонда вақтли матбуот тарихи ўз илк қадамини ташлайди. Худди шу 1870 йилнинг охирида Хоразмда ҳам тошбосма пайдо бўлади. 1880 йилда Навоийнинг «Ҳамса»си («Ҳайратул аброр»нинг биринчи китоби), «Девони Мунис» ва «Девони Ражи» асарлари босилиб чиқади. 1883 йилда «Тошкентда тошбосмада

---

<sup>1</sup> Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1992, 15-бет.



биринчи марта Сўфи Оллоёвнинг «Китоби саботул ожизин»и босилиб чиқади. Шу даврдан бошлаб ўзбек ва тожик тилларидаги китоблар асосан тошбосмада чиқадиган бўлади. Туркистон халқлари ҳаётида тошбосма катта роль ўйнайди. «Туркестанские ведомости» газетасининг ўзбекча ва қozoқча иловалари 1883 йилда «Туркистон вилоятининг газети» номи остида мустақил чиқарила бошлайди. 1898 йилда Тошкентда «Русский Туркестан», 1904 йилдан бошлаб Самарқандда «Самарқанд» газеталарини чиқариш йўлга қўйилади.

1905 йилдаги инқилоб тўлқинларининг таъсирида «Русский Туркестан» ва «Самарқанд» газеталарининг раҳбарлиги большевиклар қўлига ўтиб кетади. Подшо ҳукумати бу газеталар фаолиятини тақиқлаб қўйгач, улар ўз номларини ўзгартириб: «Туркистон», «Вперёд» («Русский Туркестан»), «Заравшан», «Новый Самарқанд», «Русский Самарқанд» («Самарқанд») номлари остида чиқарила бошлайди. 1906 йилга келиб бу газеталарни чоп этиш умуман тақиқлаб қўйилади.

XX аср бошларига келиб маҳаллий миллий матбуотни йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ижобий яқунланади. 1906 йилда Тошкентда биринчи марта ўзбек тилида «Тараққий» газетаси чиқарилади. Бу ўзбек миллий матбуотининг илк дебочаси сифатида тарихга киради. Шундан сўнг бирин-кетин янги-янги матбуот органлари вужудга кела бошлайди. Тошкентда «Садои Туркистон» газетаси жадидлар томонидан чиқарила бошлайди.

Рус демократлари ва жадидлар 1916 йил 1 июлдан Андижонда «Туркестанский голос» газетасини чиқара бошлайдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида мустамлака Туркистонда ҳар қандай оғир муҳит шароитида бўлса-да, ижтимоий фан соҳасида ва бадиий ижодда қалам тебратган, ўз халқининг дарду-ҳасрати билан куйиб ёнган ва унинг келажак истиқболига сўзсиз ишонган ёзувчилар, шоирлар бўлади. Бу даврда тарих, бадиий ижод бобида асарлар ёзган адибларнинг аксарияти маҳаллий бойлар, амалдор тураларнинг ўтказган зулмкорлик сиёсатларидан тўйиб адо бўлган ва Туркистонни ўз мустамлакасига айлантирган чор маъмурларидан умид ва нажот кутган халқ оммасининг интилишлари, эзгу ниятларини тараннум этади. Аммо улар интилган нарса қуруқ, амалга ошмайдиган орзу, сароб

эди. Шундай бўлди ҳам, халқ орасидан етишиб <sup>чиққан</sup> ижодкор фарзандлар тез орада буни тушуниб ета <sup>бош-</sup>лайдилар, ҳаёт мактаби тобора уларнинг кўзини <sup>оча</sup> боради.

**Аҳмад Дониш Маҳдум ибн Носир (тахаллуси Кал-ла) (1827—1897).** Аҳмад Дониш тахаллуси билан танилган Аҳмад Маҳдум ўз даврининг йирик маърифатпарвар олими ва файласуфи, ёзувчиси ва астрономи, тарихчиси ва архитектори, мусаввири ва муסיқанависи эди<sup>1</sup>. Дониш қизиқишлари, дунёсининг нақадар серқирралигини унинг ёзган асарлари кўрсатиб турибди. Маърифатпарвар мутафаккирнинг бизгача етиб келган асарлари жумласига «Номусал-аъзам» («Улуғ қонун»), «Мунтахаб-ал-ахком» («Танланган қарорлар»), «Наводир-ул-вақоеъ» («Ноёб воқеалар») ва «Рисолаи мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони амирони Манғит» («Манғит амирлари хонадони салтанатининг қисқача тарихи»)лар киради.

Бухоро амири элчисининг котиби сифатида уч марта Россияда бўлган Дониш тараққиётда ҳар томонлама Россияга нисбатан орқада бўлган амирликдаги ижтимоий-иқтисодий тузумни танқид қилади, рус маданиятини омма ўртасида тинмай тарғиб қилади ва ундан ўрганишга чақиради. Унинг асарларида оддий меҳнаткаш халққа нисбатан муҳаббат ва золимларга нисбатан эса нафрат ҳисси марказий ўринни эгаллайди. Дониш халқни маърифатли қилиш, унинг маданиятини ошириш йўли билан «адолатли» ҳукмдор ҳокимияти рақбарлигида мавжуд тузумда ҳукмрон бўлган ноҳақлик ва адолатсизликни йўқотиб бахтли ҳаёт қуриш мумкин, деб ҳисоблайди. Бироқ у бу борада амалга ошмайдиган хомхаёлларга ҳам берилади. Шунга қарамасдан ўз даврига нисбатан маърифат ва маданиятни яшаш тарзининг ва истиқболнинг дастурига айлантирган Дониш қарашлари ижобий аҳамиятга эга эди.

**Муқимий (1850—1903).** XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида вужудга келган демократик адабиётнинг йирик вакилларида бири Муқимийдир. Камбағал хунарманд оиласида дунёга келган Муҳаммад Амин Хўжа (Муқимий—унинг тахаллуси) чинакам халқ шоири бўлган. Асосан шеърий асарлари билан донг таратган шоир ижодини жанр хусусиятларига қараб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси... 1-жилд, 536-бет.

тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Лирика: ғазаллар, мухаммаслар, мураббаъ, маснавий, рубоий, туюқ ва фардлар. 2. Ҳажвий: сатира ва юмор. 3. Саёхатномалар. 4. Мактубот: шеърий ва прозаик мактублардир.

Халқ манфаатларини ўз ижодида ифодалаган ва баралла куйлаган Муқимий хонларнинг чекланмаган ва адолатсиз ҳукмронлиги остида оғир ва қимматли ҳаёт кечираётган меҳнаткаш омманинг ҳаётидан фиғон чекади ва ўз асарларида ундан нафратланади. У «Танобчилар» сатирик шеърида танобчилар (ер ўлчовчилар)-нинг жабр-ситамларидан адоий тамом бўлган, солиқларни тўлай олмай хароб бўлган деҳқонлар ҳаётини акс эттиради. Шоир ер ўлчаш баҳонасида порахўрликни, зулмни авж олдирган танобчилардан юраги зада деҳқон тилидан зорланади:

Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,  
Арз этайин эмди ёзиб номалар.  
Адл қулоғила эшит ҳолими,  
Зулм қилур, балки, менга холими.  
Ўн икки ойда келадур бир таноб,  
Ўзгаларга роҳату менга азоб.

Муқимий «Танобчилар» шеърида чор маъмурларининг ўлка меҳнаткашларига ўтказган мустамлакачилик сиёсатининг барча жирканч қиёфаларини усталик билан очиб ташлайди. Биз «подшолик маҳкамаси»нинг маъмурлари бўлган Султон Алихўжа ва Ҳакимжонларнинг орқа суянчиғи бўлмиш чор Россияси бутун сиёсати ва даҳшати билан қилич яланғочлаб турганлиги учун халққа истаганча зўравонлик ва зулм қилишларини «Танобчилар»да кўриб унга гувоҳ бўламиз. Муқимий танобчиларнинг хатти-ҳаракатини баён қилгач, улар характерини очишга ўтади. Султон Алихўжа билан Ҳакимжон, барча чор амалдорлари сингари, қаҳри қаттиқ, раҳмсиз бўлиб, қамчисидан қон томиб туради. Улар биргалашиб таноблашга чиқадилар ва иттифоқ бўлиб иш кўрадилар:

Султон Алихўжа, Ҳакимжон иков,  
Бири хотун, бириси бўлди куёв.  
Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,  
Гуё хаёл айлаки, қилмай нифоқ.  
Ош есалар ўртада сарсон илик,  
Хўжа чироқ ёғи, Ҳакимжон пилик.

Танобчи амалдорларнинг характери қишлоққа чиқиб деҳқонлар билан қилган қўпол, дағал муомалаларида янада тўлароқ очилади, уларнинг жирканч башаралари тўлалигича намоён бўлади. Мақтанчоқлик, тақаббурликда, шунингдек, товламачилик ва таловчиликда танобчилар бир-биридан қолишмайди. Султон Алихўжа қишлоқ аҳолисини йиғиб, уларга шундай дўқ уради:

Манки танобинга чиқибман келиб,  
Хизматими яхши қилинглар билиб.  
Ўт қуюбон куйдурадурғон ўзим,  
Ҳокимингу ўлдурадурғон ўзим.  
Хоҳ танобингни дучандон қилай,  
Хоҳ қарам бирла бошингни силай.

Танобчи Ҳакимжон ҳам ўз манфаатини кўзлаб, ўз навбатида, халққа қараб зўравонлик билан сурбетларча шундай дейди:

«...Яхшилигингни фуқаро билмагай,  
Ҳоли булар кўзга бизи илмагай.  
Икки танобини қилай ўн таноб,  
Юртингизни куйдуриб айлай хароб.  
Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг, баччағар».  
Дебки, узангуга оёғни тирар.

Муқимий ўзи яшаган даврдаги ҳаёт муаммоларини ва нуқсонларини, дин ниқоби остида халққа жабр-зулм қилаётган, уларнинг нонини ярим талаётган баъзи бир чала мулла, руҳонийлар ва бойларни «Московчи бой таърифиди», «Авлиё», «Баччағар» ва бошқа асарларида сатира ўти остига олади, уларни масхаралайди.

Муқимийнинг машҳур асарларидан бири «Саёҳатнома»дир. Бу асар ўз ичига асосан уч саёҳатномани олади: «Кўқондан Шоҳимардонга», «Кўқондан Фарғонага» ва «Кўқондан Исфарага». 1953 йилда топилган яна бир янги парча «Исфара саёҳатидан» деб юритилади. «Саёҳатнома»ларда Муқимий ўзининг саёҳатлар чоғида олган таассуротларини қаламга олади ва халқ оммасининг ҳаққоний ҳаётини акс эттиради. Шоир мустамлакачилик зулми сиёсати ва маҳаллий бойлар, амалдорларнинг ўтказган жабр-ситамларидан адо бўлган халқ тимсолидан фарёд чекади:

Бунда бордим Бешариқ,  
Одамларин ранги сариқ,  
Емишлари эмиш тариқ.

Муқимий жафокаш ва меҳнаткаш халққа бўлган ҳурмати ва муҳаббатини қуйидаги сатрларда ифода-лайди:

Қир пастида шўртанг ариғ,  
Бир тўп йигит ўрғай тариғ,  
Тўнсиз, яланғоч, ҳай дариғ,  
Бечора, оч деҳқон экан.

Шоир Муқимий «Саёҳатнома»да бечора оч ва яланғоч деҳқонларни золимларча эксплуатация қилувчи «юрт катталари»дан нафратланади, очкўз ва қизганчиқ мингбошилар, бўлис бошлиқлари, қози ва эликбошиларни масхаралайди, уларнинг устидан кулади ва сатира ўтига олади:

Минг бошиси сўфинамо,  
Тасбеҳу бўйнида ридо,  
Чўқиб қочар зоғи ало,  
Бир доғули айёр экан.  
Хайру саҳо важҳида кар,  
Бир пулни юз ердин тугар,  
Келса гадоё ногоҳ агар,  
Бир нон чиқиш душвор экан.

1907 йилда Н.Остроумов «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган Муқимийнинг асарларини тўплаб китобча ҳолига келтиради ва Тошкентда нашр эттиради. Ушбу китобда Н.Остроумов ёзган «Шоир Муқимий» сарлавҳаси остидаги таржимаи ҳолда Мавлавий Йўлдошнинг Муқимий вафотига ёзган марсия-тарихи ҳам босилган эди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Н.Остроумов Муқимий ва Фурқат асарларини йиғиб тўпловчи сифатида ижобий баҳоланса-да, у ҳукмдор мустамлакачи мамлакатнинг бир вакили сифатида шоир Муқимийга холисона баҳо бермайди, уни камситади, асарларида олға сурилган илғор ғояларни кўрмайди ёки кўришни истамайди. У шоирни қандайдир ожиз ва дарвешнамо шахс сифатида, дунёдан, реал борлиқ муаммоларидан, ҳаёт завқу ташвишларидан четда турган лоқайд ижодкор сифатида талқин этади. Албатта, бу бошдан оёқ ғайри илмий ва ўта субъектив қарашдаги хулосалардан иборат эди.

Хуллас, маърифатпарвар, элпарвар ва демократ шоир Муқимий ўзининг кенг қамровли, чуқур, гоёвий, юксак бадиий асарлари билан халқнинг ҳурмат-эъти-

борига сазовор бўлган ўзбек халқининг ажойиб фарзандидир.

**Фурқат (1858—1909).** Ўзининг халқчил ва демократик руҳда ёзилган асарлари билан халқ оммаси ўртасида катта обрў ва эътибор топган шоирлардан бири Фурқат Холмуҳаммад Зокиржон ўғлидир. У шоирлар маскани Қўқонда туғилган. Аммо умрининг талайгина қисмини ўз она диёрига сиғмаган Фурқат мустамлакачи тўралар, маҳаллий бетамиз ва фаросатсиз золим бойваччалардан қочиб хорижий мамлакатларда хорузорликда ўтказди.

Сиёсий дунёқараши ва савияси етарли даражада чархланмаган баъзи бир ватандошлари синғари Фурқат ҳам дастлабки даврларда Туркистонни босиб олган чор маъмурларига умид нигоҳини тикади, ҳатто рус илм фани, техникаси ва маданиятини мадҳ этувчи асарлар ёзиб, ўз халқини унга даъват этади. Унинг «Гимназия», «Илм хосияти», «Виставка хусусида», «Суворов», «Нағма базми хусусида» каби ёзган асарлари бу фикримизнинг исботидир. Аммо ҳаёт жумбоқлари ва ҳақиқати борган сайин Фурқатнинг кўзини оча боради, унинг онги, дунёқараши тадрижий бир тарзда ўсиб боради. Бу ўринда шоирнинг «Фурқатнома» асари фикримизга ёрқин далилдир.

«Туркистон вилоятининг газети»да «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони» сарлавҳаси остида чоп этилган бу асар газетанинг 1891 йилги ўн иккита сониди алоҳида мақолалар тарзида берилган. «Фурқатнома»нинг бош мавзуси — маърифатпарварликдир. Унда Фурқатнинг Янги Марғилонга (ҳозирги Фарғона шаҳри), Хўжандга, Тошкентга, Самарқандга қилган сафарлари хотиралар тарзида ҳикоя қилинса-да, ҳар бир воқеа, жараён тасвири, ҳар бир тафсилот бош мавзу билан чамбарчас боғлиқдир. Хараكتери асарда ёрқин намоён бўлган маърифатпарвар ижодкор замонасининг илғор, юксак онгли кишисидир. Унинг ўз халқига меҳр-муҳаббати ғоят кучли, шу боисдан мустамлакачиларга — чоризм вакилларига қаттиқ нафрат билан қарайди. Аста-секин асар қаҳрамони ўз қарашларини, муносабатларини ўзгартира бошлайди. Мавжуд шарт-шароитлар, воқелик унга сабоқ беради.

Маърифатпарварлик ғояларининг етакчилиги «Фурқатнома»даги маданий-маърифий муҳит тасвирида ғоят

кучли сезилади. Фурқат, аввало ўзбек маданиятининг илдирилари, сарчашмалари ҳақида батафсил сўз юритган. Бунинг тагида ғоят улкан ва кенг маъно ётибди. Шоир ўзининг қандай таълим-тарбия олганлигини, қандай китоблар мутолаа қилганлигини баён этар экан, истеъдодли, билимдон кишиларни етиштиришга қодир шарт-шароитлар чоризм истилосидан олдин ҳам мавжудлигини маҳорат билан кўрсатиб ўтади. Ўз халқи мустамлакачилар ўйлаганидек «жоҳил, қолоқ» эмаслиги, юксак маданият ва маърифатга эгалигини муаллиф ўзига хос йўсинда ифода этган. Бу «ватанпарвар, халқпарвар ижодкор»нинг ўз миллий ғурурини, элига меҳр-муҳаббатини намоён қилиши эди, истилочиларнинг камситишларига, зўравонликларига қарши пинҳоний норозилиги, яширин исёни эди.

Фурқат асрлардан бери шаклланган миллий таълим тизими бу соҳада дарслик, қўлланма сифатида фойдаланиладиган асарлар ҳақида маълумотлар беради. У ўқиган китоблар рўйхатига назар ташласак, ажодларимизнинг «атиғи икки фоизи саводли» бўлгани ҳақидаги гаплар нақадар пучлигини англаймиз. Дастлабки бошланғич таълимдан кейин «Қуръони шарифни хатм қилиб, «Чор китоб» ибтидо қилдим» (Фурқат. Т А, 2-том, 1958, 134-бет), деб ёзади шоир. Шундан сўнг у қуйидаги асарларни мутолаа қилиш, ўрганиш орқали ўз билимларини бойитиб боради. 1. Фаридуддин Аттор. «Мантқиқут тайр». 2. Ҳофиз Шерозий девони. 3. Мирзо Абдулқодир Бедил девони. 4. Мир Алишер Навоий. «Чор девон». 5. Фузулий ғазалиёти. 6. «Маслақул муттақин». 7. «Аввали илм» рисоласи. 8. «Муъзи Вазанжоний» рисоласи. 9. «Авомил», «Ҳаракот» рисоалари. 10. «Қофия» китоби. 11. «Шарҳи муллои Жомий». 12. «Рисолаи шамсия».

Ушбу рўйхат таълим жараёнида бадиий адабиётнинг мумтоз намуналари кенг ўрин олганлигини, дунёни англаш тафаккурини шакллантириш борасида бадиий асарларга алоҳида аҳамият берилганини кўрсатади. Шарқ адабиётининг Навоий, Аттор, Ҳофиз, Бедил, Фузулий каби улкан намояндалари ижоди, уларнинг ғўзал ва сермаъно асарлари ёш авлоднинг улғайиши йўлида дастуруламал вазифасини муносиб бажарган.

Фурқат ижодининг мавзуси кенг қамровли ва серқиррадир. Унинг шу кунгача етиб келган шеърий асар-

лари саккиз минг мисрадан ортиқдир. Бундан ташқари Фурқатнинг проза ва публицистикага оид асарлари ҳам бор. Шоир фаол илмий ишлар ҳам олиб борган, тарих, этнография ва шеърят назариясига оид асарлар ёзган.

Фурқат инсоний олижаноб фазилатларни улуғлар экан, биринчи ўринга озодлик мотивини қўяди. Бу ҳол тушунарлидир, албатта. Чунки буни Фурқат яшаган давр ва замон талаб қиларди. Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳар қандай қулликнинг муросасиз душмани, озодлик, эркинлик, ҳурликнинг оташин жарчисидир:

Дўстлар, айшу тараб, фасли баҳор истар кўнгул,  
Ҳар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгил.  
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар кўнгул,  
Каби рафтарин кўрарга қўхсор истар кўнгул,  
Доғи хурсанд этгуси ҳар не ки бор истар кўнгул.

Озодлик, эркинлик ва ҳурлик ғоялари турлича ранг-бўёқларда «Фасли навбаҳор ўлди», «Фасли гулдур», «Баҳор айёмида», «Ул қаро кўз» сингари шеърларида янада сайқал топади.

Фурқатнинг «Сайдинг қўябер, сайёд» шеърида гуноҳсиз маҳбусларни чангалига олган шафқатсиз зolimларга қарши ошкора нафрат садолари ҳар қандай қалби тош ўқувчининг ҳам юрак бағрини тилка-пора қилади:

Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Ол домини бўйнидан, бечора экан мендек,  
Ўз ёрини топмасдан, овора экан мендек,  
Иқболи нечун, бахти ҳам қора экан мендек,  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.  
Бечорани зулм айлаб, қўл-бўйинини боғлабсан,  
Ҳар сори чекиб-судрат, ўлдиргалик чоғлабсан,  
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,  
Сот менга агар қасдинг олғуси сўроғлабсан!  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Фурқат ўзининг «Мухаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» асарида Худоёрхонни эл-юрт ғамини ўйламаган, фақат шахсий манфаат ва дабдабани кўзлаган ҳукмдор сифатида ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиради. Бу



асарни Н.Остроумов «Охборот» журналининг 1893 йилги 8-сонида биринчи марта чоп эттирган.

Шундай қилиб, Фурқат чоризм мустамлакачилиги зулми шароитида юрт, Ватан ва эл бахти билан куюб ёнган маърифатпарвар, демократик шоир сифатида ўзбек адабиётида ўзининг муносиб ўрнига эга.

**Завқий (1853—1921).** Завқий ўзбек демократик ва халқчил адабиётининг Муқимий ва Фурқат ижод этган анъаналарини давом эттиради. У ўз асарларида халқнинг аянчли ҳаёти ва қисматига шерик бўлиш ва ачиниш, келажак истиқболга умид нигоҳи билан боқиш, озодлик ва эрка интилиш гояларини илгари суради. Завқий ижод этган асарлар йўналишини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Лирик шеърлар. 2. Ҳажвиялар. 3. Саёҳатномалар. 4. Достонлар.

Шоир ўзининг «Айлаб келинг», «Келмаса келмасун, нетай», «Офарин», «Юзингни кўрсатиб аввал», «Ғорат этдинг», «Уч хороботи», «Ажаб эрмас», «Фарғона», «Рахсан Эргаш», «Воқеаи қози сайлов», «Обид мингбоши ҳақида ҳажв», «Таладинг баринг», «Аҳли раста ҳажви», «Ажаб замона», «Замона кимники?» каби лирик шеърлари, мухаммаслари ва ҳажвий сатирик асарларида улуг инсоний фазилат, ҳақиқий чин севгига садоқат ва чиркин тузум шароитидаги нуқсонларга муносабатини тараннум этади.

Хусусан, Завқийнинг ҳаётӣ воқеаларга нисбатан ўта сезгирлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг ички мазмунини чуқур англаб етишга моҳирлиги ва ундан аниқ ва тўғри хулосалар чиқара олиш санъати шоирнинг «Ажаб эрмас» мухаммасида кўзга ёрқин ташланади.

1916 йилги Жиззах қўзғолонини зийраклик билан кузатган Завқий: «Муқаррадур замона инқилоб ўлса ажаб эрмас» деган қатъий хулоса чиқаради.

Завқий сатирик шоир сифатида адолатсиз замондан фарёд чекади, ундаги иллатлар, чиркин нуқсонлар, жабр-ситамларни ўткир қалам тигила ҳажв қилади. У ўз асарларида «Замона зўрники» деган халқ нақлидан келиб чиқиб шундай дейди:

Аҳли дил бўлса замоннинг бойи бўл, баззози бўл,  
Ақчадин лангар чўп ушлаб, растанинг дарбози бўл.

«Замона кимники?» шеърида шоир қўйилган аниқ саволга мантиқий ва тўғри жавоб беради: «давр-даврон ҳамма жойда ҳоқиму мирзоники, «силлиқ саллоники»,

«сурати зебоники». Меҳнаткаш халқни эса оч-яланғоч, хонавайрон ҳокимлар зулми остида бағри қон эканлигини надоматлар ила тасвирлайди.

Шаҳру қишлоқ демангизким, фисқ ила тўлди жаҳон,  
Аҳли дунё қошида ёлғончилардур нуқтадон,  
Йўқ ривож касбу-хунарга соврилибдур хонумон,  
Хоҳ косиб, хоҳ деҳқон қайга борса бағри қон,  
Ҳоли ҳар ерда сухан шармандаю расвоники.

Хулоса шуки, маърифатпарвар, демократ шоир Завқий меҳнаткаш халқ ғами-дарди билан ёнган ва халқнинг бахтли истиқболига ўзини бахшида этган ажойиб бир инсондир.

**Муҳйи Хўқандий (1835—1911).** Ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган истеъдодли шоирлардан Ҳожи Муҳйиддин Хўқандийдир. «Муҳйи» тахаллуסי билан элга танилган шоир 1835 йилда Ҳиротда туғилган. У дастлаб Қандаҳорда ва сўнг Бухорода ўқиган. Отаси вафотидан сўнг, 70-йилларнинг ўрталарида Андижонга келган, кейин Кўқон хони Насриддинбек ҳузурда хизматда бўлади.

Муҳйи машҳур ўзбек шоирларидан Муқимий, Фурқат, Завқий билан замондош эди ва улар билан бир адабий муҳитда ижод қилган эди. У ўзбек ва форс-тожик тилларида баравар ижод қилиб форсий ва туркий девонлари бир китоб ҳолида 1911 йили Тошкентда нашр этилганди. Муҳйи 1911 йили Андижонда вафот этган.

Муҳйининг ҳаёти ҳақида А.П.Қаюмовнинг «Кўқон тарихи ва адабиёти», «Кўқон адабий муҳити» асарларидагина маълумотлар мавжуд. Муҳйи шеърятини ўрганишга академик Фафур Фулом бир неча мақола бағишлаган.

Лекин Муҳйи ижодини ўрганишда яқин ўтмишда бир ёқламаликларга йўл қўйилди. Адабиёт тарихини ўрганишга синфийлик принципини зўрма-зўраки ёпиштириб, Муҳйи «бойларнинг, савдогарларнинг, мулкдорларнинг шоири» деб эълон қилинади. Доим камситилади, яхши ўрганилмади. Ваҳоланки, Муҳйи бойларча ҳаёт кечирмаган. У бир умр Миён Қайюм ҳазрат хонақоҳида мусофирликда яшаб, ҳатто бир бошини иккита қила олмай ўтиб кетган, бутун онгли ҳаётини ижод ва адабиётга бағишлаган.

Муҳйи асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, у

шубҳасиз, Ғ.Ғулом айтганидек, «тақдир қиладиган даражада талантли шоир» бўлган, ишқий ва ижтимоий мавзуларда гўзал асарлар ёзган. Ҳажвий шеърлари эса Муқимий ҳажвиётларидан қолишмайдиган асарлар бўлган.

Бу фикрнинг тўғрилигига Муҳйининг машҳур фирибгар Виктор ҳақидаги «Бектур» радифи билан ёзган, Муқимийнинг шу радифдаги ҳажвий шеърларига тўла ҳамоҳанг бўлган ва қуйидаги банд билан бошланган ҳажвия-муҳаммасини ўқиб, тўла ишонса бўлади:

Рўсияҳлар ичинда бир нобакор Бектур,  
Бир гули дев сийрати қади манор Бектур,  
Шакли мисоли писта, оғзи чу гор Бектур,  
Фарғона ичра токим тутти қарор Бектур,  
Топти ривож беҳад ҳам эътибор Бектур.

**Баёний (1840—1923).** Муҳаммад Юсуф Бобожонбек ўғли (адабий таҳаллуси Баёний) ўзбек адабиётининг йирик вакиллари билан бири, шоир ва тарихчи олим, таржимон ва ҳаттот, тиббиёт илмининг билимдон кишиларидан бири сифатида танилган. Қомусий истевдод эгаси бўлган Баёний араб, форс, усмонли турк, озарбайжон ва бошқа тилларни билар эди. Унинг лирик шеърлардан иборат девонлари, таржима асарлари билан бир қаторда тарихга оид асарлари ҳам ғоятда қимматлидир. Бу асарларда Хоразм, Бухоро, Қўқон хонликлари ва Марказий Осиё халқларининг тарихи, маданияти ва хорижий давлатлар билан муносабатлари тўғрисида ишонарли ва муҳим фикрлар баён этилган.

Баёнийнинг тарихий асарларини ўрганиш эса бугунги ўқувчининг онгини фактик материаллар, тарихий воқеалар, адабиёт, маданият аҳлининг ҳаёти ва ижоди билан таништиришда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Баёний Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан 1092 (1681) йилда араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳоифул ахбор», Али Муҳаммад ал-Хиравий (таҳаллуси Биноий)нинг «Шайбонийнома», Абу Жаъфар Жарир ат-Таборийнинг араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Тарихи Табарий» ва бошқа асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ушбу таржима асарлари билан бирга Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» каби монументал асарлар ҳам ижод этади. Баёний бу асарларини ёзиш билан Абулғози Баҳодирхон, Мунис ва Огаҳий анъаналарини давом эттиради. У ўзи-

нинг «Шажараи Хоразмшоҳий» номли тарихий асарида Хоразмда XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб 1913 йилгача бўлган воқеаларни баён қилиб беради. Баёнийнинг иккинчи асари «Хоразм тарихи»дир. Бу асарнинг айрим боблари маъно жиҳатидан «Шажараи Хоразмшоҳий» асарига ўхшаб кетса-да, унинг ёзилиш услуби, воқеаларнинг янги талқини билан тубдан фарқ қилади. Баёний ўзининг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида Хоразмдаги тарихий, адабий-маданий ҳаёт ҳақида ишончли маълумот беради. Баёнийнинг ушбу асари Мунис ва Огаҳийлар томонидан ёзилган Хоразм тарихининг давоми ва хулосасини ташкил этади.

Баёний ушбу асарида Хива хонларининг тарихини — руслар томонидан Хоразмнинг босиб олинганидан токи 1914 йилдаги Биринчи жаҳон урушининг бошланишига қадар бўлган воқеаларни атрофлича ёритган.

**Феруз (1844—1910)**—Сайид Муҳаммад Раҳимхон Соний—Хива хони, Хоразм халқининг адолатпарвар ва маърифатпарвар шоири ва фарзандидир.

Ўзбек адабиёти, санъати ва тарихида муҳим ўрин тутган сермаҳсул ижодкор ва маданият ҳомийси. Ўз саройида у қирққа яқин шоир, созанда, тарихчи, ҳаттот ва таржимонларни тўплаган<sup>1</sup>. Ҳасан Мурод Қори Муҳаммадамин ўғли Лаффасий эса «Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида Феруз саройида 54 та шоир фаолият кўрсатганини ёзди<sup>2</sup>. Феруз ўзидан сўнг «Девони Феруз», «Ғазалиёти Феруз» мажмуасини қолдирган. Шунингдек, шоирнинг шеърлари Аҳмаджон Табибий, Муҳаммад Юсуф Ҳарратов Чокар), Комилжон Исмоилов—Девоний, Бобожон Тарроҳ Азизов—(Ходим) ва бошқа ходимлар томонидан кўчирилган баёзларда ва тошбосма манбаларда учрайди. Шоир Феруз ўзининг ёзган ғазалларида Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий, Комил каби сўз санъатининг улуғ намояндалари анъаналарини давом эттириб, ишқ-муҳаббат мавзусини бош мезон сифатида қабул қилади. У ишқ-муҳаббатни мадҳ этиш орқали ижтимоий ҳаёт воқеаларига ўз муносабатини, дунё қарашларини билдиради, булар: севгидан завқланиш, олижаноб инсоний ғурур, жўшқинлик, руҳий ғалаён,

<sup>1</sup> Раҳим, Давлатёр, Матрасул, Шихназар. Феруз—шоҳ ва шоир қисмати.- Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 6-бет.

<sup>2</sup> «Ёш ленинчи», 1991 йил 23 август.

этиқод, имон, камтарлик, илм, камолотга интилиш, одамларга яхшилик қилишдир.

Шоир лирик ғазалларининг бош қаҳрамони Ферузнинг ўзидир. Бу қаҳрамон ўзида олижаноб фазилатларни мужассамлаштирган, жамият ва халқни ўйловчи шахсдир. Бош қаҳрамоннинг фожеаси шундаки, олижаноб шоир билан қўпол ва ноинсоний одатлар, тунунчалар, ақидалар ўзаро конфликтга киради:

Эй фалак, нетдим сени, душманлиғ изҳор айладинг,  
Нотавон кўнглим туганмас ғамга дучор айладинг,

деб хониш қилади шоир.

Хуллас, Феруз ўзининг ҳаётбахш шеърларида олижаноб инсоний ҳис-туйғуларни, кечинмаларни маҳорат билан қаламга олган. Ўз уйида оддий кийимда ўтирадиган Феруз ҳаётдаги улуг ва мўътабар инсонлардан бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, унинг оиласидан чиққан йигирмадан ортиқ киши турли мансаб ва вазифаларни эгаллагандан ташқари бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. Бу ижодкорлар сўз санъатининг ранго-ранг турларида қалам тебратиб, қатор тарихий асарлар яратдилар, ҳаттотлик ва таржимонлик билан шуғулландилар, бадиий наср ва назм мулкани бойитдилар. Комёб, Оқил, Содик, Муродий каби етук қалам соҳиблари ана шулар жумласидандир. Хивалик адабиёт билимдони Муҳаммадали Лаффасий қизиқ бир далил тўғрисида фикр юритади: «Ферузнинг набира, авлодлари шеърга ҳаваскор бўлиб, алар ҳам Ферузга қўшимча ҳар хил ғазал, мухаммасларни ёзиб турадилар». Ходим, Чокар, Нодимлар билан биргаликда Феруз саройи девонида ишлаган Комил Девоний Ферузнинг устодлари Мунис, Киромий, Ҳофиз, Низомий, Жомий, Равнақ, Фузулий, Бедил, Фазлий, Лутфий, Огаҳийлар ижодидан баҳраманд бўлганлиги, ўзига ҳамнафас замондош шоирлар ижодининг муҳим қирраларидан баҳраманд бўлганлигини бир шеърда тасвирлайди.

Ферузнинг авлодларидан йигирмадан зиёди ижодкорлар бўлганлигини юқорида таъкидладик. Шу муносабат билан қизиқ бир тарихий воқеани қайд этмоқчимиз. Шоҳ Ферузнинг иниси Муродий (асли исми Тўрамурод тўра, 1854 йилда туғилган) руслар Хивани қамал қилганда Отажон тўра ва Амир тўраларга қўшилиб мамлакатга ўзлари хон бўлиб, давлатни идора этиш нияти

билан Кауфман хузурига борган ва рус генерали бу таклифни қабул қилмаган. Қилган ишидан тазарру еб пушаймон бўлган Муродий акаси Феруздан кечирим сўраб «Девони Муродий»да қуйидаги сатрларни битади:

Қуллиқингни қилмадим нодонлик айлаб ошкор,  
Кибра тарғиб айлаган шайтон экандур, билмадим.  
Васли Жомийдин Муродийдек бўлиб сархуш мудом,  
Меҳнату ҳижрон билан бежон экандур, билмадим.  
Вуслати васлинг била жандону шод эрдим, вале  
Фурқат ичра тушкан эл нолон экандур, билмадим.

Феруз Хива хонлигида фан ва маданиятни ривожландиришга катта эътибор берган бўлса-да, бу яқин-яқинга қадар эътироф этилмас эди. Жумладан, В.Мирзаевнинг «Аваз Ўтар» китобида «XIX аср ўрталарига келиб, Хоразм маданий ҳаётида алоҳида тараққиёт юз берди. Илгари вайрон бўлиб кетган бинолар қайтадан тикланади. Янгидан суғориш иншоатлари, карвонсаройлар ва 60 га яқин масжид, мадрасалар барпо этилади. Хива хонлиги ҳудудида 1847 йили Хива шаҳрида биринчи марта литография ташкил этилди. Унда 1880 йилда босилган биринчи китоб Алишер Навоийнинг «Хамса»си эди»<sup>1</sup>, — дейилади.

«Хоразмда баёзчиликнинг кенг тараққий этиши натижасида «Баёзи мусаддасот», «Баёзи мажмуаи ашъор», «Баёзи мухаммасот» ва «Баёзи ашъор» каби баёзнинг янги турлари вужудга келади. Улар ичида хоразмлик шоирлар томонидан тузилган қўлёзма баёзлар ўзининг композицияси, шеърларининг гоёвий мазмуни, китобат услуби ҳамда саводли ёзилган гўзал хати билан алоҳида ажралиб туради. Бу ишларга бевосита Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлик қилади. Баёзчилик мактаби устида тадқиқот ишлари олиб борган М.Ҳамидова Феруз фаолиятининг бир қатор қирраларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Феруз раҳбарлиги остида Табибийнинг «Мажмуатут шуаро», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» тазкиралари яратилдики, натижада биз жуда қўплаб ижодкорлар номлари билан танишиш имконига эга бўлдик.

Муҳаммад Раҳимхон саховатли, фуқаропарвар инсон эди. Бу фикримизни қуйидаги далиллар билан ис-

<sup>1</sup> В. Мирзаев. Аваз Ўтар. Т., «Фан», 1961 йил.

ботлашимиз мумкин. Сарой шоирлари орасида Доий ўзининг довюраклиги, бетгачопарлиги билан ажралиб турган. У ҳеч тап тортмасдан кишининг айбини шартта бетига айтар экан. Юқори лавозимли аъёнлардан ҳам ҳайиқмасдан, уларни бемалол кинояли сўзлар билан масхара қилар экан. Бу ҳақда Лаффасий шундай маълумот келтиради: «Доий Юсуф Ҳожи номи билан машҳур бўлиб, ҳамавақтлар Хива уламо ва сипоҳиларини мазаммат этиб ҳақоратлар қилиб юрур эрди. Феруз Доийни яхши ҳурматлар билан инъомлар бериб турар эрди. Муҳаммад Раҳимхон Доийни шу тариқа сипоҳи уламоларни ҳақоратлар қилиб маҳаммат қилғонини билиб они Хивадаги Масжиди Калонга воизлик мансабиға таъинлайдур».

Феруз мусиқа соҳасида ҳам баракали ижод қилди. Феруз «...мусиқа ишларига ҳам ҳаваскор бўлиб доим хизматида атоқли гўяндлар танбур, фижжак, бўломонлар чертиб ўлтирур эрдилар». Ферузнинг ўзи Шошмақомга ўн учта куй басталаган ва шунга кўра у ўзи яшаган даврнинг бастакори ҳам эди.

Хулоса шуки, Феруз ватанимиз тарихида фақат инсонпарвар, адолатпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдоргина эмас, айна замонда катта ижодкор, ғазалнавис шоир ва мусиқа ижодкори сифатида ҳам муносиб ўринга эгадир.

**Аҳмад Табибий (1869—1911).** Хоразм маърифатпарвар ижодкорларидан, Хивада таваллуд топган. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Учта ўзбекча ва иккита тожикча девон тузган. Фузулийнинг «Ҳафт жом» асарини ўзбек тилига таржима этган. Аҳмад Табибий «Вомиқ ва Узро» достонининг муаллифидир. Хива хони Муҳаммад Раҳим Ферузнинг топшириғига мувофиқ ўттиз нафар хивалик йирик шоирлар ҳақида маълумотлар берадиган ва уларнинг асарларидан намуналарни ўз ичига олган «Мажмуат уш-шуарои Феруз» деган номда тазкира тузади.

Аҳмад Табибий асарларида ҳақ, адолатни, олижаноб инсоний фазилатларни улуғлаш билан бирга, ўз даврининг иллатларини ҳам аёвсиз фош қилади.

**Бердақ (1827—1900)** (тахаллуси; асл исми **Бердимурод Қарғабой ўғли**). У Мўйноқ туманида туғилган, шоир, қорақалпоқ адабиёти асосчиси<sup>1</sup>. Бердақ ижоди-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси... 1-жилд, 710-бет.

нинг аҳамияти қорақалпоқ халқи тарихида беқиёсдир. У XX аср бўсағаларидаги қорақалпоқ халқи миллий онги камолотининг энг ёрқин ифодачисидир. Қорақалпоқ халқи бу улкан шоир асарлари мисолида ўзлигини янада чуқурроқ таниди ва идрок этди, халқ сифатида ўзининг буюк ва қудратли кучга эга эканлиги ҳақидаги ишончини мустаҳкамлай борди.

«Излар эдим» шеърида у Навоидан савод оширганини, Фузулидан дурлар терганини, илм қонини яратган Афлотун ва Арастулар асарларини мутоала қилганини баён этади. Бедил, Агтор асарларидан ҳидоятни, ҳаққа элтувчи тўғри йўлни излаганини таъкидлайди. Шоир ижодига қорақалпоқ классик шоири Қулхўжа, туркман шоири Маҳтумқули шеърлари сезиларли таъсир этади.

Халқ оғзаки ижодини яхши билган Бердақ тенглик, инсонпарварлик, адолат, ватанпарварликни тарғиб қилади. Халқнинг аянчли аҳволидан куюниб шеърлар битади.

Бўлмади қилган ниятим  
Хор бўлди халқим, ҳимматим,  
Йиғлай-йиғлай, ўтдик етим,  
Йиғламас вақт бўлган эмас,

деб ёзган эди халқни адолатли замонда бахтиёр кўришни истаган шоир надомат билан «Бўлган эмас» шеърида. Ана шу оҳанг унинг «Солиқ», «Бу йил», «Умрим» шеърларида ҳам яққол намоён бўлади.

Бердақ тенглик ва адолатни излар экан, «Дунё яралгандан бери подшоҳ одил бўлган эмас»лигини англаб этади. «Яхшироқ», «Шекиллик», «Аҳмоқ подшо» сингари дostonларида ҳам шоир жамиятдаги муаммоларга ўз муносабатини баён қилади.

XIX асрнинг 50-йиллари Бердақ ижодининг гуллаган даври ҳисобланади. Бу йилларда шоир ўзининг «Омонгелди», «Эрназарбой» дostonларини яратади. Бу дostonларда шоир халқ эрки учун курашган қаҳрамонларни улуғлайди. «Авлодлар», «Айдасбий» дostonлари ҳам тарихий мавзуга багишланган бўлиб, уларда қорақалпоқ халқи ҳаётидаги тарихий воқеалар қаламга олинади. Шоир бу асарларида қабила ва элатларнинг келиб чиқиши ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган.

Хусусан, шоирнинг «Шажара» номли дostonи қорақалпоқ халқи тарихини, унинг шажаралари босиб ўтган



йўлни, бу йўлдаги кескин курашларни, зиддиятларни, мураккабликларни, ноҳақлик жамиятида эл бошига тушган азоб-уқубатларни эпик кўламликда ёритиб берган мумтоз асарлардан. Шуниси эътиборлики, Бердақ бу асарида қорақалпоқ халқи билан ёнма-ён яшаган, бир дарёдан сув ичиб, бир тупроқда дон етказган ўзбек халқи тарихининг ҳам қатор ўзига хосликларини ёритишга аҳамият беради. Унинг кўпгина асарлари ўзбек ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинган. 1998 йили республикамызда Бердақ таваллудининг 170 йиллиги кенг нишонланди<sup>1</sup>.

Хуллас, қардош ва қондош қорақалпоқ халқининг ўғли Бердақнинг сермахсул ижоди умумхалқ бойлиги сифатида авлодларга хизмат қилаверади.

**Анбар отин Фармонқул қизи (1870—Қўқон—1906)**—ўзбек демократ шоираси. У камбағал косиб оиласида туғилган. Отаси Фармонқул асли марғилонлик бўлиб, шоира Увайсийнинг жиянидир. Онаси Ашурбиби қўқонлик бир косибнинг қизи бўлган. Анбар отин етти ёшидан ўз маҳалласидаги Дилшод отиннинг мактабида таълим олади. Дилшод отин ўз даврининг билимдон, шoirтабиат, доно аёлларидан бўлиб, «Барно» тахалуси билан шеърлар ҳам ёзган. У Анбарнинг шеърийатга қизиқшини кўриб, уни мумтоз адабиёт намуналари билан таништирган. Дастлаб кичик шеърлар ёза бошлаган Анбар ижодда кўпроқ Увайсийга эргашади, унинг ғазалларини диққат билан ўрганади, мухаммаслар боғлайди. Айниқса Навоийни биринчи устоз ҳисоблайди.

Анбар отиннинг турмуш ўртоғи Зоҳидхўжа ҳам адабиётга ихлосманд киши бўлиб, Муқимий, Фурқат, Завқийлар анжуманида қатнашган. Анбар отин ҳам бу суҳбат ва мушоираларда иштирок этган. Унинг «Мушоира» номли рисола ёзганлиги ҳақида оғзаки маълумотлар учрайди. Анбар отин ҳақгўй ва оқиллиги билан маҳалла аёллари ўртасида обрў қозониб, отин, отинча номини олган. У бойваччаларга қарши ҳажвий шеърлар ёзган. Бундан ғазабланган бойваччалар шоирани бир йиғинда раҳмсизларча калтаклаб, кейин баланд зинадан итариб юборадилар. Натижада шоиранинг икки оёғи синади. Шундан сўнг унинг соғлиғи ёмонлашиб, ўпка касалига дучор бўлади. Бироқ у умидсизликка тушмайди. Шеър шоиранинг бутун умри давомида ажралмас

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси..., 1-жилд, 710—711-бетлар.

дўсти, ҳамдарди бўлади. 1905 йилда Анбар отин девон тузиб, унга 41 газал, 4 мухаммас, бир қитъа, бир мустаҳзод ва шеърий таржимаи ҳолини киритган. Анбар отин ҳақиқатни айтишдан чўчимайди. У халқни жаҳолатда тутувчи реакцияон дин аҳлини, риёкор шайхларни қаттиқ танқид қилади:

Тариқча илми йўқ «қози калонман-муфтиман» дейдур,  
Абу Сино, Улуғбекдин кўз юмғонларға ўт тушсун.

Анбар отиннинг бошқа газалларида ҳам халқпарварлик, маърифатпарварлик, юксак инсонийлик ғоялари тарғиб этилган. У замонасидаги турмуш лавҳаларини тасвирлабгина қолмай, улар ижтимоий аҳволини кўрсатиб беради, машъум замонани ўзгартириш халқнинг ҳаракатига боғлиқ деган хулосага келади. Анбар отиннинг дунёқарашини, фалсафий тафаккурини ўзида мужассамлаштирган асари «Қоралар фалсафаси»дир. Асар кириш ва тўрт фасл (қисм)дан иборат. Ҳар бир қисмда шоира ижтимоий ҳаётдаги бирор муҳим масалага ўз қарашларини ва мушоҳадаларини билдиради. У камбағал халқ ҳаётига ачинади, замонасидаги ирқий камситишларга ўз норозилигини ифода этади. Шунингдек, аёллар тақдири ҳақида гапириб, уларнинг жамиятдаги қонуний ўрни ва ҳуқуқларини талаб қилиб чиқади. Ҳар бир мушоҳаданинг охирида бир шеър келтирилиб, қиссадан ҳисса чиқарилади. Асарда инсоний фазилатлар улуғланади: «Ансар Жануб ва Шарқ халқлари монанди Араб, Афғон, Селон, Ҳинд ва Кашмир халқлари қораюз, оқкўнги халойиқ эрурлар. У халойиқ ҳам аслзода, оқ танлар каби одам, аъзойи бадан, қўл-оёқ, тил, кўз ва ақл-хуш, гайрат, қувват ва тафаккурга моликдурлар».

Анбар Отин онанинг инсоният олдидаги хизматларини санар экан, ҳар қандай инсоннинг онаси ҳар қандай донишманднинг энагасидир дейди: «Она шундай моҳир донодурки, Афлотун ва Арастуни, Абу Сино ва Улуғбекни, Жомийни, Саъдийни, Фирдавсийни ва Ҳайёмни, Нодира ва Увайсийни...оламни кўришга ..даврү моҳир қилибдур». Анбар отин озод ва бахтли ҳаёт келишига умид билдиради, бунга қаттиқ ишонади ҳам. У келажакка умидвор боқади, аёлларни ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашишга чақиради.

**Дилшод Отин** (Барно, Дилшоди Барно тахаллуслари; асл исм-шарифи—Дилшод Раҳимқул сўфи қизи),

(1800—1905/06). У 17 ёшида асирга тушиб Ўратепадан Қўқонга олиб келинади. Бу ерда ўзбек йигитига турмушга чиқиб, умрининг охиригача шу ерда тожик ва ўзбек тилларида кўплаб ғазаллар ёзади.

Дилшод ўз ижодида жамоатчилик фикрини баён этади, ҳаётнинг турли томонини очиб беради. Унинг тожик ва ўзбек тилларида ёзилган асарлари бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Уларни бир-биридан устун қўйиш қийин, чунки шоира бу тилларни мукамал билганлиги туфайли иккала тилда ҳам чуқур, мазмунли асар ёзади ва юракдаги, қалбдаги сўзларини моҳирона баён этади.

Дилшод ўзининг шеър ва ғазалларида ҳукмрон синфнинг юқори табақаларини, ҳукмдор ва эксплуататорларнинг кирдикорларини танқид қилади, маънавий тушкунликни, текинхўр ва безориларни қоралайди.

Дилшод Умархон билан учрашганини қуйидагича баён этади: «Мени ясантиргандай яланғочлигимча қандайдир хонага олиб киришди. У ерда амир чопон ва саллалик ўтирар эди. Олдида қора стол, унинг устида сув, пичоқ ва бир дона анор бор эди.

Хон баланд бўйлик, қора кўзлик, қора соқолли ва очик юзли бўлиб салобатли кўринарди. Менинг саломимдан кейин мен билан хушмуомалалик билан суҳбатлашди. Унинг хушмуомалалигига қарамай, менга у жоҳил ва қонхўр подшоҳ бўлиб туюлди. У менга: «Қани, ғазал тузадиган тожик қизи, ёнимга кел...», — деди.

Мен билан савол-жавоб қилиб, исмимни, келиб чиқишимни сўраб бўлиб, анор ҳақида ғазал тўқишимни талаб қилди:

Бу дунёда осмон гумбазини кўрдим мен,

Ичи тўла ғамларни кўрдим мен.

Юпқа парда билан қопланган юзларни кўрдим мен,

Бағрилари қонга, кўзлари ёшга тўлганларни кўрдим мен

Умархон фармони ила шафқатсиз қилич билан,

Ҳар бир гўзал юраклари кесилганини кўрдим мен.

Мен бу шеърни ўқиб бўлишим билан амир икки марта қарсак чалди. Маҳрам кирди. Амир: «Бу сочи кесилганни зиндонга олиб боринглар» деди ва кўзи билан қандайдир ишора қилди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Мухторов А. Дилшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX — начале XX вв., 302—305-бетлар.

Дилшоднинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар унинг ўз асарларида ва кўқонлик шоир Сулаймон Рожийнинг «Мухтасар ул-ашъори Дилшод» китобида сақланган. Унинг отаси ҳам шоир бўлиб, у қатл этилган. Дилшод унда жуда ёш эди, онасидан ҳам эрта жудо бўлиб (1814), бувиси қўлида тарбияланган. Уни 17 ёшида (1818) Умархон сарбозлари Кўқонга асир қилиб олиб кетган. Бироқ Дилшод тиксўзлиги туфайли Умархон саройидан ҳайдалади (тўғрироғи қочишга муваффақ бўлади — *муалл.*), кейин Тошмаҳдум деган имомга турмушга чиқади. Шоиранинг қайнонаси маърифатли, билимдон аёл бўлиб, муаллималик қилади. «Мен, — деб ёзади Дилшод, — 88 ёшимгача ойнасиз хат кўриб, мактабдорлик қилдим. 51 йил мактаб тутиб, аъло авсат ҳисобида 23 талаба тутиб, 891 қизни басавод қилдим. Алардин қарийб тўртдан бири таъби назмлари бор эрди ... боз аввал охир икки юздан ортиқ назмхон шоиралар таълим олиб чиққан эрди. Камина ўрда шоираларига кўшилмоқ орзусидан маҳрум эрди. Аммо улуг отинлар: Жаҳонбиби ва Нодирахоним назмлари салиҳимга қувват бахш этадилар. Назмларимни девон қилмоқ борасида орзу бор эди».

Дилшод талабалари орасида Анбар отинга алоҳида эътибор берган. Дилшод адабиётга эрта кириб келган. Барно ва Дилшод таҳаллуслари билан ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Шоира ғазал, мухаммас, мусаддас, бадий хотираномалар, бир неча дoston яратган («Тарихи мухосара», «Хатми мунтаҳам ул-ашъор», «Замонадин шикоят», «Ҳаёт мадҳи» ва бошқалар). Унинг асарларида реал тарихий ҳодисалар, халқ ҳаёти ва турмуши ҳақида фикр юритилган. Шоира ҳақгўйлик, тўғрилик, билим кишини иллатлардан ҳоли тутади, юксакликка кўтаради, ноҳақлик, эгрилик эса ҳалокатга дучор этади, деган фикрни илгари суради.

Дилшод ғазалларида бош мавзу севги, муҳаббатдир. Шоира соф муҳаббатни зўр эҳтирос билан куйлайди. Вафосиз, худбин маъшуқаларни маккор ва хийлагар, деб атайди. Шоира асарларида замон билан ҳамнафаслик сезилиб туради. Шоиранинг «Сабот ул-башар маа тарихи муҳожиран» («Инсон матонати ва муҳожирлар тарихи»)да ўзининг таваллуди, оиласи ва аянчли тақдири баён қилинган. Зотан, унинг тақдири ҳам муҳожирлар тақдиридан фарқ қилмаган. Бу асарга шоира-

нинг ўзбек тилидаги 37 та ва тожик тилидаги 5 та ғазали ҳам киритилган.

Дилшоднинг ижоди тарихий материалга бойлиги, ижтимоий мазмундорлиги, ҳаққонийлиги, халқпарварлик ғоялари билан суғорилганлиги учун ҳам ўзбек ва тожик мумтоз адабиётининг қимматли намуналаридан ҳисобланади.

Дилшод Отиннинг «Тарихи муҳожирон» асарида XIX асрда Қўқон хонлигидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеалар акс этган. Аёлларни маърифатли, эркин, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлишга чорлаган<sup>1</sup>.

Қўқонлик шоир ва шоиралар ҳақида Дилшод бундай дейди: «Мен анчадан бери яшаб келаётган Қўқон шоирлар шаҳридир. Ун икки дарвозалик бу катта шаҳарда тўрт юз қирқ маҳалла бор дейдилар ва ҳар бирида шоирлар бор...

Қўқон майдонининг Саримозор даҳасида бирорта маҳалла йўқки, у ерда бирор-бир шоир ва донишманд бўлмаса. Хўжа Калон тўра маҳалласида мендан ташқари яна Маҳзани, Туроби ва Баҳори тахаллусли шоирлар ва Фидоий исмли шоира яшардилар.

Бизнинг қўшни Бузрукхўжа маҳалласида қачонлардир жуда истеъдодли, ширинсўз шоир жаноб Боғдор Эшон Низоми яшар эди. Ҳозир бу маҳаллада шоира Моҳинабону ва Ҳафиза отин ва шоир Сабухи яшайдилар. Яна булардан ташқари, менинг истеъдодли ўқувчиларимдан Баҳри отинча ва Анбар отинчалар ижодиётининг чўққисидадилар. Яна қўшни Қўрхона маҳаллада ёш шоир ва моҳир санъаткор ҳаттотлар яшайди...

Агарда қибла томонга қарасак панжарасоз маҳалласини кўрамиз. У ерда ўзларининг шеърлар девонига эга бўлган Садон ва Қори Девона шоирлар бор. Қисқа қилиб айтганда, Мовароуннаҳрнинг пойтахти бўлмиш бу шаҳарда ҳар бир авлодда минглаб шоир ва ўқимишли кишилар, уламои фозиллар яшаб, ўзларининг минглаб режалари билан ўз асарларини яратдилар ва ўзларининг шеърларида фалакнинг тақдиридан арз қилиб ва додлаб кетар эдилар.

Сўз ва ғазал усталаридан бири Анбар отин—Жаҳон отун Увайс исмли ҳам шу шаҳарда яшаб вафот этган. Жуда кўп шоир ва донишмандлар ўз гўзал ва жозибакор асарларини яратиб кетдилар...»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 3-жилд, 299-бет.

<sup>2</sup> Мухторов А. Ўша асар, 305-бет.

Дилшоднинг сўзига қараганда, «айниқса шоир Маҳжуб хурфикрли шоирларнинг юқори поғонасида экан ва уларнинг жойлари гулоҳ ёнида экан. Лекин улар ҳаммом гулоҳида яшашига қарамай, уларнинг ҳурматлари баланд экан. Булардан ташқари яна Мунтазир, Маҳмуд ва Гулханий исмли шоирлар бўлган. Ҳозир Маҳмуд ва Мунтазирлар ҳаётлар, лекин на иложим борки, уларни кўрсак, улар гулоҳ ёнида, мен эса бир уйнинг бурчагида катакка солинган қафасладирман. Бундан халос бўлиш фақат халқ иродаси билан амалга ошиши мумкин»<sup>1</sup>.

Хуллас, юқоридаги фикр-мулоҳазалар шундан далолат берадики, чор Россиясининг офир мустамлакачилик зулми сиёсати даврида ҳам Туркистонда сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаёт тўхтаб қолмади, халқимиз ўзининг анъанавий тарихий тараққиётига содиқ қолди, жаҳон фани ва маданияти хазинаси ривожига муносиб ҳисса қўшди.

---

<sup>1</sup> Мухторов А. Ўша асар, 302-бет.

## **ТУРКИСТОН XX АСР БОШЛАРИДАГИ СИЁСИЙ ЛАРЗАЛАР ВА БЎХРОНЛАР ДАВРИДА**

XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари жаҳон халқлари учун ниҳоятда оғир, ташвишли, инқироз ва бўҳронларга бой йиллар бўлди. Жаҳон иқтисодий ва сиёсий бўҳронлари биринчи навбатда Европа ва Шарқнинг ривожланган мамлакатларини ўз гирдобига тортади. Улар бу оғир иқтисодий ва сиёсий бўҳронлардан чиқиб кетиш мақсадида тажовузкор ташқи сиёсат олиб бордилар. Оқибатда фожеали ва қирғинбарот урушлар келиб чиқади. 1904 йилда бошланган рус-япон уруши ва 1914—1918 йиллардаги дунёнинг 28 мамлакатини ўз домига тортган Биринчи жаҳон уруши бу фикримизнинг яққол далилидир. Урушлар тарихда ҳеч қачон яхшилик ва хайрли ишларга олиб келмаган. У доимо харобалик ва вайроналикни, очлик ва қашшоқликни, яъни, қисқа қилиб айтганда, сиёсий бўҳрон ва ларзаларни олиб келган. Буни биз чор Россиясининг мустамлака ўлкаси бўлган Туркистон мисолида айнан кўрамиз.

### **1. Туркистонда чор Россияси мустамлакачилик зулмининг янада кучайиши**

Чор Россияси 1864—1895 йиллар мобайнида Туркистонни босиб олгач, ўлкада қаттиққўллик билан мустамлакачилик сиёсатини олиб боради. Чор Россияси, айниқса, рус-япон ва Биринчи жаҳон урушлари муносабати билан ўлкада мустамлакачилик, миллий зулм ва зўрлик сиёсатини янада кучайтирди. У ўз олдида бош мақсад қилиб Туркистон ўлкаси бойликларини талаш ва ерли халқларни қаттиққўллик билан эксплуатация қилишни қўяди. Чор Россияси ўлкада улуг давлатчилик сиёсатини олиб боради. Чор маъмурлари бу борадаги ўз жирканч ниятларини ҳеч кимдан яширган ҳам эмаслар ва фақат ўлкадан кўплаб бойлик ва фойда олиб кетиш нияти билан нафас олганлар. Буни биз 1906 йилда молия ишлари вазири Сергей Витте номи-

га ёзилган «Записки о государственных и общественно-экономических нуждах Туркестанского края» деб номланган хатнинг мазмунидан билсак ҳам бўлади. Бу хатнинг 26—27-бетларида Туркистон ўлкаси Россияга фойда келтириш мумкингина бўлиб қолмай, балки мажбур ҳамдир, дейилади. Бунинг учун вақтни қўлдан бой бермасдан қатъийлик билан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади:

1. Олинадиган бойлигига қарамасдан, фойдаланишдан четда қолган ерларни давлат ҳисобига ўзлаштиришни тезлаштириш.

2. Энг унумдор ерлар ҳисобига қишлоқ хўжалиги саноатини ривожлантириш.

3. Ўлканинг тоғ бойликларидан фойдаланиш.

4. Ўлкани руслар томонидан эксплуатация қилишни кучайтиришга кенг имконият яратиб бериш.

5. Халқ маорифини рус услуби буйича ривожлантириш.

6. Ўлкани дастлаб биз босиб олган даврдаги ўрнатилган ташкилий бошқарув йўналишларини қўллаб-қувватлаш.

Ана шу белгиланган тадбирларнинг барчаси Россия ҳукумати ва чор маъмурларига Туркистон ўлкаси бойликларининг доимий суратда кўпроқ оқиб келишини таъминлаши лозим эди. Агар 1888—1893 йиллар мобайнида Туркистондан Россияга 14 257 515 пуд қимматбаҳо пахта хом ашёси ташиб олиб кетилган бўлса, 1914—1916 йилларда жаҳон уруши баҳонасида 41 миллион пуд пахта толаси олиб кетилган. Умуман олганда, 1880—1917 йилларда Туркистон ўлкасидан Россияга жами бўлиб 225,8 миллион пуд пахта толаси олиб кетилган. Бундай сурбетларча талончилик тарихда камдан кам бўлган. Оғир иқтисодий вазиятга қарамай, чор Россияси Бухоро (Когон-Қарши-Термиз), Фарғона (Қўқон-Наманган-Андижон), Еттисув (Арис-Бурнас) темир йўлларини қуради. Бу йўллар орқали ўлкада етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари ва табиий бойликлар имконияти борича кўпроқ Россияга олиб кетилади. 1914—1916 йилларда Россияга пахтадан ташқари 3 миллион пуддан ортиқ пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гўшт, 474 минг пуд балиқ, 70 минг от, 12.797 туя, 270 арава, 1344 ўтов, кўп миқдорда қуруқ мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ўлкадан олиб кетилган. Шунинг сингарини 1914 йилда Етти-



сув вилоятидан 34 миллион сўмлик шоҳли қорамол, 1915 йилда Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан 1 миллион бош кўй олиб кетилган.

Чор Россияси Туркистон ўлкасига хом ашё базаси сифатида қарайди ва шу боисдан оғир саноат корхоналарини қуриш масаласига мутлақо эътибор бермайди. У фақат тез фойда берадиган, кичик-кичик, енгил ҳунармандчиликка оид корхоналар қуришга ҳаракат қилади. Туркистон ўлкасидаги саноат корхоналарининг асосий тармоғи пахта тозалаш заводларидан иборат бўлиб, 1914 йилда уларнинг сони 254 та эди. Бу корхоналар Туркистондаги барча саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг тўртдан уч қисм маҳсулотини берарди. Умуман олганда, Туркистон ўлкасидаги саноат ишлаб чиқариши соф мустамлакачилик характериға эға бўлиб, у асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирламчи ишлаб бериш ва ер ости қазилма бойликларини қазиб олишға мослаштирилган. Ўлка саноат маҳсулотининг деярли ҳаммаси (пахта толаси, нефть, кўмир, пахта ёғи, совун ва ҳоказо) Россияға олиб кетилар эди.

1891 йилда Россияда содир бўлган очликдан сўнг Туркистонға бамисоли вабодек ёпирилиб кўчиб келадиган оилалар оқими кўпаяди. 1906 йилдаёқ ўлканинг беш вилоятида 451 минг таноб ерга эға бўлган 136 та рус посёлкалари пайдо бўлади. Ҳар бир хўжаликнинг томорқаси 34,5 танобдан иборат эди<sup>1</sup>. Чор ҳукуматининг бундай аграр сиёсати натижаси ўлароқ қишлоқ аҳолиси ўртасида ерсизлар сони кўпайиб кетади. Ерсиз хўжаликлар ўлканинг айрим туманларида 40 фоизға қадар етади. 1910 йилда бутун Туркистон ўлкасида ерсиз деҳқон хўжаликлари сони 30 фоизни ташкил этган.

Чор маъмурлари маҳаллий халқни қоронғулик ва забунликда сақлаш йўлини тутадилар. Халқ маорифи тизими қаттиқ назорат остиға олинади, русча тартибқоидалар жорий қилинади, рус тили расмий тилға айлантирилади, русчани билган фуқаролар ҳар томонлама рағбатлантирилади. Чор маъмурияти Туркистон мусулмон аҳолисининг диний эътиқоди, ҳис-туйғуси, диёнатига, миллий қадриятларига қарши ҳужум эълон қилади. Мусулмончиликнинг бешинчи фарзи ҳисобланган Ҳаж ибодати, муборак Каъба сафари Россия им-

<sup>1</sup> Дело канцелярии Туркестанского генерала-губернатора. 1907, №2.

ператори фармони билан 1903 йилдан бошлаб тақиқлаб қўйилади. Бундан кутилган мақсадни Мусо Туркистоний ўзининг «Улуғ Туркистон фожеаси» асарида шундай таърифлаган: «...Ҳажга борган бир туркистонлик у сафар муносабати ила чет давлатларни ҳам кўрадур, саёҳатдан фойдаланур, кўзи очиладур, мусулмон давлатларини, хусусан, Туркия салтанатини, Ислом шавкатини, Исломни қувватини кўрадур. Кўзи очиқ зиёдилар бўлса истибдодга қарши чиқишни ўрганадур, маълумотлари зиёдаланиб, зеҳнлари очиладур. Ўрик ўрикни кўриб олаядур деганидек, Ҳажга борган туркистонликлар мустақил хур давлатни кўриб ҳавасланади. Хулоса—муборак сафар, Ҳаж сафарини натижаси ўлароқ туркистонликлар ўз ҳуқуқларини, истиқлолларини талаб қиладурлар, исён чиқарадурлар деб ман қилди. Андижондаги Дукчи Эшон воқеаси русларнинг шундоқ андишага тушадурғон бир намунадир».

Тоҳир Шокир Лабик ўзининг 1934 йилда Берлинда чоп эттирилган «Туркистон пахта хўжалиги» китобида «1. Ибтидоий мактаб русчадур. Ўқувчилар русча ўқийдур. 2. Ўрта мактаб русчадур. Бу мактабнинг талабалари 400 бўлиб, шундан икки киши мусулмон эди. Бири Андижондан, яна бири Ўшдан. ...Ўқувчи маълумотини орттириш учун гимназияга ёхуд Тошкентдаги семинарияга, Петербургдаги академияга жойланиши миссионерларнинг қўлидадур. Илм таҳсили учун хорижга чиқишга изн йўқ. Диний бўлсин, фаний бўлсин, ҳар қандай илм ўқувчилар Русиянинг ичида илм ўқийдур. Буни Москов ва Петербург таъмин этадур. Аммо нўғойлардан Мисрда, Ҳижозда таҳсил кўрган олимлар чиқса эсада, жуда оз, бармоқ билан санарли даражададур. Бизнинг Туркистондан хорижий таҳсил кўрган фалоний деб зикр қилишга ҳеч рақам йўқдур. Андижондаги айни мактабда норасмий суръатда вақтинча ҳафтада ибтидоий икки дарс мусулмонча ўқитулур эди», — дейди.

Тоҳир Шокир Лабик ерли туб халқ тили ва ислом динига қарши уюштирилган улуғ давлат шовинистик сиёсатини фош этиб қуйидагиларни ёзади:

1. Мусулмонлар ўлтурғон шаҳарларда қанча даҳа бўлса, ҳар даҳада бир рус мактаби бўладур. Нафақаси давлатга ойиддур.

2. Русча мактаб очилмоғон жойларда мусулмонларнинг масжид солиши, мадраса қилиши мумкин эмас.

3. Мусулмон мударрисларининг, муаллимлар ва имомларнинг ва бошқа диний хизматчиларнинг русчани яхши билишлари шартдир.

4. Аҳоли тарафидан очилган диний мактабларнинг нафақаси халққа ойиддур. Русча таълим кўрмаган болалар бундоқ исломий мактабларда ўқиш ҳуқуқидан маҳрумдурлар.

5. Ерликлар тарафидан русча мактаб очилган тақдирда, муаллимнинг маоши давлатга ойид бўлиб, бошқа нафақалари, мусаррафлари бошқаларнинг гарданигадур.

Юқоридаги шартларнинг таҳқиқ этиб-этмаслиги миссионерлар фаолиятига боғлиқ эди. Миссионерлар маориф назорати, бўлис идораси ҳаммалари бир кишидур. Гарчи идорлари бошқа, исмлари бошқадур.

Зикр қилингон турлук шартлар ила очилгон мактабларнинг давомли суръатда контроль қилиш, суриштириш ўзи миссионер, вазифаси инспектор бўлгонларнинг ҳаққидур.

Тафтишнинг кайфияти; зикри кечган русча мактабларда фақат русча ўқилурмиш ёхуд бошқа илм ҳам ўқитилурму? Муаллимлар мусулмон руҳонийлариданму? Баъзи даҳадаму? Очилган мактабдаги болалар ўқишга мажбурмулар, ихтиёрликму? Талабаларнинг савияси русларнинг маориф низомига мувофиқму? Дарснинг ўқилиши маориф лойиҳасига мутобиқму ва шунга ўхшаш баҳслар, саволлар давомли суръатда бўлиб туродур».

Асосий мақсади таржимонлар тайёрлашдан иборат бўлган «рус-тузем» мактаблари ўқитувчилари ерлик миллатнинг тилини биладиган ўрислардан бўлган. Ерлик болалар русча ибтидоий мактабга қайдсиз, шартсиз олинаверганлар. Нафақаларини ҳам давлат тўлаган. Аммо ўрта мактаб, олий мактабларга қабул учун рус луғатини яхши билиши шарт қилиб қўйилган. «Буларнинг нафақалари, — дейди Шокир Лабик, ...мусулмонларнинг ҳисобидан тўланодур».

«...Ислом динига мансуб ерлик мактаб талабаларидан ҳеч кимса русча мактабга қабул қилинмайдур, қатъиян ман қилингандур.

...Русча мактаб очилмоғон бир маҳаллада мусулмонлар тарафидан исломий мадраса ёки мактаб солишга изн йўқдир...»

Агар бундай мадраса ва мактаблар русчани ўқитиш шарти билан рус маъмурлари рухсатига кўра очилган тақдирда ҳам уни тамомлаб шаҳодатномага эга бўлган «...мусулмонлар фақат диний вазифаларга тайинланадурлар, идора ишларидан маҳрумдурлар».

«Замон-замон ўрус замони келди. Русча ўқиш ва ўқитиш ривож бўлди. Ҳар йўл ила рус маданияти, рус тилини ўқишга, ўрганишга мусулмонлар қизиқтирилди.

Русча билгонларни имтиёзи бўлди. Расмий тил давлат тили русча бўлгани учун халқнинг идоравий муомилаларнинг русча бўлиши мажбурий эди...»

Россия ҳукумати Туркистон ўлкасида маориф эҳтиёжларига умуман паст назар билан қараган ва бу соҳага ҳарбий-миршаблик бошқарувни сақлашни таъминлашга кетадиган харажатларга нисбатан 35 баробар кам маблаг сарф қилган.

Туркистондаги саноат корхоналарида ишлаётган ишчиларнинг ўртача иш ҳақи Марказий Россиядаги ишчиларнинг иш ҳақларига нисбатан 1,5 баробар кам бўлган. Туркистоннинг ўзида ҳам бир корхонада ишлаб, бир хил вазифа ва юмушни бажарган рус миллатига мансуб ишчи ерли миллат вакилига қараганда кўп маош билан таъминланган. Шаҳарларда саноат корхоналари ва темир йўлларда ишлайдиган ишчилар ғоятда оғир шароитларда меҳнат қилганлар. Ишчиларнинг иш кунлари одатда 10—12 соатга, баъзи тармоқларда эса 17—18 соатгача чўзилган. Ишчиларнинг маиший аҳволи тўғрисида ҳеч ким ғамхўрлик қилмасди.

Туб ерли аҳоли деярли сайлов ҳуқуқларидан маҳрум бўлган. Буни Давлат Думасига ўтказилган сайловларда очиқ-ойдин кўриш мумкин эди. То 1906 йилга қадар ҳам чор маъмурлари Туркистонда Давлат Думаси сайловлари тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишга шўшилмаган эди.

1906 йил 27 апрелда Россия парламенти ўз ишини бошлайди. Ана шундай тарихий воқеадан беш кундан кейин Санкт-Петербург подшо фармонини Тошкентга юборади. Бу фармон «Еттисув, Каспийорти, Сирдарё, Самарқанд ва Фаргона вилоятларида Давлат Думасига сайловлар ҳақидаги ҳолатни ва унга қўшимча қонунқоидаларни қўллаш ҳақида қоидалар» деб аталади. Бу фармонга кўра туб ерли аҳоли бўлмаган рус тилида сўзловчи келгинди миллатлар вакиллари умумий сай-

ловчилар сонидан қатъи назар ҳар беш вилоятдан биттадан, Тошкентдан ва Еттисувдан казак қўшинидан биттадан, жами бўлиб 7 депутатни, маҳаллий туб ер аҳолиси эса умумий аҳоли сонидан қатъи назар вилоятлар ва Тошкентдан жами бўлиб 6 депутатни сайлаши керак эди. Ана шу тариқа рус депутат учун ўртача 46 минг, туб ерли ёки ўзбек депутати учун эса 896 минг сайловчи овоз бериши керак эди. Бу деган сўз маҳаллий халқнинг сайлов ва сайланиш ҳуқуқи келгинди рус миллати вакилларига қараганда 20 баробар камситилди ва бу Давлат Думасида маҳаллий миллатдан сайланган депутатларнинг келгинди рус миллати вакилларидан сайланган депутатларга нисбатан босими ошиб кетмаслиги учун махсус ўйлаб топилган йўл эди. Туркистон аҳолиси марказда I Давлат Думаси тарқатиб юборилгач, 1907 йил II Давлат Думаси сайловларида қатнашади. Бу сайлов натижаси рус мустамлака истибдоди томирларининг тобора чириб бораётганлигини кўрсатади, шовинист ва руспараст депутатлардан биронтаси ғалабага эришаолмайди. Русийзабон миллатлар вакилларидан сайланиши лозим бўлган ўринларни социал-демократлар (большевик ва меньшевиклар), социал-инқилобчилар (эсерлар) ва кадетлар уюшмаси бўлмиш «тараққийпарвар сайловчилар» гуруҳи эгаллайдилар. Маҳаллий туб ерли аҳоли вакиллари номидан Давлат Думасига Тошкентдан «Жаҳонгир домла» сифатида танилган таниқли олим В.П.Наливкин, уламо Абдурауф қори Абдувоҳид Қориев, Самарқанддан—савдогар Тошпўлат Абдухолиқов, Фарғонадан—савдогар Муҳаммаджонов, Сирдарёдан—чорвадор бой Т.Оллоберганов, Еттисувдан—муҳандис Муҳаммаджон Танишбоев, Каспийорти вилоятидан—подполковник Махтумқулихонлар сайланган эдилар<sup>1</sup>.

Асосан туб ерли миллат аҳолисидан иборат бўлган қишлоқ меҳнатқашларининг аҳволи шаҳар аҳолисига нисбатан ҳам ачинарли эди. Муҳаммад Мусо Туркистоний «Улуғ Туркистон фожеаси» китобида қайд қилишича, «Русларнинг Туркистонга биз маданият келтирдик, Туркистонни обод қилдик, деган ийдаолари бўш

---

<sup>1</sup> Бундан кейинги йилларда туркистонликларнинг Давлат Думасига сайланиш учун олиб борган кураш тарихи *Т.Катюкованинг «Ўзбекистон тарихи»* журналининг 2002 йил 3-сонида эълон қилинган «Из истории борьбы за представительство Туркестана в Государственной думе Российской Империи» номли мақоласида ёритилган.

сўздан иборат бўлиб қолди... Халқ фақирлашди, синди-синди кўпайди, ҳамма иш банк ва ширкатларнинг фойдасига ҳал бўлди. Масалан, бир кишининг банкдан минг (1000) сўм қарзи бор. Вақтида тўлай олмади. Ҳафталик ойлик ўсган фойдаси билан у қарзни уч минг (3000) сўм бўлғонлиги, у бечора қарздор вафот қилиб ворислари тўлаёлмай, ниҳоят ҳовли-жойлари, боғлари, бўстонлари сотиладур. Пули банкка тўланадур. Бу ишлар айб бўлмай элда, юртда одатланиб, қонунлашиб қолғони маълумдур. Ер ва сувларни сотиб банкни ҳақларини топшириш учун Русиёнинг махсус бир идораси бордурки, «танфиз идораси», деб таржима қилинса бўлур. Пахтадан аламзада бўлгон, қарздор бўлиб, тўлай олмогон бечора деҳқонлар, заминдорлар ҳақида сўзлангон шеърлар ҳам бор:

Пахтани кўп экишиб чиқди аларни пахтаси  
Гар Эгар солдирмаса бошида вексел нуқтаси.  
Пахтага пул чиқса, мардум оч бўридек  
Беришин фикр айламай пишпак-тўқмоқга қочор.

Тоҳир Шокир Лабикнинг «Туркистон пахта хўжалиги» китобида ёзилишича, Туркистон деҳқонларининг давлат банкдан ва бошқа банклардан бўлган қарзи 1912 йилда бир юз эллик олти миллион етти юз ўн икки минг олтин сўм бўлиб, шундан Фарғона деҳқонларининг ҳиссасига тушгани 51 фоиз, яъни 80.797000 сўм олтинни ташкил этган.

Чор ҳукумати аҳолидан олинадиган солиқларни ошириш ҳисобидан ҳам катта даромад орттирар эди. Масалан, солиқлардан келган даромад миқдори 1913 йилда 23 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1916 йилда 33,3 миллион сўмга етган. Бу сумма ўша вақт учун жуда катта маблағ ҳисобланарди, албатта. Масалан, «Туркестанский голос» газетасида 1916 йил охирида Андижоннинг эски шаҳар қисмида бир қадақ қўй гўштининг баҳоси 20 тийин бўлгани ҳолда янги бозорида эса 25 тийин бўлгани ҳақида хабар чоп этилган. Ер солиғи 1914 йилдаги 6859021 сўмдан 1916 йилда 14 311 771 сўмга етган. Бир пуд пахта толасига 2 сўм 50 тийиндан қўшимча солиқ олиш жорий этилган.

Қишлоқ деҳқонлари оддий меҳнат қуроллари: белкурак, кетмон, ооч-буйинтуруқ, ўроқ, паншаха кабилар билан қуроланган бўлиб, уларнинг меҳнат унумлари ниҳоятда паст бўлган. Уларнинг аксарияти от-

уловга ҳам эга эмасди. От-уловсиз бўлган деҳқон хўжаликлари Сирдарё вилоятида 20,3 фоиз, Самарқанд вилоятида 29,6 фоиз ва Фарғона вилоятида 41,3 фоизни ташкил этган. Чор маъмурлари қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш, ирригация, мелиорация ишлари масалаларига мутлақо эътибор бермаганлар. 1910 йилда бутун ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳаммаси бўлиб 1071 плуг бўлган, холос. Мустамлакачи чор унсурларининг бутун диққат-эътибори ўлкадаги аҳоли қўлидаги бойликларни ҳар хил йўллар билан шилиб олиб Россияга ташиб кетишга қаратилади. XIX асрнинг 60-йилларидан то октябрь тўнтаришига қадар Россиядан турли газламалар ва бошқа молларнинг кўп миқдорда келиб туриши меҳнаткаш омманинг янада қаттиқроқ «шилинишига» сабаб бўлади. Ўлкада минг йиллардан буён давом этиб келган ажойиб ҳунармандчилик тармоқлари, биринчи навбатда тўқимачилик ва бўёқчилик таназзулга учрайди. Чунки ўзбек пахтаси, ипагидан Россияга олиб кетилиб ишланган газламалар маҳаллий ҳунармандлар қўлда тўқиган газламаларни ички ва ташқи бозордан сиқиб чиқарган эди.

Тоҳир Шоқир юқорида номи эслатиб ўтилган китобида шундай ҳикоя қилади: «Туркистон пахтаси учун Московдан пул келадур. Бу тўғри, аммо руслар пахта учун келгон пулларни турлик-турлик йўллар билан қайтариб Московга олиб кетадур. Масалан, ўт ароба, оташ ароба, шайтон ароба, от аробаси, электрик асбоблари, телефон ва олотлари, чой, шакар, газлама, идиш-товоқлар, иморат асбоблари, қишлоқ хўжалик асбоблари, саноат мошиналари, маориф эҳтиёжлари ва шуларга ўхшаш зарурий ашёларни Русиядан келтириб, Туркистонга ёғдириб, ҳам пахтанинг пулини оладур, ҳам миллатдаги мавжуд бойлигини шимириб оладурғон бўлди. Булар етмаганидек, ичкилик, қимор, фаҳш, судхўрлик йўллари билан халқнинг бисотида бор нарсаларни шилиб оладурғон бўлди. Россия инсонларнинг кундалик ҳаётида эҳтиёжи тушадирғон зарурий асбоб, ашё ва зийнатларини бошқа давлатлардан келтиришни ман қилди. Қўшни давлатлардан: Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Чин (Хитой)дан келтиришга тўсқинлик берди. Фақат ҳамма нарсани руслар, Россиядан келтириб пахтани ва бошқа маъдан пулларни ўзи қайтариб олиб, эксплуатация қилишда ҳеч қусур қилмас бўлди. Бунинг устига, Туркистонга камёб, яна бошқа навъ

молларни Россиядан келтириб бизларга сотиб қўлимиздаги ва сандуқларимиздаги пулларимизни шупуриб оладурғон бўлди. Яна Туркистонга маданият келтирдик, тараққийсига сабаб бўлдик, деб қилғон иддаола-ри ошиқча бўлди».

«Туркистон хабарномаси» газетаси бозорларда нарх-наво ошиб, халқнинг руҳияти тушганлигини ёзади.

Хўш, дастлабки инқилоб даврида Туркистон ўлкасида, айтайлик, Каттақўрғонда нарх-наволар қандай эди? 1905 янги йилнинг илк бозори куни Каттақўрғонда энг зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари тубандаги нархларда сотилган экан: бир ботмон (8 кило) сара буғдой—45 танга (Каттақўрғонда 15 тийин—бир танга ҳисобланган), баҳорги буғдой эса 52 танга, буғдой уни—52—56 танга, арпа, жўхори, мошларнинг баҳоси бир хил—32 тангадан, тариқ—28 танга, кунжут—115 танга, зиғир уруғи—60 танга, шу ерлик кишиларга қарашли заводларда ишлаб чиқарилган бир ботмон пахта мойи—22 танга, «Биродарлашган Туркистон» заводидан келтирилган мой эса 14 танга, бир қадоқ (400 грам) мол ёғи—20 тийин, қўй ёғи эса 22 тийин. Мол гўштининг бир қадоғи 8 тийин, қўй гўшти—12 тийин. Кези келганда ўша пайтлари пахтанинг баҳоси қанча бўлганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз: бир ботмон (8 кг) биринчи нав пахтанинг нархи 90—100 танга, агар чигити чала пишган бўлса—50—60 танга, II—III навлари—30—40 танга тураркан. Демак, бир килограмм пахтанинг пулига (яъни 187,5 тийинга) тўрт (4) кг, қўй гўшти, бир ярим тийинга бирорта ҳаммол ёллаб ўша масаллиқни уйгача кўтартириб бориш мумкин экан.

«Бозорлар ҳийла тушкун руҳда ўтмоқда, деҳқонларнинг умидлари пучга чиққанга ўхшайди. Энг яхши хом пахта деярли икки баробар арзон нарҳда сотилмоқда (яқинда бир ботмон пахтанинг баҳоси 180 танга эди). Харидорларнинг авжи суст, кўпгина маҳсулотлар шу ерлик аҳоли қўлида қолиб кетяпти»<sup>1</sup>.

Айниқса, 1914 йилда бошланган урушни баҳона қилиб, чор маъмурлари Туркистон халқларини беҳаёларча талайди, зулмни кучайтиради. Озиқ-овқат, кийим-кечак, газлама, қурилиш материалларининг нархи кун сайин ошиб боради. Масалан, газлама нархи 300—400 фоизга, кийим-кечак нархи 200—300 фоиз-

<sup>1</sup> «Туркистон хабарномаси», 1905 йил, 4 январь.



га, қанд нархи 250 фоизга, пойабзаллар нархи 300—400 фоизга кўтарилади. Фарғона водийсида илгари 50 сўм турадиган отнинг нархи 100—200 фоизга, 5—9 сўмлик қўйлар нархи 30—35 сўмга ошади. Ғалла ва нон нархи анча кўтарилади. Чунки Россиядан Туркистонга ғалла келтириш камаяди. Натижада рус ғалласига умид боғлаб нуқул пахта эккан ўзбек деҳқони жуда оғир аҳволга тушиб қолади. Рус ғалласига кўз тиккан ва унга ишонган Туркистон деҳқонлари ғалла экин майдонларини кескин қисқартириб пахта экиладиган майдонларини ҳаддан зиёд оширган эдилар. 1901 йилда пахта майдонлари 268013 десятина бўлган бўлса, 1916 йилда бу кўрсаткич 533671 десятинага етган эди. Уруш йилларида пахтанинг бозор нархи ошади. Бу ҳол пахта экувчи деҳқонларга катта фойда келтириши мумкин эди. Аммо бу ўринда ҳам чор ҳукумати устаси фаранглик қилиб тўқимачилик саноати эгаларининг талабларига кўра пахта савдоси назоратини ўз қўлига олади ва унинг бозор нархини 30—31 сўмдан 24,05 сўмга туширади. Бу тадбир маҳаллий пахтакорларга катта зарар келтирган бўлса, рус капиталистларининг ҳамёнларини тўлдиради. Фақат Тверь тўқимачилик саноати 1913—1914 йилларда пахтанинг эски нархидан 1.893.000 сўм фойда қилган бўлса, 1915—1916 йиллардаги келтирилган фойда 9.931.000 сўмга тенг бўлади. Ўлка меҳнаткашлари бундан ташқари банклар, фирмалар ва маҳаллий судхўрлардан олган қарзлари орқасидан ҳам катта заҳмат чекиб, мушкул аҳволга тушганди<sup>1</sup>. Булар ҳам етмагандек 1915 йил 1 январдан бошлаб туб аҳолидан ҳарбий хизматни ўтамаганлари эвазига даромадларидан қўшимча 21 фоиз ҳарбий солиқ олиш тартиби ҳам жорий қилинади.

Ўлка халқларининг маданий эҳтиёжларини қондириш масаласига умуман панжа орасидан қараб келинган. Бу соҳа учун бир кишига бир йил давомида сарфланадиган маблағ атиги 6 сўм миқдоридан бўлган, холос.

Туркистон халқларининг тиббий саломатлиги ҳеч кимни ташвишга солмаган. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аянчли ва ачинарли аҳволда бўлган. Бу ҳолни шундай далилдан ҳам билиш мумкинки, 1913 йилда бутун бошли Туркистон ҳудудида 212 тиббиёт ходими

---

<sup>1</sup> Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия босқини даврида. Андижон, «Мерос», 61-бет.

бўлган, холос. Агар Фарғона водийсида ҳар 50 минг аҳолига биттадан тиббиёт ходими тўғри келса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон ҳудудида ҳар бир тиббиёт ходимига 250 минг кишини ташкил этган. Шу боис Туркистон аҳолиси энг қисқа умр кўрган ва бу ерда турли хилдаги юқумли касалликлар кенг тарқалган.

Юқорида зикр қилинган сабабларга кўра, XX аср бошларида, хусусан, 1917 йилги февраль буржуа-демократик инқилоби арафасида Туркистон ўлкасида ғоятда кескин ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келади. Бундан қўрқиб қолган чор ҳукумати зўр бериб туб ерли аҳолини Россия давлатига нисбатан «содиқ» бўлишга даъват этар, уларни «ватанпарварлик» ғоялари руҳида тарбиялашга интилади. Чор маъмурияти давлатга қарши ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни дарҳол аёвсизларча ва шафқатсизлик билан бостириш тўғрисида маҳаллий ҳокимларга тўғридан-тўғри кўрсатма беради. Ҳатто масжид-мадрасаларда ҳам оқ подшо ҳазратларига ҳамду санолар, унга соғлиқ ва узоқ умр тилаб «хутба»лар ўқишга буйруқ берилади.

## **2. Ўлкада демократик ва миллий-озодлик ҳаракатларининг авж олиши**

Туркистон халқлари чор Россияси мустамлакачилик истибдоди ва зулмига қарши ўз эрки, озодлиги ва мустақиллиги учун доимо фаол кураш олиб борганлар. Бу кураш 1905—1907 йиллардаги рус буржуа-демократик инқилоби таъсирида ва хусусан 1914 йилда бошланиб кетган жаҳон урушининг халққа келтирган офатлари, зулм-ситамлари туфайли янада авж олади. Биринчи рус инқилоби таъсирида Туркистон ўлкасининг Самарқанд, Тошкент, Қизил Арвот, Чоржўй, Ашхобод, Андижон, Қўқон каби шаҳарларида ишчиларнинг чиқишлари, оммавий иш ташлашлари ва митинглар бўлади. Наманган, Андижон, Фарғона, Ўш уездларининг бир қатор туманлари ва қишлоқларида ҳам деҳқонларнинг галаён ва ҳаракатлари кузатилган.

1911—1913 йилларда Фарғона вилояти ахборотларида берилган маълумотларга қараганда, «Идора тартиботларига ва жамоа осойишталигига қарши курашлар» давомида 1911 йилда 833, 1913 йилда эса 1220 «жиноий иш» кўрилган. Сирдарё вилоятида эса шундай айблар билан 1911 йилда 3487 киши, 1913 йилда эса 5394

киши «жинойй жавобгарлик»ка тортилган. Бу келтирилган рақамлар маҳаллий халқ ўртасида мустамлакачилик зулми ва истибдодига қарши кураш муттасил ўсиб борганлигини кўрсатади.

Бу даврда халқ оммасининг кураш жараёни шу даражада фаоллашдики, ҳатто чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасидаги ишончли таянч бўлган қўшинлари ўртасида ҳам беқарорлик ва норозилик тўлқинлари кучайиб боради. 1912 йил ёзида Туркистон сапёрларининг кўтарган қўзғолони бунга яққол мисол бўла олади. Бу қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилади. Қўзғолон қатнашчиларидан 14 киши дорга осилади. 18 киши умрбод, 62 киши 15 йилдан сургун қилинади ва 288 киши турли муддатларда қамоқ жазосига ҳукм этилади.

1910—1914 йилларда Туркистон ўлкасида миллий ўзликни англаш жараёни кучая бошлайди. Мустамлака маъмурияти идоралари 1911 йилда Фарғона вилоятида «идора тартибларига ва жамоат осойишталигига қарши» курашдан гувоҳлик берувчи 833 та, 1913 йилда 1220 та «жинойй иш» қайд этганлар.

1914—1916 йилларда чор маъмурларининг жаҳон уруши баҳонасида миллий мустамлакачилик зулми ва истибдодини кучайтирганликлари муносабати билан Туркистон халқлари янада фаолроқ курашга тортилганлар. 1914 йилнинг кузида Сулюкта кўмир конлари ишчилари, Еттисув темир йўллари ходимлари ва Андижон пахта заводи ишчилари, 1916 йилда Тошкент ва Қизил Арвот темир йўл, паровоз таъмирлаш корхоналари хизматчиларининг иш ташлаш ҳаракатлари Туркистонда кучли оммавий ларзалар яқинлашиб келаётганлигидан дарак беради.

### 3. Жадидчилик ҳаракати<sup>1</sup>

«Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини эслайлик».

Ислом Каримов.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида жадидчилик ҳаракати кенг

---

<sup>1</sup> Жадидчилик моҳиятининг янгича талқини *Б.Қосимов, О.Шарафутдинов, А.Аҳмедов, А.Алиев, Ҳ.Зиёев, Н.Каримов, Д.Алимова, Ш.Турдиев, Ҳ.Содиқов.*

қулоч ёйиб ривожланади. «Жадид» сўзи арабча янги усул деган маънони англатади. Жадидчилик ҳаракати Туркистонда XIX аср охирида қуруқ маданий-маърифий ҳаракатнинг, яъни эски мактабларнинг қийин ўқитиш тизимига нисбатан енгил товуш усулига асосланган янги услуб (метод) асосида ўқитишга ўтишдангина иборат эмасди, айнаи чоғда турк-ислом ҳуқуқий муносабатларининг миллатга ўргатилиши, миллий-маърифий, тараққиёт ва миллий истиқлол муаммоларини ҳам ўз ичига олган эди. Бу ҳаракатнинг вужудга келишида Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида кенг қулоч ёйиб ривожланган турли оқимлар ва Туркиядаги «Иттиҳодий ва тараққий», «Ёш турклар» ҳаракатининг таъсири катта бўлади.

XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳамда демократик ҳаракат жараёни асосан икки йўналишда ривожланиб борган. Биринчи йўналиш чор Россиясига қарши курашни турлича ғоя ва йўналишларда олиб бориш мақсадида Россиянинг ўзида вужудга келган социал-демократик, кадетлар, эсерлар ва бошқа сиёсий партияларнинг вакиллари эдилар. Ҳали бу гуруҳлар вакиллари ҳатто октябрь тўнтаришига қадар ҳам ўлкада сиёсий партия ўлароқ уюшиб шаклланмаган эдилар. Чунки улар оз сонли ва асосан келгинди русийзабон миллатларнинг вакилларидан иборат бўлганлар. Маҳаллий халқ бу сиёсий гуруҳларнинг бирортасига ҳам оммавий суръатда эргашмаган, уларни қўллаб-қувватламаган, бу гуруҳларга аъзо бўлиб кирмаганлар. Чунки, маҳаллий халқ тили бошқа, дини, урф-одати бошқа бўлган русийзабон миллатларга ётсираб, бегонасираб, уларни гайридин кофирлар билиб, босқинчи-мустамлакачилар деб қараганлар. Бу сиёсий гуруҳларнинг дастур мақсадлари, тактик кураш усуллари маҳаллий халқ ғояси ва савиясидан йироқ бўлган, улар

---

*М.Ҳасанов, Х.Болтабоев, С.Аъзамхўжаев, С.Холбоев, С.Аҳмедов, Қ.Ражабов, Ш.Ризаев, Р.Шамсутдинов* каби олимларнинг қатор асар ва мақолаларида, шунингдек, «Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақил тараққиёт учун кураш» (Тошкент, «Университет», 1999); «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» («Шарқ», Т., 2000); «Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик)» (Т., «Маънавият», 2001); *Аҳмедов С. Ражабов Қ.* Жадидчилик. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (Т.3. Тошкент, 2002) каби тадқиқотларда ўз аксини топган.

бу дастур мақсадлар моҳиятини чуқур тушуниб етмаганлар ва уларни қабул қилмаганлар.

Ҳали октябрь тўнтариши юз бермаган 1917 йил ёзидаёқ бир гуруҳ андиджонлик жадиждлар большевиклар, меньшевиклар, эсерларга хат йўллаб, уларнинг ғоя ва дастурларини Туркистон мусулмон халқи ўзларига сингдира олмасликларини баён қилган эдилар. «Сизнинг ва бизнинг ҳаёт тарзимиз бир-бирига сира тўғри келмайди, — дейилади ўша хатда. — Шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига умум бир қолипга солиш керак эмас. Умум қолип андозани бу ерда қўллаб бўлмайди ... Бизда сизнинг соф русча маънодаги деҳқонлар йўқ. Фарбий Европача маънодаги фермерлар ва ижарачилар йўқ. Бизда эркин деҳқон яшайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда крепостной қаролгина эмас, балки ижарачи фермер ҳам бўлмаган, эркин мулкдор бўлиб келган. Муқаддас ислом бизни ҳеч қандай табақаларга ва синфларга бўлмаган. Шунинг учун ҳам бизда синфий кураш учун асос йўқдир. Зотан, барча мусулмонлар, улар хоҳ фуқаро, хоҳ мулкдор бўлишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидирлар»<sup>1</sup>.

Ўлкада фаолият кўрсатган оз сонли социал-демократлар марксизм-ленинизм ғояси байроғи остида пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун кураш олиб бордилар. Социал-демократларнинг ўзларида бирлик бўлмаган, улар икки гуруҳга бўлинган эдилар. Бир гуруҳи большевиклар, иккинчи гуруҳи эса меньшевиклар деб аталган. Улар бир-бирларини инкор этганлар. «Ишчилар синфининг дунёқараши» деб эълон қилинган марксизм-ленинизм маҳаллий халқ учун бегона эди, улар бунини тушунмас эдилар. Чунки ўлкада пролетариат—ишчилар ҳали синф сифатида шаклланмаган эди. Аср бошида Туркистонда жами бўлиб 34 минг ишчи бўлган, холос. У ҳам бўлса асосан кичик-кичик корхоналар ва темир йўлларда ишлайдиган ходимлар эдилар. Хоразм, Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда ишчилар умуман бўлмаган деса ҳам бўлади. Шу боис Туркистон ўлкасида марксизм-ленинизмнинг кўзга ёрқин ташланадиган биронта оташин вакили маҳаллий халқ орасидан умуман етишиб чиқмаган. Бас, шундай экан, марксизм-ленинизм байроғи остида Туркистон халқлари инқилобий ҳаракатларни амал-

<sup>1</sup> «Ўзбекистон овози», 1996 йил, 24 февраль.

га оширдилар, дейишнинг ўзи мантиқсизликдир. Бундай ҳаракатларни сабаблар ва тақдирлар билан ўлкага келган русийзабон миллатлар вакиллари амалга оширганлар.

Иккинчи йўналиш Туркистон ўлкасида ислом ғояси бирлиги ва жадидчилик ҳаракати байроғи остида фаолият кўрсатади. Бу ҳаракат ўлкадаги ижтимоий-сиёсий фаолиятда асосий куч бўлиб маҳаллий халқларнинг онгли қисми уларга эргашиб борган. Ислом ғояси тарафдорлари ва жадидчилар фаолиятида Россия маъмурлари ўзларининг асосий рақибларини кўрганлар ва уларга қарши «пантуркизм» («туркпарастлик») ва «панисломизм» («исломпарастлик») деб аталмиш атайлаб ўйлаб чиқилган ғоялар асосида кураш олиб борганлар. Жадидлар ҳаракатидаги асосий ва бош ғоя миллий истиқлол, Туркистонда давлат мустақиллиги учун кураш, туркий халқлар бирлигига эришишдан иборат бўлган.

Шу боисдан ҳам Туркистон халқлари Биринчи жаҳон уруши арафаси ва йилларида Россия давлати таркибида бўлсалар-да, қардошлик ва диний қарашлардан яқин бўлган Туркияни қўллаб-қувватладилар, унга ҳар томонлама ёрдамлар уюштирадилар. Чор маъмурлари Туркистон халқларининг Туркия, Афғонистон, Эрон ва бошқа мусулмон мамлакатлари билан алоқаларидан ўлгудек кўрққанлар ва ўз айғоқчилари ёрдамида бу муносабатларни ўта зийраклик билан кузатиб борганлар. Улар Туркистондаги ҳар бир воқеа, миллий-озодлик ҳаракатида мусулмон давлатлари қўлини кўрганлар ва унинг олдини олиш чораларини ишлаб чиққанлар. Масалан, Россия сиёсий разведкаси ва махфий полицияси бўлган Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) архивида Туркияга хайрихоҳ иш кўраётган ўзбек бойлари ва зиёллари фаолиятига оид кўплаб айғоқчилик маълумотлари сақланган. ТРМБнинг «Ўттизинчи», «Келди», «Қори», «Турк», «Афанди» лақабидаги айғоқчилари махсус иш билан банд бўлган. Шулардан айримларини келтирамиз:

1912 йил 23 октябрь. «Ўттизинчи» ахбороти:

— Тошкентдаги сартлардан бири менга айтишича, мусулмонларнинг бари туркларнинг урушдаги (Сербия билан) маглубиятларидан хафа бўлмоқдалар. Туркистон мусулмонлари ўртасида Туркияга ёрдам бериш учун хайрия тўплаш кучайган. Тошкент яқинидан 40 минг

сўм жўнатилган. Бухородан ҳам пуллар келган. Уларнинг ҳаммаси зиёратчилар орқали жўнатилмоқда.

1913 йил 19 апрель. «Уттизинчи» ахбороти:

— Кўқонда Туркия фойдасига пул тўпланмоқда. Утган йили сентябрда 23000 сўм жўнатилган. Ҳозир эса 16 минг сўм йиғилган. Улар маҳаллий бойлардан Солиҳжон Муҳаммаджоновда сақланади... Кўқонда қандайдир сартдан қурол-яроғ транспорти мусодара қилинган. Бу қурол-яроғ Кўқон станциясига қанд шаклида жўнатилган.

1916 йил 10 сентябрь. «Афанди», «Турк» ва «Келди» ахборотларидан парча:

— Андижон туманидаги Асака қишлоғида тошкентлик бой сарт Саид Қосим Аҳмадбоев яшайди. Катта дўкони ва анча ери бор. У кўпдан бери Туркия билан алоқада. Ҳар йили унга пахта олиб келувчи аравакашлардан у Туркияга ёрдам учун махсус солиқ олади. Бойнинг йиллик ҳаракатдаги сармояси 300 000 сўм. Унинг 25 қишлоқда ери, 14 аравакаши бор.

Андижонлик сармоядор Миркомил Мирмўминбоев ҳам Туркияга ёрдам берганликда, урушда Туркиянинг галабага эришувига ишониб тарғибот олиб борганликда айбланиб чор маъмурлари томонидан тергов қилингани ҳақида архив ҳужжатлари шоҳидлик бериб турибди.

Туркистон ҳарбий округи штаби контрразведка бўлими бошлиғи, алоҳида жандармлар корпуси подполковниги Пригора ва ТГМБ бошлиғи полковник Волков ўртасида 1914—1916 йиллардаги ёзишмаларда асосий мавзу «Турк жосуслари» ҳақида борган. Улар форс фуқароси Аббос Али ўғлини турк жосуси Аҳмад афанди деб ҳисоблаб қамашган. Узоқ терговдан сўнг 1917 йил 22 февралда сиёсий идоралар унинг чиндан ҳам форс фуқароси Аббос ўғли эканини аниқлашади. Шу биргина одам ҳақидаги тергов материаллари 89 бетни ташкил қилган.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг катта ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқишида барча шарт-шароит ва омиллар етилган эди. Маълумки, Европа XVIII—XIX асрларда ўз бошидан техника тараққиётини кечириб, XX аср маданияти ва турмуши учун мустақкам пойдевор яратган эди. Осиё, жумладан, Туркистон эса бу соҳада орқада қолиб кетганди. Учта ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Кўқон)нинг

ўзаро биродаркушлик уруш ва низолари, Россиянинг бу давлатларга бостириб кириши, минтақанинг мустамлака ҳолатига тушиб қолиши, мустамлакачилик, миллий зулмнинг ўрнатилиши ва унинг кучайиб кетиши ўша қолоқликни янада чуқурлаштириб юборган эди.

Қолоқлик ва жаҳолатни, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетгани, ислом ва шариат оёқ ости қилингани ва бундай оғир фожеали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор, зиёли қатламларида фикр-мулоҳазалар пайдо бўла бошлайди. Ижтимоий уйқудан уйғониш, миллий уйғониш тарихий зарурият бўлиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, жадидчилик ҳаракати ижтимоий ривожланишнинг, тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб тариқасида объектив равишда майдонга келади. Ўлкада миллатнинг дард-аламларини, бутун аянчли, мудҳиш, фожеали, оғир қисматини ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, ўзининг бутун борлигини, ақлзаковатини, онгли ҳаётини эрк, озодлик, тараққиёт учун сафарбар этган зиёлиларнинг бутун бир янги авлоди шаклланади.

Туркистонда жадидчиликнинг майдонга келиши ва ривожланишида Усмонли Турк империясидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий ғоя ва ҳаракатларнинг ҳам таъсири кучли бўлади.

Айниқса, Туркия султони Абдулҳамид II даврида (1876—1909) мамлакатни қолоқликдан олиб чиқишга қаратилган ислоҳотлар, қабул қилинган қатор қонунлар ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши Туркистон халқлари учун ҳам аҳамиятли эди. Туркиядаги прогрессив ислоҳотлар Европа маданияти ва турмуш тарзининг мамлакатда кенг омиллашувига олиб келади. Бу ижобий тенденция Туркистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шунингдек, XX аср бошларида Россиядаги мусулмон мактабларининг буюк ислоҳотчиси ва «Таржимон» жаридаси (1883 йилдан Кримда чиқа бошлаган) ташкилотчиси Исмоил Гаспиралининг фаолияти ҳам Туркистон жадидларига жуда кучли таъсир кўрсатган. Унинг жадидчилик фаолияти бутун Шарқда, жумладан, Туркистонда машҳур бўлиб кетганди. Исмоил Гаспирали Туркистонда бўлади ва ўзининг ўткир асарлари билан ўлка жадидларининг дунёқарашига катта таъсир кўрса-



тади. Айниқса янги усул мактабларининг вужудга келишида туртки, намуна бўлади.

Бу вақтда Туркистондан, Хива хонлигидан, Бухоро амирлигидан Туркияга бориб таҳсил кўраётган кўплаб зиёлилар, бу мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ислохотлар, илғор Европа турмуш тарзи, техника тараққиёти, маданияти, маърифатидан таъсирланиш, унга ҳавас билан қараш, ўз ватанларида ҳам бу каби ўзгаришлар бўлишини кумсаш ҳис-туйғулари уйғона бошлайди.

1889 йилда «Иттиҳод ва тараққиёт» номли ҳурриятпарвар жамиятлар бутун Туркия бўйлаб майдонга келади<sup>1</sup>. Туркияда таҳсил кўраётган туркистонлик зиёлилар ўз ватанларига қайтиб она юртларида ҳам ўшандай «Иттиҳод ва тараққиёт» жамиятларини ташкил этганлар.



Андижонлик тараққийпарвар  
Акбар Уразалиев.

Собиқ Иттифоқ Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги СССР ташқи сиёсати архивида, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивида Туркистон «Иттиҳод ва тараққиёт»чилари ҳақида кўплаб манбалар сақланиб қолган. Жадидчилик ҳаракати фаолларидан бири, кейинчалик шўроларга алданган ва раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган, 30-йиллар бошида қатағон бўлган Акбар Бойтурсунович Уразалиев 1925 йил 6 июлда Москвада Хитойга дипломатик хизматга кетиш

олдидан шахсий варақасидаги «Ўтмишда қандай партиёга мансуб эдингиз?» деган анкета саволига шундай жавоб ёзган: «1914 йилдан 1917 йилгача ёш ўзбекларнинг «Иттиҳод ва тараққиёт» яширин ташкилоти аъзоси бўлганман»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ражабов Қ. «Иттиҳод ва тараққий». «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси». Т., 4-жилд, 2002, 292-бет.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р.Т. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, «Мерос», 1994, 47-бет.

Маҳбус Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев 1937 йил 1 августда терговчининг «Сиз миллатчи аксилинқилобий ташкилотлар раҳбари сифатида ҳибсга олингансиз? Шу айб мазмуни бўйича кўрсатма беринг?» — деган саволига шундай жавоб қилган: «Ҳа, мен аксилинқилобий, миллатчи ташкилотларга раҳбар бўлганман. Миллатчилик фаолиятимни 1905—1906 йиллардаги «Тараққийпарвар» номли буржуа миллатчи ташкилотидан бошлаганман. 1912 йилдан бошлаб Андижон шаҳридаги бу ташкилотнинг раҳбарларидан бири бўлганман...»<sup>1</sup>. Афтидан, қийноқ ва азоб беришлар маҳбусни аввалги фаолиятидаги воқеаларни эътироф этишга мажбур қилган бўлса керак.



Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев.

### Мулоҳаза учун ахборот

«Азизим Озоджон!

Чўлпон аканинг Андижонда инқилобга довур кўрсатган ижтимоий, сиёсий фаолияти ҳақидаги материални илтимосингизга кўра, сизга юбордим. Бу тарихий ҳаққоний материал менинг қўлимга яқинда тушди ва мени қаттиқ ҳайратга ва ҳаяжонга солди.

Бу тарихий ҳужжат менга Чўлпон ака билан менинг қариндошларим ва яқинларим ўрталарида бўлган мустаҳкам, узилмас дўстлик ришталарининг сиру асорини очиб берди. Андижонда чоризмга қарши яширин сиёсий жамият «Гап» бўлиб, унинг фаол ташкилотчиларидан бири Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) экан. Тазкирада номи шарифлари зикр этилган тараққийпарвар зотлардан бошқа бу «гап» деган номи билан иш кўрган жамиятга яна бир қанча зиёлилар, чунончи: менинг қариндошларим—поччаларим Муҳаммадҷон ҳожи, Ҳакимжон (Маъруф Ҳакимнинг ота-

<sup>1</sup> ЎзР МХХА, П—22407—иш, 14—17-варақлар.



Чулпон.

си), Олимжон, Якуб Саркаровлар ва уларнинг биргаликда рус-тузем мактабида ўқиган қадрдон дўстлари Салоҳиддин Ашуралиев... Қаландар Девонабоев, Раҳматилло Султонов (Чўлпон бу киши вафот этганда унга бағишлаб марсия ёзган эди)...

Демак, шоир Чўлпон фақат зулмга қарши шеър ёзиш билан чекланмаган, оғир кишанларни, баланд дорларни, совуқ ва узоқ Сибирь азобларини ҳам писанд қилмаган мард, фидокор шоир экан. Бинобарин, Чўлпон ака ҳақидаги

китобингизга унинг йигитлик чоғида Андижонда кўрсатган ижтимоий-сиёсий фаолиятига 4—5 саҳифа бағишласангиз гоҳта зўр савоб иш қилган бўлармингиз... Яна ўзингиз биласиз...

Фикр-мулоҳазангизни айтурсиз, деган умиддаман.

Камоли эҳтиром билан: Сизнинг Комил Яшин»<sup>1</sup>.

Таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафуддинов: «Мазкур мактубни ўқиб чиққан ҳар бир адабиёт ихлосманди ҳаяжонга тушмасдан қолмайди. Чунки унда биз учун гоҳта қимматли, гоҳта муҳим маълумотлар бор. Буни қарангки, Чўлпон 1914—1915 йиллардаёқ, яъни 17—18 яшарлигидан бошлаб мустабид чоризм зулмига қарши курашга қўшилган, унинг теварагида эса, ўша даврдаги Андижондаги етук зиёлилардан бир қанчаси бўлган экан»<sup>2</sup>.

### **Закий Валидий Тўғоннинг эсдалигидан:**

«... Туркистонда танишган шахслар орасида Назир Тўрақулов билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўст бўлдилар... Кейинроқ ўзбекларнинг энг буюк шоирига айланган Чўлпон ўша вақтда 15

<sup>1</sup> Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1999 йил, 25 июнь.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

ёшларда бўлган бўлса керак. Менга тарих китобимни ўқиб, илҳомланганлиги ва фикрдошлик қилишимни айтиб, хат ёзди. Андижонга уйларига меҳмонга таклиф қилди... Буюк ўзбек шоирининг ўзи билан ҳам, унинг меҳмондўст отаси билан ҳам танишиб олдик... Сулаймон ака билан хайрлашдик, у кишининг менга қилган совгаларини онамга олиб бордим...»<sup>1</sup>.



Аҳмад Закий Валидий Тўғон.

Чўлпон 1914 йилдан Кўқонда «Садои Фарғона» номи билан чиқаётган жадид газетасининг Андижондаги обуначи ва эълон қабул қиладиган вакили бўлганлиги газета саҳифаларида қайд этилган. Чўлпон билан бирмунча вақт бирга ишлаган Аҳмад Закий Валидийнинг гувоҳлик беришича, бўлғуси шоир 1913 йилдаёқ Турк тарихига доир асарларни ўқиб чиққан, сўнгра «Турк юрди» ва «Сайра» каби туркчилик нашрларини кузатар экан»<sup>2</sup>.

Ўзбек маърифатчилигининг тўнғич бўғинига мансуб машҳур мураббий ва журналист Мўминжон Мухаммаджонов 1916 йилда Чўлпон билан илк бор учрашгани хусусида шундай ёзган: «Абдулҳамид ҳар куни хусусий равишда русча ўқир эди. Татаристон, Озорбойжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам ўқир эди»<sup>3</sup>.

Андижондаги «Тараққийпарварлар», «Падаркушчилар», «Гап» чилар номи остида фаолият кўрсатган ижтимоий-сиёсий жамиятга мансуб ёшлар сафида Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Фозилбек Отабек қози ўғли, Акбар Ҳуралиевлар бўлган.

Усмон Эшонхўжа ўғли (1899—1937) Андижоннинг янги шаҳридаги рус-тузум мактабини, олий бошлан-

<sup>1</sup> Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. «Шарқ юлдузи», 1993 йил, 5—6-сонлари.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Мухаммаджонов Мўминжон. Турмуш уринишлари. Т., 1964, 130-бет.

ғич билим юртини, эрлар гимназиясини битирган, муаллимлик қилган, «Туркестанский голос» газетасида ишлаган. «Бу газета, — деб ёзган Усмонхон кейинчалик, — бутун Туркистонда ўзининг инқилобий йўналиши жиҳатидан ягона газета эди. Унинг муҳаррири Туркистонда танилган социалист-революционер Вадим Чайкин эди»<sup>1</sup>.


Фозилбек Отабек қози ўғли (1886—1938). Мадрасани, рус-тузум мактабини битирган, фаол жадидчи. «Россия телеграф агентлиги» (РОСТА) Туркистон бўлими, Андижон шўъбаси мудири бўлиб хизмат қилган. Ўзбек, итальян, форс тилларини билган, моҳир публицист, таржимон, олим.

Акбар Ўразалиев (1890—1937) фаол тараққийпарварчилардан. Унинг 1917 йил 24 февралда Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга ёзган аризасида шундай сатрлар бор: «... 1914 йилнинг 6 июнида Андижон шаҳрида маҳаллий ҳаваскор сарт ёшлари томонидан кўнгилочар кеча ташкил қилинди. Унда сарт тилида Маҳмудхўжа Беҳбудий ёзган «Падарқуш» номли пьеса ҳам кўйилган. Пьеса ўз мазмунига кўра ибратли эди. Ҳозирги замон сартлари жамиятнинг маънавий тушкунлигини очиб берган. Шу кечада тўпланган маблағнинг бир қисми Андижондаги эркаклар прогимназияси фойдасига, қолган қисми эса кўнгилочар бошқа муассасалар фойдасига сарфланган. Бу кечани ўтказиш учун маҳаллий рус ҳукуматининг розилиги олинган. Бу пьесани севиб, уни ўйнаганлардан бири мен эдим...»<sup>2</sup>

Бу ўринда Андижондаги «Тараққийпарварлар»нинг таҳсинга сазовор ташаббусларидан бирини эслаш ҳам жоиздир. 1917 йилнинг 19 февралда шаҳардаги маҳаллий жамоат арбоблари, маърифатпарвар ташкилотлар вакиллари, жадидларнинг Фарғона водийсида замонавий институт очишга бағишланган йиғилиши бўлади. Йиғилиш кечкурун етти яримда бошланиб тунги 3 гача давом этади. П.М.Турниев, П.Н.Шереметьевский, В.А.Чайкин ва бошқа кўплаб нотиклар ўз сўзларида Фарғона олий техника мактаби очиш зарурлигини ҳар жиҳатдан асослаб берадилар. Соат 11 га бориб жамоат ташкилотлари ва айрим шахслардан институт очиш

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Истиклол йўлида шахид кетганлар. Т., «Шарқ», 2001, 238—375-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 226—261-бетлар.



Андижонлик «тараққийпарварлар».

учун 40 000 сўмлик хайрия жамғармаси ташкил бўлади. Бу жамғарма таркибида кўплаб тараққийпарварлар бўлган. Маърифат ҳаваскорлари жамияти 5000 сўм, миллионер бой, жадид Аҳмадбек ҳожи Темурбеков 25000 сўм ҳадя этади. «Саховатли бой, ўзбек миллий сармоядорларининг типик вакили Аҳмадбек ҳожи кейин яна кўп маблағ ажратишга ваъда қилади... Йиғилишда институт очишни ҳал этиш учун 15 нафар аъзодан иборат ташкилий қўмита сайланади... Худди шундай ташкилий қўмиталар, институт очиш хайрия фондлари водийнинг Қўқон, Наманган, Ўш, Скобелев шаҳарларида ҳам ташкил этилиб, уларда жамиятлар хизмати катта бўлади»<sup>1</sup>.

Ўзбек маърифатпарварлари қудратли гуруҳининг фаолияти ҳақида рус махфий полицияси ТРМБ катта маълумот тўплаган эди. У Туркистон ёшларининг Туркия билан алоқасидан чўчиган ва ёш турклар таъсирини йўқотиш чораларини излаган. ТРМБ архивида Мирза Аҳмад Қушбегиёвнинг «Тараққийпарварлар жамияти фоялари очерки» деб номланган маълумотномаси бу

<sup>1</sup> «Туркестанский голос», 1917 йил, февраль.

жихатдан диққатга сазовордир. «Тараққийпарварлар» жамиятининг бош ғояси, — деб ёзган А. Қушбеғиев, — ёш турклар тараққиётига тақлид этишдир. Уларнинг режаси халққа сиёсий ва ички эркинлик бериш. Улар аҳоли ўртасида ўз эътиборларини сиёсат ва дин заминидаги ҳаракатлари билан амалга оширишни режалаштиришган. Улар ўзларини халқни рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан халос этишга қаратилган сиёсатни олиб борувчилар қилиб кўрсатишга интилишади, рус тили ва маълумотини эгаллаган ва рус элементлари доирасида юривчи ёшларнинг кўпчилиги уларга хайрихоҳ ва ғояларини тарқатишда яқиндан ёрдамлашади»<sup>1</sup>.

ТРМБ туркларга хайрихоҳ ёшлар сафидан энг хавфлиси деб Мунаввар Қоридан сўнг унинг дўсти Убайдулла Асадуллаҳўжаевни билган ва уни тезда рўйхатга олган. У, махфий айғоқчи таърифича, «рус тили ва маълумотини эгаллаган ёшлардан» эди. Тошкент эски шаҳарининг «Қорёғди» маҳалласида боғбон Асадулла Маҳсум оиласида дунёга келган Убайдуллаҳўжа рус-тузем мактабини битиргач, келиштирувчи судья идорасида тилмоч сифатида фаолиятини бошлаган. Унинг укувлиги, ақл-идроки ва билимга чанқоқлиги судья эътиборини ўзига жалб қилади. Саратов шаҳрига жўнашга тўғри келганда Убайдуллани ҳам ўзи билан олиб кетиб, унга устоз бўлишининг сабаби ҳам шу эди. Саратовда у адлия бўйича мутахассисликни ўрганиб, ҳам назарий, ҳам амалий билимларни эгаллайди. Ўша йилларда у рус инқилобий ғояларига қизиқиб, эсерлар билан яқинлашади. Убайдуллаҳўжа 1909 йилда Лев Толстойга хат ёзгани ва унинг таълимоти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргани диққатга сазовор. Буюк адибнинг ёш ўзбек йигити мактубига жавоб ёзиб, Саратовга йўллагани ҳам Убайдулланинг ақл-заковати улўф ёзувчи эътиборини жалб қилганидан далолат беради. У социал-демократ, эсерлар дастури билан танишади ва ўз дунёқарашини шакллантиришда уларнинг тажрибасидан фойдаланади<sup>2</sup>.

Бундай яширин ташкилотлар Туркистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон каби шаҳарларида фаолият кўрсатиб, маҳаллий аҳоли ора-

<sup>1</sup> ЎзР МДА. 461-фонд. 1-рўйхат, 1968-иш, 13-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, 274—275-бетлар.

сида катта таъсир кучига эга эди. Бу ташкилотлар «Тараққийпарварлар», «Падаркушчилар», «Ёш ўзбеклар», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар» номлари билан эл-юрт орасида машҳур бўлиб кетган эди. Бу ташкилотлар охир-оқибатда сиёсий партиялар мақоми-ни олдилар<sup>1</sup>.



Убайдуллахўжа  
Асадуллахўжаев.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, XX аср бошларидаёқ миллий-озодлик байроғини баланд кўтариб, миллий кучлар бирлигини таъминлаш борасида салмоқли фаолият кўрсата бошлаган Туркистон жадидлари жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб қилди. 1906 йилнинг баҳорида Франция республикаси бош штаби иккинчи бюроси (ҳарбий разведка) топшириғи билан майор Лякост икки йил давомида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият билан яқиндан танишади. У ўзининг кузатишларини ҳисобот тарзида «Комитет Асия Франсисайс» номли журналда чоп этади. Мақола Европада катта қизиқиш уйғотади. Бу мақолада Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудидаги ижтимоий-сиёсий кучлар ва партиялар фаолияти шарҳлаб берилган эди. Эътиборли томони шундаки, француз разведкачисининг ўтқир нигоҳи билан Туркистонда қайси партия, қайси сиёсий оқим кучли экани шундай аниқлаб берилдики, бу ҳол рус сиёсий полициясини ғоят жиддий ташвишга солади. Майор Лякост Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ ташкилот сифатида социал-демократлар (большевик ва меньшевиклар), ёки социалист-инқилобчилар (сўл ва ўнг эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ёш сартлар (расмий идоралар Туркистон жадидларини ёш туркларга қиёслаб «Ёш сартлар» деб аташган) деган хулосага келган эди. Раз-

<sup>1</sup> Қаранг: *Ражабов Қ. Ёш бухороликлар. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси*, 3-жилд. Т., 2002, 494—496-бетлар; *Ражабов Қ. Ёш хиваликлар. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси*, 3-жилд. Т., 2002, 498—500-бетлар.



ведкачи Туркистонда жадидлар таъсири кучли бўлган ўз фирқасига эга экани ва у 1906 йилнинг январиди Санкт-Петербургда, Умумрусия мусулмонларининг қурултойига вакил юборганини таъкидлаб, бу фирқа худди Қозон татарлари каби ўзининг миллий дастурига эгаллиги ва рус истибдодига жиддий зарба бериши мумкинлигига ишора қилган эди<sup>1</sup>.

Шўролар ҳокимияти ўрнатилган бир пайтда ҳам «Ёш сартлар», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар» партиялари комфирқа арбоблари томонидан тилга олиниб ижобий баҳоланган эди. Москвадан келган вакил П.А.Кобезев 1918 йилда Ленин ва Свердловга йўлланган хатида «1917 йил инқилобига қадар Туркистонда «Ёш сартлар», Бухорода «Ёш бухороликлар», Хивада «Ёш хиваликлар» фирқалари фаолиятда бўлганлиги, уларнинг аъзолари эса катта маблағ ва европача маълумотга эга эканликлари, ҳамма шаҳарларда бундай тўғарақлар ишлаб тургани»<sup>2</sup> ни ёзган.

Туркиядаги «Иттиҳод ва тараққиёт»чилардан Туркистондаги «Иттиҳод ва тараққиёт»чиларнинг (тараққийпарварларнинг — муалл.) афзаллик томонлари бор эди. Уларда космополитик ғоя деярли йўқ бўлиб, рус империализмига ва унинг мустамлакачилик тизимига қарши кураш ғояси ва мафкураси кучли эди. Ҳатто 1905 йилги рус инқилоби ва 1908 йилги Туркия инқилобида империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш олиб бориш ғояси йўқ эди.

Биринчи рус инқилоби ва 1917 йилги октябрь тўнтариши Туркистонда рус империализмининг зиддиятларини кескин кучайтириб юборди. Шу боис Туркистон жадидчилик ҳаракатида империализм ва унинг мустамлакачилигига қарши кураш олиб бориш биринчи ўринга кўтарилади. Шуниси диққатга сазоворки, Туркистонда чор Россияси ва унинг мустамлакачилигига қарши курашда жадидлар билан рус демократлари ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ҳам таркиб топган эди<sup>3</sup>.

Жадидлар Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида хон ва амирни ҳам ўз ғоя ва маслақларига тортишга ҳара-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, 264—265-бетлар.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма. «Мулоқот», 1991 йил, 11—12-сонлари.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳамдам Содиқов, Рустамбек Шамсутдинов, Поён Равшанов. Жадидлар ва рус демократлари. «Ўзбекистон овози», 1997, 18, 20, 23, 25, 30 декабрь сонлари.

кат қиладилар. Бухоро жаидлари 1900 йил бошида амирдан янги усулдаги мактаблар очишга рухсат олишга муваффақ бўладилар. Аммо бундай янги усул мактабларининг очилиши Россия манфаатига зид эди, шу боисдан Россиянинг амирга бўлган таҳдиди ортади, амир жаидларни сиқув остига олади. Россия барча имкониятларни ишга солиб жаидлар, умуман, Ўрта Осиё билан мусулмон мамлакатлари, хусусан, Туркия билан бўладиган ҳар қандай борди-келди алоқаларининг олдини олишга биринчи даражали эътибор беради. Ўзбекистон давлат архиви фондларида сақланаётган қимматли манбаларнинг гувоҳлик беришича, чор маъмурияти мустамлака чегараларида ҳар бир ҳаракатни ўзининг исковуч айгоқчилари ёрдамида кузатиб борар эди. «Татар ўқитувчилари сарт аҳолисини янги усулда ўқитиш учун Тошкент шаҳри атрофларига ҳам келмоқдалар. Маълумки, 1912 йилда учта эркак ва битта аёл ўқитувчи келган эди. Ўқитувчи хоним Чинозда яшар эди, ҳозир ҳам ўша ерда яшаса керак. Унинг исми Биби Марям, қолган иккитаси эса Пскент вилоятида яшайди». «Фарғона вилоятига 1912 йилда Оренбург ва Уфадан 8 ўқитувчи келган эди».

1914 йил 10 январда Туркистон туман кўриқ бўлимига шундай хабар келади: «Ўтган йил декабрь ойининг сўнги кунларида Эски Бухорога Константинополдан (Истамбулдан — *муалл.*) туземец Шайх Али Аслам келди, бир кеча Қози Калоннинг (Бош судья) уйида тунади ва Қози Калон уни ўз укаси Мақсумжонникига жўнатиб борди... Шайх Али Аслам Туркиядан Бухоро мусулмонларини бирлашиш ва русларга қарши кўтарилиш учун ташвиқот қилишга юборилган».

1914 йил 2 мартда Жандармерия алоҳида бўлимининг ротмистри Пригаранинг берган маълумотида, «Эски Бухорода кейинги пайтларда Константинополдан жуда кўплаб китоблар олинди, улар омма ўртасида кенг тарқатилмоқда ва бу китоблар мусулмонларни христианларга, русларга қарши уйғотишга қаратилгандир», дейилади.

Россия мустамлакачилари Ўрта Осиё бўйлаб очилган янги усул мактабларига қарши ўт очадилар, бу мактабларни «исломиятга қарши», «файридин мактаблари» деган ташвиқот юргизадилар, жосуслик идораларини ишга соладилар, ҳатто Бухоро амирига ва Хива

хонига ҳам кучли тазйиқлар ўтказадилар. Аҳвол шу даражага бориб етадики, бу масала билан боғлиқ кўплаб қурбонлар юз беради. Чор маъмурлари ислом динига ҳам қарши курашни кучайтириб юборадилар.

1904—1905 йилги рус-япон уруши ва бунда чоризмининг мағлубияти рус зиёлилари орасидаги хур фикрлиликнинг кучайишига, чор ҳукуматини эса, маълум ислохотлар ўтказишга мажбур қилади. Биринчи рус инқилобига қадар сайловларда иштирок этаолмаган ғайрирус кишилари, жумладан, туркистонликлар инқилобдан сўнг Россия Давлат Думасига сайланадилар. Туркистондан, жадидлар фаолларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий Давлат Думасига сайланганди. Андижондан шаҳар оқсоқоли Холботир Рўздорбий ҳам Думага сайланганди. Шу боис у Холботир Дума лақабини олган. Аммо бу ҳолат узок давом этмайди, биринчи галда туркистонлик вакиллар Думадан чиқариб юборилади. Бу воқеа ҳам Туркистон жадидларининг рус империализми ва унинг мустамлакачилигига қарши кураши тўғрилигини исботлайди, жадидлар ҳақлигини намоён этиди. Туркистон халқида жадидларга бўлган хайрихоҳлик, ишонч тобора ортиб боради.

Ўлка жадидлари ҳар қанча қаршиликларга қарамасдан 1905 йилги инқилобдан сўнг Россия ҳудудидаги



«Ёш бухороликлар».

бутун туркий қавмдаги халқлар билан, Туркия мамлакати билан яқиндан алоқа қилишга интиладилар. Ўз даврида турк дунёси марказлари бўлган Қрим, Қозон, Истамбулда чоп этилган жадидчилик руҳидаги адабиётлар Туркистонга тез кириб, кенг ёйила бошлайди. Истамбулда ташкил топган «Жамияти хайрия», «Нашриёт ширкатлари» каби ижтимоий ташкилотлар Бухоро ва Хивада ҳам майдонга келади. Бу жамиятлар ичида камол топган жадидчилик ҳаракати ўсиб, 1908 йилги Туркия инқилоби туфайли юзага келган «Ёш турклар» ҳаракатига тақлид қилган. Хивада «Ёш хиваликлар», Бухорода «Ёш бухороликлар» жамиятларини юзага келтиради. Бу жамиятлар охир-оқибатда сиёсий партияслар мақомини оладилар. Бундай жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ташкилотлари, жамиятлари қисқа вақт ичида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон каби Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида нуфузли ташкилотларга эга бўлади.

Жадидчилик ҳаракати муҳитида жадидчилик адабиёти ҳам юзага келади, мукаммал бир шаклга киради. Ҳам насрда, ҳам назмда янгиланиш, қолоқлик ва жаҳолатдан қутилиш, рус истилосига қарши кураш, маърифат ва ҳурриятга эришиш, истиқлолни қўлга кириштириш ғоялари билан тўлиб-тошган янги бир адабиёт шаклланади. Беҳбудий бундай адабиётнинг илк намуналарини яратади. Ундан сўнг Фитрат ва бошқалар майдонга чиққан эди.

1900 йили Бухорода Жўрабой томонидан янги усулдаги мактаб очилади. 1908 йили бундай мактаб Мирза Абдул Воҳид томонидан ҳам очилади. Бухоро амири бу мактабларни тан олишга мажбур бўлади. Муфти Домулло Икром бу янги усулдаги мактабларнинг диний жамоат томонидан қабул қилинишига эришади. Бухорода Аҳмаджон Маҳдум, Садриддин Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Абдулвоҳид Рафий Маҳдум «Тарбияи Атфол» номли яширин жадидчи жамиятини туздилар. Бу жамият империализмга, мустамлакачиликка, жаҳолатга қарши кураш бошлаб юборади. «Тарбияи Атфол» жамияти Туркияда таҳсил кўраётган талабаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Истамбулда шўба ташкил этади. Унинг раҳбарияти Содиқ Ашур ўғли Абдурахмон ва Абдурауф Фитратлардан иборат эди.

Бухоро жадидларининг яна бир жамияти «Турон нашри маориф» жамияти эди. Унинг ташкилотчилари

Абдурауф Фитрат, Муқим Бойжон, Аҳмаджон Махдум, Олимжон Идрислар бўлган. Бу жамият қисқа вақт ичида Туркияга талабалар жўнатадилар. Улар тез орада илм одамлари бўлиб етишадилар. С. Аҳмедов ва Қ. Ражабов «Жадидчилик» мақоласида таъкидлаганларидек, Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, Тошкентда Мунаввар Қори, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Абдулла Авлоний, Бухорода Фитрат, Ф. Хўжаев, Усмонхўжа, Абдувоҳид Бурхонов, Садриддин Айний, Қўқонда Ашурали Зоҳирий, Обиджон Маҳмудов, Ҳамза, Оренбургда Аҳмад Бойтурсун, Мирёқуб Дулат, Андижонда Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Хоразмда Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимов Туркистон жадидчилик ҳаракатининг улуғ намояндалари эдилар.

Ўлкада жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва ривожланишида Шарқ мамлакатлари, биринчи навбатда Яқин Шарқ ва Туркиянинг, хусусан, «Ёш турклар» партиясининг ижобий ва демократик таъсири бўлган. Туркистоннинг ўзидаги Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Бердақ ва бошқаларнинг илғор демократик қарашларидаги ғоялар билан суғорилган асарларисиз жадидчилик ҳаракатини тасаввур этиш мумкин эмас.

Сиёсий ҳуррият ва Туркистон миллий истиқлоли масалаларини илк бор кўтариб чиққан шахс бухоролик қози Абдурашид Иброҳимов (1851—1944) бўлган. У Туркия, Макка ва Европа давлатларида бўлиб, бу мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганган ва ўзи кўрган-билган ғояларни Туркистон халқлари ўртасида кенг ташвиқ ва тарғиб қилган. Чунки ХХ аср бошларида яшаган жадидлар сиёсий ҳурликка, миллий истиқлолга эга бўлиш учун ёш авлоднинг сиёсий онгини ошириш, уларни Европа цивилизацияси руҳида ва даражасида тарбияламоқ лозим деб, тушунганлар.

Туркистонда жадидчилик ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарқатиш ва тарғибот қилишда татар зиёлиларининг хизматлари ҳам катта бўлади. Ана шундай маърифатпарвардан бири Исмоил Гаспиринский (1851—1914) эди<sup>1</sup>. У 1908 йилда Туркистонда бўлиб илғор маърифатпарварлардан Муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий, А.Шакурий ва бошқалар билан учрашади, ўзбек, тожик,

<sup>1</sup> Қосимов Б. Исмоилбек Гаспиринский. Т., 1992; Ражабов Қ. Гаспиринский И. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси... 2-жилд, 576—577-бетлар.

татар болалари учун янги мактаблар очиб жадидчилик ғояларини кенг тарқатади. Бундай ғояларни тарқатишда Исмоил Гаспиринскийнинг ўзи ташаббус кўрсатиб чиқарган «Таржимон» газетасининг ўрни катта бўлади. У мусулмон миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси сифатида танилган эди. «Дор ул-рокат мусулмонлари» илмий-фантастик асари, «Юз йилдан сўнг 2000-сана» бадий-публицистик роман, «Туркистон уламози» каби китоблар унинг қаламига мансуб эди.



Абдуқодир Шакурӣй.

С.Айний бундай деб ёзган эди: «1908 йил ёз фаслида татар жамоати ходимларидан Исмоилбек Гаспиринский Бухорога келди. Табиий, Исмоилбек ҳар ерда қиладургонидек, Бухорода ҳам мактаб масаласини кўзғотди. Бу масалани музокарага қўймоқ учун Бухоро тараққийпарварларидан бир нечаларини саройга чақирди... Мулла Низом уйидаги мактаб учун подшоликдан бирон муносиб ўрин сўраб олиб, мактабни татар ва бухороликлар учун умумий қилмоқ, ҳам расмийлаштирмоқ музокара қарорига олинди. Мажлисида ҳозир бўлганлар мактабнинг отини Исмоилия қўймоқчи бўдилар. Лекин Исмоилбек ушбу исмни қабул қилмади. «Музаффариддин амирнинг исмига нисбатан «Музаффария» исм қўйиш муносиброқдир», — деди. Бугина эмас, у Россияда биринчи бор кенг миқёсдаги туркий ва рус тилида «Таржимон» газетасини нашр этиб, унинг саҳифаларида чоризм салтанати ҳудудларидаги мазлум мусулмон халқларининг ўтмиш тарихи, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Навоий каби буюк фан ва адабиёт арбоблари, уларнинг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни ҳақида кўп ёзди».

Ўрта асрларда шундай улуғ зотларни етиштирган Туркистон каби буюк бир табаррук заминнинг сўнгги асрларда жаҳолат ва хурофот азобида инқирозга юз тутиши, бу ерда кучли бўлган ўрта асрчилик ва мустамлакачилик зулмлари, ўлкадаги янги уйғониш, янги



Маҳмудхўжа Бехбудий.

маърифат ва адабиёт учун бораётган кураш, мусулмон хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида Исмоил Гаспиринский ўткир публицистик мақолалари билан фаол қатнаша бошлади. «Бухоро ва Боғчасарой», «Боғчасаройдан Тошкентга» (1893), «Туркистоннинг янги тарихи» (1905), «Бухорода нималарни кўрдим? (1908), «Туркистондан хат» ва бошқалар шулар жумласидандир. Унинг таъсири билан Туркистонда ҳам янги усул мактаблари учун ўқув қўлланмалари, матбуот ва адабиёт намуналари май-

донга кела бошлайди.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг йирик вакилларидан **Маҳмудхўжа Бехбудий (1871—1919)**дир<sup>1</sup>. У тарихда «Туркистон жадидларининг отаси» деб ном олган. Маҳмудхўжа Бехбудий истиқлол учун курашнинг олдинги сафларида борган яловбардорлардан эди. Файзулла Хўжаев Бехбудий ҳақида бундай деганди: «Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатидан ўша замон Туркистондаги жадидлар орасида унга тенг кела оладигани бўлмаса керак».

Бехбудий Гаспиринский йўлга қўйган «усули жадид» мактабларини Туркистонда қарор топтиришда, уларни дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатади. Янги типдаги мактабларнинг миллий-маданий тараққиётимизда муҳим омил бўла олиши мумкинлиги ҳақида ўнлаб мақолалар ёзади. «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқа умумий география»), «Китобат-ул атфол» («Болалар мактуби»), «Мухтасари тарихи ислом» («Ислонинг қисқача тарихи»), «Амалиёти ислом», «Мадҳали жуғрофияи умроний

<sup>1</sup> Қаранг: Алиев А. Маҳмудхўжа Бехбудий. Т., 1994; Қосимов Б. Маслакдошлар. Т., 1994; Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси... 2-жилд, 8—9-бетлар; Алимова Д. Рашидова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий и его историческое воззрение. Т., «Маънавият», 1998 ва бошқалар.

(«Аҳоли географиясига кириш»), «Мухтасари жуғрофияи Русий» («Русиянинг қисқача географияси») каби дарсликлар яратади. Нашриёт ташкил қилиб, дарсликлар ва қўлланмалар, хариталар босиб чиқаргани маълум. Булар илк ўзбек мактаблари учун тузилган дарслик ва қўлланмалар сифатида эмас, тил-ёзув маданиятимиз тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Беҳбудий 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналини чиқаради. Газета дастлаб 2, сўнг 4 бетлик бўлиб, ҳафтада 2 марта чиққани ва моддий танглик туфайли 45-сонидан кейин тўхтагани маълум. «Ойна» ўлкада ўзбек тилида чиққан биринчи журнал эди. У халқ орасида анча машҳур бўлган. Бошида ҳафтада бир, 1914 йилдан эса ҳар ўн беш кунда чиққан. Зиё Саид «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига доир материаллар»ида бу журналнинг 2 йил давомида 68 сони (жами 1720 бет) дунё юзини кўриб, 1915 йил 15 июнда<sup>1</sup> тўхтаганини маълум қилади.

1912 йилда ёзилиб 1913 йилда босилган «Падаркуш» драмаси Беҳбудийга жуда катта шухрат келтирди. Гарчи биринчи ўзбек драмаси («Маҳрамлар») хронологияга кўра бир йилча олдин Наманганда Абдулрауф Шаҳидий томонидан эълон қилинган бўлса-да, бу соҳада ҳам қарвонбоши бўлиб Беҳбудий тарихга киради. Асар 1914 йилнинг 15 январида Самарқанд ҳаваскорлари томонидан саҳнага қўйилади. 27 февралда эса Тошкентдаги машҳур «Колизей»да «Турон» труппаси ўз фаолиятини шу спектакль билан бошлайди. Шундан сўнг Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган, Каттақўрғон каби жуда кўп шаҳарларда саҳнага қўйилади.

Асар жамоатчиликка, айниқса, адабиётга кириб келаётган ёшларга қаттиқ таъсир кўрсатади. «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим», — деб қайд этади Абдулла Қодирий ўз таржимаи ҳолида.

1916 йилда Тошкентга—навбатдаги сафарга келган таниқли шарқшунос академик А.Н.Самойлович «Колизей»да Авланийнинг Жалил Мамадқулизода асари асосида тайёрланган «Ўликлар» спектаклини кўради. Босилиб чиққан барча ўзбек драмаларини кўздан ке-

<sup>1</sup> Зиё Саид. Танланган асарлар, 1974, 45-бет.





**Мунаввар Қори  
Абдурашидхонов.**

чиради. «Сартларнинг дра-  
матик адабиёти» номли ма-  
қола ёзади. 7 драма—«Па-  
даркуш», «Тўй» (Нусратул-  
ла Қудратулла), «Бахтсиз  
куёв» (А. Қодирий), «Ах-  
лоқ», «Жуванмарг» (Абдул-  
ла Бадрий), «Кўкнори»,  
«Эски мактаб—янги мак-  
таб» (Ҳожи Муин) асоси-  
да Туркистонда «Янги ада-  
биёт» майдонга келганини  
маълум қилади. У ёзади:  
«Туркистондаги янги адаби-  
ётнинг маркази Самарқанд-  
да бўлса керак, ёш адиб-  
ларнинг бош илҳомчиси си-  
фатида эса, на тожик, на  
турк асли «хўжа» самар-

қандлик муфти Маҳмуд Беҳбудийни эътироф этиш ке-  
рак бўлади»<sup>1</sup>.

Марҳум шарқшунос олим Лазиз Азиззода Беҳбу-  
дийнинг собиқ Туркистон ўлкасининг ижтимоий, ма-  
даний ва адабий ривожигаги ўрни, роли ва аҳамиятига  
жуда катта баҳо бериб, уни ҳатто француз маърифат-  
парвари Жан Жак Руссо, рус инқилобчи демократла-  
ри Н.Г.Чернишевский, Добролюбовлар, татар ва озар-  
бойжон маърифатпарварлари—Шаҳобиддин Маржоний,  
Қаюм Носирий, Мирза Фатхали Охундов, Нахафбек  
Вазировлар билан қиёслаган. Ўзбекистонда Навоий,  
Улуғбек каби буюк зотлар билан бирга Беҳбудийга ҳам  
ҳайкал ўрнатиш керак»<sup>2</sup>, деб ёзган эди.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик вакиллари-  
дан бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878—1931)<sup>3</sup>  
Исмоил Гаспиринскийнинг ўқиш ва ўқитиш, мадраса  
ва мактаб ислоҳотига оид фикрларининг Туркистонда-

<sup>1</sup> «Вестник Имп. Об-ва Востоковедения». 1916, №5, стр.4.

<sup>2</sup> Лазиз Азиззода. «Беҳбудий». «Маориф ва ўқитувчи», 1926, 2-сон.

<sup>3</sup> Қаранг: *Мунаввар Қори Абдурашидхонов*. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. «Шарқ». Т., 2001; *Холбоев С. Мунаввар Қори*. «Фан ва турмуш», Т., 1991, 4-сон; *Ўша муаллиф*. Ойболта остидаги суз. «Турон тарихи». Т., 1992; *Ўша муаллиф*. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Ўрта Осиёдаги педагогик фикрлар тадқиқотидан лавҳалар. Т., «Фан», 1996; *Сирожиддин Аҳмад*. Мунаввар Қори. «Шарқ юлдузи», 1992, 5-сон.

ги оташин тарғиботчиларидан бири эди. Бунда Боғчасаройда нашр этилган «Таржимон», Татаристонда чоп этилган «Вақт», «Юлдуз», Истамбулда босилган «Сироти мустақим» («Тўғри йўл») каби матбуот нусхаларининг Туркистонга турли йўллар билан тарқалиши катта ўрин эгаллайди. Мунаввар Қори 1901—1904 йилларда қримлик дўсти Расим Кишод ёрдамида Тошкентда «усули совтия» мактабини очади. 1910 йилга келганда бундай мактаблар 10 тага етади. Чор айғоқчиси 1912 йилда бундай ёзган эди: «Тошкент шаҳрида яшаб турган Мунаввар Қорининг ҳозирги пайтда 80 ўқувчиси бор. Уларни татар услубида ўқитади. Бу мактабнинг ўқувчилари сарт тилида саҳна асарлари қўядилар».

«Наука и просвещение» журналининг маълумотларига қараганда, Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг «Намуна» мактабида бир неча юз бола ўқиган. Бу мактабда тайёргарлиги анчагина жиддий бўлган истеъдодли ёшлар ўқитувчилик қилишган. Уларнинг қўлида таълим олган ёшлар орасидан кейинроқ Ҳамза, Қаям Рамазон, Ойбек, Маннон Уйгур каби истеъдодли адиб ва санъаткорлар етишиб чиқишади.

Улуғ педагог олиб бораётган ишлар золим чор ҳукумати вакиллари анча безовта қилиб қўяди. Бу ҳақда жадидчи Мўминжон Муҳаммаджоновнинг «Турмуш уринишлари» асарида шундай ёзилган: «Олмаота (Верний)да ўрис муаллимларининг катта йиғини бўлди, шул йиғинда «татарлар, қозоқлар билан бирга сарт болалари ўқитилмасун! Ўқумишли татарларга Туркистон ўлкасида туриш учун йўл қўйилмаслик керак! Чунки улар сарт, қозоқларга билим тарқатиб, кўзларини ва фикрларини очадирлар. Сўнгра бизга емак учун Туркистонда нон қолмайди. 2-янги тартиб билан ўқитувчи муаллимлар, прогromлари, ўқитадургон китоблари кимнинг асарлари эканлигини «инспектор»ларга ёзиб кўрсатмагунча бола йиғиб ўқита олмайдулар», деб қарор бердилар. Чор амалдорлари мактабларнинг дастурлари билан мунтазам танишиб борганлар ва имтихонларда иштирок этганлар».

Сирожддин Аҳмаднинг «Мунаввар Қори»<sup>1</sup> мақоласида қайд қилинганидек, Мунаввар Қори педагогик ва бадий асарлар ҳам ёзган. У Туркистон ўлкасида биринчилар қаторида «Адиби аввал», «Адиби соний»,

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 5-сон.

«Ер юзи» («Жуғрофия»), «Ҳавойижи диния» китобларини (1907 йилда) нашр эттирган. 1914 йилда Салим Исмоил Улвиянинг Қуръон қироати бўйича сабоқ берувчи «Тажвид»ини ўзбекчага таржима қилиб, Оренбургда нашр эттирган. «Садои Туркистон» жаридасида босилган Камий, Хислат, Сўфизода, Ҳамза каби шоирларнинг шеърларини тўплаб, «Сабззор» номи билан чоп эттиргани маълум.

Улуғ мутафаккир бу ишлар билан ҳам чекланмайди. Ўзига ўхшаш очиқ фикрли ёшлар—Убайдулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Тошпўлат Норбўтабеков, Карим Норбеков ва бошқалар билан ҳамкорликда 1909 йилда тошкентлик бир бой раислигида «Жамияти хайрия» ташкил этади. Бироқ, бу жамият иқтисодий жиҳатдан бир неча ағниёларнинг иона ва ёрдамига сунгани учун эркин иш олиб бора олмайди. Лекин раис ўринбосари бўлган Мунаввар Қорининг тиниб-тинчимаслиги натижасида жамият тараққийпарвар ёшлар қўлига ўтади.

Жамиятнинг янги аъзолари пул топмакка ҳам янги йўллар излади, бошлаб «Грамафон общество»сила суйлашиб, ҳар бир пластинкадан ўн тийин олмоқ шартла бир ҳафта ҳофизларни ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларининг товушини сотди, бундан фақат шу йил ичиндагина лоақал икки минг сўм кирса керакдир».

Мунаввар Қори Абдурашидхонов миллий матбуотнинг асосчиларидандир. У 1906 йил сентябрида «Хуршид» («Қуёш») жаридасини нашр этади ва унга муҳаррирлик қилади. «Нажот» (1917 йил), «Кенгаш» (1917 йил), «Хуррият» (1917 йил), «Осиё», «Ҳақиқат», «Турон» каби матбуот нашрларида муҳаррирлик қилади.

Мунаввар Қори матбуотга элни, миллатни ғафлат уйқусидан ўйғотувчи буюк куч, маданият ва маърифатга чорловчи буюк восита, ҳақиқат жарчиси деб қаради. У «Садои Туркистон» (1915—1918) газетасида мактабларни такомиллаштириш, имтиҳонлар ўтказиш ҳақида ёзар экан, «...Бутун дунёдаги маданий миллатларнинг қайғу ва ҳасратларига иштирок этмаган ва бу шодлик масарратларидан баҳра олмаган бир қавм ва бир миллат бор эса, ул ҳам Туркистон туркларидир-миз», дейди.

Мунаввар Қори 1913 йилдан ўз фаолиятини бошлаган «Турон» труппасининг ташкилотчиларидан бўлди.

1914 йил 27 февралда Тошкентдаги «Колизей» театри биносида ўзбек миллий театрининг очилиш маросими бўлди. Спектаклнинг биринчи пардасини очиш Мунаввар Қори Абдурашидхоновга топширилди. Мазкур тантанада у бундай деган эди: «Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйналмағонлиги барчангизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз театрга, эҳтимолки ўйинбозлик ёки масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, театрнинг асл маъноси «Ибратхона» ёки «Улуғлар мактаби» деган сўздир. Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур».

Мунаввар Қори Туркистон ўлкасининг қолоқлиги сабабларини излар экан, «Мана, кет-бакет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдан хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдир. Бу нодонлик ва дунёдан хабарсизлик балосидан қутулмоқ учун аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак ва ўрганмак керакдир», дейди у. У театр санъатига ана шу «бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак» ва тузатмак муассасаи, «табиби ҳозик» деб қарайди.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов инсоннинг маърифатли бўлиб, кўзи очилмагунча виждони уйғонмаслигини, виждони уйғонмаса на ўзининг, на халқининг эркини муҳофаза қилаолишини, бу—имонсизлик эканини мутафаккирона нозиклик билан ўз асарларида кўрсатиб берди. Бу улуғвор йўлда у мардонавор ва қаҳрамонларча курашади.

**Абдулла Авлоний (1878—1934)**<sup>1</sup> ўзбек халқининг атоқли шоири, муаллими ва мутафаккири, жадидчиларнинг етук вакилларида биридир. У ўз таржимои ҳолида, «Турли газета ва журналлар ўқишга тутиндим. 1904 йилда жадидлар тўдасига кирдим. Мирободда «усули жадид» мактаби очиб ўқитувчилик қила бошладим»<sup>2</sup>, дейди.

Абдулла Авлоний ўзи очган мактаб учун тўрт қисмдан иборат «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим»,

<sup>1</sup> Қаранг: Қосимов Б. Абдулла Авлоний. Т., 1979; Қосимов Б. Излай-излай топганим. Т., 1983; Қосимов Б. Долимов У. Маърифат дарғалари. Т., 1990; Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1992.; Усон миллат. Т., 1993; Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси... 1-жилд, 73—74-бетлар.

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний. Усон миллат. Т., «Шарқ», 1993, 8-бет.



Абдулла Авлоний.

«Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби дарсликлар ва ўқиш китобини яратади. Мактаб-маориф ишларига кўмак кўрсатувчи «Жамияти хайрия» ташкил этади. «Нашриёт» ширкати тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» китоб дўконини очади.

У 1913 йилда ташкил этилган профессионал «Турон» номли театри тўгарагининг ташкилотчиларидандир. Бу тўгарак кейинчалик Ҳамза томонидан ташкил этилган труппа билан қўшилиб ҳозирги бош драма театри Ҳамза номи-

даги ҳозирги миллий давлат академик театрига асос бўлди. Авлоний тўгарагидан кейинчалик маданият арбоблари бўлиб танилган Низомиддин Хўжаев, Фулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Шамсиддин Шарофиддинов (Хуршид), Маннон Уйғур сингари улуғ шахслар етишиб чиқдилар. Улар жадид ёзувчилари: Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳамза, Абдулла Қодирий асарларини саҳналаштирар ва асосий ролларни ўзлари ўйнар эдилар. 1916 йилда озарбайжонлик машҳур актёр Сидқий Руҳилло Тошкентга келиб «Турон» труппаси билан бирга «Лайли ва Мажнун» спектаклини саҳналаштиради. Абдулла Авлоний бу спектаклда Қайснинг отаси ролини ижро этади. Айна чоқда Авлоний ўз театри учун «Пинак»(1915), «Адвокатлик осонми?» (1916) каби саҳна асарлари ёзиб беради ва уларни саҳналаштиради. Бундан ташқари у татар ва озарбайжон жадид ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима ҳам қилган.

Абдулла Авлоний миллат ва юрт қайғуси билан, мамлакат истиқболи ва равнақи эзгу нияти билан яшади ва у билан нафас олди, ўз асарларида уни куйлаб тараннум этди. Бу борада Авлонийнинг қуйидаги сўзлари ғоятда ибратлидур ва худди бугунги кунда бизни уйлаб айтилган сўзларга ўхшайди: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиё-

тидур. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмакдур... Ёху, бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук! Яхши кўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир, демишлар. Боболаримизга етишгон ва яратган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва ахтарсак, йўқотганларни ҳам топамиз. Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди, деб Европа қалпоғини киюб, кулгу бўлмак зўр айб ва уётдур»<sup>1</sup>.

Абдулла Авлоний барча жаҳолатликлар, қоронғуликлар ва нодонликларнинг, миллатнинг ўзлигини англамаслигининг асосида маърифатсизлик ётишини яхши кўраолди ва у авлодларга, фарзандларга, ўғил-қизларга панду-насиҳатлар қилиб мактабга бориш, ўқиш, ўрганиш, илм олишга даъват этади. У бир шеърида:

Мактаб дуру гавҳар сочар,  
Мактаб сизга жаннат очар.  
Мактаб жаҳолатдан қочар,  
Файрат қулуб ўқинг, ўғлон!  
Мактаб сизни инсон қилур,  
Мактаб ҳаё эҳсон қилур,  
Файрат қилиб ўқинг, ўғлон!  
Мактаб ўқувни кўрсатур,  
Мактаб ёзувни кўрсатур,  
Мактаб юқудан уйқотур,  
Файрат қилиб ўқинг, ўғлон!  
Мактабдадур илму камол,  
Мактабдадур ҳусни жамол.  
Мактабдадур миллий хаёл,  
Файрат қилиб ўқинг, ўғлон!

деб ёш авлодга мурожаат қилса, 1916 йилда ёзган «Мактаб» шеърида қуйидаги мисраларни битади:

Кимки ўқумас мактаб, кирмас—қарамас мактаб,  
Қилғай бу кишилардан фарёду фиғон мактаб.  
Жоним, ўқунгиз мактаб, бору йўқингиз мактаб,  
Сизлар учун авлодим, боғи гулистон мактаб.  
Манбаидур фан мактаб, энг яхши чаман мактаб,  
Ахлоқу одобсизга олмоқлиги кон мактаб.  
Гулдастаи гул мактаб, сунбулу жанбул мактаб,  
Булбул каби толибга гулзори жаҳон мактаб.  
Миллий уйимиз мактаб, тўну тўйимиз мактаб,  
Таълим уйидур, Ҳижрон, энг яхши макон мактаб.

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Усон миллат, 7-бет.



Жадидлар ва рус демократлари йиғилиши.  
Андижон, 1916 йил, август.

Хуллас, Абдулла Авлоний жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили сифатида XX аср бошларидаги миллий уйғонишга муносиб ҳисса қўшди.

Давр ва замон нафаси ҳозиржавоб маърифатпарвар ва демократик шоирлардан бири **Ҳамза (1889—1929)**дир.

Ҳамза мадрасада ўқишни ташлаб жадидчилик ғоялари таъсирида ўз ташаббуси билан Марғилон, Қўқон ва бошқа шаҳарларда меҳнаткашлар болалари учун янги-ча усулда мактаблар очади ва уларни бепул ўқитади. Аммо ҳар сафар ҳоким ва тўраларнинг қаршилигига дуч келаверади. «1914 йилнинг охирларида... Марғилонда мактаб очдим. Саккизинчи ойгача бормаи Андреев исминдаги Скобел маориф раҳбари томонидан мажбурий ёпилди...» («Таржимой ҳол»). Яна унда ёзади: «Ундан яна Ҳўқанд келиб,... Йўқсул болалар учун пулсиз ўқитиш мактаби очдим... ўзим 4 ойча давом эттиргандан кейин, уезд начальниги Мединский томонидан тинтув бўлиб, ёпилди. Лекин ҳеч бир қандай қоғозларим қўлига тушмагани учун қамалмай қутулдум».

Ҳамза 1909 йилда Бухорога ва сўнгра Тошкентга борган кезларида маҳаллий халқлар орасида бошланган ижтимоий-сиёсий ишларга, «Миллий анжуманлар»га фаол қатнашади ва миллий истиқлол учун курашга тортилади.

Ҳамза буюк ижодкор сифатида ёзиб қолдирган шеърий, прозаик ва драматик асарларида меҳнаткаш оддий халқ оммасининг интилиш ва қизиқишларини, уларнинг ҳақсизлик, адолатсизлик ва хўрликка қарши ҳаққоният учун курашларини акс эттиради. Ҳамзадан қолган «Девон»га шоирнинг 1905—1914 йилларда ёзилган 177 шеърий асарлари, шу жумладан, 150 газал, 27 мураббаъ, мухаммас ва мусаддаслар киритилган. Бу асарларнинг барчасида Ҳамза «Ниҳоний» («Яширин») тахаллусини қўллаган. Девонга киритилган 12 асар форстожик тилида ёзилган. Ҳамза поэзиясида олижаноб инсоний фазилатлар, соф севги-муҳаббат, халққа, миллатга садоқат улуғланади, маърифат, маданиятга давват куйланади. Бу борада Ҳамзанинг «Йиғла Туркистон» шеъридаги қуйидаги сатрлар ибратлидир:

Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла Туркистон,  
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.  
Қўл ушлашинг, бирлашинг эмди, Туркистон,  
Маърифатни хушлашинг келмай тобустон.  
Киналарни ташлашинг, битсун жаҳлистон,  
Тараққийга бошлашинг, ўлсун сидкистон.  
Мактаб очинг, баёнлар, бўлинг ҳимматли,  
Бўлсун ўқуб сибёнлар олий ғайратли,  
Шояд бўлсун миллатга содиқ хизматли,  
Бу кўнгуллар қувонсун қолмай ҳасратли.  
Дариг тутманг илм учун кетса молу жон,  
Ўқув фарзлиги минг йил Қуръонда фармон,  
Маърифатсиз топулмас аҳкоми имон,  
Илмсизга айтулмас комил мусулмон.

Ҳамза ижодий дунёқарашининг шаклланишида унинг 1911 йилда Афғонистон, Ҳиндистон, Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Шом, Байрут, Истамбул каби хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга қилган сафари катта роль ўйнайди.

Маорифни тарқатиш, халқни илмли ва маърифатли қилиш Ҳамза дунёқарашининг марказида туради. У бир эмас, учта дарслик яратди: «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» ва «Қироат китоби» (1914—1915). Шеърий шаклдаги китобларида у маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этса, насрда халқнинг энг яхши ақидаларини—меҳнатсеварлик, ростгўйлик, биродарлик ва зулмга нафратни ёшлар онгига сингдиради.

Ҳамза маърифатнинг ҳаётдаги ўрнини ўзининг 1916



йилда ёзган «Заҳарли ҳаёт» драмасида янада бўрттириброқ талқин этади. Асар бош қаҳрамони аёл киши (Марямхон) бўлиб, у ўз севгилиси ва севгувчиси Маҳмудхонни ҳақиқат ва адолат йўлига, яъни маърифат ва бахтиёрлик йўлига бошлайди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг 1915—1917 йилларда бостириб чиқарган олти ашулалар тўпламини «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» деб аталган умумий сарлавҳа остида эълон қилади. «Оқ гул», «Қизил гул», «Яшил гул», «Сариқ гул», «Пушти гул» ва «Сафсар гул» номлари билан эълон қилинган мазмунан бир-бирига яқин бўлган бу асарларнинг барчасига шоирнинг «Ухлама, ўзбек эли, асри тараққий вақтида» мисраси эпиграф бўлиб хизмат қилади.

Ҳамза чор Россиясининг мустамлакачилик ва салтанатчилик сиёсатини кескин қоралайди. Айниқса у Биринчи жаҳон уруши муносабати билан Россиянинг Туркистон халқларига нисбатан ўтказган зўравонлик, талончилик сиёсатини лаънатлайди.

Чор Россиясининг фронт орқаси учун ерли аҳолини мардикорликка сафарбар қилиш ҳақидаги 1916 йил 25 июндаги фармони шоирнинг мустамлакачиларга нисбатан нафрат ва ғазабини кўзғотади. Ҳамзанинг «Сафсар гул» тўпламига кирган шеърларининг ҳаммаси «мардикорлар»нинг оғир кечинмалари ва қисматларини акс эттиради.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бахтли истиқболга, озод келажакка ишонч, эътиқод умиди билан яшади. Буни биз шоирнинг «Сафсар гул» тўпламига кирган деярли ҳар шеърида, «Қачон озод бўлур, танграм, бошимиз» нидоси билан бир қаторда,

Сувлар кетар, тош қолур,  
Кулфат кетар, бош қолур.  
Боболардан бир сўз бор:  
Ўсма кетар, кош қолар.

каби сатрларда очиқ-ойдин кўришимиз мумкин.

Ҳамза ҳам ўз даврининг фарзанди эди. Шу боис у ҳам оғир ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Бундай зиддиятли ва қарама-қаршиликларга бой Ҳамзанинг ҳаёти йўли бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашаётган ҳар бир фуқаро, онгли зиёли учун ҳаёт мактаби йўлидир.

**Абдурауф Фитрат**  
**(1886—1938)**<sup>1</sup> жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан биридир. У ҳали 1909—1913 йилларда ўқишни Истанбулда давом эттириб юрган кезларида, Ф.Хўжаевнинг берган маълумотига кўра, ҳамюртлари билан биргаликда «Бухоро таълими (умумий) маориф жамияти»ни тузган. Бу жамият бухороликларнинг ўзаро моддий-маънавий уюшмаси вазифасини бажарган.



Абдурауф Фитрат.

Бу даврда Туркия «Ёш турклар» инқилобидан маст даврни ўз бошидан кечирарди. Туркиядаги бундай инқилобий муҳит албатта ёш Фитратга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. У сиёсат майдонига шўнғиб кетди. Бу ерда Фитрат Шарқ адабиёти, санъати, тарихини чуқур ва атрофлича ўрганadi. Илғор тараққийпарвар турк адабиёти вакиллари, турк адабиёти орқали эса Ғарб адабиёти билан яқиндан танишadi. Ғарб ва Шарқ халқлари маданияти, адабиётлари ўртасидаги фарқларни ўз кўзи билан кўради, унинг сабабларини теранроқ англайди.

Фитрат адабиётга шоир ва адабиётшунос сифатида кириб келди. Кўп ўтмай ўзини драматургия ва прозада ҳам синаб кўрди. У «Мунозара» (дастлабки номи «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадид хусусида қилган мунозараси») асарини Туркияга боришидан олдин, 1905—1907 йилларда яратган. «Сайҳа», «Сайёҳи ҳинди», «Раҳбари нажот», «Тарихи Ислом» асарларини эса Туркияда таҳсил пайтида ёзган ва «Мунозара» 1908 йилда, «Сайҳа» 1910 йилда, «Сайёҳи ҳинди» 1913 йилда Истанбулда босилиб чиққан. «Раҳбари нажот» ва

<sup>1</sup> Рашидова Д. Жадидларнинг меросида мусиқа (А.Фитратнинг ижодига оид маълумотлар.) Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш... 128—145-бетлар; *Файзулла Қилчиев*. Мустақилликнинг фожиали йўли. «Шарқ юлдузи», 1992, 7-сон ва *Ҳамидулла Болтабоевнинг* қатор асар ва мақолаларида А.Фитрат фаолияти акс эттирилган.

«Оила» 1915—1916 йилларда Бокуда нашр қилинган. Бу асарлар ўша даврдаёқ халқ орасида кенг тарқалди. Бошқа тилларга ҳам ўгирилди. Масалан, «Мунозара» 1909—1914 йиллар орасида турк, озарбойжон тилларида, «Сайёҳи ҳинди» рус тилида чоп этилган. «Раҳбари нажот»ни эса дўсти, шоир ва ношир Абдулвоҳид Бурҳонов Санкт-Петербургда нашрдан чиқарган. Булардан ташқари, унинг «Мавлуди Шариф», «Або Муслим», «Бегижон» асарлари ва дастлабки шеърлари «Ойна», «Тараққий», «Садои Туркистон», «Турон», «Ҳуррият», «Бухорои Шариф» каби газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинган.

Фитрат Бухоро жадидчиларининг ташкилотчиларидан бири сифатида халқни маърифат ва маданиятдан баҳраманд қилиш учун астойдил курашади. Лекин бу ҳаракат шароитга қараб турли ерда турлича содир бўлади. Жумладан, 1915—1916 йилларга қадар бухоролик жадидлар яқдил ва ягона жабҳа бўлиб иш олиб борган бўлсалар, кейинчалик улар иккига бўлиниб кетадилар. Жадидларнинг бир қисми (Абдулвоҳид Бурҳонов бошчилигида) эски тарзда фақат маданият тарқатиш йўлини туган бўлса, уларнинг яна бир бошқа бўлаги Фитрат, Файзулла Хўжаев каби чет элларда ўқиб келган ёшлар омма ўртасида маърифат ва маданият тарқатиш билан бирга амирга қарши курашни ҳам ёқлаб чиқади-лар. Бу гуруҳ тарихда «Ёш бухороликлар» деган номни олди. Бундай бўлинишнинг асосий сабаблари, **биринчидан**, Туркистон ўлкаси, шу жумладан, Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг огирлиги, рус подшоши ва амирликнинг икки ёқлама зулмкорлик сиёсати, **иккинчидан**, большевойларнинг маҳаллий халқ ўртасида юргизган ташвиқот ва тарғиботлари таъсирга ишонувчанлик ва ниҳоят, **учинчидан**, маҳаллий халқ вакилларининг сиёсий қоронғуликда сақланганлиги, уларнинг ғоявий-назарий савиясининг етарли даражада ривожланмаганлигидир.

Фитрат ўз она диёрини озод ва ҳур кўришни орзу қилади. Ўз ниятлари, эзгу армонларини амалга оширишда ожизлик қилган Абдурауф Фитрат улуг бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурлар сингари миллат фидойиларини кўмсайди. У «Темур сағанаси» драмасида ўз қаҳрамони тилидан Амир Темурга мурожаат қилади: «Хоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган,

булбуллари учирилган Туроннинг бир қоровули сенга арз этарга келди».

Бундай мурожаат Фитратнинг бошқа асарлари мазмунига ҳам сингиб кетган. Улардаги асосий ғоя—она юртни, Ватанни улуғлаш, халқ, миллатнинг озодлиги ва эркинлигидир. Зеро, маърифатга интилган инсон учун, айниқса шоир учун, бир томондан, амир истибдоди, иккинчи томондан, чор мустамлакаси зулми остида эзилган халқни, топталган юртни озод кўришдан ҳам улуғ ният бўлиши мумкинми? У «Сайҳа» тўпламига кирган «Менинг Ватаним» шеърида бундай деб ёзади:

«Ватан, у менинг жоним таним, саждагоҳимдир.

У менинг тўлин ойим, тинч омонлигим, иззатим-шарафим.  
Қаъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир».

Ёки бошқа бир шеърида:

«Йиғла бир оз, ўқсизланган тилагим,  
мен ҳам сендай бахтсизликка туғилдим»,

деб юрт тақдиридан куюнади.

Фитрат ана шундай илғор ғоя ва фикрлар учун кўпчилик жадидлар қаторида шаккоклик, исёнкорликда айбланди. Чор маъмурлари эса уни мустамлакачиликка қарши турганликда айбладилар, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган қизил салтанат даврида эса миллатчиликда, пантуркизм ғояси тарафдори, «халқ душмани» деган уйдирма тамга билан айбладилар. Профессор Ҳ.Ёқубовнинг ҳикоя қилишича, Фитратни 1937 йилгача унинг яқин дўсти Файзулла Хўжаев ўз ҳимоясига олиб келган. Қатағон йилларида кўпчилик қатори Фитрат ҳам қамоққа олинган.

Туркистоннинг миллий шоири, Андижонда жадидчиликка асос солган **Чўлпон (1898—1938)**<sup>1</sup> шаҳарда «Турон кутубхонаси» ва унинг ёнида катта бир қироатхона ташкил қилган.

Хорижий манбалардан бирида шундай ёзилган: «Кенг маъруза зали бўлган бу қироатхонанинг бошқарув ҳайъатига Туркистон Миллий бирлигининг Андижондаги вакиллари Ҳусанхўжа Ниёзий, Усмоҳон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, Зоҳирий Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулҳай Маҳсумлар сайландилар. Қироатхона мактаб вазифасини бажарар эди. Ҳар оқшом турк усмоний зобитлари кундалик масалалар, маданий-сиёсий ва тарихий мавзуларда маърузалар қиладилар».

<sup>1</sup> Каримов Наим. Истиқдолни уйғотган шоир. Т., «Маънавият», 2000.

Чўлпоннинг очик ифодаланган, гўзал туркча, тоза услуб билан битилган даъваткор, исёнкор шеърларида Россия мустамлакачиларини аёвсиз қораловчи, Туркистон истиқлолини мадҳ этувчи шеърлари ўлка аҳолисининг миллий ҳис-туйғусини, миллий ўзлигини уйғотганди. Унинг «Исён» номли мана бу шеърида шундай дейилган:

Эй, сен мени ҳақир кўрган, тубан кўрган афанди.  
 Эй, устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган  
 Эй, бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган  
 Кўзларимни заҳарлатиб ўйнамагил, бас энди...  
 Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким узилур,  
 Томиримда кўзголишнинг ваҳший қони кўпирди.  
 Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди.  
 Ё битарман, ёки сенинг салтанатинг бузилур,  
 Эй, сен мени қул ўрнида ишлатувчи афанди  
 Титра, кўрққин боғлиқ қўлин бош кўтарган куч инди.

Жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашиб Туркистон миллий истиқлоли учун курашган халқимизнинг ажойиб фарзандлари Саидахмад Сиддиқий Ажзий (1864—1927), Каримбек Шарифбек ўғли Комий (1865—1922), Тавалло (1883—1959), Исҳоқхон Ибрат (1862—1937), Хислат (1880—1945) ва бошқалар ҳам ўзларидан сўнг бой ижодий мерос қолдирганлар. Ана шу улуг зотлар орасида



Тавалло (Тўлаган Хўжамёров)

ўзининг бетакрор ва ибратомуз ижоди билан **Тавалло** алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ижодида жадидчилик ҳаракати ва адабиётининг таъсири кучли бўлди. Шoirнинг 1913 йилда «Баёз», 1917 йилда «Равнақул ислом» тўпламлари босмадан чиққан. Тавалло асарлари асосан Ватанни севишга, ардоқлашга, халқни, миллатни ҳурматлашга, илм-маърифатни, санъатни севишга даъват этади. У яшаган ўз давридаги халқ, миллат ҳолига ачинади, дардли алам чекади, сасидан ўт чақнайди:

Фалак бизга хабар бер, не учун безътибор этдинг?  
Жаҳонда жумла миллат ичра бизни шармисор этдинг.  
Ҳаловат бошқа миллат топди ирфон сунбулин эсан,  
Ҳарорат хорини санчиб, бизни кўп зулдор этдинг.  
Саодат тоғина қўйди қадамни ўзга миллатлар  
Сафолат кўчасида бизларни чун хокисор этдинг.

Шоир миллат ва халқнинг жаҳон тараққиётидан орқада қолганлиги, зулм остида эзилиши марказида илм-сизлик, маърифатсизлик ва жаҳолат ётганлигини кўради, лоқайдлик, эътиборсизликдан нола қилади.

Тавалло «Оламга бир назар» шеърисида халқ орасидаги илм-маърифатга тўсқинлик қилаётган чиркин иллат, ноинсоний урф-одатларни аёвсиз фош қилади ва халқни илғор, тараққий этган мамлакатлардан ўрнак олишга чорлайди.

Тавалло халқни маърифатга чорлаб «Сўқ тараққий» шеърисида ғафлат ва лоқайдликни тарк этишга даъват қилади:

Тур, эй миллат, қўй эмди, чиқ буён уйқу канориндан,  
Кўзинг оч, ибрат ол, сен ўзга миллат кору бориндан.  
Жаҳолат чодирига буркалиб ётмоқни тарк айла,  
Юр эмди, қолма шунда ўзга миллатлар қаториндан.

Шоир ўзининг «Туркистон вилоятининг газети»да босилган «Ибрат олмоқни вақту етмадиму?» мақоласида яна юқоридаги муаммоларни оддий халқ тилида ривожлантиради: «... Телеграмм (телеграф), телефон, айроплан, грамофон ва гайри шунга ўхшаш қуввати билан ишлайдиган нарсаларни инсон ақли ила бунёд этиб, вужудга келтирадими ёки ўз-ўзидан пайдо бўладими, албатта йўқ, ҳаммаси илм туфайли ва ҳунардандур. Бас, шундоғ бўлгандан кейин нима учун бизлар илмдан безормиз. Бошқа миллатлар қанча илмга рағбат этсалар, бизлар ҳамон қочамиз». Хуллас, шоир Тавалло илгари сурган ажойиб ғоя ва чақириқлар бугунги кунда ҳам долзарб муаммо сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

XX аср бошларида Туркистондаги демократик ҳаракатларнинг олдинги сафларида ўзбек хотин-қизларининг вакиллари ҳам фаол қатнашганлар. Булар орасида **Нозимахоним (1869—1924)** алоҳида ўринга эгадир.

Нозимахоним ўзбек маърифатпарвар, демократ шоираси. У араб, форс, озарбайжон, татар ва рус тилларини яхши билган. У 1900 йиллардан бошлаб шеър ва публицистик мақолалари билан матбуотда кўрина бош-

лайди. 20 ёшларга кирганда «Бешёғочлик Нозимахоним» номи билан халқ ўртасида шуҳрат топади. Нозимахоним «Туркистон вилоятининг газети», «Осиё», «Шуҳрат», «Садои Туркистон» каби газеталар ва «Ойна» журналида ўз асарларини чоп эттиради. Шоира шеърларида Шарқ аёлларининг ҳаёти ва қисматини кенг қамровли, бир тарзда куйлайди. Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг иштирок эта олмаётганлигидан афсусланади, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситган ва поймол қилган тузумни, жамиятни, унинг ҳоқим хўжайинларини лаънатлайди. Шоира аёлларнинг илмли, маърифатли бўлишларига катта аҳамият бериб, уларни бидъат ва ғафлат уйқусидан уйғотишга чақиради, ўзга миллат аёлларидан намуна олишга даъват этади:

Боқингим, ўзга миллат қизлари на ерларга етмуш,  
Ўқуб илму хунарларни, ки ҳикмат сирини билмуш,  
Билиб, ўз эътиборин ҳам ҳуқуқини таниб олмуш,  
Асрлар элтгон бидъат уйқусидан уйғонинг!

Нозимахоним фақат ўз шахсий манфаати, қуруқ обрў-эътиборини ўйлаган, миллат, халқ тақдири ва тараққиётига эътиборсиз, лоқайд, тўй-томоша, айшу-ишрат, қимор ва дабдабага муккасидан кетган, маърифатдан беҳабар бойлар, тўраларни аёвсиз танқид қилади. «Минг таассуф» шеърисида у қуйидаги сатрларни битади:

Минг таассуф, ажаб замон ўлди,  
Яхши ким эрса, ул ёмон ўлди.  
Ҳар маҳалла ичида тўрт самовар,  
Неча нодон чиқиб қимор ўйнар.  
Баъзиси маст эшак каби ҳанграр,  
Ҳолимизни кўриб кулар ағёр.  
Дилки миллат ғамида қон ўлди.  
Кори беҳудалар аён ўлди.

Нозимахоним ўзбек аёлларидан етишиб чиққан биринчи публицист журналистдир. У турли тилларни билиш муҳим алоқа воситаси сифатида инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Хулоса шуки, рус мустамлакачилари Туркистон замини узра ўз ҳукмронликларини ўтказган кезларда юртининг жонкуяр, миллатсевар, эрксевар фарзандлари жадидлар ҳаракати таъсирида миллий истиқлол учун, мустақил Туркистон учун, эксплуатация, зўрлик ва зўравонликка қарши халқни отлантирадилар. Фақат ўлкада сўнгги асрлар давомида ишлаб чиқарувчи кучлар ва

тараққиётнинг орқада қолганлиги оқибатида халқ ом-масининг ижтимоий-сиёсий, гоъвий-назарий савияси ҳам етарли даражада давр талабига монанд бўлмаган-лигидан бу кураш бирлашган катта куч сифатида му-ваффақият қозона олмайди. Сиёсий-ижтимоий тарқоқ-лик, «Ўзингни бил, ўзгани кўй» кайфияти миллий кай-фиятга, миллий бирликка путур етказди.

Жадидлар ўзлари ташкил этган матбуотда ўз гоъ-фикрларини эълон қилиб, халқ орасида кенг маъри-фатчилик ишларини олиб бориб халқни «ҳар вақт гаф-лат уйқусидан ўйготувчи», «миллат онгининг очқичи» эканлигини намоён этиб ўлка аҳолисини ҳур фикр-лашга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди. Бу давр-да «Эрк», «Турон», «Маориф ҳаваскорлари», «Тарақ-қийпарварлар», «Ўқитувчилар жамияти» каби уюшма-лар пайдо бўлди. Мунавварқори айтганидек, «Уларнинг бутун умиди Россиядаги инқилоб жараёнида маҳаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабрлашдан озод қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини европаликлар би-лан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот иш-лари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди».

Жадидлар бу даврда «озодлик, тенглик ва адолат» шиори остида ишладилар. Уларнинг 1916 йил марди-корликка олиш воқеасига муносабати гоъятда эътибор-га моликдир. Жадидларнинг мардикорларни қайтариш-га уринишлари 1917 йил февраль инқилоби бошлани-ши билан тўла амалга ошди. Бу ҳодиса эл орасида уларнинг обрўсини кўтарди. Мазкур ҳолат жадидлар маърифатпарварликдан сиёсий курашга аллақачон ўтганликларини билдирар эди<sup>1</sup>.

#### 4. 1916 йилги кўзғолон<sup>2</sup>

1916 йил 25 июнда рус императори Николай II нинг «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳара-катдаги армия районида мудофаа иншоатлари ва ҳар-бий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган иш-

<sup>1</sup> Аҳмедов Сирожиддин, Ражабов Қаҳрамон. Жадидчилик. Ўзбекистон Мил-лий Энциклопедияси. 3-жилд. Т., 2002 йил, 519—523-бетлар.

<sup>2</sup> Ушбу мавзу «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» (412—424-бетлар); Ҳ.Зиёевнинг «Тур-кистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш» (Т., «Шарқ», 1998, 400—431-бетлар) китобларида янгича талқин этилган.



ларга, шунингдек, давлат мудрофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш» ҳақидаги фармони яра устига чиққан бамисоли чипқоннинг ўзи бўлди. Фармонга биноан, Туркистон ўлкасидаги рус бўлмаган 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган жами 250 минг эркакни фронт орқасидаги ишларга сафарбар қилиш кўзда тутилган эди. Лекин фармонни бундай тарзда Туркистон ўлкасига мутлақо татбиқ этиб бўлмаслигини тажрибали подшо амалдори, собиқ ҳарбий вазир А.Н.Куропаткин ҳам тушунган эди. У вазир ёрдамчиси генерал Фроловга Россияда икки йилдан бери давом этиб, ниҳояси кўринмаган бу тадбирни, яъни урушга 19—43 ёшли аҳолини сафарбар қилиш масаласи ҳал бўлмаган ҳолда уни чекка ўлкаларга тадбиқ этиш ноўринлигини кўрсатган эди<sup>1</sup>.

Фармонга кўра, Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга 88 минг, Фарғонага 50 минг мардикор юбориш вазифаси юклатилди. Подшонинг ўша фармони ҳақидаги бу шум хабар яшин тезлигида бутун Туркистон ўлкасига тарқалди ва азоб-уқубатлардан бағри қон, аламзада Туркистон меҳнаткашларини ларзага солди. Мустамлака маъмурияти кўпроқ камбағалларнинг фарзандларини олишни режалаштирган эди. Мардикорликка олиш рўйхатларини тузиш волость бошқарувчилари, оқсоқоллар ва элликбошиларга юклатилган эди. Улар бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. Маҳаллий маъмурлар катта поралар эвазига бойлар ва амалдор тўраларнинг фарзандларини сафарбарликдан қолдирар, кўпроқ камбағал оилаларнинг фарзандларини рўйхатга қўшиб қўяр эдилар. Бундан ташқари мустамлакачи маъмурлар ижозати билан бойлар ва амалдорлар ўз ўғиллари ўрнига мардикорликка бошқа кишиларни ёллашлари ҳам мумкин эди. Бундай ноҳақлик, адолатсизлик ва фирибгарлик бусиз ҳам бири икки бўлмай, ночор ҳаёт кечираётган чорасиз халқ оммасининг сабр-қосасини тошириб юборди, улар бош кўтаришга мажбур бўлдилар. Ана шу тариқа Туркистонда тарихда Жиззах қўзғолони номи билан маълум бўлган умумхалқ қўзғолони содир бўлди. Дастлаб қўзғолон Самарқанд вилоятининг Хўжанд шаҳрида 1916 йил 4 июлда бошланади. Бу ерда тўпланган 6—7 минглар чамаси оломон полиция идорасини қуршаб олади ва

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 416-бет.

мардикорликка бормасликларини изҳор қилади. Қўзғолончиларнинг олдинги сафларида Абдумадаминов, Дадабой Машарипов, Яҳёхон Қори Олимхонов, Эшонхон Мирза Уринов каби халқ вакиллари борадилар. Қўзғолончилар сафида аёллар ва болалар ҳам бор эди. Полиция қўзғолончиларни ўққа тутади. Уч киши ўлдирилади, тўрт киши ярадор қилинади. Бу хабар тез орада бутун Самарқанд вилоятига ва бошқа ҳудудларга ҳам тарқаб кетади. Жумладан, 7 июлда Хўжанд воқеасидан хабар топган Самарқанд вилоятининг Даҳбед қишлоғида қўзғолон кўтарилади. Бир неча минг киши қатнашган бу қўзғолонга мулла Усмон Абдурасулов, Гадоё Абдуқодиров, Холмўмин Холмуродов, Азизқул Муродов, Мухтор Ҳафизов сингари халқ фидойилари бошчилик қиладилар. Қўзғолончилар бўлим бошқарувчисининг мирзаси Қобуловни ўлдирадилар. Қўзғолон қатнашчиларидан Усмон Абдурасулов бошчилигида 30 киши ҳибсга олинади ва турмага ташланади. Қўзғолоннинг асосий маркази Жиззах шаҳри ва уезди эди. Қўзғолон кўтарган Жиззах халқи чор маъмурларининг камситувчиликдан иборат мустамлакачилик сиёсатига қарши курашга отланидилар. Подшо фармонига кўра Жиззах вилояти бўйича 10531 киши мардикорликка сафарбар этилиши керак эди. Шу жумладан, Жиззах шаҳридан 655 киши, Зомин волости бўйича 731 киши, Сангзор волостидан 2891 киши, Синтоб волостидан 508 киши, Боғдод волости бўйича 2311 киши<sup>1</sup> фронт орқасидаги ишларга олиниши кўрсатилади. Аммо подшонинг сафарбарлик бўйича тадбирлари меҳнаткаш халқ томонидан қўллаб-қувватланмади, аксинча, омманинг қаҳру-ғазаби ва нафрати кучайиб оммавий қўзғолонга айланиб кетди. Бу қўзғолон давомида ўзининг бутун қалби-вужудини меҳнаткаш халқ бахтига бахшида этган ҳақиқий қаҳрамонлар етишиб чиқадилар. Назирхўжа Абдусаломов, Мулла Маҳаммад Раҳим, Зиёқори Абдуллаев, Мамашариф Хусанов, М. Ўринхўжаев, Мусабек Тўрабеков, Абдулла Очиллов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шўролар ҳокимияти йилларида лаганбардор тарихчилар Жиззах қўзғолонининг асл моҳиятини сохталаштириб, бузиб талқин қилдилар ва унга диний тус бер-

<sup>1</sup> Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихидан лавҳалар, 34-бет.

дилар<sup>1</sup>. Бу қўзғолоннинг миллий-озодлик характери ни хаспўшладилар. Холбуки, Жиззах қўзғолонини бостирган чор Россияси зобитларининг ўзлари бу қўзғолоннинг Россия ҳукуматига қарши қаратилганлигини ўз вақтида очиқ-ойдин тан олиб айтганлар. Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори Н.Ликошин берган ахборотда жумладан қуйидагиларни ўқиймиз: «Норозилик ҳаракати кўтарила борди, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ур-йиқитлар ва ўлдиришлар содир бўлди. Маҳаллий амалдорларнинг тушунтиришлари ва огоҳлантиришлари халққа таъсир қилмади. Маъмурларнинг сўзларига халқнинг мутлақо ишончи қолмади, ниҳоят бу ҳаракат Россия ҳукуматига қарши очиқ қўзғолон тусини олди».

Чор Россиясининг Жиззах қўзғолонининг миллий мустамлакачилик зулмига қарши умумхалқ қўзғолони эканлигини тасдиқлайдиган қарашлари 1916 йилдаги бошқа расмий ҳужжатларда ҳам тан олинган. Жумладан, чор ҳукумати томонидан қўзғолончиларни жазолаш учун тузилган фавқулодда суд айбномаларининг бирида Жиззах волостидаги қўзғолон халқ ҳаракати эканлиги эътироф этилган. Ана шу айбномада баён қилинганидек, 12—13 июль кунлари Жиззах уезди Ём волости аҳолиси қўзғалиб, отлиқ ва яёв бўлиб, мустамлака маъмурлари, волость бошқарувчиси ва оқсоқолларга қарши шиддатли ҳужум бошлайди. Қирқ қишлоғида Карим Орзиқулов бошлиқ оломон эликбошилардан Норча ва Қулбекларни ўлдиришади. Қўзғолончиларнинг Турдибек Худойназаров бошчилигидаги 500 кишилик яна бир гуруҳи Чуқуртоққишлоқ оқсоқоли Мулла Маҳкамбой Мулла Рўзиқуловни тошбўрон қилиб ўлдиради. Зомин пристави Соболев қуролли қўзғолонни бостириш учун соқчилар ва таржимони билан Ём

<sup>1</sup> Масалан, 1960 йилда Москвада А.В.Пяковский, Т.А.Элионов, А.Г.Зима, О.К.Кулиев, Х.Т.Турсуновлар таҳририда нашр қилинган «Урта Осиё ва Қозғистондаги 1916 йил қўзғолони. Ҳужжатлар тўплами»да чор подшоши архивидан олинган 508 та эълон қилинмаган ҳужжат берилган. Аммо бу қўзғолоннинг туб моҳиятини очиқ берувчи бир қатор ҳужжатлар тўпламга атайин киритилмаган. Масалан, Самарқанд вилояти губернатори, генерал-майор Н.С.Ликошиннинг 1916 йил 20 сентябрдаги Самарқанд атрофидаги 50 қишлоқни ер билан яқсон қилиш учун берган ҳаммага маълум буйруғи, Ҳарбий трибуналнинг қўзғолон раҳбарларига қўйган айблари ва 1916 йил декабрда чиқарган ҳукми, қўзғолонга қарши амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг режалари, генерал-губернатор Куропаткиннинг қўзғолонни мажжақлаб ташлаш тўғрисидаги буйруғи ва қўзғолон авж олган жойларнинг харитаси каби ҳужжатлар тўпламга киритилмаган. Мазкур ҳужжатлар тўпламида Туркистон миллий буржуазияси подшо тоарафида турганлиги тўғрисидаги нотўғри фикр илгари сурилади. А.В.Пяковскийнинг бу тўпламга ёзган сўзбошиси ҳам деярли илмий аҳамиятга эга эмас. Аммо бу тўплам мазкур мавзунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

волостига келиб кўзғолон ташаббусчиларидан етти кишини, шу жумладан, Карим Орзиқулов билан Турдибек Худойназаровни кўлга тушириб, соқчилар ҳамда Ём волость бошқарувчиси Мулла Фозилов билан Зоминга жўнайди. Лекин улар йўлда 800 кишилик кўзғолончиларнинг ҳужумига дуч келади. Ём волостидаги сингари кўзғолон ҳаракатлари Янгиқўрғон, Зомин ва бошқа волостларда ҳам рўй беради.

Мана шундай энг оғир ва ҳал қилувчи дамларда маҳаллий ҳокимият вакиллари мустамлакачи чор маъмурларига ёрдам берганлар ва ўз миллатларининг манфаатларига хиёнат қилганлар. Буни қуйидаги далил ёрқин ифода этади. Жиззах шаҳри меҳнаткашларининг кўзғолонларидан ташвишга тушган Жиззах уезди ҳокими Рукин Эски шаҳар аҳолисининг бир қисмини катта масжидга тўплаб, агар улар ҳукуматга қаршилик кўрсатса, ҳамманинг мол-мулки мусодара қилиниб, уйлари яксон қилинажагини айтган. Маҳаллий маъмурият вакиллари Ақром тўра, Мухторхон тўра, Абдусамад Маҳсум ва бошқалар уезд бошлиғига таъзим қилиб, подшо фармонини тўла маъқуллаб, уни шубҳасиз бажариш ва халқ ҳаракатини бостиришда чор маъмурларига ёрдам кўрсатишга ваъда беришади. Мирзааҳмад тилмоч ҳокимнинг сўзини таржима қилади ва «Император аъзам жаноблари халқдан мардикорликка одам олишни буюрган. Император жанобларининг буйруқлари шарият қонунидан ҳам афзал, шунинг учун албатта бажарилиши керак», деб ялтоқланади.

Мустамлакачи ва маҳаллий маъмурларнинг ўзаро тил бириктириб халқ оммасига нисбатан ишлатган зўравонлик, дўқ-пўписа сиёсати меҳнаткашларнинг нафрат ва надоматини янада оширади. Меҳнаткаш халқ миллий зулм ва зўрликка қарши ёппасига кўзғолонга кўтарилади.

Ғазаби тўлиб тошган халқнинг эрк учун кураши ўз қаҳрамонларини яратди. Ўзбек шоири Фозил Йўлдош (1872—1955) нинг «Жиззах кўзғолони» достонида бу кўзғолон манзараси ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Фозил Йўлдош ўз достонини яратишдан олдин кўзғолоннинг бевосита қатнашчилари Абдулла Очиллов, Мамашариф Хусаинов, Шоди Аширматов, Мавлон Кенжаев, Урдуш Муқимов ва бошқалар билан шахсан учрашган ва улар билан суҳбатлар олиб борган эди. Достондаги Тоир чўлоқ, Курбон Оғажон полвон ва бош-

қалар тимсолида халқ қўзғолони қаҳрамонлари ва уларнинг жасоратлари ифодаланган. Шоир юксак бадий маҳорат билан халқ оммасининг чоризмга ва маҳаллий маъмурларга, бойлар ва амалдор тўраларга қаҳр-ғазаби ортиб бориб, очиқ қўзғолонга айланиб кетганлигини ёрқин сатрларда ифода этади:

Подшога қарши бўлайлик,  
Подшо кимдир, биз билмаймиз.  
Подшо ёрдамчисин топиб,  
Урра деб от қўяйлик,  
Ё олайлик, ё ўлайлик,  
Сира қайтманглар халойиқ.  
Меҳнаткашсан зулм ўтди,  
Суяклар ўртаниб кетди.  
Қаттиқ зулм ўтгандан сўнг,  
Шунча халқ қўзғолон қибди.

1916 йил 13 июлга келиб Жиззах қўзғолони кескин тус олади. Қўзғолон кўтарган оломон Эски шаҳар оқсоқоли Мирзайр Худоёрхоновни ўлдириб, янги шаҳар томон отланади.

Воқеаларнинг ривожланиб боришидан хабар топган уезд ҳокими полковник Рукин қўзғолонни бостириш учун қўшин чақиртиради. Жазо отрядининг келишини кутиб ўтирмасданок, Рукин пристав Зотоглов, таржимон Мирзаҳамдам Зокиржонов ва иккита соқчи йигит билан фойтонга ўтириб, Эски шаҳарга жўнайди ва йўлда қўзғолончиларга дуч келади. Уезд ҳокими қўшин келишига қадар қўзғолончилар билан музокара олиб боришга қарор қилади. Аммо оломон унинг гапини тинглашни истамайди. Атрофдан: «У алдайди, унга ишонманглар! Ур уларни!» деган хитоблар янграйди. Қўзғолончилар ёпирилиб келиб полковник Рукин ва унинг ҳамроҳларини дўппослаб ўлдирадилар. Фақат оқсоқол қочиб улгуради.

Қўзғолонни бостириш учун уезд ҳокимининг ёрдамчиси полковник Афанасьев ўз қўшини билан етиб келади. Оломон Афанасьев отрядини қуршаб олмоқчи бўлади. Аммо кетмон, белкурак, таёқ ва тошлар билан қуролланган қўзғолончилар ҳарбий қисмнинг ялпи ўқ узишига бардош беролмайди. Қўзғолончилардан 11 киши ҳалок бўлади.

Жиззах қўзғолони чор маъмурлари ва маҳаллий ҳоким тўраларни ваҳимага солади. Улар қўзғолонни қонга белаш ва бостириш мақсадида Тошкентдан ёрдам сўрай-

дилар. Тошкентдан тўплар ва пулемётлар билан қуролланган отряд Жиззахга етиб келгач, кўзғолон шафқатсизларча бостирилади. Жиззахнинг эски шаҳар қисмига ҳарбийлар ўт қўйиб, ер билан яксон қилади, ёшқари отиб, чопиб ташланади. Шаҳар аҳолиси қишлоқ ва овуллар томон қочадилар. Ҳарбийлар қишлоқ ва овулларга ҳам ҳужум уюштирадилар. Кўплаб деҳқонлар ва батракларни дорларга осадилар ёки отиб ўлдирадилар.

Жиззах кўзғолонида иштирок этган ва қамоққа олинганлар устидан шошилинич суратда ҳарбий дала судлари ташкил этилиб, тегишли чоралар кўрилади. Жумладан, Жиззах кўзғолонининг раҳбари Назирхўжа Абдусаломов бошчилигида 76 киши устидан 1916 йил 23 августда Закомольский раислигида ёпиқ ҳарбий суд мажлиси бўлади. Суд иши якунига кўра 32 киши отувга ҳукм қилинади. 1916 йил 10 сентябрда ҳукм ижро этилиб, Назирхўжа Абдусаломов, Жайноқ Абдурахмонов, Зиёқори Абдуллаев, Муҳаммадраҳим Абдурахимов ва бошқалар осиб ўлдирилади, кўплари Сибирга сургун қилинади.

Жиззах шаҳрида бошланган кўзғолон тез орада шаҳар атрофидаги Боғдон, Зомин, Сангзор, Янгиқўрғон, Ём, Равот, Қоратош, Усмаат ва бошқа волостларга ҳам ёйилиб кетади. Айниқса Абдурахмон Жевачи бошчилигида чор маъмурларининг мустамлакачилиги зулмига қарши бош кўтарган боғдонликларнинг жасоратлари ватан тарихида алоҳида ўрин тутаяди. У босқинчи мустамлакачиларга қарши фақат барча кучларни бирлаштириб кураш олиб борган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин деб ҳисоблайди. Шу мақсадда аҳоли ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш учун Янги қишлоққа ўғли Абдурахмон Жевачи, Қулва қишлоғига Жевачининг ўғли Қўнғирбой Қосимов, Зиёд Сариев, Бахтибой, Илончи қишлоғига Жойноқ Абдурасулов, Жўра Абдуғаппоров, Ётоқ қишлоғига Шакарбой Имомбоев, Нурак қишлоғига Зулфиқори Йўлдошевлар сафарбар қилинадилар. Абдурахмон Жевачи Жиззах воҳасида кўтарилган барча кўзғолон кучларини бирлаштириш мақсадини кўзлаб укаси Бобобек Абдужабборовни Жиззах шаҳрига Назирхўжа Абдусаломов ҳузурига юборади. Шундан сўнг Абдурахмон Жевачи уйида Назирхўжа Абдусаломов, Муҳаммадраҳим Абдурахимов ва бошқалар тўпланишиб мажлис ўтказадилар. Унда кўзғолонни ташкилий жиҳатдан тайёрлаш, Жиз-

зах кўзғолонига амалий ёрдам бериш, рус истилочи кўшинларига қарши биргалашиб курашиш ва Туркистон ўлкаси мустақиллигини таъминлаш каби масалалар кўрилади.

13 июль кунининг иккинчи ярмида Боғдонга Жиззахда кўзғолон бошланганлиги ҳақида хабар келади. Абдурахмон Жевачи кўрсатмаси асосида барча қишлоқларга вакиллар жўнатилади ва улар жиззахликларни қўллаб-қувватлайдилар. Биринчилар қаторида янгиқишлоқликлар кетмон, болта, паншаха, таёқ ва калтаклар билан қуролланиб «Мардикорликка бормаймиз!» «Мардикорликка бойларнинг фарзандлари борсин!», «Мардикорликка одам олиш рўйхати тўхтатилмаса ғалаён кўтаришни давом эттирамиз!», «Оқ подшо аскарларига қарши курашни давом эттирамиз!» деган ғала-ғовирлар, бақириқ-чақириқлар билан миршаблар маҳкамаси томон юрадилар. Боғдон миршаблар маҳкамасининг бошлиғи Борилланинг кўзғолонни қонга ботириш тўғрисидаги дўқ-пўписаси ҳам кўзғолончиларнинг шаштини қайтара олмайди. Боғдонда бошланган кўзғолон 14 июлда бутун Фориш, Синтоб бекликларига тарқалади.

Кўзғолон маркази Шотолиб қишлоғида эди. Ҳайитбой Ҳайдаровнинг «Жиззах тарихидан лавҳалар» рисоласида ҳикоя қилинишича, бу кўзғолонга Абдурахмон Жевачининг барча қавм-қариндошлари фаол қатнашган. «Ўзбекистон Давлат архивида сақланаётган ҳужжатларда ёзилишича, Боғдонда бошланган кўзғолонда Мулла Давил, Сорабек, Достон ва бошқа фарзандлари, укаси Бобобек Абдужабборов, шунингдек, Исмоил Аллаев, Иброҳим Аллаев, Умар Имомов, Умар Абдурасулов, Қобул Каттабеков, Қуроқбой Қўймуродов, Эргаш Абдусатторов, Умар Ризақулов, Жўра Раҳмонқулов, Мурод Сўфиев, Янгиқишлоқда Жулдирбой Давронбоев, Омон Иброҳимов, Умар Турсунқулов, Жўра Раимов, Юсуф Аҳмедов, Оқбулоқдан мулла Қулбой Соипов, Фориш беклигининг Учма қишлоғидан Мулла Чинни Йўлдошев, Жонодил Жабборов, Илончидан Кўнғирбой Қосимов, Зиёд Сариев, Ҳайдар Назаров, Эшмон эллиқбоши, Сафаротадан Аваз Искандаров, Синтоб беклигидан Хўжаниёз Шербов, Мулла Камолиддин, Муҳаммад Юсупов, Қаландархўжа ва бошқалар кўзғолонга бошчилик қиладилар. Матлаб Қувноқов, Саврон Ҳасанов, Тулли Мусабоев, Мулла Бобомурод Чалабоев, Мулла Қурбон Муронбоев, Турсун-

бой Суяндиқов, Темир Иномов, Эргаш Розикүлов син-  
гари оловқалб қасоскорлар фаол қатнашадилар»<sup>1</sup>.

Қўзғолончилар Бориллани қўлга олиш режасини ту-  
зади. Мақсад ундан мардикорликка олиш рўйхатини  
қўлга тушириш эди. Аммо приставнинг айғоқчилари  
унга бу режани хабар қилган эди. Борилла энди ўз  
жонини сақлаб қолиш пайида бўлиб, 14 июль кечасиёқ  
Боғдондан чиқиб кетади ва чорвадор кўчманчи қозоқ  
чорвадорининг уйида ўзига паноҳ топади. Бу воқеадан  
хабарсиз Абдурахмон Жевачи бошчилигидаги қўзғолон-  
чилар 14 июль кечаси Боғдон миршаблар маҳкамасига  
ҳужум бошлайдилар. Улар йўлда Янгиқишлоқ яқинида  
пристав алоқачиси С.Н. Симбирцевни Жиззах жазо от-  
рядини чақиритиш тўғрисидаги махфий хат билан қўлга  
олиб уни ўлдирадилар. 15 июль эрталаб Боғдон миршаб-  
лар маҳкамасини ишғол қилган қўзғолончилар у ерда  
Бориллани тополмайдилар. Ватанпарварлар Боғдон мир-  
шаблар маҳкамасидан мардикорликка жўнатилиши ло-  
зим бўлган 1950 нафар йигитлар рўйхати ёзилган ҳуж-  
жатни топиб оладилар ва барча ҳужжатларни йиртиб  
ёқиб юборадилар, миршаблар хонасини остин-устин  
қилиб барча буюмларни синдириб ташлайдилар.

Қўзғолончилар сон жиҳатдан кун сайин кўпайиб  
боради. Абдурахмон Жевачи Жиззахдаги қўзғолончи-  
ларга бевосита ва амалий ёрдам беришга қарор қилади.  
У 14—17 июль кунлари Боғдон минтақасидаги беклик-  
ларга ўзининг ишончли вакиллари жўнатади ва бир-  
галикда ҳаракат қилиб Жиззах томон юриш керакли-  
гини билдиради. Натижада Фориш, Нарвон, Мажрум  
ва бошқа бекликларнинг ватанпарварлари ҳам оёққа  
турадилар. Бу юришга Илончи, Тўқай, Анамуна, Ёмчи  
қишлоқларининг мингбоши Жайноқ Абдурасулов бош-  
чилигида қуролланган 200 отлик довиюрак йигитлари  
ҳам келиб қўшиладилар. Жиззах томон юрган қўзго-  
лончиларга Абдурахмон Жевачи ўзининг етти ўғли—  
Норбек, Достон, Ислом, Қорабек, Давил, Сорабек-  
лар билан бирга бош бўлиб боради. Боғдонлик қўзго-  
лончилар етиб келгунга қадар чор қўшинлари Жиззах-  
даги қўзғолонни бостириб бўлган эди. Шунга қарамас-  
дан Абдурахмон Жевачи бошчилигидаги ватанпарвар-  
лар Қили ариғи ёнида подполковник Афанасьев бош-  
чилигидаги ўрис қўшинларини қуршовга оладилар. На-

<sup>1</sup> Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихидан лавҳалар, 55-бет.



тижада босқинчи кучлар қаттиқ отишмаларга чидай олмасдан шаҳарга чекинадилар. Ана шундай пайтда рус қўшинларига Иванов бошчилигида қўшимча ёрдамчи кучлар етиб келади. Бу вазиятни душманлар фойдасига ўзгартириб юборади. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилади. Душманнинг қаттиқ таъқибига бардош бераолмаган қўзғолончилар Нурота тоғлари, Самарқанд, Бухоро ва бошқа томонларга нажот излаб қочадилар. Жиззахга яширинча қочиб келган Боғдон пристави Борилла жазо отрядига бошчилик қилади ва қўзғолончилардан шафқатсиз ўч олади. Жазо отрядлари қишлоқмақишлоқ, овулма-овул, тоғ ва қирлар оша кезиб йўл-йўлакай ёшу қари, эркак, аёл демасдан дуч келган одамни отиб, чопиб ўлдирадилар.

26—27 июль кунлари Боғдон музофотининг ўзида судсиз-терговсиз 120 дан зиёд киши отиб ташланади. Улар орасида Кўҳнабозор қишлоғидан ака-ука Ҳайдар ва Раҳмон Қурбоновлар, Омон Иброҳимов, Матлаб Қувноқов, Раҳмон Эматов, Исроил Мўминов, Исmoil Олломурадов, Раҳмат Раҳмонов, Муродқосим Ортиқов, Жўра Раҳимов, Отақул Султонов каби эркпарварлар бор эди.

Инсонийлик қиёфасини йўқотган «маҳлуқ» жаллодлар Янги Қишлоқ, Михин, Илончи, Тўқай, Ём, Ота, Ётоқ, Нурак, Қоратош, Анамуна, Саримсоқ, Шариллоқ, Сафарота, Можирин ва бошқа ўнлаб қишлоқ ва овулларга батамом ўт қўйиб қулини кўкка совурадилар.

Ана шу тариқа Боғдон қўзғолони чор маъмурлари томонидан шафқатсизлик билан бостирилади. Қўзғолон иштирокчиларининг кўпчилиги осиб ўлдирилади, қамоққа олинади, отиб ташланади ва Сибирга сургун қилинади. Қўзғолоннинг раҳбари Абдураҳим Жевачи суд қилиниб Жиззахнинг Қутирбулоқ мавзесида осиб ўлдирилган. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Абдураҳмон Жевачи суд жараёнида: «Нега халқни қўзғолонга чорладинг?» деб берилган саволга қуйидагича жавоб берган экан: «Русия салтанати Туркистонни босиб олгандан сўнг халқ аёвсизларча таланди, исломнинг шариат қонунлари оёқ ости қилинди, кўплаб масжидларимиз, тарихий обидаларимиз бузилиб, китобларимиз ёндирилди, илмли кишилардан ўч олинди. Турмаларга ташланди, бу ҳам етмагандек, оқ подшонинг фармони билан маҳаллий миллат вакиллариининг мардикорликка чақирилиши халқнинг сабр-косасини

тошириб юборди. Биз Жиззах, Самарқанд ва Тошкент аҳолиси билан бирлашиб озод Туркистон жумҳуриятини тузишга бел боғлаган эдик. Минг афсуски, ўйлаган ўйларим амалга ошмай қолди»<sup>1</sup>.

Суд ҳукми ўқилгандан сўнг Абдурахмон Жевачига: «Агар сен халойиқ олдида қилган ишимдан пушаймонман, тавба қилдим, мени кечиринглар деб айтсанг сени ўлимдан озод қиламиз» дейишади. Абдурахмон Жевачи бу таклифдан нафратланиб ва ғазабланиб: «Мен сотқин эмасман. Мен халқ озодлиги учун курашдим, ўз йўлимдан ҳеч қайтмайман, алвидо юртдошлар»<sup>2</sup>, дея дор сиртмоғини ўз қўли билан бўйнига илиб мардларча жон берган эди. Абдурахмон Жевачи сиймоси Ватан ва миллат озодлиги ҳамда адолат учун курашда ёш авлод учун ўрнак ва намуна тимсолидир.

Қўзғолон қатнашчиларидан Саврон Ҳасанов, Муса Тоғаев, Мамат Мусаев, Чуғурчи Назаров, Жонузоқ Тоғаев, Суқон Эшматов, Синдор Давронов каби ватанпарварларнинг ҳар бири ўн йил муддат билан Сибирга сургун қилинади.

Жиззах билан бир вақтнинг ўзида Каттақўрғон шаҳар ва уездига ҳам халқ қўзғолон кўтариб кўчаларга чиққан эди.

Каттақўрғон уездининг Мингариқ волости аҳолиси 18—19 июль кунлари қўзғолон қилиб оқсоқолларнинг уйларига ўт қўядилар. Қўзғолоннинг кенг тус олаётганлигидан таҳликага тушган уезд ҳокими Н.М.Росс вилоят ҳарбий губернаторига 22 июлда юборган хабарномасида Каттақўрғон волостидаги Ўзбеккент ва Арабхона қишлоқларида қўзғолон кўтарган оломон қозининг уйига ҳужум қилиб, уни ўлдиргани тўғрисида маълумот беради. Тобора кенг қулоч ёзаётган ғалаённинг олдини олиш учун Н.М.Росс «жиноятчилар»ни қидириб топгандан кўра, уларнинг уйларига ялписига ўт қўйган маъқул, дейди.

1916 йилги халқ ҳаракатлари Фарғона вилоятининг бешта уездига: Андижон, Қўқон, Наманган, Скобелев (Фарғона) ва Ўш уездларига ёйилди. Расмий ҳужжатларга кўра, Фарғона вилоятида камида 107 жойда, Самарқанд вилоятида 25 жойда, Сирдарё вилоятида 20 жойда қўзғолон ва ғалаёнлар бўлиб ўтган. 1916 йилнинг июль ойи ўрталарида бўлиб ўтган Марғилон қўзғо-

<sup>1</sup> Ҳайдаров А. Жиззах тарихидан лавҳалар, 60-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба.



1916 йилги миллий-озодлик кўзғолони қатнашчилари.

лонида 25 мингдан ортиқ киши қатнашди. Уларнинг аксарияти камбағал деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлардан иборат бўлиб, улар тенгсизлик ва ҳақсизликка қарши курашга чиққан эдилар. Бироқ маҳаллий ҳукумат маъмурлари ҳарбий қўшинлар ёрдами билан бу кўзғолонни бостиришга эришди. Кўзғолончилардан 63 киши каторгага ва сургунга жўнатилди. Булар орасида Нурмуҳаммад Маъзумов, Тожибой Миралиев, Лайлибой Қосимбоев, Шермуҳаммад Ҳабибуллаев, Қодиржон Мамасодиқхўжаев, Камолиддин Холлиев ва бошқалар бор эди.

Мустамлака маъмурияти берган маълумотларга кўра, Фарғона вилоятининг 17 жойида аҳолининг ҳарбий қисмлар билан қонли тўқнашуви бўлиб-ўтган. 9 июль куни Андижонда ҳам одамлар кўзғалди. Маҳаллий амалдорларни дўппослаган улкан оломон эски шаҳардан янгисига Скобелев номли катта кўча орқали йўл олади. Андижонликлар 1898 йилдаги воқеаларни унутмаган, интиқом ўти энди баралла аланга олган эди. Улар Гултепа майдонида туманбоши И.Бржезицкий билан учрашишади. У казаклар ва полициячилар қуршовида туриб, оломоннинг талабларини эшитиб, казакларга уларни ўққа тутишни буюради. Натижада уч киши ҳалок

бўлиб, 12 киши яраланади. Андижон уезди бошлиғи вазифасини бажарувчи 1916 йил 27 сентябрда Туркистон район муҳофаза бўлими бошлиғига йўлаган хатида 9—16 июль кунларидаги қўзғолон тафсилотини баён қилган<sup>1</sup>.

9 июль куни Андижон шаҳрининг иккинчи қисмида Гултепа майдоидаги «туземецлар оломони»ни амалга оширган тартибсизликларни бостириш чоғида алоҳида Урал казак юзлигидан Кунтаевнинг бошига тош тегиб жароҳат кўради. «Туземец»лардан уч киши ўлади, 8 киши ярадор бўлади. Қўзғолон бошлиқларидан 22 киши ушланиб, тергов органига топширилади. 10 июлда Олтинкўл бўлисига қарашли Далварзин қишлоғида қўзғолончилар бўлис бошлиғи Мулла Ҳақимбек Мулла Рўзибеков ва унинг ҳамроҳлари (Темирбой Пайгамбаркулов, Каримжон Абдуваҳобхўжаевлар)ни ўлдирадилар. Қўзғолон бошлиқларидан 32 киши ушланиб қамоқхонага топширилади.

11 июлда Майгир бўлисининг Чувама қишлоғида кўтарилган қўзғолонда «туземецлар оломони» Чувама элликбошиси Қипчоқбой Боймирзаевни ўлдирадилар. Қўзғолон раҳбарларидан 16 киши ҳибсга олиниб, терговга берилади.

12 июлда Балиқчи бўлисидаги Холмурод-Кўрғонча қишлоғида қишлоқ оқсоқоли Эсон Али Раҳимкулов ўлдирилиб, қўзғолон ташкилотчиларидан 2 киши қамоққа олинган. Худди шундай қўзғолон «туземецлар оломони» томонидан Ёрбоши бўлисидаги Бекобод қишлоғида, Султонобод жабҳасидаги Сўфиқишлоқ, Норин бўлисидаги Чўжа қишлоғида бўлиб ўтади. Андижон туманининг Капа, Ҳиндимозор, Кўтарма, Элатон, Миробод, Хўжаобод (Балиқчи бўлисидаги), Ўрмонбек қишлоқларида ҳам қўзғолонлар бўлиб ўтади. Қўзғолон қатнашчиларидан талайгина қисми ҳибсга олинади<sup>2</sup>.

Мусо Туркистоний «Улуғ Туркистон фожеаси» аса-рида Марғилон воқеасининг чуқур ва атрофлича тафсилотини берган. Марғилондан кейин қўзғолон Скобелев уездининг Файзиобод, Ёзёвон, Яккатут бўлисларига ёйилади.

Марғилон билан бир вақтнинг ўзида Наманган шаҳрида ҳам қўзғолон кўтарилган. 11 июлда Намангандаги

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 420-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 420-бет.

Лаббайтоға даҳасидаги Курашхона майдонига 1500 одам тўпланади. Лаббайтоға даҳасининг қозиси халқ кўзғолони ҳақида дарҳол приставга хабар етказади. Пристав В.Домбровский тиш-тирноғигача қуролланган ҳарбий қисм билан етиб келади. Эркаклар, аёллар ва болалардан иборат оломон В.Домбровскийдан мардикорликка сафарбарлик қилувчи рўйхатни тузишни тўхтатишни талаб қилади. Ғалаён кенгайиб кетишидан хабар топган капитан Румянцев ўз ротаси билан етиб келади. Бу ашаддий миллатчи капитан дабдурустдан аҳолини ўққа тутишга буйруқ беради. Пристав Домбровскийнинг эътироф этишича, кўзғолончилар қуролсиз ва катта талофат берилишига қарамай ҳарбий ва полициячилар билан қаттиқ олишган. Улар полицияга ҳужум қилиб, пристав Федоровнинг тўппончасини тортиб олмоқчи бўлишган, ҳатто кўзғолончи Жамолиддин Увайсов бир полициячининг қиличини тортиб олади.

Наманган кўзғолони қатнашчиларидан 84 киши турли муддатларда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Мустамлакачи маъмурларнинг расмий маълумотларига кўра, Фарғона водийсининг 17 жойида бўлиб ўтган тўқнашувларда икки томондан, айниқса маҳаллий аҳоли жуда кўп қурбонлар берган; 5 киши ўлдирилган, 109 киши ярадор қилинган. Ярадор бўлганлардан кейинчалик яна 28 киши вафот этган. Аммо бу рақамларнинг атайлаб камайтириб кўрсатилганлигини кейинчалик мустамлака маъмурларнинг ўзлари тан олишган. Жумладан, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори, ғалаёнларда ўлган ва ярадор бўлганларнинг кўпчилигини аҳоли тез фурсатда жанг майдонидан олиб кетганлиги сабабли аслида қанча талофат берилганлигини билиш қийин, деб ёзган эди.

11 июлда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида халқ ҳаракати тўлқини кўтарилади. Тўпланган оломон: «Ўлсак ўламиз, лекин болаларимизни бермаймиз!», «Золим подшонинг ўзи ўлсин!», «Қачонгача у бизни эзади?» деб чиққан. Кўзғолонни бостириш учун Колесников бошчилигидаги жазо отряди етиб келади.

Кўзғолон вақтида полковник Н.Е.Колесников бир неча маротаба оломонни тинчлантиришга ҳаракат қилади. Кўзғолончилардан бири қўлида қиличи билан Н.Е. Колесниковга ташланганида у бу кишини тўппончадан отиб ўлдиради. Шундан кейин халойиқнинг қони қайнаб «Ур» деган овозлар янграйди. Оломон орасида Маҳ-

муд Мирсоатов исмли гимназия ўқувчиси «Миршабларни уринглар!» деб одамларни ҳужумга чақирган. Қўзғолончилардан Мирқосим Исамухаммедов шериги билан телефон симини узган. Оломоннинг бошқарма идорасига бостириб кириши хавфи туғилганидан кейин Н.Е.Кролесниковнинг буйруғига кўра уларга ўқ узилади. Натижада 11 киши ўлдирилади ва 15 киши ярадор қилинади. Ўлганлар орасида Абдусамад Абдусоатхўжаев, Шоюнус Абдукаримов ва бошқалар бор эди. Аёллардан Рўзвонбиби Аҳмадхонова ўлдирилади. Зўрбиби Мусамухаммедова ярадор қилинади. Уста Одил Алимбоев, Охунбобо Абдулла Азизов, мулла Олим Файзиев, Пўлат Мирисаев, Шокир Камолов, Эрназархўжа Икромбоев, Содиқ Қориев ва бошқа кишилар яраланган эдилар. Бошқарма ҳовлисида рўй берган фожеадан кейин кўп ўтмай Тошкент шаҳар бошлиғи О.О.Кочин етиб келади. У ўзи кўрган воқеани шундай баён этган: «Мен полиция бошқармасига келганимда кўчада, бошқарма атрофида ва қисман ҳовлида эркагу хотинлардан ташкил топган оломонга дуч келдик. Оломон бир неча минг кишидан иборат бўлиб, улар орасида ўлганлар ва ярадорлар ётарди. Полиция бошқармасига борадиган кўчада айрим кишилар менга йиғисиғи аралаш нималарнидир тушунтириб, кимларнингдир устидан шикоят қилмоқчи бўладилар. Бу ердаги эркаклар ва хотинларнинг ҳаммаси хўрланган ва эзилган кўринади. Полиция бошқармасига кирганимда Эски шаҳар миршабларининг ҳаммаси қўлларида тўппонча ушлаб турганларини кўрдим. Бошқарма биноси олдида телефон сими узилган ҳолда ётибди. Идоранинг ичида фишт ва тош парчаларини, эшик ва деразалар синганини кўрдим. Ҳали ҳарбий қисмлар келмаган эди. Оломоннинг тарқалишини сўраб қилинган таклиф инобатга олинмай, шовқин-сурон эшитилиб турди. Кўп ўтмай ўликларни ва ярадорларни олишга ва тиббий ёрдам кўрсатишга киришилди. Шу пайтгача бошқармага ҳарбий билим юртининг бўлинмаси ва Тошкент янги шаҳрининг миршаблари келишди. Шундан кейин ҳарбий қисмлар ҳам етиб келиб, оломонни кўча тарафдан ўраб олди ва уларни тарқатишга муваффақ бўлинди. Қўзғолончилардан бир гуруҳи миршаб Миркомил хонадонига ҳужум қилиш учун Бешёғоч томонга кетишган экан».

Чор ҳукумати қўзғолонни бостиргандан кейин кўп

кишиларни ҳибсга олади ва суд қилади. Ғалаённинг фаол қатнашчиларидан этикдўз Абдурахмон Қажумсўфиев ва қора ишчи Мирқосим Шомуҳаммедов осиб ўлдиришга ҳукм этилади. Ишчилардан Тожибой Юнусхўжаев, Фулом Камолов, Йўлчи Иброҳимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, камбағал деҳқон Муродхўжа Маҳмудали Хўжаев, Ёқуб Муроджабоев ва бошқалар узоқ муддатли сургун ёки қамоқ жазосига тортиладилар<sup>1</sup>.

Гарчанд Тошкент қўзғолони бостирилган бўлса-да, унинг акс-садоси бутун ўлка бўйлаб таралади. Аввало ғалаёнлар Тошкент атрофидаги жойларда авжга чиқади. Одамлар 12—14 июль кунлари Хитойтепа, Фишткўприк, Хонобод, Пскент ва Кауфман станцияси (Зангита)да бош кўтариб, мардикорликка бормасликларини маълум қиладилар. 15—16 июлда Бревский станцияси атрофида ва 84-темир йўл разъездида кўп минг кишилик оломон кўчага чиқади. 20 июлда Бўлат бўлисида 50 минг, Қибрайда 6 минг кишилик оломон мардикорликка қарши исён кўтаради.

Чор ҳукумати ўлкада қўзғолонларни бостириш учун 14 батальон, 33 казак ҳарбий бўлинмаси, 42 тўп ва 69 пулемёт ажратади. Жазо бўлинмалари шафқатсизлик билан ҳаракат қилади. Бу ҳақда А.Н.Куропаткиннинг рус императори Николай II га ёзган рапортида шундай сатрлар бор: «Сиз император Олий ҳазратлари ва барчага муқаддас ватан ҳисобланган буюк Русия олдида ўз содиқлигини унутганлиги, жиноий ишлар қилганлиги учун Туркистон аҳолиси қаттиқ жазоланди». Қўзғолон қатнашчиларидан 3000 дан ортиқ киши судга берилиб, улардан 347 таси осиб ўлдиришга ҳукм этилган. Бироқ, вазиятни янада кескинлаштирмаслик учун улардан 51 таси қатл қилиниб, қолганларининг ўлим жазоси қамоқ ва сургун билан алмаштирилди. Юзлаб одамлар турли муддат билан қамоққа ҳукм этилди. Айрим шаҳар ва қишлоқлар бутунлай яқсон қилинди. Кўплаб уйлар ёндирилди ва мол-мулклари таланди. Айниқса, Жиззах қўзғолончиларига нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлинди. Жиззах ғалаёни иштирокчиси Тўра Норбой хотиралари бизга кўп нарсани ойдинлаштириб беради. «Жазо бўлинмалари тоғда қочиб юриб, оч қолиб, қишлоқдан овқат олиб келиш учун

<sup>1</sup> Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия босқини даврида... 85—86-бетлар.

тушган Мавлон Айматовни ушладилар. У билан яна 7 кишини ушлаб дарахтларга боғладилар. Ўн кунгача ҳар куни бир бор калтаклаб, устидан сув қўйдилар. Аскарлар қишлоқдан кетадиган бўлдилар. Шунда улар бу 7 кишини калтаклаб, ўлдириб кетдилар».

Кўзголон қатнашчиларидан бири Муқим Урдушов Тошкентга қочиб, сўнг Жиззахга қайтиб келиб, бошидан кечирганларини қўйидагича баён этган: «Тошкентдан Жиззахга келдим. Кечаси станцияга етиб, намоз вақтида шаҳарга тушиб келдим. Йўлда кўп аскарларни кўрдим. Уларнинг ёнида халқдан талаб қолинган қимматли рўзғор ашёлари тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Аскарлар қимматли ипак сўзаналарни, атлас ва шоҳи кўрпаларни отларига ёпиб қўйибди. Ипак газламаларни, шоҳи кўрпаларни тупроққа ёзиб устида аганаб ётибдилар. Ҳовлига чиқсалар ҳам шоҳи ва атлас кўрпаларни ёпиниб чиқмоқдалар. Бунда халқдан талаб олинган минглаб от-моллар ва қўйлар турибди. Оёқ остида босилиб ётган қимматли нарсаларни кўриб, жуда раҳмим келди. Эски шаҳар йўлида кетаётганимда янги шаҳарга қараб қатор-қатор бораётган хотин-қизларни кўрдим. Улар мендан: «Аскарлар талаб кетган нарсаларни қайтариб бераётган эмиш, деб эшитдик, шу тўғрими?», деб сўрашди. Мен буни кўрмаганлигимни айтдим. Эски шаҳарга тушсам энг яхши бинолар, маҳаллалар, шаҳар кўчаларидаги тимлар, дўконлар, ошхоналар ва чойхоналар куйиб, ер билан теп-текис бўлган. Бунда бойўғли сайрамоқда. Халқ оч ва яланғоч, жуда оғир аҳволда. Бу аҳволни кўриб кўп ачиндим».

«Бир куни, — деб ёзади кўзголон иштирокчиси Мамашариф Ҳусаинов, — шаҳар атрофини аскарлар ўраб, ҳар ҳовлига беш-олтитадан бўлиб киравердилар. Одамларни уриб-сўкиб уйларидан қувиб чиқдилар. Бешикдаги болаларни ечиб олишга қўймадилар. Халқни бозор майдонига тўплаб, ёш ва жинсларига қараб тўдаларга ажратдилар. Атрофига тўп ва пулемётлар ўрнатдилар. Аскарлар баъзи одамларни қулогидан бураб, тўп оғзига олиб бордилар, кейин қўйиб юбордилар. Баъзилари одамларга қараб милтиқларини шарқ-шурқ қилиб кўрқитдилар. Одамлар орасида Оқподшо Жиззах халқини кўпини отиб юборди, энди ҳаммамизни отар экан, деган гап тарқалди. Халқни ваҳима босди. Хотинлар ва болалар йиғлади. Аскарлар уларни милтиқ қўндоғи билан урардилар. Бир вақт Янги шаҳардан бир отлиқ аскар



чошиб келди: «Сиз, маккор жиззахликлар подшоҳи аъзамнинг олий фармониغا итоат қилмаганликларингиз учун подшоҳи аъзам сизларни отувга буюрган эди. Генерал-губернатор Куропаткин сизларнинг гуноҳларингизни Оқподшодан тилаб олибдилар. Сизлар энди бу шаҳарда яшашдан маҳрум бўлдингизлар, Сизларни бу шаҳардан 25 чақирим нарига сургун қиламиз», деди. Аскарлар, мингбоши ва полициячилар халқни уч томонга бўлиб ҳайдадилар. Кун бениҳоят иссиқ, ҳаммаёқни чанг-тўзон қоплаган, эски шаҳарга келадиган сув янги шаҳарда бўғиб қўйилгани учун ҳеч жойда сув йўқ. Бизларни аскарлар югуртирди. Бир ерга тўхтатиб, ҳамманинг ёнини кавлаб, бор пулларини қоқиб олди. Яна югуртирди. Чополмай йиқилганларни милтиқ кўндоқлари билан урдилар. У вақтдаги дод-вой оламни тутар эди. Ёш болалар сувсизликдан юраги куйиб, ўлиб қолаверди. Ҳомиладор хотинлар туғиб ётибди, аскарлар уларга қарашга йўл бермайди. Аскарлар юришдан бош тортганларни отдилар. Югуриб кетаётган халқни яна тўхтатиб қўлларидаги узукларини, қулоқларидаги сирғаларини юлиб олдилар. Шу равишда чўлга етиб боргунча неча жойда текшириб то яхши кийимларигача ечинтириб олдилар. Бизларни шундай азоб-уқубатлар билан шом пайтида Қилич чўлига олиб бориб ташлаб қайтдилар. Одамларда овқат ҳам, кўрпа-ёстиқ ҳам йўқ эди. Ҳамма оч ва сувсиз қолди. Кечаси қишлоқларга бориб овқат олиб келиб, ҳаммага оз-оз улашиб турдик. Бир тўп одамлар оч қолиб касалликдан ўлдилар. Улар 10 кундан кейин бизга шаҳарга киришга рухсат берди».

Генерал Мадридов Ивановдан қолишмади. Кичик ёшдаги болаларни тириклайин ўтга ташлади. Ҳатто ҳомиладор аёлларга ҳам шафқат қилинмади. Бундай ваҳшийликлар қилган генерал Мадридов етти авлодига етадиган катта бойликни ўғирлаб кетди. Октябрь тўнтарышидан сўнг унинг уйидан 17 пуд туркман хотинлари тақадиган тақинчоқлар ва 60 дан ортиқ қимматбаҳо туркман гиламлари топилган эди. Туркия олими Иброҳим Ёрқиннинг ҳисобига кўра, 1916 йил 25 июнда Николай II фармойиши билан бошланган «мардикорлар кўзғолони» деб аталмиш кўзғолонда<sup>1</sup> 1917 йил бошига қадар тахминан 1,5 миллион киши қатл қилинади. Айрим маълумотларга қараганда, 1916 йилги кўзғо-

<sup>1</sup> *Иброҳим Ёрқин*. Туркистонда 1916 йил исёни ҳақида баъзи маълумотлар. Турк маданияти журнали. Анқара, 1968, 68-сон.

лон оқибатида Туркистон аҳолисидан 673 минг киши ўлдирилади, 300 мингдан зиёд аҳоли хорижга чиқиб кетади. 1 миллион кишининг мол-мулки мусодара қилиниб, талон-торож этилади. Аҳолидаги отларнинг 50 фоизи, сигирларнинг 39 фоизи, туяларнинг 55 фоизи, қўй-эчкиларнинг 50 фоизи ўлган ва мусодара қилинган эди. Хуллас, Оқподшо малайлари Жиззах кўзғолони қатнашчиларидан ваҳшийларча ўч оладилар.

1916 йил 23 августда Туркистон генерал-губернатори А.Куропаткин мардикорликка<sup>1</sup> сафарбарлик тадбирлари тўғрисида буйруқ чиқаради. Сафарбарлик 1916 йил 18 сентябрдан то 1917 йил феврал буржуа-демократик инқилоби ғалабасига қадар давом этади. П.Ковалёвнинг берган маълумотларига қараганда, туркистонлик мардикорлар Москва, Петербург, Рязань, Тула, Орёл, Смоленск, Брянск, Двинск, Нижний Новгород, Қозон, Самара, Пермь, Екатеринбург, Оренбург, Киев, Харьков, Екатеринослав, Одесса, Запорожье, Керч, Тбилиси, Ботуми, Сухуми ва бошқа жойларга жўнатилган.

Чор маъмурияти жўнатилиши керак бўлган 200470 киши ўрнига амалда 123 мингдан ортиқ мардикорни сафарбар қила олади. Улардан 101600 киши Россиянинг ғарбий қисмига, 4000 киши Сибирга, 7405 киши Кавказга юборилган. 10000 дан ортиқ киши Туркистон ўлкасининг ўзида ишлатилган. Мардикорлар ҳарбий ва саноат корхоналарида, конларда, темир йўллар қурилишида, ўрмонлар ва айрим капиталистларнинг хўжаликларида қаттиқ назорат остида бетиним ишлатилганлар. Улар очликдан, хўрликдан, машаққатли меҳнатдан кўп азият чекадилар. Кўплари совуқ уришидан, турли касалликлардан ўлиб кетадилар ёки бир умрга ногирон бўлиб қоладилар.

Андижон уездидан борган 200—300 нафар мардикорлар Ботуми-Сухуми темир йўл қурилишида ниҳоятда оғир шароитда ишлайди. Улар норозилик намойиши ўтказиб иш ташлайдилар, очлик эълон қиладилар. Тифлис ҳукумати Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторига телеграмма йўллаб бу намоишчиларни тинчлантиришни талаб қилишга мажбур бўлади. Шу

---

<sup>1</sup> Мазкур мавзу бўйича қаранг: *Ковалев П.А.* Революционная ситуация 1915—1917 гг. и её проявление в Туркестане. Т., 1971; *Чориев З.У.* XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари. (Мардикорликка сафарбарлик мисолида). Докт. дис.Тошкент, 1999.

мақсадда Туркистон генерал-губернатори буйруғи билан Андижон Эски шаҳар оқсоқоли Рустам Тошматов Сухумига келиб, намоишчиларни ҳийла-найранг, дўқ-пўписа билан «Агар сизлар ишни давом эттирмасаларинг, у ҳолда сизларнинг Андижонда қолган ота-онанглар, қавм-қариндошларингиз ҳибсга олинади, мол-мулки мусодара қилинади», деган баҳона билан тинчтишга муваффақ бўлиб, Андижонга қайтиб келган эди. Бу хизмати учун у генерал-губернатор томонидан тақдирланган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мардикорларнинг оғир қисматли ҳаёти ҳақида «Соғиниб» асарида, «Ишла» деб тепасида дағдага қилиб турган юзбошига мардикор тилидан шундай жавоб беради:

«Қаттиқ тегма менга мунча юзбошим,  
Оқизма кўп ғамим узра кўз ёшим.  
Юрак бағрим ўзи ҳадсиз эзилган,  
Юрту Ватан, элларимни соғиниб».

Мардикорликка ёлланган аждодларимиз ҳаёти халқ оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топган:

Поездингни жилдирган,  
Ўтхонаси билан дўнғалаги.  
Двинскага кетишди,  
Мард йигитнинг бир бўлаги.  
Двинскага кетмас эди,  
Мард йигитнинг бир бўлаги,  
Двинскага кетказган,  
Николай золим замбараги.  
Двинскага йўл бўлсин,  
Қарағайзоринг кул бўлсин.  
Йигитларни қийнаган,  
Николайинг йўқ бўлсин.  
Сўқ ошингни ичмайман,  
Этигимни ечмайман.  
Қорда қарағай кесганман,  
Ҳеч ҳақимдан кечмайман.

Совет даврида яратилган тарихий адабиётда Туркистон зиёлилари, айниқса уларнинг сарвари бўлмиш жадидлар 1916 йилги кўзғолонда иштирок этмаганлар, улар чор ҳукумати тарафида туриб, кўзғолонга салбий муносабатда бўлганлар, деган фикр чуқур ўрин олган. Аслида эса Туркистон ерли аҳолисининг 1916 йилги шонли миллий-озодлик ҳаракатида ўлка зиёлилари, мунавварлари бўлган жадидлар фаол роль ўйнаганлар.

20-йилларда бошланиб кетган жадидларни танқид қилиш кампанияси 30-йиллардаги қатагон даврига ула-ниб кетди. 30-йиллар ва 80-йиллар охирларига қадар бутун Иттифоқда жадидчилик фанда буржуа миллат-чилигига синоним бўлиб келди. 1916 йилги кўзғолон тарихини тадқиқ этган олимларнинг айримлари бу кўзғолонда «жадидлар хоинлиги»ни алоҳида сарлавҳа остида кўрсатишгача бориб етдилар. Аслида эса бун-дай қарашлар мутлақо нотўғри эди. Аксинча, жадид-лар ҳам, миллий буржуазия ҳам бу кўзғолонда фаол қатнашганлар, ҳаттоки, айрим масалаларда улар етак-чилик қилганлар.

Жадидлар Николай II нинг 1916 йил 25 июндаги фармонини бекор қилиш ва бутун ўлка бўйлаб бирда-нига исён ҳаракатини бошлаш учун кураш олиб бор-дилар. «Ёш бухороликлар» сардорларидан Усмонхўжа Пўлатхўжаев, «Ёш хиваликлар раҳбари» Полвонниёз-ҳожи Юсупов, Туркистон жадидлари Маҳмудхўжа Беҳ-будий, Мунаввар Қори Абдурашидхоновлар халқ ом-масини ўлка кўзғолонига даъват этадилар, жойларда аҳолининг йигинларини ўтказадилар, ўша мудҳиш фар-монни бекор қилишни қатъиян талаб қилиб чиқади-лар.

Самарқанддан Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий, Тош-кентдан Мунаввар Қори, Хивадан Полвонниёз Юсу-пов, Бухородан Усмонхў-жа, Жиззахдан Қори Ко-мил, Қўқондан Обиджон Маҳмудов, Андижондан Убайдуллахўжа Асадуллахў-жаев, Саъдуллахўжа Тур-сунхўжаев, Ҳаққул Ҳусан-боев, Акбар Ўразалиев ва бошқаларнинг иштирокида бўлган йигинларда марди-корликка олиш ҳақидаги фармонга қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқил-ган. Туркистонда мардикор олиш хусусидаги фармо-йишнинг қонуний шакл олишига монелик қилиш учун тадбир кўрадилар, бу фармон қонуний шакл ол-



Полвонниёз Ҳожи Юсупов.



**Миркомилбой Мирмўминбоев ва Қўқон савдо биржа маклари Ёқубхўжа Эшон Яхёхўжа Эшон ўгли.**

ган тақдирда норозилик моҳиятидаги исёнлар чиқаришни кўзда тутадилар.

Андижон шаҳридаги энг йирик миллионер, миллий буржуазиянинг типик вакилларидан, жадидчилик ҳаракатининг ҳомийларидан бири Миркомил Мирмўминбоев Қўқон ва Марғилон шаҳарлари мингбошилари номига йўллаган хатида шундай ёзган эди: «Шаҳрингиздаги аҳоли ва бойларга мардикорликка қарши чиқишларини айтинг, Русиянинг аҳволи жуда танг, шунинг учун ҳеч нарсадан қўрқманглар.

Ҳаммангиз бир ёқадан бош чиқариб иш юритингизлар, мардикор олиншига қарши қўзғолон кўтарилиши осон. Ҳозирги вазиятда ҳукумат амалдорларига пул бўлса бас, ҳамма ишни битирадилар. Менинг халойиқни қўзғолонга ундаш ҳаракатим билиниб текширув ўтказилганда 150 минг сўм бериб ўзимни сақлаб қолдим. Шу боисдан сизлар ҳам хавотирланмай ҳаракат қилаверинглар».

Андижон тараққийпарварлар жамаияти сардорларидан бири, кейинчалик Туркистон миллий мухторияти ташкилотчиларидан бири, ҳукумат аъзоси бўлган Убайдулла Асадуллахўжаев ўша 1916 йили А.Н.Куропаткинга тутқазган аризасида ҳам Андижон уезди бошлиғи полковник Бржезицкий даврида авваллари ҳам мавжуд бўлган порахўрлик, товламачилик, зўравонлик ниҳоятда кучайиб кетгани ва бу қоидага айлангани, тизимга тушганини баён этганди. Аҳолидан ўлпон олиш ва порахўрликка маҳаллий амалдорларни, эллиқбоши, мингбошилар, шаҳар бош оқсоқоли Шермат Алимқу-

лов каби маъмуриятни жалб қилганини, солиқ, ўлпон ундириш, пора олиш маъмурият вакиллари томонидан бевосита эмас, балки билвосита, ўртадаги одамлар орқали амалга оширилаётгани ҳам айтилганди ўша шикоятда. Уезд бошлиғи тилмочи Юсуфхожи Чоришев ҳамда приставлар таржимонлари пора олишда мустамлакачи маъмурларга воситачилик қилаётганликлари, натижада аҳолининг амалдорларнинг ноқонуний ишлари юзасидан шикоятлари ҳеч қачон адолатли ҳал қилинмаётгани ҳам Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев аризасида кўрсатилганди.<sup>1</sup>

Чор маъмурлари, босқинчиларнинг порахўрликка муккасидан кетганлиги, бундай оғир юкнинг маҳаллий аҳоли елкасига тушгани Закий Валидий Тўғон эсдаликларида ҳам ўз ифодасини топган. Чор ҳукумати-нинг Петербург ва Туркистондаги амалдорлари Бухоро ва Хива хонларидан, Туркистон маҳаллий аҳолисидан катта поралар олгани ҳақида тўхталиб, Закий Валидий Тўғон мана бу далилларни келтирган: «Амударё уезди бошлиғи полковник Гуласовский, маълум муддатда Туркистон генерал-губернатори бўлган генерал Галкин, ҳарбий вазир Сухоминов, Русия ҳарбий штабининг Осие бўлими бошлиғи генерал Сеел ва унинг муовини Абдулазиз Давлатшин жуда катта пора олдилар... Туркистон генерал-губернатори Куропаткин уруш эҳтиёжлари учун аҳолидан 2 миллион 400 минг рубль «совға» тўплаган эди. Бу пулларнинг кўп миқдори генералнинг чўнтагида қолар эди»<sup>2</sup>.

1916 йил июлида Андижон маҳаллий жамоатчилиги номидан жадид Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, миллионер бой Миркомил Мирмўминбоев, жадидларга хайрихоҳ бўлган социалист-революционер Вадим Чайкинлар Петербургга бориб Давлат Думасига Туркистонда рўй берган даҳшатли, фожеали воқеаларни изоҳлаб, Андижонга Дума аъзоларидан келиб, мустамлакачи маъмурларнинг бу ердаги жиноятларини текшириб, айбдорларни жазолашни талаб қиладилар. Давлат Думаси аъзолари Раевский, Виноградов, К.Б.Тевкелеевлар андижонлик вакиллар хатига, талабларига кўра Олий бош кўмондонлик қароргоҳига бориб, бор аҳволни баён этишиб, зудлик билан чора кўрмаслик кела-

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, «Мерос», 1994, 13-бет.

<sup>2</sup> Тўғон Закий Валидий. Туркистон ва унинг яқин тарихи, 337-бет.

жакда оғир оқибатларга олиб келишини билдиришади. Бунга мувофиқ подшо Николай II Туркистонда мардикорликка олиш муддатини 1916 йил 15 сентябргача кечиктириш ҳақида фармон беради. Фарбий фронт кўмондони А.Н.Куропаткин Тошкентга Туркистон генерал-губернатори қилиб жўнатилади. А.Н. Куропаткин билан бирга Туркистонга IV Давлат Думаси аъзолари А.Ф.Керенский, К.Б. Тевкелеевлар келадилар, уларга Ш.З.Муҳаммадёрв, Мустафо Чўқаевлар ҳамроҳ бўлишади.

Улар Тошкент, Кўқон, Марғилон ва бошқа шаҳарларда бўладилар. 24 август куни Дума аъзолари А.Ф. Керенский, К.Б.Тевкелеев, Мустафо Чўқаевлар Андижондаги «Слава России» меҳмонхонасида тунайдилар. Эртасига эрталаб меҳмонлар кўзғолон кўтарилган Жомеъ масжидига келадилар, бу ерда тўпланган аҳоли билан учрашадилар. Халойиқ Андижондаги унутилмас июль кунларида нимаики фожеа юз берган бўлса, уни Петербургдан келган Дума вакилларига баён қилади.

Андижонда чиқаётган «Туркестанский голос» газетасининг 26 август сониди шундай хабар чоп қилинади: «Давлат Думаси аъзолари Андижонда икки кун бўлганларида улар ҳузурига рус, сарт ва татар жамиятларидан кўплаб вакиллар ташриф буюришди. Тахминий ҳисобларга кўра, шу қисқа вақт ичида депутатлар Андижондаги барча миллатлар ва турли хил жамоат вакилларида юзга яқин кишиларни сўроқ қилганлар. Бу сўроқлар қисман шикоят, арзнома, талаблар шаклида бўлиб, маҳаллий аҳолининг катта қисмини ўз оғизларидан депутатлар ва уларнинг котиблари ёзиб олганларидан бой материаллар тўпланди, уларнинг энг долзарб масалалари Тошкент суд палатаси прокурорига хабар қилинди. Анча мураккаб масалалар эса Давлат Думаси минбаридан, шунингдек, Дума бюджет комиссиясида айтиладиган бўлди»<sup>1</sup>.

Жадидлар ва рус демократларининг бу хайрли иши кенг жамоатчилик томонидан қизғин маъқулланди. Шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Вадим Чайкин ва Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжа ўғлининг Петербург сафари ва Давлат Думаси аъзоларини Туркистонга олиб келишини табриклаб шундай мисралар битган:

---

<sup>1</sup> Шамсутдинов Рустамбек. Тарихий меросимизга бир назар... 6—13 бетлар.



Россия Давлат Думаси аъзолари шарафига уюштирилган зиёфат.  
Андижон, 1916 йил, август.

«Бу Ватандин икки ўғлон туғуб озоду ўкинч  
Тиз букуб шоҳ қошида қилди бу ҳолатлари ҳеч.  
Яша Чайкин! Яшасин чун Ватан ўғли Хўжаюф!  
Яшасин соясиз ила бор авж ёшларимиз»<sup>1</sup>.

Давлат Думаси аъзоларининг Туркистонга келишини ва уларни 1916 йилги мудҳиш воқеалар билан таништириш ишини ташкил қилганлар ҳам жадидлар экани юқоридагилардан маълумдир.

ТРМБ бошлиғи ўринбосари подполковник Розалион-Сошальскийнинг 1916 йил 24 ноябрда йўллаган маърузаномасида Андижондаги «Туркестанский голос» газетаси биносида ҳар куни оқшомда газета муҳаррири Чайкин раислигида ўзларига «тараққийпарвар» номи берган йўналишдаги 20 га яқин ўзбек ёшларининг йиғилишлари ўтказилаётгани, буларда ҳозирги аҳвол ва бошқа масалалар муҳокама этилаётгани айtilган.

Полковник Вольков агентураси йўллаган ахборотда Андижон «тараққийпарварлар»и маслакдоши рус журналисти Вадим Чайкин ҳокимиятга қарши маҳаллий ёшларни уюштираётгани қайд этилган. Турк-юнон урушида миллатдош, диндош Туркиянинг юнонлар устидан ғалаба қозонишига умид билдирувчи ва бу ишга

<sup>1</sup> Ҳамза. Тула асарлар тўплами. 2-жилд. Тошкент, 1998, 65-бет.



кўмак берувчи махфий жамият бўлиб унинг асосий мақсади маҳаллий рус ҳокимиятини ерга уриб қоралаш орқали ерли аҳоли ўртасида обрў қозонишдан иборатлиги ҳам кўрсатилган. ТРМБ махфий агенти Мирза Аҳмад Кушбегиёв уни тўлдириб, «агар бу жамият жазосиз қолаверса у ҳолда даҳшатли кучга айланади. Халқ уларнинг қармоғига илиниб, жоловини уларга бериб қўяди», деб андижонлик тараққийпарварларнинг сиёсий куч эканини таъкидлаган.

Тараққийпарварлар ўз олдига сиёсий эркинликка эришиш, рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан озод бўлишдек мақсадни вазифа қилиб қўйганлар. Уларга русча ва мусулмонча маълумотга эга бўлган Андижон ёшларининг кўпчилиги хайрихоҳ эди. Андижон уезди бошлиги полковник Ю.А.Бржезицкий Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1916 йил 13 сентябрдаги билдиргисида «ҳозирда аҳоли маъмурият овозига эмас, балки жаноб Вадим Чайкин, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Аҳмадбек Ҳожи Темурбеков, Пошшоҳўжа Умархўжаевлар ва улар тўдаси овозига қулоқ осмоқда. Одамлар арзшикоятлар билан маъмурият олдига эмас, балки ўшалар ҳузурига адолат истаб бормоқда. Маъмурлар Тошкент, Андижон ва Қўқон каби йирик маъмурий марказларда тобора кучайиб бораётган «тараққийпарварлар» фирқасидан жуда ҳайиқиб қолишди» деб ёзган.

«Тараққийпарварлар» сардори Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевнинг «Рус император жўгрофия жамияти» мажлисидаги маърузасида «Рус халқи бизларни ўғирлик ва жиноятга ўргатди» деган фикрини «Туркестанский голос» газетаси ўз саҳифаларида ёзган эди. Буни ўқиган мустамлакачи шовинистлар ниҳоятда дарғазаб бўлишган.

Аҳоли томонидан адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев номига ёзилган аризада шундай ёзилган: «Ҳозирги Андижон ноҳияси бошлиги Бржезицкий даврида авваллари ҳам мавжуд бўлган порахўрлик, товламачилик ва зўравонлик ниҳоятда кучайиб кетди. Қонунқоидага айланган бу системанинг хусусиятлари, биринчидан, аҳолидан ўлпон олиш ва порахўрликка маҳаллий амалдорлар: элликбоши, мингбоши ва шаҳар бош оқсоқоли Шермат Алимқулов каби маъмурият вакиллари жалб этилаётганида, иккинчидан, солиқ, ўлпон ундириш ва пора олиш маъмурият вакиллари томонидан бевосита эмас, балки билвосита воситачи-

лар орқали амалга оширилаётганида намоён бўлмоқда. Хусусан, ноҳия бошлигининг тилмочи Юсуфжон ҳожи ҳамда приставларнинг таржимонлари воситачилик қилишмоқда. Бу усул шундай усталик ва изчиллик билан олиб борилмоқдаки, натижада аҳоли амалдорларнинг қонунга хилоф ишлари юзасидан қилган жиноятлари ҳеч қачон адолатли ҳал бўлмаганлигига кўникиб кетишган. Бу аҳволни Асадуллахўжаев генерал-губернатор Куропаткинга етказган. У эса Асадуллахўжаевнинг талабини қондириб Андижон туманбошисини лавозимидан четлатади. Шунингдек, мардикорликка олиш бўйича барча ишлар жадидлар раҳбарлик қилувчи «Тузем қўмитаси» ихтиёрига топширилиб, унинг раислигига У. Асадуллахўжаев, муовинлигига эса Мунавварқори Абдурашидхонов тайинланади».

Куропаткиннинг «тараққийпарварлар»га кўрсатган бундай ишончи тагида ётган яширин мақсадни фаҳмламаган шовинистлар бениҳоя дарғазаб бўлади. Полковник Бржезицкий маслакдош дўсти, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори вазифасини бажарувчи полковник Ивановга юборган хатида шундай деган: «Туземецлар сўнгги вақтда сурбетлашиб кетишди. Жаноб Хўжаевлар ва Чайкинлар «Камбағал тузем аҳолини эзаётган маъмурият» устида яна арзбозлик компаниясини бошламоқда. Фикримизча, зудлик билан уларнинг фаолиятига чек қўйиш керак. А.Чайкин, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев укаси Башируллахўжа, Аҳмадбек Темирбеков, Пошшоҳўжа Умархўжаевларни мардикорликка жўнатиш тугагунча ўлкадан чиқариб юбориш зарур. Шахсан ўзим кўрган-кечирганларим асосида маҳаллий аҳолига ишончимни батамом йўқотдим. Бу халқ июль ойида рус қизларини ва аёлларини зўрлади, кўприкларни ёндирди, ҳимоясиз амалдорларни ўлдирди. Бундай ёввойиларга мен энди сира ишонмайман. Ўлкадаги 27 йиллик хизматимдан келиб чиқиб, шундай қатъий хулосага келдим: ёввойи туземларга бизнинг инсонпарварлигимиз мутлақо тўғри келмайди. Фақат милтиқ-найзаларгина уларни мардикор беришга мажбур қилади». 1898 йилги Андижон қўзғолонини бостиришда фаол қатнашган Бржезицкийнинг бу хулосаси полковник Ивановнинг ўша вақтда халқ орасида машҳур бўлиб кетган «бир рус солдати этиги пошнаси мингта туземец аблаҳдан афзал», деган иборасига ҳамоҳанг эди.

Шовинист Иванов жадилларни, айниқса Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевни ўлгудек ёмон кўрарди. У бор воситаларни ишга солиб тараққийпарварлар устидан жинойи иш қўзғади. Шахсан ўзи кузатув ишлари олиб борди. 162 варақни ташкил этган маълумотномасида «тараққийпарварлар»нинг рус инқилобчилари билан ҳамкорлиги хунук оқибатларга олиб келиши ҳақида маълумот тўплаб ўлка ҳукмдори Куропаткинни қўрқитмоқчи бўлди. «Хўжаев ўз таъсирини кучайтириш учун, — деб ёзган эди Иванов, — Андижондаги Сулаймон Келгинбоев тўдаси билан битим тузиб, тайёр ташкилотга бош бўлиб олди. Келгинбоевнинг Асадуллахўжаев билан иттифоқига «Туркестанский голос» газетаси муҳаррири, фахрий фуқаро А.А.Чайкиннинг укаси Вадим Чайкин ва ўз ходими яҳудий Илья Яковлевич Шапиро билан жон дили билан киришган ва у билан тил бириктирган».

«Бу ўзбеклар, — дейилади ТРМБ бошлиғи ўринбосари, полковник Розалион-Сошальскийнинг 1916 йил 24 сентябрдаги билдиргисида, — Андижон шахрининг эски қисмини ўзаро бўлишиб олишган ва ҳар куни ўз жабҳаларини айланиб чиқадилар ва аҳолидан ҳол-аҳвол сўраш маъносида қандайдир шикоятлар йўқми деган саволлар ҳам беришади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ўзлари аҳоли вакилларига бирон нарса бўйича шикоят ёзишликка шама қиладилар. Кечқурун таҳририятда тўпланишиб Чайкин ва унинг ёрдамчилари, жумладан, ҳуқуқшунос Шапиро иштироқида йиғилиш ўтказадилар».

Чайкиннинг генерал-губернаторга йўллаган телеграммаси бўйича Андижон шахрининг катта оқсоқоли ишдан олинган вақтдан бери Чайкиннинг аҳамияти янада қўтарилиб кетади. Шундан бери Чайкин генерал-губернатор бизнинг томонимизда ва у, Чайкин маъмуриятдаги ҳар қандай амалдорларни хизматидан ҳайдаши мумкин, деб юрибди. Деярли ҳар куни «Туркестанский голос» газетаси таҳририятига келиб, йиғилишда қатнашаётган «тараққийпарвар»чилардан ҳозирча қуйидагилар маълум: Олимжон Ҳожи Мирза Юсупов Асакка волост бошқарувчисининг собиқ мирзаси, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев савдогар, Миркомил пассажида ўзининг манфактура (газлама) дўконига эга, Мирали Умарбоев шахар ноиби, Латифжон Маҳсум Қозиев, Андижон шахри 2-қисмидаги ҳоким тилмочи, Олим-

жон Ҳожининг қариндоши, Қўчқарбой Алимов, Мирали Умарбоевда приказчик, Отахон Назарбоев, хусусий китоб дўконига эга, Мирҳайдар, Миркомил Мирмўминбоев уйи ёнидаги газмол магазини эгаси.

Полковник Иванов шахсан ўзи ва маслакдошлари номидан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевни ва унинг сафдошларини дарҳол ҳибсга олиш, буткул Туркистон ўлкасидан чиқариб юборишни генерал-губернатордан қатъий равишда талаб қилган. Куропаткин эса уста сиёсатчи сифатида Сирдарё вилояти губернаторидан бу ҳақда фикр сўрайди. У эса 1916 йил 5 ноябрда Куропаткинга йўллаган ахборотида У. Асадуллахўжаевнинг «зарарли фаолияти»га оид ҳеч қандай асослар йўқлигини ёзади. Аммо, охири генерал—губернатор маҳкамаси, махсус бўлим, сиёсий разведка—Туркистон район муҳофаза бўлими кўрсатишича, Туркистоннинг ҳарбий-сиёсий доиралари жадидларнинг «тараққийпарварлар» фирқасининг аҳолига таъсиридан хавфсираб, унинг фаолиятини тўхтатишга қарор қилишган.

1917 йил 31 январда ТРМБ бошлиғи ўринбосари полковник Розалион-Сошальский Фарғонага келиб, ҳарбий губернатор маҳкамасидаги ҳужжатлар билан танишади. Тез орада «ўзига «тараққийпарварлар» номини қўйган Андижондаги уюшма фаолияти ҳақида»ги жиной иш кўзғатилади. Худди шу вақтда инқилобий мазмундаги ўзбек тилида тарқалган варақалар чор маъмурларини ғоят ташвишга солаётган эди. Бу варақаларни ёзишда ва тарқатишда 50 дан ортиқ «тараққийпарварлар» гумон қилинади.

«Тараққийпарварлар» аста-секин инқилобий ҳаракатга қўшилиб кетаётганликлари энди равшан бўлиб қолган эди. ТРМБ бошлиғи полковник М.Волков 1917 йил февраль ойида генерал-губернатор Куропаткинга «Тараққийпарварлар» фирқаси иши бўйича ишга киришганини ва ўринбосари подполковник Розалион-Сошальскийнинг 7 февралда Андижонга юборилганини маълум қилади. Шу билан бирга Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва бошқа фирқа аъзолари ва раҳбарларини жинойи фаолиятда айблаб ўлкадан сургун қилиш ҳақида Куропаткиннинг буйруғи ижро учун қабул қилинганини таъкидлайди.

Ниҳоят, Куропаткин ўта шовинист генераллар ва зобитларнинг сиқувига дош беролмай, мардикорликка сафарбарликни уюштиришда адолатли иш кўришни та-

лаб қилган жадидларни судга беради. Аммо Туркистон ўлкаси тарихида кутилмаган воқеа юз беради. Тошкент округ суди раисининг ўз касбдоши, ишончли вакил— адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва унинг сафдошлари устидан фармонининг эълон қилиниши Туркистон халқини кўзғолон кўтаришга мажбур этади. Жадидчи Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевнинг Андижонга келган А.Ф.Керенский ва бошқаларга кўзғолонни юзга келтирган сабаблари ҳақида айтган мана бу фикрларига эътибор беринг: «Подшо фармони эълон қилинмасдан олдин Андижонда мустамлакачи маъмурлар халқни алдаб сизларнинг ўғилларингизни фронтга олмаймиз, шу боис армияни қўллаб унга отлар ва бошқа керакли нарсалар билан ёрдам берсангиз, пул қилсанглар бўлади, деб алдаган ва бунга ишонган аҳоли фронт учун кўпдан кўп моддий сарф-харажатлар қилган эди». У. Асадуллахўжаевнинг бу фикрини Давлат Думаси минбаридан туриб 13 декабрда ноиб Жафаров катта ачиниш билан айтган эди.

Фарғонада 10 йилдан бери губернаторлик қилиб келаётган генерал-лейтенант Александр Гиппиус подшо фармонининг бемаврудлигини пайқаб, уни ниҳоятда тинч йўл билан бажаришга уринади. У «Фарғона вилояти ведомости»да подшо фармони билан баробар аҳолига ўзининг мурожаатини эълон қилади. Намойиш тарзида бу мурожаат араб имлосида, ўзбек тилида берилади. Унда губернатор мардикорлар давлат томонидан тўла-тўқис таъминланиши, одамлар ўзлари ўрнига бошқа одам ёллаб юборишлари ҳам мумкинлигини айтган. Гиппиус жойларда аҳолининг ғалаёнлари ҳақидаги хабарларга асосланиб, генерал-губернаторга «халқ ғалаёнлари» нима сабабдан келиб чиқишидан қатъи назар, у ўз тараққиёти давомида диний ва сиёсий заминга кўчиши хавфи бор», деб уни огоҳлантиради. У 17 июлда рўза тугаб, 18 июлдан ҳайит уч кун давом этилишини эслатган ҳолда, бу кунлар «тўполон чиқиш учун жуда қулай» эканлигини уқтиради. Гиппиус подшо фармонини айнан Фарғонада қўллаб бўлмаслигини ёзишга журъат этади. У маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, подшо фармонига «ўзи билганича тузатиш ва чекинишлар киритажagini, бундан мақсад йирик тартибсизликларга йўл қўймасликдир», деган мазмундаги телеграммининг бир нусхасини Тошкентга, иккинчи нусхасини эса Петербурга—Бош штабга юборади.

Тажрибали сиёсатчи ва тадбиркор генерал ён бо-  
сишлар, қисман чекинишлар ва ҳатто Куръони Ка-  
римни ҳам ишлатиш билан кўзғолон чиқармасликка  
уринади. Катта оломоннинг кўз ўнгида губернатор бо-  
шига салла ўраб, елкасига тўн ташлаб, Куръондан су-  
ралар ўқийди. Лекин, ҳар қандай уринишлар тугал на-  
тижага олиб келмаслигига кўзи етгач, охириги чорани  
қўллайди. Вақтдан ютиш мақсадида у 27 июлда подшо  
фармони ижросини тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатма  
беради. Бундай дадил ва қалтис ишни асослаб, губер-  
натор зўравонлик ишлатилса, «исёнга доим мойил» ва  
«ҳамиша ғазовот руҳи уфуриб турадиган» Фарғонада  
аҳоли қисман тоғларга чиқиб кетишига, қисман қароқ-  
чилар тўдасига қўшилиб кетишига, асосан эса диний  
ва сиёсий шиор остида очиқчасига кўтарилиб кетиши-  
га урғу беради. Гиппиус олий қўмондонликка Туркист-  
тон рус давлати учун қудрат манбаи бўлиб қолиши  
мақсадида шундай қилингани маъқуллигини айтади.  
Аммо Марказ унинг далилларини қабул қилмай, ҳатто  
фармонни бузишда ва мусулмонларга ён босишда айб-  
лаб вазифасидан бўшатади. Унинг ўрнига ўтакетган шо-  
винист, калтадум полковник П.Иванов тайинланади. У  
табиий равишда тезлик билан фармонни бажаришга  
ҳамда очиқдан-очиқ ҳарбий жазолар қўллашга кири-  
шади<sup>1</sup>.

А.Ф.Керенский бошлиқ 31 нафар Давлат Думаси  
аъзолари Министрлар Кенгаши раиси, ҳарбий, ички  
ишлар ва адлия вазирлигига ёзган мурожаатларида 1916  
йил июлида Туркистонда бўлиб ўтган даҳшатли воқеа-  
ларни тасвирлаб, «кўп минглаб «тузумецлар» жинси,  
ёши фарқланмай жазо экспедициялари томонидан йўқ  
қилиб юборилди», «қирғиз аҳолиси минглаб ўлдирил-  
моқда», Самарқанд вилояти, Жиззах уездида жазо от-  
рядига ўз йўлида учраган барча аҳолини ва бутун қиш-  
лоқларни йўқ қилишга буйруқ берилгани, аҳолининг  
ёппасига қирғин қилингани, шаҳар, қишлоқ ва овул-  
лар ёндириб юборилгани, аҳолининг барча мол-мулки  
тортиб олингани каби даҳшатли манзара очиқ-ошкора  
ёритиб берилади. 1916 йилги кўзғолон масаласининг  
Давлат Думасида кўрилишининг асосий ташкилотчи-  
лари, ташаббускорлари айни андижонлик тараққий-  
парварлар ва демократлар бўлди.

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... 418-бет.

Шундай қилиб, Туркистон чор Россияси томонидан босиб олингач, ўлка халқларининг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари оёқ-ости қилинади, миллий зулм кучаяди. Туркистонликлар миллий-озодлик курашларига отланадилар, кўзғолонлар юз беради. Халқ оммаси мустамлакачилик исканжасидан қутилишнинг бирдан бир, энг ишончли йўли қуролли кўзғолон эканлигини тобора англаб ета бошлайдилар. 1916 йилги кўзғолон мана шу йўлдаги улкан кўтарилиш бўлади. Бу кўзғолон ўлка халқлари куч-қудратининг ҳақиқий намоёишига айланади. Энг оддий қуроллар билан қуролланган ўзбек, қирғиз, туркман, тожик, қозоқ, қорақалпоқ халқлари 1916 йилда истилочиларга қарши «Жиҳод» эълон қилган ва Туркистонда чор ҳокимиятини парчалаб ташлаб, мусулмон давлати барпо этишни кўзда тутган эдилар. Аммо халқ кўзғолони мустамлакачилар томонидан қонга ботирилади. Аммо у Туркистон халқининг озодликка бўлган хоҳиш иродасини бостира олмайди. Буни биз Туркистон генерал-губернатори Куропаткиннинг подшоҳга йўллаган қуйидаги хабаридан ҳам билсак бўлади: «Ярим асрлик ҳукмронлиги мабойнида рус ҳукумати ўзга халқларни рус подшоҳининг ишончли хизматчиларига ва рус империясининг содиқ фуқароларига айлантира олмади»<sup>1</sup>.

Дума мажлисида Думанинг мусулмонлар фракцияси раиси Кутлуғ Муҳаммад Мирза Тўқил билан бирга Туркистон кўзғолони сабабларини аниқлаш учун ҳозир бўлган А.Ф.Керенский бошқа уруш ўчоқлари қатори Туркистонда ҳам янги фронт юзага келганидан шикоят қилади. У ўз юртдошларининг ваҳшийликларидан воқиф бўлгач, вайронага айлантирилган шаҳар ва қишлоқларни кўргач, юзаки бўлса-да, туркистонликларни ёқлаб чиқади. 1917 йил февраль инқилоби хабари келганда, ҳали Туркистонда 1916 йил кўзғолонининг излари ўчмаган, рус ҳукмронлиги тўла-тўқис тикланиб улгурмагани. Туркистонликлар Керенскийга табрик телеграммаси йўллашиб, унинг ёрдамида озодлика чиқишга умид боғлайдилар, чунки Керенский 1916 йил ноябрида Туркистонда сўзлаган нутқида рус ҳукумати-ни шафқатсизликда айблаган, Туркистонга ўз ҳукумати-ни тузиш ҳуқуқини беришни талаб қилиб чиққан, 1916 йил охирида Петербургга келган Тўрғай вилояти

<sup>1</sup> История народов Узбекистана. II том, Тошкент, 1947, стр. 256.

делегациясига рус ҳукуматининг ваъдаларига ишон-масликни маслаҳат берган ва шу сабабдан нафақат Туркистоннинг, балки туркий халқларнинг ишончини қисман оқлаган эди<sup>1</sup>.

Хуллас, 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби арафасида Туркистонда мураккаб бир ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келган эди. Ўлкада яшаб келаётган халқ оммаси офир ижтимоий ва миллий мустамлакачилик зулмини ўз бўйнидан улоқтириб ташлаш учун фаол курашга отланади. Хусусан, 1916 йилги кўзғолон бу минтақа катта сиёсий ларзалар арафасида турганлигини кўрсатарди. Аммо халқ оммасининг эрк учун, озодлик ва миллий истиқлол учун олиб бораётган курашига бошчилик ва раҳбарлик қилишни эплай оладиган сиёсий партия Туркистон ўлкасида йўқ эди.

Ниҳоят, 1917 йил февралда Россияда инқилоб юз берди, подшоҳлик Россияси кулади. Бутун мамлакат бўйлаб ҳуррият, озодлик кенг қулоч ёйди. Жадидчи шоир Абдулҳамид Чўлпон бу инқилобни Франциядаги XVIII асрдаги буюк инқилобга тенглаштирди. Айни шу февраль инқилобидан кейин Ўрта Осиёдаги жадидчилик ҳаракатида, жадидлар фаолиятида тамомила янги давр бошланди, янги саҳифа очилди. Жадидларнинг ўз мақсад ва истакларининг рўёбга чиқиши учун зарур ижтимоий-сиёсий вазият, шароит юзага келди.

Хуллас, жадидчилик ҳаракати ўзининг янги босқичига қадам қўйди.

---

<sup>1</sup> *Мустафо Чўқай ўғли*. Керенский ва Туркистон миллий ҳаракати. «Ёш Туркистон», Берлин-Париж, 1930, 9—10-сонлар, 22-бет.



## ХОТИМА

Ҳурматли ва азиз ўқувчи! Сиз «Ватан тарихи» (XVI асрдан 1917 йил февралигача) китоби билан танишдингиз. Қисқача бўлса-да, у сизга мамлакатимиз тарихининг мазкур даври бўйича тасаввур қилиш имконини берди. «Ватан тарихи»нинг ғоятда сермазмун, зиддиятли ва қарама-қарши воқеа-ҳодисалар, тарихий муаммоларга бой бўлган XVI асрдан 1917 йил февраль инқилобигача ўтган даврини кўздан кечириб ундан қандай тарихий, илмий ва назарий хулосалар ва сабоқлар чиқариш мумкин? Бизнингча, улар қуйидагилардан иборат.

**Биринчидан**, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрни ўз ичига олган Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилигимиз тарихининг энг юксак чўққисига чиққан, ривож топган, гуллаган давридир. XV аср охири—XVI аср бошларига келиб темурийлар салтанати инқироз сари юз тутди ва емирилди. Унинг асосий сабаби темурий шаҳзодалар ва султонлар ўртасидаги тожу тахт таллашиб олиб борилган бесамар ва фойдасиз урушлар бўлди. Натижада ўз даврида тараққиёт ва ривожланишда жаҳонни лол қолдирган қудратли темурийлар салтанати тараққиётнинг анча куйи ва паст босқичида бўлган, Дашти Қипчоқ чўлларида марказий давлат ўлароқ шаклланган Муҳаммад Шайбонийхон давлати томонидан қилинган хуруж ва зарбаларга бардош бераолмай парчаланиб кетди.

**Иккинчидан**, XVI—XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар ўтган тарихий давр мобайнида Ўрта Осиё ҳудудидаги тарқоқлик, амирлар ва хонлар ўртасидаги қирғинбарот ва мантиқсиз урушлар шу даражада авж олиб кетдики, оқибат натижада мазкур ўлка хароб бўлди ва ҳалокат ёқасига келиб қолди. Тўғри, шайбонийлардан Абдуллахон II ва аштархонийлардан Имомқулихон бу ҳудудда марказлашган кучли давлат барпо қилишга интилдилар, аммо уларнинг барча ҳаракатлари кутилган самарани бермади.

**Учинчидан**, Ўрта Осиёда авж олган ўзаро тарқоқ-

лик ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий тараққиётига жуда катта салбий таъсир кўрсатди, ўлка жаҳон цивилизациясидан ажралиб тор ҳудудий ва биқик доирада ўралиб қолди.

**Тўртинчидан,** XVI—XIX асрнинг биринчи ярмидаги тарқоқлик ва иқтисодий ривожланишдаги салбий ҳолатларга қарамасдан Ўрта Осиё халқларининг тараққиёт даражаси умуман тўхтаб қолган эмас. Айниқса минтақа халқлари маданий-маърифий ижод соҳасида аждоқларимизнинг ажойиб анъаналарини давом эттирдилар, жаҳон фани адабиёти ва маданияти ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Бу ўринда Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Турди Фироғий, Мирза Бедил, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Маҳтумқули, Бобораҳим Машраб, Нодира каби ижодкорларнинг қолдирган маънавий бойликлари назарда тутилмоқда.

**Бешинчидан,** Ўрта Осиёдаги ўзаро тарқоқлик ва ўзаро ҳудудий урушлар айниқса сўнгги ўзбек хонликлари даврида ҳалоқотли ва фожеали тус олди. Бу урушлар Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги, Бухоро амирлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида шу даражада кучайдики, бундай оғир вазиятдан дастлаб Эрон босқинчилари, сўнгра чор Россияси мустамлакачилари фойдаланиб қолдилар.

**Олтинчидан,** жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъвоси билан нафас олган чор Россияси қадим-қадимдан туркий халқлар ҳудудини эгаллаш ҳаваси билан яшаган. Волгабўйи, Урал-Олтой ва Шарқий Сибирдаги туркий халқлар истиқомат қилган ҳудудларда хўжайинликни қўлга киритган Россия XIX аср охирига келиб Туркистоннинг катта ҳудудини эгаллади. Жуда катта ва даҳшатли босқинлар уюштирди, қирғинлар қилди ва оқибатда Қўқон хонлигини тугатди, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ўз вассалига айлантирди.

**Еттинчидан,** чор Россияси Туркистон ўлкасида оғир ва аянчли мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Ўлка бойликларини талади ва Россияга ташиб олиб кетди. Чор Россияси томонидан амалга оширилган қурилишлар ва маданий-маърифий тадбирлар ўлка бойликларини кўпроқ ва мўлроқ ташиб кетишга қаратилган эди. Мустамлакачилар ўлкада ерли халқларнинг маънавий қадриятларига, тили, дини, миллий урф-одатларига

тажовуз қилди. Маҳаллий халқнинг барча эркинликларини бўғди.

**Саккизинчидан,** Туркистон халқлари ўзларининг тарихий анъаналарига содиқ қолиб, босқинчиларга қарши ўз мустақилликлари, озодликлари ва эрклари учун қаҳрамонларча ва мардонавор курашдилар. Чимкент ва Тошкент, Самарқанд ва Кўктепа, Андижон ва бошқа ҳудудлар учун даҳшатли мудофаа жанглари бу фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

**Тўққизинчидан,** Туркистон ўлкаси халқлари чор Россияси мустамлакачилигини тан олмадилар, эксплуатация ва зулматга қарши миллий-озодлик ва эрк учун курашга отландилар. 1868 йилдаги Самарқанд, 1973—1876 йиллардаги Кўқон, 1885 йилдаги Дарвишхон, 1892 йилдаги Тошкент, 1898 йилдаги Андижон ва 1916 йилдаги қўзғолонлар халқимизнинг озодлик курашлари тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Бу озодлик курашлари давомида туркистонлик ватанпарварлар мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

**Ўнинчидан,** чор Россияси босқини ва мустамлакачилик сиёсати Туркистон халқларининг миллий тарихий тараққиётини тўхтатиб қўя олмади, халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчилик ва ижодкорлик фаолияти оғир шароитларда бўлса-да, илгарилаб борди. Айниқса, бу ўринда маънавий ижод соҳибларининг ўрни алоҳида диққатга лойиқдир. Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Завқий, Муҳйи Хўқандий, Бердақ, Анбар Отин, Дилшод ва бошқалар ўз асарларида халқ оммасининг эзгу ниятларини куйладилар, мустамлакачилик зулмини лаънатладилар, адолатсизликка ўт очдилар ва ҳақиқат учун курашдилар.

**Ўн биринчидан,** Туркистон ўлкаси халқлари ХХ аср бошларида яқинлашиб келаётган озодлик ва эрк учун курашнинг қудратли ларзалари нафаси билан яшадилар. Бу даврда Туркистонда демократик ҳаракат икки йўналишда намоён бўлди. Биринчиси, социал-демократик ҳаракат бўлиб, бу ҳаракатнинг асосий намоёндалари Россиядан турли тақдирлар тақозоси билан ўлкага келган русийзабон халқларнинг вакиллари эдилар. Туб ерли маҳаллий халқ уларга ётсираб, бегонасираб қаради. Келгинди социал-демократлар илгари сурган ғоялар Туркистон меҳнаткашларига тушунарсиз бўлганлигидан уларга эргашмадилар ҳам.

Туркистоннинг туб ерли маҳаллий халқи демокра-

тик ҳаракатнинг асосан иккинчи йўналишига эргашдилар. Чунки бу йўналишда илгари сурилган ғоялар туб ерли маҳаллий миллат вакилларининг интилишлари, қизиқишлари ва туб пировард мақсадларини ифода этар эди. Туркистондаги демократик ҳаракатнинг иккинчи йўналиши асосан жаидчиликда ўз аксини топди. Бу ҳаракатнинг атоқли ва кўзга кўринган вакиллари Исмоил Гаспиринский, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва бошқалар бўлиб, улар миллий истиқлол, эрк ва озодлик ғояларини илгари сурдилар, ҳақиқат ва адолат учун курашдилар. Улуғ аجدодларимизнинг босиб ўтган тарихий ватанпарварлик кураш йўллари мустақил Ўзбекистон ёшлари учун ўрнак ва намунадир.

## Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
2. Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш—давр талаби. 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
6. Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998.
7. Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1999.
8. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт—пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т., «Ўзбекистон», 2000.
9. Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Т., «Ўзбекистон», 2001.
10. Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. Т., «Ўзбекистон», 2002.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи Марказини ташкил этиш» тўғрисида 1996 йил 18 сентябрдаги Фармойиши.
12. «Ўзбекистоннинг янги тарихини»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1996 йил 16 декабрь. «Халқ сўзи», 1996 йил 17 декабрь.
13. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги қарори. «Халқ сўзи», 1998 йил 25 июль.
14. Абаза К. Завоевание Туркестана. Рассказы из войн. «Истории, очерки о природе, быте и нравах туземцев в общедоступном изложении». — СПб. 1902.
15. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1992.
16. Абдулла Авлоний. Усон миллат. Т., «Шарқ», 1993.
17. Абдуллаев Ортиқбой. «Туркистоннинг қора кунлари». «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 12-сон.
18. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Т., 1974.
19. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. Тошкент, «Чўлпон», 1992.
20. Адам Жюльетта Ламбер. Генерал Скобелев. СПб, 1886.
21. Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. Т., 1959.

22. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., «Шарқ», 2000.
23. Алиев А. Маҳмудхўжа Бехбудий. Т., 1994.
24. Алимова Д., Рашидова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий и его исторические воззрение. Т., «Маънавият», 1998.
25. Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Т., «Фан», 1966.
26. Амир Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т., «Фан», 1991.
27. Апполова Н.Г. «Присоединение Казахстана к России в 30-х годах XVIII века». Алма-Ата, 1848.
28. Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв. (Письменные памятники). Т., 1985.
29. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., «Ўқитувчи», 1991.
30. Аҳмедов Б.А. Ўзбек улуси. Т. Нур, 1992.
31. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Т., «Ўқитувчи, 1994.
32. Асқаров А. Тарих фани: кеча ва эртага. «Турон тарихи. Т., 1993, 4—5-бетлар.
33. Бартольд В.В. «Туземец о русском завоевании» (Т.1953, перепечатана из газеты «Туркестанские ведомости» 1898 № 13,14 35—37 и 40.
34. Бартольд В. История культурной жизни Туркестана. Т., 1913.
35. Бартольд. В. «Геок-тепе». Соч. Т.3. М-; 1965, стр. 399.
36. Бейсембиев Т.К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. Алма-Ата, 1987.
37. Бобобеков Ҳайдарбек. Қўқон тарихи. Тошкент, «Фан», 1996.
38. Бобобеков Ҳ, Каримов Ш, Содиқов М, Усмонов Қ, Холбоев С, Шамсутдинов Р. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. Т., «Шарқ», 2000.
39. Бабабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. Т., «Фан», 1990.
40. Baymirz Hayitin. Turkistanin Kisatarihi. Berlin. 1944. 112 S. (турк тилида).
41. Верещагин В.В. Из путешествия по Средней Азии. «Голос», 1869, №94,98. Т.сб.т.24.
42. Верещагин В. В. От Петербурга до Ташкента. Санкт-Петербургские ведомости. 1868, №16,20,31. Т.сб.т.7.
43. Военные действия против кокандцев в 1875—1876 гг (По официальным донесениям).СПБ, 1888. Кн.9.
44. Война с кокандцами. «Московские ведомости», 1876, №318.
45. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов и материалов. М., 1960.
46. Галузо П. «Туркестан—колония» (очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 г. М., 1929).

47. Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев. М., 1926.
48. Галузо П.Г. Туркестан—колония. Т., 1935.
49. Гаспиринский И. Русское мусульманство. Петербург, 1881.
50. Гейнс К. Н. «Очерк боевой жизни Ахал-Текинского отряда 1880—1881 гг.» СПб, 1882.
51. Гинзбург А. И. Русское население в Туркестане. М., 1991.
52. Григорьев В. В. Описание Хивинского ханства и дороги туда из Сарайчиковой крепости. (ЗИРГО.вып. II, СПб, 1861).
53. Гродеков Н. «Война в Туркмении. Поход Скобелева в 1880—1881 гг.». Т. 1—4, СПб, 1883—1884.
54. Гулбаданбегим. «Хумоюннома». Т., 1959.
55. Гулямов Я. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т., «Фан», 1957.
56. Дубовицкий В. Русско-среднеазиатические отношения. «Фрунзевец», 1990, 11 июл.
57. Дмитровский Н.А. Двадцатипятилетие Туркестанской публичной библиотеки «Туркестанские ведомости», 1895, № 15, 18, 28, 33, 37.
58. «Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақил тараққиёт учун кураш». Тошкент, «Университет», 1999.
59. Жалилов О. XIX—XX аср бошларида қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар. Т., «Фан», 1977.
60. Желябужский Е. «Очерки о завоевании Хивы», 1875.
61. Жунаидхон ўғли Тўрақўрғоний Ибрат. «Тарихи Фарғона». Тошкент, «Мерос», 1995.
62. Жўрақулов О. Қашқадарё манғитлари. Т., «Фан», 1994.
63. Зайцев В. Н. История 4-го Туркестанского линейного батальона. С картой за период с 1771 по 1882 г. как материал к описанию движения русских в Средней Азию. Составил поручик Зайцев В.Н. Т., 1982.
64. Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. «Шарқ юлдузи», 1993 йил.
65. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002.
66. Зиё Саид. Танланган асарлар. Т., 1974.
67. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., «Шарқ», 1998.
68. Зиёев Ҳ. Чоризм ва пахта яккаҳоқимлиги. «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 5-сон.
69. Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. Т., «Меҳнат», 1993.
70. Иброҳим Ёрқин. Туркистонда 1916 йил исёни ҳақида баъзи маълумотлар. Турк маданияти журнали. Анқара, 1968, 68-сон.
71. Иванин М. «Описание зимнего похода в Хиву а 1839—1840 г. СПб, 1874.

72. Иванов Н. А. «Памяти Туркестанского генерал-губернатора и командующего войсками Туркестанского округа Николая Александровича Иванова». Т. 1909.
73. История Узбекистана. Том III. (XVI—первая половина XIX века) Ташкент, 1993, «Источники. Историография» .
74. История изучения Востока в Европе и России. СПб, 1911. Бартольд В.В. Сочинение. Т.IX.М., 1977.
75. История народов Узбекистана. Под.ред. член-корр. АН СССР заслуженного деятеля науки УзССР С.Б.Бахрушина и кандидата ист.науки В.Я.Непомнина и В.А.Шишкина. Ташкент, 1947.
76. История Ташкента. С древнейших времен до победы февральской буржуазно-демократической революции. Т., 1984.
77. История и историография национально-освободительных движений второй половины XIX—начало XX вв. Средней Азии и Казахстана. Т., 1989.
78. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Жадид тарбияшунослиги асослари. Т., 1994.
79. Казначев И. В. Генерал-адъютант М.Д.Скобелев. Петроград, 1916.
80. Каримов Наим. Истиқлолни ўйотган шоир. Т., «Маънавият», 2000.
81. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия босқини даврида. Андижон, 1995.
82. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Биринчи китоб. Т., «Ўқитувчи», 1997.
83. Карим Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., «Шарқ», 2001.
84. Кауфман А. А. К вопросу о русской колонизации Туркестанского края.—СПб, 1903.
85. Катюкова М. «Из истории борьбы за представительство Туркестана в Государственной думе Российской Империи» «Ўзбекистон тарихи», 2002, №3.
86. Кауфман А. А. «Переселение и колонизация». СПб. 1905.
87. Кагельская З. Основные предпосылки восстания 1916 г. в Узбекистане. М., 1972.
88. Кагельская З. Из истории Туркестанского края (1865—1917). М., 1980.
89. Кенесариев Т. Кўргўздар жана Кокон хандўгў. Ош, 1997.
90. Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915—1917 гг. и её проявление в Туркестане. Т., 1971.
91. Константин Петрович фон Кауфман—ускоритель Туркестанского края». Личные воспоминания Н. П. Остроумова (1877—1881гг). Т., 1899.
92. Костин Б. «Скобелев М.» «Патриот», 1990.
93. Ким П.Г. Уйдирма ва ҳақиқат. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989, 20 октябрь.



94. Куропаткин А. Завоевание Туркмении. (Поход в Ахал-Теке в 1880—1881 гг. С очерком военные действия в Средней Азии с 1839 по 1876). СПб, изд. В.Березовский, 1989.
95. Лазиз Азиззода. «Бехбудий». «Маориф ва ўқитувчи», 1926, №2.
96. Ликошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Л., 1930.
97. Лобьсевич Ф. «Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и дипломатическо-военном отношениях».- (Дополнительный материал для истории хивинского похода 1873 г. Из официальных источников.) СПб. 1900.
98. Логофет Д. Н. «На границах Средней Азии» Путешествие. Очерки в 3-х книгах, СПб, 1903.
99. Лаврентьев В. «Капитализм в Туркестане» (Буржуазная колонизация в Средней Азии) Л., 1930.
100. Лунин Б.В. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Исторический очерк. Ташкент, 1979.
101. Мак Гехен. Туркларга қарши рус ваҳшати. Истамбул, «Муҳит» нашриёти, 1970.
102. Мажид Ҳасаний. Юрт бўйнидаги қилич ёки истило. Т., «Адолат», 1997.
103. Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. Т., «Нур», 1992.
104. Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. Ташкент, 1955.
105. Масальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии. СПб, 1892.
106. Масальский В. Россия. Полное географическое описание нашего отечества. СПб., 1913,
107. Макшеев А. И. «Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских». СПб, 1890,
108. Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Т., «Маънавият», 2001.
109. Мерт Ў. Бухоро амирлиги элчиси Муҳаммад Порсо Афандининг Истамбулдаги дипломатик фаолиятлари (1867—1869). Турк культури Аралаштирмалари, XV. 1—2 (1976).
110. Мирмуҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. Т., «Фан», 1957,
111. Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарихи-и Рашиди. Введение. Перевод с персидского А.Урунбоев, Р.П.Жалиловой, Л.М.Епифановой. Примечания и указатели Р.П.Жалиловой, Л.М.Епифановой. Т., «Фан», 1996,
112. Мулло Олим Маҳдум Хожи. Тарихи Туркистон. Қарши, «Насаф». 1992.
113. Мулло Олим Маҳдум Хўжа. Туркистон тарихи. Тошкент, 1915.

114. Мулло Юнусхон. Амири лашкар Алимкул тарихи. Алимкул жангномаси. Нашрга тайёрлаганлар. Р.Шамсутдинов, П.Равшанов. Т., 1998.
115. Муҳаммаджонов А.Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Т., «Фан», 1957.
116. Муҳаммаджонов А.Р. История орошения низовьев Зарафшана (с древнейших времен до начала XX в.), Ташкент, 1972.
117. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи (V асрдан XVI аср бошларигача). Т., «Ўқитувчи», 1994.
118. Мухторов А. Дилшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX—начале XX вв.
119. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. Т., «Шарқ», 2001.
120. Мустафо Чўқай ўғли. Керенский ва Туркистон миллий ҳаракати. «Ёш Туркистон», Берлин-Париж. 1930, 9—10-сонлар.
121. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий. Тарихи жадидаи Тошкент. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма №5732.
122. Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо Марғилоний. «Тарихи Азизий». Т., 2000.
123. Муқминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «вакф-наме». Ташкент, 1965.
124. Муқминова Р.Г., Бобобеков Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Т., 1994.
125. Мўминов И. Мирзо Бедил. Т., 1974.
126. Набиев Р.Н. «Из истории Кокандского ханства». Т., «Фан», 1973.
127. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства.—Казань, 1886.
128. Неру Джавахарлал. Открытие Индии. М., Политиздат, 1989.
129. Никольский М. «Героические кровавые страницы Ахалтекинской экспедиции и осад крепости Голубых гор (Геоктепа)». СПб, «Самокат», 1903.
130. Ниёзмухаммад Ашур Муҳаммад ўғли Қўқондий. «Тарихи Шоҳруҳи». Қозон, 1875.
131. Норқулов Н., Сирожиддинов С. Намоз ким эди? «Ленин йўли», 1972, 16—18 май сонлари.
132. Олим Шарофиддинов. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. Тошкент, II жилд, 1945.
133. Остроумов Н.П. К истории народного образования в Туркестанском крае. Константин Петрович фон Кауфман—устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания Н.П.Остроумова (1877—1881 гг.). Т., 1899.

134. Орлов А.С., Георгиев В.А., Георгиева Н.Г., Сиховина Т.А. История России. Учебник. Издание второе, переработанное и дополненное. «Проспект», Москва, 2001.

135. Попов А. Л. «Из истории завоевания Средней Азии» (Исторические записки) Т., 1940.

136. Попов М. «Ак пашша—белый генерал». «Звезда Востока», 1990, № 3.

137. Покровский М.Н. К вопросу об историческом развитии России. Ленинград, 1925.

138. Пиримкул Қодиров. Рухнинг жасорати. «Халқ сўзи», 1991 йил. 1 февраль.

139. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар. Т., «Ўзбекистон», 2000.

140. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т., «Университет», 2002.

141. Савицкий А.П. «К истории правобережного района Амударьи после присоединения к России». Т., 1957.

142. Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX—начале XX века. Т., 1972.

143. Сагдуллаев А. ва бошқалар. «Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти». Т., «Академия», 2000.

144. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. (1-қисм). Тошкент, 1993.

145. Санг-Заде. К 30-летию Андижанского восстания 1898 г. «Революция в Средней Азии». Сборник 1. Тошкент, 1928.

146. Сайфиддин Хожи Жалилов. Салтанатни титратган кунлар (Андижон қўзғолонининг 100 йиллигига бағишланади). Т., «Фан», 1998.

147. Серебренников А. Г. «Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания», 10 т. Собрал полковник А. К. Серебринников. Т., Штаб Туркестанского военного округа. 1914—1915.

148. Серебренников А. Военные действия против кокандцев (на основе официальных данных) «Военный сборник», 1876, 2-сон.

149. Сирожиддин Аҳмад. Мунаввар Қори. «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 5-сон.

150. Содиқов Ҳ., Бобобеков Ҳ. Қурбонжон—халқ мадакори. «Гулистон», 1974 йил, 7-сон.

151. Тагеев Б. Л. «Памирские походы» 1892—1895 гг. «Десятилетие присоединения Памира к России». Варшава, 1902.

152. Тарих-и Алимқули амир-и Лашкар. Шодмон Воҳид Ҳусайинзода сўз боши ёзиб, нашрга тайёрлаган. «Шарқ юлдузи», 1996 йил, 1—2-сонлар.

153. Терентьев И.А. «История завоевания Средней Азии». Т.2, СПб, 1906.

154. Тиллабоев С. Мустамлакачиларга қарши Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон. «Ўзбекистон тарихи», 2002, 1-сон.

155. Тихомиров М.Н. «Присоединение Мерва к России» М., Изд. Вос-лит. 1960.
156. Тўраев А.Х. XIX аср охири—XX аср бошида Қорақалпоғистондаги деҳқонлар ҳаракати. Нукус, «Қорақалпоғистон», 1991.
157. Турсунов Ҳ., Бекназаров Н. «Ўзбекистон ССР тарихи». Т., Ўқитувчи, 1982.
158. Файзулла Қиличев. Мустақилликнинг фожиали йўли. «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 7-сон.
159. Феодоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. Т., 1925.
160. Фозилбек Отабек ўғли. «Дукчи Эшон воқеаси». Фарғонада истибод жаллодлари. Нашрга тайёрловчилар Сирожиддин Аҳмад, Улуғбек Долимов, Шухрат Ризаев. Т., «Чўлпон», 1991.
161. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент, 2000.
162. Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том, 1-китоб. С.П.Толстов, А.Н.Набиев, Я.Ф.Фуломов ва В.А.Шишкиннинг таҳрири остида. Т., «Фан», 1956.
163. Ўзбекистон ССР тарихи. И.Мўминов таҳрири остида. I—II жилд. «Фан», 1970.
164. Ўзбекистон ССР тарихи. Муаллифлар жамоаси. Қадимги даврдан ҳозирги кунларгача. Т., «Фан», 1974.
165. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Маърузалар тўплами. Ш.Каримов таҳрири остида. Т., «Ўқитувчи», 1992.
166. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1—2 том. Академик А.Асқаров таҳрири остида, 1992.
167. Ўзбекистон тарихи. Т., «Университет», 1997.
168. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари учун дарслик). «Янги аср авлоди», Т., 2003.
169. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2001, I—IV жилд.
170. Ҳабибулло, Рустамбек Шамсутдинов. «Ёлқин». Тарихий роман. Т., «Шарқ», 2001.
171. Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857—1868). М., 1960.
172. Хасанов А.Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. М., 1977.
173. Хидояттов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60—70 гг). Т., 1969.
174. Холбоев С. Мунаввар Қори. «Фан ва турмуш». Т., 1991, 4-сон.

176. Холбоев С. Ойболта остидаги сўз. «Турон тарихи». Т., 1992.
177. Холбоев С. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Ўрта Осиёдаги педагогик фикрлар тадқиқотидан лавҳалар. Т., «Фан», 1996.
178. Хорошин М. «Геройский подвиг уральцев под Иконом; 5 и 6 декабря 1864 г. Уральск, 1895.
179. Хорошин А. П. Туркистон ўлкасига оид мақолалар тўплами. Санкт-Петербург. П.Равшанов ўзбек тилига ўгирган кўлөзма.
180. Чориев Зоир. Туркистон мадикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916—1917 йиллар). Т., «Шарқ», 1999.
181. Шамсутдинов Р., Абдуллаев Ф., Абдуллаев М. Буюк Бобурийлар салтанати. Андижон, «Мерос», 1995.
182. Шамсутдинов Рустам. «Дукчи Эшон воқеасидан сўнг».- «Шарқ юлдузи», 1991, 6-сон.
183. Шамсутдинов Рустамбек. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби. Андижон, 1991.
184. Шамсутдинов Рустамбек. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, «Мерос», 1994.
185. Шамсутдинов Рустамбек. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма. «Мулоқот», 1991, 11—12-сонлари.
186. Шамсутдинов Рустамбек. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т., «Шарқ», 2001.
187. Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Истиқлол учун кураш фидойилари. Андижон, «Мерос», 1993.
188. Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири—XX аср бошлари). Андижон, «Мерос», 1995.
189. Шамсутдинов Р.Т. Русские демократы и туркестанские джадиды: их совместная борьба. История: проблемы объективности и нравственность. Ташкент, 2003.
190. Шамсутдинов Р.Т., Бойқобилов Б. Истиқлол ва миллий тарих. «Қишлоқ ҳаёти», 2002 йил, 4, 8, 11, 15 октябрь.
191. Шариф Юсупов. Буни умр дерлар... «Жамият ва бошқарув». 2002 йил, 1-сон.
192. Шухрат Ризаев. Жадид драмаси. Т., «Шарқ», 1997.
193. Шкапский О. «Прошлое и настоящее Туркестана» (К 50-летию штурма г. Ташкента). 1915, «Кауфманский сборник, изданный в память 25 лет, истекших со дня смерти покорителя и устроителя Туркестанского края ген. адъютанта К.П. Фон Кауфмана 1-го». М., 1910.
194. Эгамназаров Алиназар. Сиз билган Дукчи Эшон. Хужжатли қисса. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. Тошкент, 1994.
195. Юдин М. Взятие Ак-мечети в 1853 г. как начало завоевания Кокандского ханства. М., 1912.

196. Юлдашев А.М. Агарарные отношения в Туркестане. Конец XIX—начало XX вв. Т., 1969.
197. Юлдашев М. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI—XVII вв. Т. «Фан», 1964.
198. Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т., «Шарқ», 1995.
199. Янги Туркистон. Истанбул, 1927, 1-сон.
200. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихидан лавҳалар. Т., «Меҳнат», 1992.
201. Ҳамдам Содиқов, Рустамбек Шамсутдинов, Поён Равшанов. Жалидлар ва рус демократлари. «Ўзбекистон овози», 1997, 18,20,23,25, 30 декабрь сонлари.
202. Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. 2-жилд. Тошкент, 1998.
203. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдуллонома. 1-жилд. Т., «Фан», 1999.
204. Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1992.
205. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспиринский. Т., 1992.
206. Қосимов Б. Абдулла Авлоний. Т., 1979.
207. Қосимов Б. Долимов У. Маърифат дарғалари. Т., 1990.

### Диссертациялар

208. Зиёева Д.Ҳ. Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати XX аср тарихнавислигида (1916 йил қўзғолони ва 1918—1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари). Докт. дисс. Тошкент, 1999.
209. Кененсариев Ташманбет. XIX қылымдын 50—70-жылдарындагы Кыргызстандагы соясий ОНУГУУ. Адистити: 07,00,02-Кыргызстандын тарыхы. Тарых илимдеринин доктору онумуштулык даражасынын алууга талантанын жазылган дисертациянын авторефераты. Бишкек, 1998.
210. Содиқов Ҳ. Ж. XX аср бошларида чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш. Докт. дисс. Т., 1994.
211. Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири ва XX асрнинг 20-йиллари). Номзодлик диссертацияси. Андижон, 1996.
212. Хаиров А. Ташкентская городская дума в период трех революций. Дисс. на соис. уч. ст. канд. ист. наук. Т., 1948.
213. Чориев З.У. XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари. (Мардикорликка сафарбарлик мисолида). Докт. дис. Тошкент, 1999.

## МУНДАРИЖА

|  |      |
|--|------|
| Муқаддима . . . . .  | 3    |
| <b>I б о б. XVI ва XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқлари</b>                               |      |
| 1. Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши . . . . .   | 9    |
| 2. Шайбонийхон ва Бобур Мирзонинг ўзаро муносабатлари . . . . .                                    | 10   |
| 3. Шайбонийхон ва Шоҳ Исмоил . . . . .   | 13   |
| 4. Бухоро хонлигининг ташкил топиши . . . . .  | 19 ✓ |
| 5. Аштархонийлар (жонийлар) сулоласи . . . . .   | 24   |
| 6. Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатида сиёсий тузум,<br>социал-иқтисодий муносабатлар . . . . . | 31   |
| 7. Шайбонийлар ва аштархонийлар даврида маданият ва<br>адабиёт . . . . .                           | 41   |
| 8. Бобурийлар мероси . . . . .   | 57   |
| <b>II б о б. Ўзбек хонликлари</b>  |      |
| 1. Хонликларнинг ташкил топишидаги тарихий шароит . . . . .  | 66 ✓ |
| 2. Бухоро амирлиги—манғитлар сулоласи . . . . .  | 70 ✓ |
| 3. Ҳива хонлиги . . . . .  | 85   |
| 4. Қўқон хонлиги . . . . .   | 92   |
| 5. XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқлар . . . . .  | 107  |
| 6. Хонликлар даврида таълим, фан ва маданият . . . . .   | 114  |
| 7. Меъморчилик ва санъат . . . . .   | 138  |
| <b>III б о б. Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши</b>                               |      |
| 1. Туркистонни забт этишнинг бошланиши . . . . .   | 144  |
| 2. Тошкентнинг мудофаа қилиниши . . . . .  | 153  |
| 3. Бухоро амирлигига қарши олиб борилган жанглар . . . . .   | 156  |
| 4. Ҳива хонлигининг забт этилиши . . . . .   | 164  |
| 5. Қўқон хонлигига қарши юришлар ва унинг тугатилиши . . . . .                                     | 170  |
| 6. Туркистонни босиб олишнинг тугалланиши . . . . .  | 179  |
| <b>IV б о б. Туркистонда чоризмнинг мустамлака ҳукмронлиги</b>                                     |      |
| 1. Ўлкада мустамлакачилик сиёсати . . . . .  | 184  |
| 2. Мустамлакачилик зулмига қарши кураш . . . . .   | 203  |
| 3. Дарвишхон қўзғолони . . . . .   | 204  |
| 4. Тошкент қўзғолони . . . . .   | 206  |
| 5. 1898 йилги Андижон қўзғолони . . . . .  | 210  |

## **V б о б. Мустамлака Туркистонда маданий ҳаёт**

1. Маориф . . . . . 225
2. Адабий-маърифий жараён. Тарих ва бадиий ижод . . . . . 229

## **VI б о б. Туркистон XX аср бошларидаги сиёсий ларзалар ва бўҳронлар даврида**

1. Туркистонда чор Россияси мустамлакачилик зулмининг янада кучайиши . . . . . 254
  2. Ўлкада демократик ва миллий-озодлик ҳаракатларининг авж олиши . . . . . 265
  3. Жадиличилик ҳаракати . . . . . 266
  4. 1916 йилги қўзғолон . . . . . 303
- Хотима** . . . . . 336
- Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар** . . . . . 340



Рустамбек Шамсутдинов, **Шоди Каримов**,  
Ўктамжон Убайдуллаев

## **ВАТАН ТАРИХИ**

*(XVI—XX аср бошлари)*

*И к к и н ч и к и т о б*

Тошкент  
«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
2003

Муҳаррирлар: *И.Шоймардонов, Д.Исмоилова*  
Бадий муҳаррир: *М.Самойлов*  
Техник муҳаррир: *Л.Хижова*  
Саҳифаловчи: *М.Атхамова*  
Мусаҳҳиҳ: *Ю.Бизайтова*

Теришга берилди 20.10.2003. Босишга рухсат этилди 05.11.2003.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Таймс» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 18,4. Нашриёт-ҳисоб табоғи 19,8. Адади 2000 нусха. Буюртма  
№ 5467. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

